



Мурод Шарифхўжаев

Ўзбекистонда очик
фуқаролик жамиятининг
шаклланиши

МУРОД ШАРИФХЎЖАЕВ

**ЎЗБЕКИСТОНДА
ОЧИҚ
ФУҚАРОЛИК
ЖАМИЯТИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИ**

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2003

Маъсул муҳаррир:

*юридик фанлари доктори
профессор А.Х. Саидов*

Тақризчилар:

*иқтисод фанлари доктори,
профессор, Ўзбекистон Республикаси
Фанлар Академияси ҳақиқий аъзоси
О.Ҳ. Ҳикматов*

*сиёсий фанлар доктори,
профессор Н.Қ. Жўраев.*



Том маънодаги давлатли жамият бўлиши фуқаролик жамияти — ижтимоий тараққиётнинг олий ютуғи. Давр императиви сифатида у демократик жамият асосларини фаол барпо этишга имкон берувчи Конституция ва қонун устунлиги, умуминсоний қадриятлар, ҳақиқий демократиянинг умумжаҳоний тан олинган нормалари, инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўла таъминланган ҳуқуқий жамият-дир.

Мустақил давлатимизнинг стратегик мақсади бўлган очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнлари таҳлили мисолида ичдан, ботинан ривожланиш қонуниятига асосланган фуқаролик жамиятининг умумтан олинган қадриятлари академик М.Ш. Шарифхўжаевнинг мазкур китобида назарий-амалий жиҳатдан концептуал умумлашмасини топган. Китоб кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллигига бағишланади.

Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир.

Ислом Каримов

МУҚАДДИМА

Мустақил Ўзбекистон ўз истиқлол давлатчилиги ривожининг тўртинчи тақдириломон сифат босқичига қадам кўйди. **Босқичнинг бош стратегик мақсади** — Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишдир. Зотан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов таъкидлаганидек, фуқаролик жамиятини шакллантириш **«бизнинг бош концепциямиз ва миллий равнақимиз асосидир»**.

Босқичнинг назарий-методологик асос-манбаси бўлиб Йўлбошчимиз яхлит сиёсий-ҳуқуқий таълимотининг муштарак квинтэссенцияси бўлмиш Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг «ўзбек модели»нинг машҳур беш тамойили ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш билан боғлиқ мумтоз стратегияси узвийлигига ботинан вобаста **етти устувор мақсад-вазифалар концепцияси** хизмат қилади.

Беш тамойил моҳият-мундарижаси тугаллигидан келиб чиққан ушбу **мақсад-вазифалар** Ўзбекистоннинг мустақил, суверен давлат мақомида ўзини ўзи узлуксиз янгидан кашф эта бориш цивилизацияси сабабоқибати тақозосидир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг кўп асрлик давлатчилик тарихида истиқлолнинг ўн икки йили давомида мустақилликни қўлга киритиш ва уни мустаҳкамлаш,

тоталитаризмдан демократик тараққийет сари юз тутиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қарор топтириш, очиқ фуқаролик жамияти асосларини шакллантира бориш каби тақдириломон буюк ўзгаришлар рўй берди.

Воқеаларга бой даврнинг теран мазмун-моҳияти миллий тараққийетнинг пировард мақсади бўлган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришдек конституциявий ниятда теран намоён бўлди.

Фуқаролик жамияти шаклланиши ижтимоий ривожланишнинг миллий ўзига хос ва ўзига мос моделининг интеграциявий стратегияси сифатида тараққийетнинг инсонпарвар, цивилизациявий йўналишини ўзида акс эттиради. Шу билан бирга фуқаролик жамияти ижтимоий қурилишнинг реал шакли сифатида ялпи туб демократик муносабатларнинг, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг яхлит мажмуи сифатида амалга оширилаётган ислохотларнинг янги ҳал қилувчи босқичини ташкил қилади.

Маълумки, фуқаролик жамияти асрлар синовидан ўтган ижтимоий тараққийетнинг бугунги кундаги тамаддун шакли сифатида тан олинган.

Қадим табиий ва одат ҳуқуқларига асосланган «қабилавий демократизм» анъаналаридан тортиб, кўҳна Бобилнинг «Хамураппи қонунлари»-ю «Авесто» нормалари ҳамда уларга асосланган зардуштийлик таълимотигача фуқаролик жамиятининг ибтидоий ва кайҳоний кўринишлари ҳақида илк маълумотлар берилди.

Инсониятнинг Арасту, Афлотун, Конфуций сингари буюк мутафаккирлари, шунингдек, Шарқнинг улур алломалари асрлар давомида фуқаролик жамияти билан боғлиқ муаммолар хусусида ҳамisha бош қотирганлар. Жумладан, Форобий, ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб ва бошқа қомусий ақл эгалари сиёсий-фалсафий таълимотларида фуқаролик жамиятини шакллантириш билан боғлиқ қатор сиёсий-ҳуқуқий, назарий ғоялар ифодасини топган.

Фуқаролик жамиятининг классик назарияси Г. Ф. Гегель таълимотига мансуб. Буюк немис мутафаккири ўзининг «**Ҳуқуқ фалсафаси**» китобида фуқаролик жамиятининг **уч қонуний асос-белгиси (иқтисодий асос-белги, сиёсий асос-белги ва маънавий асос-белги)** ҳақидаги яхлит таълимотини яратди. Олимнинг ушбу

назарияси ҳамиша адолатли фуқаролик жамияти учун бош концептуал асос-моҳият бўлиб қолаверади.

Фуқаролик жамиятини идеал ҳолда тасаввур қилувчиларнинг таъкидлашича, бу жамият очиқ, одил жамият бўлиб, унда эркин ва тенг ҳуқуқли шахслар истиқомат қилишади, улар ўз фуқаролик ҳамда сиёсий ҳуқуқларига эга бўлишади, давлатни бошқаришда фаол иштирок этишади, фикрларини ошқора айтиш, эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш, ўз мақсадларига мос келадиган уюшма ва ташкилотлар тузиш имкониятларига эга бўлишади.

Иқтисодий нуқтаи назардан бу очиқ жамиятда бозор иқтисодиёт демократиясига айланади. Фуқаролик жамияти классик назариясининг умум тан олинган иқтисодиёт билан боғлиқ **бош асос-белгиси** қонуний талабига кўра, эркин бозор жараёнларида мулкнинг турли шакллари фаол иштирок этишади. Хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилади.

Фуқаролик жамиятининг сиёсий асос-белгиси ғоялар плюрализида, виждон, сўз ва матбуот эркинлигида, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигида тегна намоен бўлади.

Адолатли очиқ жамиятнинг маънавий асос-белгиси умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги билан белгиланади. **Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида** «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади...» (13-модда), деб ёзилгани бежиз эмас.

Айни пайтда, замонавий фуқаролик жамияти олий цивилизация сифатида ўзининг **конституциявий-ҳуқуқий асос-белгисига** ҳам эга.

Фуқаролик жамиятининг ана шу **тўртта асос-белгиси** билан боғлиқ табиий талаблар мустақил Ўзбекистон истиқлол сиёсатининг тақдириломон мазмун-мундарижасини ташкил этади, унинг тарихан ғоят қисқа даврда адолатли очиқ жамият сари юз тутганлигини амалий исботлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, гарчи «фуқаролик жамияти» атамаси махсус ишлатилмаса-да, адолатли очиқ жамият талаблари ва қадриятларига хос норма ҳамда қоидалар «*Халқ ҳокимиятчилиги*», «*Конституция ва қонуннинг устунлиги*» бобларида, «*Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликла-*

ри ва бурчлари», «Жамият ва шахс», «Давлат ҳокимия-тининг ташкил этилиши» бўлимларида у ёхуд бу мазмунда аксини топган. Уларнинг яхлит мундарижаси конституционализм негизида конституциявий давлат барпо этиш, конституциявий жамиятни шакллантиришга қаратилган. Чунки конституциявий давлат ҳамиша ўз мақоми билан очиқ фуқаролик жамиятига асос бўлади. Фикримизни Олий Мажлиснинг XI сессиясида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни яна бир бор исботлайди.

Зотан, ижтимоий тараққиётнинг доимо ривожланиб, такомиллашиб боришининг тамаддун йўли ҳисобланмиш фуқаролик жамиятини инсоният йиллар давомида орзу қилиб келган. Инсоният бу орзусига ниҳоят етди, етмоқда. Бунинг ҳозирги замондаги исботини Ўзбекистон мисолида ҳам кўриш бахти бизга насиб эта бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов иккинчи чақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги дастурий нутқида илк бор фуқаролик жамияти асосларининг Ўзбекистон билан боғлиқ назарий-амалий муаммоларини **етти устивор мақсад-вазифа** силсиласида концептуал умумлаштириб берди.

Ислом Каримовнинг Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш билан боғлиқ яхлит сиёсий ва ҳуқуқий таълимоти методологияси, шунингдек, фуқаролик жамиятининг тарихий ва замонавий илмий-амалий асос-моҳиятлари силсиласида биз Ўзбекистонда амалга оширилаётган ялпи туб ислоҳотларнинг пировард-натijasи уйғун ҳолда мужассам бўлмиш очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш билан боғлиқ туб ислоҳий жараёнларни тарихий ретроспектив ва перспектив истиқбол йўналишларида типологик умумлаштиришни мақсад қилиб қўйдик. Ниятимизга қай даражада эришганимиз муҳтарам китобхон ҳукмига ҳавола.

Биринчи бўлим

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ (НАЗАРИЙ-ТАРИХИЙ ТАЛҚИН)

Фуқаролик жамияти давлатдир.

Гегель

І б о б

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ — ИНСОН СОЦИУМИНИНГ МУСТАҚИЛ ТИЗИМИ

Фуқаролик жамияти — инсоният цивилизациясининг нодир кашфиёти. У юксак маданиятга асосланган демократик тараққиётнинг олий шакли бўлиб, ўзига хос ижтимоий эркин макондир. Бу маконда одамлар бир-биридан ва давлатдан мустақил ҳолда ўзаро ҳамкорликда алоқада бўлишади.

Фуқаролик жамиятининг асоси бу — тамаддунлашган, фаолиятда онгли ва эркин, тўлақонли ҳуқуққа эга индивиддир. Демак, жамият моҳияти ва сифати, энг аввало, унда яшовчи шахсларнинг теран инсоний фазилатларига — комил маданиятига боғлиқ. Ана шу тараққа фуқаролик жамиятининг шаклланиши бевосита шахснинг индивидуал озодлиги ва эркинлигига, қадрқимматига боғлиқ.

Хўш, фуқаролик жамияти тушунчаси нима? Тушунчага қандай манбалар услубий-методологик асос бўла олиши мумкин?

Маълумки, ҳуқуқшунослик илмида «давлат», «жамият» тушунчалари мавжуд. Давлат билан жамият тушунчалари бир хил эмас. **Давлат жамиятнинг шаклланган сиёсий институти.** Жамият тараққиётининг етуқлашган муайян даврида давлат пайдо бўлган. Образли қилиб айтганда, **жамият — давлатнинг онаси. Давлат — жамият «фарзанди» — маҳсули.** Шундай экан, жамият қандай бўлса давлат ҳам ўшанақа бўлади. Ва аксинча. Жамият ўз цивилизациявий ривожда қандай босқич-

ларни кечинса, давлат ҳам шунга муносиб тарзда ўзгариб, такомиллашиб бораверади. Бу — қонуният.


Гап шундаки, жамият турли индивидларнинг оддий мажмуи, жамоаси эмас. Жамият — мураккаб ижтимоий организм. У — одамларнинг ўзаро муносабатлари, алоқалари маҳсули. Улар ҳаёти, энг аввало, ишлаб чиқариш, турмуш фаровонлигини таъминловчи истеъмол буюмлари ва уларнинг ўзаро алмашинуви билан боғлиқ муайян муштарак ташкилот — институтдир.

Жамият — оилавий қавм-қариндошлик, ижтимоий гуруҳ ва қатламлар, синфий муносабатлар алоқаларидан иборат мураккаб динамик тизимдир.

Бошқача айтганда, жамият биологик қонулар эмас, балки ижтимоий қонулар устувор бўлган индивидлар муштараклиги, бирлигидир.

Демак, жамият — ижтимоий муносабатлар мажмуи йиғиндиси. Бу табиий эътироф, *биринчидан*, жамият тушунчасига аниқ тарихий ёндашувни, яъни жамият ривожини бошқичларини бир-бирдан ажратишни, *иккинчидан*, ижтимоий ҳаётнинг иқтисодий, маънавий жабҳаларининг ўзига хос хусусиятларини, *учинчидан*, ижтимоий муомаланинг шахс, оила, миллат, давлат каби субъектларини аниқ белгилашни тақозо этади.

Фуқаролик жамияти билан давлат нисбати узвийлиги ўлароқ, халқ ҳаёти ва фаолияти фуқаролик жамиятига хос қуйидаги тизим асосида кечади:



«Жамият» ва «фуқаролик жамияти» тушунчаларини айнан бир хил талқин қилмаслик лозим. Гап шундаки, фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожининг инсоният, давлат, ҳуқуқ тарихининг муайян цивилизациялашган даври билан боғлиқ. Давлатдан фарқли ўлароқ, жамият ҳамиша мавжуд бўлган. Лекин ҳамиша ва ҳар доим ҳам у фуқаролик жамияти мақомига эга бўлмаган. Бўла олмайди ҳам. **Фуқаролик жамияти инсоният жамиятининг олий кўриниши, олий шакли.** Бу жараён ҳозир ҳам шаклланиш босқичида қизғин давом этмоқда.

Фуқаролик ва фуқаро ҳақидаги тасаввурлар пайдо бўлган даврлардан бошлаб фуқароларнинг умумуюшмаси сифатида **жамият тушунчаси** юзага келди. Бу, аввало, Шарқда, жумладан, қадим Бобилда «Хаммурапи қонунлари», қадим Туронда «Авесто» сиёсий ва ҳуқуқий таълимоти билан боғлиқ оташнарастлик, яъни зардуштийлик замонида, кейинчалик қадим Эллада, қадим Римда пайдо бўлди.

Қадимда фуқаролик жамияти билан давлат ўртасида фарқ йўқ эди. Масалан, Арасту «**давлат — бу фуқароларнинг, фуқаролик жамиятининг умумуюшмасидан бўлак нарса эмас**», деб таъкидлаган эди. Кўриняптики, Арасту «*давлат*» тушунчаси билан «*фуқаролик жамияти*» тушунчасини айнан бир хил нарса, деб талқин қиляпти. Шундай талқин XVIII асргача, яъни фуқаролик жамияти ҳозирги тушунчаси мақомида тушунилганича давом этди. Масалан, Сен-Симон жамият иккита душманни, яъни **анархия (бошбошдоқлик)** ва **деспотизм (зўравонлик)**ни ёқтирмайди, деб таъкидлайди.

Фуқаролик жамияти ижтимоий алоқаларнинг шундай етук жамиятики, унда юқоридаги икки иллат мутлақо инкор этилади.

Гегель ўзининг машхур «*Ҳуқуқ фалсафаси*» асарида фуқаролик жамияти тушунчасини ва назарий асосларини илк бор яхлит илмий таълимот сифатида кашф этиб берди.

Гегелнинг сиёсий ва ҳуқуқий, фалсафий таълимотида фуқаролик жамияти **икки фундаментал тамойилга асосланиши** исбот қилиб берилади. *Биринчиси* — индивидлар, яъни одамлар фақат ва фақат ўз хусусий манфаатларини кўзлайдилар.

Иккинчиси — ана шу одамлар ўртасида ижтимоий алоқалар юзага келади, улар бир-бирларига муҳтожлик ҳис этишади.

Кўриниб турибдики, Гегель сиёсий фалсафасида ўз ижтимоий мавқеи, шахсий манфаатлари ва эҳтиёжидан келиб чиқадиган инсон фуқаролик жамиятининг бош элементи ҳисобланади. Бошқача айтганда, Гегель фуқаролик жамияти, деганда буржуа муносабатларининг иқтисодий таркибларини назарда тутган. Бу жуда тўғри ёндашув эди ва ушбу масалада кейинроқ батафсил тўхталинади.

Гегель қарашлари «**фуқаролик жамияти**» атамаси ҳамда бу сўз бирикмасининг этимологиясидан келиб чиққан. Немисча «*Bürgerliche Gesellschaft*» (*Бургерлеске бешелшафт*) икки маънога эга: **бургер** («**буржуа**») — **бу ҳам фуқаро ва ҳам буржуа**, деганидир. Демак, хусусий мулкчилик ижтимоий таркиби сифатида фуқаролик жамияти, авваламбор, бозор муносабатлари тизимини ифода этади. Бу тизим маъмурий ҳокимият бошқара олмайдиган жараёнларни, жумладан, турли хил рақобатларга бардош бера оладиган бозор муносабатларининг ўз табиий ички талаб ва қонуниятлари асосида ривожланишини таъминлайди. Мухтасар айтганда, инсон фаолиятида ижодий изланиш, тадбиркорлик уддабуронлик аниқ намоён бўлгандагина, шахсининг озодлик, эркинлик ҳақидаги орзулари реал амалга ошсагина фуқаролик жамияти барпо этилади.

Фуқаролик жамиятининг асосий белгилари қандай?

Ҳуқуқшуносликнинг классик назариясида (Гегель таълимотида) фуқаролик жамиятининг **уч асосий белгиси** қайд этилади.

Биринчиси — иқтисодий асос-белги.

Иккинчиси — сиёсий асос-белги.

Учинчиси — маънавий асос-белги.

Бу асос-белгилар қайд этилган даврларда бирор бир давлатда ҳозирги маънодаги Конституция ва ҳуқуқий манбалар йўқ эди. Инсоният ўз демократик тамаддун ривожиди Конституцияни кашф этиш, ўз ҳаётини аниқ конституциявий-ҳуқуқий асосларда белгилашдек қадриятни кашф этди. Шу сабаб ҳозирги демократик дунёни айнан мазкур қадриятларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ушбу демократик омил фуқаролик жамиятининг яна бир — *тўртинчи (аслида биринчи) асос-белгисини* тайин этди.

Фуқаролик жамиятининг бош асос-белгиси бўлиб **иқтисодиёт** ҳисобланади.

Фуқаролик жамиятининг иқтисодий белгиси хусусий мулкчиликка асосланган. Хусусий мулк фақат ва

фақат эркин, очиқ, ботинан ривожланишга қодир, сиёсийлашмаган, ҳар қандай мафкурадан, яъни мафкуравий монополизмдан холи жамиятдагина шаклланади, мавжуд бўлади.

Тарихий тажриба бот-бот исботлаганидек, хусусий мулк, наинки, одамларни ижтимоий жиҳатдан табақалаштиради, айти пайтда, уларни бирлаштиради ҳам. Пировард оқибатда айнан хусусий мулк давлат ҳокимиятидан мутлақо автоном бўлган фуқаролик жамияти таркибини шакллантиришга имкон беради. *Гегелнинг* «ҳаддан ташқари қашшоқлик ва камбағалликнинг пайдо бўлишига қарши курашиш учун фуқаролик жамияти айтарлик даражада бадавлат эмас», деган қарашини олға сурган давр энди ортда қолиб кетди. Ривожланган мамлакатларда одамларнинг турмуш даражаси фаровонлиги ошиб кетган тамаддун, яъни цивилизациялашган жамият юзага келди. Уларда шаклланган фуқаролик жамияти синфлар, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни кескинлаштирмаслик, жамиятни ҳар қандай ижтимоий инқилоблар бўҳронига тортмаслик имконини беради.

Фуқаролик жамияти мустақил ишлаб чиқарувчи, мустақил эркин харидор, мустақил озод фуқаро жамиятидир.

Мустақил ишлаб чиқарувчи хусусий мулкдор ҳам, истаган жамоа ҳам бўлиши мумкин. Айти пайтда, ҳозирги барча ривожланган давлатларда тенг асосда давлат мулки ҳам мавжуд.

Айнан хусусий мулк жамиятни демократик туб ислоҳ қилишда бош омил ҳисобланади. Хусусий мулкдор тегишли қонунлар доирасида истаган пайти ўз хоҳиши ва имконига қараб, давлатга «йўқ», дея олиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ унга ўз моддий имкониятларидан ажралиб қолмаслик имконини беради.

Ишлаб чиқарувчилар жамиятнинг муайян қисми бўлишса, истеъмолчилар бутун жамият ҳисобланади. Моддий ва маънавий неъматлар истеъмолчиси бўлган ҳар бир фуқаро тўқ, фаровон бўлсагина, истеъмол билан боғлиқ тақчиллик бўлмасагина жамият ҳам, давлат ҳам тинч, барқарор ва фаровон бўлади.

Зарур маҳсулот ва хизматлар тақчиллиги, мулкнинг ноҳақ тақсимланганлиги жамиятда ижтимоий норозиликка сабаб бўлади. Ана шундай норозилик юзага келмаслиги учун ташаббусни маъмурий ҳокимият ўз қўлига олишга интилади. Натижада истеъмолчи мутлақо маъ-

мурий ҳокимиятга қарам бўлиб қолади. Бу энди фуқаролик жамияти эмас, балки **тоталитар жамият** бўлади.

Хўш, бундай қарамликдан қутилиш йўли борми? Бор. У — эркин хусусий мулк, эркин мулкдор, тадбиркор!

Тоталитар жамиятдан очиқ фуқаролик жамиятига ўтишда «социалистик мулк»ни кенг ва одил равишда хусусийлаштириш воситасидагина хусусий мулкни, яъни мулкдорлар синфини шакллантириш мумкин. Мавжуд қонунлар асосида расман хусусийлаштирилган мулкни демократик давлат ўзига қайтариб олмайди. Аксинча, бундай давлат хусусий мулк эгаси билан ҳисоблашишга, унга зарур ҳуқуқий ва моддий имкониятлар яратиб беришга мажбур бўлади. Бироқ буни қилиш жуда оғир ва хавфли: жамиятда кечаётган ижтимоий жараёнларни издан чиқариб юбориш мумкин. Шу сабаб ҳам давлат иқтисодиётда ташаббусни қўлдан чиқармасликка ҳаракат қилади.

Лекин том маънодаги демократик мамлакатларда давлат фуқаролик жамияти фаолиятига аралашмайди. Ўзини ўзи бошқара оладиган фуқаролик жамияти мустақил мулкдорлар ўртасидаги эркин рақобатни ҳимоя қилади, шундан келиб чиқиб **либерал давлат** мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилгани ҳолда, бутун жамият манфаатлари йўлида объектив хизмат қилади. Айнан ана шу мақсадда Ўзбекистон ўзининг эркинлаштириш, жумладан, иқтисодиёт соҳасини эркинлаштиришни давлат сиёсатига айлантирди, қатъий инфратузилмага эга қўп укладли эркин бозорни шакллантиришга киришди. Мақсад — Ўзбекистонда мулкдорлар синфини шакллантириш, унинг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлашдир.

Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида иқтисодиётни эркинлаштириш билан боғлиқ вазифаларни аниқ белгилаб берди. «*Мақсад, — дейди Йўлбошчимиз, — биринчи навбатда, давлатнинг бошқарув родини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш*»дан иборат.

Маълумки, бутун ҳуқуқий давлат ва унинг негизда шаклланадиган фуқаролик жамияти моҳиятларида фуқаролик жамиятининг сиёсий характеристикаси фавқулодда уйғунлик касб этмоқда. Олдиндан огоҳланти-

риб қўйсақ: тарихий табиий жараёнлар ривожда дарҳол фуқаролик жамиятига ёхуд ҳуқуқий давлатга биринчиликни бериб қўйсақ, бу ҳам назарий ва ҳам амалий жиҳатдан мутлақо нотўғри бўлган иқтисодиёт билан сиёсатни бир-бирига қарама-қарши қўйишдек зиддиятга сабабчи бўлади.

Ёлғиз давлатчилик ривожи асосий мақсад қилиб олинса, унда фуқаролик жамиятининг сиёсий характеристикаси бир ёқлама бўлиб қолади. Демократия амалда фаол бўлиши фуқаролик жамиятида плюрализмнинг, яъни сиёсий-ғоявий қарашларнинг хилма-хил бўлишини тақозо этади. Бундай плюрализмни кўппартиявийлик, нодавлат ва жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, тадбиркорлар, мустақил жамоалар уюшмалари таъминлайди.

Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) фуқаролик жамиятининг **сиёсий асос-белгиси тизимида** алоҳида сиёсий-ижтимоий, ғоявий-ташвиқий мақом касб этади. Айнан ОАВгина бевосита ва билвосита, яъни тўғри ва тескари алоқани ўрнатгани боис, улар фуқаролик жамияти ҳаётийлигининг бош шартига айланади, жамиятнинг атроф-муҳитдаги узлуксиз жараёнларга мослашувини таъминлайди.

Ўзбекистон фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш сиёсатида, авваламбор, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантиришга киришди. Одамларнинг сайлов ҳуқуқини, хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратмоқда. Ана шу мақсадларда 90-йилларнинг ўрталаридаёқ Ўзбекистон *«Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» сиёсий қурилиш дастурини* ишлаб чиқиб, унинг амалий ижросини таъминлашга киришган эди. Амалий самара бугун аниқ: жамиятда кўппартиявийлик юзага келди, сиёсий плюрализм йўлга қўйилди, оммавий ахборот воситаларини янада эркин демократлаштиришнинг ҳуқуқий-амалий асослари яратилди, теран сиёсий маданият тарбияланиб, шакллана бошланди.

Фуқаролик жамиятининг **маънавий асос-белгиси** умуминсоний қадриятларнинг устуворлигини тақозо этади. Фуқаролик жамиятида эркинлик, қонунлар ол-

дида барчанинг тенглиги, ижтимоий адолат устувор моҳиятлар ҳисобланади. Ҳамма учун бирдек шароит, бирдек имконият айнан умуминсоний қадриятлар сифатида ана шундай жамиятдагина юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида «*Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади*», деб ёзилган. Асосий Қонун Муқаддимасида «*халқаро ҳуқуқнинг умум-этироф этилган қоидалари устунлиги тан олинishi*» Ўзбекистон халқининг Конституциявий мақсади қилиб белгиланган.

Ана шулардан келиб чиқилгани ҳолда, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини белгилашда умуминсоний қадриятлар устувор мақсад қилиб олинган. Энг муҳими — ушбу қадриятларга миллий-тарихий қадриятларимиз фавқулудда назокат билан уйғунлаштирилгани ҳолда, аниқ амалий самаралар мавжуд. Даъвомни биргина факт-мисол билан асослаб бермоқчиман. Гап миллий ғоя ва унинг умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ яхлит мантиқий-мундарижавий моҳият-мақоми устида кетмоқда.

Маълумки, «*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*» — бош миллий ғоя ҳисобланади. Ана шу миллий ғоянинг минтақавий ва умумбашарий моҳият узвийлиги бизда мавжуд. Ўзбекистон ўз бош миллий ғояси силсиласида унинг мазмунан уйғун узвий мантиқий давоми бўлган «*Туркистон — умумий уйимиз*» миллий-минтақавий ғояни ўз Йўлбошчиси ташаббуси ўлароқ, ўртага ташлади. Ундан кўзланган сиёсий-маънавий мақсад ҳаммага аён: *миллий ғоя миллий-минтақавий ғоя силсиласида бош умуминсоний қадрият бўлмиш* «*Курраи замин — умумий уйимиз*» миллий-умумбашарий мазмун-моҳиятга айланиб кетади.

Жамият тараққий этгани сари унинг назарий муаммолари ҳам такомиллашиб боравериши табиий қонуният. Мен фуқаролик жамиятининг *уч классик асосий белгиси тизимида биринчи қилиб* шу жамият мақомини белгилаб берувчи конституциявий-ҳуқуқий асос-белгини қўшишни лозим топаман. Сабаб — оддий. Ҳозирги цивилизациялашган демократик жамият Гегель замонидаги жамиятдан тубдан фарқ қилади. У даврларда деярли барча давлатларда Конституция йўқ эди. Ҳозирги демократик дунё эса Конституция ва қонунларсиз мавжуд эмас. Ана шу оддий ҳақиқатдан келиб чиқилгани ҳолда, фуқаролик жамиятининг биринчи

асосий белгиси қилиб Конституция ва унинг негизда қабул қилинган қонунларни олиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнлари ва самараларига одил баҳо бериш учун умум-ижтимоий тараққиётнинг, жумладан, ижтимоий инженериянинг олий кўриниши бўлган фуқаролик жамияти компонентларини асосий омил қилиб олиш лозим.

Ҳозирги пайтда жамиятшунослик фанларида фуқаролик жамияти сингари мураккаб ва мазмундор бошқа категория бўлмаса керак. *Биринчидан*, бу шунинг учунки, фуқаролик жамияти бутун инсоният тараққиётининг гуманитар йўналишини ташкил этади. *Иккинчидан*, барча ижтимоий фанларнинг, жумладан, социология, иқтисодиёт назарияси, ҳуқуқшунослик, фалсафа, сиёсатшунослик ва бошқа фанларнинг тадқиқот объекти ҳисобланади. *Учинчидан*, фуқаролик жамияти кўп мамлакатларнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий жиҳатдан юксак тараққий этишлари учун ижтимоий қурилишнинг муҳим шакли бўлиб ҳисобланади. *Тўртинчидан*, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янги истиқбол контекстида асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Юқоридаги сабабларга кўра, фуқаролик жамияти категорияси хусусида батафсил тўхташ, мамлакатимиз ижтимоий тараққиёти нуқтаи назаридан унинг энг муҳим аспектларини алоҳида кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Бу яна шунинг учун ҳам муҳимки, фуқаролик жамиятининг шаклланиши, нафақат, Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг ички моҳиятини акс эттиради, айти пайтда, XXI асрнинг дастлабки ўн йилида эришишимиз зарур бўлган потенциал имкониятларимизни ҳам характерлаб беради. Мамлакатимиз янги асрга қадам қўяркан, ҳозирги замон мутафаккирлари ва сиёсатшунослари таърифлаб бераётган фуқаролик жамияти томон жадал бориш масъулиятини зиммасига олди (бу ҳақда II бўлимда муфассал фикр юритилади).

Одатда, фуқаролик жамияти хусусида гап кетганда, қадимги юнон файласуфи Арасту фикрларига таянилади. Дарҳақиқат, бу тушунча Арасту томонидан илк бор илмий ва сиёсий истемолга киритилган эди. У фуқаролик жамиятини сиёсий қурилишнинг маълум шакли орқали бир-бирлари билан боғланган эркин ва тенг

ҳуқуқли фуқаролар уюшмаси сифатида характерлаган эди¹.

Фуқаролик жамиятини давлатдан ташқари ва ундан фарқ қилувчи категория, деб тушуниш, бизнингча, мана шу Арасту фикрларидан кейин кенг тарқалди.

Фуқаролик жамиятининг асосини ўз эҳтиёжлари ва манфаатларига эга бўлган фуқаролар ташкил этади. Қолган барча сиёсий соҳалар иккинчи ўринда туради.

Фуқаролик жамияти ғояси, юқорида таъкидлаганимиздек, Европа Уйғониш даврида Г.Гроций, Т.Гоббс, Ж.Локк, Ш.Монтескье, Ж.Ж.Руссо ва бошқаларнинг асарларида янада ҳар томонлама жиддий тадқиқ этилади. Аммо «фуқаролик жамияти», деган тушунча фақат XVIII асрнинг охириларида фанда барқарорлашди. Оврупо ижтимоий фикр тараққиётида фуқаролик жамияти мутлақ ҳукмрон давлат тизимига қарама-қарши қўйилади. Айнан ўша пайтларда фуқароларнинг шахсий хусусий эҳтиёжлари, манфаатларининг ҳал қилувчи моҳиятига алоҳида эътибор берилди бошланди. Борабора ижтимоий манфаатлару таркибларга қарама-қарши ўлароқ, индивидуализм фуқаролик жамиятининг туб моҳиятига айлана борди.

Фуқаролик жамияти, деганда, энг аввало, давлатдан маълум маънода мустақил бўлган мулкый, бозор, оилавий, ахлоқий муносабатларнинг алоҳида махсус соҳаси тушунилан. Шу маънода фуқаролик жамияти расмий давлат институтлари қаторида алоҳида шахслар ва улар уюшмалари, товар ишлаб чиқарувчилар ҳамда истеъмолчилар манфаатларини таъминловчи давлатга номансуб тизимлар мавжуд жамият, деб талқин этилди.

Кўриниб турибдики, бу ерда гап фуқароларнинг шахсий ҳаётига, ўз манфаатларини қондириш учун қилаётган хатти-ҳаракатларига давлатнинг аралашмаслиги хусусида кетмоқда. Давлат фақат эркин тадбир-

¹ Қ а р а н г: *Резник Ю.М.* Гражданское общество как феномен цивилизации. — М., 1993; *Проблемы формирования гражданского общества.* — М., 1993; *Гражданское общество и перспективы демократии.* — М., 1994; *Гражданское общество. Мировой опыт и проблемы России.* — М., 1998; *Туров И.С.* Общество как социальная система. //Социально-политический журнал. 1994, №12; *Френк Ричард Д.* Государство, общество и бизнес в условиях индустриальной демократии.//Проблемы теории и практики управления, 1993, №1; *Кравченко А.И.* Введение в социологию. — М., 1994; *Очерки по истории теоретической социологии XIX — нач. XX вв.* — М., 1994; *Политология* (Под ред. Т.В. Полуниной). — М., 1998; *Человек и общество.*//Социально-политические науки. 1992, №8; *Демидов А., Федосеев А.* Основы политологии. — М., 1995 ва б.

корларнинг ҳаракатлари, ташаббуслари, амалга ошираётган ишларига холисона раҳнамолик қилиш, уларни хавф-хатарлардан ҳимоя қилишга хизмат қилиши керак, холос. Мана шу тариқа фуқаролик жамияти давлат ҳокимиятига боғлиқ бўлмаган бозор муносабатларининг ўзига хос бир синоними сифатида талқин этилди.

Буюк немис файласуфи Гегелнинг фикрича, *фуқаролик жамияти бу — биринчи навбатда, хусусий мулкка асосланган эҳтиёжлар тизимидир, шунингдек, дин, оила, сулола, давлат қурилиши, ҳуқуқ, ахлоқ, бурч, маданият, маърифат, қонунлар ва улардан келиб чиқадиغان ўзаро юридик алоқалардир.* Одамлар табиий «ривожланган» ҳолатдан фуқаролик жамиятини шакллантиришга интилдилар. Чунки фақат фуқаролик жамиятидагина ҳуқуқий муносабатлар ҳақиқий реал кучга айланади. Шунинг учун ҳам бундай жамият фақат бизнинг замонда шаклланиши мумкин. Гегель шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, фуқаролик жамиятини ёввойи, ривожланмаган, қолюқ замонларга қарама-қарши қўяди.

Гегель фуқаролик жамиятини ижтимоий алоқаларнинг юксак намунаси сифатида талқин этаркан, уни анархия ва деснотизмга қарама-қарши қўяди. Унингча, фуқаролик жамиятининг икки муҳим тамойили мавжуд: *биринчидан*, индивидлар ўз хусусий манфаатлари билан яшайдилар, *иккинчидан*, улар ўртасида ижтимоий муносабатлар қарор топади, натижада одамларнинг ҳаёти бир-бирига боғлиқ бўлиб қолади. *Шундай қилиб*, — дейди Гегель, — *фуқаролик жамияти асосини хусусий мулк билан боғлиқ иқтисодий таркиб ва бозор муносабатлари ташкил этади.*

Фуқаролик жамияти тўла маънода шаклланишида инсоннинг барча ички қобилият, имкониятлари муштарак яхлитликда намоён бўлиши учун шарт-шароит мавжуд бўлиши, инсон эркинлиги тўла тантана қилиши зарур. Ана унда биз «Жамият», деган тушунча билан «Фуқаролик жамияти» тушунчаси ўртасидаги фарқни англаб оламиз. Иккинчи тушунча юқорида қайд этилганидек, биринчисига нисбатан торроқ, аммо чуқурроқ маънога эга. Жамият тушунчаси жуда кенг ва азалийдир.

Гегелнинг фуқаролик жамияти ҳақидаги таълимотининг бош элементи — инсон, унинг ҳолати, роли, функцияларидир. Олимнинг фикрича, айрим шахс ўз мақсад ҳамда эҳтиёжларини қондириш учун яшайди ва

ҳаракат қилади. Аммо, шу билан бирга, айрим шахс, айна пайтда, бошқа одамлар билан маълум муносабатга кирмасдан ўз манфаатлари (табiiй ва ижтимоii)ни тўла амалга оширолмайди. «Фуқаролик жамиятида ҳар бир киши ўзи учун мақсад ҳисобланади. Қолганлар унинг учун ҳеч ким эмас. Лекин бошқалар билан алоқасиз у ўзининг барча мақсадларини амалга оширолмайди».¹

Фуқаролик жамияти ҳақидаги ғоялар инсон турмуши ва ҳаётини оқилона, мақсадга мувофиқ тарзда яратиш нияти билан бевосита боғлиқ. Демак, гап моҳиятан цивилизациянинг янги босқичи, ижтимоii тараққиётнинг юксак кўриниши ҳақида бораяпти. Фуқаролик жамиятининг моҳияти хусусида турли-туман ғоялар, андозалар қанчалик кўп бўлмасин, уларнинг ҳаммасида битта омил устуворлик қиларди: хусусii мулкка эгалик ва унга давлатнинг ягона «ташкилотчилик ҳамда координаторлик», барча ижтимоii тизгинлару аҳоқаларни ўзи қўлида маҳкам ушлаб туришдек ролини, яъни аралашувини жиддий чеклаш.

Маълумки, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиш инсонни иқтисодii-моддий манфаатдан маҳрум қилиш, демакдир. Бу инсон руҳиятига салбий таъсир қилади. Эркин ва тенг ҳуқуқли мулкдорлар, уларнинг моддий-маънавий, жумладан, сиёсii, ахлоқii жиҳатдан мустақилликлари биз таҳлил этаётган жамиятнинг асосii ва бош қадриятлари ҳисобланади. Шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун нечоғли шароит яратиб берилганига қараб фуқаролик жамиятига баҳо берилади ва у ўзини оқлайди.

Фуқаролик жамиятининг моҳияти хусусида ҳозирги замонда кенг тарқалган фикр-мулоҳазалар, концепцияларга эътибор берсак, уларда демократик жамият доирасида ривожланиб борувчи иқтисодii, сиёсii, маънавий муносабатлар мажмуиси асос қилиб олинганига гувоҳ бўламиз. Демак, фуқаролик жамиятида тегишли иқтисодii, сиёсii, ҳуқуқii омиллар орқали кафолатланган кенг доирадаги демократик ҳуқуқ ва эркинликлар мавжуд бўлади.

Фуқаролик жамиятининг моҳияти хусусида асрлар давомида шаклланиб келган бир-биридан фарқ қилувчи қарашлар, назариялар, ғоялар ҳозир ҳам кўзга ташланиб туради. Жумладан, айрим тадқиқотчилар фуқаролик жамиятининг шаклланиши давлатга боғлиқ

¹ Гегель Г.Ф. Философия права. — М., 1990. — С. 228.

бўлмаган ҳолда, демократик тараққиётнинг илк даврига, бозор муносабатларининг биринчи босқичига тўғри келади, деб таъкидлашса, бошқалари демократия шароитида давлат билан жамият ўртасидаги зиддиятлар баргараф этилган бўлиб, демократик ҳуқуқий мақомга эга давлат фуқаролик жамиятининг нормал бир кўринишига айланган сиёсий институт, деган фикрни илгари сурадилар. Кенг тарқалган қарашлардан яна бирида фуқаролик жамияти, умуман, ҳозирги тараққий этган жамиятнинг айнан ўзидир, деб таъкидланади. Бошқа нуқтаи назар тарафдорлари айрим мамлакатлардаги ҳозирги тараққиётнинг глобаллашув жараёнини акс эттириб, жаҳон ҳамжамиятининг келажакда таркибий асосларини яратиш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий омилларидир, деб кўрсатишади.

Давлат ва жамият назариясида иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий субъектларнинг мустақиллигига асосланган фуқаролик жамиятининг классик белгилари мавжуд. Бунда давлат вазифаларининг тобора торайиб, фуқаролар ва жамоат ташкилотлари ҳуқуқларининг кенгайиб бориши асосий стратегия ҳисобланади (бу ҳақда ҳали бот-бот тўхталамиз).

Биз фуқаролик жамиятининг қаерда, қачон мавжуд бўлишидан қатъи назар, унинг қуйидаги умумий ғоялари ва тамойилларига асосий эътиборни қаратамиз:

— иқтисодий эркинлик, турли мулк шакллари, бозор муносабатлари;

— инсон ва фуқаронинг табиий ҳуқуқларини сўзсиз тан олиш ҳамда ҳимоя қилиш;

— ҳокимиятнинг эркинлиги ва демократик характери;

— қонун ва одил судлов олдида ҳамманинг теппа-тенглиги, шахснинг зарурий ҳуқуқий ҳимояси;

— ҳокимиятларнинг бўлиниши ва улар ўртасидаги ўзаро алоқага асосланган ҳуқуқий давлат;

— сиёсий ва мафкуравий плюрализм, очиқ мухолифатнинг мавжудлиги;

— сўз ва матбуот эркинлиги;

— давлатнинг фуқароларнинг шахсий ҳаётларига аралашмаслиги, улар ўртасидаги ўзаро масъулият ва мажбуриятлар;

— ижтимоий барқарорлик, тинчлик, ҳамкорлик ва миллий тотувлик;

— одамларга муносиб ҳаёт яратиб беришни таъминловчи самарали ижтимоий сиёсат.

Фуқаролик жамияти бу — эркин, демократик ҳуқуқий цивилизациялашган жамият бўлиб, унда якка ҳокимлик режимига, валюнтаризмга, синфий адоватга, тоталитаризмга, одамлар устидан зўравонлик қилишга ўрин йўқ. Бундай жамиятда фақат ва фақат қонун, ахлоқ, инсонпарварлик, адолат устуворлик қилади.

Бу жамиятда кўп укладли рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти, ташаббускор тадбиркорлар иқтисодий ривожланишнинг асосини ташкил этади, турли ижтимоий қатламлар манфаатлари мувозанатга келтирилиб турилади.

Фуқаролик жамиятида фуқароларнинг давлат олдидаги мажбуриятлари, асосан, қонунларга итоат этиш ва солиқларни тўлаб боришдан иборатдир. Албатта, муайян вазиятларда фуқаролар олдида уларнинг ижтимоий, меҳнат, тадбиркорлик фаолияти, хизмат, ҳарбий, оилавий бурчларини адо этишлари билан боғлиқ масъулиятлар ҳам мавжуд бўлади. Аммо ушбу тизимда вертикал алоқалар эмас, балки, асосан, горизонтал алоқалар устуворлик қилади.

Фуқаролик жамияти фуқаролар ва уларнинг эркинликларидан бошланади. «Фуқаро» тушунчаси «Мустақил», «Тенг ҳуқуқли», «Қадр-қиммат» каби тушунчаларнинг синоними сифатида тушунилади. Тарихда фуқаролик жамияти ҳамма вақт турли хил сулолавий муносабатларда инсон ҳуқуқларининг паймол этилишига қарама-қарши қўйилган.

Фуқаролик ҳуқуқий жамиятда иккита тамойил устуворлик қилади. Биринчисига кўра, ҳар бир одам суд томонидан айбдор, деб топилмагунча эркин ва тенг-ҳуқуқли фуқаро бўлиб қолаверади. Иккинчидан, ҳар бир эркин фуқаро истаган тарзда қонун доирасида, қонун ва ахлоққа зид бўлмаган ҳолда ҳаракат қилиши мумкин. Биринчи тамойилга кўра, ҳар бир одам айби қонун жиҳатидан ҳуқуқий исботланмаган бўлса (фуқаронинг айбдорлигини исботлаш суднинг иши), у ҳамisha ҳалол, тўғри ва айбсиз ҳисобланади. Иккинчи тамойилга биноан эркин фуқаро қонун ва ахлоққа зид бўлмаган ҳар қандай хатти-ҳаракатни қилиши мумкин.

Шундай қилиб, фуқаролик жамияти сиёсат ва мафкура ҳукмронлигидан холи бўлган жамият. Аммо, бу дегани, фуқаролик жамиятида ҳеч қанақа сиёсат, ғоя ва эътиқодга ўрин йўқ, деган гап эмас. Фуқаролик жамиятида мафкуравий ҳукмронлик ёт нарса. Бирор бир ғоя, назария қанчалик муҳим ва долзарб бўлмасин,

уни ягона, ўзгармас, деб мутлақлаштирилса мафкуравий ҳукмронлик бошланади. Собиқ Иттифоқда коммунистик мафкура яккаҳоқим бўлиб қолгани бунинг исботи.

Илғор инсоннарвар ғоялар фуқаролик жамиятига мутлақо ёт эмас, аксинча, фуқаролик жамияти мана шундай юксак ғоялар асосида ривожланиб боради. Гап интеллектуал эркинлик, ўз фикрини очиқ баён эта олиш эркинлиги, мафкурага кўр-кўрона бўйсунмаслик ҳақида бормоқда. Инсон ҳаётини издан чиқарувчи экстремистик-радикал дунёқарашдан, синфий ва миллий курашдан, большевизмдан халос бўлиш бу борадаги энг муҳим вазифалардир. Мафкуравий ҳукмронликдан халос бўлиш, дегани партиявий-синфий догма ва стереотиплардан халос бўлиш, дегани. Бу ғоялар кўп йиллар давомида халқнинг онгини заҳарлаб келди.

Очиқ, демократик, нототалитар, ўз ичидан ботиний ривожланиб борувчи фуқаролик жамиятида инсон, фуқаро, шахс марказий ўрин тутаети. Шу маънода фуқаролик жамияти сиёсий-мафкуравий, хусусан, авторитар жамиятга қарама-қарши туради.

Фуқаролик жамиятида оила асосий андоза ва ҳал қилувчи бўғин ҳисобланади. Гегель ўз давридаёқ, оилани давлатнинг биринчи базиси, сулолани эса иккинчи базиси, деб ҳисоблаган.

Оила, мулк, шахс, эркинлик, ҳуқуқ, маънавият, тартиб-қоида ва давлатчилик фуқаролик жамиятида ҳал қилувчи асосий қадриятлардир. Айниқса, ҳар бир мулкдор шахснинг ва бутун жамиятнинг эркинлигини таъминловчи асосий манбадир. Мулк эркинликнинг асосий омили. Мулк ўз-ўзидан муҳим мақсад, деб кўрсатган эди Гегель.¹

Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, мулкдорлар синфи ғайриқонуний йўл билан эмас, балки цивилизациявий ривожланиш жараёнида шаклланиши керак. Бозор жараёнида ҳаракат қилаётган мулкдорлар эркин ва қонунга қатъий бўйсинувчилар бўлиши лозим. Америка иқтисодиётининг илк шаклланиш босқичида маърифатпарвар Томас Жефферсон «камроқ ҳукмронлик қилувчи давлат энг яхши давлатдир», деган эди. Бу фикр маълум маънода давлат билан эркин иқтисодиёт ўртасидаги муносабатга дахлдор. Яъни давлат иқтисодиётнинг ички ривожланишига

¹ Гегель Г.Ф. Соч. Т.7. — М., 1934. — С.73.

камроқ аралашиси, ammo уни оқилона бошқариши керак.

Албатта, жамиятда давлатнинг ўз ўрни бор. Хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой қурилиши, ижтимоий таъминот соҳаларида давлатнинг ўз қонуний вазифалари бор. Беқарор жамиятда барқарор иқтисодиёт ва сиёсий соғлом тартиботни яратиб бўлмайди.

Фуқаролик жамияти давлат билан бевосита боғлиқ ҳолда шаклланади, тараққий этади, фаолият кўрсатади. Улар ўртасида зиддиятлар бўлиб туриши мумкин. Ammo ҳар қандай ҳолда ҳам давлат тизимлари одамларнинг шахсий ҳаётига аралашмаслиги, уларни ўзига муте, қарам қилиб олмаслиги лозим. Яна бир карра такрорлаб айтамикки, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат бир-бирига қарама-қарши турмасдан, аксинча, бир-бирига мададкор бўлиши зарур.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, фуқаролик жамияти нодавлат ва носий муносабатлар (иқтисодий, ижтимоий, маданий, ахлоқий, маънавий, оилавий, диний) мажмуидир. Мана шу муносабатлар асосида эркин индивидлар-мулкдорлар ва улар уюшмаларининг манфаатлари шаклланиб, кучга киради.

«Нодавлат» ва «носий» тушунчаларини бир-биридан мутлақ айри ҳолда эмас, балки давлатнинг зўравонлик билан улар ишига аралашувини чекловчи нисбатан мустақил, автоном моҳиятлар сифатида тушунмоқ жоиз.

Шундай экан, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат бир-биридан айри, мутлақо ажралган ҳолда эмас, балки улар ўзаро боғланган яхлит тизим сифатида мавжуд бўлади. Ахир давлат жамиятни ташкиллаб туриш шакли-ку! Демак, уларни бир-биридан мутлақо ажратиб бўлмайди.

Албатта, булар барчаси назарий ёндашувлар ва концепциялардир. Ammo мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш учун мустаҳкам замин яратилаётган ҳозирги пайтда юқоридаги назариялар, ғоялар бевосита амалий кучга айланиб бораверади. Бу ғоялар мақсадни белгилаб, жамиятни тубдан ислоҳ қилиш курали — воситасига айланади. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамияти феноменини янада чуқур мажмуий таҳлил этиш объектив зарурият сифатида кўзга ташланади.

Энг аввало, ўз тадқиқотимиз мақсад-муддаоларини аниқлаб олишимиз керак. Биз юқорида таҳлил этилган турли хил нуқтаи назарларни танқидий баҳолаган ҳолда, Фарбда кенг тарқалган индивидуализмга нисбатан бошқачароқ концепцияни илгари сурмоқчимиз. Аслини олганда, фуқаролик жамиятида индивидуализм тамоёйлига устуворлик бериш, биринчи навбатда, давлат қурилишининг шакли бўлган абсалютизмга фуқаролик жамиятини қарама-қарши қўйишдан келиб чиққан эди. Индивидуализм олдин ҳам, ҳозир ҳам бор ҳодиса. Мабодо тоталитар давлат қурилиши билан фуқаролар манфаатлари ўртасидаги нисбат моҳиятини инобатга оладиган бўлсак, фуқаролик манфаатларини индивидуализм билан аралашиб кетиши шарт эмаслигига амин бўламиз. Фуқаролар манфаатлари устуворлиги бошқа омиллар билан, жумладан, жамоа онгининг ривожланиши ва уйғунлашиши орқали ҳам таъминланиши мумкин.

Тараққиётнинг юқоридаги йўналиши цивилизациянинг Шарқона кўринишларига кўпроқ мос келади. Шарқда турли даврларда нодавлат тузилмалар фуқаролик жамиятининг жамоа шакли сифатида бир неча хил кўринишларда учрайди. Биз бу жараёнларнинг мазмун-моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини батафсил таҳлил қилиш орқали бутун ижтимоий тараққиётнинг, ижтимоий-тафаккур тарихининг шарқона намуналарини кўрсатишга муваффақ бўламиз.

Бир масалага аниқлик киритиб ўтиш керак. Кўп тадқиқотчилар «фуқаролик жамияти» ва «цивилизация» тушунчаларини бири-бирига тенг, деб ҳисоблайди. Бунда «жамият» тушунчасининг икки томонига эътибор қаратилади (тор ва кенг маънода). Тор маънода ўз ҳудудлари, майдони ва сиёсий қурилишига эга бўлган муайян жамият эътиборга олинади. Кенг маънода жаҳон ҳам-жамияти ёки тизими, бутун инсоният тасаввур қилинади.¹

Ички мазмуний тизимийлиги билан ажралиб турувчи қатор социологик категориялар сингари «фуқаролик жамияти» тушунчасига ҳам якка маъно-мазмун бериб бўлмайди. Бу категория, аксинча, кўп маъноли категориядир.

А.И.Кравченконинг «Социология асослари» китобида фуқаролик жамияти тушунчасига нисбатан икки

¹ Қ а р а н г: *Кравченко А.И.* Основы социологии. —М., 1998.

хил ёндашув қайд этилади. Биринчиси, бизнинг онгимиздан ташқарида мавжуд бўлган воқеликнинг илмий инъикоси, иккинчиси, илғор тараққийпарвар кишиларнинг кўплаб авлодлари орзу қилиб, интилган ижтимоий ривожланишнинг мақсади ва идеали бўлган фуқаролик жамияти.

Биринчи ҳолда фуқаролик жамияти носий муносабатлар мажмуи сифатида талқин этилади. Бу ўз прагматизми билан ажралиб турувчи оддий усул. Бу ҳолда турли-туман ижтимоий муносабатлар, тизим ва институтлардан фақат сий билан боғлиқлари алоҳида ажралиб туради. Албатта, бунда аниқ қатъий меъёрлар мавжуд. Аммо қолган, яъни носий муносабатлар ўз кўламига кўра, кўп сонли, мураккаб, турли-туман бўлиб, уларнинг мажмуи **фуқаролик жамияти**, деб аталади. Бундай шароитда барча қийинчилик қолган муносабатларни қайд этиш билангина эмас, айти пайтда, уларни таркиблаштириш билан ҳам боғлиқ.

Демак, яна бир карра жамиятнинг асл моҳиятини оилавий, қон-қардошлик, миллатлараро, иқтисодий, маданий муносабатлар ташкил этади. Бундан ташқари турли хил ижтимоий гуруҳ, қатламлар ўртасидаги муносабатлар, жамиятнинг демографик таркиби, одамларнинг маиший алоқалари шакллари ҳам шулар жумласидандир.

Умуман, ўзининг ривожланиши ва фаолиятида давлатга бевосита боғлиқ бўлмаган барча соҳалар бу ерда эътиборга олинган.

Фикримизча, фуқаролик жамияти мазмунининг санаб ўтилган муносабатларнинг давлатнинг мазмундор функцияларисиз ўз ички қонунлари асосида шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ жиҳатларини яна бир карра таъкидлаб ўтиш лозим. Аслида ушбу муносабатлар ўз-ўзидан ботинан ривожланади, яъни улар ўзини ўзи ривожлантиришдек юксак имкониятга, тараққиётининг ботиний манбаларига эга. Аммо улар давлат билан ё ижобий муносабатда ёхуд унга зид ҳолда мавжуд бўлади. Айти пайтда, фуқаролик жамияти ва давлат тизимларининг ўзаро нейтрал, бетараф муносабатлари деярли рўй бермайди.

Фуқаролик жамияти биз талқин этаётган мақом жиҳатидан социологиянинг предмети ҳисобланади. Албатта, бунда ўзига мос тадқиқот методологиясига амал қилинади. Аммо, шуниси ҳам борки, «фуқаролик жа-

мияти» тушунчасининг биринчисидан фарқ қиладиган бошқа маъноси ҳам бор. Бу ерда гап ижтимоий тараққиётнинг мақсадли йўналишлари ва параметрлари, яъни оддий фуқаролардан тортиб сиёсий лидерлару тизимларнинг имкониятлари тажассумлашган, интилишлари йўналтирилган идеаллар ҳақида бормоқда.

Мафкуравий тушунча сифатида «фуқаролик жамияти» илғор фикрлардаги одамлар яратишга интилаётган реаллик қандай бўлиши лозим, деган саволга жавоб беради. Албатта, бу ўринда гап аниқ идеал ёхуд шиор устида борапти.

Умуммазмун нуқтаи назаридан фуқаролик жамияти идеали ўта кенг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга эга, давлат бошқарувида онгли фаол иштирок этувчи, ўз фикрларини эркин ифодаловчи, соғлом индивидуал ҳамда ижтимоий эҳтиёжларини тазйиқларсиз қондирувчи, манфаатларини ҳимоя қилишга қодир, тегишли ташкилоту партиялар туза олувчи шахслар жамиятидан иборат. Бунда фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши учун зарур бўлган яна бир омил — барча субъектлар ҳаракатларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш тизими зарур.

Фуқаролик жамияти идеалини иқтисодий нуқтаи назардан олиб қарасак, турли-туман мулк шакллари-нинг мавжудлиги, эркин бозор, эркин тадбиркорлик ҳар бир эркин фуқарога ўзи истаган соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, ўзи истаган жойда ёлланаиб ишлаш кафилини беради.

Маънавий контекстда фуқаролик жамияти гоёвий плюрализмни, сўз ва матбуот эркинлигини, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини, диний эътиқод эркинлигини тақозо этади. Айнан шу ўринда фуқаролик жамиятининг идеали демократик жамият идеали сифатида кўзга яққол ташланади.

Яқин ўтмишдаги воқеаларни хотирага олсак, собиқ иттифокда одамларнинг социализмга нисбатан лоқайд, баъзан нафрат билан қарай бошлаганларининг энг муҳим сабабларидан бири — демократия ва гуманизмнинг йўқлиги эди. Бу омиллар жамият тараққиётининг барча босқичларида, кейинчалик эса иқтисоддаги камчиликлар ва ўпирилишларда аниқ кўзга ташланиб турди.

Шундай қилиб, «фуқаролик жамияти» категорияси талқинида учта мазмундор аспект — *социологик, мафкуравий* ва *юридик аспектлар* аниқ намоён бўлади.

Фуқаролик жамиятини мана шу учта аспектда бир пайтнинг ўзида яхлит муштаракликда олиб қарайдиган бўлсак, унда давлатни жамиятдан ажратиб қарашнинг, ҳатто, улар ўртасидаги фарқларни аниқ чегаралашнинг қийинлигига дуч келамиз. Мабодо улар алоҳида-алоҳида олиб қараладиган бўлинса, масаланинг моҳияти жуда содда, равшан бўлиб қолади. Масалан, фуқаролик жамияти социологик аҳамияти нуқтаи назаридан давлатдан анча илгари пайдо бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Тарихчиларнинг фикрича, фуқаролик жамияти овчилик билан кун кечирган ибтидоий одамлар ҳаётида мавжуд эди. Давлат эса атиги 5-6 минг йил олдин пайдо бўлган, холос.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини таҳлил қилувчи жамиятшунослар ўз олдиларида турган муаммоларни илмий-амалий ҳал қилишлари учун фуқаролик жамиятининг юқоридаги социологик аспектига алоҳида эътибор беришлари керак. Афсуски, фуқаролик жамияти ва давлатни бутунлай бири-бирига қарама-қарши қўйиш билан боғлиқ фикрлар кенг тарқалгани ёмон. Бу позицияга амал қилинса, мамлакатимизда бўлаётган барча ўзгаришлар жараёнида давлатни сиқиб чиқариш керак бўлади.

Мана шунақа бир томонлама кескин қарашларнинг олдини олиш учун биз фуқаролик жамияти ёки, умуман, жамият билан давлатнинг ўзаро алоқаси ва таъсири хусусида батафсил тўхташга қарор қилдик.

«**Жамият**» тушунчасини ва жамият билан боғлиқ бошқа муаммоларни тадқиқ этувчи мутахассислар ўртасида жамият тарихий тараққиётнинг маълум босқичида одамлар ўртасидаги табиий ўзаро муносабатлар натижасида пайдо бўлган, деган фикр устуворлик қилади. Бундай шароитда давлат одамлараро муносабатларни бошқариш мақсадида тузилган ижтимоий институт шаклидаги сунъий (яъни субъектив хоҳиш-иродадан холи) сиёсий конструкцияга айланиб қолади.

Шу билан бирга бир пайтнинг ўзида табиий уюшган одамлар жамоаси (яъни жамиятнинг ўзи) ва давлат чегараларининг юзага келиши ҳамда уларнинг мудофаасини таъминлайдиган сунъий территориал — сиёсий институт бўлмиш «**давлат**» тушунчаси фаол қўлланилади.

Албатта, тарихда мамлакатлар ўртасида сиёсий ва давлат чегаралари, умуман, бўлмаган пайтлар ҳам кўп бўлган. Боз устига, одатий тушунчадаги мамлакат, де-

ган сўз ҳам бўлган эмас. Бутун бир халқлар, қабилалар эркин ҳаракат қилиб, янги-янги жойларни ўзлаштирганлар, ўзларига маъқул маконларда яшаш учун доимо кўчиб юришган. Одамларнинг кўчиб юришлари ниҳоясига етгандан сўнг давлатлар мавжуд ўз ҳудудларини қизганиб, ҳимоя қилишга ўтганлар. Инсоният тараққиётининг барча кейинги босқичлари яхши унумдор ерларни ўзлаштириб олиш учун олиб борилган курашлар тарихидан иборат. Биринчи ва иккинчи жаҳон урушларини бу курашнинг энг юқори нуқтаси, дейиш мумкин. Албатта, урушларнинг келиб чиқиш сабаблари кўп. Аммо, энг муҳим сабаб, бўлинган дунёни худбин манфаатлар йўлида яна қайтадан бўлиб олиш учун кураш эди.

Ҳозирги суверен мамлакатлар ҳудудий таркибини эътиборга оладиган бўлсак, юқорида биз тилга олган уч аспект бир-бирига мос келади. Аммо бу аспектлар мазмуни ва характерининг ҳар бир давлатда ўзига хос тарзда намоён бўлишини асос қилиб олсак, улар ўртасидаги фарқлар аниқ кўзга ташланади. Чунки улар цивилизация жараёнларининг турфа жиҳатларини ифода этишади.

Ушбу фарқлар факти ўлароқ, мазкур турли жиҳатлар ҳар хил фанлар (социология, сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик, фалсафа ва бошқалар) томонидан ўрганила бошланди. Оқибат натижада ижтимоий фанлар ўзаро дифференциялашди. Ушбу фанлар муайян бир устувор йўналишларга эга бўлганлари учун улар ўртасида маълум фарқлар ҳам жиддийроқ намоён бўла бошлади. Шу нуқтаи назардан фанда муаммолар ҳам бор. Масалан, фанлар ўртасидаги дифференциация ҳозирги замон ижтимоий тараққиёт талабларига мосми? Қайд этиш мумкинки, фанларнинг ўзаро дифференцияси одамлар нигоҳида мавжуд фарқларни янада кучайтириб юборади. Хўш, бундай ҳол жамиятнинг ҳозирги тамаддун ривожига талабларига мос келадими?

Фуқаролик жамияти кўп жиҳатлари билан мураккаб категориядир. Энг аввало, бу шунинг учун-ки, у ягона ташкилий марказга эга эмас. Фуқаролик жамиятини таркибан ташкил қилувчи жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари ўз-ўзидан табиий равишда юзага келади. Давлатнинг иштирокисиз фуқаролик жамияти ижтимоий ҳаётнинг ўзини ўзи ташкил этувчи ва ўзини ўзи бошқарувчи қудратли тизимига айланади. Бошқа томондан бўлак қатор давлатлар жамиятни бошқариш-

да, унинг иқтисодий ва сиёсий барқарорлигини таъминлаган, халқ турмуш фаровонлигини ошириш ва бошқа масалаларда жонбозлик кўрсатган ҳолда фуқаролик жамиятисиз мавжуддир.

Натижада фуқаролик жамияти муштарак яхлитликда жамоатчилик фикри ифодасига айланади. Бу очиқ жамият сиёсий ҳокимияти намоён бўлишининг ўзига хос шакли бўлиб хизмат қилади. Ана шу контекстда ҳозирги замон кишиси ўзининг манфаатларини қонуний жиҳатдан қондирувчи, шахсий салоҳиятини ўстирувчи, гуруҳий акциялар ва жамоатчилик бирдамлиги қадриятларини эъзозловчи соғлом ижтимоий муҳитга эътиборини қаратган фуқаролик жамиятининг таърифи тўғри таърифдир.¹

Юқоридаги омилларидан келиб чиқиб, биз фуқаролик жамиятини ўрганувчи ижтимоий фанлар дифференцияси сабабларини аниқлашга муваффақ бўламиз. Масалан, иқтисодиёт назарияси фуқаролик жамияти ташкилотларининг келиб чиқишидаги иқтисодий сабабларни, хусусан, улар фаолиятида молиявий соҳанинг ролини ўрганади. Тарих фани учун фуқаролик жамиятининг маълум миллий шакллари, фуқароларнинг ижтимоий ҳаётда иштирокларининг тартиб-қоидалари, қонуниятларини ўрганиш муҳим. Ҳуқуқшунослик фани фуқаролик жамиятини фуқаролик ҳуқуқлари субъекти ҳамда ҳуқуқий бошқаришнинг субъекти сифатида тадқиқ этади. Фалсафа ва социология фанлари фуқаролик жамиятини ижтимоий тизим, ижтимоий ташкил этиш ва ўзаро муносабатлар шакли сифатида қарайди. Сиёсатшунослик фанининг диққат марказида фуқаролик жамиятининг сиёсий ва ижтимоий институтлари, давлат ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари билан ўзаро муносабатлари характери ва шакллари муаммолари туради.

Фуқаролик жамиятини ўрганишнинг етарли қатъий дефференциясига қарамасдан унинг шаклланиши ва ривожланишининг умуммуштарак сабаблари ҳам бор.

Дастлабки сабаб хусусий мулк билан боғлиқ. Ривожланган демократик жамиятларнинг аксарият фуқаролари хусусий мулкдорлар, яъни кўп сонли ўрта синф вакиллари ҳисобланади. Бу мулкдорларнинг аксар кўпчилиги хусусий мулк орқали даромад қилади, ўз оиласини иқтисодий таъминлайди. Бунга хусусий кор-

¹ Қ а р а н г: Кумар К. Гражданское общество. — М., 1994. — С.21.

хоналар, ер, кўчмас мулкнинг ижарага берилиши, қимматли қоғозлардан тушган даромадлар, пул жамғармаларининг фойизлари, интеллектуал мулк ва бошқалар киреди. Мулкдорлар учун ўз мулкидан жудо бўлишдан оғир фалокат йўқ. Шунинг учун ҳам мулкни асраш, ҳимоя қилиш, уни сақлаб қолишнинг самарали усуллари излаб топиш мулкдорларнинг доимий ташвиши ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодиёт тажрибаси шундан далолат берадики, бу борада кўпчилик бўлиб, уюшиб ҳаракат қилиш энг самарали йўлдир. Бир хил манфаатларга эга бўлган мулкдорларнинг турли хил бирлашмалари, фермерлар уюшмалари, тадбиркорлар, банкирлар шулар жумласидандир. Уларнинг вакиллари тегишли ҳуқуқ органларида, комиссияларда давлат билан доимий тарзда ўзаро алоқа боғлаб, ўз ташкилотларига тегишли ҳусусий мулкни ҳимоя қилиш учун шарт-шароитлар яратишга ҳаракат қилишади.

Демократик жамиятнинг энг ривожланган таянчи сифатида ҳусусий мулк фуқоралик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишининг муҳим асоси ҳисобланади. Ҳусусий мулк фуқаролик жамиятини ўзини ўзи ташкил этиб, ривожлантиришида ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади. Ҳусусий мулк турли-туман шакллари ўлароқ, фуқаролик жамияти мавжудлигини заруриятга айлантиради.

Иккинчи сабаб — эркин бозор иқтисодиётининг афзалликларидир. Демократик жамият бошқа эркинликлар қатори ўз ички қонунлари асосида ривожланувчи хўжалик тизимига ҳам катта эркинликлар яратиб беради ва тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очади.

Фуқаролик жамияти пайдо бўлиши ва унинг мавжудлигининг **учинчи сабаби** — демократик жамият ва давлат ўз фуқароларининг барча талаб ҳамда эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш учун шарт-шароит яратиб беради. Аммо фуқаролар манфаатлари ва эҳтиёжлари шунчалик кўп ва турли-туманки, давлат бу ҳақда тўлиқ маълумотга ҳам ҳеч қачон эга бўлолмайди. Демократик жамият фуқароларининг беҳисоб ва хилма-хил эҳтиёжлари, истиқболлари, интилишлари фуқаролик жамиятининг келиб чиқишини табиий ҳолга айлантиради. Бу хилма-хил ва кўп сонли эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ҳам демократик жамиятнинг ички моҳияти билан боғлиқлигини махсус таъ-

кидлаб ўтиш лозим. У шу жамиятнинг ўз фуқароларига берган эркинликлари билан узвий боғлиқ.

Демократия ўз-ўзидан фуқаролик жамиятини, наинки, заруратга айлантиради, айна пайтда, унинг шаклланиши ва ривожини учун барча шарт-шароитларни ҳам юзага келтиради. Фуқаролик жамияти фаол мавжудлигининг бош шартларидан энг муҳими - ижтимоий эркинликдир. Яъни демократик давлат бошқаруви, сиёсий фаолият ва сиёсий мунозаралар учун ижтимоий муҳитнинг мавжудлигидир.

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва тобора ривожланиб бориши учун ошкораликнинг роли катта. Ошкоралик туфайли барча фуқаролар етарли рост ахборотга эга бўлганликлари учун хўжалик конъюктурасини тўғри баҳолай олиш, ижтимоий муаммоларни аниқ ҳис қилиш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилашга қодир бўлади. Айна пайтда, фуқаролик жамиятининг кенг амалий фаолияти учун унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлайдиган тегишли қонунчиликнинг ва конституциявий кафолатнинг мавжудлиги катта роль ўйнайди.

Фуқаролик жамияти ҳар томонлама мустақамлана боргани сайин у етарли шарт-шароитларга, демак, аҳолининг турли моддий, ижтимоий, маънавий эҳтиёжларини тўла қондириш имконига эга бўлади.

Маълумки, фуқаролик жамиятининг ушбу функцияси давлат учун ҳам хосдир. Бу, ўз навбатида, давлат органлари билан жамоат ташкилотларининг устувор муштарақ манфаатлар мақсади йўлида ўзаро ҳурмат асосида ҳамкорлик қилишини тақозо этади. Ҳукумат фуқароларнинг ўз манфаатларига мос келадиган ташкилотларни тузиш ҳуқуқларини ҳурмат қилиши, фуқаролар ҳам, ўз навбатида, ижтимоий-сиёсий институтларини самарали бошқаруви имкониятини таъминлаши зарур.

Фуқаролик жамияти ижтимоий ҳаракатларда, сиёсатни таҳлилий умумлаштиришда, ҳал қилувчи роль ўйнаганича, сайловчиларни ислохотларни ҳимоя қилишга сафарбар этади, ҳокимият органларининг сайловчилар олдида ҳисоб бериб туришларига кафолат бўлади.

Жамиятни янада такомиллаштириш мақсадида муайян гуруҳларга, ташкилотларга уюшган фуқаролар муҳим ижтимоий масалаларни ҳал қилишга оммани сафарбар этишлари, давлат муассасалари устидан на-

зорат олиб боришлари, улар фаолиятини баҳолашлари мумкин. Фуқароларнинг бундай ҳаракатлари раҳбар ар-бобларга кўпинча ёқмайди, матбуот ҳам бу ҳақда баъзан аюҳаннос солади, аммо жамоат уюшмаларининг катта ижрочилик ва назоратчилик ролини тан олиш зарур. Фаоллар давлат тизимига қарши бормаи, балки давлат бошқаруви тизимини янада яхшилаш, демократлаштириш ўзларининг мақсади эканлигини доимо эсда тутишлари лозим.

Шундай қилиб, фуқаролик жамиятининг барча муаммолари, жумладан, жамият институтларининг давлат институтлари билан ўзаро уйғун ҳамкорлик қилишлари нуқтаи назаридан ҳам бутун ижтимоий тараққиётнинг муаммоларидир. Шу маънода кейинги пайтларда америкалик мутахассисларнинг муаммоларни чуқур ва ҳар томонлама қилган тадқиқотлар натижалари электрон ахборот воситаларида кенг ёритилганини таъкидлаш ўринли.¹ Бу тадқиқотлар, энг аввало, фуқаролик жамияти фаолиятининг асосий компонентлари бўйича мавжуд илмий кузатишларнинг умумлашма характери билан ажралиб туради.

Биринчидан, демократиянинг асосий унсурлари муҳим роль ўйнайди. Кучли ва фаол фуқаролик жамияти демократиянинг мавжудлигини таъминловчи учта элементнинг ривожланиши учун яхши имкониятлар ярати беради. Улар — ҳисобот бериб туриш, халқнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши, сиёсий ислохотларни доимо қўллаб-қувватлаш. Самарали давлат бошқаруви концепцияси ўз ички табиатига кўра, сиёсий ва маъмурий институтлардан доимий ҳисоб олиб туришга асосланган. Давлат муассасаларидаги коррупцияга қарши самарали кураш олиб бориш учун фуқаролик жамияти томонидан кучли ва узлуксиз барқарор таъсир зарур.

Том маънодаги фуқаролик жамияти аҳолининг қашшоқ қатламларини ҳимоя қилиб, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишлари, ўз фикрларини очиқ айтиб, талабларини эркин намоён этишлари учун шароит ярати беради, уларнинг жамоавий яқдиллигини оширади. Жамоат ташкилотлари фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ масалаларда улар маърифатини оширади, ҳаётларини

¹ Қ а р а н г: Вопросы демократии: Электронный журнал ЮСИА. Т.3. — №1, 1998.

яхшилашга сафарбар ҳуқуқлари учун курашишга даъват этади.

Кўпчилик томонидан тан олинган ҳақиқатлардан бири шуки, сиёсий тизимни ислоҳ қилишнинг ҳақиқий тарафдорлари айнан давлат бошқарув тизимидан ташқаридаги кучлар ҳисобланади. Аммо ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш учун давлат ва фуқаролик жамияти биргаликда, ҳамкорликда ҳаракат қилишлари керак. Фуқаролик жамияти сиёсий партиялар ёки маъсул сиёсий раҳбарлик ролини ўз зиммасига олади, деган фикрлар туғилмаслиги зарур. Аксинча, фуқаролик жамияти сиёсий партияларнинг ўрнини босиш эмас, балки уларнинг зарур ҳамкорига айланиши лозим.

Фуқаролик жамияти табиатан давлатга қарши тузилма, деган фикр аслида мутлақо хатодир. Давлат ва хусусий сектор ўртасида ҳақиқий манфаатдор ҳамкорлик бўлиши мумкинлигига мисоллар кўп. Бу манфаатдорлик ҳар икки томонга ҳам бир хил фойда ва самара келтиргани ҳолда давлат сиёсатини мустаҳкамлайди, айти пайтда, фуқаролик ташкилотларини қўллаб-қувватлайди.

Фуқаролик жамиятининг ўзига хос яна бир муҳим **иқкинчи белгиси** — маҳаллий аҳамиятга эга бўлган қарорлар қабул қилишларидир. Ҳар қандай мамлакатда ҳам аҳолининг аксар кўп қисми маҳаллий масалаларни ҳал қилишга кўпроқ эҳтиёж сезади. Яхши жиҳозланган мактаблар ва тиббий марказлар, озода, обод кўчалар, равон йўллар ҳамда транспорт, уйларни электр қуввати, одамларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш, тадбиркорлар ўзлари ишлаб чиқарган товарларини бозорга эркин сотиш имконини берувчи дастурлар билан боғлиқ. Одамлар ўзларига бевосита тегишли ҳаётий зарур эҳтиёжларини қондириш йўлларини излаш ва топилларида манфаатли фаол иштирок этишни хоҳлайдилар. Бу ишларни фақат ва фақат аксар кўпчилик фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик қарорлар қабул қилиш жараёнларига фаол жалб этиш орқалигина амалга ошириш мумкин бўлади.

Учинчидан, тўлақонли фуқаролик жамиятигина фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирок этишларини тақозо этади. Демократик давлатлардаги энг муҳим муаммолардан бири — сиёсий ҳокимиятни номарказлаштириш ҳисобланади. Буни битта кучли миллий раҳбарни ўнта кичик маҳаллий раҳбар билан алмаштириш тарзида тушунмаслик керак. Гап фуқароларнинг давлат

бошқарувидаги кенг ва онгли, фаол иштироки хусусида кетмоқда. Бутун жаҳонда кўплаб фуқаролик ташкилотлари фуқароларнинг маҳаллий ва минтақавий миқёсларда давлат бошқарувидаги иштирокини таъминлайдиган фаолият турларига молиявий ёрдам беришга қаратмоқдалар.

Туртинчидан, фуқаролик жамиятида ҳозирги пайтда нотижорат секторининг роли ошиб бормоқда. Демократик жамият шароитида нотижорат сектори орқали турли шакллардаги мулк эгаларининг жамият ҳаётига самарали фаол иштирок этишлари, бозор иқтисоди шароитида ўзларининг ҳаётий зарур эҳтиёжларини тўлиқ қондириш учун катта имкониятлар мавжуд.

Америка Қўшма Штатларида мавжуд 26 типдаги нотижорат ташкилотлари (тадбиркорлар уюшмаларидан тортиб то хайр-эҳсон ташкилотлари ва хусусий клубларгача) солиқ тўлашдан озод этилганлар. Мана шу 26 категорияга кирувчи ҳар бир ташкилот қуйидаги бешта тавсифга эга бўлиши керак:

— ташкилий мақомга, яъни маълум таркибий тузилишга ва барқарорликка эгалик;

— нодавлат ташкилоти бўлиш, яъни давлат аппарати таркибига кирмаслик;

— даромадлар раҳбарга, хўжайинга эмас, балки бутун ташкилотга тегишли бўлиши;

— бирор бир шахсга, муассаса ёки ташкилотга тобе бўлмасдан, ўзини ўзи бошқариб бориши;

— жамият манфаати йўлида фаолият кўрсатиш.

Ушбу бешта шартга эга бўлган барча ташкилотлар АҚШда нотижорат ташкилотлари, деб аталсалар-да, улар бир-биридан жиддий фарқ қилувчи икки катта синфга бўлинадилар.

Биринчи синфга мансуб ташкилотлар фақат ўз аъзоларига хизмат қилади. Улар муайян ижтимоий фойдали фаолият билан шуғулланиб, ўз аъзоларининг эҳтиёжлари, манфаатлари ва интилишларини қондириб боришади. Бу ташкилотлар сирасига турли хил хусусий клублар, тадбиркорлар уюшмалари, меҳнат иттифоқлари, ўзаро ёрдам кўрсатадиган ташкилотлар ва сиёсий партиялар киради.

Нотижорат ташкилотларининг иккинчи синфи, асосан, жамоат ташкилотларидан иборат бўлиб, бевосита кенг жамоатчилик эҳтиёжларини қондириш билан шуғулланади. Бу ташкилотлар сирасига молиявий воситачилар, хайр-эҳсон миссиялари, жамғармалар, диний

бирлашмалар ҳамда бир қатор илмий, маърифий ва бошқа ташкилотлар киради. Улар қариялар уйларидан тортиб, атроф-муҳитни ҳимоя қилишгача бўлган барча зарур хизматлар кўрсатишади.

АҚШда ижтимоий таъминот тизими ислоҳотлари нотижорат секторига алоҳида эътиборни жалб қилди. Ҳозирги пайтда АҚШда деярли барча ижтимоий ўзгаришларни амалга оширувчи, аҳолининг маълум қатламлари ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотларнинг келиб чиқиши ва шаклланиши айнан нодавлат нотижорат сектор фаолияти билан бевосита боғлиқ.

Америка нотижорат секторининг асосий кучи унинг хилма-хиллигидадир.

Америка давлатининг асосчилари ҳам ўз даврида кучли марказий давлатга унчалик ишонқирамай, асосий эътиборни тadbиркорларга ва шахс эркинлигига қаратган эдилар. Улар аҳолининг эркин, қўнғилли ҳаракатида қудратли давлат аппарати фаолиятини жиловлаб турувчи кучни кўра олдилар, шунинг учун ҳам улар одамларнинг эркин бирлашмаларини тузишга кенг йўл очиб бердилар. Бу бирлашмалар мактаблар қурилишига, ёнғинларни ўчириш, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларда ёлланиб ишлашни ташкил қилиш, кулфатга учраганда ёрдам қилиш гуруҳи ва бошқа шунинг сингари халқпарварлик ишлари билан шуғулландилар.

Кейинги пайтларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тарафдорлари ҳавонинг мусаффолиги ва сувнинг тозаллиги учун қаттиқ кураш олиб боришяпти. Жамият ташкилотларининг айримлари кулол сотиш ишлари устидан назоратни ўрнатиш, болаларни наркотиклар, спиртли ичимликлар истеъмол қилишидан, сигарета чекишдан муҳофаза қилиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Фуқаролик жамиятида нотижорат секторларининг роли ана шу тариқа салмоқлидир. Улар ижтимоий ҳаётнинг тизимлари ва таркибига сингишиб, ёрдамга муҳтож одамларга меҳр-шафқат кўрсатиш, одамлар ҳаётини маънавий жиҳатдан бойитишга катта ҳисса қўшмоқдалар. Хусусан, аҳоли эҳтиёжларини қондиришда давлат эплай олмайдиган ишларни ижобий фаол ҳал қилишдек кўплаб фойдали ишларни амалга оширмоқдалар.

Америка Қўшма Штатларида кўплаб нотижорат ташкилотлари бўлиб, улар мустақил, ўз хоҳишлари билан жамиятда демократияни ҳимоя қилиш учун муайян жамоаларга мустақил бирлашганлар. Булар — консерва-

тив, либерал, диний, ҳуқуқий ва турли хил уюшмалар ҳисобланади.

Мустақил нотижорат ташкилотлар хайр-эҳсон ишлари, кўмакка муҳтож кишиларга ёрдам бериш билан доимий шуғулланиб туришади. Аммо, шу билан бирга, бу ташкилотлар ва уларга аъзо одамлар жамият тараққиёти ҳамда демократияни ҳимоя қилишга сафарбар муҳим вазифаларни адо этишмоқда.

Нотижорат сектор фуқаролар учун сўз эркинлигини таъминловчи асосий воситадир. Одамлар шу ташкилотлар орқалигина ўз хоҳиш-иродаларини намоён этишга муваффақ бўлдилар. Нотижорат сектор аҳоли айрим қатламлари номидан давлат сиёсатига кучли таъсир қилиб туришади. Ҳар бир аҳоли гуруҳи пулга, мансабга, юқори ижтимоий мавқега эгалигидан фойдаланиб, бировларнинг ҳаққига кўз олайтирмасин, деган тамойил нотижорат ташкилотларнинг доимий фаолияти ҳисобланади. Масалан, «Америка фуқаролар эркинлиги иттифоқи» ҳаётнинг ҳамма соҳасида Конституцияга тўла риоя этиш устидан назорат олиб боради. Жамият аъзоларининг сиёсий эркинлигини таъминлаш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун умумий курашда бу ташкилотнинг роли катта.

Нотижорат ташкилотлар хизмат кўрсатиш ва демократияни мустаҳкамлашда иштирок этишдан ташқари инсон маънавиятини бойитишга ҳам алоҳида эътиборни қаратади. Нотижорат, кўнгилли фаолият кўрсатувчи касалхоналар, тиббий ўқув юртлари кўплаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолдилар. Тиббий тадқиқотлар олиб бориш, соғлиқни сақлаш борасида малакали мутахассислар етиштириб, инсон ҳаётининг сифат даражасини юқори кўтаришга муносиб ҳисса қўшишмоқда. Нотижорат ташкилотлар бойлар учун ҳам, камбағаллар учун ҳам тиббий ёрдам сифатини ошириш борасида таҳсинга сазовор ишлар қилишмоқда. Масалан, Америка Қизил Хоч ташкилоти бутун дунёда миллионлаб одамларга фалокатлар ва фожиалар пайтида мадад бериб келмоқда. Натижада чарчов нималигини билмайдиган кўплаб ҳақиқий жонкуяр кўнгиллилар етишиб чиқди.

Нодавлат ва нотижорат ташкилотлари ёшларга, ўз яқинларига ёрдам бериш, уларда мурувват, диёнат туйғуларини шакллантиришга ҳаракат қилишмоқда. Америка жамғармалар, корпорациялар, нотижорат ташкилотлар миллий коалицияси ўтказган тадқиқотларда таъ-

кидланишича, черков, мактаблар, ёшлар гуруҳлари томонидан уюштириладиган жамоатчилик тадбирларида ёшлар кўнгилли равишда жамоатчилик ишлари билан фаол шуғулланишмоқда. Оилада ота-оналари доимо яхши ишлар қилиш, одамларнинг дардига малҳам бўлиш руҳида тарбиялаган ёшлар катта бўлганларида ҳам бу одатларни канда қилмайдилар.

АҚШда кейинги йилларда бир қатор ўқув юртлари ихтиёрий, кўнгилли равишда хизматлар кўрсатиш дастурларини ўқув жараёнларида қўллаяптилар. Ўқувчилар ўзлари эришган тажрибаларга таяниб, турар жойларида текин меҳнат қилиб, одамларга яхшилик қилмоқдалар, саховат, мурувват кўрсатмоқдалар. Худди ана шу пастки бўғинда ёшлар ҳақиқий фуқаролик хислатларига эга бўлиб, фуқаро сифатида вояга етадилар.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик жамиятида нотижорат секторининг роли кўп қиррали. Жумладан:

- инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- инсон ҳаётини маънавий бойитиш;
- жамиятда ўз мустақил овозига эга бўлмаган кишилар фикрларини ифодалаш;
- ёшлар тарбияси билан шуғулланиш;
- кафолатланган келажакни таъминлаш;
- атроф-муҳит муҳофазаси;
- ночор-нотавонлар учун махсус гушалар ташкил қилиш.

Нотижорат сектори бажараётган ишларнинг барчаси давлат зиммасига тушганда давлат жуда катта харажатга тушган бўлар эди. Нотижорат ташкилотлар ҳомийлар томонидан бериладиган беминнат ёрдамлар, ўтказиладиган пуллар, йиғимлар, хизматлар ҳаққи билан бирга беғараз ишлайдиган миллионлаб кўнгиллилар меҳнатига ҳам таянади.

Нотижорат сектор фаолиятининг яна бир ўзига хос томони шундаки, улар нисбатан эркин бўлиб, давлат уларнинг фаолиятига аралашавермайди. Нотижорат ташкилотлар, хусусий шахслар қачон нима иш билан шуғулланиш ҳақида давлатдан кўрсатма кутиб ўтиришмасдан, ҳамма ишни ўзлари мустақил ҳал қилишади. Нотижорат ташкилотлар, айрим хусусий шахслар бу эркинликдан фойдаланиб, аҳолининг кам таъминланган, муҳтож қатламлари эҳтиёжларини қондириш билан астойдил шуғулланадилар. Бутун Америкада жуда катта савоб ишлар шулар томонидан амалга оширилади.

Албатта, бундай ҳиммат ҳамиша ҳам ҳукуматга

ёқавермайди. Баъзида ҳукумат идоралари билан келиш-мовчиликлар келиб чиқади. Лекин сўз ва йиғинлар эркинлиги кафолати америкаликларга бутун дунёдаги очночор одамларга ёрдам қўлини чўзишдек марҳаматга имкон беради.

Фуқаролик жамиятини, наинки, шакллантириш, айна пайтда, уни ҳимоя қилиш ҳам лозим. Давлат бошқарув аппаратининг таркиби ҳам, харажатлари ҳам қисқара борган сайин очночор оилаларга ёрдам бериш зарурияти шунчалик кучая боради. Давлат функциялари қисқара борган сайин жамиятда шунчалик адолатли, инсонпарвар сиёсатга талаб орта боради, ҳокимиятдан четдагиларни ҳимоя қилиш зарурати биринчи ўринга кўтарилади. Мана шу вазифаларни нотижорат сектори ўз зиммасига олади.

Охир-оқибатда нотижорат сектор хусусий ишларни умумманфаатга бўйсундириш, камбағалларни ҳам, бойларни ҳам бир хилда ҳимоя қилишга ўтади. Бу ҳаракатлар, ўз навбатида, фуқаролик жамиятини ҳам, демократияни ҳам мустаҳкамлайди.

Энг диққатга сазовор жойи шундаки, Америка қонунларига кўра, нодавлат ташкилотлари ҳукумат томонидан тан олинмиши талаб қилинмайди. Шунинг учун ҳам бундай ташкилотлар бирор бир ҳукумат бошқармасида рўйхатдан ўтиши шарт эмас. Ўз мақомлари, солиқ имтиёзларини қонун асосида ўзлари белгилаб оладилар.

Нотижорат секторда иқтисодий кўрсаткичларига қараб бир-биридан жиддий фарқ қилувчи жиҳатлар мавжуд. Масалан, бошқа соҳаларга қараганда соғлиқни сақлаш тизими харажатлари 60 фойизни ташкил этмоқда.

Олий таълим 20 фойиздаги харажатлар кўрсаткичи билан иккинчи ўринда туради. Нотижорат харажатларнинг қолган 20 фойизи барча бошқа ташкилотлар, жумладан, ижтимоий хизмат, санъат ва маданият, халқаро ёрдам, маҳаллий ташкилотлар ўртасида тақсимланади.

Нотижорат сектор қанчалик обрў ва нуфузга лойиқ бўлмасин, фақат хусусий хайр-эҳсон, кўнгилли ёрдамлар билангина АҚШ шу даражага эриша олмаган бўларди. Давлат билан турли доирадаги ҳамкорлик уларнинг фаолияти учун кенг имкониятлар очмоқда. Бу ҳамкорликнинг илдишлари Америка тарихининг илк даврларига бориб тақалади. Масалан, Америкадаги биринчи нотижорат корпорация — Гарвард коллежи XVII аср ўрталарида жамоат жамғармалари асосида ташкил топган эди. XIX асрга келиб, Америкада индустрлашти-

риш ва аҳолининг шаҳарларга оммавий кўчиб келиши натижасида ёлғиз ихтиёрий кўнгилли ташаббуслар билангина аҳоли эҳтиёжларини қондириш имкониятлари чекланган эди. Қашшоқлик, беморлик, уй-жой танқислиги, ишсизликка давлатнинг ёрдами жуда зарур бўлиб қолди. Нотижорат ташкилотлар биринчилардан бўлиб бу соҳаларга давлат ёрдам бериши керак, деган даъватлар билан чиқишди.

Давлат билан нотижорат сектор ўртасидаги ҳамкорлик борган сари мустақамланиб борди. Нотижорат сектори жиддий ривожланиш йўлига ўтиб олди. Кенг тарқалган айрим фикрларга қарама-қарши ўлароқ, давлат нотижорат соҳасига катта маблағлар ажратиб турибди. Давлат билан нотижорат ташкилотлари ўртасида турли-туман хизматларни амалга ошириш борасида шартномалар тузилган. Масалан, 80-йилларнинг бошларидан давлат нотижорат жамоат ташкилотлари даромадининг 30 фойизини таъминлаб келмоқда. Шундай қилиб, нотижорат ташкилотлар жамғармасининг 30 фойизи давлат, 18 фойизи хусусий хайр-эҳсон (алоҳида шахслар, корпорациялар, жамғармалар), қолган ярми, яъни 52 фойизи хизматларга тўланадиган ҳақлар, бошқа тушумлар ҳисобидан қопланади.

Нотижорат ташкилотлари ва давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг ўзига хос муаммолари ҳам бор. Нотижорат ташкилотлар ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз мустақилликларини йўқотмасликка ҳаракат қиладилар. Давлатнинг ёрдами уларнинг эркинликларини чеклаш ҳисобидан бўлмаслиги зарур.

Нотижорат ташкилотлар, бир томондан, давлатнинг мададига, иккинчи томондан, хусусий хайр-эҳсонга таянади. Аммо ижтимоий муаммоларни тўлиқ ҳал қилиш учун булар етарли бўлмай қолди. Шунинг учун ҳам Америкада нотижорат ташкилотлар учинчи йўлни ҳам қидириб топдилар. Бу йўл ижтимоий сектор, давлат сектори ва тадбиркорлар гуруҳлари ўрталаридаги ўзаро самарали ҳамкорликдан иборат.

Бундай ҳамкорлик ҳақиқий фуқаролик жамияти олиб борадиган йўл сифатида қаралади. Ушбу ҳамкорлик ўлароқ, фуқаролик жамиятининг энг муҳим хусусиятларидан бири яққол намоён бўлади. Гап секторлараро ўзаро алоқалар, ижтимоий секторнинг давлат сектори ва бизнес сектори билан муштарак қонуний алоқасини тан олиши баробарида ижтимоий муаммоларни ҳал этишда улар ўртасидаги ўзаро фаол муносабатларни

рағбатлантиришдек қонуният устида кетмоқда. Бундай концепция жамият интилаётган демократик ва иқтисодий ривожланишнинг янада чуқурлашувини таъминлашга тўлиқ сафарбарлиги билан ибратли.

Фуқаролик жамияти мазмун-моҳиятини очиб бериш нуқтаи назаридан қайд этилган америкалик мутахассисларнинг мавжуд қарашлари қаторида МДХ олимларининг ҳам назарий жиҳатдан етук тадқиқотлари бор.¹

Мазкур тасаввурлар шаклланиши фуқаролик жамияти ривожининг нисбатан узоқ жараёнлари давомида эмас, балки келажақда такомиллашгуви мумкин бўлган идеал шаклдаги фуқаролик жамияти ҳақидаги мулоҳазалар шароитида юзага келгани ҳисобга олинса, унда муаммога нисбатан бошқача аспектларда қарашга эътиборни қаратишга тўғри келади.

Энг аввало, фуқаролик жамияти ҳар қандай шаклда ҳам, ҳар қандай йўналишда ҳам кишилиқ жамиятининг энг мукамал, энг юқори босқичи ҳисобланади. Унинг таркибий унсури сифатида одамларнинг ибтидоий кўнгилли жамоаси бўлмиш оила, кооперация, ассоциациялар, хўжалиқ корпорациялари, жамоат ташкилотлари, касаба, ижодий, спорт ва бошқа уюшмалар, шунингдек, ижтимоий жамоалар киради.

Иккинчидан, фуқаролик жамияти нодавлат, носий муносабатлар, жумладан, иқтисодий, ижтимоий, оилавий, миллий, руҳий-ахлоқий, диний муносабатлар мажмуи сифатида намоён бўлади. Одамларнинг ишлаб чиқариш ва шахсий ҳаётлари, одатлари, анъаналари ҳам шулар жумласига киради.

Учинчидан, фуқаролик жамияти эркин индивидлар ташкилотларининг ўзини ўзи намоён қилиш қоидалари асосида шаклланади. Фуқаролар эркинлигига давлат ҳокимиятининг ўзбошимчилик билан аралашшига, тўғридан-тўғри тазйиқ ўтказишига қонун асосида йўл қўйилмайди.

¹ Қ а р а н г: *Бородин Е.Т.* Современное состояние общество в контексте истории (дискуссионный подход). // Социально-политические науки, 1992, №1; *Варывдин В.А.* Гражданское общество. // Социально-политические науки. 1992, №8; *Кала Д.* Гражданское общество: Опыт словаря нового мышления. – М., 1989; *Шкартан О.И., Гуренко Е.Н.* От этакратизма к становлению гражданского общества. // Рабочий класс и современный мир, 1990, №3; *Данченко В.Т.* Гражданское общество и политическая власть. // Политология – М., 1991; *Замброеский Б.Я.* К вопросу о формировании гражданского общества и правового государства. // Социально-политические науки, 1991, №6; *Смольков В.П.* Проблемы формирования гражданского общества. // Социально-политические науки, 1991, №4; *Шарифходжаев М.* Формирование открытого гражданского общества в Узбекистане. – Т.: Мир экономики и права, 2002 ва б.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, фуқаролик жамияти билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабат бутун тарихий тараққиёт давомида энг долзарб муаммо ҳисобланган. Ҳозир ҳам шундай бўлиб турибди. Фуқаролик жамияти давлат билан одамлар яшаш фаолиятининг сиёсий жиҳатлари билан диалектик зиддиятлар асосида ўзаро боғланган. Демократик режим шароитида бу боғлиқлик анча изчил ва узвий ҳолатда давом этади. Тоталитар тизимда давлатнинг ҳукмронлиги ошиб кетади, ижтимоий кучлар ё қарамлик ҳолатига кириб қолади ёки фаол муҳолифатга айланади.

Бундай ёндашув, бизнинг назаримизда, фуқаролик жамиятини маълум маънода давлатнинг сиёсий жиҳатдан ташкиллашувига қарши қўяди. Бу ўринда фуқаролик жамияти таркибига сиёсий компонентларни қўшиш мақсадга мувофиқроқ бўлади. Чунки фуқаролик жамияти қанчалик ўзини ўзи бошқармасин, ҳокимият ва сиёсатдан мутлақо холи бўлолмайди.

Тараққиётнинг илк даврларида бу икки тушунча бир-бирини инкор этарди. Чунки фуқаролик жамияти тарихан давлатдан кўра анча илгарироқ шакллана бошлаган. Энг қадимда оддий, кам сонли беқарор одамларнинг гуруҳлари пайдо бўларкан, биргаликда яшаш учун кураш олиб бориш заруриятга айланган. Тирикчилик учун озиқ-овқат топиш, уй-жой қуриш, турмуш ашёларини яшаш, ташқи хавфдан ҳимояланиш жараёнида улар бир-бирларининг мададига кўпроқ эҳтиёж сеза бошлаган. Буни шартли равишда «Қабилавий демократия», деб ҳам аташ мумкин.

Аммо ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида эркин фуқаролар жамоалари барқарорлашиб, кенгайиб, мустақамланиб борди. Эндиликда айрим мамлакатларда инсонларнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий, спорт, диний ва бошқа кўплаб эркин жамоалари юзлаб, минглаб учрайди.

Фуқаролик жамияти тараққиётнинг маълум бир босқичида ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун давлат тизимини ташкиллаш бошлайди, бу расмий тизимни таъминлаб, фаолиятини назорат этиб боради. Мабодо фуқаролик жамияти ночор бўлса, давлат кучайиб, уни аста-секин ўзига бўйсиндиради ва ниҳоят, мутлақ ҳоким бўлиб қолади.

Давлат билан жамият ўртасидаги ижтимоий зиддиятлар кескинлашгани сари, фуқаролик жамияти ривожини, унинг турли таркиблари, жумладан, ҳимоя тизи-

мини шакллантириш тезлашади. Фуқаролик жамияти ўзининг давлат билан мавжуд зиддиятларини қонун йўли билан бартараф этишни талаб қилади. Қонунчилик фаолияти кенг авж олади ва аста-секин давлат бу қонунларга риоя этишга мажбур бўлади. Жумладан, эркинлик, тенг ҳуқуқлик, инсоннинг иқтисодий мустақиллиги ва қашшоқларни ҳимоялашни кафолатлаш каби кўплаб соҳаларда давлат ён бергани ҳолда, жамиятда етакчи ижтимоий қадриятлар асосида ижтимоий келишув — консенсусни барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Фуқаролик жамиятининг яшовчанлигини таъминлашнинг ҳал қилувчи шартларидан бири унинг ҳар бир аъзосининг аниқ бир муайян мулкка эга эканлиги ёки шу мулкка эгалик қилиш жараёнида иштирок этиш, мулкдан ўз хоҳишига кўра фойдалана олиш ҳуқуқига эга бўлишдир. Якка шахснинг мулкка эгалик қилиши билан бирга жамоа (кооператив, корхона, жамоа ҳўжалиги ва б.) бўлиб мулкка эгалик қилиши ҳам фуқаролик жамиятининг муҳим томонидир. Турли хил гуруҳ ва қатламларнинг кўп қиррали ва бой эҳтиёжларини ифодаловчи ривожланган мураккаб ижтимоий таркиби мавжудлиги ҳам фуқаролик жамиятининг асосий жиҳатларидандир. Фуқаролик жамиятида хусусий мулкнинг табиий мавжудлиги шахс эркинлигининг асосбазиси, фундаментал шарти ҳисобланади. Бу шартни инсониятнинг кўплаб буюк мутафаккирлари тасдиқлашган. Бунга жамият яшовчанлигининг бой амалиёти ҳам сўзсиз гувоҳлик беради.

Фуқаролик жамияти фаолиятининг муҳим шарти турли ижтимоий гуруҳ ва қатламлар бойлиги ҳамда хилма-хил манфаатларининг мавжудлигидир. Ушбу хилма-хилликлар миқдор жиҳатидан ҳам, сифат жиҳатидан ҳам ўзгармас, қотиб қолган бўлиши мумкин эмас. Ижтимоий таркиблар хилма-хиллиги яхши ривожланган вертикал ва горизонтал алоқаларга эга бўлиши лозим. Ожиз, ночор ижтимоий таркибда индивид — шахс давлат билан тўғридан-тўғри бевосита боғланиб қолади. Бу эса унинг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари имкониятларини анча чеклаб қўяди.

Фуқаролик жамияти ҳаётининг манбасининг яна бир муҳим шарти — шахс ижтимоий, ақлий-интеллектуал, руҳий такомиленинг нисбатан юқори эканлиги, унинг ботиний эркинлиги, фуқаролик жамиятининг у ёхуд бу институти фаолиятида мустақил ҳолда тўлиқ ишти-

рок эта олиш салоҳиятига эғалигидир. Жамият тадрижий ривожининг узоқ муддатли тарихий сабоғи, маърифати ўлароқ, шундай такомилликка эришилилади.

Юксак ривожланган фуқаролик жамияти аксар кўпчилик давлатларда хусусий ва ижтимоий соҳаларда инсон ҳаётини давлат томонидан қилинадиган қаттиқ таъйиқлардан ҳимоя қилинишини таъминлади. Айни пайтда, юксак ривожланган фуқаролик жамияти сиёсий режим барқарорлигининг асосига айланади. Мабо-до давлат барқарорлашиб қолса, унга фуқаролик жамияти таркиби мустаҳкам таянч бўлади. Фуқаролик жамияти давлатнинг синашта, бақувват пойдеворига айланади. Эътироф этилишича, шундай пойдевор, хусусан, Скандинавия мамлакатларида мавжуд.

Шу билан бирга юксак ривожланган мамлакатларда шаклланган фуқаролик жамияти билан боғлиқ қатор муаммолар ҳам келиб чиқмоқда. Ўз вақтида бу мамлакатларда аҳолининг ижтимоий муҳтож қисмига жиддий моддий ёрдам кўрсатиш бўйича кўплаб дастурлар ишлаб чиқилди ва улар амалга оширилди. Бу саховат жараёни, ўз навбатида, бир қатор амалдорлар сонини ошириб юборди, давлат секторининг роли анча кучайди, натижада фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларига муайян зарбалар етди, фуқаролар фаоллиги пасайди, ижтимоий тараққиёт йўлида тўсиқлар пайдо бўлди.

Ўз-ўзидан шу хулоса келиб чиқади: давлат томонидан тўғридан-тўғри ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг объектив чегаралари бор. Бу чегарадан чиқиб кетилганда давлат доираси кенгайиб, фуқаролик жамияти доираси торая боради.

Давлатда фаровонликка юксак ташкил этилган серфаол фуқаролик жамияти, аввало, ҳар бир фуқаронинг ўз меҳнати натижаларидан тўла баҳраманд бўлиши асосий меъёр бўлиши таъминланилади.

Яна бир муаммо шундан иборатки, қатор давлатларда фуқаролик жамияти ривожининг ҳозирги сифат босқичи унинг миллий аспекти тобора долзарблик касб этаётганлигидан далолат беради. Деярли барча қитъаларда миллатлараро кескинлик ўчоқлари ҳамон сақланиб қолмоқда. Миллий омилнинг кучайиб бораётгани ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатларга олиб келаяпти. Бир томондан, миллий онг, ўзини ўзи англаш, миллий қадриятларнинг ривожини учун кураш боряпти. Иккинчи томондан, кўп миллатли жамиятларда, турли миллат вакилларида иборат давлатлар тизими-

да айрим парокандаликлар ҳам пайдо бўлмоқда. Кучли, қудратли кўп миллатли давлатларда айнан миллий масала боис парчаланиб кетиш хавфи туғилмоқда.

Бу муаммони ҳал қилиш учун фуқаролик жамияти институтларини янада кенгайтириш, турли ассоциациялар ташкил этишдаги унинг чексиз имкониятларидан фойдаланиш йўллари изланмоқда. Масалан, АҚШда ягона Англосаксония маданияти билан бирга яҳудий, Лотин Америкаси, италян, арманлар, поляклар ва бошқа миллий субмаданиятлар ҳам ўз тарихи, ривожланиш тенденцияларига эга. Уларнинг ҳаммаси эркин ривожланмоқда ва яхлит муштаракликда умумамерика маданиятини ташкил этмоқда. Ривожланган фуқаролик жамияти ҳар қандай миллий маданиятни эркин ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб беради. Собиқ иттифоқ даврида танқидга учраган миллий-маданий автономия гоёси ҳам фуқаролик жамиятида ўз ривожланиш истиқболига эга бўлади. Бу эса, ўз навбатида, кўплаб этник муаммоларни ҳал қилишга ёрдам бериши муқаррар.

Мавжуд муаммолардан яна бири фуқаролик жамиятининг ўзини ўзи ривожлантириш, ўзини ўзи ташкиллаш хусусияти билан боғлиқ. Шу билан бирга юксак ривожланган мамлакатлар тажрибалари шундан далолат берадики, фуқаролик жамиятининг ривожланиши учун етарли шарт-шароитларни худди шу фуқаролик жамиятининг ўзи давлат орқали ва давлатга тобе бўлмасдан амалга оширади. Давлат орқали деганимизда, бир қатор зарур қонунларнинг қабул қилиниши, демократик давлат таркибининг қарор топиши, қабул қилинган умумий демократик тартиб-қоидаларга давлатнинг қатъий амал қилишини тушунамиз. Давлатга тобе бўлмасдан, деганимизда, Конституция доирасида давлатга муҳолифатда бўлган мустақил жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари, оммавий демократик ҳаракатларни ташкил этишни тушунамиз.

Шундай қилиб, фуқаролик жамиятининг мураккаб таркиби бир неча йирик соҳалар, жумладан, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳаларни алоҳида-алоҳида олиб қарашни тақозо қилмоқда.

Иқтисодий соҳада фуқаролик жамиятининг таркибий унсурлари сирасига ҳамкорлик корхоналари, ширкатлар, тижорат, ижара жамоалари, акциядорлик жамиятлари, кооператив ассоциациялар ва фуқароларнинг ўз шахсий ташаббуслари билан тузилган хўжалик

соҳасидаги кўнгилли бошқа эркин ихтиёрий уюшмалар киради.

Фуқаролик жамиятининг ижтимоий соҳасига қўйидагилар киради: оила, ижтимоий ташкилотлар ва ҳаракатлар, ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган уюшмалар, норасмий уюшмалар, яшаш жойлари ёки меҳнат, ўқув жамоаларида ўзини ўзи бошқариш ташкилотлари, жамоатчилик фикрини аниқлаш, шакллантириш ҳамда ифодалаш механизмлари, шунингдек, ижтимоий низоларини ҳал қилиш, оммавий ахборотнинг нодавлат воситалари, жамиятда пайдо бўлувчи манфатларни институционал умумлаштириш ҳамда уларни ихтиёрий тарзда маданий, ривожланган шаклда Конституция ва давлат қонунлари доирасида эълон қилиш.

Фуқаролик жамиятининг маънавий асослари фикр эркинлиги, виждон ва сўз эркинликлари, ўз фикрини ошқора айта олиш имкониятлари, ижодий, илмий ва бошқа уюшмаларнинг давлат ҳамда сиёсий институтлар таркибларидан холи ҳолда мустақил мавжуд бўлишларида намоён бўлади.

Фуқаролик жамияти жамоат ташкилотлари, норасмий бирлашмалар ва алоҳида фуқароларнинг ҳаракатлари имкониятлари воситаларида қонунчилик фаолиятида фаол қатнашиб, ўз ташаббусларини намоён этади. Зарур бўлган қонунларнинг қабул қилиниши, амалда қўлланилиши, фуқароларнинг эркинлиги ва уларнинг қарорларнинг ижроси учун қатъийлик кўрсатиши табиий бир ҳолдир. Фуқаролик жамиятининг ташаббуси ва қатъийлиги бўлмаган жойда жуда кўп қонунлар қоғозда бесама қолиб кетаверади.

Фуқаролик жамияти ҳаётининг фаоллашуви давлатнинг фуқаролар кундалик, меҳнат, ижодий ишларига, тадбиркорлик фаолиятига ва бошқа юмушларига бевоқиф аралашавермаслиги зарурлигини очиқ-ойдин исботлаб бермоқда. Давлат ўзининг тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиш, ривожланишнинг устувор йўналишларини ва даражаларини белгилаш, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг юксалиш пропорциясини таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий фойдали иш фаолиятини рағбатлантириш, уларнинг ҳуқуқларини, мулкани, шахс қадр-қимматини, ўз халқи ҳаётининг барча жабҳаларини демократлаштириш, чегараларни ҳамда ички тартиботни ҳимоя қилиш каби ишларни бажариши лозим.

И Б О Б

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

Юқорида таъкидланганидек, немис файласуфи Гегель илк бор қатъий комиллик-ла, иқтисодиёт жабҳасини фуқаролик жамиятининг бош асос-белгиларидан бири, деб белгилади.¹ Гегель фуқаролик жамиятини хусусий шахсларнинг қонуний уюшмаси, деб таърифлайди. Ҳар бир индивид ўз интилиши ҳамда орзуларини ўзи учун бош, ягона мақсад, деб билади. Қолган ҳаммаси унинг учун иккинчи даражали нарса. Шундай қилиб, индивидлар ўз хусусий мақсад ва манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўювчи шахслардир. Бироқ шахс мақсадлари тақозо этадиган эҳтиёжларини ёлғиз ўз кучи ва имкониятлари доирасида тўла қондира олмайди. Натижада бошқалар унинг мақсадларининг рўёбга чиқиши учун «воситачи»лик қиладилар. Айни пайтда, гап бир одамнинг иккинчи одам билан ўзаро алоқаси устида эмас, балки ҳамманинг ҳамма билан муносабатлари тўғрисида кетар экан, Гегель шундай хулосага келади: ушбу муносабатларнинг барча иштирокчилари бирлашган ҳолда яхлит муштарак уюшма — фуқаролик жамиятини барпо этишади².

Аммо шуни таъкидлаш керакки, фуқаролик жамияти, Гегель тасаввурича, умуммуштараклик (жамоатчилик)нинг олий шакли эмас, балки у қон-қардошлик, уруғ-аймоқчилик алоқаларининг узилиши ва одамларнинг бошқа бир асос, яъни иқтисодий асос орқали бирлашиб, халқ ёки миллатга айланиши билан характерланади. Бир наслдан тарқалганлар билан бирга ўзга наслдан тарқалганлар ўзаро бирикишиб, барқарорлашиб, миллатни ташкил этишади. Жамоа алоқаларининг янги сифат босқичи, жамоавий алоқаларнинг ўзгариши одамлар эҳтиёжларини қондиришда мутлақо янги қонуни-

¹ Қ а р а н г: Гегель Г.В. Философия права. — М., 1990.

² Қ а р а н г: Гегель Г.В. Философия права. — М., 1990.

ятларни келтириб чиқарди. Жамоавий алоқаларни энди индивидлар умумманфаатлари ва ўзаро алоқалари ташкил этади. Бу энди субъектлар ижтимоий бирлигига кирувчи уруғлару қабилаларнинг истак-хоҳишларига мутлақо боғлиқ бўлмайди.

Яна бир омил таъкидлаб ўтилади. Яъни фуқаролик жамияти фирт эгоистик жамият бўлиб, у ўзида, энг аввало, шахсий эҳтиёжлари манфаатлари ўлароқ, уюшган худбин индивидларни бирлаштиради. Уларнинг ҳар бири ўз мақсадлари рўёби учун манфаатдорлиги боис жамоавийлик турли хил тасодифларга дучор бўлади. Шу сабаб худбин индивидлар умумбирликнинг нисбатан юқори шакли — давлатга эҳтиёж сезадилар. Ана шу тарқоқ индивидлар билан инсон ҳаётини ташкил қилишнинг олий шакли — давлат ўртадаги боғловчи бўғинга айланади.

XX аср тарихи бир нарсани яққол кўрсатди: фуқаролик жамиятининг инсон эркинлиги, хусусий мулк каби асосий тамойиллари катта ҳаётий кучга эга экан. Хусусан, фуқаролик жамиятининг энг изчил мафкураси ҳисобланмиш — эркинлаштириш тараққиётнинг ҳозирги босқичида ўзига қарама-қарши бўлган мафкуралар — коммунизм ва фашизмдан сўзсиз устун келди, уларни четга суриб, итқитиб ташлади.

Ҳозирги замон фуқаролик жамиятининг иқтисодий асосларини характерлашга киришар эканмиз, унда ижтимоий муносабатларнинг турли даражаларини алоҳида кўрсатиб ўтишга тўғри келади.

Ижтимоий муносабатларнинг дастлабки муҳим даражаси инсоннинг ирсий-наслий кўпайиши билан боғлиқ. Бунда оила, турмуш, маданият (жумладан, таълим) ҳал қилувчи бўғинлар ҳисобланади.

Иккинчи босқичга иқтисодиёт соҳаси киради. Иқтисодиёт товарлар, хизматлар, фаолиятлар алмашиш жараёни бўлиб, унда алоҳида-алоҳида индивидлар ижтимоий жамоаларга бирлашадилар. Бунда муносабатлар субъекти бўлиб, биригчи навбатда, индивидлар ҳисобланади. Иккинчидан, индивидлар бирлашган ижтимоий гуруҳларнинг роли яққол сезилиб туради. Ижтимоий меҳнат тақсимооти тизимида манфаатлар турли ўринга ва турли хил мулк ҳамда маданиятга эга бўлишса-да, уларда муштарак манфаатлар ифодаланади. Бу фуқаролик жамиятининг ижтимоий таркибини ташкил этади.

Учинчидан, индивидларнинг ҳар хил бирлашмалари, касаба уюшмалари, тадбиркорлар иттифоқлари, истеъмолчилар жамиятлари ва бошқалар. Бунда барча субъектлар нодавлат шаклда ўзаро турли хил алоқалар ўрнатадилар (шартнома асосида) ва шу тариқа муайян даражада фуқаролик жамиятининг уйғун ривожланишини таъминлаб турадилар. Албатта, ушбу алоқалар сиёсий куч бўлиши давлатдан ташқари рўй беради. Давлат бу ерда потенциал мавжуд бўлади, холос. Шундай қилиб, фуқаролик жамиятининг характерли жиҳати ўзини ўзи бошқаришдан иборат бўлади. Фуқаролик жамияти тадрижий йўл билан шаклланиш салоҳиятига эга экан, индивидларнинг эркин уюшмаси самараси экан, демак, фуқаролик жамияти ўз имкониятларини кенгайтиради, ривожланиш истиқболини белгилайди. Фуқаролик жамияти учраб туриши муқаррар зиддиятларни бартараф этиш қудратига эга бўлар экан, демак, у бир ижтимоий тузумни бошқаси билан зўровонлик, қону ва жон эвазига ўзгартирадиган ҳар хил инқилоблардан омон қолишга кафолат бўлади.

Бироқ моддий манфаатлар, яъни фуқаролик жамиятининг фундаментал асоси негизида рўй берадиган тараққиётнинг бундай имконияти иқтисодий муносабатларга асосланади.

Фуқаролик жамияти иқтисодий асосларининг замонавий мазмун-моҳияти шундан иборатки, моддий омиллар шундай хўжалик тизими-ки, унда чекланган ишлаб чиқариш заҳираларидан оқилона фойдаланиш орқали катта натижаларга эришиш талаб мазмун-моҳияти уларни чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш усуллари танлаш қарори нарх-наво даражасини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинадиган хўжалик тизими фаолияти билан белгиланади.¹ Шундай хўжалик тизимини, одатда, бозор тизими, деб аташади.

Мабодо муайян бир товарни ишлаб чиқаришнинг чекланган ресурсларидан фойдаланилса, бунда, албатта, бошқа шароитда ишлаб чиқариладиган бўлак товарлардан воз кечиш лозим бўлади. Бозор иқтисодиётидаги ушбу танловни истеъмол талаблари эҳтиёжларидан ва товарнинг тақчиллигидан келиб чиқувчи ресурс-захираларининг эгалари амалга оширишади.

¹ Қ а р а н г: *Строуп Р., Гвартни Дж.* Азбука экономики (Авторизованный русский перевод: Институт национальной модели экономики. — М., 1996.

Фуқаролик жамиятининг иқтисодий асослари мазмуни фақат бозор тамойиллари орқалигина тўлиқ очиб берилади.

Яъни биринчидан, фаолият хиллари ва шакллари эркин танлаш. Гарчи иқтисодий эркинлик ва фуқаролик жамияти кўп моҳиятли тушунчалар бўлишса-да, уларнинг бош белги-аломати бу — хўжалик фаолиятининг эркинлиги тамойилидир.

Табиийки, сиёсий, ижтимоий, маънавий, ахлоқий эркинликлар сингари иқтисодий эркинлик ҳам тазйиқ воситасига айланмаслигига йўл қўймовчи ижтимоий ҳаёт нормалари белгилаб берадиган доиралар билан чекланган. Ижтимоий чекланиш тизимисиз бир томоннинг эркинлиги бошқа томон учун зўравонликка айланиб қолиши мумкин.

Бу бош тамойил исталган хўжалик субъектига иқтисодий фаолиятнинг ўзи истаган, мақсадига мос келадиган, фойдали ва истиқболли турларини танлаш, қонун рухсат берадиган ҳар қандай шаклда фаолият кўрсатиш ҳуқуқини беради. Қонун эса одамлар ҳаёти ва эркинлигига, жамият барқарорлигига реал хавф соладиган ахлоқ нормаларига зид келувчи иқтисодий ҳамда хўжалик фаолияти турларини чеклаш ёхуд ман қилишга сафарбар бўлиши шарт.

Иккинчидан, мулк шакллариининг тенглиги. Фуқаролик жамиятининг ҳал қилувчи иқтисодий тамойили турли мулк шаклларига эга бозор субъектларининг тенглиги ҳисобланади. Ушбу тамойилга кўра, мазкур субъектлар ҳар бирининг иқтисодий фаолиятлари имкониятлари чекланганлиги, солиқ, имтиёзлар, санкциялар билан қўшилган ҳолда, барча субъектлар учун бир хил бўлиши лозим. Субъектлар мулкнинг қандайдир аниқ бир шаклига боғлиқ бўлмаслиги шарт.

Аслида бу мулкнинг хилма-хил шакллари ўртасидаги табиий ҳалол рақобатга асос бўлади.

Учинчидан, хўжалик юриштишнинг мустақиллиги. Бозор иқтисодига, найинки, корхоналарни бошқаришга, шу билан бирга уларни янгидан ташкил этиш ҳамда тугатишга дахлдор ўзини ўзи бошқариш жараёнлари хосдир. Дарҳақиқат, бозор ва фуқаролик жамияти доираларида корхоналар ҳар хил давлат кўрсатмаларидан холи бўлади. Идеалда эса корхоналар фақат ва фақат ўзларининг молиявий имкониятларига боғлиқдир.

Тўртинчидан, фуқаролик жамиятида бозор хўжалигининг мавжудлиги товар ишлаб чиқарувчилар билан

харидорлар ўртасидаги рақобатга асосланади. Айнан улар товарлару хизматларга ўзлари нарх белгилашади. Лекин корхоналар фойда олиш ва зинҳор-базинҳор зарар кўрмасин учун ҳаракат қилишлари табиийлигидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги хулосага келиши мумкин: фақат фойда олиб келадиган товарларгина ишлаб чиқарилади. Зарар келтирадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш тўхтатилади. Шу билан бирга, маълумки, фойда билан зарар икки нарсани ҳал қилиб беради: фирма ўзи ишлаб чиқарадиган маҳсулотлардан оладиган ялпи фойда ва маҳсулот ишлаб чиқаришдан келадиган зарар.

Бозор тизимини муайян хизмат турига, товар ёхуд захираларга нисбатан ўзгариб турувчи талаб ҳамда таклифларга мослашиш имкониятида нарх-навонинг ҳал қилувчилик роли муҳим ўринни эгаллайди. Харидорлик дидидек базис соҳасидаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида тўғри маълумот бериш билан боғлиқ бозор тизимининг имкониятлари, корхоналар ва ресурслар етказиб берувчилар томонидан зарур реакция нарх-навонинг ҳал қилувчи, мослашувчан функцияси ҳисобланади. Маҳсулотлар нархига ва олинadиган фойдага таъсир, харидорлик дидидаги ўзгаришлар муайян соҳани кенгайтиришни, бошқаларини қисқартиришни тақозо этади. Бу ўзгаришлар ресурс бозори орқали амалга ошади. Чунки кенгайдиган истиқболли соҳалар ресурс-захираларга катта эҳтиёж туяди, қисқарадиган корхоналар эса уларга бўлган эҳтиёжни пасайтиради. Ресурслар баҳосидаги ана шу ўзгаришлар оқибатида юзага келадиган янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ жараён захиралар оқимини қисқарадиган соҳадан кенгайдиган соҳага табиий равишда ўтишини таъминлайди. Ана шу механизмда фуқаролик жамиятининг фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқлари билан боғлиқ муҳим устувор кадрияти мужассамлашган.

Албатта, инсонпарварлик ва цивилизация истиқболи нуқтаи назаридан фуқаролик жамияти асосларидан бўлган бозор иқтисодининг моҳияти ҳар хил баҳоланади.

Бозор тизимиға хос асосий иқтисодий омил шундаки, у ресурс-захираларни самарали тақсимлаш имконини беради. Ушбу ҳақиқатга кўра, рақобатбоп бозор тизими жамият катта эҳтиёж сезадиган ресурс-захираларни зарур товарлар ишлаб чиқаришга ва хиз-

мат соҳаларига йўналтиради. У ресурслардан унумли фойдаланишнинг нисбатан самарали усулларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, ишлаб чиқаришнинг янада серсамар янги технологияларини яратиш ва қўллаш имконини беради.

Ресурсларни бўлишнинг самарали ана шу презумпцияси кўплаб иқтисодчиларни эркин бозор фаолиятига ҳукуматнинг фаол аралашуви ёхуд улар операцияларини давлат бошқариб туриши (агар бу аралашувга эҳтиёж бўлмаса, албатта) зарурлигига шубҳа билан қарашларига сабаб бўлмоқда.

Бозор тизими фойдасига хизмат қилувчи муҳим но-иқтисодий асос унинг шахсий эркинликка берган имтиёзидадир.

Жамиятни ташкил этишнинг фундаментал муаммоларидан бири аксар кўпчилик индивидлар ва корхоналарнинг иқтисодий фаолиятларини мувофиқлаштиришдир. Мувофиқлаштиришнинг икки усули мавжуд: бири — мажбурлаш турларидан фойдаланишнинг марказлаштирилгани, иккинчиси — бозор тизими воситачилигида кўнгилли ҳамкорлик.

Айнан бозор тизимигина иқтисодий фаолиятни мажбурловсиз мувофиқлаштириш имконини беради. Табиийки, айнан ана шу жабҳада бозор тизими фуқаролик жамияти моҳиятига нисбатан мос келади.

Бозор тизимига қарши қарашлар, одатда, рақобатнинг йўқ бўлиши ҳақидаги даъволарга асосланади. Рақобатнинг назорат механизми сифатида сусайишнинг икки асосий манбаси мавжуд, деб эътироф этилади: *биринчидан*, рақобат хусусий ишлаб чиқарувчини шафқатсиз синдириб ташлайди. Шунинг учун тадбиркорлар фойда кетидан қувиб ва ўз иқтисодий-молиявий аҳволини яхшилашга интилиб, рақобатнинг чекловчи йўлидан қутилишга ҳаракат қилишади. Фирмаларнинг қўшилиши, компанияларнинг хуфёна келишуви — булар ҳаммаси рақобатни сусайтиришга, унинг бошқариб туришидан қочишга имкон беради.

Иккинчидан, айрим иқтисодчилар таъкидлаганидек, бозор тизими рағбатлантирадиган техникавий тараққиёт рақобатнинг пасайишига олиб келди. Чунки янги технологияларни ишлаб чиқариш жараёнларига қўллаш асосида ишлаб чиқаришнинг максимал самарадорлигига эришиш нисбатан кичик фирмаларни эмас, балки сони чекланган нисбатан йирик фирмаларнинг мавжудлигини талаб қилади.

Рақобат торайгани сари ресурсларни тақсимлашнинг самарали механизми сифатида бозор тизими ҳам бўшашиб боради.

Шу билан бирга бозор тизими самарадорлигини тан олишга қарши бўлак даъволар ҳам мавжуд. Энг аввало, бу — *даромаднинг нотекис тақсимланишидир.*

Хўш, яъни бирлари маъқуллаган, бошқалари маъқулламаган бозор тизими билан боғлиқ ушбу даъволарнинг қайси бири тўғри? Айрим иқтисодчилар жавобни фуқаролик жамиятини такомиллаштиришдан, жумладан, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун шароит яратиш, хўжалик жараёнларини ижтимоий йўналтириш воситаларидан излаш лозим, деб айтишади.

Фуқаролик жамияти ривожда хусусий мулк алоҳида аҳамият касб этади. У: а) *мулкдан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқини*; б) *мулкни бериш ҳуқуқини*; в) *қонун томонидан мулкни ҳимоя қилишни кўзда тутади.*

Хусусий мулк иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг рағбатлантириш тизимини яратади. Бунинг исботига, одатда, тўртта асосий омил келтирилади.

Биринчидан, хусусий мулк мулкни оқилона бошқаришни рағбатлантиради. Мабодо, хусусий мулкдорлар ўз мулкни асраш ва уни даромадли таъминлашнинг иложини қилишолмаса ёхуд мулкига лоқайдларча муносабатда бўлишса, унда улар ўз мулкларининг қадрсизланишига, охир-оқибатда, банкротликка сабаб бўлишади. Ва, аксинча, агар мулк яхши сақланса, ишласа, фойда келтирса, демак, унинг қадри ошади. Бу эса зарурат туғилганда мулкни катта фойда эвазига бошқалар томонидан сотиб олинишига кафолат беради.

Агар мулк давлатга дахлдор бўлса ёки унга катта бир гуруҳ биргаликда эгалик қилса мулкни асраш тартиби пасаяди. Шу боис ҳаммага маълум факт — давлат мулки бўлмиш уй-жойларнинг ҳолати тараққий этган давлатлар (жумладан, АҚШ)да ҳам, ривожланаётган мамлакатларда ҳам ҳамиша яхши сақланавермаслиги барчага маълум. Бундай хўжасизлик давлатнинг мулкка эгалиги туғдирган рағбатлантириш тизимининг инъикоси, холос.

Иккинчидан, хусусий мулк одамларни ўз моддий имкониятларини ошириш ва ундан самарали фойдаланишга рағбатлантиради. Хусусий мулк шароитида одамлар ўз малакаларини оширишга, яхши, самарадор ишлашга интилишади. Сабаб — бу улар учун кони фойда.

Одамларда ўз маблағларини янада кўпайтириш хоҳиши кучаяди.

Учинчидан, хусусий мулкдорлар ўз ресурсларидан бошқалар манфаати уун фойдаланишга ҳаракат қилишади. Гарчи қонун уларга ўз мулкларидан қандай фойдаланиш ҳуқуқини берса-да, хусусий мулкдорлар ўз мулкларини бошқалар учун суву ҳаводек зарурлиги, яъни харидоргирлиги ҳақида ўйлаганда, шубҳасиз, манфаатли устунликка эга бўлишади. Агар улар хатти-ҳаракатлари, интилишлари бошқа одамлар томонидан маъқулланса, улар мулкнинг қадри ошади, маъқулланмаса — пасаяди.

Тўртинчидан, хусусий мулк ресурслардан келажак учун оқилона фойдаланиш ва уларни асраш имконини беради. Ресурслардан бутун учун фойдаланиш шу кечакундуз манфаатларига хизмат қилади. Бироқ келажакда кутилаётган ресурслар нархининг ошиши билан боғлиқ аниқ фойда ўзида эртанги кун манфаатлари талабларини акс эттиради. Хусусий мулкдорларда ана шу икки талабни ўзаро муносиблаштириб, мувофиқлаштириб туриш рағбати бор.

Хусусий мулкни, одатда, эгоизм-худбинлик билан боғлашади. Аммо парадокс шундаки, ҳаммаси аслида бунинг аксидир. Хусусий мулк ўзларига мансуб бўлмаган мулкка эгаллик қилишга интиладиган очкўз, бахил кимсалардан ҳимояни таъминлайди, ресурслардан фойдаланувчиларни ўз хатти-ҳаракатлари учун жавоб беришга мажбур қилади. Мулкдор ҳуқуқи аниқ белгиланган, ишончли ҳимоя қилинганда ва олди-сотди предметига айланганида товар ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар бозори чаққон камёб ресурслар эгаларига нархларни тўлиқ тўламасдан туриб, улардан фойдалана олмайдилар. Ресурслар эгалари улардан фойдаланишнинг муқобил йўлидан воз кечишлари учун истеъмолчилар қанча керак бўлса, шунча тўлашади.

Хусусий мулк, айти пайтда, ҳукуматни ресурслардан самарали фойдаланиш манфаати устида чуқур ўйлашга ёрдам беради, кўнгилли ҳамкорликка асосланган фаолият доирасини кенгайтиради. Шу билан бирга хусусий мулкдорлар ҳокимияти қатъий чекланган. Ҳатто, энг бадавлат мулкдор (ёки энг йирик фирмалар соҳиблари) ҳокимияти ҳам бир хил товар ишлаб чиқарувчилар ёхуд хизмат кўрсатувчилар ўртасидаги рақобат туфайли чекланган бўлади.

Хусусий мулкнинг бош афзалликларидан бири унинг

иқтисодий ҳокимиятни кам сонли мулкдорлар қўлида ҳаддан ташқари тўпланиб қолишини чеклаш имкониятидадир. Кўплаб одамлар қўлида бўлган мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи бу — тирания, зўравонлик ва ҳокимиятни суиистеъмол қилиш душманидир.

Шундай қилиб, хусусий мулк бу, нафақат, иқтисодий ривожланиш ва шахс эркинлиги, айти пайтда, фуқаролик жамияти шаклланиши ҳамда такомилнинг муҳим шarti ҳамдир.

Шу билан бирга фуқаролик жамияти демократияси ва бозор иқтисоди ўртасидаги фундаментал ижтимоий тафовутларни англаш муҳимдир.

Демократик давлат ўз фуқароларига муайян фаровонлик яратиш мақсадида аҳолидан солиқ олишда мажбурлов усулидан фойдаланади. Кам сонли норозилар ушбу ижтимоий фаровонликдан фойдаланишадими ёки йўқми, қатъи назар, солиқ ва умумфаровонликни таъминлаш билан боғлиқ харажатларни тўлашга мажбур. Давлатнинг одамларни солиққа тортиш ҳуқуқи фуқароларнинг ихтиёрисиз улардан мулкани, масалан, оладиган фойдасини тортиб олиш имконини беради. Хусусий секторда бундай мажбурий ўзбошимчаликларга йўл қўйилмайди. Хусусий фирмалар ўз товарлари ва хизматларига нисбатан юқори нархлар белгилашлари мумкин, лекин уларни сотиб олишга ҳеч кимни мажбур қила олишмайди.

Чекланмаган демократия — бу кўпчиликнинг ҳокимияти тизимидир. Бозор тақсимооти эса — ҳамманинг тенг, пропорционал вакилликдир. Бозор шароитида ҳар ким ўзи истаган нарсани олиши мумкин. Бунинг учун кўпчиликка мансуб бўлиш шарт эмас. Мана, нима сабабдан, бозорда танлаш жараёни давлат секторида қабул қилинган қарорлар туфайли содир бўлувчи зиддиятларни юзага келтирмайди.

Фуқаролик жамияти иқтисодий асоси ривожининг бўлак мураккаб муаммоси унинг бозорнинг қаттиқ принципларини муайян даражада ман қилувчи ижтимоий йўналгани билан боғлиқ. Шу жиҳатдан юксак иқтисодий самарадорликни ижтимоий ҳимоянинг ривожланган тизими билан уйғунлаштирган, ижтимоий бозор иқтисоди, деб ном олган немис варианты алоҳида қизиқиш уйғотади.

Мазкур иқтисодий тизим муайян тамойил ва элементларга асосланган. Айти пайтда, у қарийиб эллик йиллик тарихий жараён натижаси ҳамдир.

Асосий тамойил — юксак ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи иқтисодий эркинликдир.¹ Тамойил қуйидаги элементлардан иборат:

— истеъмол эркинлиги: истеъмолчилар ўзлари истаган товарни ёки хизмат турларини танлашлари, олишлари мумкин;

— ишлаб чиқариш ва савдо эркинлиги: корхона истеъмолчилар хоҳлаган товар ҳамда хизматларни ишлаб чиқариши мумкин;

— иш ўрнини эркин танлаш;

— хусусий мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш эркинлиги.

Ушбу тамойил ва элементлар бозор иқтисоди учун асос ҳисобланади. Мабодо бозор механизмлари фаолияти ижтимоий жиҳатдан номақбул бўлса, унда давлат томонидан қаттиқ назорат талаб этилади. Унда иқтисодий эркинлик тамойили ижтимоий давлат ёки одамлар фаровонлигини қўллаб-қувватловчи давлат учун хос бўлган бошқа тамойиллар билан тўлдирилади. Ижтимоий бозор иқтисоди турли элементларни ўзида тажасум этган фавқулодда мураккаб тизим эканлиги эса ҳаммага маълум.

Сиёсатшунослар, иқтисодчилар, социологлар ва сиёсатчилар томонидан қизгин муҳокама этилаётган мавзулар орасида «иштирок жамияти» деб аталувчи муаммо энг долзарб муаммога айланди. Ушбу муаммо «янги консерватизм» (бу кўп ҳолларда тэтчеризм билан муқобиллаштирилади) билан унга муқобил бўлган либерал-демократия ўртасидаги қаттиқ қарама-қаршиликдан иборат. Тэтчеризм мафқураси ва сиёсати ўз вақтида кучли танқидга учраган эди.²

Танқиднинг асосий объекти бу — мамлакат иқтисоди учунгина эмас, айна пайтда, жамиятнинг ўзи учун ҳам салбий самара берадиган эркин, бошқарилмайдиган бозор фалсафасидир.

Умумфаровонлик давлатининг асосини турмуш қийинчиликлари олдида нисбатан ожиз фуқароларни тегишли маблағ, уй-жой билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш тизимидан фойдаланишларига уларнинг болаларига ўз ижтимоий мақомларини яхшилашга, ёрдам

¹ Қ а р а н г: *Разумова Т.О.* Принципы и элементы социальной рыночной экономики. //Вестник Московского университета. Сер. 6. «Экономика». 1998, №3.

² Қ а р а н г: *Перегудов С.* «Общество участия» или «демократия собственников»? //Мировая экономика и международные отношения. 2000, № 1.

берадиган таълим олиш, малакали тайёргарликка эга бўлиш имконини яратишга берилган кафолат ташкил этади. Умумфаровон давлатнинг мустаҳкамлиги жамият соғломлиги мезонидир. Бу ижтимоий фуқаролик ифодаси ҳисобланади.¹

Бундай давлат фаолият кўрсатиши учун у ижтимоий баҳамжиҳатлик фақат ва фақат ҳамманинг биргаликдаги интилиши натижаси, бу барча учун фаровонлик келтирувчи омил, деган иқрордан келиб чиқадиган маблағларни синфлар ҳамда авлодлар ўртасида қайтадан тақсимлашга асосланиши лозим. Умумфаровон давлат иқтисодий ва сиёсий тизимларсиз фаолият кўрсата олмайди. Агар улар фуқароликни юзаки тушунишса, давлат тизими ҳам раҳбарликни шундай юзаки амалга оширади.

Бир томондан, қаттиқ сиёсий талаб мавжуд: ўрта синф ва юқори миқдорда солиқ тўлайдиганлар қабул қиладиган имтиёзли солиққа тортиш тартиблари учун давлат ёрдами тизими ишончли сабабларга эга бўлиши лозим. Айнан ана шу синфлар вакиллари умумфаровонлик тамойилини амалга ошишида жуда катта ҳиссаларини кўшишади. Улар тизим ўзларини, нафақат, шароитдан келиб чиққан ҳолда бевосита, айна пайтда, ижтимоий ҳамжиҳатлик шаклидаги билвосита ёрдамлари билан сийлаб туришини ҳис қилишлари лозим.

Бироқ бундай ахлоқий ёндашувларни мустаҳкамлаш учун «янги ўнгчилар»нинг ёрдам бериб туриш тизимини фуқаролик демократик жамияти идеалларига эмас, балки бозор тамойилларига мос келишини таъминлаш талабига анча путур етди. Одамларни хусусий нафақапенсия фойдасига мажбур қилади, солиқ тизими эса уларга бу масалада ёрдам беришга мослаштирилган. Хусусий мактаблар учун хайрия мақоми ва одамларнинг қарилиги ҳамда саломатлиги бўйича хусусий суғурта тизими учун имтиёзли солиқлар айнан ана шундан.

Аммо ушбу ёндашув вазиятни кескинлаштиради. Ҳақиқатда давлат ёрдами тизими бозор кучлари фаолиятини чеклаши ва жамият ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаши лозим. Буларсиз иқтисод самарали ривожлана олмайди.

Умумфаровонлик давлати хусусийлаштиришга эмас, балки кўпроқ демократияга, одамларнинг реал эҳти-

¹ Қ а р а н г: Хаттон Уилл. Капитализм участия. //Мировая экономика и международные отношения. 2002, №1.

ёжларига муҳтож. У одамларни доимо у ёки бу тарзда ўзгариб турган ҳаётлари давомида, айниқса, ишсизлик, малакавий қайта тайёрлаш ёхуд оғир оилавий шароитда қўллаб-қувватлаши лозим.

Урушдан кейинги умумфаровон давлат кўп жиҳатлардан давлат ёрдами билан адолатли ижтимоий фуқаролик жамияти ва бозор самарадорлиги ўртасида мувозанатни таъминлашга ҳаракат қилди. Ушбу мувозанат унинг ўзига хос иррационаллиги билан эмас, балки фуқаролик жамияти концепцияси уни қўллаб-қувватловчи иқтисодий ва сиёсий институтларнинг ёрдамсиз ҳеч қачон мавжуд бўлмаслиги туфайли бўлди.

Бошқа томондан, дунёда битта устувор тенденция ўзини ёрқин намоён этди: демократик давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бошқарувнинг нодемократик шакли мавжуд давлатлар тараққиётига нисбатан барқарор ва самарали бўлди. Нодемократик давлатларда иқтисодий аҳволнинг узоқ йиллар давомидаги истиқболи беқарор ва кам самарали бўлди. Совет иттифоқи ва халқ демократияси давлатлари, деб аталган Шарқий Оврупо қўмондончилиги-маъмурий тизимларининг қонуний ҳолати бунинг ягона бўлмаган амалий исботи бўлди.

Демократияни қандайдир муайян бир ижтимоий-иқтисодий тизим билан боғлаш мумкин эмас. Демократия — тамаддун, социомаданий феномен. Айнан бир хил тизимнинг ўзида ҳақиқий маънодаги демократиядан мутлақо мосуво у ёки бу тарзда ривожланган демократия бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳам иқтисодиёт демократияси — хусусий, жамоавий, ижтимоий ва давлат институтлари, ташкилотлари ва механизмлари амалда фуқароларнинг Конституция ҳамда Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида ифодасини топган ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари, эркинликларини таъминловчи ҳужалик ҳаёти ва бошқарувини ташкил этиш усулидир.

Демократия тамойилларига асосланган ва фуқаролик жамиятида амалга ошадиган иқтисодий ҳуқуқлар қуйидагиларни ўзида қамраб олади:

— хусусий ва жамоа тарзида мулкка эга бўлиш, ундан фойдаланиш ҳамда тақсимлаш;

— эркин рақобат шароитида қонун ман қилмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш, тенг меҳнати учун одил, тенг даромад олиш ҳуқуқи;

— хавфсизлик ва меҳнат гигиенаси, ишда руй берган фалокат, шунингдек, касаллик, меҳнатга лаёқатини йўқотганлик, ишсизлик туфайли ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқи;

— корхона ва компания бошқарувида ишчиларнинг иштирок этиш, олинган фойдани адолат асосида тақсимлаш жараёнига қатнашиш ҳуқуқлари;

— одамларнинг иқтисодий ёхуд малакавий фаолиятига алоқадор касаба уюшмалари, тадбиркорлик уюшмалари, истеъмолчилар жамияти ва бошқа ташкилотлар тузиш ҳуқуқи.

Шу билан бир қаторда иқтисодий фаолият ресурслардан самарали фойдаланиш нуқтаи назаридан қараладиган бўлинса, унда унинг самараси кўп жиҳатдан бош ресурс — инсон ресурсининг сўнгги натижаларига боғлиқ бўлишини сезмаслик мумкин эмас. Инсон омилини рағбатлантиришда иқтисодий асослар қаторида ижтимоий ва ижтимоий-руҳий омиллар ҳам муҳим роль ўйнайди.

Иқтисодиёт демократияси таҳлили ёлғиз иқтисодий категориялар билангина чекланиб қолмасдан, айти пайтда, ушбу категориялар таянадиган озодлик, тенглик, ижтимоий адолат каби кўп қиррали асосий тамойилларни ҳам қамраб олади. Ҳа, иқтисодий ҳуқуқлар ҳамда фуқаролар эркинлигини таъминловчи институтлар, механизмлар, воситалар бозор, тадбиркорлик фаолияти, рақобат ва бошқа жараёнлар билан чекланиб қолмайди. Улар жараёнга давлат муассасаларини, касаба уюшмаларини, тадбиркорлик иттифоқларини ва бошқа ташкилотларни ҳам жалб қилади.

Шу боис фуқаролик жамияти учун ривожланишнинг энг муҳим тизимий муаммоси бўлиб давлат билан бизнеснинг ўзаро ҳамкорлиги ҳисобланади.¹ Шакл ва усуллар орасида «манфаатлар гуруҳи», деб аталувчи нарсани ажратиш кўрсатиш мумкин. «Манфаатлар гуруҳи»га йирик хўжалик таркиблари ва тадбиркорларнинг умуммиллий иттифоқлари киради. Муштарак ҳолда улар бизнеснинг давлат олдидаги нопартиявий ваколати механизмларини ташкил этади. Бундай шароитда ишчанлик ҳамкорлиги тадбиркорлик ҳаракати доирасида жамоа бўлиб ҳаракат қилишга қодир бўлади. Турли ман-

¹ Қ а р а н г: Черновская В. Предпринимательские организации и гражданское общество в Индии и России. //Мировая экономика и международные отношения. 1997, №2.

фаатларни амалга оширишнинг бундай механизми фуқаролик жамияти асосларининг муҳим компонентларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодиёт демократияси ижтимоий-иқтисодий тизимнинг турли типлари билан мос келиши муносабати билан улар таснифи фуқаролик жамиятининг ривожланиш истиқболларига бевосита боғлиқдир.

Ижтимоий тизим таснифи ҳақида жамиятшунослик тафаккури тарихида бир нечта ёндашувлар мавжуд.¹

Масалан, формациявий ёндашув асоси қилиб инсоният тарихида маълум қатор тараққиёт босқичлари (ижтимоий-иқтисодий формациялар) олинган бўлса, цивилизациявий ёндашувда жамиятнинг муайян ҳолати (цивилизацияси) ажратилиб кўрсатилади. Бундан ташқари «идеал типлар» концепцияси ва учинчи сектор назарияси яхши маълум. Ижтимоий тизимлар таснифига илмий ёндашувда ижтимоий элементларнинг оптимал, рационал уйғунлиги ва формациявий назариянинг муқобили бўлмиш ижтимоий тараққиётнинг турли вариантлари, йўлларида дахлдор ғоялар яхши истиқболга эга.

Ижтимоий жараёнларнинг мураккаблиги ва кўп планлилиги ҳисобга олинганда, фуқаролик жамиятининг хилма-хил компонентларига асосан типологиялаштиришнинг турли вариантларидан фойдаланиш нисбатан тўғри бўлади. Масалан, иқтисодиёт фанида ишлаб чиқариш тизимларини ривожлантириш ва даврлаштиришнинг кўплаб ёндашувлари ҳамда концепциялари мавжуд. Ҳозирги пайтда бозор иқтисоди моделининг роли ва ўрни, унинг турфа хиллари билан боғлиқ муайян давлат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши истиқболларини белгилаб берувчи концепциялар кенг тарқалган.

Шу билан бирга ривожланган бозор модели билан бир қаторда ўтиш босқичи моделини (аниқроғи, унинг хилма-хиллигини) ўрганиш масаласи кун тартибида турган долзарб муаммо ҳисобланади. Чунки бозорга ўтишни унчалик ривожланмаган бозор, деб эмас, балки алоҳида махсус ҳолат, деб қараш лозим. Ҳолбуки, ўтиш ҳолатлари ташкилий-иқтисодий муҳитнинг юксак даражадаги ўзгарувчанлиги ва ноаниқлиги билан фарқ қилади. Бу иқтисодий самарадорликни пасайти-

¹ Қ а р а н г: Павлов К. Рыночные отношения: принципы, модели, перспективы. //Общество и экономика. 1999, №2.

ради, кўп сонлаб корхоналарнинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Чунки улар фаолияти бутуниси-ча ўтиш шароитларида ташқи омилларнинг эҳтимолли ўзгаришларига боғлиқ. Айнан муҳит барқарорлиги даражасидаги фарқлар ривожланган бозор шароитида корхоналарнинг устувор фаолиятини белгиловчи рента-беллик даражаси ўтиш даврига нисбатан анча камлиги факти билан белгиланади. Шундай қилиб, ривожланган бозор андозасининг ўтиш босқичи моделидан фарқ қилувчи муҳим хусусиятларидан бири ижтимоий-иқтисодий тизим фаолиятининг нисбатан барқарорлиги ва устуворлиги ҳисобланади.

Норматив-меъёрий акт-ҳужжатларни тайёрлашда ўтиш босқичи модели хусусиятларини инобатга олиш зарур. Шунинг учун ҳам иқтисодиёт фани олдида жамиятнинг бир сифатдан иккинчисига ўтишининг турли ҳолатлари учун муштарак бўлган жиҳатларни аниқлаш ва таҳлил қилиш асосида ўтиш босқичи ижтимоий-иқтисодий жараёнларининг умумий яхлит назариясини яратиш вазифаси туради.

Фуқаролик жамияти учун база — асос бўлган бозор иқтисоди модели ҳақида гапирганда, реал ҳаётда унинг кўплаб хиллари ва шакллари мавжуд эканлигини назарда тутмоқ лозим. Масалан, ривожланган давлатлар назарийетчилари турли ҳолат ва монополизация даражалари билан ажралиб турувчи бозор иқтисоди шакллариини ҳар томонлама чуқур ўрганишган, ўрганишмоқда. Натижада улар томонидан қуйидаги қатор назарий моделлар тавсия қилинди:

● бозор муносабатлари ривожланганлиги даражаси билан боғлиқ бозор тизими;

● такомиллашган рақобат;

● монополия;

● дуаполия;

● олигополия;

● монопол рақобат;

● моносония;

● икки томонлама монополия ва б.

Бозорнинг бу турлари ҳам эҳтиёж ва ҳам таклиф тарафида турган иқтисодий агентларнинг сони билан бир-биридан фарқ қилади.

Бозор тизимининг қайд этилган турлари бозорнинг реал вазиятига мос келувчи умуммуштарак схемалар ёхуд моделлар ҳисобланади. Бироқ, яхлит ҳолда улар, одатда, учрамайди. Бошқача айтганда, бозор тизими-

нинг санаб ўтилган барча турлари абстракция, яъни илмий характерга эга абстракция ҳисобланади. Бозорнинг реал мавжуд шакллари, одатда, такомиллашган рақобат, олигополия ва монополиянинг ўзига хос қоришмасидир. Фақат бу қоришмада у ёхуд бу турлар устунлик қилиб туради.

Булар барчаси ижтимоий ишлаб чиқариш юксак самарадорлигининг зарур шарти бўлган турли ҳўжалик тизимлари ва моделлари рационал уйғунлиги тамойилининг тўғри эканлиги ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради. Айнан ана шу уйғунлик тамойили негизда иқтисоднинг турли тармоқ ва соҳаларида ишлаб чиқариш — технология хусусиятлари ўлароқ, турли ҳўжалик тизимлари ҳамда моделларининг уйғунлиги ҳамда нисбати сезиларли даражада кўзга ташланади. Турли ҳўжалик тизимлари ва моделлари ўртасидаги муносабат нисбатдаги мавжуд фарқларни белгилаб берувчи омиллардан бири йирик, ўрта ҳамда кичик корхоналар ўртасидаги тармоқ бўлиниш ҳисобланади. Мисол учун қишлоқ ҳўжалик тармоқлари, энг аввало, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари унча кўп бўлмаган майда фермер ҳўжаликлари сонининг кўплиги билан боғлиқ тармоқларнинг ўзига хослиги қатор ривожланган давлатлар қишлоқ ҳўжалиги тармоқлари учун такомиллашган рақобатнинг олигополистик андозаси ва бозор модели уйғунлиги нисбатан характерли эканлигини кўрсатади.

Ҳозирги пайтда ривожланган давлатларда озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашё ишлаб чиқариш тармоқларида такомиллашган рақобат бозори кенг тарқалган. Бутун-бутун тармоқлар, жумладан, оғир саноатда самарали монопол бозор модели ҳукмрон.

Хулоса қилиб айтганда, деярли ҳар бир бозор мамлакатада (айниқса, ривожланган давлатда) иқтисоднинг исталган тармоғи ва соҳасида монополистик, олигополистик, такомиллашган рақобат сингари бозор модели назариясининг турли элементларини учратиш мумкин. Улар ўртасидаги нисбат эса меъёри билан сақланган.

Турли мамлакатларда, жаҳон тажрибасида мавжуд ижтимоий ишлаб чиқаришнинг турфа тармоқлари ва соҳаларида ҳар хил бозор моделларининг кенг тарқалгани хусусидаги фикр, хулосалар миллий иқтисодиётда бозорнинг турли шакллари ўртасидаги рационал, оқилона нисбатни шакллантириш бўйича тавсиялар бериш имконини беради.

Кўриниб турибдики, «бозор иқтисоди» тушунчаси кенг қиррали тушунча. Юқорида таъкидланганидек, бозорнинг бир-биридан жиддий фарқ қилувчи назарий моделлари мавжуд. Боз устига, ривожланган мамлакатларнинг ҳозирги иқтисодиёти бозор муносабатларидан ташқари хўжалик юритишнинг бошқа тамойиллари ва элементларини ҳам ўз ичига олмоқда. Улардан ижтимоий ҳимоя, касаба уюшмалари, партиялар, жамоат ташкилотлари ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг юксак самарадорлиги барча хўжалик механизмлари элементлари фаолиятининг самараси эканлигини таъкидлаш лозим.

Ривожланган мамлакатларда мавжуд ижтимоий-иқтисодий моделлар турлича бўлишини жаҳон тажрибаси кўрсатиб турибди. Масалан, Швеция ва АҚШ иқтисодиёти ҳолини ижтимоий таъминлаш типлари ва даражалари нуқтаи назаридан бир-биридан жиддий фарқ қилади. Ҳатто, бир мамлакатнинг ўзида ҳам турли даврларда турли моделлар устиворлик қилиши мумкин. Масалан, АҚШда кейинги ўн йилда давлатнинг бошқарувчилик, йўналтирувчилик роли ва аҳамияти кескин ўзгарди.

Кўшимча сифатида яна айтиш мумкинки, фуқаролик жамиятининг реал асоси турли мамлакатларда бир-биридан жиддий фарқ қилади: Шунинг учун ҳам иқтисодий асос мавжуд миллий иқтисодий моделларни таҳлил қилиш ҳисобига янада конкретлаштирилиши лозим.

Миллий хўжалик моделлари, нафақат, турли ижтимоий тузумдаги давлатларда бири биридан фарқ қилади, айни пайтда, бир ижтимоий-иқтисодий тузумга мансуб мамлакатларда ҳам улар муайян жиҳатлари билан жиддий фарқ қилади.

Олдин эслатиб ўтганимиздек, Шимолий Оврupo мамлакатларида турмуш даражаси бошқа кўп мамлакатларга нисбатан анча юқори.

Миллий хўжалик моделлари ўртасидаги тафовутлар давлатнинг ишлаб чиқариш жараёнларига таъсири борасида ҳам кўзга яққол ташланади. Масалан, Канадада ўз жанубий қўшниси АҚШга нисбатан давлатнинг иқтисодиётга таъсири жуда катта. Жанубий Кореяда ҳам давлат бозор иқтисодиёти тараққиётига етакчилик қилмоқда. Миллий моделларда ҳар хил турлардан, кичик бизнес ва бошқа хўжалик элементларидан фойдаланишда жиддий тафовутлар мавжуд.

Иқтисодий тараққиёт йўлини белгилаётган ҳар бир давлат қанчалик ривожланган бўлишига қарамасдан, бошқа бир мамлакат моделини тўла-тўқис юз фоиз ўзига қабул қилиб ололмайди. Бу нарса жаҳон тажрибасида синовдан ўтган айна ҳақиқатдир. Шунинг учун ҳам ҳар бир ривожланган мамлакатда ўзига хос миллий тараққиёт модели қарор топган. Аммо ҳар бир мамлакат ўз тараққиёт моделини яратаётганда бошқа ривожланган мамлакатлар миллий моделларининг энг мақбул, самарали томонларини ўзлаштириши фойдадан холи бўлмайди. Айна пайтда, ҳар бир миллий ижтимоий-иқтисодий модель қанчалик ўзига хос бўлмасин, амалда у бир хил ўхшаш хўжалик элементларидан ташкил топади (дарвоқе, бу ўз-ўзидан турли хўжалик моделларида умуммуштарак компонентлар мавжудлигини тасдиқлайди). Моделларнинг бир-биридан фарқ қилувчи томонлари, асосан, барча элементларнинг йўналишлари, шакллари ва намоён бўлиш хусусиятларида акс этади. Ҳар бир мамлакатда муайян муштарак моментлар мавжудлигига қарамасдан тармоқ, минтақавий тизимларда, хўжалик юритиш шакллари таркибида жиддий тафовутлар бор. Шунингдек, турли хўжалик тизимларида мавжуд рационал муносабат тамойилига асосан ҳар бир иқтисодий жабҳада турли моделларнинг уйғунлиги серсамарали бўлса, ҳар бир давлатда турли хўжалик элементларининг муштарак уйғунлиги, нисбати ва намоён бўлиш даражаси, албатта, ўзига хос бўлади. Булар ҳаммаси хўжалик юритишнинг истаган миллий модели ўзига хос ва такрорланмас бўлишига имкон беради.

Кейинги йилларда фуқаролик жамиятида ривожланиб бораётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар социологлар, иқтисодиётчилар, сиёсатшуносларнинг ижтимоий тараққиёт истиқболлари ҳақидаги турли-туман нуқтаи назарларини акс эттиради. Бундан ташқари, жамиятни ҳақиқий илмий бошқариш ижтимоий тараққиётнинг ҳар бир босқичида келажақдаги ривожланиш ва амалий ҳаракатлар учун маълум назарий асос бўлишини талаб қилади.

Бошқарув назариясидан маълумки, катта, йирик тизимларни бошқаришнинг энг самарали усули бу — келажақда рўй бериши мумкин бўлган муаммоларни олдиндан кўра олиш ва уларни прогноз қила билишдир. Келгусида рўй бериши мумкин бўлган ҳодисаларни аниқ кўра олиш, айрим нохушликларнинг олдини

олиш жуда катта маблағларни тежаш имконини беради. Нохушликни бартараф этгандан кўра, унинг олдини олиш осон ва самаралидир.

Жамиятнинг яхлит концептуал модели (жамиятнинг меъёрий-мақсадли модели), асосан, бир-бири билан боғланган икки тизимий андоза — **стандартдан** иборат:

- жамоат ҳаракатлари ёхуд партиялар мафкурачилари таклиф этган, фаолиятга чорлаган, даъват этган жамият образи;

- мақсадни белгилашга сафарбар ижтимоий ва давлат таркиби, норматив ҳужжатлар ҳамда жамиятнинг аниқ қиёфасини белгилаш йўналишида ривожланишни таъминловчи механизмлар, яққол белгилаб олинган концепцияларни амалга ошириш йўналишидаги тамойиллар тизими;

Жамият қиёфасини, цивилизация ривожининг парадигмасини аниқ белгилаб олиш тақдириломон муаммо ҳисобланади. Уларни ҳал этмасдан туриб, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш мумкин эмас. Бирор ҳодисани қайта куриш ва уни янада мукамаллаштириш учун жамиятнинг норматив моделини яратиш керак.

Тизимий ёндашув нуқтаи назаридан (ва тизимий ёндашувнинг таркибий қисми бўлган функционал-таркибий /усул асосида) жамиятнинг норматив-меъёрий модели мақсадли қадрий мўлжаллар (мақсадли функция тизими) ва мўлжалли қадриятлар тақозо этган йўналишдаги фуқаролик жамияти самарадорлигини таъминловчи ижтимоий давлат кўриниши тизимида намоён бўлиши мумкин. Ўз навбатида, мақсадли қадрий мўлжаллар тизими фуқаролик жамияти ривожини ва тақомиллашуви йўналишларини, ижтимоий тараққиёт йўналишларини очиб берувчи асосий мақсадли тамойиллар тизимини конструктив белгилаши мумкин.

Ижтимоий тараққиётнинг қуйидаги тамойилларини кўрсатиб ўтиш керак:

Биринчидан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси асосида гуманистик қадриятлар устуворлиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг давлат, синфлар, миллий манфаатлардан кўра устунлиги (шахс императиви тамойили).

Иккинчидан, ҳар бир кишига ижтимоий аҳамиятлилиги ва ижтимоий адолат мезонларига кўра ўз меҳнати

ҳамда интеллектуал ҳиссаси — хизматига одил баҳо бериш асосида унга имкониятларини тўлиқ намоён этиши, ўз-ўзини, ўзини ўзи кашф қилиши учун максимум шароит яратиб бериш. Одамни қарам қилиш ва барча тармоқ ҳамда соҳалардаги ғоялару лойиҳалар муаллифлари — ижодкор кишиларни баркамол ижтимоий тизимлар барпо этишга фаол жалб этиш (ўзини ўзи баркамоллаштириш тамойили).

Учинчидан, белгиланган ижтимоий стандартларни амалга оширишни таъминлашда ҳар бир инсоннинг мажбурияти ва жамият тараққиётига қўшган ҳиссасини эътиборга олиш (шахс ва жамият алоқаларининг эквивалентлиги тамойили).

Тўртинчидан, жамиятни йирик бойлар — сармоядорлар ва ўта камбағалларга бўлиниб кетишининг олдини олиб, меҳнат, ижодий ҳамда тадбиркорлик фаолияти нуқтаи назаридан аҳоли турмуш фаровонлигининг оптимал табақаланишини таъминлаш. Ўртача энг кам иш ҳақи билан нисбатан таъминланган фуқаролар даромадининг ўн фойизи ўртасидаги кескин фарқнинг доимий равишда назорат қилиб бориш (иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий адолатнинг оптимал уйғунлиги тамойили).

Бешинчидан, ижтимоий ҳимояланиш, таълим, соғлиқни сақлашнинг ўзгариб турувчи энг кам иш ҳақидан паст бўлмаган ўртача даражасини етакчи мамлакатларга қараб белгилаш (турмуш даражасини етакчи гуруҳлар даражасида таъминлаш тамойили).

Олтинчидан, ҳар бир кишининг ҳозир ва келажакда хавф-хатарсиз, ишонч билан яшашини таъминлаш (келажакнинг ишончсизлиги ва хавфсизлиги тамойили).

Еттинчидан, биринчи бўлиб ҳужум қилмаслик асосида зарур чораларини кўришни таъминлаш (давлатлараро динамик мувозанатни ушлаб туриш — гомеостаз тамойили).

Саккизинчидан, экологик қадриятларнинг иқтисодий ишлаб чиқариш манфаатларидан устуворлиги (экологик императив тамойили).

Тўққизинчидан, экология-атропоген тизимларнинг уйғун, барқарор, динамик мувозанатини таъминлаш (экология-атропоген-гомеостаз тамойили).

Ўнинчидан, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, табиий бойликлардан фойдаланиш имкониятларининг пасайиши олдини олишни таъминлаш (экологик хавф олдини олиш бошқаруви тамойили).

Ўн биринчидан, табиат ресурсларининг қайта ишлаб чиқилишини кенгайтиришни таъминлаш (экологик кенг қайта ишлаб чиқариш тамойили).

Ижтимоий тараққиётнинг юқоридаги тақдириломон тамойиллари ижтимоий тараққиётни белгилаб, фуқаролик жамиятини ҳаракатга келтирувчи ва ривожлантирувчи омиллардан бўлиб, давлат, унинг барча институтлари ва таркиблари фаолиятига аниқ йўналиш беради.

Фуқаролик жамияти иқтисодий асосининг яна бир муҳим томони бу — иқтисодий тенглик муаммосидир. Кўплаб иқтисодий ва ижтимоий мавзулардаги тадқиқотларда бу масалага далҳдор фикрлар анча.

Энг аввало, шунини қайд этиш жоизки, тенгликнинг барча учун ягона, ҳамма учун мос бўлган таърифи йўқ. Тенгликнинг Худо олдидаги тенглик, Имкониятлар тенглиги, Натижа-самаралар тенглиги аспекти бор.¹

Умуман, одамлар бир-бири билан тенг бўлолмайди, чунки улар табиатан турли хил қилиб яратилган. Яъни уларнинг жисмоний куч-қувватлари ҳам, ақлий қобилиятлари ҳам, камолот имкониятлари ҳам ҳар хил. Аммо биз иқтисодий тенглик тушунчасига эгамиз, унга кўра, ҳар ким ўз имкониятларини тўла ишга солиш шарт-шароитларига эга бўлиш, бу ишда ҳеч ким унга халақит бермаслиги керак. Ҳар бир одам ўз мақсадларини амалга ошириш учун зарурий имкониятларга эга бўлиши керак. Ҳар бир одамга имконият яратилганда унинг ижтимоий келиб чиқиши, миллати, жинси, диний эътиқодидан қатъи назар, асосий меъёрий кўрсаткич инсоннинг қобилияти ҳисобланади.

Амалда Худо олдидаги тенглик ва Имкониятлар тенглиги қонун олдидаги тенглик тамойили орқали рўёбга чиқарилади. Бунда фуқаролик жамиятининг ҳар бир аъзоси демократик институтларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар, натижада ўзаро ижтимоий муро-са қарор тонади.

¹ Қ а р а н г: Фридман М., Фридман Р. Свобода, равенство и эгалитаризм. — В кн.: Фридман и Хайек о свободе. Под ред. Т.С.Лисичкина. — Минск, 1990; Макконнелл К.Р., Брю С.Л. «Экономикс»: принципы, проблемы и политика. Т.2. — М.: 1992; Папава В. Доктрины рыночного равенства: вопросы теории и ее приложения к процессу посткоммунистической трансформации. //Общество и экономика, 1999, №12; Бьюкенен Ж., Таллок Г. Расчет согласия. Логические основания конституционной демократии. — В кн. Дж. М.Бьюкенен. Сочинения. Серия: «Нобелевские лауреаты по экономике». Т.1. — М., 1997; Бузгалин А.В. Переходная экономика: курс лекции по политической экономике. — М., 1994 ва б.

Натихалар тенглиги гоёси (аникроғи, сўнги натихалар), хусусан, XX асрда кенг тарқалди. Бугун, одатга кўра, тенглик деганда олинаётган даромадни жамият аъзолари ўртасида адолатли тақсимлашни тушунамиз. Натихалар тенглиги ҳақидаги турли-туман қарашларни таҳлилий умумлаштириб, шундай хулосага келамиз: бунда индивидлар оладиган моддий неъматларнинг тенглиги эмас, балки пропорционал тақсимоти кўзда тутилди. Ҳозирги замон иқтисодчилари назарий жиҳатдан тенглик муаммосини имкониётлар тенглиги тарзида тушунадилар. Шунга қарамасдан, оддий одамлар учун тенглик, деганда, энг аввало, даромадлар ва мулк ўртасидаги тенглик назарга олинадилар. Шундан келиб чиқилгани ҳолда, жамиятни ислоҳ қилиш тарафдори бўлган ҳар бир кимса жамият бойликларини қайта тақсимлаш орқали даромад ва мулк тақсимотидаги тенгликни тиклашни исташига ҳеч ким ажабланмайди.

Жаҳон тажрибаларидан шу нарса кўринадики, жамиятда бирор бир йўл йўқ-ки (ҳатто, террорни ҳам қўшиб ҳисоблаганда), пировард-оқибатда унда натихалар тенглиги таъминланган. Натихаларни тенглаштириш бу маънавий истак, хоҳиш, субъектив ҳодисадир.

Бозор капитализмнинг иқтисодий пойдевори сифатида одамлар, уларнинг турмуш даражалари ўртасидаги нотенглик белгиси мақомида амалий исботланган ҳодисадир. Бозор бойликни нотенг тақсимлашга даъват этади, капитал эса буни амалга оширади.

Бу масала собиқ иттифоқдан ажралиб чиққан мустақил мамлакатлар учун янада муҳимроқ аҳамият касб этади. Чунки ушбу мамлакатларнинг аҳолиси оғзи куйган қатикни ҳам пуфлаб ичади, деганларидек, бозор қанчалик тенглик яратиб бериши мумкинлиги ҳақида кўп бош қотиришмоқда.

Шунинг учун ҳам ушбу муаммони ҳал қилиб олиш жуда зарур. Яъни бозор механизмлари ҳақиқатан ҳам тенгликка қарама-қаршимиз ёки фақат натихалар тенглиги тамойилини инкор этадимиз? Бу масалани тадқиқ этиб, тагига етиш назарий ва сиёсий конструкциянинг бозор тенглиги ақидаси шаклланишига имкон яратади. Бу масала юқорида айтганимиз, собиқ иттифоқ территориясидаги ҳозирги мустақил мамлакатлар учун стратегик аҳамиятга эгадир.

Эркин бозорнинг асосий белгиларига кўра, барча сотувчилар ҳам, харидорлар ҳам бозорда бир хил ҳақ-

ҳуқуқ ва имкониятларга эга. Ҳеч ким ва ҳеч нарса бунга мутлақ монелик қилолмайди. Демак, эркин бозор шароитида барча истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар бозордаги ҳолатларига қараб тенгдирлар. Барча хилдаги ресурсларни ҳар томонлама ишга солиш бозор агентларининг имкониятларини тенглаштиради. Бозор ахборотлари тарафларга бир хил даражада тарқатилса, ҳар иккала томон ҳам етарли маълумотга тенг эга бўлишади. Ахборотдан тўла хабардор бўлмаслик турли хатоликларни келтириб чиқаради. Бозорда бир хилдаги, бир турдаги товарлар сотилаётганда товар эгалари бир хил имкониятларга эга бўлишади. Истеъмолчилар ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Рақобатчилардан бирортаси бошқаларига ўз ҳукмини ўтказолмаса, унда улар ўртасида тенглик қарор топади. Қабул қилинадиган қарорларнинг ҳам ўхшаш бўлиши табиий ҳол. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқсак, эркин бозор унда қатнашувчи томонлар тенг имкониятларининг ягона модели ҳисобланади. Яъни эркин бозор шароитида бозор тенглиги қатнашчиларнинг имкониятлари тенглигини англатади. Жумладан, бизнес хилининг ўзгариши, тўла бозор ахборотига эга бўлиш, бир хилдаги товарларни ишлаб чиқариш ва сотиб олиш, бир тарздаги қарорлар қабул қилиш ҳолларида бу тенглик кўзга ташланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, айтиш мумкин-ки, эркин бозор уларда иштирок этувчи агентларнинг тўлиқ тенг имкониятлари моделидир. Яъни эркин бозор шароитида бозор тенглиги бозорда иштирок этиш, бизнес турини ўзгартириш, тўлиқ бозор ахборотига эга бўлиш ва қарорлар қабул қилиш нуқтаи назаридан ҳар бир агентнинг имкониятлари тенглигини ифодалайди. Мухтасар айтиш мумкин: эркин бозор бу — имкониятлар тенглиги тизимидир. Табиийки, бозор эркинлигини амалда таъминлашга фақат бозор мувозанати шароитидагина, яъни ушбу тенгликнинг барча имкониятларидан тўла фойдаланилганидагина эришилади. Чунки эркин бозор бу — бор-йўғи назарий конструкция, демак, эркин бозор шароитидаги бозор тенглиги ҳам фуқаролик жамияти интилиши лозим бўлган идеал ҳолатдир.

Эркин бозор модели қанчалик жозибали бўлиб кўринмасин, у бир қатор муҳим муаммоларни ҳал қилиб беролмайди. Жумладан, ташқи самараларни бартараф этиш, ижтимоий неъматлар ишлаб чиқа-

риш, иқтисодиётни зарур миқдордаги пул билан таъминлаш ва б.

Ташқи самаралар туфайли келиб чиқадиган нотенгликни камайтириш учун давлат бозор муносабатларига аралаштиришга мажбур, чунки бозор ўз имкониятлари доирасида бу муаммоларни ҳал қилиб беролмайди. Давлатнинг мададсиз фуқаролик жамияти ривожлана олмайди.

Ижтимоий неъматлар ишлаб чиқаришда давлатнинг асосий тамойили ижтимоий бойликлар жамиятнинг барча аъзоларига баббаравар тааллуқли бўлишини таъминлашдан иборат.

Аҳолининг кам таъминланган қатламини ҳимоя қилиш йўли билан эришиладиган ижтимоий осойишталикни таъминлашга қаратилган ижтимоий фаровонлик турини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Ана шундай фаровонликни таъминлайдиган ишлаб чиқаришнинг асоси бўлиб ижтимоий суғурта, ишсизларга ва уруш ветеранларига моддий ёрдам бериш, бепул тиббий хизмати кўрсатиш, давлат уй-жой қурилиши билан боғлиқ давлат дастури ва яна ижтимоий ҳимоянинг кўплаб соҳалари «вертикал бўйлаб» тенгликни таъминлашга хизмат қилади.

Юқорида қайд этилган уч асосий муаммодан ташқари давлат яна эркин рақобатга монелик қиладиган тўсиқларни бартараф этиши керак. Эркин бозор ахборотларининг самарали натижалари ва капиталнинг эркин оқиб келиши айнан юқоридаги мақсадга хизмат қилади. Бунда бозор тизимини ҳимоя қилиш ва фаолиятини энгиллаштиришга қаратилган ҳуқуқий базани ҳамда ижтимоий заминни яратиш, иқтисодни барқарорлаштириш (энг аввало, инфляциянинг паст даражасига ва иш билан таъминлаш миқдорининг юқорилигига эришиш) сингари давлат функциялари алоҳида аҳамият касб этади.

Таъкидлаб ўтганимиздек, бозордаги тенглик тамойили собиқ иттифоқ ҳудудидаги мустақил давлатларда жуда долзарб бўлиб турибди. Чунки мустақил ёш давлатларда бозор иқтисодиёти энди шаклланиб келмоқда. Бозор муносабатлари тўла қарор топмас экан, бозордаги тенглик ҳам тўла қарор топмайди. Айни пайтда, бозор шаклланиш босқичида экан, демак, идеал бозор тенглиги сари илк қадамларни тўғри ва аниқ белигилаб олиш фавқулудда муҳим аҳамият касб этади.

Собиқ коммунистик ҳудудда бозор муносабатларининг мустаҳкамланиб бораётгани ҳақида гап кетганда, тоталитар даврга хос бўлган натижалар тенглиги тамойилини эслаш лозим. Ушбу тамойилни амалга ошириш тоталитар дунё иқтисодий тизимининг олий ютуғи, деб ҳисобланар эди. Давлатнинг барча институтлари натижалар тенглиги ва янги инсон тарбиясини тинимсиз тарғиб қилишар эди. Ҳолбуки, амалда ҳеч қачон натижалар тенглиги бўлган эмас.

Эркин бозорнинг шаклланиш жараёнлари қанчалик мақсадли ва демократик тамойилларга тўлиқ риоя этилгани ҳолда кечаётган бўлса, бозор тенглиги идеалига яқинлашиш шунчалик реал бўлади.

Бозор тенглиги тамойилини таъминлашда давлат танлаган ва олиб бораётган иқтисодий сиёсат катта аҳамиятга эга бўлади. Иқтисодий сиёсат анча мураккаб, зиддиятли жараён бўлиб, сиёсий философиядаги у ёки бу манбага, жумладан, утилитаризм, эркинлаштириш, либертарианизм ва бошқа оқимларга таяниб, шаклланади.

Сиёсий философиянинг эслатиб ўтганимиз учта оқими даромадлар тенглиги тамойилини инкор этади. Ҳолбуки, дастлабки икки оқимга кўра, давлатнинг иқтисодий сиёсати даромадларни муайян оптимал даражага яқинлаштиришга қаратилган бўлиши лозим.

Сиёсий философиянинг турларидан бири бўлган утилитаризм талабига кўра, давлат жамиятнинг ҳар бир фуқароси турмуш фаровонлигини максимал оширишга эътиборини қаратиши лозим. Фаровонлик деганда, ҳар бир кишининг бахт-саодати, қониқиши назарда тутилади.

Эркинлаштириш — давлатнинг сиёсий фалсафаси сифатида ижтимоий адолат сиёсатини олиб бориши керак. Агар адолат даражаси қатъий назорат — кузатув сифатида баҳоланадиган бўлса, айти пайтда, юқорида таъкидлаганимиздек, «адолатли тақсимот» тамойилининг амалда имкони бўлмаса, унда сиёсий фалсафанинг ушбу оқими қанчалик назарий мураккабликлар билан боғлиқлиги маълум бўлади.

Шу билан бирга эркинлаштириш билан боғлиқ иқтисодий сиёсатни амалга ошириш жамиятнинг қашшоқ қатлами турмуш фаровонлигини максимал кўтариш мақсадидан келиб чиқади. Қиёс учун шуни қайд этмоқчимиз: утилитаризм иқтисодий сиёсатининг мақ-

сади жамият аъзоларининг ўртача самарали бўлишини максимал таъминлашдан иборатдир.

Сиёсий фалсафа сифатида либертарианизм куйидаги тамойилга асосланади: жиноятчиларни жазолаш ва кўнгилли шартномаларни амалга ошириш учун давлат тегишли шарт-шароитлар яратиб бериши шарт. Аммо зинҳор-базинҳор даромадларни қайта тақсимлаш билан давлат шуғулланмаслиги лозим.

Либертарианизм иқтисодий сиёсатининг мақсади — инсон ва фуқаро ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар ўртасида имкониятлар тенглигини таъминлашдир. Шу боис ҳам бозор тенглиги иқтисодий сиёсати айнан либертарианизмга асосланади.

Либертарианизм иқтисодий сиёсатига кўра, дискриминация олдини олишнинг энг яхши воситаси бозор рақобати ҳисобланади. Айнан ана шу ҳолда катта фойда олиш учун тадбиркор нисбатан арзон иш кучини топишга интилади. Бу эса уларга бўлган эҳтиёжни оширади. Натижада бу арзон ишчи кучлари маошини оширишга, яъни дискриминацияни йўқ қилишга олиб келади.

Коммунистик тоталитар режим шароитида инсон ўз менталитетига кўра, рақобатнинг шафқатсиз талаблари доирасида яшашга тўлиқ тайёр бўлмайди. Демак, либертарианизм иқтисодий сиёсатидан тоза ҳолда фойдаланиш мутлақо бесамар бўлади. Шу сабабли посткоммунистик мамлакатлар иқтисодий сиёсати либертарианизм билан эркинлаштиришнинг ўзаро уйғунлиги — синтезидан иборат бўлиши лозим. Бунда, шубҳасиз, либертарианизм биринчи ўринда туриши шарт.

Бундай ҳолатда либертарианизм иқтисодий сиёсати посткоммунистик тамойилларни идеал бозор тенглигига сари йўналтиради. Унга вобаста қилинган иқтисодиётни эркинлаштириш сиёсати жамиятга ижтимоий кескинликларнинг, бўлиши муқаррар ижтимоий портлашларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Бундай иқтисодий сиёсатнинг якуний натижаси «горизонтал» тенгликни таъминлаш бўлиши керак. «Горизонтал» тенглик қуйидагиларни ифода этади:

● бирор бир тадбиркор бошқа тадбиркорларга нисбатан давлат томонидан кўпроқ ҳимояланиши мумкин эмас. Бу давлатнинг бизнесга максимал аралашмаслигида намоён бўлади;

● давлат томонидан ижтимоий ҳимоя, энг аввало, жамиятнинг энг қашшоқ, камбағал қатламига қаратилиши керак.

Айнан ана шу шароитда жамиятнинг ўрта ҳол қатлами ўз жисмоний ва интеллектуал имкониятларини аста-секинлик билан турмуш фаровонлигини оширишга тўла сафарбар этишга ҳамда бунга муваффақ бўлишга эришади.

Ш б о б

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА ҲОКИМИЯТ ВА ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИ

Фуқаролик жамиятининг моҳиятига дахлдор мураккаб, баҳсли масалалардан бири бу ҳокимиятнинг ташкил этилиши ва давлат қурилиши шакллари ҳақидаги муаммодир.

Масалани мураккаблаштирадиган ҳодисалардан бири «ҳокимият» тушунчасининг моҳияти билан боғлиқ. «Ҳокимият» тушунчаси оддий ҳаётда илмий тадқиқотлардан бошқачароқ мазмунда ишлатилади. Масалани ҳар томонлама тадқиқ этганимизда шу нарса кўзга аниқ ташланадики, «ҳокимият» тушунчасини фақат иқтисодиёт, сиёсат, ҳуқуқ ва ахлоқ доирасида тадқиқ этиш етарли эмас. Бу йўл билан кўп қатламли ва тугал феноменга эга бўлган «ҳокимият» тушунчасининг моҳиятини тўла очиб бўлмайди. Бунинг учун ҳокимиятнинг жамият, тарих ва маданий тараққиётнинг турли босқичларидаги моҳият даражаларини тадқиқ этиш лозим.

Ҳокимият концепцияси анча долзарб назарий концепциядир. У давлат, иқтисодий ва сиёсий тизимлар ўртасидаги ўзаро алоқа механизмларини тадқиқ этиш ҳамда уларнинг моҳиятини яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Фуқаролик жамиятининг моҳиятини ушбу концепциясиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ҳокимият инсоний жамиятнинг келиб чиқиши билан пайдо бўлган. Унинг жамият ривожига катта таъсир ўтказганлиги ҳақида сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихида кўплаб назарий қарашлар, талқинлар мавжуд. Сиёсий қарашлар ўз ибтидо даврларида ҳали инсон маърифатининг мустақил соҳасига айланиб улгуришмаган эди. Шу сабабли ҳам улар яхлит мифологик дунёқарашнинг бир элементи бўлишган, холос. Қадимги халқларда шакланган олам ҳақидаги мифологик қарашларда мавжуд ҳокимият ва тартибот муносабатлари Худо амри билан пайдо бўлган, деган ғоялар етакчилик қиларди. Мазкур мифларга кўра, коинот

хаос — бўшлиқдан фарқли ўлароқ, юнонча қадим атама билан айтганда, худоларнинг мавжудлиги ва иштироки асосида тартибга солиб турилган. Ердаги жамики тартибот эса, дунёдаги, коинотдаги умумтартиботнинг узвий қисми, холос.

Инглиз олими Бертран Расселнинг ҳокимият муамоларига бағишланган асарлари илмий жамоатчилик томонидан тан олинган. У ҳокимиятни белгиланган самараларга эришишнинг онгли ва мақсадга мувофиқ йўли сифатида характерлаб беради. Аммо мана шу белгиланган самараларга эришиш муаммоси муайян шубҳа уйғотади. Ҳамма гап ҳокимиятни айнан ким белгилаши ва қандай белгилашида. Унинг моҳияти пировард оқибатда ҳокимиятни амалга оширишнинг бош мақсадига боғлиқ бўлади.

Бизнинг нуқтаи назаримизча, Макс Вебернинг ҳокимият ҳақидаги қарашлари анча изчил ва жиддийдир. Унинг фикрича, ҳокимият ижтимоий муносабатларда муайян бир одамга бошқаларнинг норозиликлари ёки қаршилик кўрсатишларига қарамай ўз иродасини намоён этишга бериладиган имкониятдир. Вебер қарашларидаги бу ғоя ҳам, шубҳасиз, эътироз уйғотади. Чунки бир кишининг иродаси бутун жамиятга қарама-қарши қўйилмоқда. Шунинг учун ҳам юқоридаги нуқтаи назар анча оммалашган бўлишига қарамай, уни фуқаролик жамияти учун тўла маъқул ғоя сифатида қабул қилиш қийин. Чунки фуқаролик жамиятида манфаатлар нуқтаи назаридан ҳокимият ва давлат бири бирига қарама-қарши эмас, балки вобаста омиллар сифатида намоён бўлади.

Шунинг учун қайд этилган таърифлар қаторида ҳокимиятни инсоннинг ўз имкониятлари доирасида ёлғиз ўзи ҳаракат қилиши эмас, балки бошқалар билан ўзаро биргаликда, ҳамкорликда фаолият юритиши мақоми сифатида қарамоқ кераклигига асосий эътиборни қаратмоқ зарур. Бундай ҳолда ўзаро конструктив ҳамкорлик биринчи планга чиқади. Демак, ҳокимият моҳияти ўзгача контекстда талқин қилиниши талаб қилинади.

Ҳокимиятнинг моҳияти ҳақидаги қарашлар орасида қуйидаги нуқтаи назар ҳам диққатга сазовордир. Яъни ҳокимият, нафақат, кимларгадир ёки нималаргадир таъсир қилишдангина иборат эмас, балки мавжуд жамиятни, албатта, ўзгартиришга қаратилган ҳаракат, жараён дир.

Ҳокимият ҳақидаги замонавий концепцияларда бир қатор йўналишлар бор¹. Энг аввало, сиёсий ҳокимият талқинида концептуал ёндашувни муайян шартлилик ва нисбийлик асосида ялпи мантиқий-гносологик таҳлилда қуйидаги иккита катта синфга бўлиш мумкин:

Биринчиси, атрибутив — субстанционал, яъни ҳокимиятни атрибут, субъектнинг субстанционал хусусият ёки таъминланган «нарса» ёхуд «предмет» сифатида қараш;

Иккинчиси, реляцион, яъни ҳокимиятни ижтимоий муносабатлар ёки алоқалар ёрдамида ҳам оддий, ҳам мураккаб коммуникатив даражаларда қараш ва тушуниш.

Ҳокимиятни тушунишдаги атрибутив-субстанционал ёндашувлар, ўз навбатида, имкон-ирода, инструментал — куч-қудрат ва таркибий-функционал ёндашувларга бўлиниши мумкин.

Хулқ-атвор — ирода концепциясига кўра, ҳокимият бу — бирор бир субъектнинг қобилияти ёки имкониятларини қайсидир сиёсий субъектга тикиштиришдир. Бундай ёндашув, айниқса, немис сиёсий тафаккури анъаналарида устуворлик қилган. Ана шу анъаналар доирасида «ирода қобилияти» ёхуд «ирода имкониятлари» тушунчалари ҳокимиятнинг турли хил, ҳатто, бир-бирига зид таърифларида кенг қўлланилди.

Ҳокимиятга нисбатан мавжуд жуда кўплаб таъриф ва ёндашувларда ресурслар устидан назорат қилиш ёрдамида уни амалга ошириш воситалари масаласи қўйилади. Бу, энг аввало, инглизча-америкача анъаналар билан боғлиқ ҳокимиятнинг ўзига хос инструментал-мажбурлов концепциясини ажратиб кўрсатишга имкон беради. Ҳокимият қандайдир абстракт имконият эмас, балки мажбур қилишнинг реал воситаси, куч ишлатиш шакли, деб қаралади. Ҳокимият феноменининг реал куч (яъни иродани амалга ошириш воситаси) сифатида талқин этилишига инглизча-америкача «сиёсий реализм»нинг ҳокимиятнинг «мажбурлаш модели» тарафдорлари риоя қилишади. Бундай «сиёсий реализм»

¹ К а р а н г: *Краснов Б.И.* Теория власти и властных отношений. // Социально-политический журнал. 1994, № 6; *Дегтярев А.А.* Политическая власть как регулятивный механизм социального общения — М., 1996; *Силин А.А.* Философия и психология власти. //Свободная мысль. 1995, № 12; *Ильин В.В.* Власть. //Вест. Мос. ун-та. Сер. 12., 1992, № 3-7; *Хайек Ф.А.* Дорога к рабству. // Новый мир, 1991, № 3; Власть. Очерки современной политической философии Запада. — М., 1986 ва б.

муайян ресурсларни назорат қилувчи ва зарур бўлганда, ҳатто, тўппадан-тўғри мажбур қилиш усулини қўлловчи сиёсий субъект бўлмиш ҳокимиятнинг ички ҳамда ташқи сиёсатини белгилайди.

Ҳозирги замон сиёсат назариясида ҳокимиятнинг тизимий ва таркибий-функционал концепцияси ишлаб чиқилган. Ушбу концепцияга кўра, ҳокимият ижтимоий тизимнинг алоҳида интегратив хусусиятидир. Унинг мақсади ҳокимиятнинг яхлитлигини қўллаб-қувватловчи, умумжамоа ниятининг алоҳида хусусий элементлар манфаатлари билан мувофиқлаштиришдан, шунингдек, фуқаролар келишуви ва етакчи раҳбарнинг легитимлиги асосида жамият тизимларининг бири-бири билан ўзаро функционал боғлиқлигини таъминлашдан иборат.

Ҳокимиятнинг атрибутив-субстанционал концепцияси ҳокимиятни ижтимоий муносабатлар категорияси ёрдамида талқин қилувчи реляцион концепция билан ёнма-ён туради. Ушбу ёндашувлар ўзаро узвий қоришиб кетганлигини айтиш лозим. Масалан, бихевиоризмда. Бихевиористик, яъни индивидларнинг хатти-ҳаракати, уларнинг бир-бирига таъсири ёндашуви ҳокимиятнинг оддий муносабатлар тарзидаги алоқасининг кўп қирралигини белгилайди. Шундай қилиб, ҳокимият бир томон бошқа томонга ўз қарорини тикштирувчи кўплаб турли хулқ-атвор ва таъсир муносабатларига айланади.

Қайд этилган концепцияларга интеракционистик назария, деб аталувчи концепция ҳам киради. Унга кўра, одамлар ўртасидаги ресурсларни бўлишнинг алоҳида усули ролини ўйновчи ҳокимият муносабатлари амалга оширилади. Бундан ташқари ушбу роль ижтимоий муносабатларнинг яхлит тизимида ўзаро асимметрик ҳаракатлар ёхуд асосий «стабилизатор» — барқарорлаштирувчи роль бўлиши мумкин. Бундай ижтимоий муносабатлар ижтимоий барқарорлик ва сиёсий келишув — консенсуснинг моддий, мафкуравий ва бошқа ресурсларини бўлиш ҳамда қайта бўлиш билан боғлиқ доимий рўй берадиган низолару келишмовчиликларни бартараф этади.

Ниҳоят, нисбатан мураккаб ва комбинациялашган ёндашувлар сирасига ҳокимиятнинг коммуникатив, шунингдек, неоструктуралистик (постструктуралистик) моделларини ҳам киритиш мумкин. Моделлар ҳокимиятни қатъий иерархияси билан ажралиб турувчи ком-

муникациянинг ижтимоий майдони ва маконида намоён бўладиган одамлар ўртасидаги доимий муомаланинг билвосита механизми, деб ҳисоблайди. Демак, шундай хулоса келиб чиқади: ҳокимият бу — айрим сиёсий субъектнинг мулк ёхуд хусусияти эмас, балки кўп томонлама институционал алоқадир.

Ижтимоий феномен сифатида ҳокимиятнинг пайдо бўлиши одамлар умуммуштарак манфаатларининг хусусий манфаатларидан устун келиши билан боғлиқ ижтимоий хатти-ҳаракатларини ўзаро мослаштириш зарурати-ла белгиланади. Шу билан бирга ҳокимият ҳаётнинг ялпи оммавий жабҳаси билан хусусий жабҳа ўртасида рўй бериши муқаррар зиддиятларни бартараф этишнинг макромеханизмидир. Бу макромеханизм пул билан бир қаторда сиёсий субъектлар ўртасидаги коммуникациянинг табиий каналлари ишга солинишини таъминлайди.

Янгича постструктуралистик (неоструктуралистик) концепциялар ҳақида гапирганда, уларни ҳокимиятни муносабат ва муомала сифатида, нафақат, субстанционал-атрибутив, кўпроқ реляцион мақомида қараш ажратиб туради. Яъни ҳокимият бу — наинки, субъектлар муносабати, айни пайтда, агентлар ўртасида ижтимоий макондаги ўрнига қараб тақсимланадиган «капиталлар» (иқтисодий, маданий ва б.) мажмуи бўлган «муносабатлар муносабати»дир.

Ҳокимиятнинг асосий компонентлари бўлиб унинг субъекти, объекти, воситалари (ресурслари) ва жараёнлари ҳисобланади. Бу уларнинг барча элементларини ҳаракатга келтирувчи куч бўлиб, субъект билан объект ўртасидаги ўзаро алоқа механизмлари ҳамда усулларини белгилайди. Ҳокимият субъекти унинг йўналтирувчи мақомини ўзида тажассум этади. Субъект алоҳида шахс, ташкилот, одамлар жамоаси, масалан, халқ ёхуд БМТга бирлашган халқро ҳамжамият бўлиши мумкин.

Ҳокимият муносабатлари юзага келиши учун субъект қатор сифатларга эга бўлиши лозим. Энг аввало, булар буйруқ ва фармойишларда ифодасини топадиган бошқариш хоҳишидир. Аксар кўплаб одамлар ҳокимиятдан руҳий қониқиш ҳосил қилишмайди. Улар учун ҳокимият ўз-ўзидан қадрият ҳисобланмайди. Агар ҳокимият турли хил манфаатларга эга бўлиш учун имконият яратмаганда жуда кўплаб раҳбарлар руҳий ва ижтимоий жавобгарликлардан қутилишни исташган бўлар эди. Улар учун ҳокимиятга интилиш инструментал характер касб

этади, яъни бошқа мақсадларга эришиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ҳокимият субъекти раҳбар бўлиш ва у билан боғлиқ масъулиятни бўйинга олиш учун малакали, ишни яхши биладиган, ходимлари аҳвол-руҳиясини, кайфиятини теран ҳис қиладиган, ресурслардан фойдалана оладиган обрў-эътиборли киши, яъни харизматик бўлиши шарт.

Сиёсий ҳокимият субъектлари мураккаб, кўп қатламли характерга эга. Унинг бирламчи омили бўлиб индивидлар, иккиламчиси — сиёсий ташкилотлар, барча ҳокимият тизимларида турли ижтимоий гуруҳлар ва бутун халқ, яъни сиёсий элита ҳамда раҳбар-сардорлардан иборат нисбатан юқори даражадаги субъектлардир.

Ҳокимиятга нисбатан субъектнинг бирламчилик роли ифодаси бўлиб ҳокимият билан раҳбарнинг кенг тарқалган уйғун бирлиги хизмат қилади. Масалан, ҳокимият қарорлари, ҳокимият фаолияти ва ҳоказолар хусусида гап кетганда, бошқарув органларини ҳокимият, деб аташ русумга кирган.

Ҳокимият мазмун-моҳиятини буйруқлар (фармойишлар) орқали субъект белгилайди. Буйруқда ҳокимият объектнинг хатти-ҳаракатлари расмий ифодасини топади, мавжуд фармойишларни бажариш ёки бажармаслик билан боғлиқ санкциялар кўрсатилади (ёхуд назарда тутилади). Буйруқда ифодасини топган талаблар кўп ҳолларда объектнинг, ҳокимиятнинг иккинчи муҳим элементи бўлган ижрочининг муносабатларига боғлиқ бўлади.

Ҳокимият ҳеч қачон ёлғиз бир шахс (орган)нинг хусусияти ёхуд муносабати бўлолмайди. Ҳокимият — унинг субъекти ва объекти билан раҳбар хоҳиш-иродасининг ўзаро алоқадорлиги устунлигига асосланган икки томонлама ва ассиметрик (кўп томонлама) ҳамкорлик ҳисобланади. Ҳокимият объектнинг бўйсунушисиз мавжуд бўлмайди. Мабодо бундай бўйсунуш бўлмаса ҳокимият ҳам бўлмайди.

Объектнинг ҳокимият субъектига муносабати кўламлари шафқатсиз қарама-қаршиликдан мамнуният билан кўнгилли итоат қилишгача бўлган қамровларга эга. Аслида итоат этиш раҳбарлик қилиш сингари инсоний жамиятга хос табиий ҳолдир. Итоат этишга тайёр бўлиш қатор омилларга, жумладан, объектнинг сифат даражасига, унга қўйиладиган талаблар характе-

рига, субъектга таъсир кўрсатувчи вазият ҳамда воситаларга, шунингдек, ижрочи сифатида ўз обрўсидан келиб чиққан ҳолда субъектни қабул қилишига боғлиқ.

Раҳбарлик қилиш объектининг сифати раҳбарнинг сиёсий маданияти билан белгиланади. Сиёсий маданиятнинг ибтидоий патриархал қарам-мутелик типлари ўта итоатгўйликни, демак, манқуртликни келтириб чиқаради. Сўзсиз итоат қилишга, қаттиққўлликка ўрганиб қолган одамларнинг жамиятда кўпайиши авторитар ва тоталитар режим учун яхши имконият, шароит яратиб беради.

Итоат этиш кўникмаси жуда мураккаб кўникма. У кўрқувга, бўйсиниш кўникмасига, итоат қилиш лозимлигига ишончда, обрўга, итоат қилишдан манфаатдорликдан бошқа руҳий омилларга асосланиши мумкин. Барча бу омиллар ҳокимият қудратига таъсир қилади.

Кўрқувга асосланган ҳокимият кучи оғир жазога тўғри пропорционал, итоат этмаслик ҳолатига эса тескари пропорционалдир. Бундай ҳокимият, шубҳасиз, ожизликка маҳжум.

Урф-одат, миллий менталитет анъаналарига асосланган ҳокимият-раҳбарликни, одамлар, одатда, оғриқсиз қабул қилишади. Бу анъанавий давлатларга хос хусусият. У реал ҳаёт талабларига зид келмагунча ҳокимият барқарорлигининг ишончли омили бўлиб хизмат қилади.

Манфаатлар асосида ташкил этилган ҳокимият нисбатан барқарор ҳисобланади. Шахсий манфаатдорлик итоат қилувчиларни фармойишлару буйруқларни кўнгилли адо этишга рағбатлантиради, назорат ва негатив санкцияларни қўллашга ҳожат қолдирмайди. Бундай онгли итоаткорлик одамларда бўйсинишнинг менталитет, мақсадли манфаатдорлик каби омилларга қатъий риоя қилишлари билан боғлиқ. Юксак мақсадлар йўлида давлатга ёхуд раҳбарга сўзсиз итоат қилиш ишончи ҳокимият куч-қудратининг муҳим манбаидир.

Ҳокимият учун нисбатан самарали асос бўлиб раҳбарнинг обрў-эътибори, авторитети хизмат қилади. Раҳбар обрўси ҳокимият объекти билан субъекти ўзаро умуммуносабатлари, бўйсинувчиларнинг ўз раҳбарлари қобилиятига ишончлари негизида шаклланади. Авторитет раҳбарнинг юксак қадрланадиган фазилати бўлиб, санкцияларсиз, дўқ-пўписаларсиз ўзига тобе ходимларни ишонтириш йўли билан бошқаради. Авторитет

тет келишувга асосланади. У раҳбар шахсга (бошқарув институтига) ҳурмат, ишонч ҳисобланади.

Агар раҳбар етарли фазилатларга эга бўлса, обрӯси ҳақиқий ҳисобланади. Камчилигу хатоликларга асосланган «сохта» обрӯ алдамчи бўлади. Авторитет ўз моҳиятига асос бўлган сифатларга кўра илмий (олимлик, мутафаккирлик сифати), ишчан (юқори малака, тажриба), ахлоқий (юксак ахлоқий-маънавий сифатлар), диний (илоҳийлик) ва бошқа сифатларга бўлинади. Обрӯ-эътиборсиз ҳокимият мустаҳкам ва серсамар бўла олмайди.

Манфаатга, ишончга ва обрӯга асосланган ҳокимият ходимларнинг ўз раҳбарлари билан маслақдош қилади. Маслақдошлик ҳокимият қудратини ошириб юборди. Субъектни объект ўз вакили ва ҳимоячиси сифатида қадрлайди.

Муайян одамларнинг бошқа кишиларга итоат этишининг муҳим ижтимоий сабаби ҳокимият ресурсларининг нотекис тақсимланганида. Мазкур атама ҳам тор ва ҳам кенг маъноларда қўлланилади. Ҳокимият ресурслари кенг маънода индивид ёхуд гуруҳнинг ушбу ресурслардан фойдаланган ҳолда бир-бирларига ўзаро таъсир қилишидир. Бундай ҳолда ҳокимият ресурслари унинг ўзига у ёки бу тарзда таъсир кўрсатувчи қуйидаги омилларни қамраб олади:

— субъектнинг шахсий сифатлари (малакавийлиги, ташкилотчилиги ва ҳ.к.);

— объектнинг баъзи бир муайян хусусиятлари (масалан, унинг сиёсий ишонувчанлиги, бўйсунуш одати ва б.);

— субъект учун қулай шарт-шароитлар (иқтисодий юксалиш, муҳолифатдаги келишмовчиликлар, халқаро вазият ва ҳ.к.);

— таъсирнинг моддий ва бўлак воситалари.

Ҳокимият ресурсларининг бундай кенг тушунилишида унинг нисбатан мустақиллиги, моддийлашган звеноси билан боғлиқ ўзига хослиги, одатда, йўқолади.

Шунинг учун ҳам ҳокимият ресурслари ва улар таркибини ўрганиш учун ресурсларни торроқ талқин қилиш, субъект мақсади асосида ҳокимият объектига таъсир кўрсатишни таъминловчи барча воситаларни тушуниш мақсадга мувофиқдир. Ресурслар, *биринчидан*, объект учун муҳим моддий асос ҳисобланади (пул, истеъмол буюмлари ва ҳ.к.). *Иккинчидан*, инсон ички дунёсига, руҳиятига, маънавиятига таъсир қилишга

қодир воситалар (телевидение, матбуот ва б.). *Учинчидан*, инсонни у ёки бу неъматлардан, ҳатто, энг олий неъмат бўлган яшашдан Мосуво қилувчи қуроллар (милтиқлар, ракеталар, бомбалар, умуман, жазоловчи органлар).

Субъект ва объект қаторида ресурслар ҳокимиятнинг энг муҳим асосларидан биридир. Ресурслардан рағбатлантириш, жазолаш ёхуд ишонтириш учун фойдаланиш мумкин.

Ҳокимият турли кўринишларининг анча кенг тарқалган ва самарали ўзига хослигини тушуниш учун ресурслар иқтисодий, ижтимоий, сиёсий-маъмурий ва маданий-ахборот ресурсларига ажратилади.

Иқтисодий ресурслар бу — ижтимоий ишлаб чиқариш ва истеъмол учун зарур моддий неъматлар, молия ва пул, унумдор ер, озиқ-овқатлар ва бошқалардир.

Ижтимоий ресурслар бу — ижтимоий макон ва мавқенинг, ижтимоий стратификациядаги ўриннинг ошиши ёки пасайиши воситасидир. Улар кўп ҳолларда иқтисодий ресурслар билан мутаносиб ҳолда намоён бўлишади. Масалан, маблаг ва бойлик иқтисодий ресурс бўлиши билан бирга ижтимоий мақомни ҳам белгилаб беради. Бироқ ижтимоий ресурслар мансаб, нуфуз, таълим, тиббий хизмат, ижтимоий таъминот каби кўрсаткичларни ҳам ўзида қамраб олади.

Маданий-ахборот ресурслари бу — билим ва ахборотдир. Айни пайтда, шу билим ва ахборотларни олиш ҳамда ёйиш (фан ва таълим институтлари, оммавий ахборот воситалари ва б.) воситаси ҳамдир. Аниқ маълумотларга қараганда, ХХІ асрда ҳокимият ресурсининг муҳим асоси бўлиб айнан илм ва ахборот хизмат қилиши башорат қилинмоқда. Ҳозирнинг ўзиданоқ, ривожланган постиндустриал мамлакатларда илм-фан қудратли чексиз имкониятлари, ҳаммабоплиги ва демократиклиги билан куч ҳамда бойликларни ўзига қаратиб олди, ҳокимият фаолиятининг ҳал қилувчи омилига айланди.

Ижтимоий ривожланиш жараёнида куч ва бойликдек анъанавий ресурслар, гарчи бутунлай йўқ бўлиб кетишмаса-да, ўз таъсирини йўқотишади. Ҳақиқий, том маънодаги ҳокимият билим ва ахборот бойлигига эга бўлади. Албатта, улар ҳамма мамлакатларда ҳам иқтисодий, ижтимоий ва маъмурий ресурслар устидан устунликка эга бўлишмайди. Лекин ҳокимият манбаи бўлмиш маданий-ахборот ресурслари аҳамиятининг

ошиб бориши ҳозирги дунё ҳаётида яққол кўзга ташланмоқда.

Куч-маъмурий ресурслар — қурол-аслаҳа ва жисмоний мажбурлаш аппарати, бунинг учун махсус тайёрланган одамлардир. Давлатда ушбу ресурсларнинг асоси бўлиб армия, полиция (милиция), махсус хизмат органлари, ички қўшин, суд, прокуратура, қамоқхона ва бошқалар хизмат қилади. Ресурсларнинг мазкур тури узоқ вақтлар давомида ҳокимиятнинг анча самарали манбаи, деб келинди. Чунки улардан фойдаланиш инсонни энг олий неъмат — ҳаётдан, озодликдан, эркинликдан ва мулкдан мосуво қилади. Бироқ очик, адолатли фуқаролик жамияти ривожлангани ва маданий-ахборот ресурслари аҳамияти ошиб боргани сари самарадорлик мезони ўзгариб боради.

Субъектлар томонидан, хусусан, барча ресурслардан кам ёки кўп тарзда фойдаланадиган йирик сиёсий субъектлар, жумладан, давлат ҳокимиятнинг турли ресурсларидан, одатда, мажмуий-комплекс фойдаланади.

Инсон — демографик ресурслар ҳокимиятнинг махсус ресурслари ҳисобланади. Одамлар бўлак ресурсларни яратувчи универсал, кўп функцияли ресурслардир. Инсон — моддий неъматлар яратувчиси (иқтисодий ресурслар), аскар ва партия аъзоси (сиёсий-маъмурий ресурслар), билим ҳамда ахборот олувчи ва тарқатувчи (маданий-ахборот) ресурсларидир ва ҳ.к. Шахс ёлғиз кўп сонли ўлчовлар ичра, яъни бегоналар хоҳиш-иродасини амалга ошириш воситаси сифатида фойдаланилганидагина ҳокимият ресурсига айланади. Яхлит олганда инсон, наинки, ҳокимият ресурси, айти пайтда, унинг субъекти ва объекти ҳамдир.

Ҳокимият ресурсларидан фойдаланиш унинг барча компонентларини ҳаракатга келтиради, энг аввало, раҳбарлик қилиш усуллари ва механизмларини характерловчи жараёнларини реаллаштиради.

Раҳбарлик усуллари хилма-хил. Яъни демократик (ҳокимият унинг қарорларини ижро этувчи ходимлар иштирокида амалга оширилади), авторитар (одамлар устидан чекланган назоратга асосланган мутлақ ҳокимлик), тоталитар (субъектнинг объект устидан мутлақ назорати), конституциявий (қонун доирасида бошқарув), деспотик (мутлақ ҳокимлик, зўравонликка ружу қўйиш) ва либерал (шахс эркинлигини, унинг қонуний ҳуқуқларини ҳурмат қилиш) ва бошқа усуллар.

Раҳбарлик қилиш жараёни ҳокимиятнинг махсус механизмлари — ташкил этиш ва меъёрлар тизимлари, уларни жойлаштириш ҳамда фаолияти ёрдамида тартибга солинади, бошқарилади. Жамиятдек мураккаб ижтимоий субъектда давлат органлари, ҳуқуқ, сиёсий тизим яхлит ҳолда ҳокимият механизми ҳисобланади.

Субъект, объект, ресурслардан иборат ҳокимиятнинг турли элементлари хусусиятлари шундаки, улардан ҳокимият типологиясининг асоси сифатида фойдаланиш мумкин.

Ҳокимиятнинг асос бўлиб хизмат қиладиган қуйидаги қатор таснифлари мавжуд: ҳокимиятнинг мавжудлиги, мақоми доираси, ҳокимият субъекти, бошқарув режими ва б.

Ҳокимиятнинг мавжудлиги қуйидагича: сиёсий, мафкуравий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқ, дунёвий ва маънавий (диний, кайҳоний).

Мақом доираси: давлат, халқаро, оилавий ва ҳ.к.

Ҳокимият объекти: жамоавий, синфий, партиявий, шахсий.

Бошқарув режими: тоталитар, деспотик, тўралик (бюрократик), авторитар, демократик ва б.

Ҳокимиятнинг нисбатан мазмундор таснифларидан бири унинг ўзи асосланган ресурсларга мос ҳолда бўлишидир. Бу ҳокимиятга иқтисодий, ижтимоий, маънавий, ахборот, мажбурлов ва сиёсий жиҳатларга бўлиниш имконини беради.

Иқтисодий ҳокимият бу — иқтисодий ресурслар устидан назорат, турли моддий неъматларга, мулкка эгалиқдир. Ижтимоий ривожланишнинг одатдаги, нисбатан, тинч даврларида иқтисодий ҳокимият ҳокимиятнинг бошқа турларидан устунлик қилади. Чунки иқтисодий назорат бу — жамият аъзоларининг ўз мақсадларига кўплаб эришишлари воситалари устидан назорат ҳисобланади.

Иқтисодий ҳокимият билан ижтимоий ҳокимият узвий боғлиқ. Агар иқтисодий ҳокимият моддий неъматларнинг бўлинишини тақозо этса, ижтимоий ҳокимият ижтимоий таркибда, мақомда, лавозимда, имтиёз ва нуфузда манфаатларнинг бўлинишини назарда тутди. Ҳозирги давлатлар ижтимоий сиёсат ёрдамида одамларнинг тинчи ва ҳимояси орқали аҳоли кенг қатламининг ижтимоий мақомига таъсир ўтказмоқда. Жуда кўплаб давлатлар учун бугун имкон доирасида иқтисодий ва ижтимоий ҳокимиятларни бў-

лишга, ижтимоий ҳокимиятни демократлаштиришга интилиш хосдир.

Корхоналарга раҳбарлик қилиш нуқтаи назаридан бу ходимни ишга қабул қилиш ва ундан бўшатиш, ходимга мутлақ ҳолда ўзбошимчалик билан ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш, лавозимга кўтариш ёки насайтириш, меҳнат шароитини ўзгартириш каби фаолиятда намоён бўлади. Барча ижтимоий масалалар қонунчилик ва жамоа меҳнат шартномалари асосида касаба уюшмалари, ишлаб чиқариш кенгашлари, ишчиларни ёллаш бўйича давлат ҳамда жамоат органлари, судлар ва бир қатор давлат, жамоат муассасалари иштирокида ҳал қилинади.

Маънавий-ахборот ҳокимияти бу — илмий билимлар ва ахборотлар ёрдамида одамлар устидан амалга ошириладиган раҳбарликдир. Ҳозирги глобаллашув дунёсида билимга таянмай туриб, самарали раҳбарликни амалга ошириш душвор. Билимдан ҳам ҳукумат қарорларини тайёрлашда, ҳам одамларнинг тинч бўлиши, ҳукуматни қўллаб-қувватлашини таъминлаши учун улар онгига, дунёқарошига, руҳига бевосита таъсир кўрсатишда фойдаланишади. Таъсир мактаб, муассаса, маърифат каби ижтимоий институтлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ёрдамида амалга оширилади. Ахборот ҳокимияти ҳукумат фаолиятига таъсир кўрсатиш, жамиятдаги аҳвол ҳақида тўғри, объектив маълумотлар тарқатиш, шунингдек, алдашнинг махсус усулларига, одамларнинг хоҳиш-ихтиёрсиз уларнинг онги ва хулқ-атворини бошқаришга асосланган манипуляция сингари хилма-хил мақсадларга хизмат қилиш имкониятига эга.

Мажбур қилиш билан боғлиқ ҳокимият куч ишлатиш ресурсларига таянади ва жисмоний куч ишлатиш ёрдамида одамлар устидан назорат ўрнатишни билдиради. Ҳокимиятнинг бу турини кўпроқ сиёсий ҳокимиятга ўхшатишади. Шубҳасиз, бутун жамият доирасида кучни очиқ ишлатиш сиёсий ҳокимиятнинг ўзига хос белгилорчи муҳим белгиси ҳисобланади.

Субъектлардан келиб чиқилгани ҳолда, ҳокимият давлат, партия, ҳарбий, касаба уюшмаси, оилавий ва бошқа турларга бўлинади. Ҳокимият мавжудлигининг кенглиги жиҳатидан халқаро ташкилотлар (мегадаража), макродаража, яъни давлатнинг марказий органларига, мезодаражага (марказга бўйсинувчи вилоят, округ, шаҳар, туман ва ҳ.к.) ва микродаража (бошлан-

ғич ташкилотлар ҳамда кичик гуруҳлардаги ҳокимият)-га бўлинади.

Ўз органлари функциялари бўйича ҳокимият қуйидагича тасниф этилади: давлатнинг қонунчилик, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари. Ҳокимиятнинг субъекти ва объектига таъсир қилиш усуллари жиҳатидан у демократик, авторитар ва бошқа тузумларга бўлинади.

Ҳокимиятларнинг ўзаро алоқаси муаммоси, айниқса, долзабрдир. Уларнинг орасида иқтисодий ҳокимиятни, капитал ва бошқа ижтимоий бойликлар эгалари ҳокимиятини кўплар энг муҳим ҳокимият деб ҳисоблашади.

Ҳамма нарса ўз қиммати ва нархига эга бозор жамиятида аксар кўпчилик оммавий ахборот воситалари йирик мулкдорлар қўлида бўлади. Сайлов кампанияларини ўтказиш ва унинг натижаларига пул жуда кучли таъсирини ўтказишади, айти пайтда, сиёсатдонларни сотиб олишда ундан фойдаланилади. Йирик мулкдорлар қўлида иқтисодий ҳокимиятнинг тўпланиб қолиши плутократияни ўрнатиш, яъни бадавлат одамлар кичик бир гуруҳининг бевосита сиёсий раҳбарлиги билан боғлиқ хавфни юзага келтиради. Ҳозирги Фарб демократиясида йирик капиталнинг мутлақ ҳокимлиги мулкдорлар ўртасидаги рақобат, ўрта синфнинг сиёсий таъсири, давлатнинг демократиклиги ва жамоатчилик ёрдамида чеклаб турилибди.

Иқтисодий ҳокимиятнинг кучли таъсирини кечиниб турадиган сиёсий ҳокимият мустақил бўлиб, иқтисодий ҳокимиятдан устун келиб, уни ўзининг мақсадларига йўналтириб туради.

Муайян шароитларда жамиятга ахборот ҳокимияти ҳам таъсир этиши мумкин. Муайян гуруҳ томонидан ахборот ҳокимиятининг манипуляция қилиниши гуруҳга иқтисодий ва бошқа сиёсатларнинг самарасизлигига қарамай сайловларда ғолиб келиб, узоқ вақт жамиятга раҳбарлик қилиш имконини таъминлайди.

Жамиятда турли ҳокимиятларнинг ўзаро алоқасида кумулятив самара, яъни ҳокимият тўпланиб қолишининг кучаяётганини кўриш мумкин. Зотан, бойлик, сармоя сиёсий элитага кириш, ахборот ва таълим неъматларидан тўла баҳраманд бўлиш кафолатини оширади; юқори сиёсий мансаб бойликни кўпайтириш, илм оламига кириш ва ахборот таъсирининг кучайиши

имконларини беради; таълим ва ахборот эса, ўз навбатида, етакчи сиёсий позиция ҳамда даромадлар кўпайиши имкониятларини яхшилайти.

Турли мамлакатларда ҳокимиятларнинг бўлиниши ва ваколатларнинг чекланганлиги ўзига хос хусусиятга эга. Бироқ барча демократик давлатлар учун ҳокимиятнинг уч мустақил бўғини тарқоқ ҳолда бўлмасдан, аксинча, муштаракликда яхлит бир тизимни ташкил этиши шарт.

Шу сабаб яхлит муштараклик доирасида давлат ҳокимиятида ҳокимиятлар ваколатларининг чекланганлиги зарур. Ҳокимиятлар ҳар бир бўғинининг ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, яхлит муштаракликда эса шахс, халқ манфаатларини, шунингдек, жамият ижтимоий ривожини таъминлашга сафарбар бўлиши лозим.

Фактларни умумлаштириш, мавжуд тажрибани ҳисобга олиш ҳокимиятлар ҳар бир бўғинининг умумвазифаси ҳамда ўрнини характерлаш имконини беради.

Қонун чиқарувчи ҳокимият Конституция тамойиллари ва қонун устуворлигига таянади. У эркин сайловлар йўли билан шаклланади.

Қонун чиқарувчи ҳокимият амалдаги Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсати асосларини белгилайди, давлат бюджетини тасдиқлайди, қонунлар қабул қилиб, улар ижросини назорат этади.

Қонунлар барча ижроия ҳокимият органлари, фуқаролар учун мажбурий. Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг устунлиги Конституция, ҳуқуқ, инсон ҳуқуқлари билан чекланган.

Қонун чиқарувчи орган сайланган халқ вакиллари ва эркин демократик сайловлар воситасида сайловчилар назорати остида бўлади. Ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари билан бевосита узвийликда фаолият кўрсатади.

Демократик давлатларда қонун чиқарувчи орган мақомини парламент бажаради. Парламент фаолиятининг самарадорлиги давлат қурилиши таркибининг синашта тажрибасига кўпроқ боғлиқ.

Парламентлар икки хил, бир палатали ва икки палатали бўлади. Бир палатали парламентлар сиёсий амалиётда кўпроқ учрайди. Айрим давлатларда икки палатали, деб аталувчи ўзига хос парламент тизими мавжуд бўлиб, унда бир палата бевосита тўппадан-тўғри

сайловлар, иккинчиси — территориал пропорционаллик асослари натижасида шаклланади.

Ижро этувчи ҳокимият қонун чиқарувчи ҳокимиятдан фарқли ўлароқ, кенг динамизми, ижтимоий ҳаётга нисбатан хозиржавоблиги, ҳожатбардорлиги билан ажралиб туради.

Ижро этувчи ҳокимиятнинг мақоми кенг ва мураккаб. У, жумладан, хўжалик, режалаштириш, маданият, таълим, молиялаштириш, аҳолининг кундалик эҳтиёж ва талабларини қондириш билан боғлиқ ишларни амалга оширади. Тизимнинг ўзига хослиги шундаки, у, нафақат, қонунларни ижро этади, айти пайтда, ўзи ҳам меъёрий ҳужжатлар қабул қилади, қонунчилик ташаббуси билан чиқади.

Ижро этувчи ҳокимиятнинг яна бир хусусияти шундаки, у ўз фаолиятининг ниҳоятда кенг кўламлигига қарамай қонунларни бажариш ва ҳуқуқни қўллаш имкониятига эга эмас.

Ижро этувчи ҳокимият қонунга асосланган ҳолда, шу қонун доирасида фаолият кўрсатиши шарт. Қонунда кўзда тутилмаган функцияларни бажаришга унинг ҳаққи йўқ. Доимий ҳисоботлар бериб туриш, ижро ҳокимияти фаолияти устидан назорат қилиш ҳуқуқига эга халқ вакиллари — депутатлар олдидаги масъулият ун тийиб туради.

Суд ҳокимияти давлат ташкилий қурилишининг мустақил тизимидир. Жамиятнинг барча жабҳаларига суд ҳокимияти ўз таъсирини ўтказидади. Ҳар бир одам суд ҳокимиятига мурожаат қилганда, одил ва адолатли ҳукм чиқарилишига қатъий амин бўлиши лозим. Чунки инсон ҳуқуқ ва эркинлиги ҳимояси, зиддиятлару келишмовчиликлар қонун доирасида маданий бартараф қилиниши ҳуқуқий давлатнинг нормаси ҳисобланади. Аслида суд репрессив орган эмас, аксинча, қонунбузарликни бартараф этиб, одил ҳуқуқ ҳимоячиси бўлиши шарт.

Суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятга таъсир қилади. Қонун чиқарувчи ҳокимият суд тизимлари (Олий суд, Конституциявий суд) орқали назорат қилинади. Масалан, Конституциявий суд ёрдамида, давлатда, нафақат, қонун ости ҳужжатлари, айти пайтда, конституциявийлик ҳам таъминланади.

Ҳокимият ижтимоий манфаатлар асосида неъматлар яратиш ва уларни тақсимлашни ифодалайдиган ҳуқуқий тушунча ҳисобланади.

Ҳокимият бу — фуқаролар бажариши муқаррар қарорлар қабул қилишнинг, қонун тантанаси йўлида мажбур қилиш мақомидан фойдаланишнинг қонуний ҳуқуқидир. Ҳукмдорлар ҳамisha ўз ҳокимиятининг, раҳбарлигининг қонунийлиги тўғри эканлигига ҳаммани ишонтиришга ҳаракат қилишади. Қонунга халқ ҳурмат билан муносабатда бўладиган, ҳукуматга ишонадиган жамиятда мажбур қилишга эҳтиёж деярли қолмайди. Ҳокимият қонунийлиги ноаниқ жойда ҳуқуқбузарлик урчиб кетади, ижтимоий ларзалар хавфи сақланиб қолади.

Сиёсий барқарорлик ва раҳбар — сардорни қўллаб-қувватлашда ҳокимиятнинг легитимлиги (қонунийлиги) муҳим аҳамият касб этади. Ҳокимият қонунийлигини мамлакат аҳолисининг ўзи мансуб тизимни табиий тан олиши аломати, деб қабул қилиш лозим.

Одамлар умидларини оқлайдиган давлат легитимли давлат бўлади. Легитимлик ҳокимиятда обрў-нуфуз мавжудлиги, аҳоли аксар қисмининг жамиятдаги тартиблар ўз давлати учун яхши эканлигига, асосий сиёсий кадриятларда муросаи мадора — консенсус устуворлик қилишига бўлган комил ишончи билан боғлиқ.

Легитимлик объекти бўлиб сиёсий элита, маъмурият ходимлари, режимнинг норма ва таркиблари хизмат қилади.

Легитимлик манбаи бўлиб ҳал қилувчи мафкуравий тамойиллар — ақидалар, таркиб ва режим нормаларига мансублик, муайян авторитетга садоқат хизмат қилади.

Легитимлик кўрсаткичлари бўлиб сиёсатни ҳаётга тадбиқ этиш учун қўлланадиган мажбурлаш даражаси, ҳукумат ёхуд сардор раҳбарни йиқитишга интилишнинг, фуқаролар бўйсунмаслигининг мавжудлиги, сайловлар, референдумлар, ҳокимиятни қўллаб-қувватлашга қаратилган оммавий намоишлар хизмат қилади.

Сўнги йилларда легитимлик муаммоси эндигина мустақилликка эришган суверен давлатларда ўта долзарблик касб этди. Қатор давлатларнинг инқироздан чиқиб кетолмаётганлиги аҳолининг легитимликка бўлган ишончига путур етказмоқда.

Фуқаролик жамияти шароитида ҳокимиятни амалга оширишнинг энг муҳим самарали шакллари учун демократик давлат тузилиши талаб қилинади. Лекин унинг амалга оширилиши кўп ҳолларда давлат тушунчаси-

нинг ўзи моҳиятан қанақа эканлигига боғлиқ. Бу ҳақда кўплаб илмий-тадқиқотлар мавжуд.¹

Шу пайтгача ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган дастлабки назариялардан бири — теологик назариядир. Ушбу назариянинг асосий ғояси — давлат пайдо бўлиши ва моҳиятининг илоҳий-кайҳоний қонуниятлар билан боғлиқлиги, яъни бутун ҳокимият Худодан, деган ақидадир. Бу давлатга, шубҳасиз, масъуллик ва муқаддаслик бахш этган.

Патриархал назариянинг асосчилари Афлотун ва Арасту ҳисобланади. Улар талқинига кўра, давлат жамият аъзолари билан ўзаро ҳурмат ва оталарча ғамхўрлик асосида боғланган. Афлотун қарашларига кўра, адолат ғояси негизида адолатли инсон адолатли давлатдан мутлақо фарқ қилмайди. Инсон руҳининг уч манбаи — ақл-идрок, шижоат, ижодкорлик — давлатда маслаҳат, ҳимоя ва ишчанликнинг тамал тошлари ҳисобланади. Ишчанлик борасида учта қавм — ҳукмронлар, ҳарбийлар, ишлаб чиқарувчилар (хунармандлар ва деҳқонлар) ажратиб кўрсатилади.

Давлатнинг келиб чиқиши ҳақидаги шартнома назарияси кейинги даврларда, яъни XVII—XVIII асрларда Ж.Локк, Т.Гоббс, Ж.Ж.Руссо асарларида кенг тарғиб қилинди. Ушбу назарияга кўра, давлат табиий ҳолатда бўлган одамларнинг ўзаро келишиб, шартнома тузишлари асосида келиб чиққан. Бу шартнома одамлар билан давлатни ягона, деб тасаввур этади. Шундай қилиб, ижтимоий шартнома ижтимоий-халқ шаклланишининг натижаси эмас, балки воситаси ҳисобланади. Дастлабки шартнома асосида фуқаролик жамияти ва унинг сиёсий шакли бўлмиш давлат юзага келади. Давлат хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва шартнома тузган индивидларнинг хавфсизлигини таъминлайди.

Ўз вақтида мажбурлаш, яъни зўравонлик назарияси кенг тарқалган эди. Давлат ва сиёсий ҳокимиятнинг келиб чиқиши сабабларини таҳлил қилган ушбу назария тарафдорлари асосий сабабларни иқтисодий муносабатларда эмас, балки зўрлик билан бир халқни иккинчи халққа бўйсундириш учун бўлган интилишда кўришди. Ушбу концепцияга кўра, давлат бу — муайян кишиларнинг инсон табиатига хос зўравонлик йўли

¹ Қ а р а н г: *Комаров С.А.* Общая теория государства и права. — М., 1996; *Воцанова Г.П., Годзина Г.С.* История экономики. — М., 2001; *Игнатовский П.А.* Экономика, человек и государство. — М., 1998 ва б.

билан бошқалар устидан ҳукмронлик қилиш асосида табиий юзага келган ташкилотдир. Бирининг иккинчиси устидан сиёсий ҳукмронлиги унинг иқтисодий ҳукмронлигига ҳам замин яратган.

Давлат пайдо бўлишининг органик назарияси давлатни органик уйғун эволюция натижаси, деб ҳисоблайди. Ижтимоий эволюция ушбу эволюциянинг турларидан биридир. Табиатда табиий сараланиш бўлганидек, жамиятда ҳам ташқи урушлар ва бир мамлакатнинг иккинчисини босиб, қарам қилиб олиш жараёнида табиий сараланиш рўй беради. Айнан ана шу сараланиш ҳукуматнинг пайдо бўлишини, давлатнинг органик эволюция қонунлари асосида фаолият юритишини белгилайди.

Психологик (руҳий) назария давлатнинг пайдо бўлиши сабабини инсон руҳиятининг хусусиятлари, биорухий инстинктлари ва бошқа психологик омиллар негизида тушунтиради. Ушбу омиллар ҳам турлича талқин қилинади. Масалан, баъзилар истаган индивид руҳига хос бўлган мутеликдан, «буюк шахслар»га бўйсиниш эҳтиёжидан келиб чиқишади. Жаҳон социология фанининг дунёда машҳур психотаҳлилий йўналишида давлатни инсон руҳиятидан келтириб чиқариш зарурлиги таъкидланади. Жамият индивидуал одамларнинг эмас, балки ижтимоий бирдамлик ғоясини шакллантирувчи жамоа онгининг маҳсули, деб тушунилади. Ижтимоий бирдамликни таъминлаш мақсадида тегишли давлат органлари — институтлари тузилади.

Ана шу тариқа давлат моҳияти жуда кўплаб аспектларга эга ва қайд этиб ўтилган ҳар бир назария унинг у ёки бу хусусиятларини очиб беради. Ҳатто, мажбурлаш, яъни зўравонлик назариясини ҳам ҳали ҳисобдан чиқариш эрта.

Шу билан бир қаторда давлатнинг демократик қурилиши кўшимча талабларни тақозо этади. Одатда, демократия (халқ ҳокимиятчилиги) одамларнинг бошқарувда қатнашишига, кўпчилик тамойили асосида ҳамкорликда қарорлар қабул қилишда иштирок этишига асосланган ташкилотлар қурилишининг асосий шакллари билан бири сифатида талқин қилинади.¹

¹ Қ а р а н г: Алексис де Токвиль. Демократия в Америке. /Пер с франц. — М., 1994; Новгородцев П.И. Об общественном идеале. — М., 1991; Брайс Д. Современные демократии. — М., 1992; Кельзен Х. О сущности и значении демократии. — М., 1996 ва б.

Демократия бу — эркинлик, тенглик, инсонни ҳур-мат қилиш, бирдамлик мавжуд, шунингдек, халқ ҳоқимиятчилиги учун ижтимоий ва сиёсий ҳаракатларни фаол амалга оширувчи ижтимоий қурилишнинг муайян идеалидир. Демократия пайдо бўлгандан бошлаб демократик режимни таъминлашга сафарбар бўлган давлат билан боғлиқ.

Демократик режим инсон сиёсий эркинлигининг юксак даражаси, инсоннинг жамиятни давлат томонидан бошқаришга таъсир кўрсатадиган ҳуқуқларини реал амалга ошириш усулидир. Одатда, сиёсий элита анча тор. Лекин у кенг ижтимоий асосга таянади.

Демократик режим қуйидаги характерли қондаларга эга:

Биринчидан, халқ суверенитети. Айнан халқ ҳоқимият вакилларини сайлайди ва муайян даврларда уларни алмаштириб туради. Сайловлар узлуксиз, ҳалол, муқобилли бўлиши лозим. «Муқобиллик», дейилганда депутатликка ўз номзодларини эркин қўйиш ҳуқуқига муайян гуруҳлар ёки фуқаролар сайлаш — сайланиш ҳуқуқига эга бўлса-ю қолганлар ундан мосуво бўлса, шубҳасиз, муқобил сайлов ҳақида гап-сўзнинг ҳам бўлиши мумкин эмас.

Иккинчидан, давлат асосий органларининг даврий сайланиши. Демократик давлатнинг зарур шarti бу — олий ҳоқимиятни амалга оширувчи шахслардир. Бу шахслар, одатда, чекланган муайян вақтда сайланишади. Ҳоқимият сайловлар натижасига кўра алмашини лозим.

Учинчидан, демократия якка шахсларнинг ва озчиликнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Сайловларда демократик йўл билан ифодаланган кўпчилик фикри атиги демократиянинг зарур шarti, холос. Кўпчиликнинг бошқаруви ва оз сонли кишилар ҳуқуқи ҳимояси демократик давлатнинг асосий тамойилларидан бирини ташкил этади. Мабодо оз сонли кишилар ҳуқуқи паймол қилинса, сайловларнинг тез-тез ўтказилиши ва ҳалоллиги ҳамда қонуний сайланган ҳукуматнинг алмашинишига қарамай режим ғайридемократик режимга айланади.

Тўртинчидан, давлат бошқарувида фуқаролар иштироки ҳуқуқининг тенглиги. Тенглик ўлароқ, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодаловчи сиёсий партиялар ва бошқа уюшмалар ташкил этилади, шунингдек, фикрлар плюралиزمi, ахборот олишга, давлат бошқарувида раҳ-

барлик лавозимини эгаллаш учун кураш рақобатига айнан ана шу тенглик орқалигина муяссар бўлинади.

Демократик режим бошқарувининг ҳар хил шакллари мавжуд. Республика бошқарувининг кенг тарқалган шакллари бўлиб Президент Республикаси ва Парламент Республикаси ҳисобланади.

Президент Республикасининг бошқарувнинг бошқа шаклларидан фарқи шундаки, Президент унда ҳам давлат бошлиғи ва ҳам ҳукумат раиси ҳисобланади. Президентлик демократиясининг ёрқин тимсоли — АҚШдир. Лекин АҚШда Президент қонунчилик ваколатига эга эмас. Қонун чиқарувчи ҳокимият Американинг олий қонунчилик органи — конгрессга (вакиллик ва сенат палаталари) дахлдор. АҚШ Президенти ўз ваколатларини бошқаришда конгресс томонидан муайян ҳолда чекланган. Конгресс бюджет масалаларини ҳал қилади, Президент лавозимга тайинлаган истаган раҳбарни рад қилиш (вето ҳуқуқи) ҳуқуқига эга. Ва, ниҳоят, конгресс Президентни ҳокимиятдан четлаштириш билан боғлиқ «*импичмент*» жараёнини бошлаб юбориши мумкин.

Парламент Республикасининг асосий хусусияти шундаки, ҳукуматни парламент белгилайди (одатда, кўпчилик депутатлар ёрдамида). Демак, ҳукумат ўз-ўзидан парламент олдида масъул бўлади.

Ҳукуматга нисбатан парламент қатор функцияларни амалга оширади. Жумладан: ҳукуматни шакллантиради ва уни ҳимоя қилади; ҳукумат ижро этишга мажбур қонунлар қабул қилади; давлат бюджетини тасдиқлайди. Ана шу тариқа парламент ҳукумат фаолиятининг молиявий имкониятларини белгилаб, ҳокимият устидан назорат олиб боради. Зарур бўлганда, унга ишончсизлик вотуми эълон қилади. Унда ҳукумат яхлит ҳолда ё истеъфо беради ёки парламент тарқатилиб, янги сайловлар ўтказилади.

Ҳозир дунёда парламент режимининг **уч тип**и мавжуд:

Биринчиси, парламентда бир партиёга мансуб депутатларнинг кўпчиликини ташкил этиши. Айнан ана шу голиб партиё ҳукумат таркибини белгилаш ҳуқуқига эга бўлади. Баъзан бундай бошқарувни «*Вестминстер модели*», деб ҳам аташади. Унда Британия парламенти назарда тутилади. Британия парламентида, одатда, сайловда кўп мандат олган голиб партиё сайланган давр давомида ҳукуматни тузади.

Иккинчи тип бу — коалицион парламент тизими. Унда Вазирлар Маҳкамаси турли партияларнинг ўзаро келишуви асосида (партияларнинг бирортаси ҳам парламентда кўп сонли эмас) коалицион ҳукумат тузади.

Учинчи типни, одатда, консенсус, яъни келишув парламенти, деб аташади. Барчанинг ва ҳамманинг манфаатларига мос келувчи қарорлар излаш ҳамда топшиш ушбу парламент режимининг ўзига хос мақомини белгилайди.

Ҳозирги демократия бу — манфаатлар ваколатидир. Демократик давлатда барча фуқаролар сиёсий ҳаёт иштирокчилари сифатида ўзаро тенгдирлар. Бу ерда тенглик икки маънода, яъни *қонун олдидаги тенглик* ва *сиёсий ҳуқуқ тенглиги* сифатида тушунилади. Ҳозирги демократик давлат бу — ҳуқуқий давлатдир. Унда ҳокимиятлар уч мустақил тармоққа бўлинган. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг аниқ механизмлари яратилган.

Фуқаролик жамияти айнан ана шу шароитлардагина ривожланиши мумкин. Бошқа шароитда у ривожлана олмайди.

IV б о б

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ МОҲИЯТИ

Фуқаролик жамияти ҳам ижтимоий тараққиёт шакли бўлган амалий реаллик сифатида, ҳам ижтимоий тараққиёт йўналишига хизмат қилувчи идеал сифатида намоён бўлади. Ҳуқуқий давлат барпо этилган тақдирдагина реал фуқаролик жамияти идеал фуқаролик жамиятига мос келади. Идеал фуқаролик жамияти жамиятда қонун устуворлигига, одамлар эркинлигига, ҳуқуқда уларнинг табиатан тенглигига асосланади. Айни пайтда, жамият аъзолари муайян мажбуриятларни онгли, кўнгилли равишда ўз зиммаларига олишади ва умумий қонунларга бўйсунушади.

Ҳуқуқий давлатда фуқаролик жамияти қонун манбаига айланади. У давлат мақомини белгилайди. Бундай шароитда шахс ўз ҳуқуқлари билан жамият устидан устуворликка эга бўлади. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий давлат бу ҳуқуқ нормалари негизда индивидлар ва турли уюшмаларнинг ўзаро муносабатларига асосланган давлат ҳокимиятининг ташкил топиши ҳамда фаолият кўрсатиши шакли ҳисобланади.

Қонун негизда ўз фаолиятини амалга оширувчи давлат ҳақидаги тасаввурлар инсон цивилизациясининг табиий ҳуқуқлари билан боғлиқ ибтидоий босқичларида шаклланган. Ижтимоий ҳаётнинг нисбатан тақомиллашиши ва адолатли шахсларни излаш ҳуқуқий давлат ғояси билан боғлиқ. Антик дунёнинг кўплаб мутафаккирлари (Сукрот, Демокрит, Афлотун, Арасту, Цицерон ва б.) ўша қадимги давр жамиятининг уйғун ривожини таъминлашга қаратилган ҳуқуқ билан давлат ҳокимияти ўртасидаги алоқалар ҳамда ўзаро ҳамкорликни аниқлашга уринганлар. Улар ҳам фуқаролар, ҳам давлатнинг ўзи учун умуммажбурий қонунлар устувор бўлган жамиятгина нисбатан тўғри, адолатли жамиятдир, деган комил фикрда бўлишган.

Қадим донишмандлар сиёсий ва ҳуқуқий қарашларига кўра, ҳуқуқни тан олган, айна пайтда, ҳуқуқ би-

лан чекланган давлат ҳокимиятигина адолатли давлат, деб аталган. Бошқа томондан, қаерда қонун устунлик қилмаса, у ерда давлат қурилишининг бирор-бир шакли ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Яъни ҳуқуқсиз, умуман, бирор бир давлат хусусида гапириш душвор.

Давлат ибтидоси сифатида ҳуқуқ давлатни халқнинг бевосита ишига айлантиради. Давлат бу — одамларнинг ҳуқуқ доирасидаги муомаласи, алоқаси. Демак, ўз навбатида, у барча учун умумий бўлган тартибларни ўрнатишга олиб келади. Қадим Юнон ва қадим Римдаги давлат — ҳуқуқ ғоялари ҳамда институтлари ҳуқуқий давлат ҳақидаги кейинги илғор сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг юзага келишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Фарбий Оврупода буржуа инқилобларидан кейин юзага келган капиталистик ҳўжалик юритиш ва бозор тизими шаклланиши даврида ҳуқуқий назариялар, аynиқса, ижодий фаол ривожланди. Эркин тadbиркорлик давлатга ва ижтимоий фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ унинг ролини тушунишга янғича ёндашувларнинг юзага келишига асос бўлди. Ҳокимиятнинг якка бир шахс ёхуд ҳокимият органи қўлида тўпланиб қолишига йўл қўймовчи, барчанинг қонун олдида тенглигини тасдиқловчи, ҳуқуқ воситасида индивидуал эркинликни таъминловчи давлат ҳаётини ҳуқуқий ташкил этиш муаммоси ушбу ёндашувларда марказий ўринда турди.

Илк буржуа инқилоблари даврининг Н.Макиавелли, Ж.Боден, Г.Гроций, Ж.Локк, Ш.Монтескье, Д.Жефферсон каби машҳур мутафаккирлари таълимотларида ҳуқуқий давлат ғоялари теран ифодасини топди. Жумладан, Н.Макиавелли ўз назариясида давлат мавжудлигининг тарихий тажрибаси асосида сиёсат тамойилларини тушунтириб, ҳаракатчан сиёсий кучлар моҳиятини белгилаб берди. Мутафаккир мулкдан эркин фойдаланиш имконини яратиш ва ҳар бир киши учун хавфсизликни таъминлаш давлатнинг мақсади эканлигини таъкидлади.

Ж.Боден давлатни аксар кўпчилик оилаларни ва уларга мансуб мулкларни ҳуқуқий жиҳатдан бошқариш, деб белгилади. Ҳуқуқ ва эркинликни таъминлаш давлатнинг вазифаси, деб ҳисоблади.

Шундай қилиб, таъкидлаш лозим-ки, давлат ҳақидаги қарашлар ҳуқуқ назариясининг илк ривожланиш давридаёқ шаклланган эди.

Ҳозирги даврда ҳуқуқий давлатнинг асосий тавси-фи аниқ белгилаб берилган.¹

Энг аввало, ҳуқуқий давлатнинг кўп укладли, турли мулк шакллари (давлат, жамоа, ижара, хусусий, кооператив ва б.)нинг тенг ҳуқуқлилиги, юридик жиҳатдан бир хилда ҳимоя қилинганлигига асосланган ишлаб чиқариш муносабатлари билан боғлиқ иқтисодий асос ажратиб кўрсатилади. Ҳуқуқий давлатда мулк бевосита ишлаб чиқарувчиларга ва моддий неъмат истеъмолчиларига тегишли. Индивидуал ишлаб чиқарувчи ўз шахсий меҳнати самараси эгаси сифатида намоён бўлади. Давлатчиликнинг ҳуқуқий негизи фақатгина мулкнинг мустақиллиги ва эркинлиги шароитидагина мавжуд бўлади. Бундай эркин, ҳалол мулк ҳуқуқ устуворлигини, ишлаб чиқариш муносабатлари иштирокчиларининг тенглигини, жамият фаровонлигининг доимий ўсишини ва унинг ўзини ўзи ривожлантиришини иқтисодий таъминлайди.

Ҳуқуқий давлатнинг ижтимоий асосини ижтимоий тараққиётга сафарбар эркин фуқароларни бирлаштирувчи ўзини ўзи бошқарадиган фуқаролик жамияти ташкил этади. Бундай давлат диққат марказида инсон ва унинг манфаатлари ётади. Ижтимоий институтлар, ижтимоий алоқалар тизимлари воситалари орқали ҳар бир фуқаронинг ўз ижодий, меҳнат имкониятларини рўёбга чиқариш, фикрлар плюралиزمи (хилма-хиллиги), шахсий ҳуқуқ ҳамда эркинликлари учун зарур шарт-шароит яратилади.

Ҳуқуқий давлатнинг ахлоқий асоси гуманизмининг умуминсоний тамойилларини, фуқаролар тенглиги ва эркинлигини белгилайди. Бу давлат бошқарувининг демократик усулларида, адолат ва одил судловда, давлат билан муносабатда шахс ҳуқуқ ҳамда эркинлиги устуворлигида, озчилик ҳуқуқини ҳимоя қилишда, турли диний дунёқарашларга нисбатан сабр-тоқатда аниқ намоён бўлади.

Ҳуқуқий давлат бу — ўзида мамлакатда истиқомат қилувчи халқ, миллат ва элатлар суверенитетини мужассам этган мустақил давлатдир. Ҳокимиятнинг устуворлигини, тўлиқлигини ва муҳаққақлигини амалга

¹ Қ а р а н г: Гражданское общество и правовое государство. Отв. ред. Манов Г.Н., 1991; *Исламов З.* Общество, государство, право. В 2-х кн.-Т.: Адолат, 1998; *Кистяковский Б.А.* Государство правовое и социологическое. // Вопросы философии, 1990, №6; *Лукашук И.И.* Глобализация, государство, право. XXI-й век. — М., 2000 ва б.

оширадиган ҳуқуқий давлат барча фуқаролар учун истисносиз ҳисобланмиш адолатга асосланган эркин ижтимоий муносабатларни таъминлайди. Ҳуқуқий давлатда мажбурлаш ҳуқуққа таянган ҳолда амалга оширилади. Бу давлатда ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга, зўравонликка йўл қўйилмайди. Давлат ўз суверенитети, фуқаролар манфаатлари бузилган ҳолдагина ҳуқуқ доирасида куч ишлатади. Бир шахснинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари бошқа шахслар эркинлигига хавф солганда унинг эркинлиги, озодлиги қонунга кўра чекланади.

Қайд этилган асосий тавсифлар негизида ҳуқуқий давлатнинг қуйидаги **асосий белгилари** мавжуд:

Биринчидан, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг устунлиги. Ҳуқуқий қадриятлар тизимида одамлар эркинлиги ифодасининг, ташкил этилишининг ва ҳимоясининг олий шакли — қонун ҳисобланади. Давлат ўз қонунларида хулқ-атворнинг умуммажбурий қоидаларини ўрнатади. Бу қоидалар тенглик ва адолат асосида ижтимоий тараққиётнинг объектив талабларини максимал тарзда ҳисобга олиши лозим. Айнан шу сабаб қонун олий юридик кучга эга бўлади. Қолган барча ҳуқуқий ҳужжатлар қонунларга мос бўлиши лозим.

Қонунлар ижтимоий ҳаётнинг муҳим, ҳаётий зарур томонларини бошқариб туради. Қонуности ҳужжатлари, айниқса, идоралар ҳужжатлари зарур ҳолларда қонунларнинг муайян қоидаларини конкретлаштиради, холос.

Конституция — давлатнинг Асосий Қонуни. Унда давлат ва жамиятнинг ҳуқуқий тамойиллари аксини топади. Конституция бу — жамиятнинг умумий ҳуқуқий модели бўлиб, барча қонунчилик унга айнан мос келиши лозим. Давлатнинг бошқа бирор бир ҳуқуқий актлари Конституцияга зид бўлмаслиги шарт.

Қонуннинг, энг аввало, Конституциянинг устунлиги жамиятда ҳуқуқ қонунчилигининг мустаҳкам режимини, адолатли ҳуқуқий тартибни яратади.

Иккинчидан, шахс ҳуқуқининг реаллиги, унинг эркин камоли таъминоти. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда инсон эркинлиги унинг ҳуқуқи тарзида намоён бўлади. Ҳуқуқий давлат индивид эркинлигининг муайян қадриятларини тан олади.

Индивид эркинлигининг ҳуқуқий характери ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида намоён бўлади. Масалан, давлатнинг шахс манфаатлари билан боғлиқ

ҳуқуқларига ижобий таъсири, жумладан, шахснинг дахлсизлик ҳуқуқи, таълим олиш, ижтимоий ҳимоя ҳуқуқлари, суд ҳимояси ва бошқалар амалга оширилади. Шахс эркинлигининг ривожланганлиги даражаси давлатчиликнинг ҳуқуқ борасидаги етуқлиги, иқтисодий ва маънавий асос-заминлар билан белгиланади.

Учинчидан, давлат билан шахснинг бир-бири олдидаги ўзаро масъулиятлари. Сиёсий ҳокимият институти бўлмиш давлат билан унинг шаклланиши ҳамда амалга оширилиши ўртасидаги муносабатлар тенглик ва адолат негизида ўрнатилиши шарт. Айни пайтда, давлат ҳар бир фуқарога нисбатан адолатли бўлишдек, мажбуриятни зиммасига олади. Давлат органлари қонунга риоя қилгани ҳолда, уни бузишга ҳақли эмас. Давлат қонунни бузмаслиги ва ўз зиммасидаги ҳуқуқий мажбуриятларни сўзсиз, оғишмай бажариши шарт. Давлат ҳокимияти учун қонуннинг мажбурийлиги маъмурий ўзбошимчаликни инкор қилувчи кафолатлар тизими орқали таъминланилади. Уларга қуйидагилар киради: депутатларнинг ўз сайловчилари олдидаги масъулияти; давлатнинг вакиллик органлари олдидаги масъуллиги; ҳуқуқнинг конкрет субъектлари олдида турли даражадаги мансабдор шахсларнинг ўз мажбуриятларини бажармаганликлари учун интизомий ва жиноий масъуллиги.

Худди ана шу ҳуқуқий талаблар шахснинг давлат олдидаги масъулиятига ҳам дахлдор. Давлат томонидан мажбур қилиш тамойили ҳуқуқий мақомга эга бўлиши, шахс эрки меъёрларини бузмаслиги, содир этилган ҳуқуқбузарлик даражасига мутаносиб келиши шарт.

Давлат билан шахс ўртасидаги ўзаро масъулликнинг ҳуқуқий мақоми бу — жамиятда шаклланаётган ҳуқуқнинг муҳим таркибий қисмидир.

Ҳуқуқий давлатда шундай мақомдаги давлатнинг фаолиятини ташкил этиш тамойили муҳим роль ўйнайди.

Деспотик ёхуд полиция давлатидан ҳуқуқий давлат доимий норма ва қоидаларнинг муайян мажмуи туфайли ажралиб туради. Улар орасида ҳокимиятларнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тизимлари нормаси марказий ўринда туради. Ҳокимиятларнинг бўлиниш тамойили, бир томондан, қонун чиқарувчи ҳокимиятни, иккинчи томондан, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг қонунга итоат этишларини белгилаб беради. Ҳокимиятлар ўртасидаги мувозанат, наин-

ки, муносабатларни таъминловчи, айни пайтда, ҳокимият тармоқларининг белгиланган чегарада бир-бирларини тийиб туриши билан боғлиқ махсус ташкилий-ҳуқуқий доиралар воситасида қўллаб-қувватланади. Шу билан бир қаторда улар ўз ваколатлари доирасида муайян ҳокимиятнинг бошқасига нисбатан мустақил эканлигини кафолатлайди.

Қонун чиқарувчи ҳокимият устун мақомга эга: у давлат ва жамиятнинг конституциявий-ҳуқуқий асосзаминини яратади, мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди, демак, охиरोқибатда ижроия ва суд ҳокимиятлари фаолиятининг ҳуқуқий ташкилланиши ҳамда шаклларини тайин этади. Ҳуқуқий давлатда қонун чиқарувчи ҳокимият тармоғининг етакчилик мавқеи ўзи чиқараётган қонунларнинг юридик кучини белгилаб беради, ҳуқуқ нормаларига умуммажбурий мақом бахш этади.

Бироқ қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг устун мақоми мутлақ эмас. У халқ ва амалдаги қонунлар Конституцияга мос келишини таъминловчи махсус конституциявий органлар (Конституциявий суд) назорати остида бўлади.

Ижро этувчи ҳокимият ўз органлари тимсолида қонун чиқарувчилар қабул қилган ҳуқуқий нормаларни бевосита амалга ошириш билан шуғулланади. Ижроия органлари қонунчилик асосида фаолият юритгани учун ҳуқуқий характерга эга бўлишади. Ҳуқуқий давлатда ҳар бир фуқаро ижроия органлари ва мансабдор шахслар томонидан йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар устидан судга мурожаат қилишлари мумкин.

Суд ҳокимияти ким томонидан бўлмасин йўл қўйилган ҳуқуқбузарликдан давлат ва жамиятни қонун доирасида расман ҳимоя қилади. Ҳуқуқий давлатда одил судлов фақат суд идоралари томонидан олиб борилади. Суднинг функциясини ҳеч ким ўзлаштириб олиши мумкин эмас. Одил суднинг мустақиллиги ва қонунийлиги фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг, яхлит ҳолда ҳуқуқий давлатнинг муҳим кафолати ҳисобланади.

Суд ҳокимияти тийиб туриш омили сифатида ҳуқуқ қоидаларининг, энг аввало, конституциявий талабларнинг ҳам қонун чиқарувчилар, ҳам ижро этувчи ҳокимиятлар томонидан бузилишини огоҳлантирувчи орган бўлиб, ҳокимиятларнинг амалда реал бўлинишини таъминлайди.

Шунинг учун ҳам ҳуқуқий давлатнинг ташкилланиши ва фаолияти асосида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимиятларининг мавжудлиги тамойили ётади. Ҳокимиятнинг уч тармоғи фақат ва фақат ўз конституциявий мақомлари доирасида фаолият кўрсатишади. Ва улар муштаракликда бир-бирларини тийиб, мувозанатлаштириб туришади. Айни пайтда, демократик нормалар бузилишига, ҳокимият суистеъмолликларига қарши тизимий кафолатни таъминлайди. Фуқароларнинг ўзлари эса умумий сайлов тизими орқали барча ҳокимият тармоқлари фаолиятини назорат қилиб туришади. Зарур бўлганда, улар хатти-ҳаракатини изга солиб туришади.

Ҳуқуқий давлатда давлат ҳокимияти қонунга итоат қилади. Унинг бу мақоми алоҳида шахснинг дахлсиз ҳуқуқларини тан олиш билан тўлдирилади.

Ҳуқуқий давлат фуқаролик жамияти барча аъзоларини бирлаштирувчи ўз мазмун-моҳияти билан умуминсоний қадрият бўлган қатор умумий ҳуқуқий асосларга эга.

Шу билан бирга ҳуқуқий давлат ривожини мўлжаллари аниқ ва пухта эканлиги, ўз даври талабларига мос келиши лозимлиги диққатга сазовор. Бу турли мамлакатларда турли даврларда фуқаролик жамиятининг иқтисодий соҳадаги аниқ мақсадлари ўзгариши мумкинлиги, лекин улар фаоллигининг бош стратегик йўналишлари ўзгармаслиги билан боғлиқ. Худди шундай манзара ҳуқуқий ҳимояни таъминлаш жабҳаларида ҳам кузатилиши шарт.

Шундай қилиб, бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш босқичини кечинаётган давлатда қуйидаги муаммолар катта аҳамият касб этади:

Биринчидан, бозор тизимига ўтишга киришган ташкилот ва корхоналарнинг манфаат ҳамда ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Бунга улар вакилларининг юқори давлат ҳокимияти органларида, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, уларни экспертиза қилиш жараёнларида иштирок этишлари ёрдамида эришилинадди.

Иккинчидан, бизнесни ташкил қилишда ички ва ташқи бозорда корхонларнинг иқтисодий имкониятларини мустаҳкамлашга ҳар томонлама ёрдамлашиш. Бунга истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун молиявий кўмак бериш (жумладан, давлат ёрдами ҳам), хўжалик юритишнинг янги-янги шаклларини жорий этиш,

махсулотларни сотишнинг янги бозорларини ўзлаштириш, корхона таркибига кирувчи барча муассасалар иш шароитини яхшилаш йўллари билан эришилинади.

Учинчидан, монополияга қарши қонунчиликка ва адолатли рақобат қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш.

Тўртинчидан, хўжалик, тижорат ва маданий фаолиятлар доирасида турли тадбирлар ўтказиш. Масалан, турли хил жамғармалар тузиш.

Бешинчидан, бизнес, тижорат, менежмент марказлари ва мактаблари, шунингдек, анжуманлар ҳамда ҳамкорлик учрашувлари орқали тадбиркорларнинг ма-лакасини, ишчанлик салоҳиятини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш.

Албатта, ўтиш босқичида ҳуқуқий ҳимояланганлик даражаси қайд этилган ҳолатлар билангина чекланиб қолмайди. Фуқаролик жамияти ҳуқуқ соҳасида тадбиркорлик тизимини ялпи ривожлантириш, бозор муносабатларини янада такомиллаштириш учун жуда кўп ишлар қилмоқда. Шунинг учун ҳам унинг диққат марказида ҳамиша ёлланма ишчилар билан ўзаро муносабатларнинг оптимал стратегиясини ишлаб чиқиш, тадбиркорлик муҳотида яқдилликни таъминлаш ва мавжуд зиддиятларни бартараф этиш масалалари туради.

Ҳуқуқий давлатнинг фуқаролик жамиятидаги роли фавқулодда катта эканлигини юқорида таъкидлаб ўтган эдик. Аммо бу роль мутлақ эмас. Шу боис фуқаролик жамиятининг ҳар бир аъзоси ўз шахсий мулкига, албатта, эга бўлиши ёхуд шу мулкнинг соҳибига айланиши учун ҳаракат қилиши шарт. Бу, шубҳасиз, фуқаролардан юксак шахсий фазилатларга эга бўлишини табиий талаб қилади. Боз устига, жамият ўз мақоми билан ривожланган ижтимоий тузилмаларни ҳимоя қилиши ва уларга ҳар томонлама ёрдам бериши шарт.

Ҳуқуқий давлат фуқаролик жамияти компоненти сифатида яна бир муҳим жиҳати билан ажралиб туради. Айнан у орқали давлатнинг глобаллашув жараёнида интеграциялашуви ёрқин намоён бўлади.

Глобаль муаммолар яхлит муштаракликда ва ҳар бири алоҳида ҳолда илмий билишнинг кўплаб соҳалари диққат марказида бўлди, бўлмоқда. Уларни чуқур ўрганишга «Рим клуби» катта ҳисса қўшди. Клуб аъзолари глобаль муаммоларнинг деярли барча кўринишлари назарий моделини яратишга ҳаракат қилишди. Натижада ушбу моделни математик аппаратлар ва кибер-

нетик жиҳозлар билан таъминлаш имкони юзага келди. Ғалати жойи шундаки, ҳозирги замон глобаль муаммоларини давлат ва ҳуқуқ томонидан бошқарилуви призмаси орқали ўрганиш камлик қилади. Муаммоларнинг давлат-ҳуқуқ ҳаётига, давлат ҳамда ҳуқуқ моҳиятига, мазмунига, функциясига, шаклларига тескари таъсири ҳам ўрганилиши лозим. Синфий қарама-қаршилик ва синфий кураш ўрнига умуминсоний қадриятлар келса ва улар устуворлиги таъминланилса, унда, ҳатто, оддий онг даражасида ҳам бир нарса яққоллашиб қолади: айнан умуминсоний қадриятлар исталган мамлакатда одамлар ҳаётининг барча жиҳатлари сифат ўзгаришларига кўпроқ дуч келишига муҳит яратади. Айни пайтда, ривожланган мамлакатларда бир хиллари, ривожланаётган мамлакатларда бошқа хили, мустақил миллий давлатчилик ибтидосига қадам қўйган ёш давлатларда эса ўзга хили катта роль ўйнайди. Албатта, давлатлар орасидаги фарқлар нисбий. Шунга қарамай миқдор жиҳатдан таҳлилга муҳтож битта объектив мезон мавжуд. Гап, нафақат, фаровонлик даражасининг кенг аҳоли қатлами мулкый имкониятларининг ривожланганлиги устида, айни пайтда, демократик институтларнинг мавжудлиги, қонун режими тасдиғи, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини юридик таъминлаш каби жиҳатлари, ҳуқуқий давлатнинг шаклланаётган нормалари ҳамда анъаналари хусусида кетмоқда.

Ривожланиш босқичига кирмаган давлатлардан фарқли ўлароқ, ривожланган мамлакатлар юқоридаги қадриятлар ўлароқ, глобаль муаммолар билан боғлиқ оғир юкни ўз зиммаларига олишади. Ва бўлак ижтимоий-сиёсий уюшмалар билан биргаликда мавжуд муаммоларнинг салбий оқибатларини бартараф этишини таъкидлаш лозим.

Савол туғилади: ҳозирги замон глобаль муаммолари фақат салбий оқибатларга эгами ёхуд уларнинг ижобий фойдали жиҳатлари ҳам борми?

Одатда, илмий адабиётларда бутун инсоният тақдирига салбий таъсир кўрсатувчи жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Глобаль муаммоларни ягона тизимга айлантирувчи хавф-хатарлар уларнинг назарий жиҳатдан моделлаштиришда, шубҳасиз, инобатга олинади. Бироқ «Рим клуби» томонидан тасдиқланган глобаль муаммолар аломатлари глобалистиканинг барча ялпи муаммоларини қамраб ололмайди. Аста-секинлик билан шу нарса ойдинлашиб бормоқдаки, инсониятни

ёлғиз ҳалокат хавфи бирлаштирибгина қолмасдан, айна пайтда, цивилизация йўлида тақдириломон ҳисобланган яшаб қола билиш салоҳияти, тўсиқларни енгиб ўтиш мардоналиги ҳам ўзаро яқдилу яқтан этади.

Коинотни ўзлаштириш, янги-янги қувват манбаларини кашф қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш, ҳаётнинг сирли жумбоқлари оламига кириш каби истиқболли омиллар билан боғлиқ муаммоларни ажратиб кўрсатиш шуни кўрсатадики, глобал муаммолар таснифининг бошланғич асоси бўлиб мазкур муаммоларни чеклаш ва шу негизда салбий ҳамда ижобий гуруҳларни ўзаро бирлаштириш хизмат қилади. Бундай бўлиниш, шубҳасиз, шартли. Чунки ҳар бир муаммода ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлар табиий мавжуддир. Бу ерда муҳими — тараққиётнинг энг устувор тенденциясини, бош йўлини кўра билиш. Масалан, табиий захираларнинг камайиб бориши хавфи уларни янгилари билан алмаштиришни тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, цивилизациянинг янги сифат босқичига ўтиши имконияти ҳамда заруратини талаб қилади.

Барча глобал муаммолар турли даражаларда давлат-ҳуқуқ томонидан бошқарилиш имкониятига эга. Бунда, энг аввало, интеллектуал ва иқтисодий интилиш, харажатлар зарур.

Ижтимоий тараққиётнинг барча салбий оқибатларини тўғри баҳолаган ҳолда, инсоният ортага йўл йўқ эканлигини теран англаб турибди. Ҳуқуқий давлат билан ҳозирги дунёнинг глобал муаммолари ўртасидаги ўзаро таъсир масаласининг ахлоқий манбалари айнан ана шунда.

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши, унинг назарий модели каби ўз ҳаётининг, наинки, ички, айна пайтда, ташқи шарт-шароитларини ҳар томонлама ҳисобга олинишини ҳам тақозо этади. Чунки умуминсоний қадриятлар эндиликда янгича сиёсий-ҳуқуқий тафаккурнинг асосини ташкил этади. Айна пайтда, глобал муаммоларга ҳақли равишда асосий эътибор қаратилмоқда. Ушбу муаммолар ечимида давлатлар у ёхуд бу даражада ўзаро ҳамкорлик қилишмоқда. Мақсад — давлатлар сиёсий ва ҳуқуқий тизимларини цивилизациямизнинг янада баркамоллашишига сафарбар муҳим ва долзарб масалаларни ҳамкорликда ҳал қилишга йўналтиришдир. Демак, ички ва халқаро ҳуқуқларнинг ўзаро ҳамкорлиги аҳамияти ошади. Халқаро ҳуқуқ норма ва тамойилларига риоя қилмайдиган бирорта

хуқуқий давлат ҳозир йўқ. Бу факт халқаро нормалар билан давлат ички қонунчилиги ўртасидаги муносабатларга дахлдор кескин муаммоларнинг олдини олишга келишишга сабаб бўлади. Ана шу муаммоларни барта- раф этиш, муносабатларни тўлиқ таъминлаш фақат ва фақат фуқаролик жамиятининггина қўлидан келади, холос.

Шундай қилиб, хуқуқий давлат асосида шакллан- ган фуқаролик жамиятининг фаолияти, ҳаёти бевоси- та глобалъ мазмун-моҳият касб этади.

ИЖТИМОЙ ТАРАҚИЁТ УСТУВОРЛИГИ

Ижтимоий ҳодисаларни ўрганишда тарихийлик таъмоийлига асосланиш одатга айланган.¹ Бу дегани, биринчидан, муайян ички таркибига эга барча ижтимоий ҳодисалар ва жараёнлар яхлит тизим сифатида қаралади. Иккинчидан, уларнинг фаолият ва ривож жараёнлари ўрганилинади. Учинчидан, уларнинг ўзига хос тарзда ўзгариб туриши ҳамда бир сифат моҳиятидан иккинчи сифат босқичига ўтиши қонуниятларини аниқлаш ва б.

Нисбатан умумий ва мураккаб ижтимоий тизим бу — жамият ҳамда одамлардир. Одамларнинг ижтимоий фаолияти уларнинг муайян мақомлари билан белгиланади. Мақомлар қуйидагилардан иборат: одамларнинг ижтимоий функциялари (роллари), мавжуд тизимда қабул қилинган ижтимоий нормалар ва қадриятлар, шунингдек, шахснинг индивидуал сифатлари (шахснинг ижтимоий сифатлари, асослар, қадриятлар, манфаатлар ва ҳ.к.).

Ижтимоий тизим уч аспектда намоён бўлиши мумкин: биринчиси — ўзаро алоқалари асосида у ёхуд бу умумий ҳолат ётган кўплаб индивидлар (шаҳар, қишлоқ, меҳнат жамоаси, оила ва ҳ.к.); иккинчи аспект — ижтимоий мақом иерархияси. Унда шу тизим фаолиятида иштирок этаётган шахс мақоми назарда тутилади. Шахс ижтимоий мақомидан келиб чиққани ҳолда, ўз ижтимоий вазифаларини адо этишади; учинчи аспект — мазкур тизим элементлари хулқ-атвори табиати ва мазмунини белгиловчи нормалар ҳамда қадриятлар йиғиндиси ҳисобланади.

Дастлабки аспект ижтимоий бирлик тушунчаси билан, иккинчиси — ижтимоий ташкиллаштириш ту-

¹ Қ а р а н г: Тоценко Ж.Т. Социология.-М., 1994; Гидденс Э. Стратификация и классовая структура. // Социологические исследования, 1992, №9,11; Ядов В. Теоретическая социология в России: проблемы и решения. // Общество и экономика. 1999, №3-4 ва б.

шунчаси билан, учинчиси — маданият тушунчаси билан боғлиқ.

Шундай қилиб, ижтимоий тизим ижтимоий бирлик, ижтимоий ташкиллаштириш ва маданият қадриятларининг ўзаро уйғун муштараклиги сифатида намоён бўлади.

Ижтимоий бирликнинг асосий хусусияти шундаки, ижтимоий тизим айнан унинг негизида юзага келади.

Ижтимоий бирлик одамлар жамоаси бўлиб, у фуқаролар ҳаётий фаолиятининг шарт-шароитларини (иқтисодий, ижтимоий-мақомий, малакавий, маърифий, манфаатлар, талаб-эҳтиёжлар ва б.), ўзаро алоқада бўлган индивидлар гуруҳларининг алоқаларини (миллатлар, синфлар, ижтимоий-малакавий гуруҳлар, меҳнат жамоалари ва ҳ.к.) характерлаб беради. Бундан ташқари тарихан шаклланган территориал маконларга мансублик (шаҳар, қишлоқ, минтақа), ўзаро алоқадор индивидларнинг у ёки бу ижтимоий институтга мансублиги (оила, таълим, илм-фан, сиёсат, дин ва ҳ.к.) ҳам ижтимоий бирлик оқибатидир.

Ижтимоий бирликнинг мавжудлиги ва янада ривожланиши унинг элементи — индивидларнинг ижтимоий алоқалари ҳамда ўзаро ҳамкорлиги асосида амалга ошади.

Алоқа умумий тарзда объектнинг икки ёки ундан ортиқ элементлари ёхуд икки (бир неча) объект элементларининг фаолияти ҳамда ривожининг ўзаро уйғун мутаносиблиги ифодаси тарзида намоён бўлади. Алоқа ана шундай уйғунликнинг чуқур ифодаси ҳисобланади.

Ижтимоий тадқиқотларда алоқаларнинг турфа типлари мавжуд. Улар: фаолият билан боғлиқ алоқалар; ривожланиш, ирсий, сабаб-оқибат алоқалари, яъни фақат билим доирасида ўрнатилган, объектнинг ўз соҳасида бевосита муқобили бўлмаган алоқалар ва ҳ.к. Бу алоқаларни бузиш, шубҳасиз, ҳам методологияда ва ҳам тадқиқотлар натижаларида хатоликлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Одатда, ижтимоий алоқалар, деганда у ёхуд мақсадларга эришиш учун одамларнинг муайян жамоадаги, муайян вақтдаги биргаликдаги фаолиятларини таъминловчи омиллар мажмуи тушунилинади. Ижтимоий алоқалар муайян шахсларнинг индивидуал сифатларидан холи ҳолда узоқ йиллар давомида ўрнатилади. Ушбу алоқалар индивидларнинг бир-бири билан, шунинг-

дек, атроф дунёдаги ҳодисалару жараёнлар билан алоқасидир.

Ижтимоий алоқаларнинг моҳияти муайян ижтимоий гуруҳларга мансуб кишилар хатти-ҳаракатининг мазмуни ва табиатига боғлиқ.

Ижтимоий алоқани субъектлараро алоқаларга, назорат, муносабатлар, шунингдек, таркибий-институционал алоқаларга бўлиш мумкин.

Ижтимоий алоқаларни шакллантиришнинг ҳал қилувчи омили бўлиб у ёхуд бу манфаатларини қондириш мақсадида ижтимоий бирликка уюшган индивидлар ёки гуруҳларнинг ўзаро алоқалари хизмат қилади. Ўзаро алоқалар, деганда жамият ёки ижтимоий birlikнинг бошқа аъзолари ҳамда гуруҳлари учун аҳамиятли бўлган шахс ёхуд гуруҳларнинг ҳар қандай хулқ-атворлари тушунилинади. Ўзаро алоқалар сифат жиҳатидан турли хил фаолиятларнинг доимий иштирокчилари бўлган одамларнинг, ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро муносабатлари характери ҳамда мазмунини ифодалайди. Улар ўз ижтимоий мақомлари ва роллари билан бир-бирларидан, шубҳасиз, фарқланиб туришади.

Ижтимоий ўзаро алоқадорлик ижтимоий ҳаётнинг ижтимоий фаолият воситасида амалга оширилувчи турли соҳалари, воқеа-ҳодисалари ва жараёнларининг ўзаро таъсирини ўзида ифодалайди. Ижтимоий ўзаро алоқадорлик бир-биридан холи бўлган объектлар (ўзаро ташқи алоқалар) ўртасида ҳам, алоҳида объект, унинг элементлари ўртасида ҳам (ўзаро ички алоқалар) мавжуд бўлади.

Ижтимоий ўзаро алоқадорлик объектив ва субъектив томонларига эга.

Ўзаро алоқанинг объектив томони бўлиб алоҳида шахсларга боғлиқ бўлмаган, лекин уларнинг ўзаро алоқалари мазмуни ҳамда характерини назорат этувчи алоқа ҳисобланади.

Ўзаро алоқанинг субъектив томони эса индивидларнинг бир-бирларига онгли муносабатлари билан белгиланади. Бу, одатда, муайян вақт орасида аниқ ижтимоий birlikда мавжуд бўлган шахслараро (ёхуд ижтимоий-руҳий) муносабатлардир.

Ижтимоий ўзаро алоқа механизми қуйидагиларни қамраб олади: *у ёки бу ҳаракатни амалга оширадиган индивидлар; ушбу ҳаракатлар ўлароқ, жамиятда ёки ижтимоий birlikда рўй берган, бераётган ўзгаришлар; бу ўзгаришларнинг ижтимоий birlik ташкил этган бошқа*

индивидларга таъсири ва ниҳоят, индивидларнинг мазкур ўзгаришларга тесқари, акс муносабатлари.

Ўзаро алоқалар, одатда, янги ижтимоий муносабатларни келтириб чиқаради. Ижтимоий муносабатларни индивидлар билан ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги нисбатан устувор ва мустақил алоқалар, деса бўлади.

Социология фанида «ижтимоий таркиб» ва «ижтимоий тизим» тушунчалари ўзаро узвий боғлиқ.

Ижтимоий тизим бу — ўзаро муносабату алоқада бўлган ижтимоий ҳодисалар ва жараёнлар йиғиндисидир. Муштаракликда у ижтимоий объект яхлитлигини таъминлайди.

Муайян ҳодисалар ва жараёнлар тизимнинг элементлари сифатида намоён бўлади.

Ижтимоий таркиб тушунчаси ижтимоий тизим тушунчасининг таркибий бир қисми бўлиб, у икки компонентни, яъни ижтимоий таркиб ва ижтимоий алоқани ўзида бирлаштиради.

Ижтимоий таркиб бу — мазкур таркибни ташкил этган элементлар мажмуидир. Иккинчи компонент эса ушбу элементлар алоқаларининг йиғиндисидир.

Шундай қилиб, ижтимоий таркиб тушунчаси жамият ижтимоий элементлари тизими сифатида, бир томондан, ижтимоий таркиб ёхуд ижтимоий бирликнинг турли типлари мажмуини, иккинчи томондан, ижтимоий алоқалар қамровининг кенглиги, жамият ривожининг муайян босқичидаги аҳамиятини ўзида қамраб олади.

Ижтимоий таркиб жамиятнинг ижтимоий ҳолати, ишлаб чиқаришнинг чекланганлигига муносабати бўйича турлича бўлган алоҳида қатламларга, гуруҳларга объектив бўлинишини тақозо этади. Бу — элементларнинг ижтимоий тизимдаги устувор алоқасидир.

Ижтимоий таркибнинг асосий элементларини синфлар ва синфга ўхшаш гуруҳлар, ирқий, малакавий, ижтимоий-демографик гуруҳлар, ижтимоий-территориал бирликлар ташкил этади. Ўз навбатида, элементларнинг ҳар бири ўз ички тизимлари ва алоқалари билан мураккаб ижтимоий тизим ҳисобланади.

Ижтимоий таркиб синфлар, малакавий, маданий, миллий-этник ва демографик гуруҳлар ижтимоий муносабатларининг хусусиятларини акс эттиради. Гуруҳларнинг ҳар бири фаолият доиралари билан иқтисодий муносабатлар тизимида ўз ўрни ва ролига эга. Ҳар бир бирликнинг ижтимоий моҳияти ишлаб чиқариш

ва жамиятдаги синфий муносабатлар билан бевосита ҳамда тескари-акс алоқаларда намоён бўлади.

Ижтимоий тизимнинг бошқа бир типи ижтимоий алоқалари ташкилотларнинг уюшганлиги билан белгиланган бирлик асосида мавжуд бўлади. Бундай ижтимоий алоқалар институционал алоқалар, ижтимоий тизимлар эса — ижтимоий институтлар, деб аталади. Ижтимоий институтлар яхлит ҳолда жамият номидан иш кўради. Институционал алоқаларни яна норматив (меъёрий) алоқалар, деса ҳам бўлади. Чунки улар характери ва мазмуни ижтимоий ҳаётнинг у ёхуд бу соҳаларида фуқаролар эҳтиёжларини қондириш мақсадида жамият томонидан белгиланади.

Демак, ижтимоий институтлар жамиятда ижтимоий бошқарув ва унинг элементларидан бири ҳисобланган ижтимоий назоратни амалга оширади.

Ижтимоий назорат жамият ва унинг тизимларига норматив шарт-шароитларга риоя қилиш (бу шарт-шароитларнинг бузилиши ижтимоий тизимга путур етказди), уларни адолатли таъминлаш имконини беради. Бундай назоратнинг асосий объектлари бўлиб ҳуқуқий ва ахлоқий нормалар, урф-одатлар, маъмурий қарорлар ҳисобланади. Ижтимоий назорат, бир томондан, ижтимоий чекланишни бузадиган хатти-ҳаракатларга нисбатан санкцияни қўллайди, бошқа томондан — лозим бўлган хулқ-атворни қўллаб-қувватлайди.

Индивидлар хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқади. Эҳтиёжлар турли усуллар билан қондирилиши мумкин. Уларнинг қондирилиши учун танланган воситалар ушбу ижтимоий бирлик ёхуд жамият белгиллаган қадриятлар тизимига боғлиқ. Муайян қадриятлар тизими жамият аъзолари хатти-ҳаракатларини аниқ белгилаб беради. Тарбия ва ижтимоийлашув жамиятда қарор топган хулқ-атвор ҳамда фаолият усуллари намуналарини индивидлар ҳаётига тўла сингдирилишига йўналтирилган.

Ижтимоий институтлар санкция ва сийлов-тақдирлаш орқали одамлар хатти-ҳаракати, хулқ-атворини бошқаради. Ушбу институтлар ижтимоий бошқарув ва назоратда жуда муҳим роль ўйнашади. Улар вазифаси фақат мажбур қилишдангина иборат эмас. Ҳар бир жамиятда фаолиятнинг муайян турларида эркинликни кафолатловчи институтлар мавжуд. Улар сирасига, жумладан, ижод эркинлиги, сўз эркинлиги, хусусий мулк

ва маблағ эркинлиги, уй-жой, яъни турмуш эркинлиги, бепул тиббий хизмат, таълим ва шахснинг бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари кирди.

Ижтимоий институтлар ҳам ташқи, формал (моддий) таркибий ва ҳам ички, пурмазмун таркиблар йиғиндиси сифатида талқин этилиши мумкин.

Ижтимоий институтлар ташқи жиҳатдан муайян моддий неъматлар билан таъминланган шахслар, муассасалар мажмуи бўлиб, улар аниқ ижтимоий вазифаларни бажаришади.

Ички, пурмазмун жиҳатдан бу институт муайян шахсларнинг конкрет вазиятлардаги мақсадга аниқ йўналтирилган хулқ-атвор андозалари тизимидир. Масалан, адлия ижтимоий институт сифатида ташқи, формал жиҳатдан шахслар, муассасалар ва моддий неъматлар мажмуи мақомида одил судловни амалга оширса, ички, мазмундор таркиби нуқтаи назаридан у муайян ижтимоий функцияни таъминловчи ҳуқуқдор шахснинг андозалашган хулқ-атвор намуналари мажмуи ҳисобланади. Таъкидланган хулқ-атвор андозалари адлия тизими учун хос бўлган муайян ролларда (судья, прокурор, адвокат, терговчи роли) аксини топади.

Шундай қилиб, ижтимоий институт аниқ мақсадга йўналган хулқ-атвор андозаларининг келишилини тизимлари воситасида ижтимоий фаолият ва ижтимоий муносабатлар йўналишларини белгилаб беради. Уларнинг юзага келиши ва тизимий гуруҳланиши ижтимоий институт ҳал этадиган вазифалар мазмунига боғлиқ. Институтларнинг ҳар бири фаолият мақсадининг мавжудлиги, шу мақсадни амалга оширишга сафарбар вазифаларнинг конкретлиги, ижтимоий позиция ва ролнинг аниқлиги, шунингдек, истак-хоҳишнинг амалга ошишини таъминланиши ҳамда ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйилиши билан характерланади.

Муҳим ижтимоий институт бу — **сиёсатдир**. Сиёсат ёрдамида сиёсий ҳокимият ўрнатади ва қўллаб-қувватланади.

Иқтисодий институтлар ишлаб чиқариш ва товар ҳамда хизмат кўрсатишдан фойдаланиш жараёнларини таъминлайди.

Оила ҳам муҳим ижтимоий институтдир. Оиланинг фаолияти (ота-оналар, болалар ҳамда ота-оналар ўрталаридаги муносабатлар, тарбия усуллари ва ҳ.к.) ҳуқуқий ҳамда бошқа ижтимоий нормалар тизими билан белгиланади.

Мазкур институтлар қаторида таълим тизими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, маданий-тарбиявий муассасалар каби ижтимоий-маданий институтлар ҳам қатта аҳамиятга эга.

Жамиятда дин институтининг ҳам роли сезиларли.

Ижтимоий алоқаларнинг бошқа шакллари каби институционал алоқалар тартибга солинган тизим, муайян ижтимоий ташкилот ҳисобланади. У ижтимоий бирлик фаолиятининг норма ва қадриятларнинг қабул қилинган кўринишлари тизими бўлиб, аъзоларнинг ўхшаш хулқ-атворлар, хатти-ҳаракатлари кафолатидир. Шунингдек, у одамлар интилишларини мутаносиблаштирган ҳолда, уларни муайян мақсадга йўналтиради, кишилар эҳтиёжларини қондириш усулларини белгилайди, кундалик ҳаётда рўй бериб турадиган зиддиятларни ҳал этади, турли индивидлар ва гуруҳлар билан жамият ўртасидаги мувозанатни таъминлайди. Мабодо ушбу мувозанат бузила бошланса, унда ижтимоий беқарорлик, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар, жиноятлар, ахлоқсизликлар урчиб кетади.

Ижтимоий муносабатларнинг, назорат ва ташкиллаш институтларининг мавжудлиги одамларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари ҳамда мақсадларини бошқарадиган ижтимоий алоқаларнинг мураккаб тизимини юзага келтиради.

Тизим индивидлар ва улар гуруҳларини ижтимоий бирлик, у орқали ижтимоий тизимга яхлит бирлаштиради. Ижтимоий алоқалар характери ижтимоий бирликнинг ҳам ташқи таркибини ва ҳам унинг вазифасини белгилаб беради. Ижтимоий бирликнинг ташқи таркиби унинг объектив мақоми, яъни бирликнинг демографик таркиби тўғрисидаги маълумотлар, аъзоларнинг билим савиялари ҳақидаги характеристикалар билан белгиланиши мумкин.

Ижтимоий бирлик ўз аъзолари фаолиятини гуруҳий мақсадларни амалга оширишга йўналтиради. Ижтимоий бирлик ана шу хатти-ҳаракатлар мувофиқлигини таъминлайди. Бу эса ижтимоий бирликни яқдилликка олиб келади. Яқдилликка фақат хулқ-атворлар соғломлиги, ижтимоий бирликнинг ички муносабатларини белгиловчи нормалар, шунингдек, ҳар бир аъзо хулқ-атворини аниқ мақсадлар сари йўналтириб турувчи ижтимоий-руҳий механизмлар орқалигина эришиш мумкин.

Хулқ-атворга ижобий таъсир кўрсатиш нуқтаи назаридан ижтимоий бирликнинг кўплаб турлари ора-

сида, айниқса, оиланинг, меҳнат жамоасининг, бир-галикда маданий ҳордиқ чиқаришнинг, шунингдек, турли ижтимоий-территориал бирликнинг роли беназир. Айтайлик, оила болаларни ижтимоий ҳаёт нормаларини ўзлаштириш, уларга кўникиш жараёнида ёшларни ижтимоийлаштиришдек, хайрли вазифани адо этишади. Айни пайтда, ёшларда хавфсизлик, эркинлик туйғуларини тарбиялашда, эмоционал эҳтиёжларини қондиришда, руҳий соғлом бўлиб, қисматнинг ҳар қандай синовларига бардош бериш кўникмасида ўз қобилигига ўралиб қолмаслигида оиланинг ўрни ҳамда роли беқиёс.

Территориал бирлик, унинг ҳолати ҳам одамларнинг хулқ-атвориغا, айниқса, норасмий алоқаларига таъсир кўрсатади.

Фирт профессионал масалаларни ҳал этиш имкониятидан ташқари профессионал гуруҳлар ўз аъзоларида меҳнат бирдамлиги туйғусини тарбиялаб, малакавий нуфузини таъминлайди, малакавий ахлоқ доирасида одамларнинг хулқ-атворини, хатти-ҳаракатларини назорат қилади.

Ижтимоий жараёнлар (демографик, миграцион, урбанизация, индустрлаштирилиш ва б.) исталмаган натижалар сифатида ижтимоий бирликка ўта салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Салбий ҳодиса ижтимоий бирликнинг ташқи (формал) жиҳатида ҳам, ички, функционал характеристикасида ҳам акс этади. Масалан, ташқи томондан миграция (одамларнинг кўчиб юриши), шаҳарлар равнақи, саноат ривожига каби жараёнлар икки-уч авлоддан ташкил топган оилаларнинг бўлиниб кетишига сабаб бўлади, ишлаб чиқариш гуруҳларида кадрлар кўнимсизлигига, территориал бирликда маҳаллий аҳоли таркибида кўчиб келган бошқа халқлар вакилларининг кўпайиб кетишига, демак, аҳолининг табиий миллий таркиби бузилишига олиб келади. Мазкур бирлик фаолиятининг ташкилий жиҳатдан бузилиши мавжуд тарихий анъаналар, урф-одатлар, қадриятларга путур етказиши, миллий хулқ-атворнинг тарихан шаклланган андозалари ва намуналарида мураккабликлар туғдиради, ижтимоий бирликнинг норматив-меъёрий таркибларининг сусайишига сабаб бўлади. Булар эса, албатта, одамлар руҳида, хулқ-атворида салбий таъсирини ўтказиши.

Одамларни бузувчи ижтимоий сабаблар сирасига ё уларга ижтимоий қадриятлар ва намунали хулқ-атвор

нормаларига зид бўлган иллатларни сингдиришга ҳаракат қилувчи ижтимоий бирликда иштирок этиш ёхуд индивиддан талаб қилинадиган қоидаларнинг бузилиши, ижтимоий назоратсизлик, хулқ-атворни баҳолаш мезонларининг аниқ эмаслиги билан боғлиқ салбий ҳолатлар киради. Одатда, бу иллатлар ижтимоий бирликнинг ижтимоий-руҳий самараси пасайганлиги билан изоҳланади.

Бундай шаритларда нормал ижтимоий бирлик, деб аталувчи ҳодиса ўз мақомига доир қатор муҳим функцияларнинг ҳамма вақт ҳам бажарилишини таъминлай олмайди. Улар сирасига қуйидагилар киради: индивидларнинг ботинан зиддиятсиз хулқ-атвор нормативлари тизимини босқичма-босқич таъминлаш, бирдамлик туйғуси ва унга мансубликни рағбатлантириш, ижтимоий нуфуз ҳамда тан олишнинг батартиб тизимини шакллантириш ва ҳ.к.

Ижтимоий бирликнинг интеграциявий яхлитлик даражаси юқори бўлса, унда ушбу бирликда аъзолар хулқ-атворидаги чекланишлар миқдори камаяди. Аксинча, хулқ-атворда чекланишларнинг кўплиги ижтимоий бирликнинг интеграциявий яхлитлигига путур етказди. Айрим ҳолларда, масалан, ўсмирга оиланинг таъсири самарасизлиги, унинг ижтимоийлашувининг етарли эмаслиги ижтимоий бирликка хулқ-атворнинг ғайри-ижтимоий нормалари ҳукмрон турли сохта ва носохта гуруҳларнинг салбий таъсирини кучайтириб юборади.

Қайд этилган ёндашувлар тизимий нуқтаи назардан умумқабул қилинган ёндашувлар ҳисобланади. Шу билан бирга ҳозирги замон назарий социологияси ушбу фанга бир неча йўналишларга бўлинувчи полипарадигмаль назарий фан, деб қарамоқда.

Структурализм (таркибийлик), деб аталувчи ана шундай классик парадигма жамиятга таркибан тўлиқ шакланган яхлит организм, деб қарайди. Ушбу социологик парадигма ўз диққат-эйтиборини ижтимоий таркибларга ва бу таркиблардан, яъни ижтимоий нормалардан чекланишларга қаратади. Яъни буни «нормал бўлмаган» ҳолат, деб қарайди.

Жамиятга **феноменологик қараш**нинг диққат марказида ўз манфаатлари, эҳтиёжлари, табиий хатти-ҳаракатлари, интилишлари билан одамлар туришади. Жамиятга бундай қарашга кўра олдиндан қатъий белгиланган табиий-тарихий қонуниятлар йўқ. Жамиятда субъектив омилнинг роли жуда баланд. Шунинг учун

ҳам ижтимоий ривожланишни таркибий бирлик ролини бажарувчи инсон билан боғлиқ мутлақ объектив қонунлари нотўғри, деб ҳисобланади.

Қайд қилинган ёндашувларнинг ҳар бири қатъий тартибий асослари билан ажралиб туради. Шу сабаб ушбу икки йўналишни ўзаро уйғунлаштириш ҳозир бош муаммо бўлиб қолди. Ёндашувларнинг ўзаро интеграцияси имкониятлари юзага келди. Ушбу интеграция йўналишлари (структуралистик-таркибий ва феноменологик, носубъектlilik ва субъектlilik) имкониятлари баъзан **ҳаракатчанлик**, деб атала бошланди. Бундай ёндашувнинг ўзига хослиги, энг аввало, унинг таркиблари билан боғлиқ. Агар классик назария уларни ижтимоий институтлар сифатида талқин этса, ҳаракатчанлик парадигмаси ижтимоий институт тушунчасининг ўзини янгидан кашф қилади. Ана шундан янгича институционализмнинг яхлит йўналишлари юзага келди. Ижтимоий институтлар бу — албатта, ижтимоий алоқалару муносабатларни бошқариб турувчи таркиблардир. Лекин улар олдинлари тасаввур қилинганидек, устувор эмас, балки доимий равишда узлуксиз ўзгариб туришади. Ва бу узлуксиз ўзгаришлар кўп ҳолларда фуқаролик жамиятининг серфаол ҳаракатчанлиги билан белгиланади.

Илмий тадқиқотлар кўрсатганидек, хусусан, фуқаролик жамияти доирасида иқтисодий ва ижтимоий сиёсат мақсадларини мувозийлаштириш жуда кескин муаммо ҳисобланади.¹ Ҳозирги вақтда постиндустриал ва ижтимоий йўналтирилган бозор тартибларига тўлиқ ўтиш билан боғлиқ иқтисодий-сиёсий стратегияни амалга ошириш мақсадига сафарбар нуқтаи назар борган сайин жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Акс ҳолда, бозор ва ижтимоий бошқарув соҳаларидаги чора-тадбирлар ресурсларнинг нисбатан чекланганлиги шароитида турли зиддиятларга сабаб бўлиши муқаррар.

Макроиқтисодий, таркибий ҳамда минтақавий сиёсатда аҳамиятли ҳар қандай қарорлар ижтимоий муносабатларга ва уларнинг аксига дахлдор қарорлар билан тўлдирилиб борилиши шарт. Акс ҳолда, кўшимча ижтимоий муаммолар, жумладан, давлат маблағларини

¹ Қ а р а н г: Ламперт Х. Социальное рыночное хозяйство. — М., 1996; Мартынов А. Экономическая и социальная политика: проблема согласования. // Общество и экономика. 1999, №2; Миккульский К. Социальная политика России при переходе к рынку. Научные труды ВЭО. Т.2. — М.-СПб, 1995.

ортиқча сарф қилиш билан боғлиқ ўринсиз харажатларнинг бўлиши муқаррар.

Сўнги ўн йиллардаги жаҳон хўжалигининг аниқ тажрибалари кўрсатганидек, анъанавий макроиқтисодий мақсадлар (барқарорлик ва ўсиш) давлат сиёсати соҳасидаги қарорларнинг барча йўналишларига дахлдор бой имкониятлардан ҳамisha ҳам тўлиқ фойдалана олмаяпти. Ҳозирги замон тадқиқотчилари орасида фуқаролик жамияти шароитида давлат бошқарувининг ягона сиёсий жараён доирасида иқтисодий ва ижтимоий мақсадларнинг бевосита интеграцияси фойдасига сифарбар қарашлар борган сайин кенг тарқалмоқда.¹

Амалда барқарорлик ва иқтисодий равнақ мақсадлари, шунингдек, асосий ижтимоий мақсадлар (турмуш даражасини ошириш, ижтимоий хизмат ва таълимни такомиллаштириш, устувор ривожланиш ҳамда экологик хавфсизлик, ижтимоий тараққиёт самараларидан баҳрамандлик) доиралари институционал мақсадлар (энг аввало, мулкдор ҳуқуқини таъминлаш), сиёсий мақсадлар (жумладан, ташқи хавфсизлик) билан яхлитликда миллий камолотнинг узоқ йилларга мўлжалланган стратегиясини белгилашга хизмат қилади.

Миллий тараққиётнинг узоқ йилларга мўлжалланган стратегияси иқтисодий барқарорлик ва равнақ мақсадларини, ижтимоий мақсадларни, институционал ҳамда сиёсий мақсадларни ўзида мужассамлаштиради.

Бундай ёндашувда иқтисодий барқарорлик ва иқтисодий равнақ борасидаги қарорларни, нафақат, муайян иқтисодий мақсадларни амалга ошириш, айти пайтда, ижтимоий мақсадларни рўёбга чиқариш нуқтаи назаридан ҳам баҳолаш лозим бўлади. Шу билан бирга айнан ижтимоий соҳадаги қарорлар барча мақсадларни тўлиқ амалга ошириш, барқарорликни, иқтисодий равнақни таъминлашга максимал хизмат қилишга сифарбардир.

Қайд этилган ёндашувни қўллаш ҳолларида анъанавий иқтисодий ва ижтимоий мақсадларнинг теппатенглигига риоя қилиш зарурлигини алоҳида қайд этиш лозим. Ижтимоий самараларга эришиш иқтисодий ютуқ-

¹ Ушбу позиция дунё бўйича кенг тарқалган «Вашингтонча консенсус» Меморандумида нисбатан тўлиқроқ аксини топган. Қ а р а н г: *Стиглиц Дж.* Многообразные инструменты, шире цели: движение к Поствашигтонскому консенсусу. // Вопросы экономики, 1998, №8.

ларни қўлга киритишдан кейинги қандайдир қўшимча, иккиламчи императив бўла олмайди. Шу билан бир қаторда иқтисодий натижаларнинг ижтимоий омилларга қарамлигидан кўра ижтимоий самараларнинг иқтисодий жараёнларга бевосита боғлиқлиги бозор ҳаётининг объектив реаллигича қолади.

Постиндустриал бозорга ўтиш туб таркибий ўзгаришларсиз амалга ошмайди. Яқин даврларда иқтисодий раванқнинг устувор даражасига эришиш иқтисодий таркибларда ижобий самаралар орқалигина рўй беради. Бу, энг аввало, саноатда ўсишни ва қайта ишловчи корхоналарнинг янада самарадор ишлашини таъминлаш, юқори технология соҳаларининг ролини ялпи ошириш, инфратузилмали янги ишлаб чиқариш жабҳаларини шакллантириш, бирламчи соҳалар улушини пайдар-пай камайтириб бориш ва иқтисоднинг бирламчи ресурсларни экспорт қилишга боғлиқлигини анча камайтиришдан иборатдир. Айни пайтда, таркибий нокомилликнинг олдини олиш глобалъ ўтиш босқичининг атиги биринчи зарур босқичи ҳисобланади, холос. Юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришнинг устунлиги билан боғлиқ постиндустриал бозор таркибларини шакллантириш талаб қилинади.

Таркибий қайта тузилиш миллий халқ хўжалигининг келажакдаги асосий йўналишларини белгилаб беради. Бозор хўжалиги таркибларининг аниқлиги, рационаллиги постиндустриал босқичда, одатда, қуйидаги характеристикалар билан белгиланади:

- илмий-техникавий инқилобнинг янги босқичлари ютуқларидан фойдаланиш орқали саноат таркибларида юқори технологияга асосланган соҳалар ролининг ҳал қилувчилик мақоми;

- саноат ва бутун ишлаб чиқаришнинг кўпгина анъанавий усулларини жиддий такомиллаштириш, қатор табиий ресурсларни янги сунъий материаллар билан алмаштириш;

- янги-янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, аввал чиқарилаётган товарлар сифатини ошириш орқали қўшимча иш ўринларини барпо этиш;

- материал-энергия ва меҳнат сарфларини камайтирувчи технологияларнинг меъёрий уйғунлиги ҳисобига йирик, ўрта ҳамда кичик саноат корхоналарининг ўзаро рационал ишлашини таъминлаш, уларнинг ўзгариб турувчи ички ва ташқи бозор талаблари асосида технологик такомиллашуви воситасида янги-янги

бозорларга рақобатбардош маҳсулотлар билан қатнашишига эришиш;

- ҳозирги бозор стандартларига тўлиқ жавоб берувчи аграр соҳани самарадор шакллантириш;

- информатизациянинг янги тизимлари негизида хизмат кўрсатиш жабҳасини техник ва технологик жиҳатдан қайта қуриш;

- илмий ва конструкторлик изланишларига кетадиган харажатлар самарадорлигини доимий равишда ошириб бориш асосида илғор технологияларнинг генератори бўлиб хизмат қилувчи инновация соҳаларини шакллантириш.

Шундан келиб чиққан ҳолда, постиндустриал таркиб трансформациясининг ижтимоий оқибатлари билан боғлиқ ўта муҳим муаммога эътиборни қаратиш лозим. Бозор соҳаси доирасида таркибий трансформация мақсадларининг ютуғи бевосита ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ. Қатор прогноз тадқиқотлар натижасига кўра, ушбу алоқа бир хилда эмас.

Бир томондан, постиндустриал трансформация таълабларига мос бўлган бозор таркибларининг рационалиги чекланган иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишнинг ошишига, унинг фақат ва фақат ижтимоий эҳтиёжларга йўналтирилганлигига қаратилган. Бундан ташқари постиндустриал технологик асоснинг шаклланиши яхлит ҳолда табиий ресурслардан фойдаланишнинг қисқаришига, атроф-муҳит тозаллигига олиб келади. Бошқа томондан, ишлаб чиқариш соҳаси, айниқса, саноат корхоналарининг постиндустриал қайта жиҳозланиши, шубҳасиз, ишчи кучлари малакасини ошириш ва улар сонининг қисқариши билан боғлиқ. Яқин йилларда аксар кўпчилик саноат тизимларида ишчи кучларнинг иш билан таъминланиш масаласи ижтимоий нуқтаи назардан ҳаддан ташқари муаммога айланади.

Бундан ташқари ижтимоий сиёсат қарорларининг постиндустриал бозор ўзгаришлари динамикасига кучли таъсирини ҳам инобатга олиш лозим. Кўплаб мамлакатларда олиб борилган тадқиқотлар гувоҳлигига кўра, миллий иқтисодий ютуқлар қашшоқликни бартараф этиш, даромадлар дифференциясини қисқартириш, таълим тизимини такомиллаштириш ва бошқа ижтимоий муаммоларни яхшилашдек кучли ижобий омилларга қарамдир.

Қайд этилган масалаларда инсон капитали омили муҳим аҳамият касб этади. Бутунжаҳон Банкнинг 1994 йилдаги махсус тадқиқоти кўрсатганидек, умумий ва малакавий таълимда мазмун-моҳияти билан ижтимоий ҳисобланган инвестициялар алал-оқибат шаклланаётган постиндустриал таркибли бозор иқтисоди ривожининг ўта самарадор омилига айланади.

Шундай қилиб, бозор жабҳасининг таркибан янги-дан ташкил этилиши ижтимоий жараёнлар ҳолатига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир қилиши мумкин. Ижобий самарани максимал ошириш ва салбий таъсирни ўта камайтириш аниқ мақсадли сиёсий ҳаракатлар йўли билангина амалга оширилади. Бу эса, ўз навбатида, таркибий характерга эга бўлган ижтимоий мақсадлар ҳисобига ижтимоий тараққиётнинг олдин шаклланган мақсадлари спектрини кенгайтиришни тақозо этади.

Белгиланган мақсадларнинг мазмуни, энг аввало, фуқаролик жамияти асосий субъектларининг, бозор ва ижтимоий соҳаларнинг ахборот йўналишларида аксини топади. Алал-оқибат мазкур мақсадларнинг моддийла-шиши иқтисодий тизим трансформациясининг етук постиндустриал бозор сари йўналиши самарадорлиги ошиб бориши жараёнида аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишини, фаровонлигини таъминлаши лозим.

Шу билан бирга таркибий жараёнларнинг бозор то-монидан бошқарилиши натижаси ўлароқ, уларнинг тар-кибий янгиланишларнинг муайян мақсадлари амалиёт-ти даражасини акс эттирувчи характеристикаси (иш-лаб чиқариш ҳажми, баҳо миқдорлари ва б.) янада ойдинлашади. Худди шу тарзда ижтимоий жараёнларни бошқариш натижалари ижтимоий соҳанинг таълим, соғ-лиқни сақлаш каби жабҳалари аҳволини яхшилашда аксини топувчи пировард кўрсаткичлардан келиб чи-қилгани ҳолда баҳоланади.

Маълумки, ижтимоий инвестицияларни ошириш ҳаминша ишлаб чиқариш инвестицияларини кўпайти-риб боришни тақозо этади. Айни пайтда, ижтимоий соҳаларга инвестицияларни жалб қилиш инсон капи-тали самарадорлигини ошириш, истеъмол имконият-ларини таркибан ислоҳ қилиш, бозор фаолиятининг бўлак «ташқи» омиллари ижобий ўзгартириш ва улар ёрдамида бозор соҳасида инвестициявий муҳитни ях-шилаш имконларини беради.

Шундай қилиб, умуммиллий давлат режаси жараё-нида мавжуд муқобиллик имкониятидан келиб чиқилга-

ни ҳолда, бозорни бошқариш ва ижтимоий сиёсат йўналишлари билан боғлиқ қарорлар қабул қилишдаги келишув ушбу режаларни ҳар томонлама пухта ҳамда мукамал бўлишини, тўлиқ амалга оширилишини таъминлайди.

Бироқ фуқаролик жамияти ривожининг иқтисодий ва ижтимоий мақсадларини ўзаро келиштириш муаммоси фирмалар ҳамда корхоналар тизимларида янада долзарблик касб этади. Ана шу йўналишда у **корпоратив ижтимоий масъуллик**, деган номни олди.¹

Борган сайин сони ошиб бораётган компаниялар ўз амалий фаолиятларида соғлом бизнес истеъмолчилар, ходимлар, таъминотчилар, одамлар гуруҳи манфаатлари билан бошқа манфаатдор томонларнинг эҳтиёжларини уйғунлаштириши лозим. Бу корпоратив стратегияни ишлаб чиқишда ўзини оқлайди. Узоқ вақтга мўлжалланган стратегияда бундай ёндашув анча кўп фойда олиб келиши мумкин. Баъзан буни «**манфаатдор томонлар конценцияси**», деб ҳам аташади. Бунда раҳбарнинг гуруҳларнинг турли манфаатлари талабларини қондирувчи жавоблар излаши ва топиши, шунингдек, раҳбар қабул қилган қарорлар таъсир қилувчи мижозлар гуруҳининг бизнесдаги ишчан иштироки назарда тутилади. Молиявий манфаатларни ҳисобга олишгина эмас, айти пайтда, жамият аъзоларининг жараёнга фаол қатнашишлари ёрдамида манфаатдор томонлар модели ҳар бир корхона табиий ҳолда ижтимоий масъулият ҳис қилишини муқаррар тақозо этади.

Корпоратив ижтимоий масъуллик тадбиркорлар доираси билан жамият ўртасидаги муносабатлар фалсафасини-образи белгилайди. Бу муносабатлар уларни узоқ муддат давомида бажарилишини ва устуворлигини таъминлаш учун раҳбар, албатта, лозимлигини тақозо этади. У рентабеллик билан узвий боғланган. Агар фойда бўлмаса ижтимоий масъуллик ҳақида ҳеч қандай гап-сўз ҳам бўлиши мумкин эмас.

Фойда ёлғиз инвесторларни рағбатлантириш учунгина эмас, айти пайтда, доимий иш ўринларини таъминлаш, янги-янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, солиқлар тўлаш, хизмат кўрсатиш соҳасига маблағ ажратиш, шунингдек, компания фаолият кўрсатадиган жойда ёхуд территорияда ободончилик ишларига ҳисса қўшиш учун ҳам зарур.

¹ Қ а р а н г: *Парацци М., Старчер Дж.* Корпоративная социальная ответственность и успех в бизнесе. — Женева, 1998.

Корпоратив ижтимоий масъуллиқнинг қатор асосий қирралари-элементлари қайд этилади.

Бозор иқтисодида компания ютуқларини таъминловчи битта омил мавжуд. У — биринчи навбатда, миждоз ҳақида ўйлаш, қайғуриш. Самарали ишлаётган компаниялар ўзларининг асосий диққат-эътиборини харидорлар талаб ҳамда қизиқишларига, шунингдек, юқори сифатни, ишончни ва хизматни таъминлашга қаратган ҳолда, миждоз билан узоқ муддатга мўлжалланган муносабатларга йўллашади.

Асосий эътиборни миждозларга қаратишнинг яна бир сабаби бу — компаниянинг этик хулқ-атвори ва экологик ҳамда ижтимоий омиллари биргалиқда миждозларнинг харид иштиёқига таъсир қилишидир. Бу омил Америкадаги тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи ижтимоий хизмат, яъни нотижорат ташкилоти бўлмиш Устувор иқтисодий йўналишлар бўйича Кенгаш томонидан ўтказилган тадқиқотлар билан тасдиқланган. Мазкур ташкилот корпорациялар ижтимоий ва экологик ҳужжатларининг аниқ таҳлили билан шуғулланади.

Корпоратив ижтимоий масъуллиқнинг навбатдаги элементи ижтимоий масъул компанияларнинг ижрочилар учун фойдали бўлган, ходимларнинг ўз имкониятларини ўстириш ва амалга оширишларига ёрдам берадиган ишларга катта эътибор беришлари билан боғлиқ. Бундай компаниялар ойлик-маошнинг адолатли, ишчи-ходимларнинг саломатлиги ва хавфсизлигини, шунингдек, ўзаро ҳурмат муҳити соғлом бўлишини таъминлашга ҳаракат қилишади.

Компания даромадлари ўсишини таъминлашга хизмат қилувчи ходимлар фаолияти амалиётда аниқ самараларини беради. Аксар кўпчилик иқтисодчилар **уч ижобий самарани** махсус қайд этишади. Улар — ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш; катта маош ҳисобига аҳолининг иш билан бандлигини барқарорлаштириш ва бандликнинг умумдаражасини ошириш.

Корпорациялар ижтимоий масъуллиқнинг муҳим йўналиши бўлиб бизнесдаги ҳамкорлар ҳисобланади. Узлуксиз халқаро рақобат маконида «яшовчи» соҳаларда, масълан, автомобиль саноати, маиший электрон товарлар ишлаб чиқариш, ҳамкорлар (маҳсулот етказиб берувчилар, айрим ҳолларда, ҳатто, рақобатчилар) билан муносабат охир-оқибат рақобатда қолиб келиш имконини бериши мумкин. Аксар Фарб компаниялари ўзларига маҳсулот етказиб берувчилар сонини анчагина қис-

қартиришди ва истиқболда ўз манфаатларига тўлиқ хизмат қилиши муқаррар маҳсулот етказиб берувчиларни етти ўлчаб, бир кесган ҳолда танлашишмоқда. Улар ўзларининг асосий ҳамкорларини бизнесдаги ҳақиқий, ишончли ҳамкорлар, деб ҳисоблашади.

Корпоратив ижтимоий масъулликнинг яна бир жиҳати иқтисодий юксалиш билан атроф-муҳит ҳимояси ўртасидаги мустаҳкам алоқадан келиб чиқади. Ҳукумат, тадбиркорлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликнинг янги-янги шаклларига табиий эҳтиёж юзага келади.

Барқарор ривожланиш бўйича тадбиркорларнинг Бутунжаҳон Кенгаши расмий равишда корпоратив ижтимоий масъулликни ҳозирги замон халқаро сиёсатининг муҳим таркиби, деб ҳисоблайди. Ана шу жиҳатдан кўйидаги устуворликлар белгиланди: инсон ҳуқуқи, меҳнаткашлар ҳуқуқлари, атроф-муҳит муҳофазаси, хомашё ҳамда маҳсулот етказиб берувчилар билан муносабатлар ва б. Манфаатдор томонлар ҳуқуқи билан корпоратив ижтимоий масъулликни амалга ошириш мониторинги, янги икки муҳим йўналиш қолган барча устуворликлар билан уйғунлашиб кетади.

Мазкур Кенгаш доирасида корпоратив ижтимоий масъуллик муаммолари бўйича биринчи халқаро анжуман ўтказилди. Унда иштирок этганларнинг тенг ярми ноҳукумат ташкилотлари вакиллари эди. Анжуман иштирокчилари асосий инсоний қадриятлар билан боғланган муҳим масалалар ечимида бизнес етакчи ўринда бўлиши шарт, деган хулосага келишди.

Шундай қилиб, ижтимоий муаммолар микродаражадаги фаолиятда бевосита ҳал қилувчи таркибга айланди. Бу эса фуқаролик жамияти ривожига, албатта, ўз таъсирини кўрсатади.

Жамият ижтимоий таркиби назариясининг жуда муҳим қисми бўлиб **ижтимоий уюшганлик** муаммолари ҳисобланади. Гап одамларнинг бир ижтимоий гуруҳ ва қатламдан бошқасига ўтиши хусусида кетмоқда.

Аҳолининг ижтимоий уюшганлигига шаҳар ёки қишлоқда турмуш тарзининг ўзгариши, одамларнинг янги касб танлаши ёхуд фаолият турини ўзгариши ва бошқа қатор вазиятлар таъсир қилади. Булар барчаси яхлит ҳолда жамият ижтимоий таркиби фаолиятининг муҳим ҳолатлари ҳисобланади.

Ижтимоий уюшиш жараёни самарадорлигини оширувчи сабаблардан бири у ёхуд бу ихтисосликнинг ис-

тиқболлиги ҳақидаги жамоатчилик фикрининг ўзгаришидир. Бу охир-оқибатда одамлар турли гуруҳларида касб манфаатларининг ўзгаришига сабаб бўлади. Масалан, аксар кўпчилиликни тадбиркорлик, сиёсат ва илмий фаолият қизиқтирса, кам кишиларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши қизиқтиради.

Ижтимоий уюшганлик соҳасидаги тадқиқотлар орасида Питирим Сорокиннинг китоблари алоҳида эътиборга сазовордир.¹ Гарчи Сорокин қарашлари илмий жамоатчилик томонидан ҳар хил қабул қилинса-да, лекин аксар кўпчилик олимни ҳозирги замон социологик мактабининг асосчиларидан бири, деб ҳисоблашишади.

Сорокин талқинига кўра, келажакда ҳуқуқ ва ижтимоий тўкинлик барча учун бир хилда бўлади, яъни ҳар бир одам ҳам иқтисодий, ҳам маънавий ва ҳам бошқа манфаатларга эга бўлиш ҳуқуқи ҳамда имкониятига эга бўлади. Ижтимоий уюшув эса жамиятнинг табиий ва нормал ҳолатига айланади. Демак, биз шундай хулоса қилишимиз мумкин: ижтимоий уюшувчанлик чекланган жамиятда ижтимоий тараққиёт тўхтаб, қотиб қолади. Жамият ижтимоий уюшув учун қанчалик шарт-шароит, замин тайёрласа, унинг ривожланиши шунчалик қудратли ва фаол бўлади.

Индивидуал ижтимоий уюшув ва ижтимоий объект уюшувчанлигининг асосий шакллари қуйидагилар: горизонталь ва вертикаль.

Вертикаль уюшув оқимларнинг юқори ва қуйи даражалари шаклида намоён бўлади. Иккала шакл икки хилда кечади: бошқа гуруҳлар билан муносабатлар тизимидаги индивидуал фаолият ва бутун бир гуруҳнинг жамоавий юксалиши ёхуд ортга кетиш ҳолати.

Ана шу ҳолатларга қараб адолатли равишда жамиятнинг ҳаракатчан ва қотиб қолган ноҳаракатчан типлари фарқланади. Аммо аслида мутлақ ноҳаракатчан жамият бўлмаганидек, ижтимоий уюшув ҳеч бир қаршиликсиз тўла-тўқис амалга ошадиган жамият ҳам топилмаса керак.

Вертикаль уюшувнинг изчиллиги, умумийлиги бир гуруҳдан иккинчисига, бир даврдан иккинчи даврга ўтишда ўзгариб туради (макон ва замондаги ўзгаришлар). Ижтимоий ҳаёт тарзида нисбатан ҳаракатчан ва ноҳаракатчан даврлар учрайди. Ушбу ўзгаришларда вер-

¹ Қ а р а н г: Сорокин П.А. Человек. Цивилизация. Общество. Пер. с англ.-М., 1992.

тикаль уюшувнинг кучайиши ҳам, пасайиши ҳам доимий рўй бермайди. Демократик жамият, гарчи бу ҳолида истисно бўлса-да, ўз мақомига кўра, автократ жамиятга нисбатан анча ҳаракатчан, фаол бўлади.

Ижтимоий ларзалардан холи, бир текис ривожланаётган, хусусий мулк мавжуд жамиятда иқтисодий стратификациянинг юксаклиги ва мақоми чекланган бўлади.

Ижтимоий уюшув, деганда индивид ёки ижтимоий объект (қадрият)нинг, яъни инсон ҳаёти кашф этган барча қадриятларнинг бир ижтимоий ҳолатдан бошқасига ўтиши тушунилади. Юқорида таъкидлаганимиздек, ижтимоий уюшув горизонталь ва вертикаль кўринишда бўлади.

Горизонталь ижтимоий уюшув, деганда индивид ёки ижтимоий объектнинг бир ижтимоий гуруҳдан бир хил даражадаги бошқа гуруҳга ўтиши тушунилинади. Муайян индивиднинг ўз малакавий мақомини сақлаган ҳолда бир фуқароликдан бошқасига, бир оиладан иккинчисига, бир фабрикадан иккинчи фабрикага ўтиб туриши яхлитликда горизонталь ижтимоий уюшишнинг амалдаги кўринишидир. Бундай табиий «ўтиб туриш» ўлароқ, индивид ёхуд ижтимоий объектнинг вертикаль йўналишдаги ижтимоий ҳолатида муайян ўзгаришлар рўй бермайди.

Вертикаль ижтимоий уюшув, деганда индивиднинг бир ижтимоий қатламдан иккинчисига ўтиб туриши назарда тутилади. «Ўтиш» йўналишига қараб вертикаль уюшув икки типда намоён бўлади: юксалиш ва пасайиш, яъни ижтимоий юксалиш ҳамда ижтимоий пасайиш.

Стратификация табиатига кўра, иқтисодий, сиёсий ва малакавий уюшувнинг юксак ҳамда суст оқимлари (бошқа муҳим типлар ҳақида гапирмаган ҳолда) мавжуд. Юксалиш оқимлари икки асосий шаклда, яъни индивиднинг паст қатламдан юқори қатламга ўтиши ва шу индивидлар томонидан янги гуруҳлар ташкил этилиб, бутун гуруҳни юқори қатламга, унда мавжуд бўлган гуруҳларга уюшуви шаклида намоён бўлади.

Айни пайтда, пастки оқим ҳам иккига бўлинади. **Биринчиси** — индивиднинг юқори ижтимоий позициядан ўзи олдин мансуб бўлган гуруҳни барбод қилмаган ҳолда нисбатан қуйи қатламга тушиши. **Иккинчиси** — ижтимоий гуруҳнинг яхлит ҳолда барбод бўлиши.

Биринчи ҳол кемадан тушиб қолган одамнинг аҳволини, иккинчи ҳол эса бутун кеманинг пассажирлари билан сувга тўла ғарқ бўлишини эслатади.

Нисбатан юқори қатламларга индивидуал ўтиш ҳам, юқори ижтимоий даражадан пастга тушиш ҳам одатий ҳол. Буни тушунса бўлади. Чунки уларни изоҳлашга ҳожат йўқ.

Ижтимоий юксалишнинг ва пасайишнинг иккинчи шакли жамиятда рўй бераётган ўзгаришлар билан изоҳланишни тақозо этади. Бизнинг фикримизча, давлат ва фуқаролик жамияти трансформацияларида бу характерли ҳодиса ҳисобланади.

Миқдорий нуқтаи назардан изчил ва умумий вертикаль уюшувни бир-биридан ажратиш лозим.

Изчил вертикаль уюшувда индивиднинг иқтисодий, малакавий ёхуд сиёсий соҳаларда муайян вақт ичида юксалиб бориши ёки пастга кетиши билан боғлиқ ҳаракати тушунилади. Масалан, бирор бир одам бир йил ичида 500 долларли даромаддан 50 минг долларли даромад миқдоригача, иккинчи бир одам худди шу даврда худди шу кўрсаткичдан 1000 доллар миқдорига кўтарила олса, биринчи ҳолдаги кўтарилишнинг изчиллиги 50 марта ортиқ бўлган бўлади. Вертикаль уюшувнинг юқоридагидек ўзгаришларини сиёсий ва малакавий стратификацияда ҳам кузатиш мумкин.

Вертикаль уюшувнинг умумийлиги, деганимизда маълум оралиқ давр ичида вертикаль йўналиш бўйича ўз ижтимоий мавқеларини ўзгартирган индивидлар сонини тушунамиз. Индивидлар сонининг мутлақ миқдори мамлакат аҳолиси таркибида вертикаль уюшувнинг мутлақ умумийлигини ташкил этади. Индивидлар сонининг бутун аҳоли сонига нисбатан пропорцияси вертикаль уюшув умумийлигини беради.

Ниҳоят, муайян ижтимоий соҳада (масалан, иқтисодда) вертикаль уюшувнинг изчиллиги ҳамда умумийлиги қўшилмасидан шу жамиятдаги вертикаль иқтисодий уюшишнинг умумий кўрсаткичларига эга бўлинади. Шундай қилиб, бир жамиятни иккинчи жамиятга ёки бир жамиятнинг турли даврларидаги турли даражаларини ўзаро солиштириш орқали қайси жамиятнинг қайси даврдаги тараққиёти юксаклигини англаса бўлади. Сиёсий ёки малакавий вертикаль уюшувнинг умумий кўрсаткичлари ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

Юқорида айтилганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, айнан бир хил даражадаги, айнан бир хил соҳадаги юксалишлар турфа ички тизимларга эга бўли-

ши мумкин. Улар горизонталь ва вертикаль уюшув изчиллиги ҳамда умумийлигидаги фарқлар билан изоҳланади. Вертикаль уюшув нолга тенг бўлган стратификациялашган жамиятда назарий жиҳатдангина мавжуд бўлиши мумкин. Демак, бундай жамият ичида юксалиш ва пасайиш, жамият аъзоларининг бошқа қатламларга ўтиб туриши ҳоллари учрамайди. Ҳар бир индивид ўзи туғилиб ўсган ижтимоий қатламга мансублигича қолаверади. Бундай жамиятда қатламлараро чегара ўта мустаҳкам бўлиб, уларни бузишнинг иложи йўқ.

Стратификациянинг бу типи мутлақ ёпиқ, қотиб қолган типдир.

Айнан бир хил юксаклик, айнан бир хил соҳа стратификацияси ички таркибининг назарий қарама-қарши типи шундай типки, унда вертикаль уюшув фавқулудда изчил бўлиб, умумий характер касб этади. Бу ерда қатламлараро чегара ниҳоятда нозик. Унда қатламлараро ўтиш, юксалишда катта имкониятлар мавжуд. Шунинг учун ҳам ижтимоий «иншоот-бино» ҳам стратификациялашган бўлади, яъни турфа қатламлар аҳолиси нуқул ўз «ижтимоий доира»ларида қолмасдан доимо бу қатламларни сифат жиҳатидан ўзгартириб туришади.

Ижтимоий стратификациянинг ушбу типини очиқ, изчил ва истиқболли тип, деса бўлади. Мазкур асосий типлар орасида кўплаб ўртача ёки қатламлараро типлар бўлиши мумкин.

Демократик жамиятнинг ёрқин тавсифларидан бири демократик бўлмаган жамиятларга вертикаль уюшувнинг нисбатан катта изчиллигидир. Демократик тизимларда индивиднинг ижтимоий аҳоли назарий жиҳатдан, ҳеч бўлмаганда, насл-насаби билан белгиланади. Насл-насабига кўра, ижтимоий ҳаёт пиллапояларидан ўзлари истаган даражага кўтарилишлари учун бирор бир юридик ёки диний тўсиқ йўқ.

П.Сорокин фикрича, катта ижтимоий уюшмаларда, автократ жамиятлардан фарқли ўлароқ, демократик жамиятда ижтимоий мавқелар стратификацияси йўқ ёки улар кам стратификациялашган бўлади. Бироқ демократик жамиятнинг анча уюшганлигини таъкидлаган ҳолда, айтиш мумкин-ки, барча демократик давлатларда ҳамма вақт ҳам вертикаль уюшув автократ давлатларга нисбатан кўп бўлавермаслиги мумкин.

Фикримизча, юксак ижтимоий уюшувчанлик, айниқса, вертикаль уюшувчанлик — очиқ фуқаролик жамияти белгисидир.

VI б о б

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ — ОЧИҚ ЖАМИЯТ

Фуқаролик жамиятининг очик, адолатли жамият эканлиги билан боғлиқ мақоми назарий жиҳатдан биринчи бобда ёритилган. Лекин улар кўпроқ фуқаролик жамиятининг классик назарияси билан боғлиқ эди. Фуқаролик жамиятининг очик, адолатли жамият сифатидаги ҳозирги амалий мақоми у билан боғлиқ янгича замонавий назарий қарашларни махсус ўрганишни ва илмий-амалий жиҳатдан таҳлилий умумлаштиришни ҳам табиий тақозо этмоқда. Куйида гап ана шу ҳақда боради.

Очик жамият бу — қатор ижтимоий-фалсафий таълимотларда илгари сурилган иқтисодий, сиёсий, маданий плюрализмга эга, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат таркиблари ривожланган демократик жамият тушунчасидир.

Шу билан бирга очик жамият ҳақида аниқ бир таъриф йўқ. Кўп ҳолларда очик жамиятни капитализмгача бўлган жамиятнинг ёхуд ёпиқ социалистик жамиятнинг акси, деб қараш устуворлик қилади.¹

Очик жамиянинг **элитар** ва **эгалитар** тушунчалари мавжуд. Элитар назарияга кўра, очик жамият асосида антогонизм, яъни қарама-қаршилиқлардан холи халқаро инсоний муштараклик, умуминсоний, антитоталитар ахлоқ, шахс ва ижод эркинлиги устувор, ўзига хос аскетик гуманизм ётган идеал ижтимоий тизимдир.

Эгалитар назария ҳозирги даврдаги очик жамият билан ёпиқ жамият қарама-қаршилиги реаллигидан келиб чиқади.

Ёпиқ жамият учун унинг мавжудлиги-ю мақоми қонун асосида белгиланган тоталитар жамият. Унда шахс манфаатидан жамият манфаати устун, шахсий масъулиятсизлик, ғоявий догматизм характерлидир. Бу трой-

¹ Қ а р а н г. *Поннер К. Р.* Открытое общество и его враги. Т. I.-М., 1992.

балистик, яъни ибтидоий қабилалар тизимига ўхшаш жамият ўзини бутун дунёга ёвузларча қарши қўяди.

Очиқ жамият аъзолари учун, аксинча, рационал-танқидий ёндашув, ижтимоий тараққиётни мақсадли ва онгли бошқариш имконияти, одамлар эҳтиёжларига уйғун ҳолда давлат институтларини аста-секинлик билан шакллантириш хос.

Эгалитар қарашга кўра, Фарб демократияси, асо-сан, очиқ жамиятга ўтиб бўлди. Шунга қарамай, К.Р.Попнер фикрича, Фарбона демократияни тўлиқ ҳолда очиқ жамият, деб аташ мумкин эмас. Чунки у муайян камчиликлардан холи эмас.

Очиқ жамият ҳақидаги замонавий қарашлар ораси-да, шубҳасиз, Жорж Сорос тадқиқотлари диққатга са-зовор. Олим очиқ жамият моҳиятини ижтимоий ри-вожланиш идеали, деб атайди.¹

Сорос фикрича, ҳозирги куннинг энг муҳим вази-фаларидан бири — ўтиш босқичида бўлган кўпгина давлатлар учун асқотадиган қатор фундаментал қадри-ятларни ишлаб чиқишдир. Анъанавий фундаментал қад-риятлар дин ёки илм-фан каби ташқи манбалардан келиб чиққан. Аммо тарихнинг ҳозирги кунда ўз мум-тоз нуфузи билан сарбаланд бўлган бирорта манба йўқ.

Бундай шароитда ягона имконли манба инсоннинг ўз ботинида, руҳиятидагина бўлади, холос. Яъни одам-лар очиқ жамиятни ижтимоий ташкилланувнинг орзу қилинган нормалари сифатида эътироф этишлари ло-зим.

Афсуски, одамлар очиқ жамият концепциясининг мавжудлигини ҳам, ҳатто, билишмайди. Шу сабаб, уни идеал жамият ҳам, деб ҳисоблашмайди.

Айнан шу сабаб ҳозирги шароитда очиқ жамият онгли равишда уни сақлаб қолишга қатъий интилиш-сиз мавжуд бўлмайди.

Бироқ бундай ижтимоий қадрият шахсий манфаат-ларни қондириш сари чексиз интилишлар чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан омилкорлик билан фой-даланишга олиб келувчи эркин тадбиркорлик мафкура-сига зид келади. Шундай вазият юзага келади: мабо-до одамлар очиқ жамиятга ўзлари орзу қилган ижти-моий ташкилот шакли сифатида ишонишмаса, ман-фаатларини қўллаб-қувватлаш йўлида ўз худбин ният-

¹ Қ а р а н г: Сорос. Дж. Кризис мирового капитализма. Открытое общество в опасности. Пер. с англ. — М., 1999.

ларидан онгли воз кечишмаса, унда очик жамият яшай олмайди.

Албатта, одамлар ишонишни истаган очик жамият идеал ролини ўташи шарт. Аксар кўпчилик жамиятлар ўтиш босқичида ижтимоий қадриятларнинг етишмаслигидан зарар кўришади. Идеал ҳисобланмиш очик жамият эса бундай камчиликларни бартараф этади, уларга йўл кўймайди.

Сорос фикрича, ижтимоий тараққиёт идеали сифатида очик жамиятни қабул қилишда энг катта тўсиқ бу — универсал ғоялардан нисбатан тўлиқ воз кечиш ҳисобланади. Бундай муносабат кўп ҳолларда ўзига хос универсал ғоя бўлган социализмдан воз кечиш факти билан асосланади.

Бироқ жамият универсал ғояларсиз яшай олмайди. Жумладан, ўз моддий манфаатларини қондиришга интилиш, гарчи қадрият сифатида тан олинмаса ҳам, барибир, универсал ғоя, деб қаралади. Албатта, универсал ғоялар охиригача амалга ошса, унда улар ўта хатарли бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳам Сорос хулоса қилади: очик жамият ёпиқ жамиятга муҳолифатда бўлмайди, балки мантиқан ниҳоясига етган универсал ғоялар хавф солиб турадиган ишончсиз оралик масофада туради. Бундай универсал ғоялар сирасига бозор фундаментализми билан бирга экстремизмнинг барча турлари киради.

Демократия, бозор иқтисоди, бозорни бошқариш механизмлари, хусусан, молиявий механизмлар, тинчликни, қонунни ҳимоя қилишга, дунё миқёсида тартибни сақлашга қаратилган муайян чора-тадбирлар қаторида очик жамиятнинг муҳим элементи ҳисобланади. Бундан ташқари очик жамият тамойиллари Мустақиллик Декларациясида мукамал ифодасини топади.

Очик жамият ўз концепциясига кўра, плюралистик бўлиши шарт. Аммо плюрализм бобида у ўзига кўп ҳам эрк беравермаслиги керак. Унда очик жамият нима яхши-ю нима ёмонлигини фарқ қила олмаслиги мумкин. Ҳатто, сабр-тоқат ва меъёрнинг ҳам чегараси бўлиши лозим. Фарбий Оврупо Маърифатпарварлик эпохаси мангу ҳақиқатлар истиқболи билан боғлиқ ғояларни илгари сурган бўлса-да, очик жамият қадриятлари ўзгарувчан эканлигини ҳам назарда тутган. Шунинг учун ҳам жамиятни қонун бошқариши шарт. Чунки нима яхши-ю нима ёмонлигига ҳеч қачон мутлақ ишониб бўлмайди.

Одамларнинг асосий тамойилларни қаттиқ, онгли қўллаб-қувватлашисиз очиқ жаҳон ҳамжамиятини барпо этиш мумкин эмас.

Айни пайтда, жамиятнинг нобозор жабҳасида мавжуд жиддий камчиликлар ўлароқ, вазият мураккаблашиши мумкин. Сорос фикрича, бундай мураккабликлар бозор касодлигига нисбатан ҳам жуда жиддийдир.

Бу иллатлар ижтимоий қадриятларга эътиборнинг камлигида, ҳақиқий қадриятларни пулга алмаштиришда, дунёнинг айрим минтақаларида вакиллик демократиясининг етишмаслигида, дунёнинг муайян қисмида унинг, умуман, йўқлигида, шунингдек, том маънодаги ҳақиқий халқаро муносабатларнинг йўқлигида яққол кўзга ташланади.

Очиқ жамиятнинг йирик муаммолари бозор ва ижтимоий қадриятлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни белгилаш билан боғлиқ. Муаммолар улар ўртасидаги фарқни аниқлашда эмас, балки, мураккаблик ижтимоий қадриятлар мазмуни ва характерида эканлигидадир. Бозор фундаменталистлари ижтимоий қадриятларни менсимасликка уриниб, қандайлигидан қатъи назар, улар бозордаги муомалада намоён бўлади, деб уқтиришади.

Одатда, бозордаги индивидуал иштирокчиларнинг муомалалари, хатти-ҳаракатларида ижтимоий қадриятлар ўз аксини топмайди, шунинг учун ҳам улар қандайдир бошқа шаклларга эҳтиёж сезади.

Бозордаги фаолият ва тартиб-қоидани белгилаш икки ҳар хил функциялар ҳисобланади. Бозорнинг индивидуал иштирокчилари суянадиган бозор қадриятлари билан тартиб-қоидани белгилашда таяниладиган ижтимоий қадриятлар ўртасида тенглик белгисини қўйиш хатоликдир. Афсуски, бундай фарқ ҳамини ҳам кўзга ташланавермайди. Ҳозирги демократик жамиятларда жамоа бўлиб қарорлар қабул қилиш — рақобатчилар манфаатлари ўртасидаги мусобақадир. Одамлар тартиб-қоидаларни ўз манфаатларига мослаштириб олишга интиладилар.

Ижтимоий қадриятларнинг, нафақат, бозор иштирокчилари учун тартиб-қоидани белгилашдаги (масалан, «инсайдерлар»га савдо-сотик билан шуғулланишни таъқиқловчи тартиб-қоидалар, яъни «ички» ахборотдан хабардор кишилар), балки ижтимоий истеъмол хизматидаги (аҳолининг хавфсизлиги, таълим ёхуд афроф-муҳит муҳофазаси) аҳамияти ҳам катта.

Бозор қадриятлари бозор иштирокчиларининг аниқ манфаатларини, ижтимоий қадриятлар эса умумжамият манфаатларини, яъни аъзолар бу манфаатларни қандай тасаввур этишини муайян даражада акс эттиради. Бозор қадриятларини пул билан ўлчаш мумкин. Аммо ижтимоий қадриятларга нисбатан муаммо юзага келади. Уларни аниқлаш қийин, ўлчаш эса янада қийинроқ.

Юксак рақобат шароитларида бошқа кишилар билан муносабатга киришиш масаласи билан овора одамлар ахлоқий мезонлар билан ҳисоблашмайдиганларга нисбатан кам даромад кўради. Принципи бўлмаган одамларнинг қўли кўпроқ устун келади. Жаҳон капиталистик тизимининг ташвишли аспектларидан бири айнан ана шу ҳақиқатда. Буни бозор фундаментализмининг бир кўриниши, деса ҳам бўлади. Натижада бозор фундаментализми демократик сиёсий жараёнларни бузади. Оқибатда сиёсий жараённинг самарадорлиги бозор фундаментализми фойдасига хизмат қилувчи кучли омил бўлиб хизмат қилмайди. Вакиллик демократиясига нисбатан ҳозирги мавжуд хавф-хатар сабаблари ана шунда.

Оқилона вариантга кўра, демократия жамият манфаатларига нисбатан тўлароқ жавоб берувчи жамоавий қарорларни ишлаб чиқиш механизмини таъминлайди. Жамоа бўлиб қарорлар қабул қилишда у бозор механизмлари ёрдамида индивидуал қарорлар қабул қилишда эрилишажак мақсад рўёбига олиб келади. Фуқаролар раисни сайлашиб, биргаликда овоз бериш йўли билан жамоавий қарорлар қабул қилишади. Вакиллик демократиясининг тамойили бу. Тамойил фуқаролар билан улар вакиллари ўртасидаги муносабатларнинг муайян кўринишидир. Сайловчилар хоҳишига кўра, ҳукумат билан қонунчилик органлари узлуксиз ўзгариб туради. Тизим шундай. Назаримизда, демократия ўзига хос бўлган камчиликларни тузатиш имконига эга эмас. Аксинча, у мувозий ҳолатидан борган сари узоқлашиб борапти, шекилли. Бунинг исботи сайловчилар норозилигининг борган сайин кучайиб кетаётганлигидир.

Оқибат-натижада сиёсий жараён кўпроқ бузилиб борапти. Одамлар эса умидларини кўпроқ бозор механизмлари билан боғлашмоқда. Бу эса бозор фундаментализмининг кенг тарқалишига имкон бермоқда. Сиёсатдаги омадсизликлар бозорга кўпроқ эркинлик беришга жиддий сабаб бўлмоқда. Ўз навбатида, бозор фундаментализми жаҳон капиталистик тузумининг

шаклланишига омил бўлди. Капитализм эса давлатнинг ўз фуқароларини ижтимоий таъминлашдек имкониятларини чеклаб қўяди. Бу ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқароларга нисбатан бўлган сиёсатни қуруқ сафсатага айлантирди, сиёсий омадсизликка сабаб бўлди.

Сиёсатга нисбатан нима адолатли бўлса, шу тенг ҳолда ижтимоий қадриятларга ҳам дахлдордир. Ижтимоий қадриятлар кўп ҳолларда бозор қадриятларига бой бериб қўйди. Уларни миқдор жиҳатидан ифодалаш, ҳатто, аниқлашнинг иложи йўқ.

Ҳатто, оддий одамлар уюшмаси ҳам аниқ шакланган қадриятларга эга. Уюшма аъзолари бу қадриятларга риоя қилиши ёки уларни бузиши мумкин. Қадриятлар уюшма аъзоларини қўллаб-қувватлаши ёхуд эзиб ташлаши мумкин. Ҳар қандай ҳолда ҳам уюшма аъзолари бу қадриятларни яхши билишлари шарт. Бозорлардаги ахлоқсизлик, ҳатто, уларсиз жамият яшай олмайдиган ахлоқий қадриятларни ҳам бузиб юборди. Монетар қадриятлар эса носамимийдир. Уларни, наинки, ўлчаш-аниқлаш мумкин, ҳатто, одамлар уларни қадрлашади ҳам. Монетар қадриятлар ижтимоий қадриятларни инкор этади.

Ижтимоий қадриятлар бозор қадриятларига нисбатан унчалик аниқ эмас, шекилли. Аммо уларсиз жамият яшай олмайди. Гарчи бозор қадриятларига ижтимоий қадриятлар мақоми берилган бўлинса-да, у бу функциясини, шубҳасиз, бажара олмайди. Улар рақобат муҳити шароитида индивидуал қарорлар қабул қилишга мўлжалланган. Бироқ улар рақобат асносида ўзаро ҳамкорлик қилиш вазиятида жамоа бўлиб қарорлар қабул қилишга қодир эмас.

Жамоавий қарорлар қабул қилиш жараёнида функциялар аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Бозор қадриятлари ижтимоий онгни ўзгартира олмайди. Сиёсат билан манфаатлар тўқнашган барча ҳолатларда сиёсий таъсирни шахсий манфаатлар йўлида фойдаланишдек хавф ҳамиша мавжуд бўлади.

Очиқ жамият концепцияси бўлакча қадриятлар тизимини тавсия қилади. Очиқ жамият хато ва камчиликларни тугатишни талаб этади. Афсуски, у ҳам хато-камчиликларни баҳоловчи объектив мезонларнинг йўқлигини тан олади.

Хўш, одамлар очиқ жамиятдан рози бўлишадими? Бу кўп ҳолларда шу жамият эришган натижаларга боғлиқдир. Очиқ жамият ҳақидаги ибратли мақом шун-

даки, у такомиллашувнинг чексиз имкониятларига эга. Натижа-самара қанчалик кўп бўлса, очиқ жамият шунчалик истиқболли ҳисобланади.

Ж.Сорос одамларга етказмоқчи бўлган бош ғоя қуйидагича: бозор хулқ-атворида акс этувчи индивидуал қарорлар қабул қилиш билан, умуман, хулқ-атворда, жумладан, сиёсатда ифодасини топувчи жамоавий қарорлар қабули ўртасидаги фарқни илғаб олиш зарур. У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам одамларни худбин манфаатлар қизиқтиради, бироқ жамоа бўлиб қарорлар қабул қилишда муштарак манфаатлар худбин индивидуал манфаатлардан устун бўлиши шарт.

Очиқ жамият борасидаги анъанавий Фарб фалсафаси, Ж.Сорос қарашлари шуни аниқ кўрсатадики, ижтимоий тараққиётнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий компонентлари ўртасидаги мувозанат-баланс албатта зарур. Бунга фақат ва фақат кучли жамоа таркибларига эга фуқаролик жамияти доирасидагина эришиш мумкин, холос. Фуқаролик жамиятисиз бундай мувозанат — балансга эришиш душвор.

Ижтимоий ва бозор қадриятлари ўртасидаги мувозанатни фақат фуқаролик жамияти ўз мақоми билан илғор ўзгаришларга, истиқболли, тугалланмас такомилликка ҳаминша очиқ бўлган очиқ жамиятнинг барча талабларига тўлиқ мос келган тақдирдагина таъминлаш мумкин.

VII б о б

СИЁСИЙ ТИЗИМ ВА СИЁСИЙ ЕТАКЧИ

Фуқаролик жамиятининг барча йўналишлари билан боғлиқ илгор ўзгаришлар бевосита сиёсий тизим самарадорлиги ва сиёсий етакчининг иродаси билан белгиланади.

Жамият ривожини ўзида сиёсий камолот, сиёсий назарияни такомиллаштириш, сиёсий билимларни тўплаш, сиёсий таҳлиллар усуллариини бойитиш ва сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнларини ҳам қамраб олади. Ҳозирги шароитда сиёсий жараённи рационаллаштиришнинг, сиёсий стратегияни илмий асослашнинг ва сиёсий амалиётда мавжуд, илгарилари ҳал қилишнинг иложи бўлмаган камчилик ҳамда тасодифларни бартараф қилишнинг катта имкониятлари бор. Бироқ сиёсатни илм-фандаги рационаликдек рационаллаштиришнинг иложи йўқ. Сиёсат ҳар қандай вазиятда ҳам ҳаминша жамоатчилик диққат-эътиборида бўлиб, баҳс-мунозаралар объектига айланиб келган. Эҳтимол, шу сабабми, сиёсатнинг тўғри йўлни танлаш салоҳияти ҳаминша баҳсли, мунозарали бўлган. Ҳозир ва бундан кейин ҳам, шубҳасиз, шундай бўлади.

Бошқа соҳаларга нисбатан жамият сиёсий соҳалари (тизим)нинг мақоми давлат томонидан жамиятни (умумдавлат даражасидан давлат бошқаруви мажмуининг энг кичик таркибларигача) яхлит ҳолда бошқаришни ташкил этиш ва амалга оширишдан иборат.

Жамият сиёсий тизимлари таркибида бир-бири билан узвий боғлиқ тўртта йирик тизимлар — институционал, бошқарув, коммуникация ва сиёсий-мафқуравий — мавжуд.

Институционал кичик тизим — ўзида сиёсий институтларни, аввало, сиёсий бошқарув шакллари (республика, монархия)ни сиёсий режимлар (демократик, тоталитар, авторитар ва б.)ни, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари органларини, сиёсий

партиялару ҳаракатларни, кўп сонли ижтимоий ташкилотларни, сайлов тизими ва бошқа жабҳаларни қамраб олади. Сиёсий тизимда ҳал қилувчи роль айнан ана шу институционал тизимга тегишлидир. Айнан унда барча сиёсий тизимлар фаолиятининг шартлари, имкониятлари ва чегараларининг норматив-ҳуқуқий базалари яратилади.

Жамиятда қабул қилинган, давлат Конституциясида аксини топган сиёсий-ҳуқуқий нормалар ва бўлак қонунчилик ҳужжатларига таянган институционал тизим сиёсий институтларнинг шаклланиши ҳамда фаолиятини, жамият сиёсий тизими яхлит амалиётини бошқариб туради. Ушбу тизим суянадиган таянч база бўлиб, сиёсий-ҳуқуқий нормалар, айти пайтда, тарихан шаклланган миллий урф-одатлар ва анъаналар, сиёсий тизимга таъсирини ўтказувчи жамиятда ҳукмрон қарашлар, тамойиллар хизмат қилади.

Коммуникатив кичик тизим жамият сиёсий тизими амалиёти жараёнида юзага келадиган муносабатлардан иборат. Булар, аввало, жамият бошқаруви билан боғлиқ муносабатлардир. Сиёсий институтлар ва ташкилотлар, сиёсий етакчи (лидер)лар, сиёсий элита вакиллари, фуқаролар ушбу муносабатлар субъектлари ҳисобланади. Айти пайтда, улар сиёсий ҳокимият учун кураш билан боғлиқ муносабатлар ҳамдир.

Сиёсий-мафкуравий кичик тизим сиёсий концепциялар, назария ва қарашлардан ташкил топади. Улар ижтимоий-сиёсий институтларни, сиёсий-ҳуқуқий нормаларни, сиёсий муносабатлар такомиллигини, умуман, сиёсий тизимни ташкиллаштириш ва ривожлантириш негизида мавжуд.

Тўртта кичик тизимдан иборат бу таркиб ҳар қандай жамият сиёсий тизимида мавжуд бўлади. Бироқ турли давлатларнинг конкрет шароитларида қайд этилган кичик тизимлар турли шаклларда ташкил этилади ва фаолият кўрсатади.

Жамият сиёсий тизимининг бош вазифаси бу — жамиятни бошқариш, давлатга сиёсий раҳбарлик вазифасидир. У жамият ривожининг стратегик мақсадлари истиқболида, стратегик йўлни белгилаш ҳамда амалга оширишда намоён бўлади.

Вазифалар интегратив ва регулятив бўлади.

Интегратив вазифалар ижтимоий-сиёсий тизимни яқдил бирлаштириш мақсадини, жамиятни яқдил ҳолда бир текис барқарорлигини таъминлашни кўзлайди.

Регулятив вазифа давлатда сиёсий хулқ-атворни ва сиёсий муносабатларни тартибга солиш ҳамда бошқаришга қаратилган. У одамларнинг ижтимоий соғлом хулқ-атворлари мезонини ишлаб чиқиш ва асослаш билан боғлиқ.

Сиёсий маданият умуммиллий маданиятнинг ажралмас узвий ҳалқаси. Бу энг аввало, инсониятнинг тарихий тараққиёт жараёнида олган бой сиёсий тажрибаси, ижтимоий бирлиги ҳисобланади. Муайян шаклларда мавжуд ҳолда, бу тажриба одамлар сиёсий онги ва сиёсий маданияти шаклланишига таъсир этади, алалоқибат уларнинг сиёсий ингилишу мақсадларида ифодасини топади.

Бироқ жамиятда сиёсий маданият мутлақ бир хил бўлмайди. Одамлар уюшмаларининг турли манфаатлари сиёсий маданиятнинг бир-биридан фарқ қилувчи, яъни барча давлатларда мавжуд бўлган субмаданият, деб аталувчи моделларни кашф этади. Сиёсатшуносликда субмаданиятнинг минтақавий ижтимоий-иқтисодий (социоиктисодий), этнолингвистик, диний, ёш билан боғлиқ типлари мавжуд.

Сиёсий маданият дифференцияси у ёхуд бу мезонлар асосида амалга оширилади. Мезонлардан бири — у ёки бу мамлакатда сиёсий субмаданиятлар ўзаро муносабатларининг келишилганлик даражасидир. Ана шу негизда сиёсий маданиятнинг иккита типини ажратиб кўрсатиш мумкин. Улар — интеграциялашган (бир хил) ва фрагментар (ҳар хил) типлар.

Сиёсий маданият типларини ажратишнинг бошқа мезони сиёсий жараёнда у ёхуд бу уюшма фаолияти жараёнлари йўналган таянч қадриятлар ҳисобланади. Ана шунга кўра сиёсий маданиятнинг учта типини ажратиб кўрсатиш мумкин.

1. Юксак фуқаролик маданияти. Бунда таянч қадрият инсон, унинг эҳтиёжлари ва манфаатлари ҳисобланади. Сиёсий тизим яхлит ҳолда ва таркибий элементлари алоҳида ҳолда демократик характерда бўлади. Содир бўлаётган барча ҳодисаларга масъуллик туйғуси инсонга хос неъматдир. Шу сабаб ҳам сиёсий жараён иштирокчиларининг сиёсий фаоллиги баланд.

2. Элитар сиёсат маданият. Унинг таянч қадрияти — ҳокимият ёки ҳокимият таркиблари (давлат, элита)дир. Сиёсий элита ўз олдига қўйган мақсадларга эришишда инсон восита бўлиб хизмат қилади.

3. Яна бир мезон бу — жамиятнинг сиёсий тизим

доирасидаги (бозор, давлат) у ёки бу регулятив механизмларни ҳисобга олишидир. Сиёсий ҳаётда у ёки бу механизмдан самарали фойдаланиш сиёсий маданиятнинг бозор ёхуд тўралик (бюрократик) типларини юзага келтиради.

Одамлар сиёсий маданиятини шакллантириш шартли бўлиб, уларнинг сиёсий ҳаёт билан ўзаро муносабатлари негизида сиёсий жараёнларга иштирок этиши хизмат қилади. Сиёсий тизим билан ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари алоқада бўлади. Улар ҳаммаси у ёхуд бу тарзда сиёсий маданиятни шакллантириш жараёнида иштирок этади, жараённинг асосий йўналишларини белгилайди. Жамият ҳаётининг жабҳалари қуйидагилар: давлатнинг мақсадли таълим-тарбия, маънавий-мафкуравий фаолияти, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва ҳаракатлари, оммавий ахборот воситалари фаолияти, бизнес, илм-фан, таълим муассасалари, оила, меҳнат жамоаси, манфаатлар бўйича клублар ҳамда ташкилотлар.

Ана шундай ижтимоий-сиёсий тизимга эга давлатлар сиёсий-маданий жиҳатдан бир-биридан жиддий фарқ қилишлар ҳаммага яхши маълум. Бу фарқ бошқа омиллар қаторида қуйидаги носий, яъни тарихий ривожланишнинг ўзига хослиги, мамлакатнинг геосий ҳолати, хусусан, иқтисодиётдек «ташқи» омиллар билан белгиланади.

Ҳозирги пайтда сиёсий маданиятнинг бир нечта концепциялари мавжуд:

1. Руҳий ёндашув. Унда сиёсий маданият ижтимоий-сиёсий объектлар ва жараёнларга нисбатан руҳий-психологик йўналганлик сифатида қаралади.

2. Мажмуий, умумлашма ёндашув. Унга кўра, сиёсатда содир бўлаётган барча ҳодиса ва жараёнлар сиёсий маданиятга нисбат берилади. У ё сиёсий тизим билан уйғунлашиб кетади ёки сиёсий муносабатлар сифатида намоён бўлади. Алал-оқибат у ўз махсус мазмунига эга бўлмайди.

3. Объектив (норматив) талқин сиёсий маданиятга сиёсий тизим хулқ-атвор нормалари ва намуналарининг йиғиндиси сифатида қарайди.

4. Эвристик концепция. У сиёсий маданиятга истакхоҳишдаги хулқ-атворнинг гипотетик-норматив модели, деб қарайди.

Фуқаролик жамиятини такомиллаштириш жараёнида сиёсий тизим ва сиёсий маданиятнинг самарадорлиги,

айниқса, ўтиш босқичида кўп жиҳатдан сиёсий етакчи шахсига бевосита боғлиқ.

Етакчи бу — умумманфаат йўлида ўзаро ҳамкорликни бош мақсад қилиб олган, одамларга таъсир ўткази олиш қудратига эга шахсдир. Одамларнинг аниқ бир гуруҳлари орасида обрўли, нуфузи зиёда шахс — етакчини ижтимоий ҳаётнинг истаган тарихий босқичида кўриш мумкин.

«Етакчи» атамаси икки маънога эга. Биринчидан, фаолиятини нисбатан самарадор қиладиган ёрқин, фойдали сифатлари билан ажралиб турувчи шахс. Бундай етакчи гуруҳий қадриятлар нуқтаи назаридан шу гуруҳ аъзоларини ортидан эргаштира оладиган харизматик сифатида ибрат оладиган ўзига хос «эталон» намунаси бўлиши шарт. Бундай харизм кишиси, яъни етакчининг бошқаларга таъсири кучли бўлиши лозим.

Иккинчидан, гуруҳ манфаатлари нуқтаи назаридан аҳамият касб этувчи қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи аъзолар томонидан тан олинган шахс. Бу етакчининг обрўси гуруҳ мақсадига етишиш учун одамларни яқдилу яктан этадиган, бирлаштира оладиган харизм салоҳиятидан келиб чиқади. Бу шахс раҳбар-етакчилик услубидан (авторитар ёки демократик) қатъи назар, гуруҳда ўзаро муносабатларни бошқариб туради, гуруҳлараро алоқаларда унинг қадриятларини ҳимоя қилади, гуруҳ қадриятлари шаклланишига таъсирини кўрсатади, айрим ҳолларда шу қадриятларнинг тимсолига айланади.

Инсон ҳамда жамият ҳақидаги социология, сиёсатшунослик, психология ва бошқа фанларда етакчи сардор тушунчаси кенг тарқалган. Ушбу феноменга кўпгина назарий ва эмпирик тадқиқотлар бағишланган. Етакчи сардорлик феноменини ўрганиш бевосита прагматик мазмундорлик касб этади. Биринчи навбатда, у раҳбарликнинг серсамар усуллари тадқиқига, шунингдек, етакчи сардорларни танлашга хизмат қилади. Ғарб мамлакатларида амалиётда муваффақиятли фойдаланилаётган хилма-хил психометрик ва социометрик тестлар ҳамда услублар мавжуд.

Маълумки, етакчилик ҳодиса сифатида ташкилий мураккаб тизимларнинг объектив эҳтиёжи заруратига асосланади. Бу эҳтиёжлар жумласига, энг аввало, ўзини ўзи ташкиллаштириш эҳтиёжи, тизим ҳаёбахшлиги ва функционал имкониятларини таъминлаш мақсадида унинг алоҳида элементлари хулқ-атвори, хатти-ҳаракатини тартибга солиш киради. Бундай тартибийлик

вазифа ва ролларнинг вертикаль (бошқарув-бўйсинув) ҳамда горизонталь (бир хил даражадаги алоқалар) бўлиниши, энг аввало, бошқарув функцияларини аниқ белгилаш орқали амалга оширилади. Фаолият самарали бўлиши учун ташкиллаштиришнинг иерархик, пирамида шакли қўл келади. Ана шундай бошқарув пирамидасининг чўққиси, шубҳасиз, етакчи, фақат етакчи— сардор ҳисобланади.

Етакчилик позициясининг аниқлиги тизимни ташкил этган жамоа типига, унинг атроф-муҳит билан алоқасига боғлиқ. Гуруҳий интеграция паст тизимда, ташкилий турли таркиблар автономлиги, алоҳида элементларнинг эркинлиги вазиятида етакчи сардор функцияси, шубҳасиз, бўш бўлади. Тизимнинг ва одамларнинг мураккаб ташкиллаштирилган жамоавий ҳаракатларга эҳтиёжлари ортиб, бу эҳтиёжларни жамоавий мақсад шаклида англаши теранлашиб боргани сари етакчи сардорга, унинг раҳбарлик қилиш қобилиятига зарурат шунчалик кучайиб боради.

Ҳозирги замон жамиятшунослик илмида сиёсий етакчини аниқлаш борасида бир неча ёндашувлар мавжуд.

Улар орасида етакчининг одамларга таъсири нисбатан кенг тарқалган. Етакчилик бу — таъсир, обрў-нуфуз, ҳокимият ва бошқалар устидан назоратдир. Бироқ ҳар қандай таъсир ҳам сардор етакчилигини таъминлай олмайди. Бунинг учун етакчи камида уч фазилатга эга бўлиши шарт.

Биринчидан, таъсир доимий бўлиши лозим. Сиёсий жараёнларга, мамлакат тарихига кучли, аммо бир томонлама таъсир ўтказган кишиларни сиёсий етакчи, деб бўлмайди.

Иккинчидан, етакчининг раҳбарлик таъсири ҳамма гуруҳга, ташкилотга, жамиятга бирдек кучли бўлиши шарт. Маълумки, ҳар қандай йирик уюшмада таъсир қилувчи бир нечта, ҳатто, кўплаб марказлар бўлади. Боз устига, гуруҳ аъзолари томонидан доимий равишда етакчининг ўзи ҳам турли таъсирларга дуч келиб туради. Сиёсий етакчининг ўзига хос мақоми шундаки, унинг таъсири жуда кенг қамровли, бутун жамоа, уюшма доирасида бўлди.

Учинчидан, сиёсий етакчи ҳаммага таъсир қудрати кучли бўлгани, тан олингани билан баҳоланади. Етакчининг ўз издошларига, гуруҳ аъзоларига муносабатидан нотенглик бўлиши табиий.

Бошқа назарияга кўра, етакчилик бу — бошқарув мақоми, ҳамма ижро этишга мажбур раҳбарий қарорлар қабул қилиши учун ижтимоий позиция, раҳбарлик лавозимидир. Етакчиликнинг бундай талқини жамиятни ижтимоий позициялар ва ролларнинг мураккаб иерархик ташкилланган тизим сифатида қаровчи таркибий-функционал ёндашувдан келиб чиқади. Бошқарув функциялари (роли)ни бажариш билан боғлиқ бу тизимдаги позиция инсонга етакчи раҳбарлик мақомини бахш этади. Бошқача айтганда, етакчилик бу — муайян шахслар ёхуд бутун гуруҳ аъзоларининг хатти-ҳаракатларини аниқ мақсадлар сари бошқариб туриш қудратига эга сардорнинг жамиятдаги қонуний мавқе-мақомидир.

Бошқа бир назарияга кўра, сиёсий етакчилик бу сиёсий бозордаги тадбиркорликдир. Унга биноан раҳбар лавозим учун кураш рақобатида сиёсий тадбиркор ўзининг ижтимоий вазифалар билан боғлиқ қарорлари дастурини ва уларни амалга оширишнинг мўлжалдаги усуллари аниқ ишлаб чиқади. Айти пайтда, сиёсий тадбиркорликнинг ўзига хос хусусияти сиёсий товарни шахсийлаштиришида, уни потенциал етакчи шахси билан уйғунлаштиришида, шунингдек, ушбу товарни умумфаровонлик рамзи сифатида реклама қилинишида намоён бўлади. Сиёсий етакчиликни ана шу тарзда тушуниш тўғри ҳисобланади. Лекин у энг аввало давлат, партия ва бошқа демократик ташкилотларга нисбатан қўлланилади.

Шунингдек, ҳокимият ёрдамида гуруҳлар манфаатларини амалга оширишга қодир шу гуруҳ сиёсий фаолияти, хулқ-атвори намунаси бўлмиш сиёсий етакчи сиймосида бирлик, аҳиллик тимсолини кўрувчи назария ҳам мавжуд. Боз устига, ушбу назария сиёсий етакчи субъектив фазилатларининг бирламчи аҳамиятини таъкидлаган ҳолда, етакчилик стихия ҳолида халқнинг ўзи томонидан яратилишини исбот қилади.

Сиёсий етакчи тушунчаси икки аспектга эга: ҳокимиятни эгаллаш билан боғлиқ формал-лавозимий мақом ва ўзига юклатилган ижтимоий ролни бажариш бўйича субъектив фаолият. Дарвоқе, биринчи аспект шахсни сиёсий етакчи сифатида баҳолаш учун асос ҳисобланади. Шахсий сифатлари ва эгаллаб турган лавозимдаги аниқ хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ иккинчи аспект, авваламбор, лавозимни эгаллаш ҳамда сақлаш учун, шунингдек, сиёсий етакчи-сардор фао-

лиятининг серсамарлиги ёхуд самарасизлигига баҳо бериш билан боғлиқ.

Сиёсатда фаолият характери ва миқёси жиҳатидан етакчи — сардорларнинг уч хил даражаси мавжуд.

Биринчиси, умумий манфаатга эга жамоа устидан нисбатан кўп раҳбарлик ваколатига молик кичик гуруҳ етакчиси. Бундай раҳбар гуруҳ томонидан бевосита ҳамкорлик жараёнида ўзининг шахсий фазилатлари асосида шаклланиб, катта обрў-эътиборга эга бўлади. Бу шароитда унинг функцияси ишчанликдан, ақлий-малакавий, ташкилий қобилиятидан, муомала маданиятидан, тан олинган обрў-эътиборидан келиб чиқади.

Иккинчиси, ижтимоий ҳаракат (ташкилот, партиялар) етакчиси. Бундай раҳбар тимсолида муайян ижтимоий қатлам (гуруҳ)лар ўз манфаатларини қондириш имкониятига эга бўладилар.

Бу типдаги етакчи ўз шахсий фазилатлари ва уни қўллаб-қувватловчи гуруҳ шундай етакчини кутиш, унга эҳтиёж ҳис қилиш — бу оммавий онгнинг алоҳида ҳодисаси — асосида шаклланади ҳамда фаолият кўрсатишади. Шу сабаб ҳам бундай етакчи муайян ишончга эга ва сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватланиб турилади. Ижтимоий ҳаракатнинг мақсад ва вазифалари қанчалик кам аниқланган бўлинса, етакчи фаолияти шунчалик салмоқдор бўлади.

Учинчиси, шундай етакчи — сардор-ки, у бевосита ҳокимият муносабатлар тизимларида фаолият кўрсатади. Бунда сиёсий етакчилик ижтимоий институт сифатида намоён бўлади. Шахсий фазилатлар биринчи ҳолда қатъий аҳамият касб этса, иккинчи ҳолда сезиларли таъсир кўрсатади, учинчи ҳолда эса етакчи раҳбарнинг сиёсий хулқ-атвориغا ва унга нисбатан бўлган муносабатга ҳал қилувчи таъсир кўрсатмайди. Бундай ҳолда сиёсатчи фаолияти муайян сиёсий маданиятга дахлдор ташқи регулятивлар билан белгиланади.

Тарихан шакланган сиёсий етакчилик, наинки, манфаатлар уйғунлиги, айни пайтда, сиёсий хатти-ҳаракатнинг потенциал субъекти бўлмиш етакчи-сардорнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ.

Антик замонда сиёсий етакчилик шахс билан боғлиқ бўлган. У аниқ бир шахснинг обрў-эътиборига, фазилатларига асосланган. Етакчи билан унинг тарафдорлари ўртасидаги муносабат «ўқитувчи-ўқувчи» муносабатларига ўхшаган бўлган. Чунки сиёсий ҳаёт бевосита дунёқараш масалаларини ҳал этиш, муайян

ахлоқий қадриятларни тинимсиз уқтириш билан боғланган.

Ўрта асрлар Оврүпосида сиёсий етакчилик доимий равишда ўз ахлоқий — этик қимматини йўқотиб борган. Етакчи — сардорнинг таъсири шахсий фазилатларидан кўра унинг муайян бир сиёсий жамоага раҳбарлик қила билиш салоҳиятига асосланган. Етакчидан ахлоқий намуна бўла олиш эмас, кўпроқ қўйилган мақсадга эришиш, умумманфаатни аниқ белгилай билиш иқтидори талаб этилган. Сиёсий етакчилик прагматизмининг бундай тенденцияси, айниқса, Оврүпо Уйғониш эпохаси, буржуа инқилоблари даврида яққол намён бўлади.

Ҳозирги замон жамиятида сиёсий етакчилик ижтимоий муаммолар ва жамият тараққиёти вазифаларини ҳал қилишга қаратилган дастур (концепция)ларни тўлиқ амалга ошириш билан боғлиқ махсус механизмлар воситасида турли ижтимоий қатлам (гурӯх)ларнинг интеграциясига асосланган сиёсий ҳокимиятни ташкил этиш усули ҳисобланади.

Сиёсий етакчилик бутун жамият миқёсида ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда аҳолининг аксар кўп қисмини жалб қилишга қодир институт сифатида хизмат қилади. Жамият интеграцияси механизми сифатида сиёсий етакчилик, наинки, сиёсатчи фаолиятининг ҳуқуқий базалари, айна пайтда, ахлоқий нормалар воситаларида мавжуд бўлади. Сиёсатчи тақдири юридик масъуллиқ ҳис қилиши зарур бўлмаган, лекин унинг ўзининг ўсишини таъминловчи хатти-ҳаракатларига боғлиқ.

Сиёсий етакчилик механизмида сиёсатчи фаолиятининг юридик асослари қабул қилинган қарорлар устидан юридик назорат ўрнатиш воситалари, улардан фойдаланиш, «сиёсатчи-жамият»нинг тескари алоқасини амалга ошириш билан боғлиқ. Етакчига, унинг тарафдорларига ноюридик таъсирнинг легал доираси қанчалик ривожланган бўлса, сиёсий етакчилик механизми шунчалик ривожланган бўлади. Демак, сиёсий етакчилик механизми шунчалик кўпроқ ва хўброқ махсус ижтимоий институтга айланади.

Сиёсий етакчининг ижтимоий мавқеи бевосита сиёсий маданият даражаси ва омма фаоллигига боғлиқ бўлади.

Фаол сиёсий маданиятнинг устунлиги, устувор демократик анъаналарнинг мавжудлиги, давлат томони-

дан назорат қилинмас фуқаролик жамиятининг ва сиёсий муҳолифатнинг борлиги малакасиз, иқтидорсиз раҳбарнинг, турли кўринишдаги валюнтаризмнинг, ҳокимиятни суистеъмол қилишнинг имкониятларини чеклайди, шу билан бирга сиёсатда шахсий имкониятлару салоҳият учун яхши замин яратади. Шу сабабли етакчилар танлаш тизимини такомиллаштириш ва омманинг демократик сиёсий онгини ўстириш — жамиятга сиёсий раҳбарлик қилиш самарадорлигини оширишнинг муҳим шартларидир.

Етакчилик позициясини таркиблаштириш формал етакчилик тушунчасида ифодасини топади. У муайян шахсларнинг тегишли нормалар ва қоидалар негизида жамоа аъзоларига устувор таъсир кўрсатиши, демакдир.

Субъектив қобилият ва етакчилик ролини бажаришга тайёр инсон фаолияти, шунингдек, гуруҳ (ташкilotлар, жамият) аъзолари томонидан унинг раҳбарлиги тан олинганлиги ноформал етакчилик категорияси билан характерланади. Аъзоларнинг бевосита алоқаларига асосланган кичик гуруҳларда етакчилик позициясининг таркиблаштирилиши рўй бермаслиги мумкин. Бу ерда етакчиларнинг шахсий фазилатлари, уларнинг гуруҳни бирлаштириб, ўз ортларидан эргаштира олиш салоҳиятлари биринчи ўринга кўтарилади.

Аниқ функционал роли дифференциялашган ва ихтисослашган бўлиши, жамоавий фаолиятининг самарадорлиги, шунингдек, бошқарувдаги тезкорлик, бўйсинишнинг қаттиққўллиги (масалан, армияда), етакчилик позициясининг таркиблаштирилганлиги ҳамда формаллиги (расманлиги), нисбатан кўп раҳбарлик ваколатига эга бўлиш сиёсий етакчи учун шартдир. Сиёсат айнан ана шу типдаги бирлашма ва фаолиятга дахлдор. Бу сиёсатга ўз олдиларига аниқ мақсадлар кўйган, сиёсий муҳолифат томонидан доимо тазйиққа учуровчи аксар кўпчилик омма ҳаракат қилишади. Ана шу ўзига хосликлар ўлароқ, етакчилик позициясининг таркиблашуви ва формаллиги сиёсати унда, айниқса, яққол намоён бўлади. Бу сиёсий етакчиликнинг формал аспектларига алоҳида устувор мақом бахш этади. Сиёсатда ижтимоий тизим ва унинг соҳаларининг ўзини ўзи ташкиллаштириши, одамлар фаолиятини тартибга солишига бўлган эҳтиёж — талабнинг бажарилиши биргина етакчи — сардорнинг шахсий сифатларигина эмас (гарчи бу ҳам жуда муҳим бўлса-да), балки кўпроқ

ҳокимият институтлари таъсирига, кучига боғлиқ бўлади.

Етакчилик ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг турли хил шакллариغا хосдир. Бу борада ҳозирги замон сиёсатшунослигида жуда кўплаб назариялар мавжуд. Энг аввало, бу хислат назариясидир. Назария идеал етакчилар — миллий қаҳрамонларга хос хусусиятлар, хислатлар асосида яратилган. Ушбу назария моҳияти шундаки, у етакчи феноменининг ноёб сир-асрорлари кашфи билан боғлиқ. Жумладан, шахсда қудратли ақлий салоҳияти, айниқса, фавқулодда аҳамият касб этади.

Сиёсий етакчига хос хислат, одатда, ўқтам ақл, ўткир фаҳм, метин ирода, жўшқин қувват-энергия, фавқулодда ташкилотчилик салоҳияти, одамларга маъқул бўла олиш, малакавий етуклик, масъулиятни зиммасига олишдан чўчимайдиган харизматикликда теран намоён бўлади.

Албатта, сиёсий рақобат шароитида етакчилик позициясини эгаллаш учун муайян руҳий ва ижтимоий сифатлар зарур. Бироқ улар тарихий давр ва алоҳида олинган давлатнинг хусусиятларига боғлиқ бўлади. Ҳатто, бизнинг кунларда ҳам сиёсий муваффақиятга имкон берувчи шахсий фазилатлар, масалан, Оврупода ва Яқин Шарқда бир-биридан фарқ қилади. Боз устига, кўпгина, айниқса, нодемократик давлатларда, одатда, ёрқин индивидуаллиги билан ажралиб турмайдиган шахслар сиёсий етакчилик қилишади.

Ана шуларнинг ҳаммаси хислат назариясининг иккинчи такомил босқичига, яъни унинг омил-таҳлилий концепциясининг юзага келишига сабаб бўлади. Концепция етакчининг соф шахсий сифатлари билан унинг муайян сиёсий мақсадлар-ла боғланган хислатлари ўртасидаги фарқни белгилаб беради.

Омил — таҳлилий концепция етакчилик назариясига муайян вазият билан боғлиқ мақсад ҳамда вазифалар тушунчаларини олиб кирди. Етакчининг шахсий сифатлари билан унинг олдида турган мақсаднинг ўзаро уйғунлиги оқибати ўлароқ, унинг «иккинчи табиати»ни ташкил этадиган хулқ-атвор услуби (етакчилик услуби) шаклланади. Етакчининг услуби ва мақсади унинг аниқ ижтимоий мажбуриятларини ўзида тажасум этади.

Муайян ижтимоий шарт-шароитлардан келиб чиқувчи етакчилик ғояси **вазият концепциясини** асослайди ва ривожлантиради. Вазият концепцияси етакчилик

феноменининг нисбийлиги ва кўп қирралилигидан келиб чиқади. Мазкур назарияга кўра, етакчи муайян вазият функциясидир. Айнан юзага келган муайян муҳит сиёсий етакчини аниқлаб, у қабул қилаётган қарорлар ҳамда хатти-ҳаракатларини белгилаб беради. Шундай қилиб, маълум бир давлат инқироз ҳолатидами ёки устувор ривожланишдами, қатъи назар, унда етакчига талаб ҳар хил бўлади.

Вазият назарияси нуқтаи-назаридан етакчи сардорлик сифатлари нисбий ҳисобланади. Бир одам митингларда, бошқаси — кундалик сиёсий — ташкилий ишларда, учинчиси — шахслараро ўзаро муносабатларда ўз етакчилик салоҳиятини намойиш қилади. Умуман олганда, етакчилар, аввало, у ёхуд бу вазифани, муаммони ҳал қилишни бўйинга олиш масъулияти ва малакавий салоҳияти билан ажралиб туришади.

Вазият назарияси шахс индивидуал фазилатларининг ўта муҳимлигини инкор этмайди, бироқ уларни мутлақлаштирамайди ҳам, балки сиёсий етакчиликнинг табиатини объектив муҳит, воқелик талабларидан келиб чиқилгани ҳолда, тушунишга устуворлик бағишлайди. Эмпирик тадқиқотлар тасдиқлаган ушбу концепция асосида шундай хулосага келинди: ҳозирги Фарб жамиятида муваффақиятга кўпроқ сиёсий конъюктурага қаровчи қатъияти йўқ киши эришиши бот-бот таъкидланилади. Бироқ вазият назарияси каби ушбу хулосалар ҳам ҳаминша ўз исботларини топавермайди. Чунки мазкур назариянинг чекланганлиги шундаки, у етакчининг фаоллигини, вазиятни олдинда кўра билиб, уни соғлом манфаатлар сари йўллашини, бошқалардан кўра аввалроқ янги тенденцияларни илғаб, улардан аниқ сиёсий ва бошқа мақсадларда самарали фойдаланишни, мураккаб ижтимоий-сиёсий муаммоларни олдиндан ечишни ўзида тўлиқ акс эттирмайди.

Сиёсий етакчилик табиати анча мураккаб. У айнан бир хил талқин доирасига сифмайди. Унинг субъектив механизмларини тушунтиришда руҳий концепция, жумладан, етакчиликнинг руҳий-таҳлилий тушунтириб берилиши ёрдамга келади. Муайян руҳий эҳтиёжлар етакчига бўйсинишни ҳам акс эттиради.

Етакчилик тушунчасининг мўллиги унинг типологиясида аксини топади. Етакчиликнинг хилма-хил таснифлари мавжуд. Энг аввало, у раҳбарнинг ўз ходимларига муносабати ўлароқ, авторитар ва демократик мақомларга бўлинади.

Авторитар етакчилик санкция ва куч ишлатиш, яъни кўрқитиш асосида бошқаларга тазйиқ ўтказиш, дега-нидир.

Демократик етакчилик эса барча гуруҳ ёки ташки-лот аъзоларининг умумманфаатлари ва фикрларини инобатга олиш, уларнинг бошқарувда онгли фаол иш-тирок этишларида намоён бўлади.

Етакчиликнинг анча кенг тарқалган типологияла-ридан бири ҳокимият легитимлиги усуллари билан боғлиқ. Ана шу усуллар ўлароқ, етакчилик, бирин-чидан, тан олинган етакчи обрў-нуфузи урф-одатларга асосланган анъанавий (қабилалар, дарғалар, монарх-лар ва б.) қадриятларга, иккинчидан, демократик йўл билан қонуний сайланган етакчиларга (рацио-наль-легал), учинчидан, буюк фазилату хислатларга эга қодир харизматикларга бўлинади. Шундай бўлса-да, етакчининг индивидуал хислатлари унинг хариз-ми шаклланишида кўпинча иккинчи даражали роль ўйнайди.

Етакчиликнинг қайд этилган таснифи гарчи ҳар қан-дай тасниф чекланган, шартли бўлса-да, оддий ва ўнғай.

Етакчиликнинг биринчи типи негизида қилиқ, ик-кинчисида — ақл, учинчисида — ишонч ва ҳис-ҳаяжон ётади. Ушбу тасниф асосчиси М.Вебер харизматик етак-чи таҳлилига алоҳида эътиборини қаратган. Ушбу тип-даги етакчини олим инқирозли даврларда жамиятни инқилобий ўзгартиришнинг муҳим омили — генерато-ри, деб баҳолайди. Чунки харизматик доҳий ва унинг обрўси ўтмиш билан боғланмаган. Шу боис ҳам у иж-тимойй янгиланишлар билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилишга оммани сафарбар эта олади. Тараққиётнинг нисбатан сокин даврларида жамият учун рационал — легал етакчилар, яъни тарихий анъаналарни кўз қора-чигидек асраб, қадрловчи, зарур ислоҳотларни оғиш-май амалга оширувчи раҳбар — сардорлар зарур. Уму-ман олганда, кўп давлатлар тарихида сиёсий етакчи типининг ўзгариб туришида муайян узвийлик бўлган-лигини кузатиш мумкин. Асосчи — доҳий (харизма-тик) анъанавий етакчи — халоскорга, ўз навбатида, ислоҳотчи — қонун чиқарувчи сардорга айланади.

Ҳозирги сиёсатшунослик илмида етакчининг тўртта муштарак, яъни яловбардор ёки буюк инсон, хизмат-чи, тижоратчи ва ўт ўчирувчи образи мавжуд.

Яловбардор етакчини воқеликни ўз нигоҳи билан

кўра олиш, билиш, жозибатор идеал, «орзу», оммани ўз ортидан эргаштириш салоҳияти ажратиб туради.

Хизматчи етакчи ҳамиша ўз тарафдорлари ва сайловчилар манфаатлари ифодачиси сифатида намоён бўлади.

Тижорат етакчи учун ўз гоё ва режаларини жозибатор қилиб етказиш, фуқароларнинг олий қадрият эканлигига ишонтириш, ўз гоёларини бошқаларни «сотиб олишга» мажбур қилиш, оммани шу гоёларни амалга оширишга сафарбар этиш маданияти хос.

Ва, ниҳоят, ўт ўчирувчи етакчи шу куннинг тақдириломон ижтимоий муаммолари ечимига ўзини тўла бағишлайди. Унинг фаолияти муайян аниқ вазият билан белгиланади.

Реал ҳаётда етакчининг бу тўрт образи, одатда, соф ҳолда учрамайди, балки сиёсий арбобларда турли пропорцияларда уйғунлашади.

Етакчиликнинг бўлак таснифлари ҳам мавжуд. Масалан, сиёсий арбоблар раҳбар, муҳолифатдаги, йирик, майда, инқирозли, пролетар, буржуа, майда буржуа каби тоифаларга бўлинади.

Етакчилик типларининг турличалиги кўп ҳолларда улар фаолиятлари йўналишларининг бойлиги, ҳал қилётган вазифаларининг кенг миқёслилиги билан белгиланади. Ушбу вазифалар тўппадан-тўғри етакчи амалга ошираётган аниқ вазифага боғлиқ. Вазифалар жамиятнинг, ижтимоий гуруҳ ва ташкилотнинг муайян эҳтёжлари негизида юзага келади. Мазкур эҳтёжларни англаш вазифа шаклида намоён бўлади. Ана шу аспектда етакчи вазифаси, одатда, барча эҳтёжларни ўз вақтида ҳисобга олиш, мақсадларни аниқ тайин этиш, уларни амалга ошириш масъулиятини зиммасига олиш, оммани уларни бажаришга сафарбар қилишга қаратилади. Булар етакчининг ўз ижтимоий ролини бажаришнинг асосий босқичларини характерловчи формал вазифалар ҳисобланади.

Етакчи вазифалари характеристикаси ичида қуйидагилари нисбатан ажралиб туради:

Биринчидан, оптимал сиёсий қарорлар топиш ва қабул қилиш. Етакчи бошқа давлатлар билан муносабатларда миллий бирлик ифодачиси, рамзи мақомида намоён бўлиши, умумий мақсаду қадриятлар йўлида одамларни бирлаштириб, якдилу яктан этиши, халққа, давлатга, Ватанга хизмат қилиш намунасига айланиши шарт.

Иккинчидан, оптимал қарорлар топиш ва қабул қилиш. Гарчи етакчилар хатолардан холи бўлмасаларда, тез-тез катта-кичик хатоларга йўл қўйиб туришсаларда, барибир, жамиятда мавжуд муаммоларни тўғри ҳал этишлари уларнинг етакчи — раҳбарлик лавозимлари-ю мақомларини оқлайди.

Учинчидан, ижтимоий арбитраж ва патронаж, омани қонунбузарликдан, тўраллик иллатларидан ҳимоя қилиш, тартиб ҳамда қонунийликни назорат, рағбатлантириш ва жазолаш воситалари ёрдамида қўллаб-қувватлаш вазифаларини айнан тан олинган йирик етакчи амалга оширади. Гарчи ижтимоий патронаж амалда ҳамма вақт ҳам рўёбга чиқавермаса-да, «яхши шоҳга», «халқ отасига», ожиз-нотавонлар, бечора одамлар халоскорига ишонч қолаверади. Сабаб — то ҳануз патриархал сиёсий маданиятга асосланган давлатларда омма онгига бундай тушунчаларнинг чуқур сингиб кетганлигида. Афсуски, бундай ҳолни асрий демократик анъаналар шакланган бошқа давлатларда ҳам кўриш мумкин.

Тўртинчидан, ҳокимият ва омма коммуникацияси, сиёсий ва эмоционал алоқалар каналларини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг сиёсий раҳбариятдан бегоналашуви олдини олиш. Ҳокимиятнинг кўп зинали мураккаб тизими, унинг бюрократлашгани шароитларида мазкур функциялар, айниқса, қимматли. Оммавий ахборот воситалари ёрдамида, шунингдек, сайловчилар билан учрашувларда ва бошқа тадбирларда Президент, бўлак сиёсий раҳбарлар халқ билан бевосита алоқа қилишнинг кенг имкониятларига эга бўлишади.

Бешинчидан, ўзгаришу янгиланишларга рағбат, умидбахшлик ва ижтимоий қувватни ошириш, сиёсий мақсадларни амалга оширишга омmani жалб қилиш.

Ушбу гуруҳда бир-бирига яқин бир неча функциялар ўз йўналишлари бўйича бирлашади. Етакчи халқ анъаналарини ҳимоя қилишга, ҳар қандай янгиликни ўз вақтида англашга, жамият ривожини таъминлашга, омmani ижтимоий идеаллар ва қадриятларга ишончини уйғотишга масъул. Кўп жиҳатдан бу сифатлар харизматик етакчи — сардорлар неъматидир.

Олтинчидан, тизимни легитимлаштириш. Бу функция, асосан, тоталитар режим етакчиларига дахлдор. Сиёсий режим тарихий анъаналар ва демократик мақомларда ўз ўрнини тополмаса, унда ўзини фавкулотда нодир хислатларга эга харизматик етакчилардан

излашга, топишга мажбур бўлади. Худди шундай ҳол собиқ СССРда кузатилган эди. Яъни большевикча ҳокимият миллий тарихий анъаналарни шафқатсизларча инкор этиб, ўз дохийлари «идеаллари»ни «абადийлаштирган» эди. Оқибати нима билан яқун топгани эса бугун ҳаммага маълум.

Ҳозирги шароитда сиёсий етакчиларнинг юксак даражадаги қудратли мавқеи бевосита фуқаролик жамияти ривожини истиқболда ҳам акс этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН: ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ ОЛИС ЙЎЛ

І б о б

МУТАФФАКИР ТАРИХ

Биз биринчи бўлимда фуқаролик жамиятининг моҳияти ва шаклланиш хусусиятлари борасидаги асрлар давомида яратилган айрим нуқтаи назарларни, асосан, антик дунё ва ўрта асрлар Оврупоси сиёсий ва ҳуқуқий таълимоти мисолида қисқача қараб чиқдик. Тадқиқотчилар ҳозирги пайтда фуқаролик жамиятининг келиб чиқиш тарихини аниқлашга асосий эътиборни қаратмоқдалар. Бир қатор тадқиқотларда фуқаролик жамияти турли мамлакатларда турли даврларда пайдо бўлган, деган фикр илгари сурилади. Масалан, Фарбда XVI—XVII асрларда, дунёнинг бошқа минтақаларида эса фуқаролик жамияти генезиси XIX—XX асрларда юзага келган, деган қарашлар мавжуд. Дунёнинг қайси мамлақатида қачон пайдо бўлишидан қатъи назар, фуқаролик жамияти Фарб андозаси асосида шаклланган, деган эътироф устувор. Бу зиддиятли фикрларда Фарбни Шарқдан устун қўйиш нияти борлигини фаҳмлаш қийин эмас.

Бошқа томондан, фуқаролик жамиятининг шаклланиши бу умумжаҳон тараққиётининг ҳозирги ривожланиш босқичи бўлиб, анъанавий жамиятдан цивилизациялашган жамиятга, аграр жамиятдан агроиндустралашган жамиятга ўтиш босқичидир, деган фикр кенг тарқалди. Юксалиш аломатлари белгилари Фарбда бўлганидек, Шарқда ҳам ўзига хос мустақил равишда рўй бермоқда.

Бизнингча, бу масала хусусида батафсилроқ тўхташ керак. Чунки у Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-мундарижаси билан бевосита боғ-

лиқ. Масалани тадқиқ этиш орқали тараққиётнинг давомийлигини, шаклланаётган фуқаролик жамияти тарихимизда асрлар давомида шарқона ва миллий анъаналар негизида у ёки бу даражада мавжуд бўлган маълум маънодаги фуқаролик жамиятларининг юқори босқичи сифатида давом этиши, бу жараёнда Фарбда шаклланган фуқаролик жамияти самараларидан фойдаланиш ҳам табиий бир ҳолдир.

Юқоридаги муаммони тўғри ҳал қилиш орқали, бир томондан, бизда шаклланаётган фуқаролик жамияти асосларининг халқимиз тафаккурида, онгида асрлар давомида сақланиб келган адолат меъёрларига нечоғли мос келишини аниқлашга муваффақ бўламиз, иккинчи томондан, бу борадаги илмий-амалий изланишларга тўғри йўл очамиз.

Масалага тарихий нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, фуқаролик жамиятининг моҳияти ва шаклланишига мос келувчи айрим гоёлар эзгу сўз, эзгу фикр ва эзгу амал қоидаларига асосланган қадимий муқаддас бойлигимиз «Авесто»да кўзга ташланади. Бу буюк китобда инсоният тараққиётида эзгулик билан ёвузлик, адолат билан зулм, гўзаллик билан жирканчлик ўртасидаги муросасиз кураш ифодаланган. «Авесто»ни синчиклаб ўқир эканмиз, аждодларимизнинг юксак маънавий-маърифий қиёфаларини тасаввур этамиз, давлатчилигимизнинг узоқ тамаддун тарихга эга эканлигига амин бўламиз.

«Авесто» номи ўзининг аниқ маъносида «Ҳаётга йўлловчи асар», деганидир. Ҳақиқатан ҳам «Авесто» асрлар давомида одамларни яхшиликка, эзгуликка, курашга ундаб келди, қалбларда ёмонлик-ёвузликка нисбатан кескин нафрат уйғотди. Бу китоб инсоният тарихида илк ёзма адабиётлардан бири сифатида ҳам улкан аҳамият касб этади. Ахлоқий-фалсафий гоёларнинг ягона яхлит тизимга жамланиши, давлатчилик ҳақидаги гоёларнинг изчиллиги, инсоннинг жамиятдаги ўрни каби масалаларнинг ёритилиши нуқтаи назаридан «Авесто» инсоният цивилизацияси тарихида муқобили кам китоб, десак тўғри бўлади.

«Авесто»да ифодаланган дунёқараш яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш жараёнида ҳар бир инсонга ўз ўрнини топишга ёрдам беради. Инсон фаолияти, ҳаёти учта омилга асосланиши керак: эзгу сўз, эзгу фикр, эзгу амал. Яъни, инсоннинг сўзи ҳам, фикри ҳам, иши ҳам эзгуликка қаратилиши керак. Эзгулик

бу — меҳнат қилиб, моддий неъматлар етиштиришдир. Шунинг учун ҳам «Авесто»да, нафақат, ўша даврда мавжуд натура-хўжалик тизими асослари таърифланиши билан бирга, яна жамиятни, инсон ҳаётини тобора фаровонлаштириб бориш йўллари ҳақида ҳам фикрлар баён этилади.

Хоразмда «Авесто» яратилганининг 2700 йиллиги жаҳон олимлари иштирокида кенг нишонланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таъкидлаб кўрсатишича, бу ноёб асар тарихий ҳужжат ҳисобланади, уни ўқиб, биз бу қадимги ўлкада, мана шу заминда юксак маданият ва маънавиятга асосланган давлат мавжуд бўлганини, бу тарихий тараққиёт мевалари асрлар давомида халқимизга куч-қувват ва илҳом бағишлаб келганига амин бўламиз.

Мана шунинг учун ҳам юртимизга бостириб кирган ҳар қандай босқинчи, у юнон бўладими, араб бўладими, қатъи назар, биринчи навбатда, мана шу муқаддас китобни йўқ қилиш, шу орқали халқни тарихидан, хотирасидан маҳрум қилишга ҳаракат қилган. Жумладан, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Александр Македонский юртимизга бостириб кираркан, 32 китобдан иборат бўлган «Авесто»нинг охириги нусхасини Грецияга жўнатишга, тиббиётга, астрономия ва философияга тегишли қисмларини қайта ёзиш, қолган қисмини эса ёқиб юборишга буйруқ беради. Китобдаги айнан ватанпарварлик туйғусини шакллантирувчи қисмлари ёқиб юборилади. Бу иш атайлаб қилинади.

Маълумки, фуқаролик жамияти ғояси инсоний цивилизациянинг илк босқичлариданоқ «идеал давлат», «идеал жамият», «идеал шоҳ» тушунчалари негизда моҳиятан шакллана бошлаган. Ғоя ўз таком依лида кейинчалик, яъни милоддан аввалги VII—VI асрларда «Авесто» китобининг мазмун-мундарижасида муайян тизимий яхлитлик касб этди.

«Авесто»да фуқаролик жамиятининг ўз даврига хос, ўта оддий шаклдаги асослари, белгилари ва хусусиятлари ифодасини топган. Бу ифодани, милоддан аввалги VII—VI асрларда давлат ва унинг ҳудудий бошқарув тизими акс этган жадвалда кўриш мумкин:



Фуқаролик жамиятининг биринчи хусусияти — одамларнинг жамиятда ижтимоий фаоллиги ҳисобланади. «Авесто»да бунинг юксак намуналарини учратиш мумкин.

«Авесто»да тасвирланган жамият аҳли тўрт табақага — қоҳинлар, ҳарбий йўлбошчилар, чорвадорлар ва ҳунармандларга бўлинади. Жамиятни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-ҳарбий бошқарув тизими қуйидагича бўлган:



«Авесто»да меҳнат қилиб, моддий бойликлар яратиб, ташландиқ ерларга ишлов бериб, суғориб, обод қилган, сут, гўшт-ёғ, дон етиштириб, жамият фаро-

вонлигини таъминланган деҳқонлар, чорвадорлар, боғ-бонлар, овчилар, косиб-хунармандлар улуғланиб, шундай дейилади:

«Илоҳий қонунга бўйсунадиган яхши киши, яқин одамга меҳрибон бўлиш, муҳтожлик ва хавф-хатар остида қолганда кўмаклашишга шайлик, кишилар бахт-саодати учун ёвузликка қарши фаол курашга тайёр бўлиш, ҳамма билан аҳил ва тотувликда, биродарликда яшашга интилишда намоён бўлади. Инсон фикран ҳам, ҳаёлан ҳам ҳасадагўй бўлмаслиги лозим. Яхши ниятли киши ҳеч қачон дарғазаб бўлмайди ва жаҳолатга берилмайди, чунки жоҳиллик ҳолатида у яхши ниятини йўқотади, бурч ва адолатни унутиб, ножўя ҳаракатлар қилади». Шу боис «Яхшилик таълимини ва садоқатини амалга ошириб... яхши ҳокимлар ҳукм юри-таверсинлар. Одамларга ва уларнинг авлодларига бахт-саодат келтирадиган адолатли қонунларни амалга оширсинлар» («Ясна», 48).

Шуниси эътиборлики, Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» асарларида фуқаролик жамиятининг ўз даврига хос асослари баён қилинган. Маълумки, Амир Темур давлатининг ихтиёрий қурилмасини фуқароларнинг 12 табақаси ташкил қилган ва ҳар бир табақа кишилари ўз касб-хунар, мавқе ҳамда вазифаларига эга бўлган. Бу қонун даражасида белгилаб қўйилган. Ҳар бир киши ўз вазифасини аниқ ва пухта бажаради, қонун устуворлик қилади, унга барча бирдек бўйсунди. Натижада, жамиятда беқарорлик юзага келмайди.

Фуқаролик жамиятининг иккинчи асосий хусусияти — инсон ҳуқуқларининг устуворлиги ҳисобланади. «Авесто» «амалий қонунлари»нинг мақсади эса «барча жиҳатлардан уйғун ва уюшган, гуллаб-яшнаган адолатли жамиятни яратил»дан иборатдир.

Табиийки, одил ҳукмдордан бошқалар ҳам қонунни муқаддас билиши ва зўравонликка йўл қўймаслиги керак.

Зардуштийлик ҳуқуқида инсон ҳуқуқлари масаласига алоҳида эътибор қаратилганлигини кўрамиз. Мисол учун, аёл киши шахсий мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, ундан хайрия мақсадларида мустақил фойдаланиши, шунингдек, мустақил равишда даъвогар бўлиши ва гувоҳ сифатида кўрсатмалар бериши мумкин бўлган.

Никоҳ зардуштийлик ҳуқуқида унга кирувчиларнинг икки томонлама хоҳиши натижаси бўлиб, фақат шундан кейин ота-оналар ва васийлар томонидан тасдиқланган. Никоҳ шартномаси муайян муддатга тузилган (одатда, 10 йилгача). Ушбу муддат тамом бўлгандан кейин у ҳар иккала томоннинг қарорига кўра янгидан тузилган.

Агар эр судда ўз хотинини бўйсунмасликда айблаган тақдирда ҳам хотиннинг ҳуқуқлари ҳисобга олинган. Ушбу ҳолатда ўзига юкланган айбни ҳамма олдида рад этиш ва ўзининг айбдор эмаслигини исботлаш ҳуқуқи хотинда қолган, чунки акс ҳолда, у ўзига тегишли бутун мол-мулкдан эр фойдасига жудо бўлган.

«Авесто»да туғилган ва туғилмаган болалар ҳуқуқлари қатъий муҳофаза қилинганлигининг гувоҳи бўламиз. Вояга етмаган болаларни ота-оналаридан олиб кетиш, васийсиз қолдириш оғир жиноят ҳисобланади. Болаларга жуда ёшлигидан диний ва дунёвий фанларни ўқитиш, ҳарбий санъат ҳамда касб-хунар ўргатиш тавсия этилган.

Зардуштийлик ҳуқуқида қул муайян ҳуқуқларга эга бўлиб, айрим ҳолларда у ўз хўжайинига қарши даъво қўзғатиши ҳам мумкин.

«Авесто»да суд ва суд ишларини кўриш масалаларига катта эътибор берилган. Олий судья вазифасини Оқсоқоллар Кенгашининг мўтабар уламози — коҳин бажарган, уни «Заратуштроэма», деб аташган. Унинг ҳукми мутлақ бўлган.

Суд жараёни маълум маросимда, асосан, дуолар ўқиши шаклида айтилиши билан ўтказилган. «Авесто» судда кўрилаётган материал шаклининг қуйидаги уч тури ҳақида маълумот беради:

1. Кечириладиган, яъни авф этиладиган шахслар иши бўйича.

2. Жазоланиши, масалан, ўлимга ҳукм этилиши лозим бўлган шахслар иши бўйича.

3. Ҳақоратланганни поклаш чоғида покловчининг гувоҳлиги бўйича.

Судда ишни кўриш чамаси муҳобалашув, яъни мунозаралашув тусида бўлган. Ишни ҳал этишдан олдин қонун-қоидани бузувчининг айби қатор масалаларни, айбдорлик шаклини қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли, қаттиқ ҳаяжон ҳолатида, биринчи марта ёки

такроран қондани бузганлик, айбдор ўз айбини тан олиши, айбдорнинг диний мансублиги ва бошқалар аниқланган.

Афтидан, мазкур масалаларни аниқлаш учун суд гувоҳлик кўрсатмаларидан фойдаланган. «Вандидод»да гувоҳлик кўрсатмаларини беришнинг маълум қоидалари, яъни «қасам олтин суви»да қасамёд этиш ўрнатилган, шунингдек, ёлгон кўрсатма берганлик учун қаттиқ жазо — 700 марта тиканли қамчин билан жазолаш белгиланган.


Манбаларда авесто жамиятида «тангри суди» борлиги ҳақида маълумот берилади.

Зардуштийлик таълимоти уч таянчга асосланган: «фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг қатъийлиги». Зеро, зардуштийлар умр бўйи шу қонунларнинг устуворлигига риоя қилиб яшаганлар. Чунки имонли, пок, яхшиликлар ва олижаноб эзгу ишлар қилган тақводор одамларнинг жони, фозил руҳи жаннатда роҳат ва фарогатда бўлади. Ёвузлик ва номақбул ишлар қилган кишиларни охиратда дўзах, қиёмат қойим азоблари кутади, деб тушунганлар.

Шундай қилиб, зардуштийлик ҳуқуқининг диний тусдалигига қарамай, унда этник тегишлилиги, эътиқоди, ёши, жинси ва табақасига боғлиқ бўлмаган ҳолда, инсон ҳуқуқлари тамойиллари шаклланган ва қарор топган.

«Авесто»да таъкидланишича, қонунлар «одамлар иродаси эркинлигини» таъминлаш учун яратилади.

«Авесто» қонунларида талқин этилган жиноят ва жазо турлари қуйидагича бўлган:



Шу нарса характерлики, тахминан милоддан аввалги VII асрда Алп Эр Тўнға — Афросиёб туркий қабилаларни бирлаштириб асос солган Турон марказлашган давлатида қонунлар ниҳоятда қаттиқ бўлса-да, инсон ҳуқуқлари қатъий белгилаб қўйилган.

Маълумки, Мовароуннаҳр ҳудудида араблар ҳукмронлиги ўрнатилганга қадар мавжуд бўлган Суғдиёна давлатида фуқаролар орасидаги муносабатлар ва инсон ҳуқуқлари ҳақида маълумот берувчи суғд ҳужжатлари ҳуқуқий маданият юқори бўлганлигидан далолат беради. Мисол учун никоҳни қайд қилиш ҳақидаги ҳужжат лақаби Нидон бўлган Уттакин, Навекат ҳукмдори Чер Вахзанак ўғлининг ҳомийлигидаги Вийуснинг қизи номи Дугдгунчани (лақаби Чата) хотинликка олиши ҳақида тузилган. Унда Уттакин Чатани севикли хотини сифатида ҳурмат ва эҳтиром билан озиқ-овқат, кийим-кечак, безак тақинчоқлар билан таъминлаши, эъзозлаб, муҳаббат билан ўз уйида подшоҳойим хотин сифатида сақлаши, Чата эса Уттакинни севикли ёр сифатида ҳурмат ва эҳтиром билан асраши, у эрининг бахт-саодати ҳақида қайғуриши, унинг буйруғини ўзига қонун, деб ҳисоблаши лозимлиги қайд қилинган. Ҳужжатда ёзилишича, агар келажақда Уттакин Чатани хотин қилмайман, деган қарорга келса, бу ҳолда уни қўйиб юбориши, биргаликда яшаган вақтида олган шахсий нарсалари ва товон пулини бериб, ҳеч қандай шартларсиз жўнатиб юбориши, агар Чата Уттакинга бундан буён хотин бўлмаслик қарорига келса, унда хотинликдан чиқиб кетиши, бу ҳолда у Уттакинга кийишга яроқли кийимлар қолдириши, Уттакиндан олган безак тақинчоқларни ва бошқа нарсаларни ташлаб кетиши, лекин Чата ўзига тегишли ва биргаликдаги ҳаёти давомида орттирган мулкани олиб кетиши керак бўлади. Шунингдек, Чата, ҳуқуқий ҳужжатда қайд қилинишича, бошқа ҳеч нарса бўйича товондор бўлмайди, у ўзи хоҳлаган кишига турмушга чиқиши мумкин. Ажримдан сўнг Уттакин ва Чата бир-бирларига ғайри қонуний хатти-ҳаракатлари учун жавоб бермайдилар. Никоҳни қайд қилиш ҳақидаги ҳужжат «Қонунлар уйи»да, унинг бошлиғи ҳузурида учта эркакнинг гувоҳлигида котиб томонидан тузилган.

Куёвнинг келин томон олдидаги мажбуриятлари ҳақидаги ҳужжатда куёв Уттакиннинг келин Чатанинг уруғ-аймоқлари олдидаги бурчлари ўз аксини топган. Ҳужжатда кўрсатилишича, у тузилган кундан Чата то-

абад Уттакинга хотин бўлиб қолажак ва куёв келин томон олдида Чатани сотмаслик, қарз эвазига қулликка ҳам бермаслик, бирор кимсанинг ҳомийлигидаги ўз мулкига айланишига ҳам йўл қўймаслик; агар кимдир Чатани Уттакиндан бевосита ёки сиртдан тортиб олса, уни таҳқирласа, уни шу заҳотиёқ, ҳеч қандай зиён-заҳматсиз озод қилиш; агар Чата Уттакин билан қолишни хоҳламаса ёки уни Уттакин қўйиб юборса, келинни уруғ-аймоқларига зиён-заҳматсиз етказиб бермаса, у ҳолда 100 динорий дирҳам кумуш муомалада амал қилиши тасдиқланган, яхши сақланган, тоза сифатли пул, қарзни тўлаш, пулни тўламаса (вақтида) 10 дирҳамига 2 дирҳамдан устама тўлаш эвазига қарз бўлиш мажбуриятларини олади.

Бу ҳужжат ҳам «Қонунлар уйи»да никоҳни қайд қилиш битими тартибида тузилган.

VI асрнинг ўрталарида Олтой, Еттисув ва Марказий Осиёдаги турли қабилалар бирлашувидан ташкил топган Турк ҳоқонлиги давлатида мавжуд одат ҳуқуқларида инсон ҳуқуқлари, айниқса, хотин-қизлар ҳуқуқи қаттиқ ҳимоя қилинганлигининг гувоҳи бўламиз. Аёл кишининг номусига тегиш энг оғир жиноят (қўзғолон, хоинлик, одам ўлдириш, йўл учун мўлжаллаб қўйилган отни ўғирлаш) ҳисобланиб, ўлим жазосига маҳкум этилган. Безорилик орқасидан жабрланувчи аъзоларига шикаст етказиш даражасига қараб, зарарни тўлатиш жазоси қўлланган.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон ҳудудида араблар ҳукмронлиги ўрнатилгунга қадар инсон ҳуқуқларини демократик тартибга солувчи ўз даври учун мукамал ишлаб чиқилган қонунлар, уларнинг ижросини таъминлашнинг мураккаб механизми мавжуд бўлган.

Энг қувонарлиси шундаки, ислом таълимоти асосида ишлаб чиқилган адолатли фуқаролик жамияти ва барча инсонлар тенг ҳуқуқли бўлиб яшаши тўғрисидаги ғоялар салкам 14 асрдан бери ўзининг ҳаётийлигини исботлаб келмоқда. Жумладан, Куръони каримнинг «Бақара» сурасида (30-оятда) *Аллоҳ томонидан фаришталарга хитоб этилиб, «Мен (одамни) ер юзида халифа қилиб яратмоқчиман»,* дейилади. Бу ўринда «Халифа» сўзи, ўринбосар, ваколатли намоянда маъносида бўлиб, ундан мақсад шу эдики, Аллоҳ инсонни ер юзида ўзининг ваколатли намояндаси сифатида яратиб, унга дунёни ободонлаштириш, илму маданиятни ривожлан-

тириш, адолатли жамият куриб, тинч-тотув ҳаёт кечириш вазифасини топширган эди. Шунингдек, 17-сурада (70-оятда) инсоннинг шону-мақомини янада кўтариб «*биз одам болаларини азиз ва мукаррам қилдик*», деб таъкидланади. Албатта, инсон учун булардан юқорироқ мақом, эъзоз ва ўринни тасаввур қилиб бўлмайди.

Куръони каримнинг 49-сура, 13-оятида барча инсонлар, уларнинг ижтимоий мавқеи, дини, миллати, тили ва ирқидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли ва барабарликлари зикр этилган: «*Эй, одамлар, дарҳақиқат, биз сизларни бир эркак ва бир аёлдан яратдик ҳамда бир-бирингиз билан танишиб, дўстлик ва биродарликда яшашингиз учун сизларни турли-туман қабила ва элатлар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ назаридаги сизларнинг энг мукаррамроғингиз энг тақводорроғингиздир*».

Шу йўсинда инсонларнинг тенг ҳуқуқли бўлиб, биридан устун турмаслиги ҳазрат Муҳаммад Пайғамбар Ҳадиси шарифларида ҳам таъкидлаб ўтилган. Масалан, ҳадисларнинг бирида: «*Ҳеч бир арабнинг ажамга (араб бўлмаган кишига) ва ҳеч бир ажамнинг арабга, ҳеч бир қоратаннинг қизилтанга ва қизилтаннинг қоратанга нисбатан ҳеч қандай фазилати (имтиёзи) йўқдир, магар тақво билан*», дейилган. Айни пайтда, ҳазрат Муҳаммад Пайғамбар барча инсонлар ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг, деб ҳисоблаганлар: «*Аллоҳа онт ичиб айтаманки, агар Муҳаммаднинг қизи Фотима ўғрилиқ қилса, албатта, унинг қўлини кесардим*».

Шундай қилиб, мусулмон ҳуқуқи тизими шарият манбаларида инсон ҳуқуқлари бўйича келиб чиқадиган муаммолар одилона тарзда ҳал қилиниб, уларда фуқароларнинг асосий ҳуқуқларининг дахлсизлигини таъминлаш учун суд тизимини ва давлат ҳуқуқлари учун жуда кўп аниқ, қатъий йўл-йўриқлар кўрсатиб берилган.

Кошифий давлат ва жамиятни қонун устуворлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди, чунки бусиз «дунёнинг муҳим ишларини тартибга солиш вазифасини амалга ошириш мумкин эмас, тарбия ва жазо ҳақидаги қонунларнинг бўлмаганлиги давлат фаолиятининг бузилишига ва инсон ҳуқуқларининг камситилишига олиб келади», дейди.

Давоний эса «қонунсиз жамиятда тартиб ўрнатиб бўлмайди», деб ҳисоблайди. Мутафаккирнинг фикри-

ча, жамиятда қонун устувор бўлиб, инсон ҳуқуқлари кафолатланмаса «ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлаш тартибга солинмайди, чунки ҳар ким ўз шахсий манфаатини қўзлаб бошқаларга зарар етказди, ўзаро кураш, бузғунчилик ва зўравонлик каби иллатлар авж олади».

Амир Темурнинг «Темур тузуклари» асари марказида ҳам инсон, унинг қадр қимматини жойига қўйиш ғояси туради: *«Мен ўз салтанатимни бошқаришда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тузук асосида бажардим. Шариат қонунларига итоат қилиш, урф-одатга эътибор бериш мен учун катта аҳамиятга эга эди. Ҳозирча ҳам шундай аҳамиятга эгадир. Менимча, модомики, бир ҳукмдор бутун умри давомида от устида ўтириб, ўзига тегишли бўлган катта иқлимнинг ҳар томонида ҳаракатда бўлиб, бир нуқтада туриб қолмас экан, ўзининг кенг қаламрави (мамлакати) ундан итоат қилишига амин бўлиши керак. Бундай ишончга фақат шариат қонунлари ва урф-одат қоидаларини амалга ошириш орқали муяссар бўла олади. Менинг мамлакатимда турли соҳаларда қонунга қатъий амал қилинадиган бўлса, мен ўзимни ўша ерда ҳозир тургандай сезардим. Шариат ва урф қонунларини назарда тутган ҳолдагина, одамлар сенинг ишларингга ишонадилар ва уни жону дил билан бажаради. Мен ҳамиша аскарларимни қонунга итоат қилиш руҳида тарбия қилдим, қонун бузувчиларни жазосиз қолдирмадим».*

Амир Темур салтанатида икки турдаги суд тизими муҳим ўрин тутган. Бири **«райят қозилиги»**, деб аталиб, у фуқароларнинг хўжалик ва маиший турмуш тарзига оид ишларни тартибга солган. Иккинчиси, **«шариат ишлари қозилиги»**, деб номланган бўлиб, уни Шайхул ислом бошқарган. Бу диний ишларнинг тўғри бажарилиши ва фуқароларнинг унга доир мурожаатларини тартибга солган. Амир Темур давлатидаги икки суд тизими шаклан бизнинг икки тузилмада бўлиниб, фаолият кўрсатаётган бугунги суд тизимимизга — фуқаролик ишлари ва жиноят ишлари судига ўхшаб кетади.

Амир Темурнинг давлат бошқаруви сиёсати ва суд тизимидан ўрнак олиши Заҳириддин Муҳаммад Бобур давлатининг, шунингдек, бобурийлар салтанатининг бардавомлигини таъминлаганлиги, шубҳасиздир. Бобур подшоҳлик тахтига ўтирганда ҳам инсоний фазилатларни унутмасликка, инсон ҳуқуқларига адолат назари билан қарашга ҳаракат қилади:

*Давлатқа этиб, меҳнат элин унутма,
Бу беш кун учун ўзингни асру тутма.*

Шу ўринда Бобурийлар салтанатидаги одат ҳуқуқларига тўхталадиган бўлсак, миллий анъаналарга, одатларга, қадриятларга эътибор билан қараганликларининг гувоҳи бўламиз. Бинобарин, Бобур саркарда сифатида кўпроқ ҳарбий одатларга қаттиқ амал қилган. Қисқа қилиб, бир сўз билан айтганда, Бобур ўз фуқаролари билан тинч-тотув яшаб, бошқа халқларнинг урф-одатларини ва эътиқодларини қадрлайдиган олийжаноб инсон бўлган. Масалан, унинг 1529 йил 15 январда Дҳалпурдаги «Боғи Нилуфар»да турганида ўғли Ҳумоюнга ёзган махфий васиятномаси фикримизни тасдиқлайди:

«Эй фарзандим, Ҳиндистон мамлақати турли мазҳаблардан маъмур бўлган (ташқил топган). Аллоҳ Таоло Сизга буни каромат этди. Сиз мазҳабларни ёмон кўришдан дилингни пок тутинг. Ҳар мазҳабнинг тариқаси (ўйли)га адолат қилинг.

Кўлингиз остидаги ҳар қавмнинг ибодатхоналарини ва муқаддас жойларини хароб этманг. Шундай одилликни ихтиёр қилинги, подшоҳ раъийатидан ва раъийат подшоҳдан осуда бўлсин. Исломнинг тараққиёти эҳсон қиличидан яхшироқ бўлади, зулм тиғидан эмас. Сунний ва шиа ўртасидаги жанжаллардан кўзингизни юмманг. Агар бундан кўз юмсангиз, ислом заифлашиши мумкин. Раъийатдаги турли қабилаларни арбаани аносир¹ билан маҳкам тутинг. Салтанатнинг жисми турли марказлардан тинч бўлсин.

Подшоҳлик ишларини пухта қилиш учун ҳазрат Амир Темур соҳибқироннинг ишларини кўз олдингизда тутинг».

Шу нарса характерлики, Бобур ўзининг «Мубаййин» номли асарида талқин этишича, асирлар, қулар ва чўрилар билан яхши муомалада бўлиш, уларга озодлик ҳуқуқини бериш, ҳеч бўлмаганда улар учун яшаш шарт-шароитини яхшилаш олий фазилат ҳисобланади:

*Ҳар қарор этса хожа-ю банда,
Бир баҳо, муддати муайянда.
Ҳар гадо айласа бу муддатда,
Бўлгай озод ул бу фурсатда.*

¹ Арбаани аносир — ҳаёт, мамлакат барқарорлиги ва фуқароларнинг тинч-осойишталиги учун тўрт унсур: тупроқ (хок), сув (об), ўт (оташ), шамол (бод) уйғунликда бўлиши керак, деб тушуниланган.

Бобур инсонни, қандай ижтимоий фаолият билан машғул бўлмасин, саховатлилиги, мардлиги ва адолатлилиги билан ўзидан эзгу ном қолдиришга даъват этади ва ўзи ҳам умри давомида шу тамойилларга амал қилиб яшади:

*Бори элга яхшилиф қилғилки, шундин яхши йўқ,
Ким, дегайлар даҳр аро қолди филондин яхшилиф.*

Маълумки, Бобурийлар сулоласида ҳам халқнинг расм-русумлари, удумлари, қонун-қоидаларига ҳурмат билан қараганлар. Бироқ шоҳ Акбар миллатларнинг урф-одатларига тазйиқ ўтказмаган ҳолда ҳиндулардаги баъзи аянчли ҳолатлар билан боғлиқ урф-одатларни бутунлай таъқиқлаган.

Шулардан бири ҳинд қизлари 14 ёшга, йигитлари эса 16 ёшга тулмасдан туриб, никоҳдан ўтиши қонун йўли билан таъқиқланган. У шу билан бирга яна бир аянчли расм-русумни ҳам бажармаслик учун фармон чиқарган. Яъни ёшми-қарими, агар эр вафот этса, аёли, албатта, у билан бирга тириклайин оловда куйдириш одатини ҳамда жасхар одатига (аёлни агар гулханга ташламаса, бир умр оила қуриш ҳуқуқидан маҳрум этилиши) шоҳ Акбар қарши чиққан. Бобуруноос олим И.Ҳошимов «Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласи салтанати» асарида бу ҳақда қимматли маълумотларни бериш билан яна шуни ёзадики, «Акбарнинг фикрича, одамларнинг дини, эътиқоди, урф-одатларига эркинлик бериш керак, уларни камситиш, таъқиб остига олиш адолатдан эмас. Акбарнинг турли миллат вакилларидан хотинлари бўлган. Улар ўз урф-одатлари, дини, қонун-қоидаларига бемалол риоя қилишлари мумкин эди. Ҳатто, маликалар яшайдиган саройлар ҳам ўз миллатига хос ҳолда қурилган».

Бу Акбар шоҳнинг ўта инсонпарвар эканлигидан далолат беради.

Фуқаролик жамиятининг учинчи хусусияти — кишиларнинг хусусий мулкка эга бўлиши ҳисобланади. Жумладан, «Авесто»даги мулкий муносабатлар эркин жамоа аъзоларининг кўчмас ва ўрнидан кўзғатиб бўладиган мол-мулклари, ўзлари яшаётган уйларнинг эгалари, экиладиган ерлар ва боғлар, ўтлоқлар, от ва чорва моллари эгалари бўлган, деб ҳисоблашга асос беради.

«Авесто»да талқин этилган «гайта» атамаси хусусий мулк маъносини англатган. Эркин жамоа аъзоларининг

мулкчилик ҳуқуқи амалдаги эгаллик ва фойдаланиш ҳуқуқи билан чекланмаган. У ўз ичига бошқариш ҳуқуқини, яъни бошқа шахс эгаллигига тортиб олиш, ўтказишни ҳам қамраб олади.

Хусусий мулк



Турк хоқонлиги ва унинг таркибига кирган мулк эгалари бой зодагонлардан, савдогарлар, хунармандлар, хизмат қилувчи табақа, амалдорлар ҳамда ҳарбийлардан, деҳқонлар ва қуллардан иборат бўлган. Ер эгалари **киштичкарлар** ва **кишоварзларга** бўлиниб, деҳқонлар **кадиварлар**, деб аталган. Хукмрон синф **озодлар**, деб аталиб, бу даврда йирик феодал ер мулкнинг эгаси бўлган деҳқонлар ҳам уларнинг таркибига кирган.

Турк хоқонлигида одат ҳуқуқларига кўра, хотин-қизлар тўла мулкӣ ва ворислик ҳуқуқига эга бўлганлар. Отни ёки бошқа унча катта бўлмаган мулкӣ ашёларни ўғирлаганлик учун ўғирланган мулк қийматининг ўн баробарини ундириб олиш билан чекланилган. Катта мулкни ўғирлаган жиноятчининг оёғи қирқиб ташланган ёхуд бутун уруғи ёки жиноятчининг ўзи қатл этилиб, мол-мулклари мусодара қилинган.

Сўғд ҳужжатларидаги мулк ижарасига бағишланган ерни харид қилиш, ариқ ва сувларни ҳамда тегирмон-

ни ижарага бериш шартномалари диққатга сазовордир. Шартномада кўрсатилишича, Сўғд подшоси Диваштич ўзининг уч тегирмонини ҳар йили 460 кафча (3680 кг)га яқин унни ижара ҳақи сифатида тўлаши эвазига уч йиллик муҳлат билан Махнан, деган кишига ижарага беради. Ҳар ойда ижара ҳақини қонунга мувофиқ тўланиш муддати аниқ кўрсатилган бўлиб, агар ижара ҳақи бўлган ун ўз вақтида тўланмаса, шартнома бузилган ҳисобланиб, Диваштичнинг амалдорлари унинг бажарилишини турли йўллар билан таъминлаши лозим бўлган.

Тегирмон мулкий ижараси ҳақидаги ҳужжатда унинг тузилган вақти, ижарага берувчи ва олувчининг номлари, тегирмоннинг жойлашган жойи, қувват манбалари, жиҳозлари, ижара муддати ва ҳақи, ижара шартларига риоя қилмаслик оқибатлари, ижарага олинган мулкдан фойдаланиш, ижара ҳақининг қонунга мувофиқ бўлиш, қонунсизлик — хиёнат ва одатсизлик қандай оқибатларни келтириб чиқариши, ҳужжатни расмийлаштирувчи ва бу жараёнда иштирок этган гувоҳлар номлари кўрсатилиб, ҳужжат билан тасдиқланган.

Шунингдек, Сомонийлар (874—999), Ғазнавийлар (962—1186), Салжуқийлар (1040—1160), Қорахонийлар (990—1212), Хоразмшоҳлар (1097—1231) давлатларида ҳам фуқароларнинг хусусий мулкка эга бўлиш масаласи эътиборли даражада ҳал қилинган. Шариат ҳуқуқига кўра, ҳар бир фуқаро турар жойга, эҳтиёжи учун турли мол-мулкка, уни кўпайтириш ҳуқуқига эга бўлган.

Айниқса, Амир Темур ва темурийлар даврида мулкчиликнинг суюрғол ёки тиюл, Бобур ва бобурийлар давлатида эса жагир мулки ривожланган. «Темур тузукларида», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Мубаййин» асарида, ўзбек хонликлари ҳуқуқига оид ҳужжатларда талқин қилинишича, вақф мулкидан, хунармандлар ва косиблар мулкидан мол-мулк солиғи олинмаган.

Шундай қилиб, Темурийлар ва Бобурийлар давлатида ҳам, ўзбек хонликларида ҳам хусусий мулк кўпроқ вақфлар ҳисобига ривожлангани кўзга ташланади. Бадавлат кишилар ва ўғил фарзанди бўлмаганлар кўчмас мулкларини яқин кишиларига, масжид ва мадрасаларга вақф қилиб қолдирганлар. Вақф мулклари ҳеч қандай мол-мулки бўлмаганларга, ёшлар (14 ёшдан кейин) ва аҳолининг кам таъминланган табақаларига оқсоқоллар томонидан хусусий мулк сифатида тақсим-

ланган. Натижада ҳар бир фуқаронинг турмуш кечириш манбаи ижтимоий ҳимоя қилиниб, хусусий мулкдорликни қўллаб-қувватлаш амалга оширилган. Бу ҳол жамиятнинг иқтисодий жиҳатдан фаровонлигига ёрдам берган.

Фуқаролик жамиятининг тўртинчи хусусияти — фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши ҳисобланади.

«Авесто»да Хоразм, Сўғд, Марв, Балх, Нисоя, Ҳирот, Парфия, Паркана, Шош (Чоч) каби Олий тангри яратган 16та (давлат) ўлканинг ҳудудий-маъмурий ва сиёсий бошқарув тизими ҳақида маълумот берилади. Давлат (ўлка)ни шоҳ — «кави» бир неча оилаларнинг бирлашмаси — «нмана», уй, оила жамоаси — «дмана», катта оила жамоаси — «нма» ёки «напати», уруғ жамоаси бошлиғи «вис», катта қишлоқ аҳолиси — «виспати», қабила бошлиғи — «заннупати», вилоят ҳокими ва қабилаларнинг ҳарбий қўмондони — «дахию састар», уруғ ва қабилалар жамоаси томонидан сайлаб қўйилган Оқсоқоллар Кенгаши — «варзананати» ёки «ханжамона», Халқ Мажлиси — «вьяха» иштирокида сиёсий-ҳуқуқий тамойиллар асосида бошқарган. Кўринадик, жамоа аҳлининг асосий қисми давлат бошқарувида фаол қатнашган. Том маънодаги, бироқ ўта оддий шаклдаги фуқаролик жамияти белгиларини уруғ ва қабилага бирлашган жамоа ҳаётида умумий ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишида, эркин жамоа аъзоларининг асосий мулки — чорва ва ерлардан тенг фойдаланишганлигида, эркалар билан хотин-қизлар тенг ҳуқуққа эга бўлганлигида, қабиланинг умумий манфаати билан боғлиқ бўлган турли масалалар Оқсоқоллар Кенгашида муҳокама этилганлигида мантиқан кўришимиз мумкин.

Турк ҳоқонлиги (551—744) давлат бошқарувида мамлакатимизнинг бугунги кундаги Олий Мажлисига қиёсланадиган даражадаги Курултой мавжуд бўлган. Давлат томонидан ҳар бир уруғ, элат, қавм ва уруғнинг тенглиги, мулкий дахлсизлиги, инсоний ҳуқуқлари ҳимоя қилинган.

Туркий халқлар давлатчилиги тарихида Селен номи билан аталган Курултой бўлган. Хоразмшоҳлар давлатида Жалолиддин Мангуберди, Темурийлар давлатида Амир Темур, Бобурийлар давлатида Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Хива хонлигида Муҳаммад Раҳимхон — Феруз ташкил қилган туркона қадим демократик

анъана — Курултой тажрибасини ўтмишда римликлар ва бошқа давлатлар ўзлаштириб, ўз Парламентини шу асосда тузганлигини эслатиб ўтишнинг ўзи кифоя. Курултойда оддий фуқаро табақасидан тортиб, мансабдор шахсларгача фаол қатнашган, унда давлат аҳамиятига, фуқаролар манфаатига молик муҳим масалалар кўриб чиқилган ва қарорлар қабул қилинган.

Курултой бугунги мустақил мамлакатимиздаги Парламент вазифасини бажарган. Зеро, Курултойда қабул қилинган қарорлар мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун мажбурий кучга эга бўлган.

Ислом таълимотидан илҳомланган Шарқ мутафаккирлари Имом Ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Муҳаммад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Югнакий, Муҳаммад аз-Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Хўжа Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк алломалар асарларида адолатли жамият ва инсоннинг кадр-қимматини улуғлаб, унинг мақомини кўкка кўтариб, инсонлар орасида тенг ҳуқуқлилиқ, тинч-тотувлик ғояларини тарғиб қилганлар.

Шарқона тафаккурнинг фуқаролик жамияти тушунчаси билан боғлиқ ғояларини, одатда, «аристотелизмнинг Шарқдаги кўриниши», деб қараш мавжуд.

Шарқ аристотелизми, деган тушунча бор. Уни турли хил талқин қиладилар. Турли хил маъно берадилар. Шулардан бири — аристотелизм. Бу қадимги юнон мутафаккири Аристотелнинг ғоялари, қарашларини Шарқ олимлари томонидан тарғиб қилинишидир, деган йўналиш. Иккинчи йўналиш шундан иборатки, Шарқ олимлари мустақил равишда ўз салоҳиятларига таяниб, Аристотель ғояларини шарқона тарзда янгидан бойитиб, дастурамал сифатида эълон қилганлар. Ҳақиқатга яқин бўлган бу йўналишга, афсуски, ғоятда етарли эътибор берилмайди.

Юқоридаги йўналишнинг яна бир мураккаб томони бор. Масала шундаки, Шарқ олимлари ўз қарашларини ифодалаганда анча бошқачароқ тушунча ва тамойилларга асосланганлар. Шунинг учун биз, айни пайтда, ўз тадқиқотимиз моҳиятидан келиб чиқиб, Шарқ мутафаккирларининг анча кенг тарқалган концепцияларига таянамиз. Тўғри, собиқ иттифоқ даврида

чоп этилган асарларда ҳам бу муаммони тадқиқ этишга интилиш бўлган. Аммо якка ҳукмрон мафқуранинг тазйиқи остида бу илмий асарларда фуқаролик жамияти ҳақидаги ғояларнинг Шарқ олимлари қарашлари билан ҳамоҳанглиги ҳаспўшглаб ўтилди.

Осиёда IX—XI асрларда илк Уйғониш даври рўй берганини, маънавият, маърифат, фан, санъатда катта маданий юксалиш бўлганини эндиликда ҳамма тан олади. Форобий, Беруний, ибн Сино, Хоразмий, Юсуф Хос Ҳожиб ва бошқа қомусий олимлар асарларида фуқаролик жамияти ҳақидаги бир қатор ғоялар акс этганини, биринчи навбатда, таъкидлаб ўтишимиз керак. Бу фикримизни айрим мисоллар орқали асослашга ҳаракат қиламиз.

Энг аввало, ижтимоий қарашларни тарғиб қилувчи жамиятшунослик фанларидаги бир диққатга сазовор ҳодисани айтиб ўтиш керак. Бу — одамларнинг жамият бўлиб уюшишларини келтириб чиқарган асосий омиллар ҳақидаги фикрлар. Одамларнинг жамиятга уюшишлари давлат тазйиқи орқали бўлиши ҳам, уларнинг ихтиёрлари билан ўзаро манфаатли асосда бўлиши ҳам мумкин. Бу икки хил натижага олиб келади, албатта. Муаммоларни ёритишда Шарқ мутафаккирлари Ғарб илмидан мустасно тариқасида ўзига хос нуқтаи назарни асослаб бердилар.

Шарқ олимлари жамиятнинг келиб чиқиши ва ривожланишини инсоннинг ички эҳтиёжлари натижасида рўй беради деган ғояни илгари суришди. Масалан, Форобийнинг кўрсатишича, инсон эҳтиёжлари чексиз, уларни қондириш имкониятлари эса ҳар бир одамда чегараланган. Шунинг учун ҳам ҳар бир одам барча эҳтиёжларини ўз кучи, ҳаракатлари орқали тўла қондиролмайдди, у бошқа одамларнинг ёрдамига табиий муҳтож бўлади. Натижада бир одам иккинчи одамнинг эҳтиёжларини қондиришда иштирок этади. Шу тариқа одамлар орасида ўзаро зарурий алоқа шаклланади. Бунда одамлар бир-бирларига тенг, адолатли асосда муносабатда бўладилар. Чунки бу унга керак бўлса, у бунга керак. Бири-бирисиз яшай олмайди, биргалашиб яшаш эса жамият деган янги организмни вужудга келтирди. Бу ижтимоий алоқа кейинчалик фуқаролик жамиятининг иқтисодий асосларини ташкил этди.

Марказий Осиё цивилизациясида маълум ва машҳур бўлган Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шаҳри» асирида «Фуқаролик жамияти» атамасини ишлат-

маса ҳам биринчи марта жамият пайдо бўлишининг табиий-ижтимоий концепциясини илгари сурди. Форобий фикрича, инсон жамоалари жамият кишиларнинг яшashi ва камолотга эришиши учун зарур бўлган моддий ҳамда маънавий эҳтиёжларини қондиришга табиий интилишлари натижасида келиб чиққан. «*Ҳар бир инсон табиатан шундай тузилган, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади... Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирларига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа абзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда, уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди*», деб ёзади Форобий.

Мутафаккир ўзининг идеал жамоасида одамларни турли белгиларга, хусусан, табиий хусусиятларига, қобилиятларига, аввало, ақлий қобилиятларига ҳамда илмларни ўрганиш ва ҳаётий тажрибани тўплаш жараёнида орттирган билим, кўникмаларига қараб табақаларга бўлади. Форобий фикрича, инсон ижтимоий тақомилга ва унинг умумий бахт-саодатга эришиши илм-маърифат ёрдамида ҳосил қилинадиган ва эришиладиган юксак интеллектуал, ахлоқий фазилатларнинг қўлланиши туфайли амалга оширилади. Илм инсоннинг табиий қобилиятлари унинг ақли ёрдамида биллингани туфайли уни камолотга ва бахт-саодатга эриштиради.

Одамлар ўртасида тенглик бўлиши зарур, деган ғояни илгари сурган Форобий, айниқса, қулликка қарши ўз нафратини ифодалаб ўтди. Дарҳақиқат, одамлар ўртасидаги нотенгликни, айниқса, қулликни баргараф этиш — фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий замини ва амали ҳисобланади.

Одамлар ўртасидаги тенглик улар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни келтириб чиқаради. Ўзаро тенглик ва ўзаро ҳамкорликка асосланган жамиятни яратиш Форобий орзуси эди. Мутафаккир шу асосда бутун дунёда ягона озод жамият яратиш мумкин, деб ҳисобларди.

Форобий баъзи ҳолатларда руҳий, маънавий омилларга асосий этиборни қаратганига қарамай, у иқтисодий омилларни фуқаролик жамиятнинг асоси, деб ҳисоблайди. Давлатнинг асосий вазифаси халқлар учун адолат ва маърифатни қарор топтиришдан иборат.

Мутахассислар Форобий илмий-назарий мероси намуналари орасида жамият ва инсон муаммоларига бағишланган иккита махсус асарни алоҳида кўрсатиб ўтадилар. Булар «Шаҳар сиёсати» ва «Фозил одамлар шаҳри» асарларидир. Бу асарларда Форобийнинг қарашлари Афлотун қарашларига бир қадар уйғунлиги кўзга ташланади.

Масалан, Форобий сингари Афлотун ҳам шаҳар бири-бири билан узвий боғланган бир неча турли хил қисмлардан ташкил топади, деб кўрсатган эди. Шу қисмлардан бирортасида ҳаёт издан чиқса, бу бутун шаҳар ҳаётини ларзага келтиради. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам шаҳар ҳаётига баб-баравар таъсир қилади. Зотан, кўпчиликдан ажралиб яшаш мумкин эмас.

Форобий ижтимоий меҳнатнинг афзалликлари ҳақидаги ўз ғояларини шаҳар бошлиғини олижаноб ва олий ниятли фаолияти, уни лавозимга тайинлаш жараёнлари билан боғлаб изоҳлайди. Форобий ҳам Афлотун сингари шаҳар бошлиғи учун жуда кўп фазилатлар зарурлигига этиборни қаратади. Жумладан, шаҳарнинг идеал бошлиғи соғлом, кучли, юксак ақл-идрок ва хотирага эга бўлиши керак. У сезгир, эҳтиёткор, суҳандон, билим ва фанни қадрлайдиган, ростгўй, адолат ҳимоячиси, бойликка ҳирс қўймаган бўлиши жуда зарур.

Шаҳар бошлиғидан талаб қилинаётган фазилатларнинг бари унинг инсоний қиёфасида жамулжам бўлиши ниҳоятда қийин иш эканлигини Форобийнинг ўзи ҳам яхши тушунган. Аммо шунга қарамай, шаҳар бошлиғининг олдига қўйилаётган энг муҳим талабларнинг табиийлиги ва зарурлигига этиборни қаратар экан, Форобий халқнинг бахти ҳамда иқболи йўлида меҳнат қилиш энг буюк инсоний саодат, бурч эканини алоҳида уқтиради.

Форобий барча шаҳар (давлат) жамоасини фозил ва жоҳил шаҳар (давлат)га ажратади.

Форобий фозил шаҳар (давлат)га ҳоким бўладиган давлат бошлиғи олдига қўйидаги ўн икки талабни қўяди: — биринчидан, барча аъзолари мукаммал тараққий этган, барча ишларни енгил бажариши;

— иккинчидан, табиатан нозик фаросатли бўлиб, унга айтилган гапларни муфассал тушуниши ва тасаввур этиши, эшитганларини воқеликка мутаносиб-лигини мулоҳазалай олиши;

— учинчидан, яхши хотирага эга бўлиши, кўрган, эшитган, идрок этган нарсаларни эсда сақлаши;

— тўртинчидан, узоқни кўра оладиган ва ўткир зеҳн, теран ақлга эгалик. Бу бирор ҳодисанинг кичик аломатига кўра, унинг нималарга олиб келишини ҳис эта олишдир;

— бешинчидан, ифодали талаффузга эгалик, ўзи ўйлаган нарсаларни тўла ва аниқ баён этиш;

— олтинчидан, ўқиш ва билишга чанқоқлик, уларга енгил ва қийинчиликсиз эришув;

— еттинчидан, овқатланиш, ичимлик истеъмол қилишда ва аёллар билан яқинлик (жинсий алоқа)-да меъёрга риоя қилиш, кайф-сафодан узоқроқ юриш;

— саккизинчидан, адолатни ва унга интилувчиларни севиш, ёлғон ва ёлғончиларни ёқтирмаслик;

— тўққизинчидан, мағрур қалбга эгалик ва қадрқимматни эъозлаш;

— ўнинчидан, мол-дунёга, пул ва бошқа бойликларга ружу қўймаслик;

— ўн биринчидан, адолат ва унинг учун курашувчиларни эъозлаш, адолатсизлик ҳамда мустабид зolimлардан, уларнинг сабабчиларидан нафратланиш, ўз одамлари ва ўзгаларга одиллик кўрсатиш;

— ўн иккинчидан, бажарилиши зарур, деб топилган ишларни амалга оширишда қатъиятни намоён этиш, айна пайтда, мард, жасур бўлиш, кўрқув ва кўнгилчанликни билмаслик кабилар.

Форобий ана шу фазилатларнинг ҳаммаси бир кишида бўлмаслигини ҳисобга олиб, давлатни бир киши эмас, балки бир неча киши бошқариши керак, деган фикрни олға сурган.

Шунингдек, Форобий адолат тамойиллари, фуқароларнинг ўзаро тенглик ва умумий бахтиёрликни амалга ошириш заруратини ҳукмдорнинг қуйидаги 6 та ҳислат ва сифат кўрсаткичларига боғлиқлигини алоҳида таъкидлайди:

— *биринчиси*, донишмандлик;

— *иккинчиси*, аввалги имомлар ўрнатган қонунлар ва тартибларни хотирада яхши сақлаб қолиш ва уларга амал қилиш учун қувваи ҳофизага эга бўлиш;

— *учинчиси*, агар аввалги имомлар давридан бирор (ёки бир қанча) соҳага тааллуқли қонун қолмаган бўлса, бундай қонунни ўйлаб топиш учун ижод, ихтиро қилиш қувватига эга бўлиш;

— *тўртинчиси*, ҳозирги ҳақиқий аҳволни тез пайқаб олиш ва келгусида юз берадиган аввалги имомлар кўзда тутмаган воқеаларни олдиндан кўра билиш учун башоратгўйлик хислатига эга бўлиш. Бу хислат унга халқ фаровонлигини яхшилаш йўлида керак бўлади;

— *бешинчиси*, аввалги имомлар ўрнатган қонунларга, шунингдек, аввалгиларидан ибрат олиб, ўзи тўқиб чиқарган қонунларга халқ амал қилиши учун сўзлаш — нотиклик хислатига эга бўлиши;

— *олтинчиси*, зарур ҳолларда ҳарб ишларига моҳирона раҳбарлик қилиши учун етарли жисмоний қувватга эга бўлиш, ҳам жанг қилишни, ҳам саркарда сифатида жангу жадалга раҳбарлик қилиш учун ҳарбий санъатни яхши билиш.

Кўринадики, фозиллар шаҳри ҳокими ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукамал, қобилиятли, ҳар томонлама етук бўлиши билан бир қаторда доно ҳам бўлиши зарур. «*Доно бўлмаса, фозиллар шаҳри яхши ҳокимсиз қолади, бундай шаҳар ҳалокатга юз тутади, фуқаролари эса жабр-зулмга мубтало бўлади*», дейди Форобий.

Форобийнинг фикрича, жоҳил шаҳар (давлат) ҳокимининг кўзга яққол ташланадиган салбий фаолияти ўз фуқароларининг иқтисодий, моддий аҳволининг ёмонлашувига олиб келадиган амалиётдир. Бу эса солиқ, молия соҳаларида амал қилувчи қонунларнинг ижтимоий йўналтирилмаганлиги билан изоҳланади. Мутафаккир фақат фозил давлатгина ўз фуқароларининг тинчлигини ҳимоя қилишнинг адолатли йўлини танлай олишини, мабодо ташқи урушларга аралашгудай бўлсалар фақатгина мудофаа нуқтаи назаридан ўз ҳудудларининг мустаҳкам мудофаасини ташкил қилишни, ўз халқининг тинчлик манфаатларидан келиб чиқибгина урушга киришлари мумкинлигини қайд этади. У адолатли урушлар мудофаа йўлидаги эзгу мақсадларга эришиш учун олиб борилади, яъни босқинчиларни адолатли жазолаш, улар устидан қилмишларига яраша ҳукм чиқаришга қаратилган бўлади, дейди. Форобий бир хил эзгу мақсадга — том маънодаги бахт-саодатга интилаётган халқлар ва давлат (шаҳар)лар бир-бирларига барча яхши, фазилатли ишларда ёрдам беришлари лозим, деб ҳисоблайди.

Инсоннинг моддий эҳтиёжларини қондириш жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи куч эканини таъкидлаш бутун Шарқ ақлий ривожига тарихида давом этиб келди.

Форобий фикрлари Шарқнинг бошқа буюк мутафаккири Абу Али ибн Сино таълимотида ўзига хос тарзда давом эттирилди. Маълумки, ибн Сино жаҳон тарихида буюк табиб сифатида ном қозонган. Аммо у фақат табиблик билан чегараланиб қолмасдан, бошқа бир қатор фанлар соҳасида буюк асарлар яратган. Унинг сақланиб қолган асарларининг қарийб ярми фалсафа, мантиқ, психология, этика, социология, иқтисод ва бошқа соҳаларга бағишланган.

Ибн Сино келажакда фозил давлат (жамият) қуриш ҳақида фикр юритар экан, кишиларни жамиятда тутган ўрни ва бажарадиган вазифаларига кўра уч табақка ажратади:

а) давлат идораларида хизмат қилувчи ва жамият-ни бошқариш ишлари билан шуғулланувчилар;

б) бевосита хомашё, зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан машғул бўлганлар;

в) давлатни қўриқлаш, уни турли ташқи ҳужумлардан сақловчи ҳарбийлар (жангчилар).

Мутафаккир «Рисолаи тадбири манзил» асарида жамият фуқароларининг ижтимоий фаоллигига тўхталиб, шундай ёзади: *«Ақлли кишилар бўладикки, агар ҳамма кишилар ҳукмдор ва подшоҳ бўлганларида эди, уларнинг ҳаммаси йўқолиб кетади; агар ҳамма меҳнат қилувчиларга айланиб қолиб, уларнинг орасида подшоҳ ва султонлар бўлмаса, улар ҳам яшаб қололмас эдилар ва ҳалок бўлардилар, шунингдек, уларнинг барчаси моддий таъминланганлиги жиҳатидан тенг ва бир хил бўлганларида эди, баъзи кишилар бошқалар учун ишламаганда эди, ўзаро ёрдам ва бир-бирига мукофот бериш тўхтар эди. Агарда ҳамма камбағал бўлса, йўқчиликдан улар ҳам ҳалок бўлган бўлардилар». Демак, ибн Синонинг фикрича, «одамларнинг мулкий тенгсизлиги, вазифасининг бир хил эмаслиги, ўзаро фарқлари инсон ижтимоий фаолиятининг асосий сабабчисидир».*

Абу Али ибн Синонинг иқтисодий муаммоларга бағишланган алоҳида асари бор. Бу «**Уй хўжалиги ҳақидаги трактат**»дир. Ижтимоий қурилиш ва тараққиёт масалалари унинг фалсафий асарларида ўз аксини топган. Бизнинг нуқтаи назаримизча, аниқроқ айтганда, бизнинг тадқиқотимиз нуқтаи назаридан ибн Синонинг

инсон эҳтиёжлари ҳақидаги фикрлари жуда қимматлидир. Чунки ибн Сино ҳам Форобий каби инсон эҳтиёжларини ижтимоий тараққиётни ҳаракатлантирувчи куч сифатида характерлайди. Бу масалада, ибн Синода Форобийдан фарқли тамойиллар шундаки, инсон эҳтиёжларини ибн Сино инсоннинг меҳнат фаолияти билан узвийликда олиб қарайди.

Ибн Сино инсоннинг меҳнат фаолияти хусусида батафсил тўхтаркан, инсоннинг ҳайвондан фарқ қилувчи энг муҳим томони унинг меҳнат қилишида, деб кўрсатади. Инсон ҳайвонлар сингари табиатдаги тайёр неъматларни истеъмол қилиш билан чекланиб қолмайди. Инсон ўзининг озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жойига бўлган эҳтиёжларини қондирмоқ учун деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланиши натижасида ўзаро алоқа ҳамда ҳамкорлик пайдо бўлади. Бошқа барча омиллар билан бир қаторда меҳнат фаолияти жараёнида тил ва тафаккур ривож топади.

Жамият тараққиётининг асоси сифатида инсон эҳтиёжлари ва уларни қондириш учун қилинадиган меҳнатни таҳлил қилиш орқали ибн Сино фуқаролик жамиятининг иқтисодий асосларини характерлаб беради. Меҳнат фаолиятида касблар йўналиши, хусусан, ҳунармандлар катта ўрин тутади. Инсон эҳтиёжларини қондириш талаби бирор бир касбни эгаллаш зарурлиги эҳтиёжини келтириб чиқаради. Ибн Сино ўзининг «Уй ҳўжалиги ҳақидаги трактати»да ҳунармандчиликни тасниф қилади. Ҳунармандчиликни ибн Сино жуда кенг талқин этади. Жумладан, оқилона ҳунармандлар (сиёсатдонлар ва давлат бошлиқлари), юксак санъат ҳунармандчилиги (ёзувчилар, астрономлар, врачлар ва б.), бадий ҳунармандчилик (рассомлар, скульптурлар ва б.).

Ҳозирги замон нуқтаи назаридан энг юқори ҳунар— давлатни бошқариш санъатидир. Иккинчи гуруҳда — ижтимоий ахборот ресурсларини яратиш ва жамлаш маҳорати. Бу ҳунарларнинг мавжудлиги ва юқори савияда намоён бўлиши фуқаролик жамиятининг энг муҳим компонентлари ҳисобланади. Мана шу тариқа ибн Сино фуқаролик жамиятининг моҳиятини тушунишда ҳозирги замон талқинига яқинлашиб борди. Хусусан, биз буни унинг идеал давлат ҳақидаги қарашларида яққол сезамиз.

Ибн Сино фалсафасида идеал давлат олдига қуйидаги талаблар қўйилади:

Биринчидан, ҳамма ўз эҳтиёжларини қондириш учун меҳнат қилиши керак;

Иккинчидан, бу давлатда барча моддий неъматлар шундай тақсимланиши керак-ки, бир қисм одамлар жуда бойиб, бир қисм одамлар жуда камбағаллашиб кетишмасин.

Учинчидан, ҳамма одам ҳалол меҳнат ва савдо-со-тиқ билан шуғулланган тақдирда урушлар барҳам то-пади, давлатлар ўртасидаги сиёсий келишмовчиликлар тинч йўл билан ҳал этилади.

Тўртинчидан, идеал давлатда моддий фаровонлик тўла таъминлангани учун одамлар ўртасида низо йўқо-лади, қувноқ ҳаёт, узоқ умр кўришни таъминлаб бера-ди.

Мана шу тариқа идеал давлатда икки мезон — тенг-лик ва фаровонлик қарор топади, ижтимоий мезонлар ҳам жамият тараққиётини изга солиб, одамларни қара-ма-қарши гуруҳларга бўлиниб кетишининг олди оли-нади.

Юқоридаги фикрларда Арасту анъаналарига мос ке-лувчи бир мунча томонлар бор. Аммо битта муҳим фарқ ҳам бор: қулдорлик демократияси ибн Сино қарашла-рида учрамайди. Боз устига, Арасту одамлар ўртасида-ги нотенгликни қонуний бир ҳол, деб ҳисоблаган эди. Ҳар бир одам бойлиги ва мансабига қараб ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлади, дея таъкидлаган. Бу ғоя Шарқ Уйғониш даври мутафаккирлари учун мақбул эмасди. Чунки одамлар ўртасидаги нотенгликни мутлақлашти-риш ҳар бир одамнинг ўз ҳаётини яхшилаш борасида-ги ҳаракатларини йўққа чиқаради.

Қулчиликни инсон эрки ва ҳуқуқи йўлидаги катта тўсиқ, деб ҳисоблашнинг ўзиёқ, инсонпарвар жамият ҳақидаги ғояларнинг кенгайиб, чуқурлашиб бориши-дан далолатдир.

Ибн Сино меросида молиявий муаммолар ҳам ўзи-га хос талқин этилган. Жумладан, молия ва барқарор-лик ижтимоий барқарорликнинг кафолатидир. Оила, шаҳар, давлатда харажатлар билан даромадлар ўзаро мувозанатда бўлиб туриши керак. Давлатнинг даро-мадлари ва харажатлари ўртасидаги мувозанатда давлат олдидаги мақсадлар ва манфаатлар катта роль ўйнайди. Давлат ихтиёрида ҳар хил табиий офатларни қоплаш учун қўшимча жамғарма-захиралар сақланиши керак. Кўриниб турибдики, буюк табиб, ўз навбатида, катта билимдон иқтисодчи ҳам бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, Абу Али ибн Сино давлат-нинг таянч устунини фуқаролар, деб билади. Мамлакат

фуқаролари тинч-фаровон яшашлари, ўзаро муносабат ва ҳамкорлик қилишлари учун мутафаккир назарида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган адолатли қонунлар ва суд тизими бўлиши керак: *«Ўзаро боғлиқлик ва алмашув жараёнида инсонлар бир-бирини қандайдир муҳтожликдан холи этадилар. Бунинг учун инсонлар ўртасида ўзаро келишув туфайли адолат қоидалари ва қонунлари ўрнатилди. Қонунишунос эса бу қоидаларга бажарилиши шарт бўлган мажбурият тусини беради. Шунингдек, у ёмон ишларни қилувчиларга ҳам, яхши ишларни рўёбга чиқарувчиларга ҳам баҳо бериши зарур. Бунинг учун олий қонунишунос ва судьяни тан олиш зарурки, инсонлар ўз фаолиятларида уларнинг ҳуқуқларидан фойдаланадилар».*

Ибн Синонинг замондоши буюк қомусий ақл эгаси Абу Райҳон Беруний ҳам юқоридаги нуқтаи назарни янада ривожлантирди. У инсон билан муҳит ўртасидаги ўзаро таъсирни таҳлил қиларкан асосий эътиборни ижтимоий-фойдали меҳнатга қаратади. Ҳар бир кишининг қадр-қиммати — ўз ишини қойил қилиб бажаришида. Берунийнинг бу адолатли, сермаъно фикри ҳозир ҳам ўз кучини йўқотмаган.

Абу Райҳон Беруний талқинича, жамиятнинг юзага келиши ва ривожланиши кишиларнинг ҳамкорликда фаолият этиш заруратидан келиб чиққан: *«Инсоннинг қадр-қиммати ўз манфаатини аъло даражада бажаришдан иборат,— деб ёзади мутафаккир,— шунинг учун инсоннинг энг асосий вазифаси ва ўрни меҳнат билан белгиланади, инсон ўз ҳоҳишига меҳнат туфайли эришади».*

Беруний «Минералогия» асарида ер остида маъдан қидирувчилар, бинокорлар, деҳқонлар, ҳунармандлар ва олимларнинг меҳнатини энг оғир, энг машаққатли меҳнат тури, деб ҳисоблайди. Мутафаккир оғир меҳнат билан шуғулланувчи турли миллатга мансуб кишиларга жамият томонидан бериладиган ҳуқуқий имтиёзлар, меҳнат шартномаси бир хил бўлишини ва улар меҳнатининг муайян неъматлар билан рағбатлантирилиб турилишини, юқори даражада тенг ҳақ тўланишини талаб қилади. Берунийнинг фикрича, инсон меҳнатини қадрлаш ва моддий рағбатлантириб туриш натижасида давлат мустақкам ва барқарор, ўлка маъмур, халқнинг турмуши эса фаровон бўлади. Ана шунинг учун ҳам заковатли ҳукмдорларнинг вазифаси, — деб кўрсатади. Беруний, — юқори табақалар ўртасида адолатли, кучлар билан заифлар ўртасида ижтимоий тинчлик ва

инсонпарварлик принципларига асосланган қонунни ўрнатишдан иборатдир. Ҳоким ўз фикри ва қарорларида қатъий туриши, унинг ўзи ҳам «яратувчилик онгига» эга бўлиши, кўпроқ фуқаролар ҳақида қайғуриши керак.

Беруний инсонни ижтимоий мавжудот сифатида олиб қарайди ва ҳар бир кишининг ҳаёти, меҳнاتини жамият тараққиёти билан боғлаб таҳлил қилади. Ҳар бир кишининг ўз шахсий эҳтиёжларини қондириш учун қилган ҳаракати ижтимоий тараққиёт характериға мос бўлиши керак, акс ҳолда, жамият билан шахс ўртасида зиддиятлар келиб чиқади.

Беруний жамият тараққиётини таъминловчи омилларни аниқлаш, уларнинг моҳиятини чуқур таҳлил этиш борасида анча самарали ишлар қилди. Одамларнинг аҳил бўлиб, жамоага бирлашишлари табиат стихиясига қарши ёлғиз курашиб бўлмаслиги заруриятидан келиб чиққан. Одамлардаги чексиз эҳтиёжлар билан уларда мавжуд бўлган бу эҳтиёжларни қондириш имконияти ўртасидаги зиддият уларни кўпроқ меҳнат қилишга даъват этган эди. Бу зиддиятларни бартараф этишга ҳаракат қилиш одамлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик туйғуларини янада ривожлантиради.

Берунийнинг қуйидаги фикрлари ўша давр ижтимоий тартиботини англаб этишга катта ёрдам беради: одамлар бир-бирларининг эҳтиёжларини қондириш учун меҳнат қилсалар-да, аммо ҳамма бир-бириға тенг бўлолмайди. Бунинг бирдан бир сабаби жамиятда мажбурий ҳамда ёлланма меҳнатнинг мавжудлигидир. Бундай шароитда куч ишлатиш табиий бир ҳолдир. Ёлланиб ишлаш ҳам, ўз навбатида, мажбурий меҳнатдир, шунинг учун унинг ижтимоий моҳияти ижтимоий тараққиётға мос эмас. Ўз мулкиға эга бўлиш ва ўз ерида меҳнат қилиш одамни мажбурий меҳнатдан халос этади. Демак, жамият тараққиётининг асосини хусусий мулк ташкил этади. Бу ғоялар Беруний дунёқарашининг нақадар теранлиги ва чуқурлигини кўрсатади.

Беруний меросидаги иқтисодий қарашларни ҳар томонлама таҳлил қиларканмиз, яна бир мисолда буюк мутафаккирнинг иқтисодий ғояларига дуч келамиз. Бу — пулнинг пайдо бўлиши, вазифалари ва моҳияти ҳақидаги ғоялардир. Берунийнинг кўрсатишича, пулнинг келиб чиқишиға ҳам, бир томондан, моддий эҳтиёжларнинг тобора кенгайиб, ранг-баранглашиб бориши сабаб бўлган.

Моддий эҳтиёжларни қондириш учун ишлаб чиқарилган моддий неъматлар ўртасидаги алмашув зарурияти уларнинг қийматини белгилашни ҳам тақозо этган. Бу ўлчов меъёри олтин орқали амалга оширила бошланган. Чунки, олтин ноёб метал, узоқ сақланади, у ҳар бир киши диққатини ўзига қарата олади. Олтиннинг моҳиятига, сифатига зарар етказмасдан уни кўпайтириш, вазнини ошириш ёки камайитириш мумкин. Берунийнинг таъкидлашича, пулнинг асосий моҳияти сарфланган харажат билан маҳсулот ўртасидаги нисбатни аниқлашга қаратилган.

Пулни бу тахлитда тушуниш Арасту қарашларига нисбатан анча илғор ва ҳақиқатга яқин. Чунки бу тахлитда пулнинг икки моҳияти — қиймат меъёри ва муомала воситаси эканлиги акс этмоқда.

Беруний пулнинг моҳияти хусусида фикр юритар экан, унинг қўлда тўпланиб қолишини маъқулламайди. Чунки замон ўзгариши билан пул ҳам ўзгариши мумкин. Сўнгра олтин пул муомаласи сифатида қўлланиб турилганда уни зеби-зийнат тариқасида ишлатиш ҳам пулнинг эквивалентлигига салбий таъсир қилиши мумкин. Аммо давлат хазинасида етарли миқдорда олтин пули бўлиши керак. Чунки давлатнинг эҳтиёжлари ўзгариб туради, хазинанинг бойлиги элнинг тинчлиги, демакдир. Олтин пул кишиларнинг моддий эҳтиёжларини қондириши орқали қимматлидир.

Қорахонийлар даврида яшаб, ижод этган Юсуф Хос Ҳожиб Беруний асарлари билан таниш эмасди, аммо у ҳам меҳнатнинг ижтимоий ҳаётдаги ролига катта эътибор беради.

Юсуф Хос Ҳожиб (1019—1085) «Кутадғу билиг» асарида ўз давридаги давлатнинг сиёсий-иқтисодий қурилмасини ташкил қилган бек ва вазирлар, лашкарбошилар, элчилар, котиблар, шоирлар, олимлар, мунажжимлар, туш таъбир қилувчилар, табиблар, деҳқонлар, чорвадорлар, ҳунармандлар, савдогарлар ва бошқа касб-ҳунар эгаларини бирма-бир таърифлаб, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда ролини, ўзаро алоқаларини, бурч ва вазифаларини баён этади.

Юсуф Хос Ҳожиб меҳнатнинг моҳияти ва жамиятдаги ролини таъкидлаш билан чекланиб қолмасдан, у меҳнат тақсимотининг катта аҳамиятини таъкидлаб ўтади. Деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчиликнинг ўзига хос томонлари, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мутафаккир таълимотларида ўз ифодасини топади. Агар

деҳқонлар барча инсонларни овқатлантириб, кийин-тирсалар, чорвадорлар озиқ-овқат маҳсулотлари учун ҳам, кийим-кечак учун ҳам, транспорт воситаси учун ҳам баббаровар зарур бўлган отлар, қўйлар, қорамолларни кўпайтирадилар. Хунармандлар эса деҳқончилик учун ҳам, чорвачилик учун ҳам керакли асбоб-ускуналарни тайёрлаб берадилар. Шу тариқа ўзаро меҳнат тақсимоти тараққиётни таъминлайди.

Пулнинг функцияларини таҳлилдан ўтказар экан, Юсуф Хос Ҳожиб, учта аспектни таъкидлаб ўтади.

1. Қиймат ўлчови
2. Муомала воситаси.
3. Безак воситаси.

Одамлар пул билан муомалада эҳтиёткор бўлишлари керак. Чунки пул жуда катта куч. Масалан, давлатнинг куч-қудрати армиянинг сони, кўплиги билангина эмас, ҳазина миқдори билан ҳам белгиланади. Аммо ҳазинани тўлдиришга берилиб ҳам кетмаслик керак. Ҳазина халқ фаровонлигига хизмат қилиши керак.

Юқоридаги мулоҳазалар асосида Юсуф Хос Ҳожиб идеал давлат яратиш ҳақида ўзининг ажойиб лойиҳасини ишлаб чиқади. Бу идеал давлатда зиддиятлар йўқ, ҳар бир фуқаро ўз эҳтиёжларини қондириш учун ҳаракат қилиб, жамият учун ҳам катта фойда келтиради. Бундай идеал давлатнинг мавжудлиги ва тараққиёти унинг бошида турган инсоннинг донологи, олижаноблиги, ташкилотчилигига боғлиқ.

Юсуф Хос Ҳожибнинг фикрича, давлат ва жамиятнинг барқарор бўлишида қонун устуворлиги муҳим аҳамиятга эгадир: *«Эй, бек, халқнинг сенга уч хил ҳаққи бор, сен бу ҳақни тўла бажар ва ўз жонингга жабр қилма. Бу ҳақнинг бири — пулнинг курсини кўтариш, унда олтин ва кумушнинг софлигини ошириш ва буни кузатиб туришдан иборатдир. Яна бири — эл учун ишончли, мустаҳкам ва тўғри қонунлар чиқар, буни эл сендан кутади. Учинчидан, йўлларни қароқчилардан, хароб қилувчилардан тинч ва осойишталикда сақла.*

Эй, элнинг беги, халқнинг сенга бўлган шу талабларини бажарганингдан сўнг ўзинг ҳам халқдан уч нарсани талаб қилишга ҳақли бўласан: бири — ҳар қандай ёрлиғ (қонун) чиқарсанг, уни ҳамма сўзсиз ва тез бажариши керак. Иккинчиси — давлат солиқларини ўз вақтида саҳийлик билан давлат хазинасига топшириб турсинлар. Учинчиси — бутун халқ дўстингга дўст, душманингга душман бўлиши керак».

Салжуқийлар вазири Низомул-мулкнинг асарларида ҳам давлат қурилиши ва уни бошқариш усуллари, қуйи бўғинлардаги ҳокимиятларнинг вазифалари батафсил ёритилган. Унинг асосий асарларидан бири «Сийёсатнома», деб аталади. Мутафаккирнинг таҳлил ва хулосалари шундан далолат берадики, давлат, унинг барча бўғинларини бошқариш иқтисодий муоммалар орқали олиб берилади. Жумладан, давлат фаолияти билан боғлиқ айрим салбий ҳодисалар танқид остига олинади. Талон-тарож, амирларнинг ўзбошимчалиги, амалдорлар, қозиларнинг таъмагирлиги, солиқларнинг оғирлиги давлат билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларни кескинлаштириб юборади. Бу салбий ҳодисалар одамларнинг ўз эҳтиёжларини қондиришларини қийинлаштиради.

Низомул-мулк асарида бунақа нохуш, зарарли ҳодисаларнинг олдини олиш учун давлат мулкни тежаб-тергаб сарфлаш, мансабдор шахслар устидан назоратни кучайтириш кераклиги кўрсатиб ўтилади. Деҳқонларга қилинадиган ҳар қандай зўравонлик қораланади. Пастдан юқорига қараб ҳисоб бериб туриш, одамлар манфаатига зарар етказмаслик, гуманизм ғояларини кенгайтириш каби чора-тадбирлар тарғиб қилинади.

Абдурахмон Жомий асарларида ҳам адолатли бошқарув масаласига кўп эътибор берилади. Жомий ўз асарларида жамиятда мавжуд бўлган барча яхшилик ва ёмонлик ҳокимият тепасида турган ҳукмрон шахсияти билан бевосита боғлиқ, деб қатъий таъкидлаган эди. Демак, энг муҳими, давлат бошлиғи ақли, билимли, олижаноб инсон бўлиши, атрофдагилар ҳам унга ўхшаган адолатли ишбилармонлар бўлиши зарур. Бундай давлатда зўрлик бўлмайди, жамият ривожланишига кенг йўл очилади.

Келгусидаги тинч ва фаровон ҳаёт ҳақидаги, ривожланган шаҳар ҳақидаги орзуларини Жомий «Искандар донолиги ҳақидаги китоб»да акс эттирган. Қизиги шундаки, бу шаҳарда шоҳ ҳам, амалдорлар ҳам, бойлар ҳам, камбағаллар ҳам йўқ. Одамлар эркин, биродарлашган, бири-бирига ғамхўр, меҳрибон. Шаҳар тинч, уруш йўқ, одамлар фаровон ҳаёт кечиришади.

Албатта, Жомий тасвирлаган бу шаҳар (давлат) фақат ҳаёлдагина мавжуд бўлиши мумкин. Аммо, нима бўлганда ҳам, унда халқнинг орзуси, кураши, интилиши акс этган. Халқ ҳамма вақт адолат учун зулмга қарши курашиб келди. Одамлар учун фаровон ҳаёт би-

ринчи даражали аҳамиятга эга эди. Бу орзуларда, бу қарашларда фуқаролик жамияти тимсолини кўрамиз. Аждодларимиз ўз қарашларида келажакда қарор топиши мумкин бўлган эркин жамиятнинг қиёфасини у ёки бу томондан характерлаб берганлар.

Буюк ўзбек шоири, ўрта асрнинг улуғ мутафаккири Алишер Навоий асарларида ҳам ижтимоий ва иқтисодий тараққиётнинг муштараклиги ғояси шарқона поэтик тарзда ифода этилган. Навоий Темурийлар авлодлари ўртасида зиддиятлар кескинлашган бир даврда Ҳиротда яшаб, ижод қилди. У юксак давлат арбоби сифатида жамият тараққиётининг ҳамма томонларини қаламга олди.

Инсоният ижтимоий тараққиётининг турли масалаларини Алишер Навоий ўзининг кўплаб асарларида ифодалаган. Адолатпарварлик ва гуманизм шоир иқтисодий қарашларининг лейтмотиви ҳисобланади. Навоий жамият фаровонлигида деҳқончилик ва ҳунармандчиликнинг ролини алоҳида таърифлайди. Хусусан, деҳқончиликнинг ролига Алишер Навоий махсус эътибор беради. Дон мамлакатнинг асосий бойлиги, халқ фаровонлигининг манбаидир. «Фарҳод ва Ширин» достонида канал қазиб, сув чиқаришнинг мамлакат ҳаётида нечоғли катта аҳамияти борлиги бадий ифодасини топган. Фарҳоднинг бениҳоя катта жасорати ва матонати инсон қудратининг чексизлигига ишора.

Моддий ва маънавий омилларнинг уйғунлигини кўрсатиш мақсадида Алишер Навоий ўз асарларида халқ ҳаётининг эркин лавҳаларини акс эттиради. Демак, барча фаровонликнинг асл манбаи — меҳнатдир. Меҳнат қуролиларини такомиллаштира бориш ҳам моддий ҳаёт мазмунига мос бўлиши зарур. Алишер Навоийнинг халқ манфаатларининг устуворлиги ҳақидаги ғоялари фуқаролик жамиятининг ҳозирги замон таърифига бир қадар мос келади.

Жамиятда адолат барқарор бўлиши учун халққа солинадиган солиқлар инсоф доирасидан чиқмаслиги керак. Алишер Навоий подшо хазинаси ҳақида қайғурса ҳам солиқларни енгиллатиш учун доим кураш олиб борди. Алишер Навоий шу тариқа ўз асарларида молиявий муаммоларни бутун мураккаблиги билан тасаввур қилишга ҳаракат қилади. Мансабдор шахсларнинг таъмагарлиги Алишер Навоийнинг вазир сифатида ғазабига дучор бўлган. Давлат пулларини ободончилик ишларига сарфлаш, мадрасалар, ҳаммомлар, карвонса-

ройлар қуриш, йўлларни, кўприкларни таъмирлаш, боғ-роғлар обод этиш Алишер Навоий иқтисодий қарашларининг асоси эди.

Алишер Навоий илгари сурган ғояларни амалга оширмақ учун одил шоҳ ва адолатли қонунлар мавжуд бўлиши керак. Ана шу икки омил ижтимоий тараққиётнинг кафолатидир.

Алишер Навоий инсон ҳуқуқларини ўзига хос тарзда тараннум этиб, бошқаларнинг ғамидан таъсирланмаганларни одам қаторида ҳисобламайди:

Одамий эрсанг демагил одамий

Оники йўқ халқ ғамидин ғами.

Алишер Навоий «Садди Искандарий» достонида ҳукмдорнинг вазифаси ҳақида тўхталар экан, унинг давлатни адолатли қонун асосида бошқариши, ҳар бир табақанинг обрў-эътибори, қадр-қимматини муносиб баҳолаши, улардан бири иккинчиси устидан ҳукмронлик қилишига йўл қўймаслиги учун, биринчидан, подшоҳ раиятга зулмуситам олдини олиши, иккинчидан, йўллар хавфсизлигини таъминлаб, қароқчилар гуруҳига барҳам бериши, учинчидан, ўғрилар ва улус мулкига кўз олайтирадиганларнинг даммини қонун-қоидалар орқали тўсиши, тўртинчидан, яратувчи буйруғига биноан, ҳар доим миллат томонида бўлиб, уларни ҳимоя қилиши, бешинчидан, золимлар илигини халқ ёқасидан узиб, уларнинг осойишталигини таъминлаши лозимлигини таъкидлайди:

Раиятга қилса қаламзан ситам,

Қаламзанинг элгини қилсун қалам.

Мусофир йўли риштасин узмосун,

Қароқчи қаросини кўргузмасун.

Қилиб забт ила маҳкам ўғри йўлин,

Улус молидан қисқа қилсун қўлин.

Неким ҳақ буюрмиш бўлиб пайрави,

Ҳақ айтур улус элгин этсун қавий.

Бериб зулмуғтарга фарсудалик,

Раиятқа еткурсун осудалик.

Шунингдек, Алишер Навоий шоҳга хитобан, агар сен фуқаролар ҳуқуқини паймол қилиб, бир синиқ игнани олсанг ҳам у бағринга олмос пичоғидек санчилгусидур, деб огоҳлантиради:

*Гарчи синиқ игна ҳақунносдур,
Бағрингаро ханжари олмосдур.*

Алишер Навоий ўз қарашларида давлат фаолиятидаги қонун устуворлиги ғояси, ҳукмдорнинг қонунга бўлган муносабати масаласини энг муҳим ва зарур нарса сифатидан илгари суради. Мутафаккирнинг фикрига кўра, адолат ва қонунийлик — халқ ва мамлакат хотиржамлигининг асосидир. Қонун «диний ақида ва дуолардан устун ва муҳимдир», ҳаттоки, «Султон ҳам, агар гуноҳ қилар экан, жазога тортилиши муқаррардир». Бу эса алломанинг шоҳга хитобан амалда қонун олдида шоҳу гадо тенглигини эслатганлиги билан изоҳланади:

*Ҳақ сени адл этколи султон қилиб,
Зулм ила сен халқни вайрон қилиб.*

Тарихимизда яшаб ўтган буюк аждодларимиз меросига чуқурроқ назар ташласак, ислом дини назарий-чилари ҳам фуқаролик жамияти моҳиятига доир жуда кўп ибратли фикрларни баён этганлар.

Шу нуқтаи назардан Имом ал-Бухорий меросига бир назар солайлик. Ҳадис илмининг султони Муҳаммад Шариф Бухорий ўз асарларида ижтимоий-сиёсий масалаларга нисбатан кам эътибор беради. Умуман, бу тенденция жуда кўп тасаввуф ижодкорлари фаолиятига хос хусусиятдир.

Лекин Имом ал-Бухорийнинг «**Шоҳона фойдалиқ**» асарида диний-ҳуқуқий, ахлоқий тамойилларга алоҳида эътибор берилади. Китобда келтирилган анчагина материаллар ичида шариат асосида адолатли ҳокимият ва адолатли жамият қуриш йўллари хусусида фикрлар мавжуд. Уларга кўра, жумладан, мамлакатда яшовчи ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқлари қаттиқ ҳимояланган бўлиши керак. Маълумки, ушбу ғоя, умуман, барча илғор фикр эгаларини доимо безовта қилиб келган.

Ал-Бухорийнинг кўп ғоялари, хусусан, одил подшоҳ ҳақидаги кўрсатмалари Форобий қарашларига ҳам оҳангдир. Шу тариқа ижтимоий-гуманистик ғоялар авлоддан-авлодга ўтиб, ривожланиб, бизгача етиб келган.

Шарқ мутафаккирлари ижодида давлат бошлиғи жамият ва давлатнинг юраги сифатида характерланади. Худди инсон организмида юрак қанчалик муҳим роль

ўйнаса, давлат бошлиғи ҳам жамият ҳаётида шунчалик муҳим роль ўйнаши керак. Иккинчи томондан, давлат бошлиғининг юксак масъулияти ҳам кўрсатиб ўтилади. Яъни у қонунлар ҳимоячиси сифатида адолат томонида бўлиши керак. Давлат бошлиғи барча фуқаролар ҳурмат қиладиган, тақлид қиладиган инсон бўлиши, ёмонликка қарши кураш олиб бориши зарур.

Имом ал-Бухорий асарларида шариат талабларидан келиб чиқадиган жуда кўплаб қатъий кўрсатмалар мавжуд. Аммо биз учун унинг энг муҳим қарашлари бу — инсонпарварлик ғояларидир.

Давлатнинг мамлакат ичидаги вазифаларига катта эътибор берилган. Чунки ушбу вазифаларни бажариш ислом дини тарғиб қиладиган адолат ва мурувват меъёрларига анча мос келади. Бу, айти пайтда, барча халқларни ўйлантириб келган адолат масаласи ҳамдир.

Моддий-молиявий масалалар ҳам Шарқ мутафаккирларининг диққат-марказида бўлган. Олий ҳокимият ҳар бир фуқарони, бутун аҳолини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб туриши керак. Солиқлардан тўпланадиган пулларни жамият манфаатлари учун сарфлаш, жумладан, чегараларни мустаҳкамлаш, кўприклар куриш, олимлар, талабалар, қозилар, умумдавлат ҳисобидан кун кўрувчиларни қўллаб-қувватлаш давлатнинг асосий муҳим вазифасидир.

Ўрта аср Шарқ мутафаккирлари сингари ал-Бухорийнинг ижтимоий қарашлари жамиятнинг сиёсий тuzилиши, ёшлар тарбияси, одоб-ахлоқ масалаларини қамраб олади. Шуниси диққатга сазоворки, юксак ахлоқ юксак ақл-идрок билан уйғунликда олиб қаралади. Халқнинг истаклари, қизиқишлари, турмуш тарзига яқин бўлган ал-Бухорийнинг ахлоқий қарашлари Шарқ халқлари орасида кенг тарқалди ва адолат учун кураш тимсолига айланди. Шунинг учун ҳам улуғ имомнинг дунёқарашидан, аввало, умуминсоний қадриятлар устуворлик қилади.

Меҳнатқаш халқ манфаатини ҳимоя қилиш, деспотик давлатнинг адолатсизликларини қоралаш Шарқнинг яна бир буюк мутафаккири Мирзо Абдулқодир Бедил ижодида ҳам яққол ифодаланади.

Бедилнинг таъкидлашича жамиятни ҳаракатга келтирган асосий омиллар — бу инсон эҳтиёжлари ва уларни қондириш зарурати бўлди. Бу зарурат деҳқончиликнинг ривожланишига керакли туртки берди. Шу-

нинг учун ҳам аҳолининг турли қатламлари орасида деҳқонларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром жуда катта эди. Бедил деҳқонларнинг мана шундай катта ҳурматга сазовор эканликларига қарамай, уларнинг бойлар, судхўрлар томонидан хонавайрон қилинишларини далиллар асосида кўрсатиб ўтади ва кескин танқид остига олади.

Ҳар бир одам ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиши керак. Касбнинг яхши-ёмони йўқ. Энг ёмони — меҳнат қилмай, бировларнинг ҳисобидан кун кўришга интилишдир. Бедил маърифатли шоҳ тарафдори эди. Унинг кўрсатишича, маърифатли шоҳ иқтисод, фан, маданиятни ривожлантириш чораларини кўради, шу тариқа халқнинг турмуш фаровонлиги оша боради.

Адолат меъёрлари, қонун нормаларига қатъий амал қилиш анъаналари ҳам узоқ тарихга эга. Тарихимизнинг энг порлоқ юлдузларидан бири, буюк саркарда Амур Темур ҳам худди мана шу адолат мезонларига, қонун нормаларига қатъий амал қиларди. У камбағал, бева-бечораларнинг бошини силарди, адолатсизлик қилганларни қонун йўли билан жазоларди. Гуноҳсизни жазолашга сира йўл қўймасди.

Шу билан бирга мулкдорнинг мулккий дахлсизлиги таъминланган эди. Йўлларга қўриқчилар тайинланарди, карвон йўллари ҳар томонлама ҳимоя қилинарди. Дарёларга кўприклар солинар, бир кунлик йўл юришдан кейин дам олиш учун карвон саройлар қуриларди. Карвонларни кузатиб борувчи қўриқчилар ҳам бор эди.

Яхши меҳнат қилганлар тақдирланар эдилар. Янги ерга ишлов бериб, ҳосил олган деҳқонга бир йилга солиқ солинмас, иккинчи йили ўзи ихтиёри билан имкон доирасида солиқ тўларди. Фақат учинчи йили белгиланган тартибда солиқ тўларди.

Жамият тараққиётининг ижтимоий муаммолари Амир Темур эътиборидан ҳам четда қолмаган эди. Улуғ Соҳибқирон ҳар бир шаҳарда мачит, мактаб, монастыр, ногиронлар учун шифохоналар қурдирган эди.

Биз фуқаролик жамияти ҳақидаги улуғ аجدодларимиз таълимотида мавжуд қарашлар, қарор топган адолатли жамият тажрибалари ҳақида қисқача фикр юритдик. Жумладан, моддий эҳтиёжлар ва уларни қондириш устуворлиги, одамлар ўртасидаги тенглик, уларнинг эркинликлари ҳимояси ва бошқа кўплаб де-

мократик тамойилларни қарор топтириш учун олиб борилган кураш тарихи бизнинг давримиз учун ҳам ибрат ва намунадир.

Адолатли жамият ва фаровон ҳаёт учун кураш энг оғир мустабид йилларда ҳам давом этган. Россия босқини ва тоталитар давр воқеаларига қисқача назар ташлайлик.

Россиянинг Марказий Осиёни босиб олиш нияти анча илгарироқ бошланган. Петр Биринчи ўлканинг бойликларига кўз тиккан, босиб олиш учун режа тузиб, уни амалга оширишга ҳаракат қилган. Бош штаб вакили Макшевнинг архивида бу ҳақда аниқ маълумотлар бор. Кейинги пайтларда яна қатор материаллар қўлга киритилди.¹

Россия империясининг босқинчилик сиёсатини оқлаш учун Марказий Осиёдаги ерли халқлар русларнинг келишини ўзлари хоҳлаяптилар, деган ёлғон уйдирма кенг тарқатилди. Бу билан Россияни босқинчи эмас, балки «халоскор» қилиб кўрсатишга уриндилар. Демак, Россия Осиёга бойлик тўплаш учун эмас, балки халқларга ёрдам бериш учун «келган». Шунинг учун «Россия ўмариб кетаётган маблағидан кўра, бир неча марта кўп маблағ сарфлаб, бу ерларнинг ободонлиги учун сарфлаяпти», бу пуллар Россия хазинасидан олиб келинаяпти, деган уйдирмалар Россия халқлари онига ҳам, Ўрта Осиё халқлари онига ҳам обдон сингдирилади.

Россиянинг Марказий Осиёга интилиши, хусусан, 1905-1907 йиллардан кейин Столипиннинг аграр ислохотлари туфайли бошқача тус олди. Минглаб камбағал рус деҳқонларини Ўрта Осиёга кўчиришга киришилди. Дастлаб уларни бўш адир ерларда жойлаштириш мўлжалланди. Аммо бу ерларни ўзлаштириш машаққатли иш бўлгани учун суғориладиган ерларни қандай қилиб ерли халқ қўлидан тортиб олиш ҳақида бош қотира бошланди. Ҳолбуки, суғориладиган ерлар ерли халқларнинг ўзларига аранг етарди.

Келгиндиларга ер ажратиб беришнинг иккита йўли мавжуд эди: янги ерларни ўзлаштириш ёки халқнинг қўлидаги ерни ноқонуний тарзда тортиб олиш. Ерни

¹ Қ а р а н г: Убайдуллаев У.А. К характеристике колонизаторской политики Царской России в Туркестане. // Общественные науки в Узбекистане, 1999, №3-4; Каткова Т.В. Отношение Государственной Думы к переселенческой политике царизма в Туркестанском крае. // Общественные науки в Узбекистане. 1999, №3-4 ва б.

тортиб олиш, ҳатто, ўша пайтда мавжуд бўлган колония қонунларига ҳам зид эди. Биринчи йўл, яъни бўш адир ерларни ўзлаштириш катта куч ва маблағни талаб қиларди, шунинг учун босқинчилар иккинчи йўлни танлашади.

Ерли халқнинг сабр косаси тўлди, норозиликлар Давлат Думасигача етиб борди. Аммо петербурглик колонизаторлар дағдағали буйруқлар билан жавоб қайтаришди. Бўйсунмаганларга нисбатан ҳарбий куч ишлатиш мумкинлиги уқтирилди.

Кейинчалик чор ҳукумати ўзига хос «янги курс»ни эълон қилди. Энди русларнинг кириб келишлари тўхта-тилди, аммо Марказий Осиёни асоратга солишнинг янги режалари ишлаб чиқилди. Колониал сиёсат янада кескинлашди, халқнинг бошига бирин-кетин кулфатлар ёғила бошлади.

Ўлкада колониал тизим тўла қарор топди. Ҳарбий-бюрократик бошқарув ўрнатилди. Ерли халқлар иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий асоратга дучор қилинди. Моддий бойликларга тўла бу ўлка аграр хомашё базасига айлантилди, арзон хомашё саноати молларини сотадиган макон бўлиб қолди.

Чор Россияси кўпроқ фойда олиш учун пахта, ипак, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш чораларини кўрди. Бу маҳсулотларга шу ернинг ўзида дастлабки қайта ишлов бериш подшо хазинасига тушадиган пулларни анча кўпайтирар эди. Бунинг учун темир йўллар солинди, айрим иқтисодий соҳалар инфратузилмасига катта эътибор берилди. Бу чора-тадбирлар натижасида Туркистон ўлкасининг бой хомашёларини тўла ўзлаштириб олиш учун кенг йўллар очилди.

Бу объектив жараён ичида айрим маҳаллий тадбиркорлар ҳам муваффақиятли фаолият кўрсата бошлади, ер майдонлари кенгайтирилди. Чинакам ватанпарварлик туйғуларини кўтариб чиққан илғор зиёлилар маҳаллий халқнинг оғирини сал бўлса-да, енгиллатиш йўлларини изладилар. Озодлик учун курашга уларни руҳан тайёрлаш кераклигини чуқур фаҳмлаб, миллий қадриятларни яна тиклаш, маънавий юксалиш воситаларини ишга сола бошлашди.

Бу илғор зиёлиларнинг олдинги сафларида янги ғоя тарафдорлари — жадидлар турарди.

Жадидларнинг Туркистон сиёсий ва маданий ҳаётидаги муҳим оқим сифатидаги ўзига хос томонлари шун-

да эдики, улар халқларни курашга чорлаш ва қўллик исканжасидан халос қилишнинг бирдан-бир йўли — маърифатни эл ўртасида тарғиб қилиш маълумотли, юксак маърифатли авлодни шакллантириш имконини беради, деб тушунишарди.

Жадидларнинг маърифатпарварлик ғоялари, ижтимоий янгиликни йўлида кўрсатган жонбозликлари очиқ фуқаролик жамияти моҳиятига уйғун эди, шунинг учун ҳам уларнинг ҳаракатлари колонизаторлар ва маҳаллий консерваторлар томонидан таъқиб қилинди.

Туркистон жадидлари янгилик тарафдорлари, илғор ғояларнинг ҳимоячилари сифатида жамиятнинг барча соҳасини тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатиб бердилар. Мавжуд феодал тартибларнинг тараққиётга тўсиқ бўлаётган томонларини кўрсатиш билан бирга улар чор амалдорларининг маърифатга қарши ҳаракатларини қораладилар.

Жадидлар маърифатпарварлар сифатида асосий эътиборни икки жиҳатга қаратдилар — *биринчиси*, янги мактаблар очиш, янги дарсликлар яратиш, *иккинчиси* — газета ва журналлар нашр этиб, уларда илғор ғояларни тарғиб қилиш, янги мактабларда диний таълимотлар билан бирга дунёвий илмлар ҳам, жумладан, тарих, география, математика, мантиқ ва бошқа фанларни ўқитиш зарур, деб ҳисоблар эдилар. Шу мақсадда ташкил этилган янги мактабларда дарс ўтиш савияси ҳам, илмларни болалар томонидан ўзлаштирилиши ҳам мутлақо янгича савияда эди. Барча дарслар миллий асосда олиб бориларди.

Жадидларнинг маърифатпарварлик йўлидаги ҳаракатлари ўзбек тилида газета ва журналлар нашр этиш ишларини ривожлантириб юборди.

Янги газета ва журналларда мамлакат ичидаги ва унинг ташқаридаги ижтимоий-сиёсий воқеалар билан бирга савдо-сотиқ, саноат, қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар, маданият, санъатдаги янгиликлар ҳам эълон қилиб турилди.

Жадидлар жуда қийин ва оғир шароитларда иш олиб бордилар. Улар барча харажатларни ўз ёнларидан тўлаб, барча тазйиқларга бардош берад, халқнинг онгини ошириш орқали уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишга, ўлкани босқинчилар асоратидан озод этиш учун курашга чорладилар. Жадидлар кўтариб чиққан инсонпарварлик ғоялари ҳозирги мустақиллик ғояларга ҳам оҳанг эди.

Ижтимоий тараққиётнинг маърифий шакли бу — илғор ўзгаришлару инсонпарвар янгиланишларга мос очиқ жамиятнинг тамойилларига айнан уйғун келарди.

Биринчи бўлимда бот-бот таъкидлаганимиз демократик фуқаролик жамияти, аввало, шу жамият фуқароларининг манфаатларига, ушбу манфаатлар ҳимоясига сафарбардир. Айнан ана шу сафарбарликда биз Шарқ мутафаккирлари таълимотларининг теран мазмундорлигини кўраемиз.

Бўлажак инсонпарвар, адолатли жамият тарихий кўришининг ички ривож барча буюк қомусий мутафаккирлар қарашларига хос мустақил шарқона илмий анъаналар асосида кечди.

Лекин ҳозирги замон очиқ фуқаролик жамияти тамойилларига уйғун гоёларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва амалга ошишиши йўллари халқимиз учун узоқ, оғир, мураккаб, ҳатто, кескин-драматик кечди.

Ана шу нуқтаи назардан XX аср тарихи ва ундаги тоталитар тузум бизни фуқаролик жамияти идеалларидан узоқлаштирди.

И б о б

СОЦИАЛИЗМНИНГ БОШИ БЕРК КЎЧАСИ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган асрларга тенг туб ислохотларни муносиб баҳолаш учун Ўзбекистоннинг социалистик тузум шароитида нечоғли боши берк кўчага кириб қолганини қисқача изоҳлаб ўтиш зарур. Биз шакллантираётган фуқаролик жамияти худди шу социалистик тузум қолдирган «мерос» асосида, аниқроғи, шу «мерос»ни инкор этиш асосидагина қарор топиши мумкин.

Албатта, бир неча саҳифада социализмни чуқур таҳлил қилиб, унга адолатли баҳо беришнинг иложи йўқ. Шунинг учун биз асосий эътиборни социализм асоратларига берилган, берилаётган ҳозирги баҳоларга қаратмоқчимиз. Ана шу тариқа биз ўз мушоҳадаларимизни аниқ асосларга эга эканлигини исботлаймиз.

Социализм мавжуд барча табиий ва инсоний ресурсларни ваҳшиёна эксплуатация қилгани бугун ҳамма учун маълум «мерос». Ҳатто, буни социализмнинг ўзига хос ривожланиш босқичи, деса ҳам бўлади.

Ижтимоий тараққиётнинг турли сифат босқичлари хусусида нисбатан кўп қарашлар мавжуд. Бу концепциялар ичида **ҳаётни таъминлаш усуллари**, деб номланган концепция анча қизиқарли ҳисобланади¹. Бу ёндашувга кўра, инсон фаолиятида ҳаётни таъминлашнинг тўртта усули қайд этилади:

Гомерцентризм — инсон ўз эҳтиёжларини яшаш муҳитига уйғун ҳолда, уни ўзгартирмасдан қондиришга ҳаракат қилади.

Эктоцентризм — ҳаётни таъминлаш усули бўлиб, эҳтиёжлар экологик мувозанатга зарар етказмасдан табиат ресурсларини қайта тиклаш орқали қондирилади.

¹ Қ а р а н г: Шахназаров О. Эволюция человека и человечества. // Общество и экономика, 1999, №2. — С. 8—12.

Геоцентризм. Бу усулда эҳтиёжлар табиат ресурсларини қайта тикламасдан ва экологик мувозанатни бузган ҳолда яшаш муҳитини ўзгартириш орқали қондирилади.

Антропоцентризм — ҳаётни таъминлаш усулларида бири бўлиб, эҳтиёжлар инсоннинг интеллектуал қобилияти асосида қондирилиб борилади. Эҳтиёжлар табиий ва сунъий ресурслардан фойдаланиш, экологик мувозанатни сақлаш ёрдамида қондирилади..

Бу усуллар инсон туғилиши билан аста-секин шакллана бошлайди, аммо улар ҳар қайси даврда ҳар хил даражада намоён бўлиб келган.

Муайян шароитлар тақозоси ўлароқ, муайян бир усул устуворлик қилади. Қолганлари эса бўлажак тараққиётнинг резерви бўлиб қолади, пайти келганда, улар ҳам биринчи, ҳал қилувчи даражага кўтарилиши мумкин.

Алал-оқибат ҳаётни таъминлашнинг барча усуллари ягона цивилизация доирасида мавжуд. Ҳозир ер юзида гомеоцентризм босқичида бир неча ўн йиллардан, эктоцентризм — бир неча минг йиллардан, геоцентризм босқичида бир неча юз йиллардан бери мавжуд жамиятлар бор. XX аср ўрталарида эса антропоцентризм босқичи бошланди.

Умумий эволюция — инсон ва жамиятга азалан хос табиий хусусиятлар ва имкониятларнинг муайян кўриниши жараёнигина эмас, айти пайтда, ўтган даврлар ичида амалиётда орттирилган тажрибалар, шунингдек, табиат билан ўзаро уйғун муносабатлар оқибати ҳамдир. Тараққиёт ҳамма вақт социум контекстида эмас, кўпроқ инсон — экосоциум (муҳит) контекстида рўй беради.

Ҳаётни таъминлаш усулларида муҳим таснифий аломати бу — қувват (энергия) ва материалнинг харажат миқдоридир. Харажат гомеоцентризмда кам бўлса, геоцентризмда ошиб кетади.

Геоцентризмда харажатларнинг ўсиб бориши билан боғлиқ тараққиёт ниҳоясига етади. Ундан кейин бошланувчи антропоцентризм, нафақат, энергия ва материаллар ишлатиш миқёсини камайтиради, шу билан бирга яшаш муҳитини қайта тиклайди ҳам. Бу даврда инсоннинг муҳит ресурс имкониятларига нисбатан бифарқлиги заминдаги цивилизациянинг табиий уйғунлигини қайта тиклаш, эҳтиёжларни ҳар қандай шароитда ҳам табиатга озор етказмай қондириш имкония-

тини яратди. Инсоният тарихида илк жамиятнинг атроф-муҳит билан ўзаро боғлиқлиги шароитида формацияларнинг кескин чегараланмаган алмашиш эҳтимоли юзага келди.

Геоцентризм яқин ўтмишдаги социализмнинг характерли белгиси эди. Бу ижтимоий тузумнинг парадигмаси ўсиб бораётган ижтимоий эҳтиёжларни табиий ресурсларни ҳаддан зиёд шафқатсиз ишлатиш асосида қондиришга қаратилган эди. Табиий ресурсларнинг тобора камайиб бориши бу жамиятни безовта қилмади, натижада инсон билан табиат ўртасида катта жарлик пайдо бўлди.

Капитал бу жамиятда кейинги ўринга суриб қўйилган эди. Қазилма бойликларни олиш, қайта ишлаш жараёнларидагина унга мурожаат этиларди, холос. Ишлаб чиқарувчиларнинг мустақиллиги чегараланган, шахсий ташаббусга ўрин йўқ эди. Боз устига, саломатлик, соғлиқни сақлаш билан боғлиқ муаммолар юзага келди.

Социализм тараққиётнинг магистрал маршрути белгилаган ва бу йўлдан манзил томон дадил кетаётгандек бўлиб кўринди, бунга жуда кўп одамларни ишонтира олди ҳам. Аммо қилинган барча ҳаракатлар, сарфланган беҳисоб ҳаражатлар тараққиётнинг юқори чўққисига олиб келмади, чунки аввал бошдан оқ танланган йўл боши берк кўчага олиб борадиган йўл эди.

Юқоридаги жараён, нафақат, назарий жиҳатдан, шу билан бирга амалий жиҳатдан ҳам истиқболсиз ҳаракат эди. Товар-пул муносабатларининг йўқ қилиниши, барча партия ва ҳаракатлар, муқобил нуқтаи назарлар ичидан фақат геоцентризмга мос келадиган ғоялар сақлаб қолинди, қолганлари барҳам топди. Бир қанча монополиялардан фақат битта тармоққа дахлдор монополия сақлаб қолинди. Барча банклар ягона мулк эгасига хизмат қилгани учун молиявий концентрация энг юқори нуқтасига чиқди.

Шундай қилиб, социализм геоцентризмнинг энг дағал юқори кўриниши бўлиб, ўз навбатида, мураккаб ва қаттиқ кичик тизимлардан таркиб топади. Геоцентрик модель мутлақлаштирилиб, эркинлик тамойилларини ниҳоятда бўғиб қўяди. Иқтисодий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам яшаш жойи, оилавий келиб чиқиши, оилавий мақоми, ижтимоий-демократик категорияларга мансублиги, касб тамойили, жамоаси, ташкилотлар аъзолари янги, асосан, эътиборга олина-

диган омилларга айланди. Бошқа барча белгилар, инсоний тамойиллар исканжага олинади, йўқ қилинади.

Ҳаёт ва яшаш имкониятлари боши берк кўчани эслатади, товар ва хизматларнинг интеллектуал мазмунини кучайтириш ҳисобига асосан ижтимоий эҳтиёжларни қондириш бош масалага айланди. Бу антропоцентризмни туғдиради.

Тараққиётнинг ўзбек моделидаги кўп томонлар, юқоридаги муаммолар нуқтаи назаридан олиб қарасак, антропоцентризмдаги энг ижобий томонларни олиб, уларни фуқаролик жамиятининг афзалликлари билан бирлаштиришга қаратилган.

Социалистик жамиятда ҳам инсон омилига этибор бериларди. Масалан, Горбачевнинг қайта қуриш йилларида марксизмда шахс ролига катта эътибор берилган, деган фикрлар жуда кенг ташвиқот қилинди. Аммо амалда воқеалар бутунлай бошқача тус олди. Бир томондан, ҳақиқатдан ҳам ишлаб чиқаришда инсон омили ҳал қилувчи куч сифатида характерланди. Шахсий манфаатлар устиворлиги тан олинди.

Иккинчи томондан эса, марксизмдаги кескин синфий тамойил бу гапларни йўққа чиқарди. Ҳар қандай жамият қатъий шаклланган синфлардан ташкил тонади. Жамият тараққиёти эса ана шу синфлар ўртасидаги курашга боғлиқ.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган хулоса шундан иборатки, марксизмда оғизда инсон омили тан олинади, аммо амалда— социализмда инсон ҳуқуқлари чегараланди, унинг ҳаракатлари синфий андозага солинди. Жамият тараққиётини инсон эмас, балки синф ҳал қилди. Ахир синф ва инсон бир нарса эмас-ку! Синфий манфаат инсоний манфатдан устун қўйилди.

Марксизмдаги бу масалани яхшироқ тушуниш учун Н. Бердяев фикрларига мурожаат қилайлик. Марксизм нуқтаи назарича, деб кўрсатади Н. Бердяев, — инсон ўзи учун ўзи фикрламайди, балки у учун синф фикрлайди, яъни инсон ё дворянин, буржуа, майда буржуа ё коммунист-пролетариат сифатида фикрлаши мумкин холос. Инсон иқтисодни бошқармайди, балки иқтисод инсон устидан ҳукмронлик қилади. Марксизм бу ғояни дастак қилиб олди, уни мутлақлаштирди¹.

¹ Қ а р а н г: *Бердяев Н.А.* Истоки и смысл русского коммунизма. — М., 1990. — С. 80.

Марксизмдаги синфий нуқтаи назар жамиятнинг ҳамма томонини қамраб олди, универсал мазмун-моҳиятга эга бўлди. Ҳатто, маданият, маънавият, маърифат ҳам синфий меъёрларга бўйсунди. Келажакни пролетариат яратади, яъни коммунизм марксизмнинг юраги, асоси, деган эътиқод шаклланди. Пролетариат инсоният халоскори сифатида капитализмни йўқ қилиб, эркин ва фаровон жамият яратади. Демак, гап инсоннинг яратувчилик қобилияти ҳақида эмас, балки пролетариат синфи ҳақида бормоқда.

Пролетариатнинг халоскорлик миссияси инсоният тарихи ривожининг қонуний бир босқичи сифатида ўзини оқламади. Капитализмни афдариб, унинг ўрнига куч билан социализмни ўрнатиш тараққиёт мантиғига зид эди. Социализмнинг тутдек тўкилиши ҳам мана шу ёлғон ғояни рост қилиб кўрсатишга уринишнинг мантиқий оқибати эди.

Очиғи, пролетариатнинг тарихий миссияси ҳақидаги фикрлар ҳақиқатдан кўра бир эътиқод рамзи эди, холос. Маркснинг эътиқодини Ленин тўла-тўқис қабул қилиб олди, уни янада мутлақлаштирди. Натижада тарихни ҳаракатлантирувчи куч пролетариат диктатураси, деб эълон қилинди. Пролетариат диктатураси зўрлик ва террорга асослангани учун инсон ҳуқуқлари, фуқаролик жамияти ҳақидаги ғоялар улоқтириб ташланади. Тоталитар бюрократик давлат қарор топди. Жамият ҳаётини ҳуқуқий асосларда қайта куриш ғоясига ҳам барҳам берилди. Бундай шароитда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Тоталитар тузумнинг қарор топиши ва ўта бюрократлашиб боришида марксизм-ленинизм назарияси бош мафкура сифатида катта роль ўйнайди. Бу мафкура аста-секин жамиятнинг барча соҳасини ўзига бўйсундириб олди ва мамлакатда ягона ҳукмрон кучга айланди. Энг қабиҳ томони шунда эдики, марксизм бошқа ҳамма ғояларни танқид қилар, ҳамма соҳада ўзини ҳақ, деб биларди. Марксизмни ҳеч ким танқид қилмас, унга янгилик киритолмас эди.

Ҳолбуки, марксизмда ҳам, ленинизмда ҳам қотиб қолган бир томонлама, амалий ҳаёт билан боғланмаган ғоялар, концепциялар анчагина бор эди. Бундан ташқари, марксизм-ленинизмда ўта зарарли ғоялар ҳам мавжуд эди. Иқтисодиётга эркинлик берилмади, у сохта ғоялар исканжасида қолди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, иттифоқ тарихида қабул қилинган ўн иккита беш йилликлар даврида сиёсатда буюк ютуқлар ҳақида бонг урилди, аммо амалда жиддий бир натижа келиб чиқмади.

Энг ёмони шу бўлдики, иқтисодни бошқаришга социалистик догмаларга қатъий амал қилувчи, куч ишлатиб, раҳбарликни амалга оширувчи кадрлар жалб этилди. Товламачилик, мунофиқлик одатий бир ҳолга айлана борди. Одамларни доимо кўрқувда ушлаш ўз натижасини берди, бутун жамият миқёсида лоқайдлик, боқимандалик авж олиб кетди.

Мустақиллик йилларида совет жамиятида, бошқарув тизимида, сиёсий, мафкуравий ақидада, иқтисодий ривожланиш тенденцияларида жуда кўп иллатлар мавжуд бўлганини тадқиқотчилар ўз асарларида кўрсатиб ўтмоқдалар¹. Аммо ўша қатагон йиллари ҳам чет элларда чоп этилган асарларда бу ҳақда рост ҳақиқат очиб ташланган эди. Жумладан, биз юқорида тилга олган Бердяев асарларини олиш мумкин.

Н.А. Бердяев Россия тарихи ҳақида фикр юритар экан, у табиий равишда Петр ўтказган ислохотларга эътибор беради. Бердяев томонидан бу ислохотларга берилган баҳони таҳлил қилмай, биз ушбу ислохотларга танқидий ёндашган файласуфнинг битта гапини эслатиб ўтмоқчимиз. Бердяев Петр ислохотларида большевистик руҳ бор эди, дейди. Олим кўйидагиларни қатъий таъкидлайди: Петр эски Москва Россиясини йўқ қилмоқчи бўлди, бу борада мавжуд қадриятларни томири билан кўпориб ташлашга ҳам қарор қилди. Бу мақсадни амалга оширишда у жуда кўп шафқатсизликлар қилди. Эски анъаналарни ҳимоя қилгани учун, ҳатто, ўғлини ҳам аямади. Россиянинг қадимги тарихи билан боғлиқ бўлган барча анъаналар шафқатсизларча йўқ қилинди. Айниқса, Лерков билан боғлиқ ислохотлар жуда қаттиқ бўлди. Эски канонлар асосида шакланган одатлар ер билан яксон этилди. Н.А. Бердяевнинг ёзишича, Петрни Ленин билан солиштириш, улар қилган тўнтаришларни таққослаш ўринли бўлади. Иккаласида ҳам зўрлик, кўполлик, маълум тамойилларни юқоридан туриб, куч билан халққа сингдиришга интилиш, анъаналарни инкор этиш, бюрократик давлат тизими, ҳамма нарсанинг марказлашуви, цивилизация

¹ Қ а р а н г: *Холодков В.* Государственный социализм и образование нового класса в СССР. // Вопросы экономики. 1992, №1 ва 6.

типини бирданига кескин ўзгартириш режалари ҳар иккала режимга ҳам хос эди¹.

Социализм ҳақидаги ғоялар инсоният тараққиётининг маълум бир зарурий босқичи сифатида қабул қилинар экан, одамлар унга умид ва ишонч билан қарай бошлайдилар. Россия меҳнаткашлари ҳам Лениннинг ташвиқотлари таъсирида социализмни фаровонлик келтирувчи жамият, деб тасаввур этдилар. Аммо марксизм реал шароитга тўла-тўқис тўғри келмаслигини большевиклар атайин халқдан яширдилар. Масалан, марксизмда Россия ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий-сиёсий жиҳатдан социализмга чиқишга ҳали тайёр эмас, бунинг учун узоқ йиллар зарур, дейилганига қарамасдан, ленинчилар революцияни зўрлаб Россияга олиб келдилар. Бунда мажбурлаш, террор ва тоталитаризмдан бўлак йўл йўқ эди. Зўрлик ва террор, нафақат амалда, балки энг аввало назарий жиҳатдан асослаб берилди.

Социалистик қайта қуриш давом этган сайин зўрлик ва террор ҳам ранг-баранг йўллар билан амалга оширила бошланди. Тадқиқотчиларнинг кўрсатишича, зўрлик ва террор туфайли турли бўғин раҳбарларнинг тез-тез алмашиши амалга оширилди. Раҳбар кадрларнинг алмашилиб туриши табиий ижтимоий жараён сифатида эмас, балки раҳбарларнинг ҳам террорга учраши туфайли рўй берди. Шунинг учун, биринчидан, раҳбарликка қизқиш пасайиб кетди, иккинчидан, раҳбарлар ўз ўлимларини кутиб, аранг жон сақлаб юришга мажбур бўлдилар. Бундай шароитда чинакам етакчилик ҳақида ган бўлиши мумкин эмас. Товламачилик, лаганбардорлик, мунофиқлик раҳбарлар орасида кенг тарқалди.

Кўп раҳбарларнинг бундай иккиюзламачиликларини уларнинг шахсий характеридаги иллат сифатида эмас, балки ижтимоий тузумдаги тоталитар-бюрократик тамойиллардан излаш ўринли бўлади.

Террор бўйича тадқиқот олиб борганлар уни тўрт босқичга бўладилар. Биринчи босқич 1918—1921 йилларга тўғри келиб, асосан фуқаролар уруши билан боғлиқ. Жуда кўп одамлар синфий келиб чиқишига қараб, ундан ҳам кўпроғи, большевикларнинг сиёсий платформасида эмасликлари туфайли қириб ташланди.

¹ Қ а р а н г: Бердяев Н.А. Истоки и смысл русского коммунизма. — М.: Наука, 1990. — С. 12.

Террорчиликнинг иккинчи босқичи 1929—1933 йилларга тўғри келади. Оммавий тарзда мажбурлаб коллективлаштириш жараёнида минглаб одамлар террорга учради. Бу даврдаги террор ўз қурбонлари сони жиҳатидан бошқа террор босқичларидан ошиб кетди. Аммо бу даврдаги террор ҳақида СССРда ҳам, чет элларда ҳам жиддий мулоҳазалар юритилмади. Бунинг асосий сабаби — террорга учраганларнинг аксарияти оддий деҳқонлар, мулкдорлар, халқнинг кўзга кам ташланадиган қатлами эди. Кўп ҳолда уни «ғалаба — қурбонсиз бўлмайти» шиори билан хаспўшлашга уриндилар.

Террорнинг учинчи босқичи 1936—1939 йиллардаги оммавий қирғин бўлиб, террорнинг ўткир тиғи, энг аввало, зиёлиларга қаратилди. Ақлга сиғмайдиган томони шунда эдики, террорга, биринчи навбатда, Октябрь тўнтарилишининг фаол иштирокчилари учради.

Бу босқичдаги террорнинг яна бир муҳим томони шунда эдики, у фуқаролар уруши батамом тугаган, коллективлаштириш амалга оширилган, зиёлилар таслим этилган бир шароитда олиб борилди. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу террор ижтимоий ҳаётнинг, социалистик қурилишнинг маълум бир томони ни ўзгартириш зарурияти билан ҳам боғлиқ эди. Мана шуларни эътиборга олганда навбатдаги террорни амалга оширишнинг жиддий бир сабаблари йўқ эди.

40-йилларнинг охири, 50-йилларнинг бошида рўй берган тўртинчи террор кампанияси ҳам, юқоридагидек, ҳеч бир сабабсиз, заруриятсиз амалга оширилди. Аммо бу юзаки қараганда шундай эди, холос. Аслида террорнинг манбалари бор эди, уни туғдирган ижтимоий сабаблар мавжуд эди¹.

Аммо бизнингча, масаланинг иккинчиси томонига эътиборни қаратмоқ керак. Социализмда террор ва зўровонлик бутун тизимнинг энг муҳим характерли белгисига айланган эди.

Шунинг учун ҳам бу иллатлар тузумнинг биринчи кунларидан то социализмнинг сўнгги кунларигача давом этди. Террор ва зўровонлик социалистик жамиятнинг асл моҳиятига айланган эди. Бу тизимнинг таркибида бўлган Ўзбекистон халқи бошқа миллатларга қараганда кўпроқ касофатларга учради (80-йиллардаги «ўзбеклар иши». Бу ҳақда кейинроқ батафсил тўхтаимиз).

¹ Қ а р а н г: Журавский.Д. Террор. // Вопросы философии 1993, №7.

Бир ҳақиқатни таъкидлаб ўтиш жоизки, умуман, тоталитаризмнинг қарор топиши ва узоқ вақт яшаши террор, зўронлик асосида бўлиши мумкин эди. Чунки кўп тадқиқотларда таъкидланиб ўтилгандек¹, тоталитаризм бутун жамиятни, ҳамма миллатларни ягона марказга бўйсундириш учун худди шу йўлни танлашга мажбур. Иккинчи томондан, тоталитаризм инсон ҳуқуқларини чекламасдан, эркин тадбиркорликни, хусусий мулкчиликни инкор этмасдан яшай олмайди. Шунинг учун ҳам тоталитар тизимда фуқаролик жамиятини шакллантириб бўлмайди.

Фуқаролик жамиятининг тоталитаризмга тубдан қарама-қаршилигини тадқиқотнинг биринчи бўлимида батафсил ёритиб бердик. Яъни фуқаролик жамияти, энг аввало, давлат ҳукмронлигидан холи эмас, социализм эса давлатнинг тўла ҳукмронлигига асосланган жамият. Фуқаролик жамиятида шахсий манфаатлар устиворлик қилади, социализм эса шахсий манфаатларни ижтимоий манфаатларга қурбон қилади.

Социалистик тузум шароитида фуқаролик жамиятига интилиш, шахснинг эркин фаолият кўрсатиши учун бўлган ҳаракатлар куртаклигидаёқ йўқ қилиб берилди. Демак, кўриняптики, зўрлик, мажбурлаш тоталитаризмни ҳимоя қилувчи кучли қурол, восита ҳам бўлиб хизмат қилмоқда.

Фуқаролик жамиятининг моҳияти инсоният тараққиётининг умумий моҳияти ва йўналишига мос бўлгани учун бу жамиятнинг келажаги порлоқ, деймиз. Тоталитаризм, аксинча, тарихий тараққиётнинг мазмун-моҳиятига зид бўлгани учун унинг умри қисқа, келажаги йўқ, деган хулосани ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Фуқаролик жамиятининг асосида иқтисодий соҳани ҳукмрон сиёсатдан холи этиш ғояси ётар экан, бу нарса ҳар бир инсоннинг табиий, қонуний тарзда эркинликка интилишига мос бўлиб туради. Бу жамият умумий тараққиётнинг ички тенденцияларини акс эттиради.

Давлат жамият ҳаётининг ҳамма соҳасини ўз қўлида тўплаб олар экан, инсоннинг жамиятнинг бир винтига айланиб қолиши табиий. Фридрих фон Хайекнинг бир неча бор таъкидлаб кўрсатишича, марказлашган режа сиёсатининг ишлаб чиқилиши худди шу мақсад-

¹ Қ а р а н г: *Гаджиев К.С.* Тоталитаризм как феномен XX века. // Вопросы философии, 1992, №2 ва б.

га, яъни иқтисодни алоҳида одамлар эмас, балки жамият, давлат ҳаракатга келтириши керак, деган қарашни мустаҳкамлашга қаратилган эди. Нафақат, иқтисодий, балки барча қадриятлар ҳам шу тарзда ҳал қилинар эди.

Аммо Хайек марказлаштириш сиёсатининг самарасиз томонларини очиб беради. Марказлашган тарзда иқтисодга раҳбарлик қилиб бўлмайди. Иқтисодда рўй бераётган барча тенденцияларни фақат ўша жойнинг ўзида аниқлаш ва унинг чорасини кўриш мумкин. Марказдан туриб буларнинг барчасини билиб бўлмайди, яъни ривожланиш омилларини бир нуқтадан, тепадан бошқариб бўлмайди. Социализм жамиятга умумий тарзда кўр-кўрона раҳбарлик қилишга асосланган жамият эди. Марказдан туриб умумий раҳбарлик қилиш, нафақат, иқтисодий, балки барча ижтимоий соҳани, фан, маданият, тарихни ҳам қамраб оларди. Бу тенденция инсонни унинг шахсий эҳтиёжлари, манфаатлари, интилишлари, қобиляти, миллий белгиларини кейинга суриб қўяди. Бу тизим шунинг учун ҳам таназзулга учради.

Хайек тадқиқотларининг бош лейтмотиви инсон ва унинг манфаатларини биринчи ўринга қўйиш, демократик тамойилларни ҳимоя қилишга қаратилган¹. Унинг кўрсатишича, тараққиёт тадрижий тарзда рўй беради. Бозор муносабатлари бу жараёнда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Тадбиркорлар маълум фойда топиш учун рақобатга киришиб, ўз ҳаракатлари билан ижтимоий тараққиётни тезлаштиради.

Юқоридаги қарашлар аслида Адам Смит давридан буён давом этиб келмоқда. Аммо Хайек қарашларида муҳим бир нуқтаи назар борки, уни бизнинг ўтмишимиздан тасдиғини топиш мумкин. Хайекнинг таъкидлашича, давлат маълум маънода социалистик бўлиши мумкин эмас. Яъни социализм билан бозор иқтисодини бирлаштирувчи оралиқ жамиятининг бўлиши мумкин эмас. Социализм ё барча эркин тадбиркорликни йўқ қилиб социализмгича қолади, ё таназзулга учраб, ўз ўрнини эркин бозорга бўшатиб беради. Иккидан бири, оралиқ жамияти йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас.

Иқтисодий танлаш эркинлиги йўқ жойда асосий бошқарувчи ва таъминловчи давлат бўлганда, инсон-

¹ Қ а р а н г: *Хайек Ф.А.* Путь к рабству. Пер с англ. — М., 1992

ларнинг ўзини ўзи бошқариши, ўз манфаати учун кураши қаршилиikka учрайди. Мулк давлатга тегишли бўлганда ё у томондан назорат қилинганда мулк муқаррар тарзда сиёсатлаштирилади, чунки ҳокимият барча жабҳаларни ўз сиёсатига бўйсиндиришга ҳаракат қилади. Мулк ўз эгасидан ажратилади, бегоналашади, давлатнинг қўлида оддий қўғирчоққа айланади. Мана шу ҳодисалар террор ва зўравонликнинг иқтисодий ва сиёсий асосларини яратиб беради.

Маълумки, жамият ҳаётида объектив ва субъектив омиллар ўзаро ажралмас, яхлит жараённинг турли томонлари ҳисобланади. Иқтисодга урилган зарба, айти пайтда, маънавиятга урилган зарба ҳамдир. Тоталитаризмда олиб борилган монопол сиёсат жамиятнинг ҳамма соҳасида, жумладан, маданий қадриятларнинг топталиши жараёнида ҳам давом этди. Замонамизнинг энг атоқли адиби Чингиз Айтматов ибораси билан айтганда, тоталитаризм манқуртликни юзага келтирди.

Тоталитар тизимда ягона мафкура ҳукмронлик қиларди. Тизимдаги барча куч ва имкониятлар, бутун сиёсат ана шу мономафкура олдинга сурган бош гоёни ҳимоя қилишга ва амалга оширишга қаратилган эди.

Тоталитаризмни ҳар томонлама чуқур таҳлил этган ва XX асрда яратилган илмий концепциялардан бири Карл Фридрих ва Збигнев Бжезинскийлар қаламига мансуб. Улар «Тоталитар диктатура ва автократия» номли асарида ўтган асрнинг 50-йилларидаёқ тоталитаризмнинг энг муҳим моҳиятини очиб берган эдилар.

Биринчидан, ярим ҳарбий таркибдан иборат битта ягона кучли партиянинг ялпи мавжудлиги. Бу партия ўз аъзоларининг юз фоиз бўйсинишларига асосланган бўлиб, давлат мақомига айланади. Охир-оқибатда давлатдан юқори мўтарилиб, бутун жамият раҳбарлигини ўз қўлига олади.

Иккинчидан, партия демократик йўл билан эмас, балки, бош раҳбар иродаси билан яхлит иерархия вертикал тарзда ташкил топади. Ҳокимият халқдан юқорига қараб эмас, балки бош раҳбардан пастга қараб боради.

Учинчидан, жамиятда мафкуранинг роли фавқулодда ошади. Тоталитар режим бу — мафкурани сиёсий раҳбар белгилайдиган мафкуравий режимдир. Давлатнинг барча фуқароларига дахлдор олий қарорларнинг жуда кескин ўзгариб туриши рўй беради.

Туртинчидан, тоталитаризм иқтисод ҳамда ишлаб чиқаришни ва умуман, барча соҳаларни монопол на-

зорат этишга асосланади. Маориф, оммавий ахборот воситалари ҳам мана шу монопол назорат остида бўладилар. Ушбу назорат ялпи чақимчиликка таянади. Чақимчилик бўлмаса тоталитар назорат амалга ошмайди.

Бешинчидан, тоталитаризмда террористик полиция назорати мавжуд бўлади. Албатта, полиция турли режимларда мавжуд, аммо тоталитаризмда полиция назоратининг террористик характери шундаки, унда инсонни ўлдириш учун унинг айбини асослаш шарт эмас. Бу, бизнингча, инсонни ўзлигидан ажратиб, уни буйсинувчи роботга, манқуртга айланишидан дарак беради.¹

Мана шундан ҳам кўринадикки, тоталитаризм фуқаролик жамиятига ҳар томонлама қарама-қарши тизимдир. Мамлакатимизда яқин ўтмишда тоталитаризмнинг қарор топгани умуминсоний қадриятларнинг барҳам топиши, деган гап бўлди. Мавжуд тоталитар жамиятнинг очиқ жамият бўлиши ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Бундан ташқари тоталитар давлат ҳуқуқий мақомга эга бўлолмайди, чунки суд давлатдан холи, мустақил бўлолмайди, қонунларга амал қилиш паст даражада бўлди. Суднинг тўла мустақиллиги, қонуннинг тантанаси муҳолифатни юзага келтирар эди.

Шундай қилиб, фуқароларнинг реал эркинлиги ёлгон фуқаролик эркинлиги билан барбод қилинди.

Қонунларга итоат этиш ва бошқариш монополияси бир-бири билан бириккан ҳолда бўлгани учун ҳокимиятнинг мустақил қонунчилик ва ижро этувчи органларга бўлиниши қарор топмади. Бир партиянинг ҳукмронлиги натижасида бу йўл зўравонлик ва ҳукмронликка кенг йўл очиб берди. Худди шунингдек, полицияни (уни милиция, деб аташ моҳиятни ўзгартирмади) суд ҳокимиятидан ажратишни инкор этди.

Юқоридаги ҳолат шунга олиб келдики, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи одил суд ажримлари ўрнига кўпроқ сиёсий суд жараёнлари кенг оммалашди. Суддан фақат битта нарса талаб этилди — айбланувчи ҳақида олдиндан тайёрлаб қўйилган сиёсий айбномани тасдиқлаш.

¹ *Джилас М.* Лицо тоталитаризма. — М., 1992. *Семькина Т.В.* Политические режимы. //Методические рекомендации — М., 1994; *Загладин Н.В.* Тоталитаризм и демократия: конфликт века. //Кентавр, 1992, № 5—6 ва б.

Бир жараён иккинчи жараённи келтириб чиқарарди — турли йўллар, усуллар, воситалар (таҳқиқлаш, қийнаш, хўрлаш ва б.) билан инсоннинг йўқ айбини мажбур бўйнига олишига эришиш асосий ишга айланди. Александр Солженицин асарида бу ҳақда батафсил баён этилган.

Одам мажбуран ўзини айбдор, деб ҳисоблаши билан сиёсий айбнома кучга кирарди. «Москва жараёнлари», деб аталган энг даҳшатли ва қонли ҳодиса совет суд-ҳуқуқ тизими тарихида энг қора доғлардан бири. Яширин полиция (НКВД, ГПУ ва б.) қамоққа олиш керак бўлган одамлар рўйхатини олиш билан ишга киришарди. Айбдорнинг айбини исботлаш эмас, балки у мажбуран «айбдорман», деб тан олиши муҳим эди.

1926 йилда қабул қилинган Жиноят Кодексининг 58-моддаси барча ифлос ноҳақликларнинг қудратли «ҳуқуқий» асоси бўлган эди. 14 пунктда иборат бу модданинг мазмунини истаганча талқин қилиш мумкин эди. Атайин шундай қилинган эди. А.Солженициннинг кўрсатишича, 1919 йилдаёқ бу ноҳақликлар «ҳуқуқий кафолатланган» эди. Масалан, ревтрибуналнинг раиси Рязанов 1919 йилда «Биз қонунларга эмас, ўз революцион виждонимизга амал қиламиз», деб таъкидлаган эди.

Битта мисол: мазкур Жиноят Кодекси моддасининг 3-пунктида «СССРга қарши урушда бўлган бирор бир хорижий давлат билан у ёхуд бу тарзда алоқада бўлган бўлса», яъни оккупация пайтида душманларга у ёхуд бу тарзда хизмат қилган бўлса уни шафқатсиз жазолаш кўзда тутилган. А. Солженициннинг таъкидлашича, коммунистик суднинг бош тамойили Рязань шаҳри ревтрибунали раисининг «Биз қонунларга эмас, балки ўз революцион виждонимизга амал қиламиз», деган сўзида очиқ-ойдин белгилаб берилган эди.¹

Ҳокимиятнинг барча механизми сиёсий таркиб бу — ёлғиз партиячиларнинггина ҳуқуқи. Қолган ҳамма органлару муассасаларда партия аъзолари ё бевосита раҳбарлик қилишган ёхуд бошқарувнинг бутун тизгинини ўз қўлларида маҳкам ушлаб туришган.

Марказ қандайдир бир йиғилиш ўтказадими ёки бирор бир мақола эълон қиладими, шу заҳотиёқ барча давлат — жамоат механизмлари ишга тушиб кетар эди.

¹ Қ а р а н г: *Солженицин А.И.* Архипелаг ГУЛАГ. Т.1. — М., 1990. — С. 53, 220.

Бирор бир жойда арзимас камчиликка йўл қўйилса, умумий фикрлар йўналишидан сал четга чиқилса, шу заҳотиёқ партия ва полиция (милиция) бир зумда ушбу «камчиликни» жазолаш воситасида «бартараф» этарди.

Коммунистик партия ўзига хос алоҳида бир партия эканлиги унинг марказлашган, ҳарбийлашган тартиб-интизомидагина эмас эди. Энг муҳими, бутун партия аъзоларининг дунёқараши, эътиқоди бир ғояга — марксизм-ленинизмга чексиз садоқатдан иборат бўлиб, бундан андак четга чиқиш қаттиқ жазоланарди. Эътиқод ва дунёқараш бирлиги нафақат бошқарув тизимида, айти пайтда, бутун партия тизимида юқоридан пастгача мажбурий эди. Пастдагилар юқоридагиларнинг топшириқларини кўр-кўрона бажарар эдилар. Натижада ҳамма жойда ҳамма вақт «якдиллик» ҳукм суларди.

Партия тизимининг юқори бўғинида ҳам, қуйи бўғинида ҳам ғоявий мунозарага, турли қарашларни баён қилишга йўл қўйилмасди. Бундай ҳолатлар бирор жойда рўй бериб қолса, дарров бартараф этиларди. Давлат партиянинг қўлида ўйинчоқ, партия раҳбари ягона куч сифатида чексиз ҳокимиятга эга эди.

Партия раҳбарлигига кадрнинг қобилияти, ташкилотчилик маҳорати, салоҳияти эмас, балки марксизм-ленинизмга садоқати асосий омил бўлиб хизмат қиларди. Бутун тарбия тизими ҳам мана шу ягона «ғоя»га бўйсиндирилган эди. Фракцияга ўрин йўқ эди. Чунки бу ҳокимиятга хавф солар эди.

Мустақил фикрга эга бўлган, ақли, билимли одамлар қувғин қилинар, улар раҳбарлик ишларига яқинлаштирилмас эди.

Мафкуравий якдиллик бир қанча босқичлардан ўтди, бир қанча «тўсиқларни» «енгиб», мамлакатнинг тўла ҳукмронига айланди. Коммунистик партиянинг асосий «кучи» ҳам мана шу «мафкуравий якдиллик»да эди.

Бир партиялилик сиёсий тизим демократик институтларининг кўпини йўқотиб юборди, айримларини ўзига бўйсиндириб олди. Олий Совет чинакам парламент мақомига эга эмасди. Фуқароларнинг сиёсатдан узоқлашиши ички руҳий жараён сифатида кучайиб борди. Ҳар қандай мансабга эришиш учун партия аъзоси бўлиш керак эди. Формализм, хўжа кўрсинга иш кўриш ва ҳатто, мунофиқлик кенг томир отди.

Жамиятда мавжуд бўлган айрим жамоат ташкилотлари ҳеч бир ишни мустақил равишда амалга оширол-

мас эди. Чунки улар партия ва давлат органларига тўла қарам эди. Тоталитар тизим демократик институтларни йўқотиш билан «муҳим» бир «вазифани» амалга оширди, яъни фуқаролар билан давлат органлари ўртасида мавжуд бўладиган оралиқ ташкилотларни ҳам йўқотиб, ҳар бир фуқарони тўла-тўқис давлат ва партия сиртмоғига тортиб олди. Одамларнинг хоҳиш-иродаси, интилишлари, манфаатлари марказдан келадиган буйруқлар, фармонларга бўйсиндирилди. Бу борадаги ишлар миллий республикаларда янада қаттиқроқ олиб борилди.

Миллий республикаларда раҳбарлик лавозимларга Марказ вакиллари маҳаллий кадрлардан кейин иккинчи ўринда турарди. Аммо аслида бу иккинчи раҳбарлар биринчилар устидан ҳукмронлик қиларди.

Шу ўринда республикамиз, халқимиз бошига тушган зўравонликлар, адолатсизликларни бир эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлса керак. «Ўзбек иши», деб ном олган, сохта тўқиб чиқарилган жараённи уюштирганлар ҳам, уни шафқатсизлик билан олиб борганлар ҳам худди ўша марказ вакиллари эди. Ўша пайтлардаги матбуот саҳифаларини варақласак, собиқ марказнинг ялтоқлари — Гдлян ва Ивановларнинг халқимиз бошига солган зулмларини бутун фожиаси билан ҳис қиламиз.

1989 йилнинг 7 июлида «Литературная газета»да жуда кўп ўзбекистонликларнинг узоқ вақт қамоқда ноҳақ, қийноқда ушлаб турилгани ҳақида ёзилган эди. Адвокатлар хатларида ўз ҳимоясига олинганларнинг етти йил мобайнида қамоқда сақланиб, уларнинг иши ниҳоясига етказилмагани ҳақида ёзишган эди. Қамоқдагилар уч йил мобайнида ертўлага инсон яшаши мумкин бўлмаган шароитда, қариндошлари билан учраштирилмасдан ушлаб турилди. Улардан икки нафари азобларга бардош беролмай оламдан ўтди.

Ўзбекистонда олиб борилган зулм ва истибдод, зўравонлик ва таҳқирлашни исботлайдиган мисоллар жуда кўп. Мана шулардан бири: Ш.Шораҳмедовни қамайдилар ва уни ададсиз таҳқирлашлар бошланади. Шу даврда номаълум кишилар унинг қизи ва учта неварасини ваҳшийларча ўлдирадилар. Аммо терговчилар қизи ва невраларини дафн этиш учун унга рухсат беришмайди. Ҳатто, шундай оғир, фожиали кунда унга қариндошлари билан гаплашиш имконияти ҳам берилмади. Ш.Шораҳмедовга йўқ айбни бўйнига олиши учун ўта

қийнаб, унинг соғлигига катта зарар етказдилар. Гдлян ва Ивановларни «катта ишлар қилаётганликлари» «олқишланиб» турилгани ўлароқ, бу қабиҳ ишларга қўл урилди.

1988 йил 4 августда «Труд» газетасида қишлоқ хўжалигида рўй бераётгани кучли тангликлар ҳақида ёзилди. Республикага 6 млн. тонна пахта топшириш мажбурияти юкланди. Аммо деҳқонларимиз бунча пахтани етказиб беришнинг мутлақо иложи йўқлигини тушунсалар ҳам бу муаммоларни ҳал қилишнинг йўлини тополмадилар.

Плани бажармасанг — қамаласан, бажаришнинг эса иложи йўқ. Марказ бунини тушунишни ҳам истамас эди. Битта йўл қолди — бу кўшиб ёзиш.

Кўшиб ёзиш натижаларини текшириб, уни ғайриқонуний, деб топдилар, мана шу тариқа «ўзбеклар иши» ёнида «пахта иши» пайдо бўлди. Оддий, ҳалол меҳнат кишилари тўхтовсиз қамоққа олина бошланди. Одамларни кўшиб ёзишга мажбур қилган ҳам марказ, сўнгра кўшиб ёзишни текшириб, минглаб одамларнинг жазога тортган ҳам марказ бўлди.

1989 йил 3 июнда «Советская Россия» газетасида босилган мақолада Гдлян ва Ивановлар тергов ишларининг «ички» механизмлари очиб ташланади, КПСС МК ташкилий бўлимининг Ўрта Осиё республикалар бўйича сектор мудирини ишлари ҳақида батафсил ёзилди. Мақолада Гдлян ва Ивановларнинг терговчилик «маҳоратлари» очиб берилди.

Ҳа, инсонни онгли равишда жиноят содир этиши мумкин бўлган шароитларга қўярдилар, у бу жиноятларни баъзан билмай, баъзан мажбур бўлиб бажарарди, сўнгра уни тутиб олиб жазолашар, қамоққа олинганлардан ёки шубҳа остидагилардан бошқалар ҳақида нотўғри ахборотлар беришга мажбур этишарди. Ана шу тариқа бир-бири ҳақида нотўғри маълумотларни тарқатгандан сўнг уни ҳам, бунини ҳам жазоладилар. Сотилганлар омон қолганлари йўқ, улар ҳам ҳамма қатори жазога тортилдилар.

Ёлғон кўрсатма беришга мажбур қилишнинг энг қабиҳ йўллари ўйлаб тонилди. Бу қамоққа олинган шахснинг оила аъзоларга тазйиқ ўтказиш, ҳатто, уларни жисмонан йўқ қилиш борасида кўп маълумотлар бор. Агропром бошқармасининг собиқ бошлиғи Н.Туроповнинг ҳикоя қилишича, унга хотини ва болаларини йўқ қилиш билан дағдаға қилишган. Ҳали қамалмасданоқ,

у шундай бўлишини биларди. Чунки унинг кўз ўнгида Абдувоҳид Каримов, Худойберганов, Мусахоновларнинг оила аъзолари бошига тушган азоблар рўй берган эди. Бундай даҳшатли воқеалардан «хулоса» чиқармаслик мумкин эмас эди.

Кейинчалик ошкор бўлган кўплаб маълумотлар шундан гувоҳлик берадики, Гдлян ва Ивановлар ҳеч қанақа қонунга, қоидага бўйсинмаганлар, улар ўз олдиларига қўйган сиёсий мақсадлар учун ҳар қандай қабихликка борганлар. Сиёсий кўтарилишда маълум мақсадга эришиш истаги халқимиз бошига беҳисоб кулфатлар бўлиб ёғилди. Уларни жиловлаб, жазосини берадиган куч йўқ эди. Республика раҳбарияти оғиз очмас, марказ эса уларни турли йўллар билан рағбатлантирар эди.

1989 йилнинг 13 октябрида «Известия» газетасида СССР Бош Прокурори ўринбосари В.И.Кравцевнинг Гдлян ва Иванов терговларининг натижалари ҳақидаги интервьюси босилган эди.

Шу интервью воситасида иккита мисолга аниқлик киритиш мумкин. Биринчидан, Гдлян ва Ивановлар марказга берган ҳисоботларида жуда кўп қамалган, жазоланган одамларимиз ҳақида лом-лим дейишмаган. Улар ҳақида материаллар йўқ, деган баҳона билан ўз жиноятларини озроқ қилиб кўрсатишга ҳаракат қилган. Ҳолбуки, бу усуллар республикада ададсиз бўлган, улар ҳақида газетада ёзишган, халқ буларнинг ҳаммасидан хабардор эди.

Иккинчидан, бир қатор одамлар далил-исботларнинг етишмаслиги туфайли жазодан озод этилган эди. Аммо Гдлян ва Ивановларнинг қора рўйхатида уларнинг номлари турарди. Бош прокурор ўринбосарининг таъкидлашича, Гдлян ва Ивановга ўхшаш айрим мансабдор шахслар ўз олдиларига қўйган сиёсий мақсадларга эришиш учун ҳар қандай ноқонуний ишларга ҳам қўл урардилар. Бу ўринда Гдлян ва Ивановларнинг Олий Советга бўлган навбатдаги сайловга қатнашиши кўзда тутилмоқда. Улар депутатликка сайланиб, ўзларининг қабих ниятларига эришдилар.

Бу ўринда яна шу нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, зўрлик, террор СССР ҳудудидаги барча халқлар бошига беҳисоб кулфатлар келтирди. Аммо шуниси даҳшатлики, ана шунақа зўравонликларни, ноҳақликларни амалга оширган прокуратура, КГБ, МВД ва бошқа органлар «тинчлик посбонлари», «одамларнинг халоскорлари», «мамлакат ҳимоячилари» қилиб кўрсатилди.

Бу фикрлар одамлар онгига обдон сингдирилди, жуда кўп одамларда бу кучли эътиқодга айланди.

1989 йил 29 октябрда «Труд» газетасида «Ўзбек иши» бўйича олиб борилган тергов ишлари ҳақида жуда жиддий маълумотлар берилди. Тергов материаллари кўпайиб кетганлиги сабабли Гдлян ва Ивановлар ёнига яна бир КГБ терговчиси А.С.Духанин қўшилди.

Эълон қилинган материаллардан шу нарса аниқ бўлдики, айбланган одамлар ҳам руҳий, ҳам жисмоний жиҳатдан қаттиқ исканжага олинган. Бу терговчилар чексиз имкониятга эга бўлганлар, нимани хоҳлашса, шуни қилишган. СССР Бош прокурорига ўнлаб шикоятлар ёзилган, аммо бу шикоятлар қараб чиқилмасдан, тўғридан-тўғри яна Гдлян ва Иванов қўлига келиб тушаверган.

А.С.Духанин ўзи танишган материаллардан айримларини ошкор этаркан, жумладан, қуйидагиларни таъкидлаб ўтади. Айбланаётганларни камерада ашаддий жиноятчилар билан бирга қўйишган. Ёлгон кўрсатма беришдан бош тортганлар отиб ташланади, оила аъзолари, қариндошлари қамоққа олинади ва қийноққа солинади, деган фикр қайта-қайта уларнинг онгига сингдирилган.

«Ўзбек иши» бўйича материалларни назорат қилувчи прокуратура ходимларидан бири И. К. Титов бу ишларнинг характерли бир томонини кўрсатиб ўтади. Зўрлаб, мажбурлаб олинган ёлгон кўрсатмалар пирамида шаклида тузилиб, тузоққа олинши керак бўлганда «КПСС МК»дан то «Ўзбекистон КП МК»гача бўлган зинапояларни ташкил этган. Бу пирамиданинг ўртаси ва охирини партия МК масъул ходимлари, обком ва райкомларнинг биринчи секретарлари эгалларди. Бу ишлар 1984—1988 йиллар оралиғида 4 йил давомида мунтазам олиб борилди. Кимлардир бу тузоққа илинди, кимлардир омон қолди, аммо шуниси ҳақиқатки, тузоққа илинганларнинг аксарияти айбсиз одамлар эди. И. К. Титов ўз мақоласида ҳар қандай жамият учун зарур бўлган (ҳолбуки, социализм энг демократик жамият, деб жар солишарди) қонун устуворлиги террор ва зўрлик билан тўла алмаштирилган эди, деб таъкидлайди.

1989 йил 28 февралда «Ташкентская правда» газетасида Гдлян ва Ивановларнинг интервьюси босилди. Улар ўз фаолиятларини қилинган жиноятлар жазосиз қолмаслиги керак, деган ленинча тамойилни амалга

ошириш учун бўлаётган қақшатқич кураш тимсоли қилиб кўрсатдилар. Улар ўзларини инсонпарварликка содиқ қилиб таърифлайдилар. Шунча аблаҳлик қилиб, яна инсонпарварлик ҳақида гапириш сурбетликнинг энг юқори нуқтаси-ку!

Ёлғон кўрсатма бериб, виждон азобида қийналгандан кўра ўлимни афзал билганлар ҳам бўлди. Масалан, полковник А.Ҳожимуродов катта оиланинг бошлиғи, узоқ йиллар давлатга садоқат билан хизмат қилган одам икки кунлик сўроқдан сўнг ўз жонига қасд қилди. Ўлими олдидан ёзган хатида инсон чидаб бўлмайдиган хўрликлар, таҳқирлашлардан сўнг яшашни истамайман, деб ёзади. Унинг танасида урилган зарбаларнинг излари аниқланди.

Ўзбекистон ички ишлар вазири ўринбосари А.Давидовнинг ўлими ҳам, Қашқадарё обкомининг биринчи секретари Р.Ғойибовнинг ўлими ҳам (қамалаётган пайтида ўз танасига ўн уч марта пичоқ урган) бўлган адолатсизликларга катта айбномадир.

1984—1987 йилларда Республика прокурори бўлиб ишлаган А.Бутурлин Гдлян ва Иванов жиноятларини ёпти-ёпти қилиб келган эди. Ниҳоят, у ўз хатоларини тан олиб, 1989 йил 22 майда «Известия» газетасида босилган интервьюсида тергов усуллариининг мутлақо нормага тўғри келмаганлиги, аслида жинояткорона иш эканлигини тан олди.

Ўша пайтларда анча таниқли матбуот органлари ҳам Гдлян ва Иванов қилган жиноятларга жўр бўлишган эди. Энг ачинарлиси шу бўлдики, оловга керосин сепувчилар ўзимизнинг ичимиздан ҳам чиқди. «Литературная газета»нинг 1987 йил 10 июнь сониди Комил Икромовнинг «Жавоб бериш вақти келди» номли мақоласи босилиб чиқди. Мақолада муаллиф аэропортда тасодифан учраган номаълум бир кишининг гапларига асосланиб, Тошкент халқ хўжалиги институти номига жуда кўп тўхмат ва иснодларни ёғдиради. Ўша номаълум одамнинг гапига қараганда, институтда пора олишнинг пухта тузилган тизими мавжуд бўлган эмиш.

Боз устига, барча ҳужжатлар сохталаштирилган, ўқитувчилар ҳамма нарсани ўз шахсий манфаатига бўйсиндиришган эмиш ва ҳ. к.

1990 йил 10 февралда «Советская Россия» газетасида СССР прокуратураси коллегия йиғилиши ҳақида ахборот, ниҳоят, босилиб чиқди. Бунда «катта терговчи ва терговчи Т.Х. Гдлян ва Ивановлар томонидан

қонунчиликни қўпол тарзда бузилгани ҳақида»ги масала муҳокама қилинди. Коллегия йиғилиши одамлар ноҳақ қамалгани, ёлгон кўрсатма беришга мажбур этилгани ҳақида маълумотлар келтиради. Қўплаб айбланувчиларни сўроқ қилишганда КПСС МКнинг бир қатор масъул ходимлари ҳақида ёлгон кўрсатмалар беришга мажбур этилгани кўрсатиб ўтилди. Қўрқитиш ва шантаж— мақсадга эришишнинг асосий воситаси бўлган (аёлларни зўрлаш, эркакларга азоб бериш). Гдлян гуруҳида ёлгон кўрсатмаларни зўрлаш йўли билан олувчи махсус терговчилар («клоунлар») бўлган, сўнгра бу материалларни расмийлаштирувчилар («пианистлар») алоҳида тергов ишлари олиб боришган.

Коллегия йиғилишида кўрсатилганидек, тергов гуруҳининг 6 йил ичида олиб борган «фаолияти» давомида беҳисоб қамалганлар ва жазолар ичидан атиги 32 кишига қўйилган жазо тўғри, деб топилган. Кўп жабрланувчилар оқланди, кўп ишлар қайта текширишга юборилди.

Гдлян, Ивановлар гуруҳи ҳеч кимни аямади. Бутун оиласи билан қамоққа олиш, кексалар, аёллар, оилада бир неча вояга етмаганларни қамаш, қийнаш, хуллас, улар қилган жиноятларнинг мазмун-моҳияти инсоният тарихида энг оғир жиноятлардан бўлиб қолди.

Коллегия мажлисида Берия ва Вишинскийларнинг зўрлик ҳамда террор билан боғлиқ чиркин фаолиятларига хос ноҳақликларга йўл қўймаслик кераклиги таъкидланди. Бу фикрни маъқуллаган ҳолда, яна шуни ҳам айтиш керакки, бунақа адолатсизлик, қонунбузарлик одамларни доимо қўрқув ва мутеликда ушлаб туриш учун тўхтовсиз рўй бериб турган террор ва зўрвонликни ижтимоий тузумнинг моҳиятидан излаш керак. Бу йўл Октябрь тўнтарилишидан буён давом этиб келди ва неча босқичлардан ўтди. Воситалар ўзгарди-ю, аммо моҳият ўзгармади.

Коллегия йиғилишида Гдлян ва Ивановларни жиний жавобгарликка тортиш, СССР прокуратурасининг ўзбек халқидан кечирим сўраши зарурлиги талаб қилинди. Аммо бу талаблар воқеалар гирдобида унутиб юборилди.

СССР халқ депутатлари съездининг Гдлян ва Иванов тергов гуруҳи олиб борган ишларни текширувчи комиссия аъзосининг интервьюси «Сельская правда» газетасида 1990 йил 30 январда босилиб чиқди. Унда шундай дейилади: «Бу даҳшатли қонунбузарликларни

эшитган одамнинг сочи тикка бўлиши тугул, юраги қинидан чиқиб кетади... Кўзидан жудо бўлган одамнинг қийноқлар ҳақидаги фикрини тинглаб, унинг бардошига қойил қоласан. Ўн яшар боланинг ота-онасидан жудо бўлиб (отасини қамашди, онаси азобларга чидолмай оламдан ўтди) ўзидан кичик укалари, сингилларига бош бўлиб қолганини билиб, газабингни тутиб туролмайсан».

Охири адолат тиклангандан сўнг жами жабрланганлардан 2,5 минг киши оқланди. Гдлян ва Ивановларга нима бўлди? СССР прокуратураси аппарати партия йиғилишларида 1990 йил 21 февралда Гдлян ва Иванов партиядан ўчирилди.¹

Шуниси эътиборга молики, юқоридаги воқеалар 1984-1990 йилларда, яъни Горбачевнинг қайта қуриши йилларида рўй берди. Қайта қуриш тоталитар тузумни демократлаштириш ва очиқ жамиятга айлантириш учун бошланган курашлар, деб жар солинарди.

Юқоридаги воқеалар тоталитар тизимни майда-чуйда ислохотлар билан ўзгартириб бўлмаслигини, бунинг учун жамиятнинг моҳиятини, ижтимоий-сиёсий тизимнинг ички таркибини ўзгартириш керак эканлигини кўрсатди. Бу йўлда мафкуравий ҳукмронлик, якка партиявийлик, марказлашган, режали иқтисод каби кардинал муаммолар бор экан, фуқаролик жамиятини қарор топтириб бўлмаслиги аниқ эди.

Фуқаролик жамияти шаклланишида иккита омил ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу — инсон ҳуқуқларининг дахлсизлиги ва хусусий мулкка эркинлик берилиши. Буларсиз барча тоат-ибодатлар бир пул. Совет иттифоқи тарихида онгли равишда босқичма-босқич фуқаролик жамияти куртаклари йўқ қилиб борилди. Мустақил Ўзбекистонга ана шундай ёвузликлару адолатсизликлар «мерос» қолди.

¹ Қ а р а н г: Аргументы и факты, 24 февраля 1990 г.

Ш б о б

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ЎН ИККИ ЙИЛИ ИСЛОҲОТЛАРИ

Олий Кенгашнинг 1991 йил 31 августдаги навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинди. 1991 йил 29 декабрдаги умумхалқ референдумида Ўзбекистоннинг мустақиллиги узил-кесил тасдиқланди.

Дунё харитасида яна бир мустақил, суверен давлат пайдо бўлди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияга асосан Ўзбекистон суверен демократик Республика бўлиб, Республиканинг расмий номи Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон), деб аталди. Давлат тили — ўзбек тили, деб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Амударё ва Сирдарё оралигида Марказий Осиёнинг ўртасида жойлашган. Майдони 447,4 минг кв. км. Республика территорияси Фарбдан Шарққа 1425 км., Шимолдан Жанубга — 930 км. Давлат чегарасининг узунлиги 6221 км.

Ўзбекистон аҳолисининг сони 2001 йил 1 январда 24,9 млн. одамни ташкил этган эди. Ўзбекистон аҳолисининг сони жиҳатдан ҳамдўстлик мамлакатлари орасида учинчи ўринда, Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи ўринда туради. Ўзбекистон маъмурий-худудий жиҳатдан Қорақалпоғистон Республикаси, 12 вилоят, Тошкент шаҳри ва 163 туман, 119 шаҳардан иборат.

Ўзбекистон — кўп миллатли республика. Ҳозирги пайтда бу ерда 100дан ортиқ миллат ва элатлар вакиллари яшамоқда.

Ўзбекистон улкан меҳнат потенциалига эга. Марказий Осиёдаги меҳнат ресурсларининг 40 фоизи Ўзбекистонга тўғри келади.

Ўзбекистонда ўртача ёш 24 ҳисобланади. Меҳнат потенциалининг характерли белгиси унинг маълумот даражасининг юқорилилиги ҳисобланади. Моддий ишлаб

чиқариш ва хизматлар соҳасида банд бўлганларнинг ҳар тўртинчиси олий ёки ўрта махсус маълумотга эга. Республикада 63 та олий ўқув юрти бор.

Мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистонни 170 дан ортиқ мамлакат тан олди. Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли аъзосига айланди. 1992 йил 2 мартда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Ўзбекистонда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Иттифоқи комиссияси, Халқаро валюта фонди, Бутунжаҳон Банки, Европа реконструкция ва тараққиёт банки, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг ваколатхоналари ёки бюrolари очилган.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, МДХ ижроия органида ўз вакилларига эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятларининг фаолиятларини ўзаро чегаралаш тамойили қатъий амалга ошириб келинмоқда. Бу очиқ демократик фуқаролик жамияти талабаларига мос келади.

Қонун чиқарувчи олий орган — Олий Мажлис ҳисобланади. Ҳозирда Президент бошқаруви қарор топди. Президент муқобиллик асосида тўғридан-тўғри очиқ овоз бериш йўли билан сайланди.

Олий ижроия ҳокимият — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳисобланади.

1994 йил 25 декабрда Ўзбекистон тарихида биринчи марта Олий Мажлис — миллий парламентга сайловлар бўлди. Кўп партиявийлик асосда Парламент сайланди. Ҳозирги парламент 1999 йил декабрида сайланган.

Олий Мажлис депутатлари партия фракциялари ва блокларига бўлинган. Парламентда 4 та махсус партия фракцияси, 2 блок депутатлари мавжуд: Халқ демократик партияси фракцияси (49 депутат), «Фидокорлар» партияси (54 депутат), «Адолат» социал-демократик партияси (11 депутат), «Миллий тикланиш» партияси (10 депутат), Ҳокимият органлари вакиллари блоки (107 депутат), Сайловчилар ташкилоти гуруҳлари блоки (16 депутат).

Партиялар фракциялари ва блоклар тенг ҳуқуққа эга бўлиб, ўз фаолиятини мустақил амалга оширадilar. Улар қонун лойиҳаларини ва парламентда муҳокамага қўйиладиган бошқа ҳужжатларни олдиндан муҳокама қиладилар, қонунлардаги айрим модда ва қоида-

ларни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайдилар, уларни Олий Мажлис тегишли қўмиталарига топширадилар.

Парламент фаолиятига унинг Раиси ва унга ўринбосари раҳбарлик қилади.

Олий Мажлис Раисининг ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгесининг Раиси ҳисобланади. Олий Мажлис фаолиятини ташкил этиш ва қонунда кўрсатилган бошқа ишларни амалга ошириш учун Олий Мажлис Кенгаши ташкил этилган. Олий Мажлис Кенгаши таркибига мансабига кўра Олий Мажлис Раиси, унинг ўринбосарлари, қўмита ва комиссиялар раислари, партия фракциялари ва блоклар раҳбарлари киради.

Парламентда 13 қўмита ва 3 комиссия ташкил этилган. Жумладан: қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси; бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси; иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик қўмитаси; халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси; фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси; саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси; аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси; ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси; атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси; матбуот ва ахборот қўмитаси; мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси; демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси; ёшлар ишлари қўмитаси; регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссияси; оила ва аёллар муаммолари комиссияси; норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси.

Депутатлар орасидан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) сайланди. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари бўйича жамоатчилик асосида комиссия ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасида Олий Мажлиснинг мақоми ва ваколатлари ифодалаб берилган. Конституциянинг ушбу моддасига асосланиб, Олий Мажлис Конституцияни ҳамда бошқа қонунларни қабул қилади. Конституция ва қонунларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритади, ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини аниқлайди, стратегик давлат дастурларини қабул қилади, қонун чиқарув-

чи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари органларининг тизимлари ҳамда вазифаларини белгилаб беради.

Олий Мажлис ваколатига, шунингдек, республика таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ёки уларни бирлаштириш ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш, маъмурий-ҳудудий қурилиш, туманлар, шаҳар, вилоятларни янгидан ташкил этиш ёки уларни тарқатиб юбориш, номларини қайта ўзгартириш ҳам қиради.

Олий Мажлис қонунчилик асосида божхона, валюта ва кредит ишларини текшириб, тартибга солади, Вазирлар Маҳкамаси таклифига асосан, республика бюджетини қабул қилади, унинг бажарилиши устидан назорат олиб боради, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилайди.

Олий Мажлисга ва маҳаллий ҳокимият органларига сайловни ҳам Олий Мажлис белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов кунини тасдиқлайди.

Олий Мажлис Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳужалик судини сайлайди, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларини тасдиқлайди, давлат мукофотларини ва даражаларни таъсис этади, шунингдек, Конституцияда кўрсатилган бошқа мақомларни бажаради.

Ҳозирги пайтда миллий парламент жамиятимизда қонун устиворлиги тамойиллари қарор топиши, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш учун ҳуқуқий базани янада ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўсининг ошиши юзасидан ўта жиддий масалаларни ҳал қилмоқда.

Олий Мажлис фаолияти самарадорлигининг янада ошиши, бир томондан, фуқаролик жамиятининг тўла шаклланиши ва ривожланишига боғлиқ. Иккинчи томондан, Олий Мажлис бажараётган, амалга ошираётган барча ишлар республикамизда фуқаролик жамиятини шакллантириш талабларига тўла ва ҳар томонлама мос келади.

Юқоридаги фикрларни хулосалаб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон ўзининг мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида 12 йил ичида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни қарор топтириш учун мураккаб ва қийин йўлни босиб ўтди, ўтмоқда. Давлат суверенитети Ўзбекистон олдида турган миллий манфаатларга

мос келувчи иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни мустақил амалга ошириш учун кенг йўл очди.

Ислоҳотларни амалга ошириш учун олиб борилган кураш йилларида олдинги тоталитар тузумдан мерос бўлиб қолган кўпгина қолоқлик ва асоратларни енгишга тўғри келди.

Мустақиллик қўлга киритилган пайтларда хўжалик тизимининг тўла издан чиққанлиги ва жамиятга рақбарлик қилишнинг ўта самарасиз усуллари анча табиий қийинчиликларни туғдирди. Ана ўша қийинчилик йилларини бир эсга олайлик, ўша пайтдаги ҳолатни бир кўз олдимизга келтирайлик:

— ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўта пасайиб, иқтисодда харажатларнинг ўта кучайиб кетганлиги;

— иқтисодиётимизнинг хомашё етказиб беришга мослаштирилганлиги, республиканинг, асосан, минерал ва қишлоқ хўжалиги хом-ашёлари базасига айлан-тирилганлиги;

— аҳоли турмуш даражасининг ўта пастлиги даромадлар энг кам ҳаёт нормасига кўра, бизда 70%, Россия ва Украинада 30% ташкил этарди (1990 йилда).

Юқоридаги асоратларни бартараф этиш, узоқ чўзилган иқтисодий танглиқдан чиқиб олиш, янги сифат босқичи бўлган бозор иқтисодиёти асосида Ўзбекистон иқтисодиётига цивилизациявий тараққиёт йўлини очиб бериш учун фақат кенг кўламли ва мажмуий яхлит тақдириломон ислоҳотларни амалга ошириш зарур эди. Қилинган кичик ўзгаришлар ҳеч қанақа натижага олиб келмас, аксинча, аҳволни янада мураккаблаштириши мумкин эди.

Аммо, иккинчи томондан, ўша қийин ва мураккаб вазиятда юқорида айтилган кенг кўламли ва туб мажмуий ислоҳотларни бирдан бошлашнинг иложи ҳам йўқ эди. Бу ишларни ҳал қилиш бозорга ўтишнинг ўзимизга хос йўлини топиб олишимизни талаб этарди. Шу жиҳатдан ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатлари бизга мос келарди.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, амалга оширила бошлаган туб ялпи ислоҳотлар, асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримов томонидан ишлаб чиқилган беш тамойил асосида олиб борилди.

Беш тамойил ўз мазмунига кўра, республикамизда бошланган кенг кўламдаги иқтисодий, ижтимоий, сиё-

сий янгиланишларнинг, шунингдек, бунда эътиборга олинishi зарур бўлган миллий омилларни ҳам жамул-жам шаклда бевосита акс эттиради.

Биринчи тамойил — иқтисодиётнинг сиёсатдан ус-тунлиги. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий дунёвий дав-латни қарор топтириш фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш кафолоти орқали шаклланиб бор-ди. Ҳар бир ҳўжалик юритувчи субъектнинг жамиятни сиёсий бошқаришда иштирок этишини кенгайтириш, жамиятни янгилаш ва тараққиёт томон жадал бориш учун барча шарт-шароитларни яратиш ҳам худди мана шу тамойил орқали амалга оширилди, оширилмоқда.

Олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат халқ тур-муш фаровонлигини ошириш, мамлакат иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган. Ўзбекистон ўз ташқи иқтисодий алоқаларини тенг ҳуқуқлилик ва тенг манфаатдорлик тамойилига асос-ланиб ташкил этмоқда. Бунда бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик ҳам муҳим роль ўйнайди. Бун-дан ташқари биз бирор бир ташқи давлатнинг таъси-рига тушиб қолмасликка ҳам ҳаракат қиламиз.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотларнинг ўзига хос аҳамият шундаки, Прези-дент Ислон Каримов беш тамойилнинг иккинчисида **давлат — бош ислоҳотчи**, деган тезисни илгари сурди. Яъни республикада олиб борилган, борилаётган иқти-содий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий соҳадаги барча ислоҳотларни ташкил этиш, улар устидан назорат ўрна-тиш ҳуқуқий демократик давлат зиммасига юклатилди. Ўтиш даври учун бу жуда зарур қонуний ҳодиса бўлди. Тарихан ғоят қисқа давр ичида адолатпарвар давлати-миз кўп ишларни амалга оширди. Жумладан, иқтисо-дий ривожланишнинг бош мақсади ва ҳал қилувчи устивор йўналишлари белгилаб берилди, иқтисод, иж-тимоий-сиёсий, маънавий соҳаларда тубдан қайта ўзга-ришларни амалга ошириш сиёсати ишлаб чиқилди, улар муваффақият билан бошланди. Гарчи давлатнинг бош ислоҳотчилик фаолияти фуқоролик жамияти шакл-ланишига унчалик мос бўлмаса-да, худди шу йўл бил-лан очиқ жамиятни қарор топтиришнинг мустаҳкам замини яратилди.

Яна шуни эътиборга олиш керакки, давлатнинг бош ислоҳотчилик фаолияти мазмун-моҳияти ҳўжалик фаолиятига бевосита аралашидан иборат эмас. Дав-лат ислоҳотлар тезлаша борган сайин иқтисодга бил-

восита таъсир эта бошлайди, яъни бу таъсир, асосан, иқтисодий усуллар орқали амалга оширила бошланди. Давлат иқтисоддек стратегик муҳим секторни тўғридан-тўғри ҳимоя қилмоқда.

Бозор муносабатларининг иқтисодий тараққиёт учун муҳим роль ўйнашини тан олган ҳолда, яна шуни таъкидлаш керакки, бозор, бизнес жараёнининг ўзига хос стихияси мавжуд. Чунки ижтимоий соҳаларга маълум зарар етиши табиий. Хусусан, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бир қатор салбий ҳодисалар келиб чиқади, жумладан, инсоф, виждон, диёнат каби қадриятлар муайян зарар кўриши, фойда кетидан қувиш маълум адолатсизликлар, қонунбузарликларни пайдо қилиши мумкин. Ана шуларни ҳисобга олганда давлатнинг тартибга солиш, назорат ва бошқаришдаги роли катта. Давлат кам таъминланганларни, бева-бечораларни ҳимоя қилади, қонунбузарликларнинг олдини олади, тадбиркорларни тўғри йўлга бошлайди. Давлатнинг бу олижаноб ишлари фуқаролик жамияти шаклланишига халақит бермайди, аксинча, унга жуда кенг йўл очади.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳар бир босқичида эришиладиган вазифалар ва уларни адо этиш учун барча ресурсларни жалб этишда давлатнинг хизматлари жуда катта. Ўтган ўн икки йиллик тажриба шуни кўрсатдики, Президент томонидан ишлаб чиқилган беш тамойилни амалга оширишда давлатнинг хизматлари фавқулодда серсамар бўлди. Айрим ҳамдўстлик мамлакатларида эса бунинг мохиятига энди ета бошланди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида иқтисодиётни ривожлантиришининг ҳуқуқий асосларини яратишда қатъий замин яратилди. Ҳозирги пайтда Республикада иқтисодиётни бошқаришнинг барча секторлари ва соҳаларида ислохотларни ижтимоий-ҳуқуқий тартибга солишнинг анча изчил, яхлит тизими юзага келди. Бу тизим ҳокимиятнинг барча тармоқларига — қонунчилик, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига тўла тааллуқлидир.

Мамлакатимизда қонуний ва норматив актларни тайёрлаш ҳамда қабул қилишнинг яхлит механизмлари қарор топди. Ҳуқуқий институтлар мунтазам шаклланиб бормоқда, цивилизациялашган бозор муносабатларини шакллантиришга имкон берадиган қонунлар туркуми яратилди.

Реал демографик шарт-шароитларни, аҳолининг мавжуд турмуш даражасини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш орқали амалга оширилмоқда. Ижтимоий фаол йўналтирилган сиёсат бозор билан боғлиқ янги-ланишларнинг барча соҳаларида муҳим таъминлаш ҳисобланади.

Кучли ва изчил ижтимоий кафолатларни яратиш борасидаги чора-тадбирлар ўз натижаларини берди. Жумладан:

— аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб кетиши олди олинди. Гўдаклар ўлими камайди, умр кўриш узайди, жиноятчилик камайди;

— аҳолини иш билан таъминлаш борасида олиб борилган фаол ҳаракатлар натижасида ишсизлик даражаси ҳамдўстлик мамлакатлари ичида энг паст кўрсаткичга айланди. Одамлар кучи ва қобилиятларини фаоллаштиришнинг кучли механизмлари вужудга келди.

Аҳоли даромадларида бири-бирига қарама-қарши қутбларга бўлиниб кетишига йўл қўйилмади (Ўзбекистонда даромадлар ўртасидага фарқлар, яъни, энг кўп таъминланганлар ва энг кам таъминланганлар ўртасидаги фарқлар ўндан саккиз марттага тўғри келади). Ҳолбуки, ҳамдўстлик мамлакатларида бу нисбат 10—15 мартага тенгдир.

Аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг энг самарали йўллари топилди. Нарх-навонинг эркинлашиши ва инфляциянинг ўсиши муносабати билан даромадлар энг кам миқдорининг доимий тарзда ошиб бориши ички истеъмол бозорларини тўлдириш ҳамда ҳимоя қилиш чора-тадбирларини белгилади. Ўзини ўзи бошқариш асосида фаолият кўрсатаётган «Маҳалла» жамгармаси энг кам таъминланган оилаларнинг моддий ҳимоясига сафарбар.

Эндиликда Ўзбекистонда мунтазам изчил ижтимоий муҳит мавжуд, ижтимоий зиддиятлар йўқ.

Ўзбекистонда бозорга ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириладиган катта ўзгаришларнинг тадрижий йўли танлаб олинди ва амалга ошира бошланди. Иқтисодий муносабатларнинг тадрижий узлуксиз шаклланиши, деганимизда бозор билан боғлиқ ўзгаришларни босқичма-босқич, ўйлаб кўриб, чамалаб амалга оширишни тушунамиз. Шундай қилиб, мамлакатимиз барча тўсиқларни енгиб ўтиб, босқичма-босқич цивилизациялашган тизим — одамларга фаровонлик ва эр-

кин фаолият бағишловчи очик жамият томон дадил бормоқда.

Биз мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисоди асосларини қарор топтириш, демократик жамият ва ҳуқуқий давлатни шакллантириш борасида умумиқтисодий ривожланишда қуйидаги натижаларга эришдик:

Биринчидан, ислоҳотларнинг ибтидосида белгиланган мақсад, вазифалар, устивор йўналишлар, асосан, амалга оширилди. Мамлакатда иқтисодий, ижтимоий барқарорлик қарор топди. Қисқа вақт ичида чуқур иқтисодий ва ижтимоий танглик бартараф этилди. Иқтисодиётнинг барча соҳасида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Кўп укладли иқтисодий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ҳозирги пайтда ички ялпи маҳсулотнинг 70 фоизи, саноат молларнинг 64 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 99 фоизи нодавлат сектори томонидан ишлаб чиқарилмоқда.

Иккинчидан, ислоҳот йилларида бозор ўзгаришларининг ҳуқуқий-норматив асослари яратилди. Қабул қилинган қонунлар ислоҳотларни амалга оширишнинг ишончли механизмлари ва уларнинг орқага қайтмаслиги кафолатига айланди. Амал қилинаётган ва янгидан қабул қилинаётган қонунларни янада такомиллаштиришнинг механизмлари шаклланди.

Учинчидан, иқтисодий ислоҳотларни мақсадга мувофиқ тарзда амалга ошириш ва чамалаб кўрилган макроиқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш натижасида макроиқтисодий ва молиявий вазиятни барқарорлаштиришга эришилди. 1996 йилдан бошлаб эса иқтисодий ўсиш таъминланди. 1999 йилга келиб, яъни ялпи ички маҳсулот, жаҳон молиявий танглигининг салбий таъсири ва жаҳон бозорининг ноқулай конъюнктурасига қарамай 4,4%га ўсди.

Тўртинчидан, кўп укладли иқтисодиёт ва институционал қайта ўзгаришлар соҳасида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди.

Эришилган натижалар ҳозирги куннинг талабларига тўла жавоб бермайди, мулкнинг давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштиришда ҳам натижалар кўнгилдагидек эмас, қайта ташкил этилган турли мулк шакллари юқори самарали бўлолмаяпти. Умуман олганда, қарор топаётган бозор инфратузилмалари хўжалик юритувчи субъектларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўла қондира олмаяпти.

Бешинчидан, иқтисодиётда маълум таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Макроиқтисодиётдаги мураккаб вазият ва молиявий ресурсларнинг етишмовчилиги шароитида давлат тармоқлар ривожига жиддий ёрдам кўрсатди, кўрсатмоқда. Биринчи навбатда — нефт, газ саноати, рангли металлургия, автомобилсозлик, электроника, кимё ва нефт кимёси саноатида ривожланиш тезлашди, натижада 600 дан ортиқ янги маҳсулот турлари ўзлаштирилди.

Олтинчидан, Ўзбекистон Республикаси билан жаҳон иқтисодий тизими ўртасидаги интеграция жараёнлари ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолди. Мустақиллик йилларида маҳсулот экспортининг ҳажми жиддий ошди, таркиби кенгайди. Тайёр маҳсулотлар экспорти ҳиссаси ошди. Импорт таркибида замонавий технология 60 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида эришилган натижаларни ҳар томонлама тўла характерлаш учун уни давлат иқтисодиётидаги ўзгаришлар билан таққослаб кўрайлик. Маълумки, Россияда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар мазмун-моҳияти биздагидан бирмунча фарқ қилади.

Бунинг учун иқтисод фанлари доктори, Россия Федерал Кенгашнинг собиқ раиси Е.Строевнинг мақола-сига мурожаат этайлик.¹ Россиядаги обрў-этиборли олим ва давлат арбобининг фикрлари муҳим аҳамият касб этади.

Биринчидан, мақолада таъкидланишича, россияликлар иқтисодий ислохотларнинг натижаларидан қониқиш ҳосил қилмаяптилар, улар ўз норозилиklarини ошқора баён этмоқдалар. Дарҳақиқат, сиёсий оқибатлар манаман, деб кўзга ташланиб турибди.

Иккинчидан, Сороснинг фикрича, Россиядаги асосий сиёсий кучлар Россия шароитига мос келувчи ижтимоий йўналтирилган бозорга ўтиш йўлини танладилар. Иқтисодиётнинг аниқ белгиларини аниқлашлари муқаррар бўлиб турибди. Аммо, энг муҳими, жамиятнинг аксарият кучлари тўғри йўлни танлади.

Бу йўл биздаги танланган йўлга ўхшаб кетади.

Учинчидан, ушбу вазият Россия жамиятининг тараққиёти олдинги хўжалик тизимининг глобалъ янги-

¹ К а р а н г: Строев Е. Экономическая реформа: гуманитарный аспект. // Общество и экономика, 1999, №3-4.

ланиш йўллари эмас, балки ишлаб чиқариш муносабатларини ҳам модернизация қилиш йўлидан борди. Ана шу тариқа жамият ўз ривожланиш имкониятларига эга бўлди ва танглиқдан чиқиб олди.

Туртинчидан, 90-йиллар ичида Россия иқтисодиётини ислоҳ қилиш учун белгиланган чора-тадбирларнинг бир томонлама, хато белгиланганлигини эндиликда асосий сиёсий кучлар тан олди. Шундай қилиб, ислохотни тубдан янги изга буриб юборишнинг сиёсий заминлари яратилди. Аммо ўтган ислохотларнинг нотўғри томонлари, йўл қўйилган иқтисодий, сиёсий хатоларни тан олиб, чуқур ва ҳар томонлама танқидий таҳлил қилиш жуда зарур. Ҳеч бўлмаганда, бундай қилиш келгусида мавжуд хатоларни такрорламаслик, халқ фаровонлигини оширувчи натижаларга эришиш учун керак.

Ислохотларнинг боришида тубдан бурилиш бўлиши керак, акс ҳолда, мураккаб воқеалар моҳиятини аниқлаш қийин бўлиб қолади.

Ислохотлар курсини тузатиш, аниқроқ айтганда, мазмунан мутлақо янги асосда ислохотларни давом эттиришни бутун жамият қўллаб-қувватламоқда. Бу ҳақда Е.Строев очиқ мамнуният билан фикр юритади.

Юқоридагилардан ўз-ўзидан икки хулоса келиб чиқади. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг биз танлаган босқичма-босқич модели жаҳоннинг кўп мамлакатлари, жумладан, Россия учун ҳам жуда муҳимдир. Иккинчидан, биз учун ҳам, Россия учун ҳам ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти халқларнинг турмуш тарзига, кураш ва интилишларига, мамлакатнинг ўзига хос менталитетига мос келади. Шуларни ўйлаганда, бошдан бизни тўғри йўлдан бошлаган Президентимиз ақл-идроки ва тафаккурига тасаннолар айтгим келади.

Республикамизда иқтисодий ислохотларда эришилган натижалар бизни фуқаролик жамиятига тобора кўпроқ яқинлаштирмоқда. Шунинг учун биз ислохотларнинг моҳияти ва самаралари ҳақида чуқур мулоҳазалар қилар эканмиз, эзгу ниятимиз бўлган фуқаролик жамияти моҳиятидан келиб чиқиб, иқтисодиётнинг айрим қирраларини таҳлилдан ўтказайлик.

Мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар ҳақида кўплаб рисоалар, мақолалар ёзилган. Уларда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, айрим камчиликлар таҳлил этилади.

Тадқиқотимиз мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, биз кўпчилик томонидан тан олинган, иккинчи томондан, фуқаролик жамияти асосларининг шаклланишига бевосита хизмат қиладиган кўрсаткичларга асосий эътиборни қаратмоқчимиз.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ислохотларнинг бошида Ўзбекистон Ҳамдўстлик мамлакатларида биринчи бўлиб, инвестиция сиёсатининг пасайиб кетишини бартараф эта олди ва 1996 йилдан эътиборан асосий жамғарма инвестициялари бўйича барқарорлик юзага келди. Бундан ташқари 90-йилларнинг ўрталарида амалда мавжуд ишлаб чиқаришнинг бир қатор тармоқлари янги технологиялар асосида модернизация қилинди, янги соҳалар, масалан, Ўзбекистон учун янги тармоқ — автомобилсозлик тез ривожлана борди. Шу билан бирга иқтисодийтимиз таркибий тузилиши — хомашё йўналишлари бўйича тайёр маҳсулотлар тайёрлаш томон жиддий қадам ташланди.

Юқоридаги омиллар туфайли аҳоли турмуш фаровонлиги босқичма-босқич кўтарилди борди, реал даромадлар ўсиши билан бир қаторда соғлиқни сақлаш ва таълимни ислох қилиш борасида жиддий ютуқлар қўлга киритилди.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариш реал ҳажмининг пасайиши Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида энг паст кўрсаткич ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистон 2000 йили ялпи ички маҳсулот етиштириш бўйича ислохотлардан олдинги маррага етиб, ундан юқорироқ кўтарилди бошлади. Аммо шу даврда ялпи ички маҳсулот Россияда-62%, Украинада-44%, Қозоғистонда-67%, Қирғизистонда — 66% ни (1990 йилга нисбатан) ташкил этди.

1996—1997 йилларда ишлаб чиқаришнинг барқарорлашуви ва ўсиши бошқа макроиқтисодий индикаторларнинг яхшиланиши билан уйғунланиб борди. 1992 йилда ягона рубль зонасининг тарқалиб кетиши ва нарх-навонинг кўтарилиши истеъмол нархларини 25% га ошириб юборган эди (ўртача ойлик ҳисоби бўйича). Бу кўрсаткич 1994 йилда 23% га камайди. Аммо кейин нархнинг тушиши тезлашиб борди. Ҳар ойда ўртача 6%дан камайиб борган нарх, 1995 йили 4,2%, 1997 йилда 21%, 1999—2000 йилларда 1,9% ни ташкил этди.

Юқоридаги тенденциялар пул эмиссиясининг ўсишида ҳам рўй берди. Масалан, 1997 йили умумий пул

массасининг ўсиш темпи 1996 йилга нисбатан уч мартага яқин пасайди (солиштириш учун: 1994 ва 1995 йилларда 600% ва 250%ни ташкил этди). 1998—2000 йилларда ҳам бу пасайиш давом этди. Бундан ташқари Ўзбекистонда иш ҳақи, пенсия ва бошқа бюджет ҳисобидан маош оладиган кишиларга маошларини ўз вақтида тўлаш борасида ҳам маълум натижаларга эришилди.

Ўн икки йил ичида миллий иқтисодиётнинг янги банк-молия сектори ташкил этилди. Банклар, суғурта ва лизинг компаниялари тармоқлари шаклланди, турли хил жамғарма институтлари пайдо бўлди. Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда бозор талаблари асосида банк фаолиятини тартибга солишлари учун тегишли норматив база ишлаб чиқилди. Бунда асосий мақсад миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат эди.

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда ва иқтисодиётнинг иқтисодий ривожланиш траекториясига чиқишда мустақиллик йилларида қарор топган янги бюджет-солиқ тизими жиддий роль ўйнайди. Бу тизим иқтисодиётдаги устувор тармоқларнинг ривожланишини тезлаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, мамлакатда мудофаа ва тартибни таъминлаш, ички ҳамда ташқи қарзларни узиш учун давлат мажбуриятларини бажариш ва бошқа долзарб мақсадлар учун давлатнинг зарур молиявий ресурслар билан таъминлашида катта роль ўйнади. Шу пайтнинг ўзида бюджет-солиқ ва кредит-пул сиёсатининг имкониятларини, шунингдек, макроиқтисодиётни барқарорлаштиришга эришилди. Ялпи ички маҳсулот нисбатида давлат бюджетида жиддий назорат олиб борилди. Инфляцияни ойида 2-3%га туширишга эришилди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш ва инвестицияларни самарали қилиш мақсадида хўжалик фаолиятида давлат монополиясини йўқотиш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида қуйидаги бир қатор жиддий чора-тадбирлар кўрилди:

- иқтисодни давлат томонидан бошқаришни номарказлаштириш;
- кўпчилик корхоналарни хусусийлаштириш;
- хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш учун норматив-ҳуқуқий базани яратиш;
- институционал ва ҳуқуқий шарт-шароитни шакллантириш орқали рақобатни рағбатлантириш;

● тадбиркорликни давлат томонидан ҳимоя қилиш тизимини яратиш.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос модели талабларидан келиб чиқиб, хусусийлаштиришда ҳам ўзига хос йўл тutilди.

Биринчидан, давлат мулкани бошқа мулк шаклига айлантириш учун мулкни текинга бериш эмас, балки мулкдорга сотиш йўли ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Иккинчидан, давлат мулкани сотиб олишда ҳамма фуқароларга бир хил тенглик ва имкониятлар яратиш, давлат мулкани сотиб олаётган жамоаларга давлат ёрдамани уюштириш, уларни турли адолатсизликлардан сақлаш кафолати йўлга қўйилди. Бу ҳимояни биз давлат квартираларини сотиб олиш ёки давлат мулкани сотиб олган меҳнат жамоаларига берилган имтиёзларда аниқ кўрамиз.

Учинчидан, хусусийлаштиришни босқичма-босқич амалга оширишнинг давлат дастури ишлаб чиқилди. Республика, минтақа ва тармоқлар бўйича алоҳида дастурлар яратилди. Хусусийлаштиришни босқичма-босқич олиб бориш бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнларига қараб белгиланди ва иқтисодиётдаги ўзгаришлар эътиборга олинди.

Тўртинчидан, корхоналарни хусусийлаштиришда қарор топган ишлаб чиқариш ва бошқарув таркибини монополиядан чиқариш ҳамда корхоналарни йириклаштиришга катта эътибор берилди. Агар шундай қилинмаганда, хусусийлаштирилган корхоналар тоталитар тизимдан қолган монополия шароитида бир қадам ҳам олға силжий олмасди.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда хусусийлаштириш аввал бошидан ҳар бир фуқарога ўзининг мулкига эга бўлишдек, табиий ҳуқуқини амалга ошириш учун имконият яратиб беришга қаратилди. Шу мақсадда 1996 йил сентябрида Хусусийлаштириш Инвестиция Жамғармаси (ХИЖ) ташкил этиш дастури қабул қилинди. Бу дастур халқаро молиявий институтлар тавсиялари асосида тайёрланди ва ўз кафолатлари нуқтаи назаридан МДХда ягона эди. Дастурнинг асосий мақсади — аҳолининг кенг қатламларини хусусийлаштириш жараёнига жалб этиш, қимматли қоғозларга қўйилаётган аҳоли маблағларини ҳимоя қилиш ҳамда акциядорларнинг фонд бозорларида кўрсатишлари билан боғлиқ хавф-хатарларни камайитиришга қаратилган эди.

Хусусийлаштиришни амалга оширишнинг бу йўналиши (биз унинг ҳамма томонларини айтиб ўтмадик) фуқаролик жамиятининг асосий компонентларини кучайтириш (мулкнинг турли шакллари тизими)нинг асоси ҳисобланади.

Аҳоли даромадларини ўстиришни таъминловчи муҳим компонентлардан бири бу иқтисодиёт таркибини ислоҳ қилиш сиёсатидир. Ушбу сиёсатнинг асосий мақсади иқтисодиёт таркибини тубдан янгилаш, уни техникавий модернизация қилиш, хомашё асосидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, унинг сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, аҳолининг барча қатламлари даромадини юксалтириш ва бошқалардан иборат.

Бу қайта ўзгаришларнинг муҳим натижаларидан бири институциявий жабҳадаги янгиликлардир. 2000 йили нодавлат сектор ҳиссасига 65,4% саноат, 99% қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тўғри келди. Шу билан бирга асосий тармоқлар, жумладан, енгил ва озиқ-овқат саноат бозори инфратузилмаси тез юксалди.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш устувор йўналишлар қаторида туради. 1996 йилдан эътиборан мамлакатда транспорт тизими қурилишини молиялаш кескин ривожланди, 2000 йилда бу соҳага барча капитал харажатларнинг 15,2% сарфланади.

Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди. Бунда тармоқларни диверсификациялаш, пахта якка ҳокимлигини чеклаш, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантириш кўзда тутилди. Экин экиладиган далаларда дон маҳсулотларини кўпроқ экиш маъқул, деб топилди. Агар 1991 йилда экиладиган майдонлар барча экин майдонларининг 25,7%ини ташкил этган бўлса, 2000 йилга келиб, бу кўрсаткич 42,7%га ошди (1614 минг гектар). Дон мустақиллигига эришиш дастурини амалга ошириш 2000 йилга келиб 1991 йилга нисбатан 2 мартадан ортиқроқ кўпайди (1908 минг тоннадан 3929,4 тоннага ортди).

Ислохотлар соҳасида эришилган ютуқлар ҳақида гапирганда кўп укладли иқтисодиётни босқичма-босқич шакллантириб боришни таъкидлаб ўтиш керак. Ҳозир қишлоқ хўжалиги маҳсулотларнинг 99,4% нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келмоқда. Қишлоқда хўжалик юри-тишнинг устуворлиги йирик товар ишлаб чиқарувчи-

лар, ширкатлар, фермер хўжаликлари, кичик деҳқон хўжаликлари ташкил этади. Деҳқон хўжаликлари ҳозирги пайтда 1540,4 минг гектар ерга эга. Улар қишлоқ хўжалигининг 66 ғойиз маҳсулотини ишлаб чиқармоқда. Жумладан, ўсимликлар соҳасида 43,4 ғойиз чорвачиликда 89%ни ташкил этади. Фермер хўжаликларидаги ажратилган ер 3,4 марта ўсди ва 2000 йилга келиб 889, 61 минг гектарга етди.

Пахта ва дондан бўлак барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлат буюртмалари бекор қилинди. Чорвачилик фермалари давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилди. Боғлар, узумзорлар индивидуал секторга берилди, уларга бўлган давлат буюртмалари бекор қилинди. Бу ҳодиса қишлоқда тадбиркорликни ривожлантирмоқда, майда товар ишлаб чиқарувчилар сонини анча оширди.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда саноатда рўй берган таркибий ўзгаришлар муайян роль ўйнади. Металлургия, нефткимёси, ун ва комбикорм тайёрлашда жиддий салмоқлар кўзга ташланди. Машинасозликда жиддий таркибий ўзгаришлар рўй берди. Натижада қайта ишлов бериш соҳаси 2000 йили 76%га кўпайди, хомашё соҳада 24%га камайди.

Мустақиллик йилларида саноатда ишлаб чиқариш суратлари пасайгани йўқ. 2000 йили саноат маҳсулотларининг ҳажми 5% ортди. Ривожланган тармоқлар ичида кимё ва нефткимёси соҳаси энг ривожланган соҳалар ҳисобланди, буларда маҳсулот ҳажми ўсишининг йиллик ўртача даражаси 10%дан ортиқ бўлмоқда.

Иссиқлик энергетикаси комплекси етакчи тармоқларнинг иқтисодий аҳволига ижобий таъсир қилиб, вазиятни барқарорлаштириб турувчи омиллардан бири бўлиб қолмоқда. 2001 йили бутун саноат маҳсулоти ҳажмининг 25% шу соҳа ҳиссасига тўғри келди. Бу натижаларга нефть ва газни қазиб чиқаришни яхшилаш, газ комплексини интенсиф қайта ишлаш асосида эришилди. Республика иссиқлик тармоғи 1994 йилдагидан юқори кўтарилиб, ўртача йиллик улуш 2—3%ни ташкил этмоқда. «Ўзбекнефтгаз» корпорациясида ишлаб чиқаришнинг оқилона йўлга қўйилиши ва ўсиб боришига чет эл капиталларини жалб этиш асосида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш асосида эришилди. Нефть ва газ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш рангли, нефть маҳсулотлари ва турли мулк

шаклидаги корхоналар иссиқлик воситаларини ривожлантиришни таъминлади.

1996 йилдан бошлаб, «Зарафшон — Ньюмонт» ва «Аматайтау — Толдфилде» қўшма корхоналари томонидан қазиб олишнинг жиддий юксалгани сабабли металлургия ишлаб чиқариши ўсди. Бу қўшма корхоналар фаолиятида олтин қазиб олишда янги технологияларнинг қўлланиши натижасида саноатнинг тармоқ тизимида рангли металлургия ҳиссасининг юксалишини таъминлади.

Мустақиллик йилларида қора металлургия соҳасида ҳам анча силжиш рўй берди.

Кимё мажмуини тезкор ривожлантириш республика учун янги тармоқ ҳисобланган автомобилсозлик, тиббиёт, радиоэлектроника тармоқлари юксалишига муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Бунга истеъмолчилар талаблари ҳам, жумладан, юқори сифатли ва юксак сифат даражаси билан фарқ қилувчи товарларга бўлган эҳтиёжларнинг кескин ортиши ҳам муҳим роль ўйнади. Тармоқдаги устувор вазифа қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари билан таъминлашга қаратилган. Маҳаллий минерал хомашё ресурсларидан фойдаланиш асосида комплекснинг янги тармоқлари ташкил этилди. 1991—2000 йиллар оралиғида импортнинг ўрнини босадиган кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 100дан ортиқ янги хил лойиҳалари ўзлаштирилди.

Кучли индустриал потенциалга эга бўлган машинасозлик мажмуи республика иқтисодиётининг муваффақиятли ривожланган манбаи ҳисобланади. Енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши тенденциялари бизни қизиқтираётган муаммо нуқтаи назаридан жуда муҳим аҳамият касб этмоқда. 2000 йилда бу тармоқда энг юқори кўрсаткич 120,8%га эришилди. Давлат ҳимояси, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш ва ҳимоялаш, янги объектларни ишга тушириш, амалдаги корхоналарни техник қайта жиҳозлаш, экспортга мўлжалланган маҳсулотларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш имкониятини берди. Пахта толасини қайта ишлаш ҳажми ошди, хориж бозорида рақобатга бардош берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ стратегияда пахта толасидан тикилган газламалар ва тўқилган маҳсулотлар ҳиссаси ошди. Бу маҳсулотларни экспорт қилиш, ташқи товар

оборотини яхши йўлга қўйиш имкониятини оширди. Жаҳон тажрибасидан маълумки, худди шу соҳада катта муваффақиятга эришиш мумкин.

Мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш хусусий секторнинг асосий вазифасидан бири бўлиб келди, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Озиқ-овқат, ун маҳсулотлари ҳамда комбикорм маҳсулотлари ҳажмини ошириш давлатимизнинг диққат марказида турибди. Бу борадаги ўсиш ҳар йили 3—5% ошиб бормоқда. Маҳаллий хомашёни қайта ишлашнинг кўпайиши ва умуман, қайта ишлаш тармоғининг ривожланиши озиқ-овқат саноатининг муҳим устувор йўналишларидан бирига айлантирилди, озиқ-овқат маҳсулотлари ассортиментини жиддий кенгайтириш, жумладан, ун, ўсимлик ёғи, макарон маҳсулотлари, консервалар, шарбатлар ва бошқа маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқаришга йўл очди.

Жаҳоннинг барча мамлакатлари билан ўзаро алоқаларни янада кенгайтиришга қаратилган сиёсат ислохотларнинг муҳим тамойилларидан бири бўлиб қолди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси жуда кўплаб конвенциялар ва шартномаларни имзолади. Бу конвенция ва шартномалар турли соҳалардаги халқаро муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилади. Ўзбекистон кўплаб обрўли халқаро ташкилотларга аъзо бўлди. Энг яхши имкониятлар бериш тамойили асосида Ўзбекистон бодан ортиқ хориж мамлакатлар билан шартнома тузган.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичидаги энг муҳим устувор йўналиш импортнинг ўрнини босадиган товар ишлаб чиқариш сиёсатини олиб бориш, экспорт имкониятларини ривожлантириш, ташқи иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш бўлди.

Бу босқичдаги ислохотларда ташқи савдодаги давлат монополиясига барҳам берилди, ташқи иқтисодий алоқаларнинг янги механизмлари шаклланди. Корхоналарнинг ташқи савдога мустақил равишда чиқишларининг ҳуқуқий-норматив базаси яратилди, чет эл инвесторларнинг фаолиятларига ишончли кафолатлар вужудга келтирилди.

Ислохотларнинг иккинчи босқичида (1995—1998) республикада корхоналарнинг мустақиллиги ошиб, улар маҳаллий хомашё эвазига чиқарадиган маҳсулотлари сонини оширди.

1995 йили ташқи савдони тартибга солган нотариф усулдан тариф усулига ўтиш бошланди. Импортни ҳам тариф орқали бошқариш амал қила бошлади. Ўта ноқулай вазиятларда ҳам бу сиёсат ўзгармади.

Маълумки, 1997 йили асосий экспорт товарларига бўлган нархнинг кескин пасайиб кетиши оқибатида ташқи савдо сурати бироз секинлашди, экспортдан келадиган даромадлар жиддий пасайди, тўлов балансининг жорий ҳисоб-китоб ҳолати ёмонлашди. Шарқий Осиёда рўй берган 1997 йилнинг ўрталарида, Россияда 1998 йил августдан бошлаб рўй берган молиявий тангликлар туфайли юқоридаги ҳодисалар янада чуқурлашди.

Ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш мақсадида экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун жиддий чора-тадбирлар кўрилди. Бунда экспортни рағбатлантириш алоҳида ўрин тутди. Қонунчиликда экспортёрларга қўшимча қиймат бўйича имтиёзли солиқлар, акциз солиғи, даромад солиғи, мулк солиғи бўйича ҳам маълум имтиёзлар берилиши кўзда тутилган.

1997 йил февралда ҳукумат экспорт имкониятларини ривожлантириш дастури ишлаб чиқарилади. Дастурда экспорт ҳажмининг изчил ўсиб боришини таъминлаш, мавжуд ресурсларни тўла сафарбар этиш натижасида экспорт таркибини янада такомиллаштириш билан бир қаторда ишлаб чиқариш имкониятларини янада кенгайтириш ҳам кўзда тутилди. Дастур асосида хўжалик лойиҳаларини молиялаштириш манбалари аниқланган ҳолда экспорт ривожининг тармоқ ва минтақавий дастурлари ишлаб чиқилди. Тармоқ дастурларидан ҳаммаси бўлиб 233 лойиҳа (улардан экспорт қилингани — 42%)ни амалга ошириш мўлжалланган эди. Лойиҳаларни амалга ошириш учун 79,3 млрд. сўм ва 3,8 млрд. АҚШ доллари талаб қилинди. Лойиҳаларни инвестициялаш чет эл банкларининг кредитлари асосида, Япония ҳукуматининг бегараз ёрдами, Немис банкининг (имтиёзли) нотижорат кредитлари (имтиёзли) асосида амалга оширилди.

Ҳар йили давлат томонидан тасдиқланадиган инвестиция дастурларида экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларга катта ўрин берилди.

Чет эл компаниялари иштироки билан тузилган қўшма корхоналарда пахта толасини қайта ишлаш миқ-

дори анча оширилди. Натижада экспортга чиқариладиган маҳсулотлар номенклатураси нисбатан кенгайди. Пахта толаларидан эшилган ишлар, пишлоқ, мева шарбатлари, пиво ва ичимликлар экспортга кўплаб чиқарила бошланди. Экспортга янги хил товарлар — енгил автомобиллар, автобуслар, автотрактор филтёрлари (иссиқлик, мойли, ҳаволи ва бошқалар), махсус алоҳида ингичка электр симлари, электр жиҳозлари техникаси ва аппаратуралар, ўт ўрадиган комбайнлар, бензин ва дизель ёқилғиси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, пойафзал ва бошқа яна кўплаб товарлар четга чиқарилиб, хорижлик истеъмолчиларнинг диққатини ўзига қарата бошлади.

Хизматлар, хусусан, чет эл фуқароларини ташиш учун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг хизматлари кенгайди. Туризм соҳасидаги хизматларни экспорт қилишни ривожлантириш мақсадида «Ўзбектуризм» миллий компанияси чет эл капиталини жалб этиш орқали мавжуд меҳмонхоналарни таъмирлаш, янгиларини қуриш ишларини кучайтириб юборди.

Ҳозирги пайтда бошқа мамлакатларнинг ижобий тажрибаларини эътиборга олиб, ишлаб чиқарувчиларнинг экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашга, товарлар, хизматларнинг ҳажмини оширишга бўлган қизиқишларини янада кучайтириш мақсадида экспорт лойиҳаларига давлат ёрдамини кўрсатиш тизими шаклланди, экспортга ишлаб чиқаришни мўлжаллаш, маҳсулотларни экспортбоп қилиб тайёрлаш соҳасини хавф-хатардан кафолатлаш ва суғурталаш давлат тизими орқали ҳал қилина бошланди.

Янги муқобил транспорт коридорлари ва транзит маршрутлардан кенг фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Шулар асосида товарларимизни ташиш харажатлари анча камаёди. Шу билан бирга ташқи иқтисодий алоқаларнинг самарадорлиги анча ошди. Чет эл юklarининг мамлакатимиз худуди орқали ўтиши ҳисобидан товароборот ўсмоқда. Натижада республиканинг жаҳон билан савдо интеграцияси ривожланиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси ҳажми жиддий кўпайди. Ўзбекистон ташқи савдо оборотининг энг кўтарилган нуқтаси 1996 йилда рўй берди, 9 млрд. АҚШ долларидан ортиб кетди. Аммо кейинчалик Ўзбекистоннинг асосий экспорт товарлари, жумладан ва энг аввало, пахта толаси ҳамда ол-

тиннинг жаҳон нархлари пасайиб кетганлиги, шунингдек Жануби-Шарқий Осиё ва Россиядаги молиявий тангликлар туфайли ташқи иқтисодий айланмамиз бир мунча қисқарди. Шунга қарамасдан 2000 йилда ташқи савдо айланмаси ҳажми 1992 йилга нисбатан 39,4% га кўпайди. Ўзбекистон ташқи савдо айланмасининг ҳажми 2000 йилда 6212,1 млн. АҚШ долларига етди. Бунда экспорт — 52,5%, импорт — 47,5% бўлиб, ижобий савдо 317,3 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Экспорт таркибини мунтазам равишда диверсификациялаш натижасида экспорт ҳажмининг жисмонан ўсиб боришида барқарорликка эришилди. 2000 йили кўшимча қиймат юқори даражада бўлган маҳсулотлар экспортининг умумий ҳажмида 36% га етди, ҳолбуки, бу кўрсаткич 1998 йили 25% эди. Ташқи савдонинг жуғрофияси ўзгарди ва кенгайди. Жумладан, агар 1994 йили Ҳамдўстлик мамлакатларида республиканинг ташқи савдо айланмаси 57% ни ташкил этган бўлса, чет эллар бўйича у — 42,2% ни ташкил этди. Ҳозирги кунда эса бу нисбат 37% ва 63% га ўзгарди. Эндиликда савдо-иқтисодий алоқалар 150 дан ортиқ мамлакатлар билан олиб борилмоқда. Экспорт алоқалари эса 80 дан ортиқ мамлакат билан амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида экспорт таркиби ижобий томон ўзгарди. Унда хомашё ресурслари ҳажми қисқарди, шу ҳисобдан хомашё, асосан, республика ичида маҳсулот ишлаб чиқаришга тобора кўпроқ ҳажмда сарф қилинмоқда.

Экспортга анъанавий товарлар — пахта, газлама, рангли металлар, кимё саноати маҳсулотлари билан бирга нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари, енгил автомашиналар, шаҳар ичи автобуслари, маиший мураккаб электроника, бир сўз билан айтганда, экспортда машина ва жиҳозлар, асбобларнинг миқдори ва ҳажми ошди.

Пахта толасининг экспортдаги ҳажми 1992 йилдаги 47,9% дан 2000 йилда 27,5%га қисқарди. Экспорт хизматлари (1992 йилда бу нолга тенг бўлган бўлса, 2000 йилга келиб 30% га ўсди) ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми ошди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, инвестицион маҳсулот (машина ва жиҳозлар) импорти анча ўсди: 1998 йилдаги 9,2%дан 2000 йилга келиб 35,4%га етди. Булар давлатимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсатда, жумладан, тармоқлар таркибини

қайта қуриш, миллий индустрияни модернизация қилиш ва ривожлантириш борасида тўғри йўл танланганини кўрсатади.

Республика ҳукумати чет эл инвестицияларини жалб этиш ва қўшма корхоналар қуришга катта эътибор бериб келмоқда. Мамлакатда қулай инвестициявий муҳитни таъминлайдиган бир қатор қонунлар қабул қилинди. Мустақиллик йилларида олинган инвестициялар ва кредитлар миқдори 12 млрд. АҚШ долларидан ошиб кетди. Чет эл инвестициялари асосида ишловчи корхоналар сони 31 мартага ошди, улар қилаётган экспорт 9,3 марта ўсди ва Ўзбекистон умумий экспортида 14%га етди. Уларда ишловчилар сони 17 марта ошди. Чет эл инвестициялари учун иссиқлик-энергетика мажмуи, автомобилсозлик, маиший электроника, олтин қазиб олиш асосий тармоқларга айланди.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг бу тарзда ривожланиб бориши, барча мулк шаклларидаги ишлаб чиқаришнинг экспортга йўналтирилиши ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга устуворлик берилиши иқтисодиётимиз тараққиётини жаҳон тажрибалари асосида ривожлантириш имкониятини бермоқда. Бу очиқ фуқаролик жамияти моҳиятига уйғун, мутаносиб бўлмиш ўзгаришлару янгиланишларга бевоқифа мойиллик ҳисобланади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда 90-йилларда рўй берган сиёсий ислоҳотлар ҳозирги замон фуқаролик жамияти талабларга тўла мос келди. Иқтисодий ислоҳотлар эса фуқаролик жамиятининг хусусий мулкчилик асосини мустақамлади ва очиқ жамиятга замин яратди.

Миллий тараққиётнинг ана шу омиллари фуқаролик жамиятининг ўзига хос ибратли хусусиятлари силласида янада катта аҳамият касб этиши муқаррар.

IV б о б

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ДАВЛАТЧИЛИК — ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСИ

Бевосита мавзуга ўтишдан олдин мухтасар умумлашма ҳолда, Ўзбекистон ўз ҳуқуқий мақомига кўра, конституциявий давлатчилигини махсус таъкидлашни истардик. Конституциявий давлат — бу Асосий Қонунга таянувчи конституционализмдир. Конституционализм — бу конституциянинг ҳаёти, унинг сиёсий тизимга сингиши — бу давлатга, сиёсий ва иқтисодий тузумга нисбатан умуммиллий келишувни таъминлайдиган ҳокимиятнинг конституциявий усули.

Истиклолнинг илк кунлариданоқ, шиддатли ва кенг қамровли конституциявий ўзгаришлар Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ҳаётининг тақдириломон хусусияти бўлди. Конституциявий ривожланишнинг фавқулодда тезкорлиги сабаби — ўтиш босқичининг демократик туб ўзгаришларида бўлди.

Ўзбекистонда конституциявий ривожланиш босқичлари серсамар бўлиб, у Совет Иттифоқининг қонуний таназули оқибати ўлароқ, юзага келган янги давлатнинг мустақиллиги, суверенитети ва озод-эркинлиги ҳақидаги Декларациядан то биринчи Конституцияни қабул қилиш ва унга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритишгача бўлган мураккаб ижодий-ташкилий жараёнлардан иборат.

Ўзбекистонга партаппарат мустақил сиёсий куч сифатида мутлақ ҳукмга эга собиқ тоталитар ўтмишдан бирон-бир қонун билан боғлиқ бўлмаган, тамаддун демократик ривожланишга, фуқаролик жамиятига, миллатнинг демократик кайфиятдаги илғор вакиллари қарашларига, яхлит миллий маданиятга зид, кўпқина ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётидан ҳам паст иқтисодиёт, аҳоли қашшоқлиги мерос қолди.

Хомашёга мўлжалланган қолоқ халқ хўжалиги, узлуксиз иқтисодий ва сиёсий таназул, ялпи инфляция, Республиканинг ўз сиёсий-иқтисодий муаммола-

рини мустақил ҳал этиш ҳуқуқидан мосуволиги аҳолининг аксар қисмини ижтимоий ҳалокат бўсафасига олиб келган эди.

Маълумки, 1924 йилда қабул қилинган Конституция СССРни федерал давлат мақомида эълон қилган эди. Аслида бу ёлғон ган эди. Бошқа иттифоқдош республикалар сингари Ўзбекистон ҳам сиёсий, иқтисодий мустақилликдан мутлақо бебаҳра бўлиб, у Марказнинг қарамига — колониясига айланган эди. СССРнинг кейинги Конституцияларида ҳам иттифоқдош республикалар мақоми ўзгармасдан қолган эди. Тараққиётнинг социалистик даври туб моҳияти билан колониал, ялпи тенгсизлик, эрксизлик ва қатағонлар даври бўлди. Социалистик тузум эмас, балки давлат феодализи, ёвузлик империяси мавжуд эди. Озодлик, мустақиллик йўлида сонсиз-саноксиз қурбонлар берилди. Қатағонлар тарихи — бу — қизил империяга, унинг қатағонлик аппаратига, ёвуз жаллодларига қарши айбловлар ҳужжатидир. Миллатнинг гуллари — дастлаб «Кўқон мухторияти» ташкилотчилари ва раҳбарлари, кейин миллий озодлик ҳаракати иштирокчилари, ўзига тўқ деҳқонлар, косибу ҳунармандлар қатл этилди, сургун қилинди, бегона юртларга мажбуран кўчириб юборилди.

Йирик сиёсий ва давлат арбоблари, ёзувчилар, олимлар XX аср 30-йилларининг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қатағонлари қурбонига айланишди. 40-йилларнинг охирида маданиятимизнинг донгдор арбоблари миллатчилик ва сепаратизмда айбланиб, Сибирга сургун қилинди.

1937—1953 йиллар фожиалари Ўзбекистоннинг юз мингдан ортиқ фуқароларини қатли ом этди, улардан 13 мингтаси ноҳақ отиб ташланди. Оддий инсоний ҳақ-ҳуқуқлари паймол этиб ташланган, тақдири хонумон этилганлар ичида Ўзбекистоннинг турли миллат ва этносга мансуб фуқаролари ҳам бор эди.

Ўзбекистон изатталаб авантюрист-жаллодлар қурбонига айланган эди. Халқ қисмати турли сиёсий найранглар, узоқ марказнинг қинғир ёвуз ўйинлари, бутун дунёга «жаннат» «ваъда» қилган хаёлпарастлар «орзу-ҳаваслари» «воситалари»да «ҳал қилинар» эди.

80-йилларда кенг қамровли қатағон кампанияси янгидан бошланди: марказнинг «ўзбеклар иши», «пахта иши» сценарийси асосида минглаб ўзбекистонлик оилалар ноҳақ тухмату ноҳақ ёвузликлар исканжасида қол-

ди. Беш мингдан ортиқ киши сунъий равишда жиноий жавобгарликка тортилди. Даҳшатлиси шунда эдики, бутун халқ, бутун миллат жиноятчига чиқарилган эди. «Ўзбек халқига ишонч йўқ», деган тавқи лаънат миллат бўйнига осилган эди. Ана шу тариқа «душман образи» яратилганди. Ўшанда жуда кўпчилик Ўзбекистонда «бериячилик» янгидан тикланганини билишмаган эди.

Собиқ империя ғоявий-сиёсий доҳийлари ўз ёвуз амбицияларини янада мустаҳкамлаш учун Ўзбекистонни навбатдаги қиргин-барот майдонига айлантиришган эди. «Ўзбекистон ёппасига ялпи мафиялашган республика», дея бутун дунёга жар солишди. Улар айнан Ўзбекистон ўғри, порахўр, коррупция масканига айланган, дея собиқ иттифоқ аҳолиси онгига таъсир этиб, уларни ҳам «тарбиялай» бошлашди. Ўзларининг ёвуз ниятларини амалга ошириш, чириб бораётган жамиятда чуқур илдиз отиб кетган иллатлардан, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги қолоқлик сабабларидан одамларни чалғитиш учун улар атайин «пахта иши», «Ўзбеклар иши»га сунъий шов-шув — сенсация тусини беришган эди. Кечаги совет тарихида бундай усуллар ҳамisha ёвузона самаралар берар эди.

Ўзбекистонда республика партия ташкилотини «мустаҳкамлаш» мақсадида собиқ марказдан 400 дан ортиқ десантчилар юборилган эди.

«Десантчилар» ва СССР Прокуратурасининг Т.Гдлян ҳамда Н.Ивановлар бошлиқ жаллодлар гуруҳи томонидан амалга оширилган ёвузликлар кўламини даҳшатли табиий офат оқибатлари билан қиёсласа бўлади. «Терговнинг ноанъанавий усуллари» оқибати ўлароқ, Ўзбекистон ҳаёти мутлақо издан чиқиб кетди. Республикада хўжалик ишлари билан фаол ва изчил шугулланиш ўрнига, асосан, қамаш, жазолаш миқдорлари билан марказга рапортлар берила бошланди. Моддий зарарку, майли, лекин келтирилган маънавий-руҳий зарарни бирон-бир нарса билан оқлаш, ўлчаш мумкин эмас эди.

1988 йилда «мафияга қарши ғолиб курашчилар» — Гдлян ва Ивановларнинг Ўзбекистондаги ёвузликлари бутун дунёга илк бор ошкор қилинди. Уларга қарши собиқ СССР Прокуратураси жиноий иш кўзғади.

Тақдир, ниҳоят, Ўзбекистонни сийлади. Ўзбекка ўзбекона ор-номусини, ҳалол номи-ю хос қадрини тиклаш, ноҳақ ҳақоратлару тўхмат маломатларидан қутқа-

риш учун Яратган Эгам Ислом Каримовдек жумард раҳбарни, мард Йўлбошчини ато этди.

Ислом Каримов ўзининг катта сиёсий ва ижтимоий фаолиятини халқи шарафи ҳамда кадр-қимматини дадил туриб ҳимоя қилишдек, ниҳоятда мураккаб, оғир ишдан бошлади. Йўлбошчимиз ноҳақ қамалиб, Магадан ва Сибирь қамоқхоналарида ётган минглаб ватандошларимизни Ўзбекистонга қайтарди, уларни оқлаб, жиний жазолардан озод этди, минглаб оилаларга тинчлик ва ором бахшида этди, шаън-шавкатини, ор-номусини, ҳалол номларини тиклади.

Ана шу тариқа кечаги ёвуз ўтмиш одилона оқланди. Одамларда ўзига, юртига, эътиқодига, мустақилликка, демак, давлатга, айниқса, унинг раҳбарига комил ишонч, ифтихор пайдо бўлди. Ҳа, Каримов инқирозли даврнинг сиёсий Сардори сифатида миллатга миллатлигини, халққа халқлигини, ор-номусини қайтарди.

Боз устига, 80-йилларда Ўзбекистон жиноятчилик, фуқаролик ва миллатлараро уруш хавфи исканжасида қолган эди. Ўзбекистоннинг собиқ «раҳбари»дан Қаримовга Андижон, Фарғона, Бўка, Пискент, Ўш ва Ўзган фожиалари «мерос» қолган эди. Ўзбекистонни иккинчи Қорабоғдан Ислом Каримов мўъжизаси омон сақлаб қолди.

1989 йилда Ислом Каримов Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча фуқароларга «Меҳр-муруват ва раҳм-шафқат ришталари узилмасин», дея Мурожаат билан чиқди.

«Ўзбек халқининг, — дейилади Мурожаатда, — бутун дунё халқлари ва ўз Ватани олдида юзи ёруқ, виждони пок». Ушбу мардона, дадил ва қатъий сўзлар миллионлаб ватандошларимиз қалбига ишонч ҳамда умид ришталарини уйғотди.

Албатта, хўрланган ва ҳақоратланган халқ шаъни ҳимояси ўша кезларда ўз-ўзига ҳукм чиқариш билан баробар эди. Ислом Каримов бу ҳукмдан, масъулиятни бўйнига олишдан қўрқмади. Давлат миқёсида ва миллат ор-номуси йўлида дунё ичра дунёдек кенг тамаддун фикрлаш неъматини Йўлбошчининг қисматида айланди.

Демократик ички ва ташқи сиёсати тамойилларини ана шундай мураккаб вазиятда белгилаган Ислом Каримов ягона тўғри йўлни танлади: давлатчилик, иқтисодиёт ва маданият билан боғлиқ аниқ таназзулдан

миллату юртни омон олиб чиқишдек саодатга эришди. Ислом Каримов барча сиёсий кучларни буюк мақсадлар сари жипслашишга даъват этди.

Каримов-Президент ақоидининг бош қондаси — тадрижий такомиллик бўлди. Айнан босқичма-босқич табиий камолот жамиятга етти ўлчаб бир кесилган режали тараққиёт онасидир. Тадрижий ривож — нажот. Айнан ислохотлар — босқичма-босқичлиги шахс ва жамиятни сиёсий-ижтимоий ларзалардан қутқарувчи, омон сақловчи ягона нажотдир.

Ўтмиш билан ҳозирги кунни, истиқболни, халқнинг анъанавий яшаш тарзини, туб янгиланишларни қонун устуворлиги, иқтисодийнинг сиёсатдан устунлиги, ҳуқуқий тартиб, ижтимоий интизом, диний бағрикенглик ва шахсий эркинликни таъминловчи кучли давлатчилик, оқилона миллий сиёсат билан боғлаш, мавжуд тарихий ҳамда замонавий демократик ижобий қадриятлар уйғунлигида уларнинг фаолиятини аниқ белгилаш Каримов стратегик сиёсатининг тақдириломон талабларига айланди.

Ушбу стратегик ғояларни фақат ва фақат мустақиллик шароитидагина, янги конституциявий-ҳуқуқ макон асосидагина амалга ошириш мумкин эди. Шундай ҳуқуқий база мустақилликдан олдинроқ яратила бошланган эди.

1989 йил 20 октябрда «Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонун)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Қонунда олдин марказий ҳокимият тасарруфида бўлган ваколатларни, ҳокимият тизимидаги мақомига кўра, олий қонунчилик органига бериш кўзда тутилди. Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва конституциявий мустақиллигини таъминловчи ҳокимият тизimini қайтадан ташкил этиш жараёни бошланди.

1990 йил 24 мартда XII чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг биринчи сессиясида собиқ иттифоқдош республикалар ичида илк бор Ўзбекистонда бошқарувнинг Президентлик институти жорий этилди. 1990 йил 20 июнда XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг II сессиясида «Мустақиллик Декларацияси» қабул этилиб, унга биноан Ўзбекистон мустақиллиги расман эълон қилинди.

Мустақиллик Декларациясида Ўзбекистоннинг истиқлоли ва суверенитети, унинг цивилизациялашган давлатларнинг демократик анъаналарига содиқлиги би-

лан боғлиқ асосий принциплар, қоидалар аниқ белги-ланди ҳамда мустақамланди.

Мустақиллик Декларациясига асосан 1991 йил март ойида ССР иттифоқини сақлаб қолишга бағишланиб ўтказилган умумхалқ референдумида 93,9% иштирокчилар Ўзбекистоннинг мустақиллигини қўллаб-қувватладилар. Бу ўзбекистонлик қонун чиқарувчиларни ўз мазмуни ва мақоми билан иттифоқ қонунларидан тубдан фарқ қилувчи, фақат ва фақат Ўзбекистон манфатларини ҳимоя қилувчи қонунлар қабул қилишга даъват этди. Олий Кенгаш республика территориясида мавжуд Иттифоққа бўйсунувчи барча корхоналар, ташкилотларни бутунлай Ўзбекистон тасарруфига ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

Мустақиллик Декларацияси четдан ҳеч кимнинг ара-лашишига йўл қўймасдан, миллатнинг асрий идеаллари, муқаддас орзу-интилишлари асосида ўзининг ҳозир ва эртасини ўзи эркин белгилаш, миллий Тикланиш ҳуқуқини берди. Ўзбекистоннинг давлат суверенитетини, унда республиканинг бутун территориясида ҳокимиятнинг яхлитлигини, ўз ташқи сиёсатида мустақил ва тенглигини эълон қилди.

Ўзбекистон ССРга ихтиёрий берилган ваколатларни, мустақил давлатчилик, мамлакат ижтимоий қурилишининг асосий принципларини ўзи амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлди.

Декларация суверенитет ва давлат ҳокимиятининг манбаи, деб халқни белгилади. Халқ ҳокимиятни, Конституцияга кўра, бевосита ва ўз вакиллари орқали бошқариши қайд этилди.

Ўзбекистон қонун устувор бўлган, ҳокимиятлар бўлиниши принципини, миллий қонунчилик, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси, халқаро ҳуқуқ нормалари устувлик қилган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни асосий мақсад қилиб қўйди.

Декларация Ўзбекистоннинг кейинги конституциявий ривож учун тақдирломон қоидаларни ифода этди. Унда Ўзбекистон ўзбек халқининг миллий-маданий қадриятларини, миллий онғни, халқ тарихий анъаналари ва ўзига хос меросини тиклаш, ўзбек тилининг давлат тили мақомини тўлиқ таъминлаш имконини яратиш масалалари ўз аксини топди.

1991 йил 21 августда Республика Президенти Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларига зид бўлган Фав-

кулодда ҳолат бўйича Давлат қўмитасининг фармонларини гайриқонуний эканлигини ифодаловчи махсус фармонга имзо чекди.

Ўзбекистон мустақиллиги тарихан тақдирломон, муқобилсиз ҳодиса бўлди. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Олий Кенгаш «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Мурोजаат билан чиқди. Худди шу кун «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, унга 1991 йил 30 сентябрда Конституциявий Қонун мақоми берилди.

Ўзбекистонда туб сиёсий, иқтисодий, конституциявий-қонунчилик ислоҳотлари бевосита Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси, ижодкорлиги ва сиёсий-ҳуқуқий таълимоти билан боғлиқ бўлиб, ушбу йўналишдаги ишлар, юқорида таъкидланганидек, совет тоталитар тузуми давридаёқ бошланган эди. 90-йилларнинг ибтидосида, ҳали комфирқа якка ҳукмронлик пайтида Ўзбекистоннинг амалдаги Асосий Қонунини ўзгартириш устида қизғин ижодий фаолият бошланган эди. Мустақилликка эришилгач, истиқлолнинг янги Конституциясига табиий эҳтиёж юзага келди. Ана шу қонуний эҳтиёж ўлароқ, конституциявий, ҳуқуқий асослар яратила бошланди. Ижодий жараён 1990 йилда қабул қилинган Мустақиллик Декларациясидан ва 1991 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Конституциявий Қонундан бошланди. Конституциявий Қонун Ўзбекистонни мустақил давлат мақомида расман эълон қилишнинг ҳуқуқий базасига айланди.

Гап шундаки, Ўзбекистон ССР Конституцияси Ўзбекистонни мустақил давлат, деб расман эълон қилиниши учун конституциявий-ҳуқуқий асос бўла олмас эди. Сабаб — эски Конституцияда бу мақом, умуман, назарда тутилмаган эди. Шу боис Ўзбекистонни мустақил давлат, деб расман эълон қилишдан олдин мақомнинг конституциявий базасини яратиш, кейин унинг асосидагина мустақилликни эълон қилиш ҳуқуқий жиҳатдан тўғри ва қонуний бўлар эди. Шундай конституциявий асос яратилди.

Ана шу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, келинг, Ўзбекистонда конституциявий ривожланишнинг **асосий босқичларини** аниқ белгилаб олайлик. Бу мамлака-

тимиз юриспруденция назариётида биринчи марта амалга ошириляпти.

Мустақиллик Декларацияси ва «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»-ги Конституциявий Қонун мустақил Ўзбекистонда Конституция ихтирочилиги билан боғлиқ **расмий босқич** бўлди. Қолган бир-бири билан узвий муштарак босқичлар ва эндиги амалдаги Конституцияга қўшимча ҳамда ўзгартишлар киритиш билан алоқадор янги босқич ўз ҳуқуқий — ташкилий ибтидосини айнан ана ўша дастлабки Конституциявий Қонундан бошлайди. Шу маънода Президент Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган биринчи Конституциявий Қонун Ўзбекистон учун фавқулодда тақдириломон мақоми билан алоҳида табиий қиммат касб этади.

Лекин жараён ва босқич 1990 йил март ойида бошланган эди. Ана шу ташаббусни шартли ҳолда **дастлабки босқич**, деб ҳисоблаш мантиқан тўғри бўлади. Дастлабки босқич бевосита янги Конституция лойиҳасини тайёрлаш ва қабул қилиш зарурати билан боғлиқ. Бу билан конституциявий ислохотларнинг **иккинчи босқичи** бошланди.

Конституцияни қабул қилиш ғояси ўз-ўзидан пайдо бўлмади. Бунга бир неча омиллар сабаб бўлди. Шулар қаторида ўтган асрнинг 80-йиллари охири ва 90-йилларнинг бошида Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «бизга ҳасад билан қарайдиган ташқи ва ички душманларимизнинг юртимизда ҳукмронлик қилиш, ўз ёвуз мақсадларига эришиш учун қандай ута хавфли хуружлар қилганини эсласак», ортиқча бўлмайди.

Шундай қабиҳ ният билан 1989 йил май-июнь ойларида Фарғона, 1990 йил февраль-март ойларида Бўка ва Паркентда содир этилган, ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайдиган даҳшатли фожиалар, 1990 йилнинг июнь ойидаги Ўш ва Ўзган воқеалари, 1991 йилнинг 8 декабрида Намангандаги собиқ вилоят ижроқўми биносини эгаллаб олган диний экстремистларнинг конституциявий тузумга қарши тажовузлари, 1991 йил октябрь ойида собиқ Марказ тайёрлаган ва тезлаган партия-совет номенклатураси томонидан ташкил қилинган Олий Совет VII сессиясида Президентни ағдаришга бўлган уринишлар, 1992 йилнинг 16 январида талабалар шаҳарчасида ўзимизнинг фарзандларимизни ёлғон даъват ва чақириқлар билан йўлдан оғдириб, уюштирилган

тартибсизликлар ва шунга ўхшаган хатти-ҳаракатлар, авваламбор, ўзбек халқининг ҳамжиҳатлигини бузиш, унинг эркинлик ва озодлик учун олиб бораётган курашига зарба бериш, томирига болта уришга қаратилганини бугун барчамиз яхши англаймиз».

Ана шундай бош-бошдоқликларга чек қўйишнинг, давлат мустақиллигини сақлаш ва мустаҳкамлашнинг бирдан-бир қонуний йўли янги Конституцияни қабул қилиш эди.

Шунингдек, янги Конституцияни ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисидаги гоё XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1990 йил 24 мартда бўлиб ўтган биринчи сессиясида илк бор тилга олинган эди. Ушбу сессияда собиқ иттифоқдош республикалар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда Президентлик лавозими таъсис этилди. Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланди. Собиқ иттифоқ ўз кучини йўқотмаган, комфирқа якка ҳокимлик пайтида, СССР Конституцияси империянинг мутлақ ягоналигини ҳимоя қилиб турган кунларда бу мамлакат раҳбари Ислоҳ Каримов бошчилигида мустақиллик йўлидаги қўрқмас дадил қадам эди. Ўзбекистон тарихида илк бор жорий этилган республика Президенти лавозими янги Ўзбекистон давлат ҳокимияти органлари тизимида марказий ўринни эгаллади. У сиёсий тизимнинг ўзаги бўлиб қолди. Сиёсий ҳаётнинг бу факти давлат ҳокимият ваколатларини янгича тақсимланишини тақозо этар эди. Шу муносабат билан ижроия бошқарув ҳокимияти тизими такомиллаштирила бошланди.

1990 йил 1 ноябрда «Ўзбекистон ССРда ижроия ва бошқарув ҳокимиятининг тузилишини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонун)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонунга мувофиқ, Президентлик ҳокимияти билан Республика Министрлар Совети қўшилиб, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига айлантирилди. Ижроия ҳокимият Президент қўлида бирлаштирилди. У ҳам ҳукумат раҳбари, ҳам давлат бошлиғи сифатида майдонга чиқди. Навбатдаги конституциявий-ислоҳий қадам вилоятлар, шаҳар ва туманларда давлат ҳокимиятининг вакиллик ҳамда ижроия идораларига раҳбарлик қилувчи ҳокимлик лавозимини таъсис этишдан иборат бўлди.

Ижтимоий-сиёсий тараққиётимизда ҳаётий эҳтиёж тарзида рўй бераётган реал ўзгаришлар, ўз навбатида, сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурни шакллантириб борди. Конституция лойиҳаси устида бевосита ишлашни фаоллаштиришга вазият етилгач, Конституциявий комиссия 1991 йил 12 апрелда И.А.Каримов раислигида ўзининг биринчи мажлисига тўпланди. Конституция лойиҳасини яратиш билан боғлиқ барча ташкилий ва ижодий жараённи мувофиқлаштириб бориш учун Конституциявий комиссия аъзолари ҳамда мутахассислар, олимлардан иборат 32 кишилик ишчи гуруҳи ташкил этилди. Унинг таркибига қонун чиқарувчи идоранинг бир неча қўмиталари раислари, вазирликлар, суд, прокуратура идораларининг раҳбарлари, Республика Президенти девони ва Олий Кенгаш идорасининг масъул ходимлари кирди. Шунингдек, Конституция лойиҳасининг мўлжалланаётган бўлимларини тайёрлаш учун 6 та кичик гуруҳлар ташкил этилди. Кичик гуруҳлар таркибига 50 нафар илмий ходим ва мутахассис жалб қилинди.

Конституциявий комиссия Раиси ишчи гуруҳ олди-га қуйидагича вазифа қўйди: конституциявий ривожланишнинг жаҳон тажрибаси ўрганиб чиқилсин, бошқа мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари борасида, демократия ва қонунчилик соҳасида қўлга киритган ютуқлари ҳисобга олинсин, кенг халқ оммаси дилига яқин ва тушунарли бўлган сиёсий-юридик ҳужжат яратилсин. Мазкур топшириққа мувофиқ, АҚШ, Франция, Канада, Германия, Швеция, Япония, Италия, Испания, Португалия, Греция, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Миср, Венгрия, Болгария, Литва давлатларининг конституциялари чуқур қиёсий ўрганилди. Шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи Россия Федерацияси, Беларусь, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркменистон республикаларининг конституциявий қонунчилик тажрибалари диққат билан кўриб чиқилди.

Юқорида келтирилган манбаларни таҳлил этиш асосида хорижий давлатлар Конституциялари мазмуни ва структурасини тавсифловчи каттагина ҳажмли қиёсий жадвал тайёрланди. Ушбу таҳлилий жадвал жаҳон конституцияшунослиги тажрибаси намуналари умумлашмаси сифатида Республикамиз Президенти томонидан катта қизиқиш билан ўрганиб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини яратиш салмоқли назарий, концептуал заминга

таянди. Республика Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг концепцияси, Сиёсатшунослик ва бошқарув институтининг концепцияси ва Президент девони юридик бўлими тайёрлаган концепциядан учинчи концепция асос учун танлаб олинди. У қолган икки концепциянинг диққатга сазовор ғоялари билан бойитилиб, умумлашган пухта ягона ғоявий асос шаклига келтирилди. Конституциявий комиссия ва унинг Раиси томонидан маъқулланган ана шу концепция асосида бўлажак Конституция лойиҳасини яратишга киришилди.

Лойиҳанинг дастлабки варианты 1991 йилнинг ноябригача тайёрлаб бўлинди. У Муқаддима, олти бўлимга тақсим қилинган 158 моддадан иборат эди. Ушбу лойиҳа юзага келаётган пайтда мамлакатимиз тарихида туб бурилиш юз берди. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси ўзининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги Конституциявий Қонунни ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгашнинг Баёотини қабул қилди. Бу билан республика парламенти мустақил Ўзбекистон Республикаси, суверен давлат қарор топганлигини бутун дунёга эълон этди. Қонунда халқ ҳокимиятчилиги, демократик давлатчилик, инсон ҳуқуқлари муқаддаслиги, қонун устуворлиги, ҳокимиятлар тақсимланиши, мамлакатнинг ҳудудий бутунлиги каби муҳим принциплар мустаҳкамланди. Ушбу илғор демократик ғоя ва принциплар Конституция лойиҳаси мазмунига ҳам сингдирилди. Шунга қарамасдан дастлабки лойиҳа ҳали мукамаллик даражасидан анча йироқ эди. Янада жиддийроқ ва талабчанлик билан ишлаш лозим эди.

1992 йил баҳорида лойиҳанинг 149 моддадан иборат иккинчи варианты ишлаб чиқилди. Республика Президенти — Конституциявий комиссия Раиси матнни яна синчиклаб кўриб чиқди. Ҳар сафар унинг нигоҳидан ўтгач, лойиҳа мукамаллашиб, аниқ, лўнда ва ифодали бўла борди. Учинчи вариант 137 моддани ташкил этди. Лойиҳани кенг халқ оммаси муҳокама этиш учун матбуотда эълон қилишдан олдин Конституциявий комиссия ва унинг Раиси яна бир бор ўрганиб чиқди. Лойиҳа энди 127 моддага келтирилди.

1992 йил 5 сентябрда Конституциявий комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Конституция лойиҳаси устида олиб борилган ишлар тўғрисидаги ахборот тингланди. Таъкидланишича, ишчи гуруҳ

Ўзбекистон халқ депутатлари, меҳнат жамоалари раҳбарлари, олимлар ва мутахассислар билан ҳамкорликда лойиҳанинг бешинчи кўринишини тайёрлади. Унда ўзбек халқининг тарихий, миллий ва маънавий хусусиятларини имкон қадар тўлароқ акс эттиришга ҳаракат қилинди. Қабул қилинган қарорда қуйидагилар белгиланди: «Конституция лойиҳасини узил-кесил ишлаб чиқиш учун гуруҳ (комиссия) тузилсин (унинг таркибига 25 киши кирди). Унинг зиммасига тубандаги вазифалар юклансин:

- ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш тажрибасини ҳар томонлама умумлаштириш ва уни Конституция лойиҳасида ҳисобга олиш;

- Ўзбекистоннинг демографик ва ижтимоий-сиёсий турмуш тарзи, унинг тараққиёти тажрибасини ҳамда депутатларнинг, турли ижтимоий гуруҳларнинг, миллий-маданий марказларнинг мулоҳазалари ва таклифларини умумлаштириш;

- Конституциявий комиссия аъзоларидан тушган таклифларни кўриб чиқиш ва лойиҳага тегишли ўзгаришлар киритиш».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси пухта ишловлардан сўнг Конституциявий комиссия қарори билан 1992 йил 26 сентябрда умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди.

Мустақил давлатимизнинг ҳар бир фуқароси, бутун халқ оммаси Конституция лойиҳасини улкан қизиқиш ва чексиз ифтихор туйғулари билан кутиб олди. Бу ўз-ўзидан тушунарли ҳолат. Зеро, давлатимизнинг келажиги, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради.

Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси ниҳоятда кенг кўламли бўлиб, юксак ижодий кўтаринкилик ва ишчанлик кайфиятида ўтди. Муҳокама том маънода кенг меҳнаткашлар оммасининг мислсиз донишмандлиги дорилфунуни бўлди. У жамиятимизда чинакам демократия қарор топишининг ёрқин намоёнидир. Ўз руҳи ва мазмуни жиҳатидан муҳокама давлат ва жамият ҳаётининг ўта муҳим масалалари бўйича бутун халқнинг умумий суҳбатига айланиб кетди. Лойиҳанинг қизгин ҳамда манфаатли муҳокамаси халқи-

мизнинг ўзи мустақил Ўзбекистон Асосий Қонуни-нинг бевосита ижодкори бўлганлигини кўрсатади.

Умумхалқ муҳокамаси сентябрь охиридан то декабрь ойининг бошларигача давом этди. Унда мамлакатнинг барча катта ёшдаги аҳолиси иштирок қилди. Матбуотда, радио ва телевидение орқали, корхона, муассаса ҳамда ташкилотлардаги йиғилишларда, талабалар аудиторияларида қизгин муҳокама, баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Лойиҳа Қорақалпоғистон Олий Кенгаши сессиясида, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги фаоллар йиғилишларида муҳокама этилди. Олий Кенгаш раёсати, вилоят ҳокимликлари таклиф ва мулоҳазаларни мунтазам равишда умумлаштириб, якуний жадваллар тузиб, уларни Конституциявий комиссияга йўллаб турдилар.

Шу даврда Ўзбекистон Республикаси давлат-ҳуқуқий тажрибасида муҳим бир янгилик бўлди. Унинг мазмуни шундаки, Конституциявий комиссия дастлаб белгиланган икки ярим ойлик муддат мобайнида (1992 йил 26 сентябрдан бошлаб) лойиҳа меҳнаткашлар таклифлари асосида қайта тузатилиб, 1992 йил 21 ноябрда муҳокамани давом эттириш учун яна иккинчи маротаба матбуотда эълон қилинди. Шундай қилиб, ҳуқуқий прецедент рўй берди — умумхалқ муҳокамаси икки босқичда амалга оширилди. Бу ҳол муҳокама иштирокчиларини фаоллаштирувчи қудратли туртки бўлди. Унинг мақсади фуқароларга уларнинг муҳокамадаги жонбозлиги маҳсули ва самараларини аниқ кўрсатишдан иборат эди.

Умумхалқ муҳокамаси давомида Конституция лойиҳаси юзасидан жами 6 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Конституциявий комиссияга мингдан зиёд хатлар тушди. Уларда лойиҳанинг ихчам, лўнда, чуқур маъноли ва барчага тушунарлилиги каби афзал хусусиятлари таъкидланган. Таклиф ва мулоҳазалар Конституция лойиҳасининг ҳамма моддаларига дахлдор бўлиб, матннинг деярли ярмига тузатишлар қилинди. Лойиҳадаги 127 модладан 60тасига тузатиш ва аниқликлар киритилди. Дастлабки вариантдан 4та модда чиқарилиб, матнга бир неча янги модда киритилди.

Таклиф ва мулоҳазаларнинг аксарияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, шахснинг дахлсизлиги, диннинг жамиятдаги ўрни ва роли, иқтисодий ҳуқуқлар, жумладан, мулк ҳуқуқи, бозор муносабатлари ва тад-

биркорликни ривожлантириш, ҳуқуқий тартибот ва қонунийликнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган моддалар, боблар ва бўлимларга тааллуқли бўлди.

Масалан, Конституция лойиҳасининг «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари», деган бўлими бўйича 1978 таклиф ва мулоҳаза тушди. Шулардан шахсий ҳуқуқлар ва эркинликлар, Сиёсий ҳуқуқлар, Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар, Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари, Фуқароларнинг бурчлари, деган VII—IX боблардаги 29 та модда юзасидан 1656 та таклиф ва мулоҳаза билдирилди. Булар ичида ўта қизғин муҳокама ва мунозарага сабаб бўлган ўн битта моддани (24, 25, 26, 28, 30, 32, 35, 36, 40, 47, 49), яъни, инсоннинг яшаш ҳуқуқи, фуқаронинг айбсизлик презумпцияси, шахс дахлсизлиги, фикр, сўз ва эътиқод эркинлиги, ҳар кимнинг исталган ахборотни олиши ва уни тарқатиш ҳуқуқи, дин эркинлиги ва диний ташкилотларнинг сиёсий мақоми, фуқароларнинг митинглар, йиғилишларда ва намойишлар шаклида фаоллик кўрсатиш ҳуқуқи; мулкдор бўлиш ва мулкни мерос қолдириш ҳуқуқи, меҳнат қилиш ва ишсизликдан муҳофаза этилиш ҳуқуқи, билим олиш ҳуқуқи; фуқароларнинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбурияти, Ватанни ҳимоя қилиш ва ҳарбий хизматни ўташ мажбурияти каби масалаларни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим.

Мазкур долзарб масалалар бўйича тушган таклифлар сони 1050 та бўлиб, улар Конституциявий комиссия номига келган таклифларнинг салкам 20%ни ташкил этди. Бу рақам VII—XI боблардаги моддаларга оид таклифлар миқдорига нисбатан эса 63,5%ни ташкил қилади.

Рақамлар ортида маъно ва мазмун борлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Масалан, 25-моддада 165 та таклифдан 22 таси, 28-моддада 105 таклифдан 16таси, 40-моддада 140 таклифдан 13таси инobatга олиниб, тегишли қоидалар мазмуни мукамаллаштирилди, уларнинг таҳрири тиниқлаштирилди.

Шундай қилиб, Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси Ўзбекистон халқининг иродасини бевосита аниқлаш, шунингдек, муҳокама давомида тўпланган бой материални ҳар томонлама ва чуқур ўрганиб, умумлаштириб, уни мужассам давлат иродаси тар-

зида Асосий Қонунда ифодалаш имконини берди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов ҳақли равишда Конституцияни «**халқчил қомус**» деб атади. «Унинг лойиҳаси устида, — деди у, — тахминан икки йил давомида ишладик. У икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтди, халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилди, сайқал топди».

Конституция халқимизнинг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсули бўлди.

Умумхалқ муҳокамаси давом этаётган даврда ҳам Конституциявий комиссия Раиси лойиҳани такомиллаштиришга катта эътибор қаратди. Фуқаролардан ва меҳнат жамоаларидан тушаётган таклиф-мулоҳазалар ҳафта сайин жамланиб, Раис эътиборига ҳавола этиб турилди. Республика Президенти И.А.Каримов Конституция лойиҳаси устида ишлар экан, Ватан учун юксак масъулиятни ҳис этиб турди, ҳар бир конституциявий норма ортида миллионлаб инсонларнинг тақдири турганлигини англаб етарди. Президент ишлаган лойиҳалар нусхасида, юқорида таъкидлаганларга қўшимча сифатида унинг дастхати билан қилинган қуйидаги тузатишлар ва қўшимчалар гувоҳи бўламиз. Лойиҳанинг 1-моддасида *«Ўзбекистон — демократик республика»*, деб ёзилган эди. Президент бунга аниқлик киритиб, *«суверен»* сўзини қўшиб қўйган. *Натижада бу модда шундай бўлди: «Ўзбекистон — суверен демократик республика».*

Маълумки, суверенитет ҳар қандай давлатнинг муҳим белгисидир. Конституцияда бу жиҳатга урғу берилиши Ўзбекистон учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки Ўзбекистон энди илгаридек иттифоқ давлатининг таркибида эмас. Иккинчи тарафдан, унинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига қўшилганлиги мустақилликни ва давлат суверенитетини йўқотди, деган маънони аңлатмайди.

Дастлаб лойиҳанинг 7-моддаси 2-қисми мана бундай таҳрирда эди: *«Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти Конституция ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади».* Президент ниҳоятда муҳим тузатиш киритди. Яъни, республикада давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилади. Бу билан Конституциянинг халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир (7-модда, 1-қисм), деган қоидаси билан юқорида келтирилган қоидаси ўртасида мантиқий боғлиқлик кучайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси (1992 йил 8 декабрь) фаол ва манфаатли муҳокамадан сўнг 128 моддадан иборат Ўзбекистон Республикаси Конституциясини — Асосий Қонунни қабул қилди. Сессияда депутатлар лойиҳага 80га яқин ўзгариш, қўшимча ва аниқликлар киритдилар. Жумладан, Конституциявий, Олий ва Олий ҳўжалик судларининг ваколат муддати ўн йилдан беш йилгача тушурилди. Олий Кенгаш 84-моддани қуйидаги янги қисм билан тўлдирди: «Олий Мажлис Раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили ҳисобот бериб турадилар». 78-модданинг 8-бандига эса шундай жумла қўшилди: «Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш» ва ҳ.к.

Лойиҳанинг 42-моддаси тубандагича эди: «Давлат жамиятнинг илмий, техникавий ва маънавий ривожланиши тўғрисида ғамхўрлик қилади, Ватанимиз ва жаҳон илмий ва маданий бойликлари ютуқларидан баҳраманд бўлишини кафолатлайди». Депутатлар бу моддани янги таҳрирда қабул қилдилар: «Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади».

Лойиҳанинг 55-моддаси (Конституциянинг ҳозирги 56-моддаси) муҳокамаси натижасида жамоат бирлашмалари қаторига «Фахрийлар ташкилоти» ҳам қўшилади.

Албатта, депутатлар таклифларининг рад этилганлари, лойиҳага қўшилмаганлари ҳам бўлди. Масалан, баъзи депутатлар лойиҳанинг 58-моддасида касаба уюшмаларига аъзолик мажбурий равишда бўлиши ҳақидаги қоида мустаҳкамлансин, деган таклифни илгари сурдилар. Ушбу фикр ҳам қўллаб-қувватланмади, чунки у жамоат бирлашмаларининг ихтиёрлик асосида тузилиши принципига зид эди. Шунингдек, 118-модданинг 3-қисмида «*вилоят, шаҳар ва туман прокурорлари тегишли маъмурий-ҳудудий бирликнинг ҳокими билан келишилган ҳолда тайинланадилар*», деган қоида ёзилиши таклиф этилди. Бу таклифга Олий Кенгаш депутатларининг кўпчилиги қўшилмади. Сабаби — амалдаги қонунчилик ва тажрибага мувофиқ,

прокуратура органлари яккабошчилик принципи асосида тузилади ва фаолият юритади. Шу боис барча бўғиндаги прокурорлар Республика Бош прокурори томонидан вазифага тайинландилар. Бундан ташқари прокуратура органлари худди судлар сингари маҳаллий ҳокимият органлари таъсири остида бўлиши мумкин эмас. Боз устига, прокуратура тегишли ҳудуддаги ҳокимлар фаолиятининг қонунийлиги устидан назоратни амалга оширади.

Депутатларнинг бир қатор таклиф ва мулоҳазалари Конституция лойиҳасининг таҳририни, услубий равлонлигини баркамоллаштиришга кўмак беради.

Шундай қилиб, суверен демократик Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси қабул қилинди. Асосий Қонун мустақиллигимизнинг меваси, маҳсули сифатида яратилди ва ҳурлигимиз, озод-эркинлигимиз мадҳияси сифатида яшамокда. Конституция келажаги буюк Ўзбекистоннинг қад ростлаши учун, адолатли инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш учун мустақкам ҳуқуқий пойдевор бўлди. У ҳақ ҳуқуқларимиз тизимининг мустақкам асосидир. У халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Унда халқнинг мақсади, иродаси, давлатнинг қиёфаси, унинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тизимининг демократик табиати, умминсоний қадриятларга нақадар содиқлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари қай даражада юридик жиҳатдан ҳимояланганлиги акс эттирилган.

Конституциянинг ўзига хос хусусияти, **биринчидан**, унинг жаҳон ҳамжамиятининг инсон ҳуқуқлари борасидаги демократик ютуқларга таянишида намоён бўлди. Бу Конституция 1948 йил 10 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси»даги барча муҳим қоидаларни, инсоннинг яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи қоидаларини қамраб олган. Зотан, *Йўлбошчимиз таъкидлаганларидек, «бу ҳужжат энг илғор ғояларни ўзида жо этганини, унинг энг демократик анъаналар асосида яратилганини эндиликда бутун прогрессив халқаро жамоатчилик, турли даражадаги экспертлар тан олмоқдалар».*

Тоталитар тузумдаги давлатга қарамлик ва сиғиниш ҳолатида яшаш, мамлакат барча бойликлари, мулкнинг эгаси давлат, деб ҳисоблаш ақидасига қарама-

қарши ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига «Давлат, унинг идоралари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар», деган янгича қоида киритилди. Инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, уларнинг таъминланиши давлат томонидан кафолатланади.

Иккинчидан, Конституция иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий фикрлар хилма-хиллиги — плюрализмни, кўппартияликни мустаҳкамлаб, тегишли ҳуқуқий нормалар ёрдамида давлат қурилишининг демократик таъминларини ҳамоя қилишни таъминлашга, жамиятда бошбошдоқлик келиб чиқишига йўл қўймасликка, фуқаролар тинчлиги, сиёсий барқарорлиги, миллатлараро иноқлик, тотувликни сақлаб қолишга хизмат қилади.

Конституция фуқароларга жамоат бирлашмалари ва ҳаракатлари тузиш ҳуқуқини берар экан, жамиятга нифоқ солиш, миллатлараро низоларни авж олдиришга, уруш ва зўравонликни тарғиб этишга қаратилган ғайридемократик, ғайриинсоний хатти-ҳаракатларга қарши чиқади.

Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган демократик тартиботлар умумбашарий қадриятларни рўёбга чиқариш учун кўмаклашишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга, жамиятга, давлатга, фуқароларга зиён етказилишига йўл қўймасликка қаратилгандир.

Учинчидан, Конституция ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантиришга жиддий ҳуқуқий таъсир кўрсатади. Мулкчиликнинг ҳамма шакллари, жумладан, хусусий мулкчилик ҳам тенг ҳуқуқли ва бир хил ҳуқуқий ҳимоядан фойдаланади.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида биринчи марта қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатлари аниқ фарқланиб, пухта белгиланиб берилди. Бу ҳол келгусида бутун давлат ҳокимияти идораси битта орган ёки битта шахс қўлида жамланаб қолишига йўл қўймайди.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси МДХ таркибига кирган мамлакатларнинг Конституциявий қонунчилиги тарихида биринчи бўлиб, Конституция доирасида Қорақалпоғистон Республикаси билан шартномали муносабатларни мустаҳкамлаб қўйди.

Олтинчидан, Конституция ўзбек давлатчилигининг миллий хусусиятларини кенг ва асосли йўсинда акс эттирди. Бу ҳол ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигида ҳам, қолаверса, маъмурий-ҳуқуқий бирликларнинг атамалари (Олий Мажлис, ҳокимлар, оқсоқоллар), вилоят, туман, қишлоқ ва овуллар номларида ҳам ўз ифодасини топди.

Еттинчидан, Конституция таърифларининг ғоят лўндалиги, таҳлилий-концептуал маънодорлиги ва ифодаларининг аниқлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси «Инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва қонунийликни ҳурматлаш, халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган қоидаларини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий жамият барпо этиш ва ниҳоят, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни кафолатлаш каби олижаноб мақсадларни кўзлади», — деб ёзган эди И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» асариди.

Ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессияси 1992 йил 8 декабрда қабул қилган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси катта сиёсий, ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга молик ҳужжат иқтисодиётда, ижтимоий-сиёсий муносабатлар ва маънавий ҳаётда туб демократик ислоҳотлар ўтказиш учун қонуний-ҳуқуқий пойдевор яратди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун — 8 декабрь умумхалқ байрами ва дам олиш куни, деб расман эълон қилинди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Асосий Қонуни-мизнинг яратилиш жараёни Ислом Каримов сиёсий-ҳуқуқий таълимотининг тўлиқ, теран шаклланишида ўзига хос тажриба «майдони» вазифасини ўтади. Йўл-бошчимизнинг эпохал Шахс, тафаккур титани сифатида намоён бўлишида ва тан олинишида асос бўлди. Конституциямиз миллий Тикланиш жараёнларининг мураккаб туб ислоҳий-тадрижий босқичларининг яхлит ҳуқуқий ақоидига айланганини ўн икки йиллик ривожланиш йўли тасдиқлаб турибди.

Конституциянинг қабул қилиниши сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларининг **учинчи босқичи** сифатида тарихда қолди.

Ўзбекистон ўз миллий истиқлол тараққиётининг, давлатчилик ривожининг жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш, демократик туб ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш билан боғлиқ ҳозирги янги сифат босқичида конституциявий-ҳуқуқий ислоҳотларни янада чуқур демократлаштиришдек табиий эҳтиёжини қондиришга киришди. Жараённинг илмий-назарий яхлит асосланган амалий ижроси босқичи бошланди. Босқич сиёсий ҳаётни эркинлаштириш, давлат ва жамият қурилиши жараёнларни эркинлаштириш, адолатли, очиқ фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантириш мақсад-вазифаларидек, Ислом Каримов сиёсий таълимотининг устувор йўналишлар билан боғлиқ ғоялари маҳсули сифатида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари тизимини, уларнинг мақомини такомиллаштириш амалиётидан, умумхалқ Референдумидан бошланди.

2002 йил 27 январда ўтган Референдумда доимий ишлайдиган икки палатали профессионал парламент барпо этиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш масалалари халқ томонидан қўллаб-қувватланди.

Энди эътиборни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясида бевосита Ислом Каримов ташаббуси, раҳбарлигида, аниқроғи, ҳаммуаллифлигида тайёрланган ва 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий Қонунга қаратсак.

10 моддадан иборат ихчам мундарижага, концептуал теран демократик мазмунга эга Конституциявий Қонун конституциявий-ҳуқуқий ялпи ислоҳотларнинг навбатдаги тўртинчи босқичини бошлаб берди. Лойиҳа матни шахсан Президент томонидан бир неча бор қайта-қайта ишланди, қонун мақоми билан боғлиқ асосий вазифалари қуйидагича белгиланди:

«Ушбу Қонун «Ўзбекистон Референдуми тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳолда, 2002 йил 27 январь куни ўтказилган ҳамда икки палатали парламент тузиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш тўғрисидаги икки муҳим масала

бўйича қарор қабул қилган, шунингдек, демократик ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш йўлини тасдиқлаган умумхалқ овоз бериши натижаларидан келиб чиқадиган асосий янги қоидаларни ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритиладиган ўзгаришларни белгилайди.

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш учун асос ҳисобланади».

Қонунда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг **бешта асосий принципи** куйидагича белгиланди:

а) қонун устуворлигини, ҳокимият қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд тармоқлари ўртасида мувозанатни, улардан ҳар бирининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш;

б) халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари асосида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини таъминлаш;

в) сиёсий ҳаётнинг, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини изчил эркинлаштириш;

г) нодавлат, нотижорат, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа демократик институтлари янада мустаҳкамланиши ҳамда ривожлантирилиши учун кафолат ва шароитларни таъминлаш;

д) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва давлат ҳокимияти марказий органларининг ваколатларини жойлардаги бошқарув органларига босқичма-босқич ўтказиш, ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан, мудофаа ва хавфсизликни таъминловчи тузилмалар фаолияти устидан жамоат назорати механизмини шакллантириш ва кучайтириш.

Референдум натижаларини амалда жорий этишнинг бош юридик ҳужжати бўлган Конституциявий Қонун, шунингдек, давлат бошқаруви масаласида, қонунчилик ҳокимияти бўлмиш Олий Мажлис таркибини ўзгартириш, яъни куйи палата — Қонунчилик палатаси ва Сенат, деб аталадиган юқори палатани ташкил қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йил қилиб ўзгартириш ҳамда мана шу ислоҳотлар билан боғлиқ бўлган кўпгина муҳим масалаларни ўз ичига олган.

Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясидаги «Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди» мавзuidaги маърузаси Референдум яқунлари юзасидан қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари билан боғлиқ янги сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар квинтэссенциясидан иборат бўлиб, у Конституциявий Қонуннинг илмий-назарий ва амалий-профессионал шарҳи сифатида Конституциявий ислохотнинг навбатдаги бешинчи босқичига ҳуқуқий замин яратди.

Бешинчи босқич мазкур қонунга асосан бевосита амалдаги Конституцияга, қабул қилинган қонунларга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, қабул қилиниши муқаррар қонунлар лойиҳаларини янги конституциявий талаб ҳамда нормалар, принциплар негизда пишиқ, мукамал тайёрлаш имкони-ҳуқуқини беради. Зотан, Конституциявий Қонун ўз мақоми нуқтаи назаридан Конституцияга тенгдир.

Мана, ўн икки йилдирки, Ўзбекистон ўз Конституцияси талаблари асосида буюқ келажак сари бормоқда. Лекин ҳаёт давом этмоқда. Ўтиш босқичининг тадрижий жараёнлари шиддат билан такомиллашиб бормоқда. Давлат ва жамият ҳаёти туб янгиланишлар ўлароқ, борган сайин янги-янги ташкилий — ислоҳий ўзгаришларга эҳтиёж сезмоқда. Айниқса, давлат қурилиши, тизими ва мақомида, яъни сиёсий ҳаётда демократик ислоҳий такомиллашув табиий заруратга айланмоқда. Давлат қурилишида, хусусан, ҳокимият тизимида ташкилий такомилликка эҳтиёж конституциявий — ҳуқуқий асос — таянччи тақозо этди. Бу эса, аввало, амалдаги Асосий Қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни талаб қиларди.

Маълумки, бу ўзгаришлар келгуси чақириқда Ўзбекистон Республикасининг икки палатали парламенти-ни сайлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш тўғрисидаги масалалар юзасидан 2002 йил 27 январь куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг қарорлари билан боғлиқ.

Референдум қарорларига мувофиқ «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қо-

нунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонунлар қабул қилинган бўлиб, уларда бўлғуси миллий парламентнинг икки палатасини тузиш тартиби, палаталар ваколатлари, палаталар қўмиталари ва комиссияларининг ташкилий тузилиши, қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш жараёнлари, янги Олий Мажлиснинг фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар аниқ белгилаб қўйилди. Ушбу нормалар Асосий Қонунга киритилажак ўзгартишлар ва қўшимчалар тайёрлашга юридик асос бўлди. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун ушбу асос самарасидир. Қонунда ифодасини топган ўзгартишлар ва қўшимчалар, асосан, миллий давлат ҳокимияти олий органлари фаолиятини тартибга соладиган нормаларга дахлдордир.

Асосий Қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш дунё қонунчилиги тажрибасида мавжуд ҳодиса. Бир сифатдан ижтимоий тараққиётнинг бошқа янги сифатига ўтиш босқичини кечинаётган ёш демократик давлатлар тажрибаси фикримиз исботи. Ана шундай такомиллик неъматидан Ўзбекистон ҳам бебаҳра эмас. Боз устига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси буни олдиндан расман белгилаб ҳам қўйган. Жумладан, Конституциямизнинг олтинчи бўлимида «Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби» аниқ белгилаб берилган (127- ва 128-моддалар). Унга кўра, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси жами депутатларининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонунлар билан киритилиши» (127-модда) кўзда тутилган.

Конституциянинг сўнги 128-моддасида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли таклиф киритилгандан кейин олти ой мобайнида Конституцияга ўзгартиришлар ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисида кенг ва ҳар томонлама муҳокамани ҳисобга олган ҳолда қонун қабул қилиши мумкин. Агар Олий Мажлис Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклифни рад этса, таклиф бир йил ўтгандан кейингина қайта киритилиши мумкин», деб қайд этилган.

Ана шу конституциявий норма ва талабларга, шунингдек, юқорида қайд этилган Конституциявий Қо-

нунларга қатъий риоя қилингани ўлароқ, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси моддалари нормаларига киритилган ўзгартишлар, асосан, унинг бешинчи бўлими XVIII — XX, XXIII бобларига тааллуқли.

Ўзгартишлар ва қўшимчалар мазмунан олти йўналишга, яъни Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Президенти, ижро этувчи ҳокимият (Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари), суд ҳокимияти мақомлари, шунингдек, сайлов тизими ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш киритиш тартиби билан боғлиқ 32 моддага бевосита дахлдор.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мақоми ва таркиби билан боғлиқ ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар Конституция XVIII бобининг ўн тўртта моддалари (76—88— ва 93-моддалар)га киритилган. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга кўра, улар Конституциянинг ўн уч моддаси (76—88-моддалар)да ифодасини топди.

Жумладан, 76-модда таркиби Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенат (юқори палата) ҳамда уларнинг ваколат муддатлари билан тўлдирилди. 77-моддада палаталар мақомлари, таркиблари, сайланадиган депутатлар олдига қўйиладиган шартлар белгилаб берилади. Айнан бир шахс бир пайтнинг ўзида Қонунчилик палатасининг депутати ва Сенат аъзоси бўлиши мумкин эмаслиги қайд этилди.

78-моддада Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари 21 бандда (амалдаги Конституциянинг 78-моддаси 24 банддан иборат эди) ифодасини топди.

79-моддада амалдаги Конституциядан фарқли ўлароқ, Қонунчилик палатасининг 4 банддан иборат мутлақ ваколатлари белгилаб берилди. Улар — Спикер ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ҳамда уларнинг ўринбосарларини сайлаш; Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан

махрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш; ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш; сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек, давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш.

Амалдаги Конституциядан фарқли ўлароқ, 80-моддада Сенатнинг 14 банддан иборат мутлақ ваколатлари қайд этилган. Ваколатлар сирасига Сенат Раиси ва унинг ўринбосарларини, қўмиталар раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш; Президент тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини, Олий судини, Олий ҳўжалик судини сайлаш, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш; Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги Президент фармонларини тасдиқлаш; давлат бошлиғи тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакиллари тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш; Президент тақдимига мувофиқ амнистия ҳужжатларини қабул қилиш; Бош прокурор тақдимига кўра Олий Мажлис Сенати аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш; Бош прокурорнинг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Марказий банк бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш; ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш; сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек, давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш киради.

Амалдаги Асосий Қонуннинг 17-банди асл ҳолича қолди. Фақат ваколат Сенат тасарруфига берилди.

Конституциянинг 81-моддаси жиддий таҳрирга учради. Унда, жумладан, палаталар фаолиятлари муддати ва биринчи мажлислари тартиби, Қонунчилик палатаси сессиялари, Сенат мажлислари даври ҳамда муддатлари, ваколатлари, Конституциявий Қонунларнинг қабул қилиниш тартиблари аниқ белгиланди. Шунингдек, палаталар ишида Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раисининг иштирок этишлари юридик асослаб берилди. Иккала палата алоҳида-ало-

ҳида мажлислар ўтказишади. Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда, давлат бошлиғи мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлатлар раҳбарлари нутқ сўзлаганда иккала палата қўшма мажлислар ўтказишади. Қўшма мажлислар, айти пайтда, ўзаро келишувга кўра, бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин.

82-модда палаталар ваколатлари ва қарорларининг қабул қилиниши шартлари, 83-модда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг ваколатлари билан тўлдирилди.

84-модда тубдан ўзгарди. Амалдаги Конституциянинг ушбу моддасида аксини топган қоида ва нормалар 85-моддага ислоҳ ҳолида ўтди. 84-моддага киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мазмунан қонунлар қабул қилиш процедуралари билан боғлиқ. Унга кўра, қонунлар, асосан, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, ўн кун ичида Сенатга юборилади. Сенат маъқуллаган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ўн кун ичида юборилади. Президент уни ўттиз кун ичида имзолагач, эълон қилинади.

Сенат томонидан рад этилган қонун яна Қонунчилик палатасига қайтарилади. Агар рад этилган қонунни Қонунчилик палатаси қайта кўриб чиққанда депутатлар умумий сонининг учдан икки қисми кўпчилик овоз билан яна маъқулласа, у Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига имзолаш ва эълон қилиш учун юборилади.

Сенат рад этган қонун юзасидан иккала палата юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун депутатлар ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин. Палаталар келишув комиссияси таклифларини қабул қилганда қонун одатдаги тартибда кўриб чиқиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунни ўз эътирозлари билан Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли.

Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳрирда тегишинча Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овоз билан маъқулланса, қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томо-

нидан ўн тўрт кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак.

85-модда мундарижаси амалдаги Конституциянинг 84— ва 85-моддаларига киритилган ўзгартиришлар билан бойитилган. Унда Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини сайлаш тартиби, ваколат муддати, Спикер вазифалари кўламлири аниқ белгилаб берилган.

86-моддада Сенат Раиси (Сенат Раиси номзодини Президент тақдим этади) ва унинг ўринбосарларини сайлаш процедураси, Сенат таркиби, Сенат Раисини лавозимдан муддатдан илгари чақириб олиш тартиби ва унинг ваколат вазифалари доиралари қайд этилган.

87-моддада Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг иш фаолиятларининг ташкилий тузилмалари (кўмиталарни сайлаш, комиссиялар тузиш ва ҳ.к.), депутатлик ёки сенаторлик фаолияти билан боғлиқ харажатлар тартиби, депутатлар ҳамда сенаторларнинг дахлсизлиги, ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмаслиги айтилган.

Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг ташкил этилиши, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мақоми ҳамда ваколатлари доирасини аниқ белгилашни тақозо этади. Шу жиҳатдан қонунда амалдаги Конституциянинг 89-, 90-, 93, 95-97-моддаларига киритилган ўзгартиришлар мантиқан тўғри ҳисобланади.

Асосий Қонуннинг 89-моддасида «*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир*», деган таъриф асл ҳолича қолдирилди. Фақат амалдаги Конституциянинг шу моддасида қайд этилган «*Ўзбекистон Республикаси Президенти айна вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади*», деган хат боши олиб ташланди.

Асосий Қонун 93-моддасининг 6-, 7-, 9—15, 17-моддалари қисман тўлдирилди, янги 23-, 24-, 25- бандлар қўшилди (амалдаги Конституциянинг 93-моддаси 21 банддан иборат эди). Аслида 7-, 9-, 24-бандлар тўлиқ ҳолда қўшилди. Уларда, асосан, Президентга дахлдор конституциявий ваколатларнинг бир қисми Олий Мажлис палаталари, жумладан, Сенат ихтиёрига ўтказилган. Президент Сенат раиси лавозимига сайлаш учун номзодни Сенатга, Бош вазир номзодини кўриб чиқиш учун Олий Мажлис палаталарига тақдим этади.

Модданинг олдинги матнида Президент қонунларни имзолаши, амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни ўзи қабул қилиб, ўзи фуқароларни авф этиши кўрсатилган эди. Энди Президент қонунни эълон ҳам қилади, амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимнома киритади.

Модданинг 24-банди янги. Унга кўра, «*Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматини тузади. Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, кейинчалик шу масалаларга доир фармонларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади.*

93-модданинг 21-бандига «*ушбу Конституция ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади, деган қўшимча киритилди.*

95-моддада палаталар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг нормал фолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида палаталар тарқатилиб юборилиши қайд этилган.

Амалдаги Конституциянинг 97-моддасида «ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Конституциявий суд аъзоси лавозимини эгаллайди», деб ёзилган эди. Энди Президент «Умрбод Сенат аъзоси лавозимини эгаллайди».

Ижро этувчи ҳокимият мақомлари ва ваколатлари билан боғлиқ ўзгаришлар кўлами кенг. Ташкилий — таркибий мақомлардан ваколат доиралари-ю функционал вазифаларгача бўлган ўзгаришлар Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти институтларининг серкўлам фаолияти билан боғлиқ. Зотан, ўтиш босқичидек мураккаб демократик жараёнларни кечинаётган давлат учун ижро этувчи ҳокимиятнинг фаолият кўлами конституциявий янада аниқ бўлиши шарт. Ана шу табиий талаб ўлароқ, амалдаги Конституциянинг 98-, 99-, 101—103-моддаларига киритилган ўзгаришлар диққатга сазовор.

Жумладан, 98-моддада Вазирлар Маҳкамасининг конституциявий мақом ва функциялари, таркибий тuzилиши тартиблари аниқлаштирилган. Ҳукумат таркиби Президент томонидан шакллантирилади. Бош вазир

номзоди Президент тақдимига биноан Олий Мажлис палаталари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамаси аъзолари Бош вазир тақдимига биноан Президент томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамаси ўз конституциявий мақоми доирасида барча ташкилотлару фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Киритилган ўзгартишда Бош вазир мақоми ва вазифалари аниқ белгилаб берилган. Мамлакат Президенти Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида раислик қилишга, ҳукумат ваколатига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга ва зарур бўлганда, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ҳамда фармойишларини бекор қилишга ҳақли.

Ҳукумат ўз фаолиятида Президент ва Олий Мажлис олдида жавобгардир.

101-модданинг янги таҳририга биноан маҳаллий ҳокимият органлари мақоми ва вазифалари янада конкретлаштирилган. Жумладан, улар қонунларни, Президент фармонларини, юқори органлар қарорларини амалга оширадilar, Республика ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар.

Суд ҳокимиятининг мустақиллигини тўлиқ таъминлаш ҳуқуқий давлатнинг қатъий талаби. Бу аслида амалдаги Асосий Қонунда ялпи ифодасини топган. Лекин кейинги пайтда Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига улар фаолиятини эркинлаштириш билан боғлиқ киритилган ўзгартишлар ва суд тизимидаги таркибий янгиланишлар ўз конституциявий ифодасини тониши муқаррар эди.

112-модда *«Судьялар сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати бўлиши мумкин эмас»*, деган талаб билан тўлдирилди.

Асосий Қонунга киритилган навбатдаги ўзгартишлар туркуми **сайлов тизими** билан боғлиқ. Икки палатали парламентни ташкил этиш, шубҳасиз, сайлов тизимини такомиллаштиришни талаб қилади. Дарҳақиқат, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонунларда қайд этилган Олий Мажлис депутатлари ҳамда сенаторларини сайлаш тартиби «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сай-

лов тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқишни табиий тақозо этди. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида янги таҳрирдаги ушбу қонун қабул қилинди. Қонунда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари, сайлов округлари, сайлов участкалари, округ ва участка сайлов комиссияларини тузиш, уларнинг ишини ташкил этиш тартиби ҳамда муддатлари сақлаб қолинди.

Шунингдек, қонунда Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш, уларни рўйхатга олиш, сайловолди ташвиқоти ўтказиш, овоз бериш ва сайлов натижаларини аниқлаш, такрорий овоз бериш ҳамда такрорий сайлов ўтказиш, Қонунчилик палатаси депутатларини рўйхатга олиш, сайлов натижаларини эълон қилиш тартиби ва бир қанча нормалар белгиланган. Қонунчилик палатасининг депутатлари кўппартиявийлик негизида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар. Шу муносабат билан депутатликка номзодларни кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, шунингдек, бевосита фуқаролар эгадирлар. Сайловолди ташвиқотни ўтказишда сиёсий партиялар билан бир қаторда сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари ҳамда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, сайловчиларнинг йиғилишларини ўтказиш чоғида барча депутатликка номзодлар учун тенг шарт-шароитларга риоя этилиши талаби киритилган. Маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат ташкилотларининг, шунингдек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг сайловолди компаниясини ўтказиш давридаги мажбуриятлари аниқлаштирилган.

Қонунда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлисларида Сенат аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги Низом Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилади ҳамда тасдиқланади. Овоз бериш натижаларига кўра, бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган, давлат ҳокимияти вакиллик органлари мажлисида ҳозир бўлган депутатларнинг 50 фоиздан ортиғи овоз берган Сенат аъзолигига номзодлар сайланган, деб ҳисобланади.

Сайлов тизими билан боғлиқ ўзгартишлар, жумладан, мазкур қонун талабларидан ҳам келиб чиққан ва

улар амалдаги Конституциянинг XXIII бобида аксини топган.

117-модда. «*Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига ҳамда ҳокимиятнинг вакиллик органлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг ваколат муддати тугайдиган йилда — декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади*», деган аниқланма билан тўлдирилди.

Нихоят, 127-моддада Конституцияга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун ёки Ўзбекистон Республикасининг референдуми билан киритилиши махсус қайд этилди.

Амалдаги Асосий Қонунга киритилган бу ўзгартиш ва қўшимчалар, шубҳасиз, мамлакатда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга, хусусан, ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш орқали адолатли очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришга, барқарорлик, тинчлик, тараққиёт, халқ фаровонлиги, осойишталиги йўлидаги миллий тадрижий камолотга, давлат ҳокимияти органлари таркиби ва фаолиятини такомиллаштиришга, жамиятда Конституция ҳамда қонун устуңлигини тўлиқ таъминлашга, демак, конституциявий давлатчилик пойдеворини мустаҳкамлаб, Ўзбекистонда конституционализмнинг тантанасига хизмат қилиши муқаррар.

Ү б о б

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ» ВА ЭРКИНЛАШТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Самарали, илғор ўзгаришлару янгиланишларга очиқ фуқаролик жамияти шаклланишининг энг муҳим омили бу — ижтимоий ва сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнидир.

XXI аср давлатлар ва халқлар ҳаётига дахлдор жуда кўплаб ўзгаришлар олиб келди. Шу нуқтаи назардан республикамиз олдида, нафақат, белгиланган ялпи ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, айни пайтда, жаҳон иқтисодий тараққиётининг янги шарт-шароитларига мослашиш, улардан халқ фаровонлиги йўлида оқилона фойдаланиш вазифаси турибди.

Ислоҳотларнинг ўзбек модели ҳали тўлиқ фойдаланилмаган жуда катта имкониятларга эга. Ана шу имкониятларни тўла амалга ошириш ўлароқ, Ўзбекистон XXI аср жаҳон ҳамжамияти меҳваридида хосу мос қонуний ўрнини топиши муқаррар. Албатта, бунинг учун бутун халқ якдилу яктан бўлиб, тинимсиз самарали меҳнат қилиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг XIV сессиясида сўзлаган «Ўзбекистон XXI асрга интиломқда» дастурий нутқида Ўзбекистонда XXI аср бўсағасида ва янги юз йилликнинг дастлабки йилларида ислоҳотларни амалга оширишнинг қуйидаги олти устивор стратегик йўналишини белгилаб берди.

1. Сиёсий ва иқтисодий соҳаларни, давлат ва жамият қурилиши жараёнларини эркинлаштириш.
2. Жамият маънавиятини янада юксалтириш.
3. Жамиятимиз, халқимизнинг келажагини белгилаб берувчи кадрлар сиёсати.
4. Халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини янада кучли ижтимоий қилиш.
5. Ишлаб чиқариш тармоқлари ва корхоналарни тех-

никавий жиҳозлаш ҳамда модернизация қилишга қаратилган иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар.

6. Жамиятда барқарорлик, тинчлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлаш.

Айни пайтда, И.А.Каримов **тўртта муҳим саволни қайд этиб**, уларга яқин вақт ичида аниқ жавоблар топиш зарурлигини таъкидлади:

Биринчидан, биз келгуси асрга ўзимиз билан нималарни олиб ўтишимиз мумкин ва зарур?

Иккинчидан, нималардан биз воз кечишимиз даркор?

Учинчидан, ўз ҳаётимизни қандай йўллар билан яхшиламоқчимиз?

Тўртинчидан, янги минг йилликда қандай муаммоларнинг ечими бизнинг диққат — эътиборимиз марказида турмоғи лозим?

Юртбошимиз сиёсий фалсафасининг навбатдаги кашфиёти бўлмиш устивор йўналишлар муштарақликда ушбу саволларга жавоблар топиш имконини бериш бараварида Ўзбекистонда фуқаролик жамият асосларини шакллантириш имкониятларини кенгайтирди.

Барча устувор йўналишларни ўзида уйғун тажассум этган, юқоридаги саволларга аниқ амалий жавоблар излаб топишга йўналтирилган туб янгиланишларнинг калити бўлиб, шубҳасиз, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришдек олий мақсад хизмат қилади.

Шундай қилиб, ичдан, ботинан ривожланиш тамойили давлат бошқаруви билан уйғун ҳолда Ўзбекистонни ўз стратегик мақсади сари дадил ва ишонч-ла, олға интилишининг бош мезонига айланди.

Ушбу мезон, шубҳасиз иқтисодиёт эркинлиги билан боғлиқ.

Маълумки, фирма ва корхоналар ўз фаолиятларида ёлғиз хўжалик жабҳаси билангина чегараланиб қолишмайди. Чет эл иқтисодиёт ва ижтимоий назариясида фирмалар жамият таркибига бевосита сингиб кетиши табиийлиги аллақачонлара тан олинган. Фирмалар — ёлғиз иқтисодиёт бирлигигина эмас. Улар, нафақат, товар ва хизмат бозорида фаолият кўрсатишади, айни пайтда, одамларнинг ҳамкорликда ўз ҳаётий режалари ҳамда интилишларининг рўёбга чиқишини белгилловчи ва координация қилувчи мураккаб ижтимоий тизилмадир.

Бизнинг назаримизда, бундай ёндашув, айниқса, шарқона жамият учун характерли. Жумладан, Ўзбекистонда кичик ва ўрта тадбиркорлик, маҳалла типигадаги ишлаб чиқариш ташкилотлари даражасидаги ижтимоий муаммолар ечимига йўналтирилган фирмалар, айниқса, кенг тарқалган. Шу сабабли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари бозор ислохотларининг тадбиркорликни рағбатлантириш, хусусий мулкни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини харидоргир маҳсулотлар билан тўлдириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш, аҳолининг кучли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш каби ҳаётий зарур муаммоларни ҳал этишга сафарбар қилинган. Айнан ана шу ўринда фуқаролик жамиятининг мустақкам асоси, ишлаб чиқариш муносабатларининг, тўпланган моддий-мулкий бойликларнинг мураккаб тизимларидан иборат пойдевори барпо этилади.

Бозор жараёнларининг ўзини ўзи бошқариб туриши асосида функционал иқтисодиёт тизимларни оптимизациялаш, миллий бозорда макроиқтисодий мувозанатни қўллаб-қувватлаш, товар, хизмат, техника, технология, Ноу-хау, капиталнинг турли шакллари, ишчи кучлари ва бошқаларнинг ҳаракати учун мўтадил шароитлар яратиб беришга қаратилган таркиблар фаолиятига йўл очилади.

Функционал иқтисодиёт тизимининг типик мисоли бўлиб, рақобат муҳитини шакллантириш, ички нархнаво кўрсаткичларини қўллаб-қувватлаш, умумэҳтиёж талабини рағбатлантириш, тўлов ва ташқи савдо мувозийлигини қўллаб-қувватлаш, миллий товар ишлаб чиқарувчиларни хориж рақобатидан ҳимоя қилиш, ишсизликнинг даражасини мўтадил сақлаб туриш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва бошқалар ҳисобланади.

Функционал иқтисодиёт тизимлари аниқ мақсадга йўналтирилган тизимлар (банк, солиқ, суғурта, ижтимоий муҳофаза ва б.)дан, аввало, шуниси билан фарқ қиладики, улар учун ўзини ўзи бошқариб, таъминлаб туриш хос бўлиб, белгиланган миқёслардан ҳар қандай чекиниш микро ва макроиқтисодий кўрсаткичлар мувозанатини тикловчи жуда кўплаб механизмларни жалб этишга туртки бўлади.

Масалан, арзон импорт товарларнинг кириб келиши ички бозор мувозанатини бузади. Бу эса фуқаролик жамиятида ички товар ишлаб чиқарувчиларни чет элда

ишлаб чиқарилган товарлар рақобатидан ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар кўриш билан боғлиқ ўзаро келишилган саъй-ҳаракатларга олиб келади. Функционал иқтисодий тизимларнинг турли хил элементлари орқали ички бозорга четдан кириб келаётган товарларга бож миқдори, импорт квоталари ўзгаради, белгиланмаган ҳар хил тўсиқлар юзага келади. Охир-оқибатда ички бозорда рақобатнинг оптимал шароитлари тикланади.

Рақобат муҳитини шакллантириш тизими кичик ва ўрта компанияларни йирик монополиялар томонидан виждонсизларча фирромлик рақобатидан ҳимоя қилади ва умуммиллий манфаатлар йўлида табиий монополия фаолиятини тизгинли бошқариб туради.

Функционал иқтисодий тизимлар барча ҳўжалик механизмларининг самарадор фаолиятини таъминлаш учун бозор инфратузилмаларининг турли хил элементларини танлаб-танлаб бирлаштиради. Мазкур функционал тизим таркибига қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи ҳоқимиятлар, давлат муассасалари, товар ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси ва бошқа бозор субъектлари, таҳлилий ҳамда ахборот марказлари, хусусий тижорат таркибларидан иборат турли институционал муассасалар киради. Масалан, рақобат муҳитини шакллантириш бўйича функционал тизимнинг яхлит таркибий тузилишга асос бўлувчи муҳим элемент бўлиб, наинки, монополияга қарши кўмиталар, айни пайтда, товар ишлаб чиқарувчилар ассоциациялари, товар бозоридаги вазиятни, миллий ҳамда жаҳон бозорларининг конъюктура ва фирма таркибларини ўрганувчи илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳам хизмат қилади.

Ўзини ўзи бошқарадиган иқтисодиёт тизимида давлатнинг роли кескин ўзгаради. Давлат функционал иқтисодий тизимнинг бир меъёрда ишлашини таъминловчи барча ҳўжалик тизимини координация қилувчи бош марказга айланади, улар тармоқларининг кенгайиши ва таркибларининг такомиллашуви имконини юзага келтиради. Натижада давлат фақат макроиқтисодий мувозанат барқарорлигини таъминлаш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадидагина муайян меъёрлар доирасидагина бозор ишларига аралашади, холос.

Иқтисодий ривожланишнинг ўзини ўзи бошқариш моделининг устунлиги айнан шундаки, бундай ҳўжаликда функционал иқтисодиёт тизимининг мавжудлиги оқибати ўлароқ, талаб ва таклифлар, маблағ ва

инвестициялар, даромад ва буромад, экспорт ва импорт ўртасидаги нисбатлар оптималлигига олиб келувчи жараёнлар кунаро, соат сайин давом этади.

Оқибат-натижада миллий бозорнинг юксак барқарорлиги ва мувозанат тенглиги таъминланади. Бу, ўз навбатида, миллий иқтисодий тизим динамизмига, унинг жаҳон хўжалик тизими шароитида рақобатбардош бўлишига имкон беради.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, ижтимоий адолатга йўналтирилган рационал ва самарали иқтисодий сиёсат, энг аввало, ислохотларнинг ҳозирги босқичида, бир-бири билан узвий боғланган, бир биридан келиб чикувчи икки аспектга таянади. Бу, бир томондан, фуқаролик жамиятига хос ўзини ўзи ташкил этиш, одамларда, фирмаларда, корхоналарда ташаббускорлик ва ўзаро манфаатдорлик маданияти, иккинчи томондан, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг юксак самарадорлигини таъминлашга қаратилган давлатнинг бошқарув фаолиятидир.

Ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг стратегик йўлларида бири — фуқаролик жамиятининг ўзини ўзи ичдан уюштиришига уни ташкил этишнинг давлат шакллари қарама-қарши қўйиш эмас, балки уларнинг барқарор ва динамик ривожланишини таъминловчи ўзаро узлуксиз алоқалардир.

Хориждаги кўп сонли тадқиқотлар шуни кўрсатадики, иқтисодий эркинлик даражаси қанча юқори бўлса, мамлакат тараққиётининг иқтисодий салоҳияти, фуқаролар фаровонлиги, демак, иқтисодий ривожланиш ҳам юксак бўлади. Яъни қашшоқликдан, иқтисодий қолоқликдан бадавлатликка ҳамда иқтисодий раванққа ўтиш фақат ва фақат эркин иқтисодий сиёсат орқалигина рўй беради. Иқтисодий эркинликкина иқтисодий юксалишга олиб келади. Айни пайтда, акс таъсир ўлароқ, иқтисодий ривожланишнинг юқорилиги ялпи иқтисодий эркинликка кенг йўл очади.

Фуқаролик жамиятининг мазмун-моҳияти ижтимоий ҳаётга давлатнинг аралашувини қатъий доирада белгиланишини тақозо этади. Давлат аралашувининг чекланганлиги иқтисодий ва бошқа соҳаларга дахлдор бўлиб, унинг таъминоти стратегик характер касб этади.

Шуниси диққатга сазоворки, бутун дунёда либерал қарашлари эталон сифатида қабул қилинган Ф.Хайек тасаввурида ҳам иқтисодийётга давлат аралашувининг зарурат эканлиги қайд этилади.

Маълумки, Хайекнинг асосий ғоялари жамиятнинг алоҳида шахслар ташаббуслари мажмуи, деган қарашлар билан боғлиқ. Якка шахсларнинг мустақил, ўзбошимча хатти-ҳаракатлари кутилмаган, марказлаштирилган режалаштириш ёрдамида ҳам амалга ошириш имкони бўлмаган оқибатларга олиб келади. Эркин индивидуал иқтисодий фаолият мураккаб ижтимоий муносабатларни келтириб чиқаради, бўлак барча эркинликларга имкон яратади.

Иқтисодиёт эркинлиги «ботиний билим»га асосланади. Инсоний муносабатлар мураккаб ва субъективдир. Бозорнинг фойда, зарар, рақобат сингари ҳодисалари жамиятнинг доимо ўзгариб турувчи эҳтиёжларини қондирувчи инновацияни тақдирлаб, бошқача усуллар билан ташкил этиш имкони бўлмаган ижтимоий муносабатларни юзага келтиради.

Оптималлаштиришнинг айнан ана шу жараёнлари учун қонунларнинг қатъий устуворлиги зарурат. Айни пайтда, тўғри қонунчилик якка шахс фаолиятини муайян доирада чеклайди ҳам. Лекин муайян аниқ вазиятда нима қилиш лозимлигини уқтирмайди. Бу шахснинг ўзига, вазият тақозосидан келиб чиққан ҳолда, ўз манфаатларини рўёбга чиқаришнинг қонуний йўллари, имкониятларини излаб топиш уқувига боғлиқ. Айнан ана шу ҳукуматнинг мажбур этиш амалига асосланган буйруқбозлик усули билан зиддиятга киришади¹.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида эришилган улкан ютуқларни инobatга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбек модели» тамойилларидан келиб чиқувчи, айни пайтда, уларнинг янгича шароитдаги ўзига хос мантиқий давоми бўлмиш олти устувор йўналиши туб мундарижаси билан, аввало, ана шу муаммолар ечимига бағишланган.

Биринчи устувор йўналиш — мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш. Йўлбошчи давлатимизда туб ислохотлар ва янгиланиш жараёнларига баҳо берар экан, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш йўли ўз моҳияти эътиборига кўра, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг асосий боғловчи бўғини эканлигини таъкидлади. Айни пайтда, эркинлаштириш жараёнларига, жамиятни демократиялаштириш

¹ Қ а р а н г: *Хайек Ф.Н.* Путь к рабству. Пер. с англ.-М., 1992.

натижаларига бу йўлда эришилган дастлабки босқич сифатида қаралиши уқтирилди.

Ижтимоий тараққиёт шакли бўлмиш эркинлаштириш қатор муҳим компонентларга эга. Мамлакатимизда мавжуд аниқ шарт-шароитлардан келиб чиқилгани ҳолда, ушбу компонентлар қуйидагича белгиланди:

Биринчидан, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш заруратига асосланган сиёсий соҳани эркинлаштириш.

Сиёсий ҳаёт эркинлиги, аввало, демократия, дега-нидир. Демак, ушбу устувор йўналиш бевосита демократиянинг умумтан олинган тамойилларига, жумладан, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратишга асосланади. Шундай замин яратилди.

Иккинчидан, энг аввало, давлатнинг бошқарув ро-лини чегаралашга, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ҳамда иқтисодиётнинг бар-ча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтири-ши, мулкдорларнинг мавқеи ҳамда ҳуқуқларини мус-таҳкамлашга қаратилган иқтисодиёт соҳасини янада эр-кинлаштириш.

Учинчидан, ҳокимият барча тармоқларининг бир-биридан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бош-қариш органларига босқичма-босқич ўтказа бориш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини муҳо-фаза этишни кучайтиришдан иборат давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнлари-ни эркинлаштириш.

Ушбу устувор йўналишлар орасида, шубҳасиз, иқтисодиёт соҳасини эркинлаштириш алоҳида мақомга эга. Гап шундаки, шахснинг моддий манфаатлари манбаи бўлган меҳнат фаолияти инсон ҳаётида тақ-дириломон аҳамиятга эга. Шу боис фуқароларнинг таъминланиши, албатта, шарт бўлган ҳуқуқлари, эр-кинликлари ва масъулият-мажбуриятлари жамиятда мавжуд имтиёزلардан фойдаланиш имконини берув-чи ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ. Мазкур ҳақиқатдан келиб чиқилгани ҳолда, иқтисодиётда тар-

кибий ўзгаришларни таъминлашдан иборат эркинлаштириш сиёсатининг бешинчи устувор йўналиши мундарижавий аҳамият касб этади. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар корхоналарни янгилаш ва техник қайта жиҳозлашга, мамлакатнинг бой табиий ҳамда минерал хомашё салоҳиятидан тўла ва самарали фойдаланишга, экспортга мослашган ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қувватларни барпо этишга қаратилди.

Ислом Каримов ўз сиёсий-иқтисодий таълимотида иқтисодиётни эркинлаштириш билан боғлиқ биринчи галдаги асосий вазифани мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал этиш, хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш, деб белгилади¹.

Иқтисодиёт соҳасини эркинлаштириш ўзининг зарур ва мукамал асосларига эга. Улардан бири — иқтисодий ўсишнинг устуворлиги. Кейинги ўн йилликдаги халқаро тажриба иқтисоднинг таназзул ҳолати шароитида эркинлаштириш билан боғлиқ ўзгаришлар самарасиз эканлигини яққол кўрсатди.

Ўзбекистон Республикасида миллий иқтисодиётни эркинлаштириш ўзига хослиги билан ажралиб турибди. Энг аввало, у ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг «ўзбек модели»ни амалиётда ижросини таъминлаш билан боғлиқ дастлабки ислоҳотларнинг ўзига хос хусусиятлари ва макроиқтисодиёт жараёнларининг ҳозирги умумий ҳолати билан белгиланади.

Маълумки, иқтисодий ислоҳотларнинг стратегик пировард натижаси ҳамма вақт ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисоди билан боғлиқ бўлган. Бироқ бозор иқтисодиёти сари йўл ислоҳотлар бошланишининг илк ибтидо шарт-шароитлари билан боғлиқ босқичма-босқич қадамлар орқали белгиланади.

Ана шу қоидадан келиб чиқилгани ҳолда, Ўзбекистон кучли ижтимоий ҳимояга асосланган тамаддун бозор иқтисодиётига ўтишнинг тадрижий йўлини танлади. Айнан ана шу тамойил миллий иқтисодиётни эркинлаштириш сиёсатида ҳам қўлланилди.

Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг босқичма-босқич йўли нарх-навои эркинлаштириш амалиётидан бошланди. Сабаб — нарх-наво эркинлиги миллий иқтисоди-

¹ Қ а р а н г: Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қура- миз.Т.7.-Т.: Ўзбекистон, 1999. — 370—404-бетлар.

ётни ялпи эркинлаштиришнинг тамал тошидир. Чунки бозорнинг ўзи ўзини бошқариш, жумладан, нарх-наво-ни белгилаш имтиёзига эга ҳўжалик тизимидир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бозор эркинлиги сиёсатининг янги босқичи Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интиломқда» дастурий асарида кашф этилган стратегик устувор йўналишлар квинтэссенциясидан бошланади. Китобда миллий иқтисодиётни эркинлаштиришнинг етгита асосий компоненти қайд этилган. Устувор вазифалар, аввало, қишлоқ ҳўжалиги билан боғлиқ.

Аграр соҳа билан боғлиқ биринчи вазифа пайчилик муносабатлари, фермер ва деҳқон ҳўжалиklarини ривожлантириш орқали қишлоқда эғалик туйғусини қайта тиклаш, хусусан, тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан қабул қилинган қарорлар ҳаётда тўла рўёбга чиқиши учун барча ишни қилишдан иборат.

Эркин тадбиркорлик учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни янада такомиллаштириш, кичик ва ўрта бизнесни кенг ривожлантириш учун ҳамма йўл очиб берилляпти.

Тадбиркорлик тузилмаларининг молия, банк ва бошқа бозор тузилмалари билан муносабатлари мустаҳкамланиб, кредит олиш йўлидаги тўсиқлар олиб ташланыяпти. Уларнинг хомашё ресурсларидан фойдаланишларига кенг йўл очиб бериш, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари мамлакатнинг ўзи ҳам, унинг ташқарисида ҳам сотиладиган бозорни кафолатловчи тизимни барпо этиш йўлга қўйилмоқда.

Кичик бизнес учун бошқарувчи кадрлар тайёрлайдиган, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятини оширадиган бизнес мактаблари тармоғи вужудга келтириляпти.

Энг муҳими — иқтисодиёт таркибида кичик, ўрта ва хусусий бизнес муносиб ўрин эғаллашига, керак бўлса, ҳал қилувчи ўринни эғаллашига, яқин икки-уч йил ичида кичик ва хусусий корхоналар сонини икки баравар кўпайтириб, ялпи миллий маҳсулотда уларнинг улушини камида 25 фоизга етказишга эришиш кўзда тутилган.

Иккинчидан, иқтисодиётни эркинлаштириш ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш билан узвий боғлиқдир. Рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат — бозорнинг асосий шarti, айтиш мумкинки, унинг қонунидир. Афсуски, «Монополия

фаолиятини чеклаш тўғрисида»ги қонун амалда иш бераётгани йўқ. Статистика маълумотларига қараганда, эндиликда давлат тасарруфидан бутунлай чиқарилган, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам монополия тузилмаларига дуч келяпмиз.

Хўш, бу соҳада аҳволни ўнглаш учун нима қилмоқ керак? Аввало, монополияга қарши қонунни кучайтириш, монополия тузилмаларини камайитириш ва тугатиш юзасидан амалий чоралар кўриш лозим. Табиий монополиялар тўғрисида қонун қабул қилиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш даркор.

Учинчидан, иқтисодиётни эркинлаштириш тўғрисида сўз юритганда, бозор инфратузилмасини ривожлантириш, молия ва банк тизими фаолиятини такомиллаштириш зарурлиги тўғрисида қайта-қайта гапиришга тўғри келмоқда. Кенг тармоқли бозор инфратузилмаси — фонд ва улгуржи бозорлар, биржалар, кредит, молия муассасалари, лизинг ҳамда консалтинг компаниялари, тадбиркорларга хизмат қилиши лозим бўлган бошқа тузилмалар том маънода шакллантирилмас экан, улар тўла куч билан ишламас экан, иқтисодиётимизни очиқ, эркин, энг муҳими, самарали, қисқа қилиб айтганда, ҳақиқий бозор иқтисодиётига айлантира олмаймиз.

Шу жиҳатдан қараганда, банк тизимини ислоҳ қилишни жадаллаштириш, фонд бозорини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, халқаро ярмарка савдоси билан шуғулланадиган республика маркази, ташкил этилган улгуржи бозорлар фаолиятини яхшилаш зарур. Хуллас, бозор инфратузилмасини барча даражада изчиллик билан шакллантириш амалий ва қонунчилик фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлмоғи керак.

Тўртинчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг бутун тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш лозим. Унда иқтисодий йўл билан, тарифлар билан бошқаришдан кўра маъмурий чеклашлар орқали бошқариш усуллари устунлик қилмоқда. Биз ташқи иқтисодий фаолиятнинг жаҳонда қабул қилинган маърифий шакллариغا тезроқ ўтишимиз, Бутун Дунё Савдо ташкилотига аъзо бўлишга эришмоғимиз даркор.

Иқтисодиётимизга хорижий сармояни янада кенгроқ жалб этиш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, мулкни давлат тасарруфидан чи-

қариш ва хусусийлаштириш жараёнларида, жаҳон бозорида рақобат қила оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишда хорижий инвесторлар янада фаол иштирок қилиши учун яратилган ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни такомиллаштиришимиз лозим.

Бешинчидан, валюта тизими ва бозорини эркинлаштириш зарур. Биржадан ташқари бозорни кенгайтириш ва ривожлантириш, тижорий банкларнинг роли ва масъулиятини ошириш ҳисобидан, миллий валюта-мизни эркин муомаладаги валютага тўлиқ алмаштириш (конвертация қилиш) масаласи ҳал қилинмоқда. Бу тадбир мамлакатимизга кириб келаётган инвестициялар ҳажмини ошириш гарови ва кафолатидир.

Олтинчидан, хорижий сармояларни жалб этиш бўйича рағбатлантиришни кучайтириш, кафолат ва имтиёзларни кенгайтириш, инвестиция фаолияти учун қулай муҳитни шакллантириш зарур.

Еттинчидан, иқтисодиётни эркинлаштириш, аввало, давлат ва турли текширувчи, назорат қилувчи органлар томонидан корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ноўрин аралашини чеклаб қўйиш билан боғлиқ. Бу соҳада текширишлар ва тафтишлар сонини кескин чеклаб қўядиган маълум қарорлар қабул қилинди. Бу қарорларга риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш, ҳозир ҳам корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашини фикридан қайтмаган кишиларни қаттиқ жазолаш лозим бўлади. Айнан ана шу ҳақда Ислоҳ Каримов ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг 2002 йилдаги яқунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги маърузасида яна бир бор махсус тўхталгани бежиз эмас.

Иқтисодиётни эркинлаштириш хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолияти учун иқтисодий ва молиявий масъулиятини ошириш, демакдир. Банкротлик институтининг аҳамиятини ошириш, хўжалик судлари фаолиятини кучайтириш лозим.

Кейинчалик эркинлаштиришнинг қайд этилган ушбу йўналишларига миллий иқтисодиётни ислоҳ қилишга бевосита алоқадор иккита муҳим аниқлик киритилди.

Биринчидан, иккинчи чақирқ ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида эркинлаштириш йўналишлари орасида мамлакат иқтисодиётини жаҳон иқтисодий тизимига уйғунлашувини таъминлашга имкон берувчи экспорт имкониятларини

янада мустақкамлаш алоҳида таъкидланган эди.¹ Ислон Каримовнинг сессиядаги маърузасида иқтисодиётнинг барча соҳаларида экспортбон маҳсулотлар ҳажми ҳамда ассортиментини кўпайтириш, дунё бозорларида хос ва мос қатъий ўрнимизни кенг таъминлаш вазифаси илгари сурилган эди.

Бунинг учун, аввало, рағбатлантириш ва имтиёзларнинг мавжуд тизимига ишлаб чиқаришнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини рағбатлантириш, рақобатбардош экспорт маҳсулотлари сифатини ошириш билан боғлиқ кенг мажмуий чора-тадбирлар белгиланди. Ушбу мажмуада мулкчиликнинг барча шаклларида экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш имконини яратувчи банклар томонидан бериладиган кредитларни янада кенгайтириш кўзда тутилди.

*Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2002 йилдаги натижалари сарҳисобига бағишланган йиғилишда кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланди.*²

Маърузада аниқ хулоса қилинди: кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик, нафақат, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг шаклланишида асосий бўғин, айни пайтда, аҳолини иш билан таъминлаш ва сармоя манбаи, миллий фаровонлик омили ҳам ҳисобланади.

Шу билан бирга ислохотларни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуида меъёрий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, рўйхатга олиш тартибини ихчамлаштириш, ички ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, уларнинг минерал-хомашёга, молиявий захираларга, янги технологик аслаҳаларга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондиришда судларнинг родини фаоллаштириш кўзда тутилган.

Умуман, эркинлаштириш жараёнлари мазмунан давлатнинг мамлакат иқтисодий ҳаётига аралашувини инкор этмайди, балки давлатнинг эркин бозор механизмларининг самарали ишлаши учун имкон яратувчи асосий функцияларини тубдан ўзгартиради.

Бизнинг назаримизда, Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнининг муҳим хусуси-

¹ Қ а р а н г: *Каримов И.А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т.8.-Т.: Ўзбекистон, 2000. — 330—351-бетлар.

² Қ а р а н г: *Каримов И.А.* Ислохотлар стратегияси — мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. // Халқ сўзи, 2003 йил 18 февраль.

яти шундаки, давлат секин-аста макроиқтисодиёт ва уюштирувчанликнинг ўзига хос функцияларига эга бозор муносабатларининг эркин субъектига айланиб бораёпти. Айтиш керакки, умуммиллий манфаатлар билан нодавлат сектори тадбиркорлик манфаатларининг уйғун интеграцияси жараёнлари уюштирувчанликнинг асосий йўналиши бўлиб ҳисобланади.

Бундай уюштирувчанлик функцияси жаҳон иқтисодиётининг глобаллашаётгани шароитида, айниқса, асқотади.

Глобаллашув ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва жамият ҳаётининг жаҳон миқёсида интеграциялашиши натижасида бир мамлакатда содир бўлаётган жараённинг оламшумул аҳамият касб этишидир.

Глобаллашувни турли мутахассислар, оқимлар турлича таърифлайди. Бу таърифларнинг энг кенг тарқалганларини келтириб ўтамиз:

— ташкилотларнинг халқаро миқёсда кенгайишга ва халқаро майдонда тобора каттароқ ўрин эгаллашга қаратилган стратегияси;

— товарлар, хизматлар, меҳнат, технология ва капиталнинг халқаро майдонда ҳаракатланиши;

— савдо, инвестиция, молия-иқтисод, маданият ва бошқа иқтисодий ҳамда ижтимоий соҳаларда ҳукуматлар, ташкилотлар ва халқларнинг ўз мамлакатлари чегараларидан чиқиб, очиқликка интилиши;

— инсон капитали, молиявий ва интеллектуал капиталнинг дунёнинг энг катта иқтисодий нуқталарига интилиши;

— иқтисодий фаолият учун мамлакат чегаралари ва унинг жуғрофий жойлашиши каби жисмоний омилларнинг ўз аҳамиятини йўқотиб бориш жараёни.

Глобаллашувнинг бугунги кунга келиб катта аҳамият қозонишига бир қанча сабаблар бор, жумладан: технологиянинг тез ривожланиши натижасида коммуникация ва ахборот алмашувининг осонлашиши, коммунизмнинг йўқ бўлиши каби сиёсий жараёнлар, транспортнинг тараққий этиши оқибатида мамлакатлараро юк ташиш ҳажмининг ортиши ва туризмнинг ривожланиши. Бу, ўз навбатида, компанияларга ривожланиш имкониятини яратди, қўшимча бозорлар очилишига олиб келди, маданият ва қадриятлар интеграцияси натижасида истеъмол турлари кенгайди, халқаро бозорда рақобатни кучайтирди, янги хомашё манбаларини очиб берди ва инвестиция жараёнини кенгайтди.

Глобаллашув жараёни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига таъсир қилиб, алоҳида мамлакатларни жаҳон ҳамжамиятига боғлайди. Натижада, янги бозорлар (капитал, валюта бозори, сугурта бозори ва ҳоказо), янги воситалар пайдо бўлади (турли ахборот тизимлари, интернет, уяли алоқа). Булар эса, ўз навбатида, янги назорат воситаларини талаб этади. Бугунги кунда иқтисодий ҳамкорлик, интеллектуал мулк, интернетдан фойдаланиш соҳаларида янги халқаро меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, мамлакатларнинг ички қонунлари ҳам уларга мослаштириб борилмоқда.

Глобаллашувнинг қуйидаги асосий белгилари мавжуд: халқаро савдонинг кенгайиши ва эркинлашиши, халқаро капитал айланмаси ва унинг йўлидаги тўсиқларнинг бартараф этилиши, электрон коммуникация инқилоби натижасида молиявий муносабатларда содир бўлган чуқур ўзгаришлар, трансмиллий корпорациялар фаолиятининг кенгайиши, халқаро молиявий ва иқтисодий институтларнинг ташкил топиши.

Глобаллашув барча мамлакатларнинг иқтисодиётига таъсир ўтказиши ва бу таъсир ишчи кучидан фойдаланиш, товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва инсон капиталига инвестицияларни жалб этиш, уларнинг бир мамлакатдан бошқасига кўчиши каби омилларни ўз ичига олади. Буларнинг барчаси ишлаб чиқариш самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини, рақобатнинг ривожланишини таъминлайди.

Иқтисодий глобаллашув бир қанча йўналишларга эга: халқаро савдо, халқаро инвестициялар, молиявий, технологик глобаллашув ва ҳ.к. Уларнинг амалга ошишида иқтисодий эркинлаштиришнинг роли беқийс.

Иқтисодни эркинлаштириш ҳар қайси мамлакатнинг глобаллашув жараёнига қўшилиши ва ундан манфаат топишининг асосий шартларидан биридир. Иқтисодий жиҳатдан эркин жамиятгина юқори даражали демократик фуқаролик жамиятига айланиши мумкин. Ҳозирги кунда бунга муқобил йўл тутган мамлакатлар умумжаҳон иқтисодий жараёнларига қўшилиш ва эркинлашиш йўлидаги илк қадамларини ташламоқда. Ҳатто, ҳалигача социалистик, деб ҳисобланган Шимолий Корея, Куба каби давлатларда ҳам иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар аста-секин бошланмоқда. Бундай ўзгаришлар иқтисодий ўсиш ва турмуш даражасининг яхшиланиши шароитидагина содир бўлади. Шундай экан,

эркинлаштириш ҳаракатлари биринчи ўринда мафкуравий бидъатларга эмас, балки мантиққа ва аниқ иқтисодий натижаларга қаратилиши зарур.

Иқтисодий эркинлаштириш ҳукумат, жисмоний ва юридик шахслар, жумладан, давлат муассасалари ҳамда хусусий сектор ўртасидаги иқтисодий муносабатларда мавжуд бўлган мажбурийликни бартараф қилади. Яъни барча шахслар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ихтиёрий шаклда ўрнатилади ва олиб борилади. Албатта, стратегик хусусиятга эга бўлган баъзи муносабатлар бундан мустасно. Масалан, солиқ органлари даромад олувчи шахслар устидан қонунда белгиланган даражада молиявий назоратга эга бўлиши зарур.

Эркинлаштирилиши мумкин бўлмаган яна бир соҳа — бу мудрофаа ва қонунни муҳофаза қилиш органлари устидан назорат.

Ўзбекистонда қуйидаги йўналишларда эркинлаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бўлиб турибди:

1. **Нарх тизими ислоҳоти**, яъни ҳар қандай товар нархининг тўлалигича бозордаги талаб ва таклифнинг мувозанати орқали белгиланиши.

Бундай сиёсат ўзига хос афзаллик ва камчиликларга эга. Назарий жиҳатдан ҳар қандай фирма сифатли, рақобатбардош товар ишлаб чиқариб, унга нарх белгилаб, бозорда ўз ўрнини эгаллаши ва гуллаб яшнаши мумкин. Амалда эса бу сиёсат йирик ишлаб чиқариш ресурсларига эга бўлган, катта миқдорда ва паст нархда товар таклиф қилишга қодир компанияларга катта устунлик беради ҳамда улар кичик ва ўрта фирмаларнинг ривожланишига йўл қўймайди. Муаммонинг яна бир томони шундаки, нархларнинг тўла эркинлиги шароитида арзон импорт мамлакат ичида ишлаб чиқаришнинг ривожланишига катта тўсқинлик қилиши мумкин.

2. **Давлат мулкнинг хусусийлаштирилиши**. Бу ўз-ўзидан жуда ҳам мантиқий чора, чунки мулк аста-секин хусусий секторга ўтиши ва асосий иқтисодий масалаларни ечиш хусусий компаниялар зиммасига юклатилиши керак. Лекин шошма-шошарлик билан амалга оширилган хусусийлаштириш сиёсати ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг бузилишига олиб келиши мумкин (масалан, 90-йилларда Россия Федерациясида А.Чубайс бошчилигида амалга оширилган хусусийлаштириш то ҳануз жамиятда кескин норозиликлар уйғо-

тиб келмоқда). Тез хусусийлаштириш натижасида мулк йирик монополиялар ёки жиноий гуруҳлар қўлига ўтиб кетади. Бунинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати ўзига хос тамойиллар ишлаб чиққан: бепул хусусийлаштиришдан воз кечиш, аҳолининг кам таъминланган табақаларига кучли ижтимоий кафолатлар бериш, босқичма-босқич хусусийлаштириш, хусусийлаштириш билан биргаликда ишлаб чиқариш ва бошқарувни номарказлаштириш ҳамда монополияларга қарши сиёсат олиб бориш ва б.

3. Солиқ ва боғхона тизимлари ислоҳоти. Мазкур чора тадбиркорларга кўпроқ даромад олиш имконини яратиш ва бу орқали уларни фаолроқ бўлишга қизиқтириш учун зарур. Ҳар қандай солиқ сиёсати баъзи бир асосий тамойилларга амал қилиши керак. Жумладан:

— тадбиркорларни даромадларини яширмасликка рағбатлантириш;

— солиқ имтиёзлари беришда бизнесни ривожлантиришга интилиш ва тенг ҳуқуқлиликини таъминлаш;

— солиқ ундиришда қонунга тўла асосланиш;

— тадбиркорларнинг солиқ ва боғхона органларининг ноқонуний ҳаракатларидан тўла ҳимоя қилиш.

4. Саноат ва қишлоқ хўжалигида бевосита давлат назоратидан воз кечиш. Яъни халқаро бозор ва ундаги тенденциялар саноат ҳамда қишлоқ хўжалигининг йўналишини белгилашда асосий омил бўлиши керак. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар халқаро қишлоқ хўжалиги бозорларидаги кескин тебранишлардан ҳимояланган бўлиши шарт.

Ўзбекистонда бундай ислоҳотларни амалга оширишда ўзига хос муайян тўсиқлар мавжуд. Улар:

— мустақилликка эришиш натижасида этник муаммоларнинг келиб чиқиши. Ўрта Осиё минтақасини олиб қарайдиган бўлсак, бу ерда 90-йилларнинг бошида йирик иммиграция жараёни бошланди. Бунинг асосий сабаби шуки, минтақадаги барча давлатларда миллий тилларга давлат тили мақоми берилганидан кейин кўпчилик аҳолининг ушбу тилларни билмаслиги, ўрганишга тайёр эмаслиги ёки ўрганишни хоҳламаслиги натижасида юқори ва ўрта лавозимларни эгаллаб турган ходимлар ўз иш жойларидан маҳрум бўлишди. Иммиграция жараёни ҳалигача давом этиб келмоқда. Бу эса, табиийки, ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий жиҳатдан катта таъсирга эга;

— анъанавий уруғ-аймоқчилик. Бутун тарих бўйлаб Марказий Осиё миллатлари кичик-кичик кланларга бўлиниб келган. Улар ўртасида барқарорлик ва мувозанатни сақлаш ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган. Кланлар ўртасидаги тортишувлар, ҳатто, коммунистик бошқарув даврида ҳам мавжуд бўлган ва бу феноменни ҳисобга олмасдан, Марказий Осиё мамлакатларидаги иқтисодий ривожланиш ва институционал ислоҳотларни тўғри баҳолаш қийин;

— мавжуд қонуний база ва амалдаги жараёнлар ўрта-сидаги жиддий фарқлар. Турли анъанавий ва норасмий муносабатлар барча турдаги ташкилотлар фаолиятига кучли таъсир ўтказди. Бошқача айтганда, мавжуд институционал тизимда унинг тўғри ишлашига ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи норасмий муносабатлар алоҳида ўрин тутади.

Бундай шароитда иқтисодни эркинлаштириш учун фақатгина нархлар ёки савдо эркинлиги каби иқтисодий жараёнларни эркинлаштиришга қаратилган қонунлар қабул қилиш билан чекланиш кутилган натижани бермаслиги мумкин. Иқтисодий эркинлаштириш маъмурий ва институционал муносабатларнинг тўла эркинлаштирилишига боғлиқ.

Ислоҳотлар натижасида қандай ўзгаришлар рўй бериши мумкин?

1. Хусусий сектор иштирокчиларининг хулқ-атвори ўзгариши мумкин. Эркинлаштириш оқибатида фирмаларнинг очилиши ва эркин фаолият кўрсатишидаги тўсиқлар бартараф этилади. Фаолият кўрсатиш учун рўйхатдан ўтиш жараёни осонлашади, кўплаб лицензия ва сертификатлар олиш зарурати йўқ бўлади. Бошқа бир томондан эса, рақобат кучаяди, бозорда истеъмолчининг аҳамияти ҳамда таъсири ортади. Фирмалар истеъмолчини ўзига жалб қилишга интилади ва улар учун сифат кафолати энг муҳим омилга айланади. Молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш учун фирмалар ўзлари молиявий назорат органлари ва молия-кредит муассасалари билан қонуний алоқалар ўрнатишга, ўз ҳисоботларини тўғри олиб беришга, ҳатто, бу ҳисоботларни эълон қилишга интилади. Эркин равишда зиммасига маълум мажбуриятларни олган фирмалар ўз бизнес-ҳамкорларини йўқотиб қўймаслик, шунингдек, қонуний жавобгарликка тортилмаслик учун ҳам бу мажбуриятларни тўла бажаришга ҳаракат қилади.

2. Давлат корхоналарининг хулқ-атвори ўзгариши кутилади.

Давлат корхоналарининг фаолияти хусусий фирмаларникидан деярли фарқ қилмай қолади. Давлат корхонаси, деб номланса ҳам корхонанинг асл эгаси унинг жамоаси бўлиб, мустақил бошқаруви, низоми, таъсисчилари, кредиторлари ва қарздорларига эга бўлади. Хусусий ва давлат корхоналари ўртасида битта катта фарқ **сақланиб қолади**. У ҳам бўлса мулк эгасининг ноаниқлигидир. Корхона таъсисчилари ўртасидаги мулк муносабатлари давлат томонидан назорат қилинмайди. Бунда корхонада кадрлар сиёсатини белгиловчи орган ёки шахс маълум маънода мулк эгаси вазифасини бажаради. Яъни кредиторлар ва акция эгалари ҳам даромад олади, лекин мулкни сотиш, фаолият турини ўзгартириш, директорни алмаштириш тўғрисидаги қарорларни фақат ўша орган қабул қилади. Бундан ташқари мустақил давлат ташкилотларида бошлиқ тайинлаш муаммоси юзага келиши мумкин. Ҳозирги кунгача бу вазифани юқори ташкилотлар, яъни вазирлик ва бошқа органлар бажариб келмоқда. Бу ерда муқобил йўл бошқарув ҳайъати ёки барча ходимлар томонидан бошлиқ сайлаш ҳисобланади. Умуман олганда, мустақил ташкилот кучли ва сифатли бошқарувдан манфаатдор ва бундай эҳтиёжини энг тўғри йўл билан қондира олади.

3. Қонунларнинг роли ўзгаради.

Эркин иқтисодда мажбурловчи қонунлар сони ва ролининг кескин камайиши кутилади. Бошқача айтганда, давлат манфаатларини ҳимоялаб, субъектларини маълум фаолиятга ундовчи қонунлар ўрнини келишув ва шартномалар эгаллайди. Турли чеклаш ва мажбуриятлар муқаррар. Ана шу мажбуриятларнинг бузилиши қонун томонидан жазоланиши керак.

4. Ҳукумат назорати органларининг ўрни ўзгариши мумкин.

Эркинлаштириш натижасида бу органларнинг ҳақиқий малакаси ва хизматларининг керак ёки керак эмаслиги аниқланади. Бундай назорат вазифаларини бажариш ёрдамида орттирилган малакаларга бозор шароитида ҳам талаб бўлади, деб тахмин қилиш мумкин. Масалан, тажрибали солиқ органлари ходимлари хусусий секторга аудит ва иқтисодий маслаҳат каби хизматлар кўрсатиши мумкин.

Албатта, иқтисодий эркинлаштириш маълум сиёсий муҳитни ҳам тақозо қилади. Сиёсий ислохотлар ислохотларнинг бошланиш босқичида турган Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишига жиддий туртки бўлиши мумкин. Уларнинг энг муҳимлари:

— номарказлаштириш — марказий ва маҳаллий ҳукуматларнинг ҳокимиятдаги ролини аниқ белгилаш, кўпроқ бошқарув вазифаларини ҳокимиятнинг қуйи табақаларига топшириш. Жумладан, молиявий номарказлаштириш орқали маҳаллий бюджетлар бошқарувини эркинлаштириш ва молиявий ресурслар тақсимлашининг самарасини ошириш;

— иқтисодий фаолиятни соддалаштириш. Маълумки, тадбиркорнинг иқтисодий фаолият бошлашида ва олиб боришида турли-туман маъмурий тўсиқлар вужудга келиши мумкин. Айнан шу соҳадаги ислохотлар кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишига кенг йўл очади;

— ҳокимиятнинг турли табақаларида ходимларнинг бошқарув малакаларини ошириш. Бу нарса турли хорижий лойиҳалар ёрдамида маълум даражада амалга оширилмоқда ва ўз самарасини бермоқда. Бироқ фаолиятнинг кўламини янада кенгайтириш ҳамда маҳаллий ҳокимиятларнинг ўрта ва қуйи табақа бошқарув ходимлари малакасини оммавий равишда ошириш зарур.

Юқорида таъкидланилганидек, ҳозирги вақтда турли мамлакатлардаги жуда кўплаб сиёсатчилар, олимлар, мутахассислар дунёнинг ривожланиш тенденциясини яқин даврларда глобаллашув белгилашини эътироф этишмоқда. Айрим мамлакатларда ҳам, халқаро миқёсларда ҳам илмий тадқиқотлар бевосита инсониятнинг глобал муаммоларига бағишланаяпти.

Мазкур тадқиқотларнинг натижалари орасида цивилизациянинг янги мазмун-мундарижаси билан боғлиқ муаммоларнинг илмий-назарий ечимларини қайд этиш лозим. Энг аввало, давлатлар билан халқаро ташкилотларнинг кучайиб бораётган алоқалари кескинлашаётган муаммоларни ҳар томонлама ҳамкорликда муносиб баҳоланаётганини таъкидлаш лозим. Бошланувчи умумжаҳоний хавфсизлик моҳиятини белгиламоқда. Айни пайтда, муайян бир давлатнинггина эмас, балки бутун инсониятнинг манфаатларига дахлдор бўлган янги-янги муаммолар юзага келмоқда. Шунинг учун ҳам халқаро муносабатларнинг глобаллашуви шарои-

тида айрим мамлакатларнинг миллий интилишлари, шунга мувофиқ ҳолда ташқи сиёсатларида танлаган йўллари, дунёнинг у ёки бу минтақаларининг ривожланиш истиқболлари бевосита ҳозирги замон жаҳон цивилизациясининг устувор талабларидан келиб чиқмоқда.

Халқаро муносабатларнинг глобаллашуви муаммолари кўплаб юқори даражадаги икки томонлама ва кўп томонлама учрашувларда кенг муҳокама қилинмоқда. Шу жиҳатдан 1999 йил ёзида Германиянинг Кёльн шаҳарида ўтган «саккизлик» давлатлари раҳбарлари учрашувининг Якуний Коммюникеси иккинчи пункти аҳамиятлидир. Моҳият-эътибори билан айнан ана шу ҳужжатда глобаллашув жараёнига расмий таъриф берилди:

Биринчидан, глобаллашувга бутун дунё бўйлаб тарқалаётган ғоялар, капитал, техника ва товарлар миқёслари тезлашаётгани ва кўпаяётгани билан боғлиқ мураккаб жараёнларнинг ҳосиласи сифатида қаралмоқда.

Иккинчидан, глобаллашув муайян жамиятларда рўй бераётган, уларнинг тобора очиқ жамиятга айланиб бораётганлигидан келиб чиқувчи туб ўзгаришлар билан боғлиқ. Бу ўзгаришлар турли халқларни бир-бири билан жуда яқинлаштириб юбормоқда.

Учинчидан, глобаллашув очиқ жамият ва унинг ривожланиши ҳосиласи сифатида одамлар турмуш даражасини ҳамкорликда оширишнинг, қашшоқлик даражасини камайтиришнинг имконини берувчи нажот, деб қаралмоқда.

Тўртинчидан, глобаллашув жараёнида интеграциянинг янги шакли намоён бўлмоқда. Айнан ана шу янги шакл ишлаб чиқариш самарадорлиги ошишини рағбатлантириш, унинг имкониятларини кенгайтириш асосида иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳисобига қўшимча ишчи ўринларини яратиш имконини бермоқда.

Бешинчидан, глобаллашув ахборот инқилоби билан яқиндан узвий боғлиқ. Ўз навбатида у янги жамиятга ўтишнинг имкони ҳамдир. Яъни жаҳон цивилизацияси индустриал ва постиндустриал жамиятдан ахборот жамиятига ўтишдек сифат босқичини кечинмоқда.

Олтинчидан, турли маданиятлару қадриятларнинг ўзаро кенг алоқалари ҳосили бўлмиш глобаллашув демократик жамият қуриш, инсон ҳуқуқ ва эркинликла-

ри кафолатини шакллантириш тенденцияларида яққол намоён бўлмоқда.

Еттинчидан, глобализация айрим ишчилар, оила ва одамлар уюшмалари учун муайян қийинчиликлар ҳам туғдиради. Бу одамларнинг турар жойини ўзгартириш, молиявий тақчиллик билан боғлиқ таваккалчиликда намоён бўлади.

Табийки, тадқиқотчиларнинг халқаро муносабатларнинг глобаллашуви билан боғлашаётган мазкур муаммолар доираси бутун дунё ҳамжамиятида қонуний равишда қизиқиш ва ташвиш уйғотмоқда. Айти пайтда, ушбу муаммолар ечими ёлғиз ғарбона цивилизация, деб аталувчи тамойиллар билангина самарали бўлиб қолмайди, деган қарашлар амалда тобора устуворлик қилмоқда. Глобаллашув жараёнлари моҳияти, унинг ташкилий шакллари, намоён бўлиш имкониятлари ва оқибатлари аллақачон Ғарбу Шарқ, Шимолу Жанубнинг универсал қадриятлари ифодаси бўлмиш интеграциялашув билан боғланиб кетган. Шу сабабли ҳам бир-бири билан узвий боғланган ҳолда, бутун дунё ҳамжамияти манфаатларига жавоб берувчи турли моделлар, стратегиялар, дастурлар ва лойиҳаларнинг ўзаро бойиши ҳамда бир-бирини тўлдириб туришига имкон яратувчи синтез нисбатан самарали ёндашув, деб ҳисобланади.

Халқаро муносабатлар тизимини ривожлантириш тенденцияси ҳисобланган жаҳон сиёсати ва иқтисодиётининг глобаллашуви жуда кўп сабабларга кўра реал бўлиб қолади. Уларнинг орасида йирик давлатлар ва жуда кўп мамлакатларнинг сиёсий раҳбарлари ўз фаолиятларида ҳозирги замон илм-фанининг энг янги ютуқларини бевосита инобатга олаётганлари энг муҳим омил бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат барпо этишдек конституциявий мақсад тўғридан-тўғри мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан боғлиқлигини бот-бот таъкидлаб турибди. Шунинг учун ҳам «ўзбек модели» айнан ана шу йўналиши билан глобаллашув жараёнларига тез ва ҳўб мослашиши муқаррар, деган комил хулосага келиш табиийдир. Айти пайтда, бу комиллик жамият қурилишининг янги сифат босқичига ўтишда ҳал этувчи асос бўлиб хизмат қиладиган миллий тараққиёт ривожига кучли туртки бўлиши аниқ.

Эркинлаштириш имкониятлари ҳақидаги мушоҳадаларимиз сўнгида мамлакатимизда фуқаролик жамияти ривожланиши имкониятларининг муаммоларига бевосита махсус тўхталишни лозим кўрамиз.

Маълумки, бозор иқтисодиёти ва фуқаролик жамияти негизларини хусусий ишлаб чиқаришга асосланган эркин тадбиркорлар белгилайди. Шунинг учун Ўзбекистон ва ўтиш босқичидаги бошқа давлатларнинг мулкчилик муносабатларини ўзгартириш билан боғлиқ устувор сиёсатларига алоҳида эътиборни қаратаётганлари табиий ҳолдир. Айнан ана шу масалани демократик ҳал этиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, янги жамият, янги иқтисодий муносабатлар пойдеворига дастлабки ғишт бўлиб хизмат қилади.

Бозор ислохотларининг дастлабки йилларидаёқ, Ўзбекистонда мулкка муносабатни ўзгартириш ва мулкдорлар синфини шакллантиришнинг ҳуқуқий базаси яратилди. Ҳуқуқий база бўлиб Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, мулк тўғрисидаги, ер тўғрисидаги, тадбиркорлик тўғрисидаги, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунлар хизмат қилади, хизмат қилмоқда. Ана шу қонунчилик ҳужжатларига асосан республикада хусусий мулк ҳуқуқи яна бир бор тан олинди.

Мулкдорлар синфи бир пайтнинг ўзида икки йўл билан шаклланади. **Биринчи йўл** — давлат мулкчини хусусийлаштириш, жамоа хўжаликлари ва истеъмол кооперацияси тузимини ислоҳ қилиш. **Иккинчи йўл** — кичик ва ўрта бизнеснинг давлат томонидан рағбатлантирилиши.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистонда мулккий муносабатларни ўзгартириш 1992 йилдаёқ, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Давлат дастури қабул қилинганиданоқ бошланган эди.

2001 йил 1 январгача 1,2 миллиондан ортиқ давлат уй-жойлари, 130 мингга яқин давлат корхоналари ва объектлари хусусийлаштирилди. 77 та давлат корхонаси негизда мулкчиликнинг турли шаклларидадан иборат 51 мингта корхоналар ташкил этилди.

1866 та жамоа хўжалиги қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар)га айлантирилди.

Хусусийлаштириш жараёнига республиканинг миллион-миллион фуқаролари жалб қилинди. Натижада қуйидагилар мулк соҳибига айланди:

— 1,14 миллион киши акционерлик жамиятларининг акциядорларига айланишди;

— масъулияти чекланган ва кооперативлар (қишлоқ хўжалик кооперативлари, кичик ҳамда ўрта корхоналардан ташқари) устав жамғармаларидаги пайчилар ҳиссаси 100 мингдан ортиқ кишини ташкил этди;

— қишлоқ хўжалик кооперативларида 1,4 млн. киши пайчига айланди.

Бундан ташқари республиканинг ўн минглаб фуқаролари хусусийлаштириш туфайли унчалик катта бўлмаган савдо, хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш ва иқтисодийнинг бошқа корхоналари мулкдорларига айланишди. Айни пайтда, давлатнинг бевосита ёрдамида янги-янги хусусий кичик ва ўрта корхоналар, мулкчиликнинг турли шакллари асосланган жамиятлар, кооперативлар, фермерлик ҳамда деҳқон хўжаликлари ташкил этилди. 2001 йил 1 июлигача бўлган маълумотларга кўра, қайд этилган соҳалардаги мулк сони қуйидагича:

— 189,5 мингта кичик ва ўрта корхоналар;

— 49,6 мингта фермер хўжаликлари;

— 1,8 млн. деҳқон хўжаликлари.

Шунингдек, хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи 183,5 минг республика фуқаросини мулкдорлар синфига киритиш мумкин.

И.А.Каримов 2003 йил февраль ойида 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги нутқида қайд этганидек, «2002 йилда 38 мингта яқин микрофирма, кичик ва ўрта корхона тузилиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони 240 мингтага етди.

Тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан қарийб 370 мингта янги иш ўринлари очилди. Бу прогноз кўрсаткичларидан бир ярим баробар кўп.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 73,3%, саноат маҳсулотларининг 71,4%, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, чакана савдо ва аҳолига пулли хизмат кўрсатишнинг деярли ҳаммаси нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келмакда»¹.

¹ Қ а р а н г: Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси — мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. // Халқ сўзи, 2002 йил 18 февраль.

Шундай қилиб, тарихан ғоят қисқа даврда республикада 4,7 млн. фуқародан (2001 йил ҳисобида) иборат мулкдорлар синфи шаклланди. Республика иқтисодий фаол аҳолисининг ярмидан кўпи мулкдорга айланди. Биргина хусусий мулкка асосланган кичик ва ўрта бизнеснинг 2000 йил ҳисобидаги мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 31%ни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда — 11,3%, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда — 72,4%, чакана товар айирбошлашда — 44,4%, пулли хизмат кўрсатишдаги ҳиссаси 37,5%ни ташкил этди.

Иқтисодиётнинг устувор ривожланишида фақат мулкдорлар сонигина эмас, балки сифат таркиби ҳам муҳим. Ўзбекистон Йўлбошчиси қайд этганидек, биздаги мавжуд мулк, албатта, ўзининг аниқ соҳибига эга бўлиши шарт. Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий моҳияти ҳам айнан мулкни ҳақиқий эгасига топшириш, кенг тадбиркорлик фаолияти учун уларга имкониятлар яратиб беришдир.

Реал мулкдорга айланиш муайян юридик шахсга ёки жисмоний шахсга тегишли мулкка ва шу мулк келтираётган фойдага нисбатан куйидаги ҳуқуқларни беради: мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш, фойда кўриш, бошқариш ва мустақил фаолият юритиш. Мулкдор, наинки, аниқ, айна пайтда, сердаромад бўлиши шарт. Бу уни янада фаол изланишга, ташаббускорликка даъват этади, моддий-маънавий рағбатлантиради.

Кўплаб корхоналарнинг ўз самарадор соҳибларига эга бўлишига қаратилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари, айниқса, 2001 йил 9 мартда қабул қилинган «2001—2002 йилларда хорижий инвесторларни жалб қилиш асосида корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори тармоқ соҳалардаги 36 та акционерлик жамиятларининг (холдинг компаниялари ва 49 та корхонани тўлиқ ҳолда) 39% дан 49% гача йирик акциялари хорижий инвесторларга сотишни мўлжаллаган эди.

535 та корхонанинг 50% дан 100% гача акцияларини маҳаллий ва чет эллик инвесторларга эркин савдога чиқариш, шунингдек, мамлакат иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлмаган 622 та акционерлик жамиятларининг давлат акциялари хусусий мулкдор-

ларга сотиш режалаштирилган эди. Бу ишлар тўлиқ амалга оширилди.

Мазкур хусусийлаштириш дастури 1260 та корхоналарнинг чет эллик ва маҳаллий инвесторлар мулкига айланишига асос бўлади.

2002 йил мобайнида 2 мингга яқин давлат корхонаси ва объектлари ўз мулк шаклини ўзгартирди. Бу хусусийлаштириш дастурида кўзда тутилганидан бир ярим баробар кўп, демакдир.

Акционерлик жамиятларининг ўз соҳибларига эга бўлиши, юқоридаги қарорга кўра, жамғарма бозорида, жумладан, хорижий инвесторларга меҳнат жамоалари ва бошқа акция пакетларининг ҳиссасини камайтириш эвазига сотишга қаратилган ресурсларни кўпайтириш мақсади учун устав жамғармаларини инвентаризациялаш имконини берди.

Шу билан бир қаторда хусусийлаштириш йўли билан турли шаклдаги самарадор мулкдорларни шакллантириш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қиладиган механизмларнинг ишлаб чиқилишига сабаб бўлади. Бунинг учун корпоратив таркибларни бошқаришнинг, мулкдорлар ва бошқарув раҳбарияти ҳуқуқий саводхонлигини оширишнинг, акционерлик жамияти бошқаруви органларида унчалик кўп бўлмаган акция пакетларини ҳамкорликда ҳимоя қилиш механизмларини яратишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш лозим.

Ана шу мақсадда кейинги ярим йилликда ҳукуматнинг қатор қарорлари, Президент фармон ва фармойишлари қабул қилинди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи Кенгашининг фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши (2003 йил 24 январь) сингари ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ички бозорни хориждан келтириладиган сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш, уни маҳаллий ишлаб чиқариш товарлари билан тўлиқ таъминлаш, хусусий секторни жадал ўстиришни рағбатлантириш, мамлакат иқтисодиётида унинг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, хусусийлаштирилган корхоналарни

корпоратив бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланди.

Айни пайтда, муайян муаммолар ҳамон мавжудлигича қолмоқда. Жумладан, кичик ва ўрта бизнесни янада кенгайтириш мақсадида тизимнинг давлат томонидан бошқарилишини, иқтисодиётнинг мазкур соҳаси ривожланиш ҳолатига баҳо беришни янада такомиллаштириш лозим. Давлат бошқарувини кичик ва ўрта бизнес сони — миқдорига эмас, балки, асосан, улар ишлаб чиқараётган маҳсулот даражасига қаратиш керак. Шу билан бирга соҳани ривожлантиришга имтиёзлар бериш лозим (солиқни камайтириш, кредитлар бериш ва ҳ.к.).

Шунингдек, давлат тузилмалари ва маҳаллий ҳокимият органлари, улар тармоқларининг кичик ҳамда ўрта бизнес ривожини бошқариш, ишлаб чиқараётган маҳсулотлар миқдорининг ўсиши, сифатининг яхшиланишидан келиб чиққан ҳолда улар фаолиятини баҳолашга ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу муаммоларни ижобий ҳал этишнинг аниқ чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бу ҳақда И.А.Каримов 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган «Ислохотлар стратегияси мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир» маърузасида махсус тўхталди.

Мулқдорлар синфини тўлиқ шакллантириш сари ташланган қадам самарасида эркинлаштириш имкониятлари ва фуқаролик жамияти ривожини мужассамлашган.

VI б о б

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Ўз-ўзидан ботинан ривожланиш қонуниятига асосланган очиқ фуқаролик жамияти — демократик цивилизациянинг олий шаклидир.

Инсоннарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдан мақсад очиқ фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдир. Зотан, одил кучли жамият кучли давлат, яъни ҳуқуқий давлат негизидагина қурилади.

Ўзбекистон, Ислом Каримов сиёсий фалсафасининг навбатдаги кашфиёти ўлароқ, ўз истиқлол йўли ва тараққиётининг ҳозирги сифат босқичида замон ҳамда олий мақсад талабларига тўлиқ жавоб берадиган, пухта ўйланган, шу кун ўртага қўяётган шарт ҳамда талаблар ўлароқ, олинган аниқ-равшан дастурини ишлаб чиқди.

Ислом Каримов сиёсий ва ҳуқуқий таълимотининг ўзига хос мажмуи — квинтэссенцияси ҳисобланган Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг етти мақсад-вазифадан иборат йўналишлари белгилаб олиниб, уларни ҳаётда жорий этишнинг аниқ механизмлари инкишоф этилди. Натижада жамиятимизни демократлаштириш ва эркинлаштириш — янгилаш йўлининг янги ғоялар захирасидан иборат яхлит дастури яратилди¹.

Ислом Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қилган «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» маърузасида халқ ҳамда жамият интилаётган орзу-мақсадларни ўзида та-

¹ Қ а р а н г: Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. — Т.: Ўзбекистон, 2002.

жасум этган дастурнинг устувор негизларини етти мақсад-вазифа тимсолида аниқ белгилаб берди.

Хўш, бу устувор мақсад-вазифалар нималардан иборат? Уларни амалга ошириш йўллари-механизмлари қандай?

«Биз учун энг асосий, энг муҳим устувор мақсад — тенгсиз олий неъмат — мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолаверади», дея Ислом Каримов дастлабки вазифани белгилади.

Мустақиллик ўзбекистонлик учун олий неъмат. У осонликча қўлга киритилгани йўқ. Не-не улуғ фарзандларимиз унинг учун азиз жонини тикмади.

Мустақилликка эришиш бир саодат, лекин уни асраб-авайлаш, қадрига етиб, янада мустаҳкамлаш ўзгача саодат. Ана шу йўлда Ўзбекистон халқи ўз Йўлбошчиси раҳбарлигида, мана, ўн икки йилдирки, самарали хизмат қилмоқда.

Мустақиллик — ҳуқуқ, деган қараш таомилга айланди. Сабаб — истиқлол ҳаммамиз учун тақдир, қисматдир. Яъни ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш ҳуқуқи, келажагимизни ўз қўлимиз билан барпо этиш, юртимиз бойликларидан фақат халқимиз ва Ватанимиз манфаатлари йўлида фойдаланиш, демақдир.

Йўлбошчимиз сўзлари билан айтганда, «мустақиллик биз учун муқаддас маънавий қадриятлар ва миллий анъаналарга таянган ҳолда ва тарзда яшаш, ана шу бебаҳо меросни асраб-авайлаб, уни келгуси авлодларга янада бойитган ҳолда етказиш, демақдир».

Мустақиллик, айни пайтда, биздан зиммамизга олган халқаро мажбуриятларга риоя этиш ва уларни бажариш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми талабларига, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрларига қатъий амал қилиб яшаш масъулияти ҳамдир.

Узоқ-яқин қўшнилар билан самимий дўстлик, манфаатли ҳамкорлик асосида яшаш, цивилизация дунёсида ўзимизнинг бетакрор ўрнимизни мустаҳкамлаш, қонуний имиджимизни янада орттириш учун тинимсиз интилиш ва кураш айнан мустақиллик мақоми эканлигини унутмаслик лозим.

Дарвоқе, айнан ана шу стратегия мустақил давлатимизни сиёсий жиҳатдан ривожлантириш, иқтисодий ётти модернизация қилиш, жамиятни маънавий янги-

лаш борасида олиб бораётган барча ислохотларимизнинг мезонидир.

Хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимиз ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш — **иккинчи устувор йўналиш**, деб белгиланди.

Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ, хавфсизлик ва барқарорликни тўла таъминлаш орқали демократик тараққиётда изчил давом этишдек, бош мақсадни давлат сиёсатининг тақдириломон стратегик йўналишига айлантирди. Қониқиш билан айтиш мумкинки, бугун шундай мақсадга эришилди.

Хўш, ютуқ нималарда аниқ намоён бўлди?

Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида миллий хавфсизлик ва мамлакат барқарор ривожланишининг, сифат жиҳатидан ички ва ташқи мувозийлигини сақлаш ҳамда қўллаб-қувватлашнинг, минтақавий можароларнинг олдини олиш, дунёда сиёсий мувозанатни сақлаш, глобал хавфсизликни таъминлаш муаммолари ечимининг аниқ йўллари белгилаб берди.

Хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларнинг кучайишлари олдини олиш, уларни келтириб чиқарган манбаларни ўз вақтида аниқлаб, уларни зудлик билан бартараф этишда Ўзбекистон, биринчидан, хавфсизликнинг яхлитлигини, уни таъминлашда бутун дунёнинг яқдилу яктан бўлиши зарурлигини, зотан, хавфсизлик чегара билмас узлуксиз ҳолат, ҳадсиз-худудсизлиги ҳақиқатини тўла қўллаб-қувватлади.

Иккинчидан, умумхавфсизликка таҳдид, асосан, этник, диний ва минтақавий можаролар, мамлакат ичидаги сепаратизм, халқаро террорчилик воситасида рўй бераётганлиги ҳақиқатидан келиб чиққани ҳолда, Ислом Каримов 1993 йилдан бери бутун дунё давлатлари ва жамоатчилигини халқаро террорчиликнинг даҳшатли фожеий оқибатлари ҳақида огоҳлантириб келди. Лекин бу одил мурожаат ва чақирувга деярли ҳеч ким эътибор бермади.

2001 йил сентябрида АҚШда содир этилган террорчилик билан боғлиқ фожиалардан сўнг дунёда кўп нарсалар ўзгарди. Бир неча йиллар муқаддам халқаро террорчиликка қарши кураш билан боғлиқ Ислом Каримов позициясини одил баҳолаш мавруди келди. БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида (1993), кейинча-

лик қатор халқаро анжуманларда сўзга чиққан Ислон Каримов БМТнинг тинчликпарвар фаолияти самараларини камситмаган ҳолда, ушбу ташкилот ишида ўсиб бораётган беқарорлик, ижтимоий дезинтеграциянинг туб сабабларини тадқиқ этиш, уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, жаҳоннинг турли минтақаларида, энг аввало, Афғонистонда ривожланишнинг устуворлигини таъминлашни талаб қилди. Айни пайтда, глобал миқёсдаги ижтимоий муаммоларни самарали минтақавий механизмлар яратиш орқали ҳал этиш йўллари тавсия этилди. Ушбу гоё «**Минтақавий хавфсизликдан — глобал хавфсизлик сари**» мундарижада ифодасини топди.

Афғонистон теварагида мавжуд вазият, шунингдек, АҚШда рўй берган халқаро террорчиликка қарши курашда иштирок этишда давлатимиз позицияси билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Баёнотида (2001 йил 5 октябрь) бугун ҳамма учун битта ҳақиқат, яъни бутун инсониятга хавф солиб турувчи ёвузликни бартараф этишдек, ишдан бир одам ҳам, бирор мамлакат ҳам четда туриши мумкин эмаслиги таъкидланди. Айни шу боис Каримовнинг хушёрликка, огоҳликка даъвати барча учун том маънода тақдирломон даъват бўлди. Ўзбекистоннинг террорчиликка қарши курашда халқаро коалицияга қўшилгани сабаби ана шунда.

Ўзбекистон раҳбарининг тинчликсевар фаолияти минтақа давлатлари ўртасидаги аниқ ва прагматик ҳамкорлик доирасида яққол намоён бўлди. Жумладан, Душанбе ва Астанада ўтган «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти саммитларида Афғонистонда қуролсизланиш, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, маҳаллий ҳокимият органларини шакллантириш ҳамда миллий армияни тузиш билан боғлиқ кўплаб масалалар диққат марказида бўлди.

Ислон Каримовнинг хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдаги тинимсиз хизматларини жаҳон, ниҳоят, тан олди. У «**Халқаро миқёсдаги буюк давлат арбоби**», деган мукофот билан тақдирланди. Айнан шу хизматлари ўлароқ, Ислон Каримов Америкадаги Пью Рисерч Сентер мустақил тадқиқот маркази ўтказган сўров асосида жаҳон давлатлари раҳбарлари орасида энг юқори рейтингга эга бўлди. Сўровда иштирок этганларнинг 95% уни қўллаб-қувватлади (2002).

Мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимиз ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқаролар тинчлиги ҳамда осойишталигини таъминлашда («Огоҳ бўлинг, одамлар!») минтақавий можароларнинг олдини олиш, диний экстремизм ва фундаментализмга, буюк давлатчилик шовинизми ҳамда агрессив миллатпарастликка, этник ва миллатлараро зиддиятларга, коррупция ҳамда жиноятчиликка, маҳаллийпарастлик ва уруғ-аймоқчилик муносабатларига, халқаро террорчилик ва наркобизнесга қарши кураш ҳал қилувчи омиллардан бўлди.

Айни пайтда, барқарорликнинг шартлари-ю тараққиёт кафолатлари бўлган маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши, давлатчиликни шакллантириш ҳамда мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, демократик институтларни, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, бозор муносабатларининг қарор топиши, мулкдорлар синфининг шаклланиши, кучли ижтимоий сиёсат, аҳолининг ижтимоий фаоллигини орттириш, жугрофий-стратегик имкониятлар ва табиий хомашё ресурслари, инсон салоҳияти, ижтимоий ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилмаси, кенг қўламли ўзгаришлар, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик кафолатлари тақдириломон масалалар сифатида қаралди, қаралмоқда.

Хавфсизлик, барқарорлик, чегара дахлсизлиги, ҳудудий яхлитлик ҳимояси, фуқаролар тинчлиги ва осойишталиги мамлакатнинг собитқадамлик билан ривожланишга эришишининг, одамлар фаровонлиги, муносиб турмуш кечиршининг, жаҳон ҳамжамиятидаги тенглар ичра тенг ўрнимизнинг кафолати бўлмоқда. Ана шу кафолатда, айни пайтда, Қуrolли Кучларимизнинг ҳиссаси беназир. Шу сабаб миллий армия тизими ва таркибини ислоҳ қилиш, профессионал қуrolли Кучларни вужудга келтириш фавқулодда тақдириломон аҳамият касб этди.

Миллий Мудофаа доктринасига мувофиқ, Мудофаа вазирлиги ва Чегара қўшинлари бўлинмаларини, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг махсус қисмларини, шунингдек, бошқа идораларнинг ҳарбий тузилмаларини ўз ичига олган қуrolли Кучларимизни модернизация қилиш, амалга оширилиши мумкин жанговар операцияларнинг таркиби ва йўналиши, хусусияти ҳамда мазмунини, Марказий Осиёдаги ҳарбий ҳаракатлар майдонининг ўзига хос

жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, Қуролли Кучларга алоқадор давлат орган ва ташкилотларининг мақсад-вазифалари қайтадан кўриб чиқилиб, Бирлашган Штаб тузилди, юқори поғонада бўлинмалар, махсус операциялар ўтказувчи қисмлар шакллантирила бошланди. Ана шу тариқа миллий Қуролли Кучларни ташкил қилишнинг ўзимизга хос модели яратилиб, ҳаётга жорий этила бошланди.

Қуролли Кучларимиз ислоҳоти ўлароқ, шартнома асосидаги ҳарбий хизматни ташкил этиш, профессионал армия тузиш, мавжуд «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги ҳамда «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонунларни мутлақо қайтадан кўриб чиқиш, янги қонунлар қабул қилиш, муқобил хизматга ўтиш, Қуролли Кучлар захираси, яъни резервчилар институтини ташкил этиш билан боғлиқ концепцияларни ишлаб чиқишдек мақсадлар ойдинлаштириб олинди.

Муҳими — Қуролли Кучларимизда туб ялпи ислоҳотлар бошлаб юборилди. Бу мамлакатимиз мудофаа қудратини, демак, чегара ҳудудларимизни янада мустаҳкамлашга, жамиятда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Иқтисодиёт демократияси бўлмиш бозор билан боғлиқ ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини тезроқ жорий этиш — **учинчи устувор йўналиш**, деб топилди.

Барқарор иқтисодиёт, энг аввало, жамиятдаги ялпи демократик ўзгаришларнинг асосий боғловчи бўғини сифатида иқтисодиётни эркинлаштириш маҳсулидир.

Иқтисодиёт соҳасини янада эркинлаштириш, биринчи навбатда, давлатнинг бошқарув ролини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларининг иқтисодий эркинликларини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Шу ишлар амалга оширилмас экан, иқтисодиёт ҳеч қачон эркин бўлиб, ўзининг қудратли инфратузилмасини ярата олмайди.

Маълумки, кўп укладли иқтисодиётни барпо этишда давлат ҳал қилувчи роль ўйнайди. Гап ўтиш босқи-

чидек мураккаб шароитда иқтисодиётнинг давлат томонидан самарали бошқаруви ҳақида кетмоқда.

Эркин иқтисодиёт, энг аввало, макроиқтисодий барқарорликка, барқарор иқтисодий ўсишни, ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсишини таъминлаш учун яратиб берилган шароитга боғлиқ.

Ялпи ички маҳсулот ва саноат ишлаб чиқариши аниқ таъминланган шароитда макроиқтисодий барқарорлик мамлакатнинг кейинги йиллардаги иқтисодий ривожланишига бош омил бўлди. Ўзбекистонда ҳар йили ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 4—5%га ошиб бормоқда. Товар айирбошлаш, гарчи кейинги йилларда ўзбек экспорт маҳсулотларига жаҳон бозорида нарх қарийб икки бараварга пасайган бўлса-да, 12,5 мартага ўсди.

Самарали пул-кредит сиёсати, давлат бюджети камомадининг қисқаргани, солиқ ислоҳоти, давлат бюджетидаги кирим фойдасининг мустаҳкамлангани давлат бюджетидаги камомад устидан назоратни кучайтирди. Эришилган ютуқлар амалга оширилган ўзгаришларнинг изчиллиги ва тадрижийлиги, молиявий мувофиқлаштириш вазифаларини таркибий ҳамда ижтимоий сиёсат вазифалари билан ўзаро уйғунлиги самарасидир.

Эркин иқтисодиёт таркибий ўзгаришларни, асосий соҳалар ислоҳотларини чуқурлаштириш, кўпукладли иқтисодиётни юзага келтириш ва рақобат муҳитини рағбатлантиришни тақозо этади. Бунинг учун, аввало, мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, зарур сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи янги-янги давлат, жамоа, акционерлик, хусусий мулк шаклларига асосланган корхоналар ҳисобида хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш лозим.

Ўзбекистон давлат мулкни хусусийлаштириш билан боғлиқ нормалару тамойиллар асосида бепул ваучер (чек) приватизациясидан воз кечди. Кучли ижтимоий ҳимоя кафолати ўлароқ, давлат ўз мулкнинг бир қисмини сотиб олишда фуқароларга тенг ҳуқуқлар бериш, хусусийлаштириладиган корхона меҳнат жамомадининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, хусусийлаштиришни босқичма-босқич амалга ошириш йўлидан боряпти.

Хусусийлаштиришнинг бошланган ҳозирги учинчи босқичи мамлакат иқтисодий салоҳиятини таъминловчи йирик корхоналарни оммавий ялпи хусусийлашти-

ришдан индивидуал хусусийлаштиришга ўтганлиги, шунингдек, давлат объектларини хусусийлаштиришда хорижий сармоядорларни кенг жалб этиш ташаббуси билан характерланади.

Ҳокимият ушбу мураккаб ишнинг ижобий самаралар бериши муқаррарлигига ишонган ҳолда, уни чуқур ўйлаб, амалга оширишга киришди. Бундан ташқари давлатимиз ички бозор манфаатларини ҳам кўзламоқда. Ички бозор хусусида кейинги ойларда қатор фармонлар ва қарорлар қабул қилинди, қилинмоқда. Уларда истеъмолчилар ҳуқуқи ҳимояси билан бир қаторда мамлакат ички бозори учун маҳсулот чиқарувчи корхоналар манфаатлари ҳам инобатга олинмоқда. Шундай қилиб, давлат ўз саноатини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратмоқда.

Эркин иқтисодиёт, энг аввало, давлатнинг корхоналарнинг ҳўжалик юритиш фаолиятига таъсирини чеклашни талаб қилмоқда. Давлат мулк ўз эгасини топиши учун кафилга айланмоқда. Зотан, қизгин кечаётган иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳияти мулкни ҳақиқий эгасига топшириш, мулкдорларга тадбиркорлик билан шуғулланишга имкониятлар яратиб беришдадир.

Гап мулк эгасини сунъий алмаштириш устида эмас, балки том маънодаги ишбилармон — ўз бойликларини янада кўпайтиришга қодир тадбиркор хусусида кетяпти.

Иқтисодиёт соҳасидаги янги ташаббуслар, энг аввало, одамларда мулкдорлик кўникмасини шакллантиришга қаратилган. Ҳақиқий мулк эгасигина мулкдор ҳисобланади, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда етакчиликка, демак, кўпроқ фойда олишга муваффақ бўлади.

Мамлакат иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорликнинг ҳиссаси ортиб бормоқда. Ҳозир бизнеснинг мазкур секторида аҳолининг 55% банд. Янгидан иш бошловчи тадбиркорлар учун барча шароит ва имкониятлар яратиб берилган. Жумладан, ҳам кредит берадиган ва ҳам иш юритишни ўргатадиган бизнес-инкубаторлар самарали ишламоқда.

Ҳозир мавжуд 220 минг кичик ва ўрта корхоналарнинг (2001 йил биринчи ярмининг ўзидаёқ 26 мингта кичик ва ўрта корхоналар рўйхатга олинди) ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33% ни, жумладан, саноатда — 14,1%, қурилиш-пудрат ишларида — 36,8%, хусусий

савдода — 45,8%, қишлоқ хўжалигида — 75,6% ни ташкил этди. Агар 1991 йилда саноатда нодавлат тизимининг ҳиссаси 10% ни, қишлоқ хўжалигида — 66%ни, қурилиш-пудрат ишларида — 7,6% ни, пуллик хизмат соҳасида — 14% ни, чакана савдо айланмасида — 52,5%ни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда саноатда — 70,8% ни, аграр соҳада — 99% ни, қурилиш-пудрат ишларида — 84,8% ни, чакана савдо айланмасида — 97,3% ни, пуллик хизматда — 59,4%ни ташкил этади.

Ҳозир 62 минг фермер, 3 миллиондан ортиқ деҳқон хўжаликлари мавжуд бўлиб, улар ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 63%ни ишлаб чиқаришмоқда.

Бундан кейин ҳукумат деҳқонлар билан корхоналарга ўзлари етиштирган пахтанинг ярмини эркин бозор нархларида сотиш режаларини ишлаб чиқмоқда.

Бозор муносабатлари ривож иўжалик субъектларига хизмат қилувчи кучли бозор инфратузилмаларини яратиш заруратини юзага келтирди.

Эркин иқтисодиёт хорижий сармоядорларни жалб қиладиган хусусий суғурта компанияларини ривожлантиришни (2002 йилда суғурта идоралари мамлакат иқтисодиётига 40 млрд сўмдан ортиқ инвестиция қилди), қимматли қоғозлар бозорини, кўтара савдо тизимини ислоҳ қилиш, аудитор хизмати бозорини, меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантиришни талаб қилади.

Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта бозорини янада эркинлаштириш, конвертацияни йўлга қўйиш, миллий валюта курсини янада мустақкамлаш Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда кенг иқтисодий интеграциялашувини таъминлаб, мамлакатимизнинг жаҳон савдо ташкилотига (ВТО) аъзо бўлишига кафил бўлади.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг институционал асослари яратилиб, инфратузилмаси ривожлана бошлади, ушбу алоқаларни эркинлаштириш сиёсати узвий амалга оширилмоқда, экспорт рағбатлантирилмоқда, ташқи савдонинг таркиби такомиллашиб, фаолияти серсамар бўлмоқда, халқаро молия ва иқтисодиёт ташкилотлари билан ўзаро манфаатдорлик ҳамкорлиги мустақкамланмоқда, экспорт қилувчиларга имтиёзли солиқлар жорий этилди.

Ўзбекистонга ташриф буюрган халқаро экспертлар давлатимиз ташқи иқтисодий алоқаларда халқаро меъёрлар талабларига қатъий риоя қилишаётганини эътироф этишмоқда. Халқаро валюта фонди (ХВФ) миссия-

си ҳам Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотлар, жумладан, молия соҳасида жиддий ютуқларга эришганлигини таъкидлашди.

2002 йил февраль ойида ХВФ билан Ўзбекистон ҳукумати ўртасида Меморандум имзоланган эди. Меморандумда кўзда тутилган аниқ шарт ва мажбуриятлар Ўзбекистонда тўлиқ бажарилди. Жумладан, конвертация муаммоси ҳал этилди.

Булар барчаси хорижий инвестициялар, авваламбор, хусусий сармоядорлар учун зарур инвестиция муҳитини яратиб, кафолатини бериб, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни таъминлаб, экспортни оширмоқда, айти пайтда, ички бозорнинг ўзида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига асос бўлмоқда. Ўтган йилларда инвестиция 12 млрддан ортиқ АҚШ доллари миқдорида амалга оширилди. Бугунги кунда Ўзбекистон 140 мамлакат билан савдо алоқалари ўрнатди.

Ички ва хорижий инвестиция, асосан, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларига жалб қилинмоқда. Бу иқтисодиётимизни янгилашга, олтин-валюта заҳираларимизнинг барқарор ўсишига, Ўзбекистонни жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишига шароит яратади.

Ўзбекистоннинг 2003—2005 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури ишлаб чиқилиб, уни амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди.

Инвестиция дастури қуйидаги вазифаларни ҳал этишни кўзда тутган:

— республика саноати имкониятларини ривожлантиришга қаратилган ишлаб чиқариш объектларини модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнларини такомиллаштириш;

— маҳаллий хомашё ресурсларини қайта ишлаб, экспорт имкониятлари ошувини таъминловчи соҳаларга инвестицияларни жалб қилиш;

— кичик ва ўрта бизнеснинг тезкор ривожланишини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш;

бозор, транспорт ва телекоммуникация инфратузилмаларини янада ривожлантириш;

— биринчи навбатда, академик лицейлар, профессионал коллежлар, соғлиқни сақлаш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашга йўналтирилган ижтимоий соҳаларнинг моддий-техник базаларини ривожлантиришга қаратилган

давлатнинг мақсадли дастурини аниқ бажаришга эришиш.

Ушбу вазифалар амалга оширила бошланди. Дастлабки самаралар шундан далолат берянтики, Ўзбекистон барқарор иқтисодиётга эришишдек, бош мақсад сари амалий ишлар кўламини ошириб, аниқ натижаларга эриша бошлади.

Тўртинчи устувор йўналиш инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислохотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик таъминларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилиш.

«Ахборот соҳасини жадал ривожлантириш, — дейди И.А.Каримов, — оммавий ахборот воситалари — матбуот, радио, телевидение фаолиятини эркинлаштириш фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнининг узвий таркибий қисмига айланиши зарур.

Қисқа қилиб айганда, оммавий ахборот воситалари том маънода «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтарилмоғи лозим.

Шуни таъкидлаш керакки, бу йўналишда кўп иш қилинмоқда».

Ушбу ишлар кўлами бевосита оммавий ахборот воситаларининг конституциявий-ҳуқуқий асосларидан келиб чиқди. Асосий Қонуннинг 67-моддасида «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар.

Цензурага йўл қўйилмайди», деб қайд этилган.

Оммавий ахборот воситаларига бевосита дахлдор қонунларда ана шу конституциявий қоида асос қилиб олинган.

«Тўртинчи ҳокимият» мақомидаги ушбу соҳа ислохотлари қизғин давом этмоқда. Энг муҳими — мамлакатимиз миқёсида ўтказилаётган ялпи туб ислохотларнинг ўзагини айнан миллий менталитет демократиясига сафарбар ана шу соҳа ташкил этади. Дарҳақиқат, қайси йўналишда қандай устувор вазифалар белгиланмасин, борди-ю инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланмаган, сўз ва матбуот мустақиллиги йўлга қўйилмаган ҳамда ошкоралик ўрнатилмаган бўлса, пировард натижа йўқ деяверинг!

Жамиятнинг демократиялашгани оммавий ахборот воситаларида кўзгуда акс этганидек, кўзга ташланади.

Шу сабадан ҳам аксарият ҳолларда муайян давлат ҳаётининг эркинлашган ё эркинлашмаганига ўша мамлакатдаги ОАВ фаолиятдан келиб чиқиб баҳо берилди. Бунинг нотўғри жойи йўқ, албатта. Бироқ матбуотга сўз эркинлигини бериб қўйишнинг ўзи билан жамият эркинлашиб қолмайди (Демократик жамият қандай мураккаб тушунча эканлиги ҳақида юқорида қисман тўхталдик). Мисол тариқасида эсласак, Б. Ельцин даври Россия матбуоти эркинлик борасида дунёдаги унчамунча демократик давлатларни ортда қолдириб кетди. Лекин ОАВдаги эркинлик, демократик тамойиллар жамиятнинг барча қатламларида кузатилмади. Бошқача айтганда, «Сиз, матбуотчиларнинг вазифангиз — сафсата сотиш, биз билганимиздан қолмаймиз» қабилида иш тутиш мамлакатда кенг тус олди. Ана шундай қийин ва машаққатли шароитларда ҳам сўз ва фикр эркинлиги йўлида курашиш журналистлар ҳамда матбуот ходимлари учун бурч ва қисмат ҳисобланади. Жамиятнинг эркинлашуви журналист учунгина керак эмас, у жамиятнинг барча аъзолари учун ҳаётий зарурат! Журналист эса инсоннинг шахси — камоли, жамиятнинг равнақи учун демократия сув ва ҳаводек зарурлигини кўпроқ билади, бошқаларга қараганда чуқурроқ ҳис этади. Бошқа касб эгалларига нисбатан кўпроқ қувонади, шунга яраша кўпроқ қайғуради ҳам.

Журналист ўз касби табиатидан келиб чиқиб, жамият ўзгаришларининг олдинги сафида боришга мажбур. Бинобарин, у ҳушёрликни бой бермаслик учун ҳам тиним билмайди, оқни — қорадан, қорани — оқдан ажрата олиши, кенг омма дид-савиясидан ортда қолиб кетмаслиги, янаям муҳими, шу куннинг нафасини бутун вужуди билан ҳис этиб турмоғи ҳамда талаб даражасида ижод қилмоғи учун холислик, ошкоралик ва маҳорат талабларини уйғун ҳолда ўзида мужассам этишга уринади. Сўз ва фикр эркинлигини нечоғли қадрламасин, буюк француз шоири Жорж Байрон айтмоқчи, бир томчи сиёҳ минглаб-миллионлаб кишиларнинг онг-шуурида тўфон ясаб юборишга қодирлигини ҳам унутмайди.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги кейинги ойларда соҳада юз бераётган ўзгаришлардан келиб чиқиб, ўз тизими ходимлари ва бошқа ҳамкасблар иштирокида кўп кунлик ўқув анжуманини ташкил этди. Турли долзарб мавзуларда фикр алмашилди. Баҳс-мунозаралар қизиди. Уларга қулоқ солиб

ўтириб, бир савол кўнгилдан қайта-қайта кечди: бугунги кун журналистларимизнинг меҳнати оғирлашмаяптими ёки енгиллашмаяптими?

Енгиллашмаяпти. Чунки ҳаётбахш қонунлар кучга кираяпти, эмин-эркин ёзиш ҳуқуқи бериляпти.

Шу маънода оғирлашаяптики, журналистнинг кечаги кунга қадар тўплаган маънавий, касбий мероси, тажрибаси энди қизғин фаолият юритиши учун жуда камлик қилади. Давр журналистлар олдига жуда жиддий ва ўта масъулиятли вазифаларни кўндаланг қўймоқда. У жамиятни ва кишиларимизни ҳуқуқий-демократик қадриятлар руҳида тарбияламоғи, оммавий аҳборот воситалари фаолиятини янги талаблар асосида шакллантирмоғи керак. Бунинг учун эса, аввало, ўзи шахс сифатида ушбу талаблар даражасида янгиланмоғи, яъни ўз менталитетини янги сифатий миқёсларга кўтармоғи шарт. Шундагина Президент IX сессиядаги маърузасида катта умид боғлаб айтган мавқедаги — «ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлган, юртимиздаги ва чет эллардаги ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг мураккаб масалалари ва ҳақиқий ҳолатини чуқур тушуниш, таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлган малакали журналистлар»нинг кўплаб вакиллари етишиб чиқади.

Оммавий аҳборот воситаларини эркинлаштириш масалалари хусусида тўхталиб, Юртбошимиз сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислохотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни ҳаётга кенг жорий қилиш — жамиятимизни янада ривожлантириш ҳамда сифат жиҳатидан янгилаш борасидаги энг муҳим устувор йўналиш эканини таъкидлади.

Матбуот эркинлигини сўзда ёки қоғозда эмас, амалда таъминлашга, барча оммавий аҳборот воситаларига, мулки, шакли, тиражи, қамрови ҳамда мавзу йўналишидан қатъи назар, уларнинг мамлакатимиз аҳборот майдонида ҳалол рақобат асосида фаолият олиб бориши учун яқин келажакда давлат томонидан зарур шарт-шароит яратиб бериш, бу жабҳадаги қонунчилик асосларини янада мустаҳкамлаш лозим бўлади.

Президентимизнинг сўз ва матбуот эркинлигининг қонун билан тартибга солиш шарт бўлмаган ўзига хос жиҳатлари — одоб, шарм-ҳаё, фаросат, ғурур, бурч ва масъулият ҳақидаги, халқ, Ватан, мустақиллик манфаатлари тушунчалари мазмун-моҳияти хусусидаги фикрлари ҳам ғоят аҳамиятлидир. Илло, биз барча жаб-

ҳалар қатори сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш борасида ҳам умумэътироф этилган халқаро мезонлар билан ўзимизнинг кўпминг йиллик маданий-маънавий қадриятларимиз, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзи уйғунлигига таянамиз.

Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари фаолиятига дахлдор масалалар, айниқса, ҳамон амалиётда мавжуд муаммолар хусусида тўхталиб, Ўзбекистон матбуоти ҳамон эски тоталитар мафкура қолипларидан қутула олмаётгани, мафкуравий ҳамда маъмурий тазйиқлар остида ишлагани ўлароқ, бу ҳолатдан чиқишлари учун ўзларини эркин ҳис қилмаётганларини таъкидлади. Бундай руҳий стереотип оқибатида улар ҳамон нима қилиш ёхуд нима қилмаслик ҳақида юқоридан кўрсатма кутишдек иллатдан қутула олишмаяпти. Журналистларда, айниқса, муҳаррирларда масъуллик, ташаббус етишмаяпти. Ҳолбуки, Ўзбекистон матбуоти демократик матбуот ва унинг бу мақоми Конституция ҳамда махсус қонунлар билан аниқ белгилаб берилган. Ҳақиқий демократик матбуот эса, Ислом Каримов таъкидича, «кўрсатма асосида яшай олмайди ва яшаши ҳам мумкин эмас. Эркин матбуот реал вазият шароитида фаолият кўрсатиши, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг долзарб муаммоларини дадил кўтариб чиқиши, одамларни безовта қилаётган барча масалаларни жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этиши, ҳокимият ва бошқарув тузилмаларининг қабул қилаётган қарорлари ҳамда фаолиятига танқидий, шу билан бирга, ҳолис баҳо бериб бориши керак».

Демократик матбуот — профессионал журналистлар неъматидир. Афсуски, шундай таҳлилий-ақлий салоҳиятга эга билимдон, истеъдодли журналистларимиз кам. Шу сабаб демократик миллий оммавий ахборот воситалари ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлган, юртимиздаги ҳамда чет эллардаги ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг мураккаб масалалари ва ҳақиқий ҳолатини чуқур тушуниш, таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлган малакали журналистларга катта эҳтиёж сезилмоқда.

Демократик матбуот ва унинг эркинлигига ахборот соҳасида бозор муносабатлари ҳамда рақобатни ривожлантириш кафолат бўлиб ҳисобланади. Гарчи матбуотимиз, радио ва телевидениемиз иқтисодий шерикҳомийлар топиб, уларнинг молиявий кўмагида иқтисодий жиҳатдан ўзларини ўзлари таъминлаш йўлларини

излаб, эркин, мустақил фаолият кўрсатиш йўлида муайян натижаларга эришадиган бўлсалар-да, бу ҳамкорлик ҳамон оммавий тус олмаётганини таассуф билан эътироф этишга тўғри келади.

Шу ҳақиқатдан келиб чиққани ҳолда, Ислом Каримов «барча оммавий ахборот воситаларига, мулк шакли, тиражи, қамрови ҳамда мавзу йўналишидан қатъи назар, уларнинг мамлакатимиз ахборот майдонида ҳалол рақобат асосида фаолият олиб бориши учун давлат зарур шарт-шароитларни яратиб бериши лозим. Айтиш мумкинки, бу — жамиятни том маънода демократлаштириш гаровидир.

Уйлайманки, «Оммавий ахборот воситалари соҳасида иқтисодий муносабатларнинг асослари тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш масаласини кўриб чиқиш вақти етди.

Бу қонун, бошқа кўпгина масалаларни ечиш билан бирга, мустақил нашрларни айрим эскича фикрлайдиган мансабдор ва амалдорлар, табиий монополиялар, ҳомийлар ва реклама берувчилар, матбуот тарқатувчилар, ноширлар ва бошқаларнинг таъсиридан самарали ҳимоя қилган бўлур эди».

Радио ва телевидение фаолиятида кўплаб ижодий ўзгаришлар рўй бераётганлигига кун сайин ҳамма гувоҳ бўляпти. Лекин радио эшиттириш ва телекўрсатувлар мавзулари, жанрий ифодалари, демак, мазмун-мундарижаларида демократик эркин ахборот воситаларига хос бўлган жиддий ижодий изланишлар ҳамisha ҳам кўзга яққол ташланмаяпти. Радиода ҳам, телевидениеда ҳам умумжурналистик тажрибамизга хос типик камчиликлар қалашиб ётибди. Бунинг сабаблари кўп. Лекин улардан бири, шубҳасиз, «Телерадио фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг ҳануз йўқлиги, деб айтса бўлади. Президентимиз И.А.Каримов Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги дастурий нутқида қайд этганидек, мазкур қонунни қабул қилиш «оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини тубдан мустаҳкамлашга» хизмат қилиши муқаррар.

Шу ўринда юқорида таъкидланган устувор мақсад билан боғлиқ вазифалардан ҳисобланган очиқ жамиятга хос ошкораликни таъминлаш, жамоатчилик фикрини ўрганиш усул-услугларини такомиллаштириш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Сабаб — шакллантириладиган фуқаролик жамиятининг ҳолатини фақат ва фақат жамоатчилик фикрини узлуксиз ўрганиб,

натижаларини умумлаштирган ҳолда, ижтимоий ҳаётнинг у ёхуд бу соҳалари билан боғлиқ муаммоларни билиш, тезроқ ҳамда ҳуброқ улар ечимини топиш орқали мавжуд ижтимоий иллатларни газак олишига йўл қўймай, дарҳол «даволаш» имкони юзага келади. Президентимизнинг тўғри хулосаларига кўра, жамоатчилик фикрини ўрганиш, уни шакллантириш яхши йўлга қўйилиши сиёсий ҳаётимизнинг доимий белгисига айланиши лозим. Ҳозирча ОАВ бу доимий белгига айланиб улгурганича йўқ.

Ислоҳ Каримов нутқида тўртинчи мақсад — вазифа билан боғлиқ яна бир масала — жамиятда теран сиёсий маданиятни юксалтириш аҳоли сиёсий фаоллигини янада ошириш, унинг сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида онгли фаол иштирок этишини тўла таъминлаш фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, демократик янгилашни жараёнларини мақсадли тезлаштиришнинг муҳим омили, деб айтилди.

Демократик институтлар тизимида сиёсий партияларнинг ўрни ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир. Улар маълум ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ҳокимият томонидан тўла қондира олинмаслиги оқибатида келиб чиқади ва ана шу манфаатлар омили асосида аҳолининг маълум қисмини ўз атрофига уюштириб, ҳокимиятни қўлга олиш ҳамда давлатни идора қилишни мақсад қилади.

Сиёсий партиялар жамоат ташкилотининг муҳим тармоғини ташкил қилади. Унинг жамоат ташкилоти сифатидаги кўриниши маълум кишилардан иборат ижтимоий гуруҳни ихтиёрийлик асосида ўз атрофига бирлаштиришда ифодасини топади.

Аммо унинг бошқа нодавлат ва жамоат ташкилотларидан кескин фарқ қилувчи жиҳати ҳам мавжуд. Бу унинг сиёсий мақсадларни амалга ошириш, яъни сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш учун фаолият кўрса тиши билан боғлиқдир.

Бинобарин, сиёсий партиялар жамоат ташкилотлари ичида ҳокимиятга самарали таъсир ўткази оладиган куч ҳисобланади. Шу маънода ҳам улар давлат ва жамият ҳаётида ҳокимиятни тақсимлашнинг муҳим омили сифатида намоён бўлади. Сиёсий партиялар ҳокимиятни қўлга киритиш учун кураш олиб боришлари билан ҳокимиятнинг доимо сергак бўлиши, жамият ҳаётида мавжуд муаммоларни илғаб олиши ва уларни ҳал қилиш имкониятларини излаб топишига «мажбур»

қилиб турадиган кучдир. Унинг бу фаолияти жамият ҳаётида амалий аҳамиятга эга бўлган иккита вазифани ҳал этишда етакчилик қилади:

Биринчидан, ҳокимият билан халқ ўртасида воситачилик қилади. Халқни ҳокимиятга яқинлаштиради ва уни бошқаришда фаол иштирок қилишини таъминлашда қатнашади;

иккинчидан, сиёсий партиялар ҳокимиятнинг жамиятни ривожлантиришда мўлжаллаган стратегик вазифаларига ўзларининг мустақил муқобил режаларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш учун кураш олиб боришлари билан ҳокимиятнинг ривожланишига ҳамда такомиллашувига ёрдам кўрсатади. Албатта, улар ўз муқобил режаларини парламентдаги фракциялари орқали амалга оширадилар.

Сиёсий партияларнинг ҳокимият учун кураши жамиятда беқарорлик ва парокандаликни келтириб чиқаришга қаратилмаслиги лозим. Худди мана шу мезон сиёсий партияларнинг ҳокимият учун олиб борадиган курашлардаги маданияти салоҳиятини белгилаб беради. Улар ўз мақсадларини парламентга бўладиган сайловлар пайтида энг кўп мандатларни қўлга киритиш ва сайловлардан кейин эса парламентдаги ўзларининг фракциялари фаолиятлари орқали амалга оширадилар. Сиёсий партияларнинг бундай фаолият кўрсатиши жамият ҳаётида барқарорликни таъминлашга хизмат қилади ва мавжуд муаммоларни ҳал қилишда ҳокимият билан ҳамкорлик қилиш вазиятини вужудга келтиради.

Сиёсий партияларни фаоллаштирадиган куч унга уюшган ижтимоий гуруҳлар ҳисобланади. Уларнинг сиёсий етуклиги жамият ҳаётида мавжуд муаммоларни ўз вақтида илғаб олиш ва уни ҳал этиш учун имконият яратиб туради. Шу маънода жамият ва давлат ҳаётида ҳокимиятга самарали таъсир ўтказа оладиган кучлар тизимида сиёсий партиялар етакчилик қиладилар. Улар ўзларининг ана шу имкониятлари билан демократик жараёнлар ривожланишида ижобий роль ўйнаб турадилар.

Шунга қарамай, Президент таъкидлаганларидек, мавжуд сиёсий партия, ҳаракатлар ҳозирги заиф ва мўрт ҳолатдан чиқиб, ўз фаолиятини жонлантириши, тараққий топган демократик давлатлар тажрибаси асосида юртимизда ҳақиқий кўппартиявийлик, демократик парламентаризм тизими, ижобий сиёсий рақобат

муҳитини қарор топтиришга ва жамиятимиз сиёсий майдонида тан олинган соғлом муҳолифат пайдо бўлишига ҳисса қўшиши лозим.

Олий Мажлисни икки палатали қилиб ташкил этиш, қуйи палатага, асосан, партиялар томонидан тақдим этиладиган рўйхатлар бўйича сайлов ўтказиш жамиятимизни сиёсий жиҳатдан фаоллаштиришга кучли туртки беради. Сайловлар тўғрисидаги қонуннинг қоидаларини қайтадан кўриб чиқиш ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Бешинчи устувор мақсад-вазифа «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» сиёсий қурилиш дастурини ҳаётга жорий этишга сафарбар нодавлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини кескин оширишдир.

Мақсад — ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказа бориш.

Маълумки, нодавлат ва нотижорат жамоат ташкилотларига давлатга қарашли бўлмаган, аммо маълум қонунлар ёки меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган тартиб-қоидаларга бўйсунган ҳолда фаолият кўрсатадиган ташкилотлар киради. (Ҳозирги пайтда мамлакатимизда, жумладан, 3 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда). Улар ўз мақсадлари ва мақомларига қараб бир неча гуруҳларга бўлинадилар. Жумладан, касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари, маҳалла кўмиталари, хотин-қизлар кўмиталари, турли жамғармалар, ҳукуматга қарашли бўлмаган ҳуқуқни ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, зиёли ижодкорлар (ёзувчилар, рассомлар, бастакорлар, архитекторлар, файласуфлар жамияти ва ҳоказо), миллий маданий марказлар, халқаро жамғармалар ва бошқа бир қатор ташкилотлардир.

Бу ташкилотлар давлат томонидан маблағ олмасдан фуқаролар, ёшлар, зиёли ижодкорларнинг фаоллигига таянган ҳолда, ихтиёрий равишда уюшишлари асосида вужудга келади. Аммо уларнинг айримлари дастлабки пайтларда давлат томонидан маблағ билан таъминланиши ҳам мумкин. Чунки улар, бир томондан, ҳокимият учун курашишни мақсад қилмайдилар, балки давлат фаолиятини барқарорлаштиришда фуқароларнинг манфаатларини, хусусан, уларнинг моддий шароитларини яхшилаш, дам олиш, соғлиқларини тиклаш

хуқуқларининг таъминланиши ва бошқа бир қатор ижтимоий муаммоларни яхшилашда ҳокимият билан ҳамкорлик қиладилар. Яна ҳам аниқрори, ана шу масалаларнинг ижобий ҳал этилишида ҳокимиятга ўз таъсирларини ўтказиб борадилар. Иккинчидан, ҳокимият учун кураш олиб бормаслик, фуқароларни уюштириш, жамиятда барқарор тараққиётга эришиш ва уларнинг моддий шароитларини яхшилаш кабилар улар фаолиятининг бош тамойили бўлганлиги учун ҳам ҳокимият нодавлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишга ҳаракат қилди. Учинчидан, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг аҳоли ўртасида амалга ошириладиган фаолияти ҳокимиятни «заифлаштиришга» олиб келмайди, балки бир қатор ҳокимият функцияларини босқичма-босқич уларга ўтказиб бориши омма билан ҳокимиятнинг ўзаро яқинлашишига ижобий таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, ҳокимият нодавлат ва жамоат ташкилотларига нафақат «ҳокимиятни» беради, шунингдек, демократик жараёнлар ривожланиши ҳамда жамиятни тараққий эттиришда улар зиммасига масъулият ҳам юклайди.

Худди ана шунинг учун ҳам мамлакатда демократик жараёнлар ривожланишининг орқада қолишида ҳокимият эмас, балки кўпроқ нодавлат ва жамоат ташкилотлари айбдор бўлиб қолаверади. Агар ҳокимият ўзининг бир қатор функцияларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига ўтказиб боришда сусткашлик қилган шароитда улар фаоллик кўрсатишлари тақозо қилинади. Чунки ҳокимиятнинг фуқаролар тинчлиги, хавфсизлигини таъминлаш, жамият тараққиётида масъул эканлиги унинг ҳар доим бошқарув жиловини ўзида ушлаб туришга мажбур этади.

Тўртинчидан, гарчанд нодавлат ва жамоат ташкилотлари ҳокимиятни қўлга киритишни мақсад қилмасалар ҳам, уларнинг аҳолининг моддий фаровонлигини ошириш, маънавий савиясини кўтариш учун олиб борадиган фаолиятлари аҳолини уюштириш, фаоллаштириш ва сиёсий онгининг ўсиб боришида фаол иштирок этадилар. Бу, ўз навбатида, демократик жараёнлар ривожланишида амалий аҳамиятга эга бўлиб боради.

Хўш, демократия нима? У аслида керакми? Демократия содда қилиб айтганда, халқ ҳокимияти, халқнинг ҳокимиятни бошқаришда иштирок этиши эса унинг фуқаролар устидан «хукмронлик» қилиши функ-

циясини чеклайди ва икки томоннинг жамият тараққиётидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаб боради. Аслида «ҳокимият» ҳокимият учун эмас, балки омма манфаатларини таъминлаш учун керак бўлади.

Лекин ҳали инсоният фуқароларнинг эркин, фаровон яшашини таъминлашда демократик қадриятлардан бошқа биронта механизмни кашф қилганича йўқ.

Тараққий этган мамлакатларнинг тажрибаларидан кўриниб турибдики, демократик жараёнлар қанчалик кенг ривожланган бўлса, фуқароларнинг ҳокимиятни бошқаришда иштироки максимал таъминланган бўлгани шароитидагина мамлакат ривожланади, фуқаролар эркинлиги ва фаровонлиги ҳам шу даражада кафолатланиб бораверади. Шунинг учун у фуқаролик жамиятидагина хос асос-белги — умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилган.

Демократик жараёнлар ривожланиши мураккаб кечади. Унинг энг камида **учта сабаби** мавжуд.

Биринчидан, ҳокимият табиатидаги жамият ва фуқароларни бошқариш унга ўз таъсирини ўтказишга, аниқроғи, ҳукмронлик қилишга мойиллиги билан боғлиқ. У қандай объектив ва субъектив омиллар билан боғлиқ бўлмасин, ўзининг ҳукмронлик қилишга бўлган имкониятини сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Шунинг учун у ўзининг, ҳатто, энг кичик функциясини нодавлат ёки жамоат ташкилотларига «ол энди, сен бошқар», деб осонликча бериб қўявермайди. Балки жамият ҳаётида уни «мажбур» этадиган вазият ва имкониятлар юзага келган шароитларда ўзининг айрим функцияларини бериши мумкин. Бундай ҳолатда ҳам жамият ҳаётида ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳаларда бўладиган ўзгаришларда ташаббускорликни сақлаб қолиш, ўзининг «мен»лигини кўрсатишга мойиллигидан воз кечмайди.

Иккинчидан, нодавлат ва жамоат ташкилотлари фуқароларнинг ташаббуси ҳамда уюшиши натижасида вужудга келган бўлса ҳам, ҳокимият томонидан бериладиган функцияларни қисқа вақт ичида бошқариб кетолмайди. Чунки у ҳали бошқарув тажрибасига эга бўлмаганлиги сабабли ҳокимиятдан мустақил равишда фаолият кўрсатишда иккиланиш ва ишончсизлик билан қарашдан қутила олмайди. Уларнинг сақланиб қолиши эса нодавлат ва жамоат ташкилотларнинг фуқароларга «суяниб» фаолият кўрсатишига сабаб бўлади. Худди мана шу «суяниш»нинг узоқ давом этиши ҳоки-

мият ичида ҳокимият шаклланиш хавфини юзага келтиради. Бу жараён нодавлат ва жамоат ташкилотларининг фуқаролар эътиборидан қолиб кетишига сабаб бўлади. Оқибатда демократиянинг номинал кўриниши-ни юзага келтиради.

Учинчидан, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онг ҳамда маданияти юксалиши учун давлат қанчалик тадбирлар ўтказмасин ёки ҳуқуқий база яратмасин, барибир, уни давлатдан кўра тўртинчи ҳокимият, нодавлат ва жамоат ташкилотлари бу борадаги ташаббускорликни ўз қўлига олмас экан, қўтилган натижага эришиб бўлмайди. Ҳокимиятнинг бу йўналишидаги ва умуман, демократик жараёнлар ривожланишидаги асосий вазифаси ҳуқуқий база яратиш, қонунлар ижроси устидан назорат ўрнатиш, имконият кўламини босқичма-босқич кенгайтириб бориш, улардан унумли фойдаланган ҳолда, демократик кадриятларни шакллантириб бориш тўртинчи ҳокимият, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг вазифасига киради.

Жамият ҳаётида нодавлат, жамоат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш органларининг қонуний ўрни, авваламбор, давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи галда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш лозим. Шу ўринда савол туғилиши мумкин: бундай вазиятда давлат тизимининг роли нимадан иборат бўлади?

Бу масалада давлатнинг роли, аввало, иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги устувор йўналишларни аниқлашга, қабул қилинган қонунлар ва ҳуқуқий нормаларнинг барча томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлашга, ташаббус ҳамда тадбиркорликни рағбатлантиришга, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобат муҳитини қарор топтириш учун зарур ва ҳаммага баробар бўлган шарт-шароитлар яратишга қаратмоғи лозим.

Бешинчи йўналиш жамиятда «Адолат-қонун устуворлигида», тамойилининг қатъий амал қилиши учун шароит юзага келтириш мақсадини ҳам қамраб олади.

Амир Темур ҳазратларининг «Куч — адолатда», деган ҳикматли сўзлари барчага маълум. Президентимиз Ислом Каримов бу пурмаъно нақлни янада ривожлантириб, «Адолат — қонун устуворлигида», деб таъкидлар экан, худди шу умуминсоний демократик тамойилга қатъий амал қилиб яшашимиз зарурлигини алоҳида уқтиради.

Ўз навбатида, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёни ҳам қонун асосида, қонун устуворлигида ҳуқуқий негизда кечмоғи даркор.

Бугунги кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, нодавлат, нотижорат ташкилотлари, виждон эркинлиги, сайловлар тўғрисидаги қонунлар, Фуқаролик ва Солиқ кодекслари каби қонун ҳужжатлари юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муайян ҳуқуқий асослари яратилганидан далолат бериб турибди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг IX сессиясида «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунга зарур ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, «Ижтимоий жамғармалар тўғрисида», «Нодавлат, нотижорат ташкилотлари ва уюшмалари тўғрисида», «Хайрия фаолияти тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш ташаббусини ўртага ташлади. Табиийки, таклиф этилаётган янги қонун ҳужжатлари фуқаролик институтлари ва ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш учун энг мақбул ташкилий-ҳуқуқий механизмларни, яъни тегишли қонунчилик асосларини янада мукаммаллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда эллиқдан ортиқ жамгарма мавжуд бўлса-да, уларнинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи алоҳида қонуннинг мавжуд эмаслиги «Ижтимоий жамғармалар тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш нечоғли долзарб масала эканини яққол англатиб турибди.

«Хайрия фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ҳам долзарб аҳамият касб этади. Негаки, юртимизда турли хил ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларга ҳомийлик қилаётган бир талай хайрия ташкилотлари мавжудлигига қарамай, ҳозирга қадар уларнинг хайрия билан боғлиқ фаолияти қонунчилик асосида тартибга солинмаган. Шунингдек, қонунчилигимизда хайрия фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар учун муайян имтиёзлар кўзда тутилган бўлса-да, хайрия ишларига бош қўшаётган корхона, ташкилот, муассаса ва жисмоний шахсларнинг бу соҳадаги фаолиятини, ўзаро муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш механизми тўла ишлаб чиқилмаган.

Худди шу сабабли бу борада зарур бўлган янги қонунларни қабул қилишга жиддий эътибор берил-

моқда. Айни пайтда, «Нодавлат, нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиши тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича изчил иш олиб бориляпти.

Қонун ижодкорлиги билан боғлиқ жараённи янада тезлаштириш баробарида асосий эътиборни мавжуд қонунларнинг ижросига кўпроқ қаратиш фуқаролик жамияти асосларини тезроқ шакллантириш имконини беради.

Қонунлар ижросини таъминлаш, мамлакатда қабул қилинган ва амалда бўлган меъёрий ҳужжатларни ҳаётга жорий қилишда давлат ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ислом Каримов шу ўринда илгари ҳам айтган бир фикрини яна такрорлайди: «Шуни унутмайликки, биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирсак, назорат билан шуғулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ».

Ушбу йўлнинг бераётган аниқ амалий самараларини Фарғона вилоят прокуратураси фаолиятида яққол кўриш мумкин. Вилоят прокурори ташаббуси билан ижтимоий-иқтисодий соҳанинг 28 йўналиши бўйича жамоатчилик назорати ўрнатилди. Бунинг учун вилоят прокуратураси ҳар бир соҳа бўйича махсус услубий кўрсатма, услубий маслаҳатлар ишлаб чиқиб, малака ошириш ўқишларини ташкил этди.

Ташаббусдан мақсад ҳар бир фуқарода **даъвогарлик ҳисси** тарбияланиб, шаклланмас экан, наинки, ижтимоий адолат тантана қилади, айни пайтда, ҳуқуқий давлат, демак, одил фуқаролик жамияти ҳам барпо этиб бўлмайди, деган комилликка эришишдир.

Зотан, Йўлбошчимиз уқтирганидек, «Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш таъминланганда у чинакам ҳуқуқий, фуқаролик жамияти бўлади.

Ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ ва равшан билиши, улардан фойдалана олиши, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қила олиши лозим.

Хуқуқий давлатнинг асосий белгиси — барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устуңлиги таъминланишидир».

Кимки амалдаги қонунлар, Президентимиз Фармонлари ва Ҳукумат қарорларида белгиланган ҳуқуқ ҳамда имтиёзларни яхши билса, унда даъвогарлик ҳисси ўткирлашади.

Афсуски, кўпчилик фуқароларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини, уларни қай тартибда, қайси идора орқали амалга оширишни тўлиқ билишмайди. Билганлари ҳам рад жавоби олишганда, суд даражасигача низолашиш тартибидан, яъни ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб, қайси идорага, қай тартибда шикоят қилишдан беҳабар.

Масалан, деярли ҳамма ҳам кам таъминланган оилалар моддий ёрдам, кўп болали ночор оилалар нафақа олиш ҳуқуқига эгалигини билишади.

Аризаси қаноатлантирилиб, моддий ёрдам ёки нафақа тайинланса яхши, рад этилса-чи?

Моддий ёрдам ёки нафақа тайинлаш рад этилгани ҳақидаги қарор (ёки жавоб хати)ни дарҳол олиб, тегишли прокурор ёки судга қарор устидан шикоят қилишни, белгиланган тартибда қарорни бекор қилдириб, моддий ёрдам ёки нафақа тайинлатишга эришишни билишмайди.

Фарғона вилоят прокуратураси идоралари шундай мурожаатларсиз ўз ташаббуси билан моддий ёрдам ва нафақа тайинланиши асоссиз рад этилган қарорларнинг қонунийлигини текширишиб, 1999 йилда 732 тасини, 2000 йилда 606 тасини, 2001 йилда 215 тасини протестлари билан бекор қилдиришиб, шу ҳолатларда моддий ёрдам ва нафақа тайинланишини таъминлашгани, шунингдек, судларга шу талаб билан бирон киши мурожаат этмагани бунга мисол бўла олади.

Ишловчи ота ёки онага бола туғилганда иш жойидан бир маротаба бериладиган нафақа (суюнчи пули)ни олайлик. Бундай нафақани олиш тартиби ва миқдорини ҳамма ҳам билавермайди. Иш жойидан бундай тўлов кечикса, ўз вақтида тўланишини талаб қилиб, ҳеч ким шикоят қилмайди.

Дафн маросими учун марҳумнинг ёки унинг яқин қариндошлари ишлайдиган ташкилот, корхонадан нафақа берилиши кераклигини, умуман, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, аёлларни ҳомиладорлик ва туғиш, бола туғилганда бир маротаба бериладиган ва дафн маросими учун бериладиган нафақалар ишлаёт-

ганларнинг иш ҳақидан ҳар ойда чегириб қолинадиган ижтимоий суғурта бадаллари ҳисобдан иш жойидан тўланишини кўпчилик билмайди.

Нафақахўр вафот этганида эса маросимлари учун (олаётган нафақа пули миқдорининг 2 баробари ҳисобда) нафақа берилади.

Табиийки, марҳумнинг яқин қариндошлари дафн маросимлари ўтказилаётган кунларда бошларига тушган мусибат билан овора бўлишади. Маҳалла-қўй, қўни-қўшни ва хизматдошлар шу заҳотиёқ тўпланишиб, дафн маросимларини ташкиллаштиришади. Азадор оила но-чорроқ бўлса, моддий ёрдам билан маросимларини ташкиллаштириб беришади.

Лекин деярли ҳеч ким дафн маросими учун нафақасини олишибдими, нафақа берилишини биларми-кан, деб суриштирмайди.

Дафн маросими учун нафақа тайинлашига, тўлашга масъул мансабдор шахс ҳар хил ваз-қарсонлар билан бу нафақани 3—4 ойлаб кечиктириб берса, унинг лоқайдлиги устидан ҳеч ким шикоят қилмайди. Бир ҳисобдан бу тўғридай кўринади, чунки дафн маросими ўтказаётган, энг заруриятли кунда бу нафақани ололмай, бир неча кун елиб-югуриб, илтимослар билан юзи сарғайиб нафақасини олган бўлса-ю, энди бу ҳақда шикоят қилишдан нима наф? Лекин масалага теранроқ ёндашилса-чи? Сизнинг шикоятингиз нафақа тайинлаш ва тўлаш менинг вазифам-мажбуриятим, деб тушунмай, бу менга берилган ҳуқуқ, деб билиб, ҳеч кимдан таъна-дашном эшитмагач, юраги тошга айланган, виждони қотиб қолган мансабдорни гафлат уйқусидан уйғотмайдими? Унинг тўрачилигига нуқта қўймайдими? Сизга етказган моддий ва маънавий зарарни суд даражасида қоплаши керак эмасми?

Қолаверса, сиз қатъият кўрсатиб, ўз ҳақ-ҳуқуқингизни тикласангиз, сиздан кейин шу лоқайдлик, тўрачилик тўсиғига йўлиқиши мумкин бўлганларнинг оғирини енгил қилган бўлмайсизми?

Сиздан эшитиб, кўриб билганлар, эртага бошларига дафн маросими билан боғлиқ мусибат тушганида ким ёрдам берар экан, деб жовдираб турганларга йўл-йўриқ кўрсатишиб, нафақа олиш ҳуқуқини ўз вақтида амалга оширади-ку.

Бундан ҳам ташвишлиси, дафн маросими куни берилмай, 3—4 ой кейин берилган нафақадан нима наф? Нафақанинг ўз вақтида берилмаслиги шу ижтимоий

ҳимояни кўзда тутган қонунлар, ҳукумат қарорининг нуфузи пасайишига сабабчи бўлади-ку. Қонунларнинг ҳаётийлигига, оғишмай ижро қилинишига ҳар биримиз масъул эмасми?

Бошқа бир ҳолатни таҳлил қилайлик.

Малакали тиббий хизмат кўрсатилмаётгани, дори-дармонлар етишмаслиги борасида эътирозлар, шикоятлар кўп. Айрим тиббиёт ходимлари таъминотдаги узилишларни баҳона қилиб, бор дори-дармонларни ҳам йўққа чиқаришяпти. Бепул дори-дармонлар билан таъминланиш имтиёзига эга бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказиш, мансабини суистеъмол қилиб, уларнинг имтиёзларидан фойдаланиш, айрим ҳолларда фуқароларнинг бу имтиёздан фойдаланишларига тўсиқлик қилиш каби ҳолатлар мавжуд.

Касалхонада даволанаётган бемор ва унинг қариндошларига даволовчи ҳакимлар дори-дармон йўқлигини рўкач қилиб, тиббиётда ишлатиладиган докасидан тортиб, энг ноёб, охириги ишлаб чиқилган дори-дармонларгача рўйхатни тутқазиш одатий тус олиб бора-япти.

Одамларимиз бу ҳолатга шунчалик кўникиб кетишганки, ҳатто, бу дори-дармонларнинг ҳақиқатда эҳтиёжи қай даражадалигини ҳам суриштирмайди. «Нега сиз топишингиз керак эмас, мен сотиб олиб келишим керак?» деб сўрамайди.

Касалхонага олиб келиниши талаб қилинаётган дори-дармон йўқлигини, олиб келиш имкониятига ҳакимлар эга эмаслигини сўраб-суриштириб, ишонч ҳосил қилишмайди.

Балки бу тоифадаги беморлар ёки уларнинг қариндош-уруғлари дори-дармонни ўз ҳисобларидан сотиб олиб келиш имкониятига эгадир. Улар ўз имкониятини ҳисобга олиб, даволанишга зарур дори-дармонларни ўзлари топиб келиши, бир томондан, хайрли иш. Чунки бундай ҳолатда имконияти чегараланган беморлар учун касалхона захирасида кўпроқ дори-дармон қолади.

Хулоса қилиш мумкинки, тиббиётда қонун бузилиш ҳолатлари, суистеъмолликлар илдиз отишига, беморларни «имкониятга эга, эга эмаслар» тоифасига бўлиб қарашлар одатий тус олишига, ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилмайдиган муросасоз фуқароларимиз ҳам сабабчи бўлмоқда.

Кўрсатилаётган тиббий хизматнинг малакаси, тиббиёт ходимларининг муомала маданияти даражасига муносабат билдириш ҳам пастлигича қолмоқда.

Шу ўринда яна бир фикрни таъкидлаш жоиз.

Қайси идора, ташкилотда ишлашидан, лавозимидан қатъи назар ҳар бир хизматчи, мансабдор шахс халқ учун, жамият учун хизмат қилади. Халққа-фуқароларимизга ўз вазифаси даражасида хизмат қилиши унинг ҳуқуқи эмас, бурчи-мажбуриятидир.

Фуқаронинг қонунларда белгиланган имтиёзлардан, ҳуқуқларидан фойдаланиши эса унинг хоҳишидир.

Фуқаро истаса улардан фойдаланади, ўз ҳуқуқларини амалга оширади, истамаса йўқ.

Шу ўринда хизматчи, мансабдор шахс фуқарони ўз ҳақ-ҳуқуқи, имтиёзини талаб қилиб, унга мурожаат билан келишини кутиб, хизмат хонасида ўтираверишга ҳақли эмас. Фуқаро келмаса, давлат хизматчиси унга бориши, ўз хизматини амалга оширишни таклиф этиши керак. Агар шундай ҳолатда фуқаро ўз ҳуқуқини амалга оширишдан, имтиёздан воз кечсагина, бу воз кечишни давлат хизматчиси тан олиши мумкин.

Шўролар даври халқни ҳақ-ҳуқуқини талаб қилмайдиган, уларни билмайдиган, ортиқча андишали, ўринсиз итоатгўй даражада сақлаб, онгига сингдириб келди. Оқибатда иккинчи томон — давлат хизматчилари, мансабдорлар қонунларда ўзларига мажбурият эмас, мансабдорлик ҳуқуқларини қидиришди.

Вазифасидаги у ёки бу масалани ҳал этиш мансабдорнинг ҳуқуқига айланиб борди, улар билиб-билмай халқдан, оддий одамлар ташвиши, муаммоларидан кун сайин узоқлашиб боришди.

Мустақиллик шарофати билан фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаати ҳимояси юқори даражага кўтарилди.

Бироқ бу билан давлат хизматчилари, мансабдорларнинг ўз хизмат вазифаларига масъулияти, муносабатлари, халқпарварлиги бирданига ўзгариб қолмади. Бунинг сабабида ҳам фуқароларимизда ҳуқуқий саводхонликнинг етишмаслигини, қатъият, талабчанлик — даъвогарлик ҳисси шаклланмаганини кўриш мумкин.

Яна бир мисолга мурожаат этайлик:

Тегишли ҳукумат қарори билан онкологик, эндокринологик, туберкулёз, СПИД ва юқумли касалликлар билан хасталанган беморларга, бундан ташқари

Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерлар, 1- ва 2- гуруҳ ногиронлари, уруш қатнашчилари ҳамда ногиронлари, уларга тенглаштирилган шахслар, уруш йилларида меҳнат фронтида қатнашганлар, Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини тугатишда қатнашган ногирон шахслар, байналмилалчи шахслар, юрак клапанларини протез қилдирган ва бошқа органларни кўчириб ўтказиш операцияларида бўлганларга, касалхоналардан ташқари амбулатория тартибида даволанганларида дори-дармонлар давлат ҳисобидан бепул таъминланиши белгиланган. Бунинг учун давлатимиз бюджетдан миллиардлаб пул ажратади. Таҳлиллар кўрсатадики, амалда имтиёзлардан бу тоифадаги фуқаролар тўлиқ фойдаланишмаяпти. Нега? Ҳамма ҳам бундай имтиёз борлигидан хабардор эмас. Тиббиёт тизими ходимлари аҳоли ўртасида шу имтиёзлар борлигини, улардан фойдаланиш тартибини тарғиб қилиб, тушунтириш ишларини деярли ўтказмайди.

Бепул дори-дармон олиш ҳуқуқидан фуқароларимиз ҳам, ўзларида зарурият туғилмаган бўлса-да, шу имтиёздан фойдаланишга муҳтожларнинг аҳволи билан қизиқмайди. Ўзлари билган ҳуқуқларини ўзгаларга ҳам билдириш хайрли иш эканлиги тушунчасидан бирмунча узоқлашиб қолишган.

Ҳукумат белгилаб қўйган имтиёздан фойдалана олмаслик оқибатини тасаввур қилинг. Онкологик касаллиги билан хасталанган, дардининг бедаволигини билиб, тақдирга тан берган киши уйида амбулатория тартибида оралиқ-даволанишни давом эттиряпти. Унга керак бўлган дори фалон сўм туради. Уни топиш ҳам муаммо. Дори-дармонларга кетаётган сарф-харажат оиланинг тинка-мадорини қуритган. Зарур дори-дармонни сотиб ололмай, тополмай, оғриқнинг зўрига мажбур чидаб ётган беморни кўз олдингизга келтиринг. Унинг ўзи, оила аъзолари ва яқинлари бепул дори-дармон билан таъминланиш ҳуқуқига, алоҳида имтиёзга эгалиklarини билмайди. Буни билиши, амалга ошириши керак бўлган айрим тиббий хизматчиларимиз эса уларнинг келишини, жоиз бўлса, илтижо билан мурожаат этишларини кутиб ўтиришади.

Кўпинча ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмайдиган, билганларини ҳам амалга оширишда журъатсизлик, юз-хотир қиладиган фуқароларимизда айнан давлатга, ҳукуматга ўринсиз норозилик кайфияти туғилади.

Ваҳоланки, унинг норозилиги алоҳида давлат хизматчисига, мансабдорга қаратилиши, ҳаракатсизликка йўл қўйган лоқайд мансабдордан ўз ҳуқуқини талаб қилиши, лозим бўлса уни судга бериши керак. Зеро, мустақил давлатимизда давлат, ҳукумат манфаати билан халқ-фуқаро манфаати бирлиги ҳам шунда. Ана шу бирликдан аслида фуқаролик жамияти асослари шакллантирилади.

Юқори ҳукумат идоралари, ҳокимликлар ва прокуратура идораларига тушган мурожаатларнинг аксариятини фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан тушган ариза-шикоятлар ташкил этади. Амалдаги қонунларда фуқароларга бундай ҳолларда тўғридан-тўғри судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган. Бироқ суд амалиётида бу ҳолат жуда кам кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонунига кўра, судлар ариза тушгач, ўн кун ичида ишни кўришлари лозим. Бироқ жойларда баъзи суд идоралари буни етарли даражада йўлга қўйиша олмапти, оқибатда фуқаролар ҳуқуқларини тиклаш тамойили бузилмоқда.

Ёки бошқа ҳолатни, яъни суд, ИИВ, солиқ, божхона идоралари ҳамда ваколатли мансабдор шахслар томонидан маъмурий ишлар кўриб чиқилишини олайлик. Афсуски, маъмурий ишлар кўрилишида ҳуқуқбузарнинг шахси, турмуш шароити, содир этган қонунбузарлигининг даражаси ҳар доим ҳам тўғри баҳоланмай, бир хил миқдорда маъмурий жарималар белгиланяпти. Фуқаролар маъмурий жавобгарликка асоссиз тортилган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Шундай бўлса-да, суд ёки бошқа мансабдор шахснинг маъмурий жазо қўллаш ҳақидаги қарорларидан норози бўлиб ёзилган шикоятлар саноклигича қолмоқда. Бу ҳам фуқароларнинг маъмурий жавобгарликка оид қонун юзасидан етарли даражадаги тушунчага эга эмасликлари оқибатидир. Қандай чора кўришса, рози бўлиб, индамай кетаверишади. Оқибатда ўз ҳуқуқлари, жазо меъёрлари бузилишига имконият яратишади.

Аҳолига савдо хизмати даражаси ҳам маълум кўринишда оғриқли муаммога айланди. Назаримда, биз бунга кўникиб қолдик. Нега савдо дўконида моллар сифатли ва ўз нарҳида сотилишини талаб қилиш ҳуқуқини уну-

тиб қўйдик? Талаб даражасида савдо хизмати кўрсатилмаса, истеъмолчи қайси идорага, қай тартибда даъво ёки арз қилиши мумкинлигини билишимиз зарур. Фуқаро ҳуқуқи бузилган ҳолатда ўзининг ҳаққини талаб қилмаса, бошқаларнинг ҳам ҳаққини талаб қилишга ундай олмаса савдо ходими кирдикорларини давом эттираверади. Чунки текширувчилар ҳар куни назорат ўрнатиша олмайди. Қолаверса, текширувчилар билан савдо ходимлари қўшилиб, «ош-қатиқ» бўлмаслигига ҳам тўлиқ кафолат бериб бўлмайди. Текширувчилар бир ойда бир боришар. Боришларидан савдо ходимлари аллақачон хабардор бўлиб, хўжақўрсинга тартиб ўрнатиб қўйишлари ҳам сир эмас.

Аҳолини 8 турдаги зарур истеъмол моллари билан очиқ савдо орқали таъминлашдаги узилишлар, суистеъмолликлар заминида ҳам фуқаронинг ўз истеъмол ҳуқуқини талаб қила олмаслигини кўриш мумкин. Ҳали биронта харидор савдо идорасини судга берган, кўрган моддий ва маънавий зарарини ундириб олган эмас. Яхшироқ қарамасдан носоз, сифатсиз ёки истеъмолга яроқсиз мол сотиб олишган бўлса, уни қайтариб олишларини сўраб илтимос қилишдан, тўлаган пулининг бир қисмини қолдиришдан ёки мол олишда уқувсизлиги жабрини ўзи кўриши кераклигига тан беришдан нарига ўтишмайди.

Савдодаги суистеъмолликларнинг олдини олиш омили — ҳар бир фуқаро харидор сифатида ўзининг ҳақ-ҳуқуқини амалга ошириб, жойида қатъий талаб қила олишига боғлиқ.

Фуқароларимиз меҳнат ҳуқуқларини ҳам яхши биледи, дея олмаймиз. Ишсиз юрганлар, иш топа олмаётганлар ҳам анча.

Конституциямизнинг 37-моддасида ҳар бир фуқаронинг меҳнат қилиш, ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи белгилаб қўйилган.

Иш топа олмаган киши ўзи яшаб турган ҳудуддаги меҳнат ва бандлик идорасига иш билан таъминлашни сўраб мурожаат этиши лозим. Бу идоралар уни иш билан таъминлайди, унгача ишсизлик мақоми бериб, нафақа белгилайди, касбга ўқитади. Лекин бу идораларга иш излаб юрган ҳамма фуқаролар ҳам мурожаат этишмаяпти.

Мурожаат этмаганларнинг аксарияти ишсизликдан ҳимояланиш, иш билан таъминланиш ҳуқуқларини тўлиқ билишмайди.

Моддий жиҳатдан қийин аҳволда қолгани учун жиноят содир этганини важ қилиб кўрсатувчи, ҳеч қаерда ишламаганлар сони эса камайган эмас.

Ёки бўлмаса, фуқаро иш сўраб, у ёки бу идора раҳбарига мурожаат этади. Бўш ўринга уни ишга қабул қилишса яхши, рад жавоб беришса-чи? Бу ҳолатда ҳам одамлар омадлари юришмаганини тан олиб, жимгина кетишаверади. Иш сўраб ёзган аризаларига расман жавоб олишмайди, асоссиз рад этишганда ўз ҳуқуқларини талаб қилишмайди. Ҳозиргача шу масалада низолашиб, судга етиб келган биронта даъво аризаси йўқлиги бунга исбот бўла олади.

Амалдаги қонунларда иш берувчи ишга қабул қилишдан асоссиз бош тортса маъмурий жавобгарлик, иш сўровчи ҳомиладор ёки ёш боласини парваришловчи аёл бўлса жинойий жавобгарлик кўзда тутилган. Иш сўраб борганларни ишга қабул қилмаганлик ҳолатлари, аминманки, кўп, лекин иш бермагани учун ҳеч бир мансабдор шахс маъмурий ёки жинойий жавобгарликка тортилмаган. Мана, фуқароларимизнинг меҳнат қилиш, ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқларидан фойдалана олишликлари даражаси. Даъвогарнинг сустилиги.

Ишсизлик, текинхўрлик жиноятнинг бошланиши, оилаларнинг бузилиши, ҳар хил носоғлом йўлларнинг бошловчиси бўлиши мумкинлигини унутмаслигимиз керак.

Фуқароларимиз оддий ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилмасликларида яна бир сабабни кўриш мумкин. Ўзбекчилигимиз, юз-хотир, андиша, деган тушунчаларимиз бор. Қолаверса «ёзувчи», «илғор», «жанжалкаш», деган ном орттириб олишдан хавфсираш бор.

Ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб тортишганга кулманг. Ундан ўзингизни тортманг. Унинг учун уялманг, андиша қилманг. Аксинча, ўрганинг.

Инсон ўзининг ҳақ-ҳуқуқини талаб қиляпти. Кимнингдир келиб, ҳақ-ҳуқуқини сўраб, тиклаб беришини кутиб ўтирмаяпти. Ўзининг боқимандалиги, кимнингдир аралашувини кутиши ёки ортиқча юз-хотири билан иккинчи томон — мансабдорга лоқайдлик, суистеъмолчилик учун имкон бераётгани йўқ. У ўз ҳаракати билан адолатсизликка, тўрачиликка муросасизлик қиляпти. Ҳақ-ҳуқуқини талашяпти, жамиятда қонун устуворлиги, адолат мезони бузилмаслигига ҳисса қўшяпти. Қолаверса, у ўзидан бошқаларни, ўз ҳақ-

хуқуқини билмайдиган, амалга ошира олмайдиганларнинг мушқулини осон қилипти, йўлини ёритяпти, тўсиқларни олиб ташляпти. Мансабдор ва хизматчиларни гафлат уйқусидан уйғотяпти. Уларга халқнинг хизматчиси эканликларини, ҳар бир фуқаро билан хизматчидек муносабатда бўлиши кераклигини эслатиб, ўргатиб қўйяпти.

Бундай тоифадаги кишилар жамиятимиз учун ҳар қадамда нафи тегадиган, фаол фуқаролардир.

Ўзидан, кундалик ташвишларидан ортиб, ўзгаларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилишга бош қўшиб юрган даъваткор кишилар эса, менимча, бугунги тинч ҳаётимизнинг маълум маънодаги қаҳрамонларидир.

Фуқаролар қонунларга онгли муносабатда бўлмас экан, улар ижро қилинмай, жамият тараққиётига туртки бериш ўрнига, ғов бўлиб қолаверади. Қонунларга онгли муносабатнинг фаол кўриниши эса айнан ҳар бир фуқарода тараққий этган даъвогарлик ҳиссидан иборат. Бу биз қураётган хуқуқий давлатнинг, одил жамиятнинг тамал тошларидан биридир.

Фарғона вилояти прокуратураси идоралари хуқуқ-тартиботни, қонунларни тушунтириш ишларини фаоллаштириш, халқ ичига кириб бориш, жойлардаги мавжуд муаммоларни билиш, аҳолининг хуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳар бир фуқарода даъвогарлик ҳиссини шакллантириш чораларини кўрмоқда.

Мақсад қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларимизнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда халқнинг кўмагига, фуқароларимизнинг фаоллигига таянишдир.

«Биз, — дея вилоят прокуратураси халққа мурожаат қилади, — ҳар бир фуқаронинг ўз ҳақ-хуқуқларини ҳар томонлама, тўла ўрганиб, билишларининг тарафдоримиз. Улардан ўз вақтида, ўрнида ва жойида тўлиқ фойдаланишидан манфаатдоримиз. Билингки, шунда биз прокурорларнинг умумий ишимизни енгиллаштирган, кўмаклашган бўласиз. Шу маънода бизлар Сиз билан маслақдош, мақсаддошимиз».

Бешинчи йўналиш билан алоқадор яна бир вазифа — марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қўйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази боришини таъминлашдир.

Аслини олганда биз аллақачон шу йўлдан бормоқдамиз.

Ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакат бюджети даромад қисмининг 56 фойизини ҳудудий бюджетлар ташкил этмоқда. Шу тариқа давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар билан боғлиқ каттагина қисми ҳудудлар томонидан назорат қилинмоқда.

Агар барча бошқарув масалалари молиявий йўл билан ҳал этилишини назарда тутадиган бўлсак, ушбу рақамлар ҳудудий ҳокимият тузилмалари ваколатларини янада кенгайтириш борасида амалга оширилган ишлар кўламини равшан кўрсатиб турибди. Шунга қарамай бу йўлдаги қилинадиган ишлар кўлами жуда кўп. Айниқса, «Обод маҳалла йили» — 2003 йилда.

Маҳалланинг мамлакат ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётида тутган ўрни, энг муҳими, унинг мақоми беназир.

Турар жойидаги ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалла асрлар оша яшаб келган анъаналар, одатлар, маросимларга асосланиб, муҳим ташкилий-иқтисодий ва тарбиявий ишларни амалга оширади. Маҳалла ҳамжиҳатлигида ижтимоий онг оқсоқолларнинг ҳаётий тажрибалари, шахсий намуналари, кўпчиликка хос одоб-ахлоқ нормалари асосида бойиб, ривожланиб боради.

Маҳалла — одамларнинг кундалик яшаш муҳити. Бунда кўпчиликнинг озчиликка таъсири кучли. Ўзаро муносабатларда адолатпарварлик, ҳурмат, раҳмдиллик, ўзаро ёрдам устиворлик қилади. Маҳаллани шу нуқтаи назардан шарқ демократиясининг илк манбаи, деса бўлади.

Маҳаллада мақсадга мувофиқ тарбиявий ишларни амалга оширишнинг катта имкониятлари бор. Хусусан, маҳалла миллий маданий-тарихий, руҳий-ахлоқий кадриятларни асраш ва ривожлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик, маҳаллапарварлик руҳида тарбиялаш соҳаларидаги йўналишларда кўп ижобий ишларни амалга ошириши мумкин.

Мамлакатимиз учун маҳалла — ноёб тарихий ҳодисадир. Маҳалла институти асрлар оша яшаб келмоқда, уни босқинчиларининг талон-тарождари, колонизаторлик сиёсати, социалистик экспериментлар издан чиқара олмади. Шунинг учун ҳам маҳалла тарихий ва ижтимоий йўсинда анча барқарор ижтимоий институт бўлиб, унинг жуда катта имкониятлари ҳали тўла рўёбга чиққани йўқ.

Тадқиқотимизнинг биринчи қисмида таъкидлаб ўтганимиздек, дунёнинг кўп мамлакатларида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини янгидан шакллантириш учун ҳаракат қилинган ва қилинаётган бир пайтда бизнинг миллий қулай ва устун томонларимиз билан фахрланиш мумкин. Маҳалла мисолида бизда асрлар давомида фуқаролик жамияти халқ онги ва ҳаётида шаклланиб келган.

Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиёти учун маҳалланинг муҳим аҳамиятини таъкидлаб, бир қарашда унчалик муҳим бўлиб кўринмаса-да, аммо аслида маҳалланинг ҳозирги пайтда нечоғли халқ ҳаётида муҳим рол ўйнашини кўрсатадиган бир воқеа ҳақида батафсил тўхтаб ўтишни лозим топдик. Бу — 2001 йили бўлиб ўтган ўзини ўзи бошқариш органларидаги сайлов натижалари.

Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг ахборотларига кўра, 2001 йил май-июнь ойларида ўзини ўзи бошқариш органларига бўлган сайловлар кутилган натижаларни берди.

Жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўладиган сайловларни самарали ўтказиш мақсадида жойларда 212 туман ва шаҳар комиссиялари, 7.845та ишчи гуруҳлари ташкил этилган эди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида юқорида айтганимиз комиссиялар ишларини мувофиқлаштириш учун комиссиялар ҳам ташкил этилган эди. Бир сўз билан айтганда, республикада босқичма-босқич амалга оширилган кенг катта кўламдаги ташкилий ишлар ўз натижаларини берди.

Мана шу кўп сонли ишчи гуруҳлари, комиссияларнинг таклифлари асосида ҳар бир туман ва шаҳарда ўтказилган сайловларнинг тартиби ҳамда вақти, жойи олдиндан белгилаб чиқилди. Маҳалла оқсоқоллари, раҳбарларига номзод танлашда ишчи гуруҳлари жуда кўп тушунтириш ишларини олиб боришди. Энг обрўли, саводхон, ташкилотчи, янги шароиту янгича сифатларда ишлай биладиган одамларни танлашга катта эътибор берилди.

Республика ва маҳаллий давлат органларининг жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари билан биргаликда олиб борган тайёргарлик ишлари натижасида сайловлар демократик тамойиллар асосида

катта уюшқоқлик билан ўтди. Бу натижалар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, сайлов жараёнлари фуқароларнинг юқори сиёсий-ижтимоий онгли фаоллиги остида ўтди. Сайловда 11 млн. га яқин фуқаро иштирок этди. Бу мамлакатимиз катта ёшли аҳолисининг 85%, деган ган. Одамлар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш жамоаларига номзод танлашда ўта масъулик билан ёндошдилар. Ўз фикрлари, қарорларининг қадр-қимматини юқори тутдилар.

Деярли ҳамма жойда оқсоқолларнинг, яъни раисларнинг ҳисоботлари катта қизиқиш ва принципиаллик билан муҳокама қилинди. Бу йиғилишларда жами 100 мингдан ортиқ киши сўзга чиқди. Улар ҳисоботларида мавжуд тажрибани қонунчилик доирасида таҳлил қилдилар. Камчиликлар очиб ташланди, уларни тузатиш чора-тадбирлари белгиланди. Аксарият сўзга чиққанлар мамлакатда олиб борилаётган ислохотларни ёқлаб гапирдилар, давлатимиз, Юртбошимизнинг тинчликни, барқарорликни сақлаш учун курашда амалга ошираётган фидоий саъй-ҳаракатларидан миннатдорликларини изҳор этишди. Хусусан, ижтимоий ҳимоя борасида қилинаётган ишлар учун халқ ўз розилигини изҳор этди. Кейинги йилларда ижтимоий-сиёсий ҳаётда маҳалланинг роли бениҳоя ошганини аниқ мисоллар билан кўрсатиб ўтдилар.

Иккинчидан, сайловлар фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалганини, камчиликларга мурасасизликлари жиддийлашганини аниқ кўрсатиб берди. Қуйидаги фактлар шу жиҳатдан жуда характерлидир: 48 ҳолатда кўрсатилган номзодлар етарли овоз ололмадилар. Қайта сайловлар ташкил этилди. 75 та ҳисобот қониқарсиз, деб топилди. Оқсоқоллар қайта сайловга қўйилди.

Учинчидан, сайловлар натижасида фуқаролар йиғинларига раҳбарлик мақоми сифат жиҳатдан юқори кўтарилди. Номзодларни танлашда уларнинг ишчи гуруҳлари томонидан обдон текширилиб, ўрганилинди, фаолиятлари ҳақида маълумотлар комиссияларга топширилди. Сайловларнинг эркин, демократик асосда бўлиши учун бир ўринга иккита ва ундан кўпроқ номзод кўрсатилди. 18765 номзоддан 7.845 киши сайланиши керак эди. Фуқаролар ҳар бир номзод ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиб, сайловда фаол қатнашдилар.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида сайланганларнинг 73,2 фоизи олий маълумотга эга. Бу ҳам маҳалла раислари-оқсоқоллар орасида олий маълумотлилар сонининг ортиб бораётганини кўрсатади.

Сайлов демократик қадриятларнинг ҳар бир фуқаро онгига, кундалик ҳаётига чуқур кириб бораётганини, одамларда ижтимоий-сиёсий фаоллик ва онгли фуқаролик масъулияти ошиб бораётганини тасдиқлаб турибди.

Сайловлар натижалари, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, иқтисодий ислоҳотларнинг ўзига хос йўли тўғри танланганлигини, хусусан, фуқаролик жамиятини қарор топтириш учун давлат ваколатларини ўзини ўзи бошқариш органларига, жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш йўли билан бутун ҳаётимизни ялпи демократлаштириш ва эркинлаштириш жараёнлари муваффақиятли кечаётганлигини яна бир қарра исботлади.

Жойларда долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг бу шакли «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясининг амалий натижалари сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Энди эътиборни «Маҳалла» дастури ва унинг ижросига, шунингдек, Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида илгари сурилган ташаббус — 2003 йилни «Обод маҳалла йили», деб эълон қилгани сабабларига қаратмоқчимиз.

Гапни кейингисидан ва унинг конституциявий — ҳуқуқий асосларидан бошлаймиз: одатда, обод маҳалла, деганда ўзбеклар, наинки, чиройли ва кўркам, айни пайтда, осойишталигу тинчлик, барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, қут-барақа устувор маскан-мақонни тушунишади. Ва бу тўғри ҳам.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида илк бор маҳалланинг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилди. Шунга асосан «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди (1993). 1999 йилда қонун янги таҳрирда қайтадан қабул қилинди.

Қонунга унинг аввалги таҳририда бўлмаган бир қатор янгиликлар киритилган. Бу нарса, аввало, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий мақомининг аниқ белгилаб берилишида (7-модда), вақти-вақти билан туман, шаҳар ҳамда вилоят ҳокимликлари

раҳбарларининг, маҳалла ҳудудида жойлашган корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарларининг «ҳисоботларини эшитиш, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ечиш ҳуқуқида, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг янги институтлари (фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар, фуқаролар йиғинининг тафтиш ва маъмурий комиссиялари) жорий қилинишида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига, халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш учун фуқароларнинг номзодлари бўйича ҳокимиятнинг тегишли вакиллик органларига таклифлар киритиш, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилишда (10-модда), икки ёшга тўлмаган болалари бор, ишламайдиган оналарга нафақалар тайинлаш ҳамда тўлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, болали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш (10-, 12-моддалар) ва бошқаларда ўз ифодасини топган.

Янги таҳрирдаги қонуннинг 1-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тушунчасига «*Фуқароларнинг ўзини ўз бошқариши — фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятidir*», деб таъриф берилган. Қонуннинг 9-моддасида фуқаролар йиғинига берилган таъриф янада конкретлаштирилган: «*Фуқаролар йиғини — фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг юқори органи бўлиб, аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан тегишли ҳудудда амал қилувчи қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадир*». Янги қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши тушунчаси, фуқаролар йиғинининг ҳуқуқлари ва бу ҳуқуқларни амалга ошириш йўллари аниқ кўрсатилган. Алоҳида қоидаларни қиёслаганда ҳам янги таҳрирдаги қонунда фуқаролар йиғинларига янада кўпроқ эркинлик ва мустақиллик берилиши кўзда тутилгани аён бўлади. Масалан, аввалги қонунда «*Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият олиб борадиган ҳудудларни фуқаролар таклифига кўра туман, шаҳар ҳокими белгилайди*» (2-модда), дейилган эди. Янги таҳрирдаги Қонунда

эса бундай юмушларни «... фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг тегишли органи фикрини ҳисобга олган ҳолда, ҳужжатларда назарда тутилган тартибда амалга ошириши» (5-модда) белгилаб қўйилган.

Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тушунчаси, органлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи, органлар фаолиятининг демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишдаги мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам каби асосий принциплар, бошқарув ҳудудлари, органлар фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, сайлаш ва сайланиш тартиблари, орган тартиби, фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг юқори органи бўлмиш фуқаролар йиғини, йиғиннинг фаолият мезонлари ва ваколатлари, фуқаролар йиғини Кенгашининг, йиғин раиси (оқсоқол)нинг ваколатлари ҳуқуқий жиҳатдан бирма-бир белгилаб берилган.

Шунингдек, қонунда шаҳарлар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан айрим фуқаролик ҳолати далолатномаларининг рўйхатга олиниши ва нотариал ҳаракатларнинг амалга оширилиши, фуқаролар йиғинини чақириш ҳамда Кенгашнинг иш тартиблари, фаолиятни ташкил этиш қоидалари, мулк, молиявий асос, жавобгарлик каби масалалар аниқ ифодасини топган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришдек, анъанавий маҳаллий институтнинг ташкилий-таркибий тузилмаси юқоридан пастгача қатъий белгиланди. Республика «Маҳалла» жамғармаси, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри, туман, шаҳар бўлимлари самарали фаолият кўрсатишмоқда. Лекин асосий иш қўйи орган — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳудудлари — шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда бевосита фуқаролар йиғини — вакиллар йиғилиши, йиғин Кенгашлари раислари (оқсоқоллар) томонидан амалга оширилмоқда. Уларга жуда кўп ваколатлар берилган. Жумладан, фуқаролар йиғини Кенгаши:

— фуқаролар йиғинини чақиради;

— фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ишини мувофиқлаштиради, хайрия ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликдаги тадбирларни ўтказди;

— фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) тақдимномасига кўра, фуқаролар йиғини Кенгашининг девонини шакллантиради;

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига уларнинг сайловчилар билан учрашувларини уюштиришда, фуқароларни қабул қилишда, улар ўз сайлов участкаларида бошқа ваколатларни амалга оширишларида кўмаклашади;

— оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, спорт тадбирларини ва бошқа тадбирларни ўтказишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўмаклашади;

— хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялаш ишидаги мавқеини оширишга қаратилган чора-тадбирларни кўради;

— рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишининг олдини олиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини кўриб чиқади;

— тарбияга оид масалалар юзасидан таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилади;

— икки ёшга тўлмаган болалари бор, ишламайдиган оналарга нафақаларни шу мақсадда ажратилган давлат бюджети маблағларидан белгиланган тартибда тайинлайди ва тўлайди;

— бошқаларнинг парвариши ва ёрдамига муҳтож кекса фуқароларга шафелик (патронажлик) ёрдами шу мақсадда ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кўрсатилишига кўмаклашади;

— мазкур ҳудудда яшовчи фуқароларни иш билан таъминлашга, шу жумладан, касаначиликни ташкил этишга кўмаклашади;

— қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кичик корхоналар, сартарошхоналар, пойафзал таъмирлаш ва тикиш устахоналари, халқ ҳунармандчилиги цехларини ва аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи бошқа корхоналарни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади, бу қарор кейинчалик фуқаролар йиғинида тасдиқланади;

— аҳолининг уйларни, ҳовлилардаги биноларни, ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, ораста сақлаш, болалар ва спорт майдончаларини жиҳозлаш, йўллар, кўприклар, кўчалар, йўлаклар, коммунал тармоқларни қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш ҳамда яроқли ҳолда сақлаш, тарих ва маданият ёдгорликларини, қабристонларни таъмирлаш ишларида ихтиёрийлик асосида қатнашишларини ташкил этади, туман, шаҳар ҳокимлиги ажратадиган моддий ва бошқа маблағларни, ўз маблағларини ана шу мақсадларда ишлатади, жамоатчилик ёрдамини (ҳашарларни) уюштиради, кўриклар ва танловлар ўтказилади;

— ёқилғи, электр ҳамда иссиқлик энергияси, сувдан тежамли фойдаланиш ва уларнинг беҳуда сарфланишини камайтиришга қаратилган тадбирларни ўтказиши;

— деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга кўмаклашади;

— тегишли ҳудуддаги ерларнинг фойдаланилиши ва муҳофаза этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

— савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг иши, савдо ва фуқароларга хизмат кўрсатиш маданияти қоидаларига риоя этилиши устидан назорат амалга оширилишига кўмаклашади;

— тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан, фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишида, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади;

— аҳоли пунктлари, сув таъминоти маблағлари, турар жойлар, мактаблар ва бошқа таълим муассасаларининг санитария ва экология ҳолати устидан назорат амалга оширилишига кўмаклашади;

— ёнғинга қарши хавфсизлик талабларига, жониворларни сақлашга оид ветеринария қоидаларига риоя этилиши устидан назорат амалга оширилишига кўмаклашади;

— иморат қуриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни ораста сақлаш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади; уй-жой фондидан фойдаланиш ва унинг асралишини таъминлашга фуқароларга кўмаклашади;

— аҳолидан солиқлар ва мажбурий тўловлар ўз вақтида тушишига кўмаклашади;

— фуқаролар уй-жойдан фойдаланиш харажатларини ва коммунал хизматлар ҳақини банк муассасаси орқали ҳисоб-китоб қилиб, тўлиқ ва ўз вақтида тўлашларини коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари билан биргаликда уюштиради ва назорат қилади. Аҳоли уй-жой — коммунал хизматлар ҳақини тўлиқ тўлашини таъминлаганлиги учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўтказиладиган маблағларни белгиланган тартибда кам таъминланган оилаларга уй-жой — коммунал хизматлар ҳақини тўлашга ёрдам беришга, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ходимларини рағбатлантиришга, шунингдек, ободонлаштириш ишларини ўтказишга ишлатади;

— фуқароларни табиий офатларга қарши курашга ва уларнинг оқибатларини тугатишга жалб этади;

— аҳолини фуқаролик ҳимоясига доир тадбирларни ўтказишга жалб этади, ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни мудофаа ишлари бўлимларига чақирилаётганликларидан хабардор этишни ва чақиришни ташкил қилишга кўмаклашади, шунингдек, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда уларнинг шахсий — бирламчи ҳисобини юритади;

— жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий меҳнатга тиклаш ва жиноятчиликнинг олдини олишга доир тадбирларни ижтимоий мослашув марказлари билан биргаликда амалга оширади;

— илгари судланган ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бошқа шахсларга тарбиявий таъсир ўтказиш учун фахрийлардан, хотин-қизлар ва ёшлар, маданият ва дин вакиллари жумласидан комиссиялар тузади.

Фуқаролар йиғинининг Кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Маълум бўлаянтими, фуқаролар йиғини ва Кенгаши маҳалла ҳаётининг барча жабҳалари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш, ҳар бир оилада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, моддий ҳамда маънавий ёрдамни бевосита жойида ҳал қилиш, одамларни ижтимоий ҳимоялаш, энг муҳими, давлат ҳокимияти тизими билан узвий алоқада ҳар бир фуқарони, маҳалла аҳолисини умумманфаат йўлида тарбия қилиш, қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилишдек ташкилий ишларни амалга ошира бошлади. Айни пайтда, одамларнинг бошқа-

рув фаолиятига онгли сафарбарликка ўргатиб, давлат ва ҳукумат сиёсатига, ўзига, эртасига ишонч руҳида тарбиялашда бевосита хизмат қилмоқда. Булар ҳаммаси яхлит узвийликда фуқаролик жамиятини шакллантиришга йўналтирилган миллий демократик ўзига хос қадриятлардир.

Нега деганда, ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганига ҳамма гувоҳ.

«Шу боис, — дейди И.А.Каримов, — маҳалланинг ҳаётимиздаги мавқеи юксак, унинг қонуний, ҳуқуқий асослари ҳар томонлама мустаҳкам бўлиб ривож топса, бу идорани жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми, қуйи бошқариш тизими сифатида нечоғли кучайтирсак, бунинг учун барча моддий-молиявий шароитларни ташкил қилиб берсак, ўйлайманки, бу ўз олдимизга қўйган олий мақсадларга эришиш йўлида катта қадам бўлади.

Барчангиз яхши биласиз, «Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла», деган ҳикматда жуда катта маъно бор.

Агар биз бу иборанинг ҳақиқий мазмунини сўзда эмас, амалда намоён этмоқчи бўлсак, шу маҳаллада яшайдиган ким бўлмасин — бева-бечора ёки ногирон бўладими, омади келмаган бирон-бир оила бўладими, ёлғиз қолган қария бўладими — буларнинг барчасига нафақат моддий ёрдам беришимиз, аввало, меҳр-этибор қаратишимиз зарур.

Шу борада, ҳеч шубҳасиз, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари кўмак-мададга муҳтож бўлган инсонларни ёлғиз қолдирмасдан, уларнинг бошини силаб, бу одамларни ҳимоялаш учун, керак бўлса, давлат идоралари, мансабдорларнинг тинчини бузиб, тегишли ёрдам ва маблағни ундириб олиб, бугун қилаётган ишларининг самарасини янада кучайтирса, яъни маҳалла том маънода ота-оналик вазифасини ўтайдиган даражага етиб борса, биз кўп нарсага эришган, аҳолимизнинг розилигини олган бўламиз.

Лекин барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, бу масалада ҳамма нарса фақат бугунги маҳалла тизими, унинг фаоллари ва ташкилотчиларига боғлиқ эмас.

Бунинг учун, аввало, давлат кўмагини янада кучайтириш, маҳаллага тегишли ҳуқуқий ваколатлар бериш, унинг низомини қайтадан кўриб чиқиш, имкониятларини кенгайтириш, биринчи галда, маҳалланинг моддий негизини мустаҳкамлаш ҳақида ҳаммамиз бош қотиришимиз, қаттиқ ишлашимиз керак».

Маҳалланинг туман ва шаҳар ҳокимликлари, маъмурий ва ҳуқуқни ҳимоя қиладиган ташкилотлар билан, керак бўлса, ижтимоий, нодавлат, сиёсий ташкилотлар билан алоқаларини расмий, яъни ҳуқуқий асосда йўлга қўйиш, бу борада ечилмаган барча муаммоларни қонуний тарзда ҳал этиш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди.

«Бугун қайси масалаларда ҳокимият, қайси масалаларда маҳалла масъул эканини қонуний нуқтаи назардан аниқ белгилаб қўйиш вақти келди, деб ўйлайман, — дейди И.А.Каримов. — Обод маҳалла йили бўйича ҳам махсус давлат дастурини қабул қилиб, уни амалга ошириш юзасидан ҳукуматимизга тегишли топшириқлар берилади, албатта».

Шундай дастур ишлаб чиқилди. 2003 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Обод маҳалла йили» дастури тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Қарорда маҳалланинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатидаги роли ва аҳамиятини ошириш, миллий қадрият ҳамда анъаналарни, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлашдаги нуфузини кўтариш, аҳолини моддий ҳамда маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида «Обод маҳалла йили» дастури тасдиқланди.

Дастур:

— маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувидаги, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий ҳаётидаги роли ва мақомини янада мустаҳкамлашга;

— маҳалла фаолиятининг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга, унинг ваколатларини кенгайтиришга ва фуқаролик жамияти институти сифатидаги масъулиятини оширишга;

— маҳалла фаолиятининг моддий базасини мустаҳкамлашга, маҳалла ҳудудида тадбиркорликни, хизматлар кўрсатиш ва савдо соҳаларини ривожлантиришга, шулар ҳисобига янги иш ўринлари барпо этишга;

— маҳалланинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга, унинг ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришига, болалар спорт майдонча-

ларини жиҳозлашга, коммунал тармоқларни ривожлантиришга;

— маҳалла томонидан кам таъминланган оилаларга аниқ йўналишли моддий ёрдамни ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлашни кучайтиришга;

— кекса авлодга эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришга;

— маҳалла аҳолисига тиббий ва санатория-курорт хизмати кўрсатилишини яхшилашга, болалар спортини ривожлантиришга;

— маҳалланинг аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, ижтимоий адолат, ўзаро меҳр-оқибат ва маънавий-ахлоқий тарбия билан боғлиқ миллий қадрият ҳамда урф-одатларимизни кенг тарғиб қилиш, уларни асраб-авайлаш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштиришга қаратилди.

Дастурда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш жамғармаларини ташкил этиш тўғрисида таклиф киритиш топширилди. Фуқаролик ҳолати актларини қайд этганлик учун давлат божининг бир қисмини ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ҳамда жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим ва бошқа тушумларни мазкур жамғармаларни маблағ билан таъминлаш манбалари этиб белгиланди.

«Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ҳамда туманлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларга ушбу дастурда кўзда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида сифатли бажарилишини таъминловчи аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириши топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, компаниялар ва агентликлар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига:

— йилнинг ҳар чорагида ўз мажлисларида манфаатдор идоралар ва тузилмаларни жалб этган ҳолда, «Обод

маҳалла йили» дастурининг қандай бажарилаётганини муҳокама қилиб, тегишли чора-тадбирлар кўриб бо-риш;

— йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича дастур топшириқларининг ҳисобот даврида бажарилиши натижалари тўғрисида чоракдан кейинги ойнинг 7-санасигача республика комиссиясига таҳлилий ахборотни тақдим этиш тонширилди.

«Маҳалла» хайрия жамғармасига республика Хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, Ўзбекистон мусулмонлар идораси, Дин ишлари бўйича кўмита, Маданият ишлари вазирлиги билан бирга-ликда икки ҳафта муддатда тўй-маърака ва бошқа ма-росимларни анъаналаримизга хос тежамкорлик билан ўтказишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш учун республика комиссиясига тақдим этиш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзте-лерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, республика оммавий ахборот воситалари-га «Обод маҳалла йили» дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг маъно-моҳияти ҳамда аҳамияти-ни кенг тушунтириш, уларни амалга ошириш бора-сида қилинаётган ишларни холис ёритиш тавсия этилди.

«Обод маҳалла йили» дастури етти йўналишдаги ҳаётий муҳим масалаларни ўз ичига қамраган. Улар қаторига, жумладан:

— маҳалла фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асос-ларини такомиллаштириш;

— маҳалланинг моддий базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

— маҳаллаларда тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва савдони, кичик бизнес соҳасини ривожлантириш орқали янги иш ўринларини барпо этиш;

— маҳалланинг ижтимоий инфратузилмасини ри-вожлантириш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўка-ламзорлаштириш, болалар ва спорт майдонларини жи-ҳозлаш, коммунал тармоқларни яроқли ҳолатда сақла-нишини таъминлаш;

— маҳалла томонидан кам таъминланган оилаларга аниқ йўналишли моддий ёрдам кўрсатиш ва ёш оила-ларни қўллаб-қувватлаш;

— кекса авлод вакиллариغا эътибор ва ғамхўрлик-ни кучайтириш;

— маънавий-ахлоқий тарбия масалаларида маҳалла фаоллигини ошириш вазифалари киради.

«Обод маҳалла йили» дастури доирасида:

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш, махсус жамғармаларини ташкил этиш;

— кам таъминланган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг рўзгор хўжалигини йўлга қўйиб олишига кўмаклашиш мақсадида тижорат банклари ва турли жамғармаларнинг кредитларини кенг жалб этиш;

— кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, жумладан, 950 та маиший хизмат шохобчасини ташкил этиш орқали 160 минг янги иш ўрни яратиш;

— республикада 433 маҳаллада 2,6 минг километрлик газ тармоқларини барпо этиш, 436 маҳаллада эса 1720 километрлик сув қувурлари ётқизиш орқали аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан доимий таъминлаш;

— 12500 минг квадрат метр уй-жой фондини мукамал таъмирлаш ҳисобига маҳалла аҳолисининг яшаш шароитини яхшилаш, 500 маҳалладаги 1000 километрдан ортиқ йўлни таъмирлаш, асфальтлаш ва ободонлаштириш, замонавий маҳалла гузарларини барпо этиш;

— ҳар йили 20 минг нафаргача фахрийларимизни санаторий ва шифохоналарда соғликларини тиклаш;

— муҳтож кексалар ва ногиронларни протез-ортопедия буюмлари, аравачалар, эшитиш ва кўриш мосламалари билан имтиёзли таъминлаш;

— узоқ қишлоқ ва овулларда яшайдиган аҳолини тиббий-ижтимоий потраенаж хизмати билан қамраб олишни кенгайтириш;

— маҳаллалар 16 ёшгача бўлган болаларни барча давлат спорт иншоотларига бепул қатнашига имконият яратиш сингари кўплаб муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Юртбошимиз томонидан кўп маротаба эътибор қаратилаётган муҳим маънавий-маърифий масалалар — анъанавий удумлар, тўй ва маъракалар ҳамда бошқа маросимларни тежамкорлик билан ўтказиш бўйича маҳалла фаоллари, имом-хатиблар, маданият ходимлари, хотин-қизлар қўмиталарига тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

«Обод маҳалла йили» дастурини тўла амалга ошириш учун 375,9 миллиард сўм маблағ, шу жумладан,

169,5 миллиард сўм давлат бюджети ҳамда корхоналар, бюджетдан ташқари жамғармалар, нодавлат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар грантлари ва кредит маблағлари жалб этилиши мўлжалланган.

Дастурнинг ҳаётга тўла татбиқ этилиши ва юқоридаги олижаноб мақсадларга эришиш эса мутасадди ташкилотлар, идоралар, маҳалла фаоллари ҳамда кент аҳолининг яқин ҳамкорликда фаолият юритишига бевосита боғлиқдир.

Маҳалла ҳақида гапириб, Йўлбошчимиз яна бир масалага эътиборни қаратди. У — бирор қонун расмий ҳужжат билан чегаралашнинг имкони бўлмаган, бевосита одамларнинг маънавияти, руҳий дунёси, мафкуравий онги, тафаккури билан боғлиқ масала.

Маълумки, муайян жой-маконда истиқомат қилаётган одамларнинг ўзаро алоқалари, оила муносабатлари, дейсизми, қўни-қўшничилик, дейсизми — буларнинг барчаси ғоят ўзига хос, сирли бир олам.

Бундай муносабатларни фақатгина расмий йўл, қонун ва фармонлар билан белгилаб бўлмайди. Зотан, маҳалла ўзини ўзи бошқаришга қодир ноёб институт. Унинг аҳамияти ва муқобили йўқ ўрни инсоннинг, оиланинг маънавий олами, ундан хабардор бўлиш, уни англаш, бу руҳий дунёга қўполлик билан аралашмасдан, унинг ижобий асосда шаклланишига нозиклик-ла таъсир ўтказишда ёрқин намоён бўлади.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази доимий тарзда кишилар ҳаётида ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳамияти ва роли бўйича жамоатчилик фикри мониторингини ўтказиб келмоқда. Ҳар бир шахс ҳаётида ва унинг оиласида маҳалланинг аҳамияти йил сайин ошиб бормоқда. Зеро, марказ томонидан беш йил ичида ўтказилган социологик тадқиқотлар натижаларига кўра, мамлакат фуқароларининг энг кўпчилиги ҳаётида маҳалла алоҳида тарбия мактаби ролини ўтайди. Лекин шу билан бир вақтнинг ўзида маҳалла жавобгарлигини қонун нуқтаи назардан аниқлаш ва нировард натижада вазифалар ва имкониятларни кенгайтирмоқ зарур.

Шунинг учун ҳам «Ижтимоий фикр» маркази фуқароларнинг фикри асосида, қайси муаммоларни маҳалла қўмиталари ечишга қодир эканликлари тўғрисида жамоатчилик фикри мониторингини ўтказди.

Савол шундай қўйилди: «Маҳаллангиз аҳолиси, оила аъзоларингиз ва шахсан Сизнинг олдингизда турган

муаммолардан қайси бирини маҳалла кўмитаси ечишга ёрдам бера олади?

(% сўралганлар сони, №=7188)

№	Жавоб вариантлари	1998	1999	2000	2001
1.	Тадбирлар ўтказишга (Тўйлар, аздорлик маъракалари ва маросимлар)	89,5	86,8	82,1	87,9
2.	Кўшнилар орасидаги можароларни ечишга	85,9	79,9	85,1	83,2
3.	Ёш авлодни ахлоқий тарбиялашда	74,7	71,9	73,5	74,7
4.	Оила ва оилавий можароларни ҳал этишга	74,7	69,3	79,9	66,4
5.	Маҳалла аҳолисининг ҳуқуқий билимларини оширишга	62,1	67,4	64,3	63,2
6.	Маҳалла аҳолисининг, айниқса, ёшларнинг жисмоний соғломлаштиришни ва спорт билан шуғулланишларини қўллаб-қувватлашга	51,1	49,5	56,7	52,3
7.	Аёллар ўртасида репродуктив саломатлик бўйича маърифий ишлар олиб боришга	48,9	52,9	56,7	51,3
8.	Ёшлар орасида гиёҳвандлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш учун огоҳликка чақириш бўйича ҳуқуқтартибот органларига ёрдам кўрсатишга	43,7	46,8	44,9	46,9
9.	Маҳалла аҳолисини экология муаммолари, шунингдек, тоза ичимлик суви билан таъминлаш каби масалаларни ечишга	37,2	*	40,7	42,7
10.	Кам таъминланган оилаларга моддий ва молиявий ёрдам кўрсатишга	38,5	49,3	48,4	38,5
11.	Маҳалла аҳолисини ёқилғи (газ, кўмир, ўтин) билан таъминлаш каби масалаларни ечишга	36,1	49,1	36,2	38,4
12.	Маҳаллада яшовчи касалманд фуқарога ёрдам кўрсатишга	*	*	32,5	35,5
13.	Иш билан таъминлашга	22,2	29,6	16,8	23,1

(2002 йилда респондентлар бу саволга жавобларини кўрсатишмаган).

Шундай қилиб, социологик тадқиқотларга кўра, жамоатчилик фикрида маҳалла фуқароларининг ўзини ўзи бошқарув органи сифатидаги аҳамияти ва ролини ошириш тенденцияси тобора ошмоқда. Жумладан, аксарият респондентларнинг фикрига қараганда, маҳалла маънавий-ахлоқий ишларни амалга ошириш сингари ижтимоий ёрдамга ўхшаш анъанавий функциялардан ташқари бошқа фаолиятни оширишга қодирдир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аста-секин ўз фаолиятини кенгайтирмоқда. Улар давлат бошқарувида тааллуқли яшаш жойларидаги ҳуқуқ-тартиботни кучайтириш, фуқароларнинг баъзи бир ижтимоий муаммолари, хусусан, ёқилги, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, экологик муаммоларини ҳал этиш, аёллар ва ёш ўсмирлар саломатлиги бўйича маърифий ишлар олиб бориш каби масалалар маҳалла томонидан кенг йўлга қўйилмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнидаги амалга оширилаётган ислохотларда ўз аксини топади.

Ислом Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлис IX сессиясидаги маърузасида «кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўткази боришни тақозо этади», деб таъкидлаганлари бежиз эмас.

Бундан ташқари маҳалла ижтимоий назорат шакли сифатида мамлакатда қабул қилинаётган қонун ва унинг нормаларини амалга оширувчи сифатида ҳам намоён бўлмоқда ва бу билан амалда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини рўйбга чиқармоқда.

Навбатдаги вазифа шундан иборатки, фуқаролик институтлари ва ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш учун энг мақбул ташкилий-ҳуқуқий механизмларни, яъни тегишли қонунчилик асосини шакллантириш, ташкилий-техникавий, моддий-шарт-шароитларни, давлат ва жамоат бирлашмалари ҳамкорлигининг самарали усул-услугларини вужудга келтириш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунга зарур ўзгартишлар киритиш, «Ижтимоий жамғармалар тўғрисида», «Нодавлат, нотижорат

ташкилотлари ва уюшмалари тўғрисида», «Хайрия фаолияти тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ислом Каримовнинг фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда суд-ҳуқуқ соҳаси ислохотларини янада изчил давом эттириш билан боғлиқ вазифалар хусусидаги сиёсий-ҳуқуқий назариясида суд-ҳуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини амалда тўлиқ таъминлаш долзарб муаммо сифатида белгилаб берилди (**олтинчи устувор йўналиш**).

Дарҳақиқат, суд ҳокимияти, унинг мустақиллиги ижтимоий зарурат сифатида қонун устуворлигини, жумладан, қонунларнинг қатъий ижросини таъминлайди. Ислом Каримов таъкидлаганидек, «қаерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талаблари ва адолат бузилиши муқаррар».

Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича бошланган хайрли ишларни изчил давом эттиришга алоҳида эътиборни қаратиб, «бу соҳадаги энг муҳим вазифа, — деб уқтирди Президентимиз, — *суд-ҳуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини сўзда эмас, амалда таъминлаш бўлмоғи зарур. Судлар том маънода мустақил бўлган ҳолдагина қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг ҳақиқий устуворлиги сўзсиз таъминланади*».

Ҳақиқатан ҳам Конституциямизнинг 106-моддасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши алоҳида таъкидланганига қарамай, судьяларимиз бу муҳим мавқелардан тўла фойдаланмаётгани ва етарли даражада самарали фаолият юрита олмаётгани сир эмас.

Авваламбор, жамият ва унинг ҳар бир аъзоси судьяга адолат ҳомийси сифатида қарамоғи лозим. Афсуски, судга жазолаш органи, деб қараш ҳануз учраб туради. Бу бежиз эмас. Яқингача судда жиноят ишларини кўриш чоғида судланувчини давлат номидан айбловчи прокурор кўпинча иштирок этмас, унинг йўқлиги боис судланувчига унинг айбига оид саволларни ноилождан судья берарди. Эндиликда бу ҳолга барҳам берилди. Судья айбловчига ҳам, ҳимояланувчига ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини ифодалаш ва исботлаш учун бир хил, тенг

шарт-шароитлардан фаол фойдаланишга имкон яратмоғи лозим. Назаримда, ҳимояланувчи бундай имкониятларга кўпроқ муҳтожлик сезади. Негаки, асрлардан буён бир нақл бор: айб тўқиш осон, ҳимояланиш — қийин. Шунини эътиборга олиб, Конституция-мизнинг 116-моддасида айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланиши алоҳида урғу билан ифодаланган.

Суд ҳокимиятининг моҳиятини таъкидловчи ва мустақамловчи бир қанча конституциявий қоидалар мавжуд. Улардан қуйидагилар судьяларнинг юксак ижтимоий мавқеини, айниқса, яққол ифодалайди: «судьялар мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсундилар» (112-модда); «суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир» (114-модда).

Бу сермазмун моддалар ижтимоий тузумимизнинг ютуқлари ва афзалликларини эътироф этиш билан бирга ҳаётимизнинг келажаги, равнақи йўлида дастурий вазифаларни белгилайди. Улар билан фахрланиш ва айни вақтда, уларга тўла-тўқис риоя қилмоғимиз лозим.

Конституция судьяга мустақил иш юритишга даъват қилса-ю бу улуғ мартабадаги шахс ўз масъулиятини сезмаса, турли давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, ҳатто, алоҳида мансабдор шахсларнинг йўл-йўриғи, топшириғи билан иш кўрса, суд ҳокимиятига иснод келади, адолатга путур етади. Шу сабабдан ҳам судьялардан алоҳида салоҳият, қобилият, малака ва шак-шубҳасиз, қалбан софлик талаб қилинади.

Судьяларнинг мустақиллигини таъминлашга оид бир қанча талаблар «Суд тўғрисида»ги Қонунда, хусусан, унинг 67-моддасида аниқ кўрсатиб ўтилган.

Суд чиқарган ҳужжатлар қонун каби кучга эга эканлигининг тимсоли сифатида шунини эътиборга олиш лозимки, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат Конституция ҳамда унга зид бўлмаган қонун, қонунга асосланган суд ҳукми, қарори ёки ажрими билан чекланиши мумкин. Ҳар қандай суд чиқарган ҳужжат қонуний ва адолатли, деб ҳисобланади. У фақат юқори суд органи етарли асосларга кўра бекор қилган тақдирда ўз кучини йўқотади.

Судья чиқарган ҳукм, қарор, ажрим қонун кучига эга. Уни қонун каби сўзсиз тан олиш, ижро этиш,

унга буйсуниш барча учун мажбурий. Яқин ўтмишда суд ҳужжатларига итоат қилиш у ёқда турсин, унинг ижро этилишини турли бўлар-бўлмас важлар билан тўхтатиб қўйиш кайфиятларини туғдирувчи, юқори мансабдор шахсларга Конституцияга зид беҳад ваколатлар берувчи қонун-қоидалар бор эди.

Судьяларнинг мавқеига нутур етказадиган бу хил тартибларга, тўғрироғи, тартиббузарликларга, шукурки, барҳам берилди. Судьяларнинг мавқеи уларнинг шахсий таркибига, малака даражасига ва суд фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари такомил бўлишига, ниҳоят, бу ҳақда қонунларимизнинг ҳам мукаммал бўлишига боғлиқ. Бу борада судларимизнинг ижобий иш тажрибасини кенг ёйиш билан бир қаторда ривожланган демократик мамлакатлардаги суд тизимининг ўзига хос жиҳатларини чуқур тадқиқ қилиш жиддий аҳамиятга эга.

АҚШ, Франция, Германия каби мамлакатларда суд ҳокимиятига ва судьяларга эътибор ҳамда эҳтиром ҳавас қилгудек юксак даражада. Судьялик унвонига эришиш фахрли эканидан хабардормиз. Бизда ҳам ўз ҳаётини адолат ўрнатишга, жамиятда учраб турадиган низоларни бартараф этишга, ноҳўя қилмиш учун жавобгарлик муқаррар эканини таъминлашга бағишлаган, халқ олдида чинакам ҳурматга сазовор қанчадан-қанча судьялар бор, албатта.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари эҳромида судларнинг мавқеи юқори экани тан олинса-да, низоларни ҳал қилишда, ноҳўя хатти-ҳаракатни баҳолашда, қонун устуворлигини таъминлашда, энг улуг қадрият — инсон қисматини ҳал қилишда суд охириги босқич ҳисобланса-да, прокуратура, ички ишлар, давлат хавфсизлиги хизматидаги ҳуқуқшуносларнинг моддий ва ижтимоий таъминоти баландроқ. Боз устига, судьялик лавозимини эгаллаш беш йиллик муддат билан чегараланган. Қонунга кўра, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳам маълум даражада чеклаб қўйилган. Жумладан, Конституция ва қонунларимизга мувофиқ, улар, шу жумладан, туман судьялари депутат бўлиши мумкин эмас. Сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишга, илмий, педагогик ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият турлари, шу жумладан, тадбиркорлик билан шуғулланишга ҳаққи йўқ.

Бошқа мансабдор шахсларга қараганда судьяларга яна бир қанча талаблар уларнинг махсус одоб қоидаларида баён этилган.

Қатор мамлакатларда судьялар лавозимга умрбод сайланадилар ёки тайинланадилар. Олий мақомга эга бўлган бундай шахслар ўз эрталари тўғрисида кўнгиллари тўқ бўлиши табиий. Судья сифатида узоқ йиллар фаолият кўрсатган атоқли рус олими А.Ф.Кони ёзганидек, «*Судьяларга шундай шароит яратиш бермоқ лозимки, улар ўз келажаги тўғрисида ҳеч ташвишланмай, суд қилинаётган айбланувчининг қисмати тўғрисида ўйласинлар*».

Судьяларга шундай ҳуқуқий шароитлар яратиш йўлида Ўзбекистон кейинги йилларда изчиллик билан қатор ислоҳотларни амалга ошираётгани, шубҳасиз, ижобий самаралар бермоқда. Жумладан, жиноий жазони эркинлаштириш, суд органлари фаолиятининг ташкилий шакллари демократик такомиллаштириш, яъни иккига — фуқаролик ва жиноий ишларни кўрувчи тизимга ўтганлиги бу жараённинг истисносиз барча босқичларида тарафларнинг ҳақиқий тенглиги ва ўзаро тортиша олиши учун яратилган шароит, айниқса, иқтисодиёт соҳасида содир этилган жиноятлар учун жазоларни сезиларли даражада енгилаштириш имконининг юзага келгани, даъво аризалари ҳамда шикоятларни қабул қилиш, уларни кўриб чиқиш жараёнларининг соддалаштирилгани фикримиз исботидир.

Шу нуқтаи назарда суд тизимини мустаҳкамлаш, уларнинг фақат қонунларга бўйсинишини кучайтириш борасида мутлақо янги демократик қадам қўйилди. Демак, мустақил суд ҳокимияти жазоловчи органдан, аввало, фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи идорага айланиб бормоқда.

Ислом Каримов суд ҳокимияти ислоҳотларида оммавий ахборот воситаларининг ролига алоҳида эътибор берилиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлади. Сабаб — суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишдек, кенг миқёсли ўзгаришлар, аввало, ҳар бир фуқаронинг манфаатини ҳимоя қиладиган қонун ва нормалар оммавий ахборот воситалари томонидан таништирилиб борилиши жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, амалиётда ҳамон мавжуд ҳуқуқий нигилизм ҳамда ҳуқуқий инфантилизм билан боғлиқ иллатларга қарши кескин кураш олиб бориш имконини бермоқда.

Демократик жамият ва давлат фаолиятида ҳамма нарса инсон манфаатига сафарбар бўлиши шарт. Демократиянинг бу умумқоидаси инсон омили — инсон мезонин (**еттинчи устувор мақсад-вазифа**) бош мақомга кўтаради. Айнан шу боис ҳам Асосий Қонунимиз Муқаддимасида белгиланган Ўзбекистон халқининг 8 та конституциявий мақсади ҳаммаси бевосита инсон омили билан боғланган.

Жумладан, «инсон ҳуқуқларига содиқлик», «ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулият», «фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечирришларини... тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш», ниҳоят, «инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш».

Айни пайтда, Асосий Қонунда инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, унинг бурч-мажбуриятлари демократик аниқ белгилаб берилган. Конституция ва тегишли қонунларга кўра, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳурмат қилинади, одамлар ўртасида муносабатларни маданийлаштириш ва шу билан боғлиқ инсонпарвар масалаларни ҳал қилиш демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий вазифасидир. Одамларда демократия ва сиёсий плюрализм ғояларига садоқатни тарбиялаб, эркин сайловлару қонун устуворлиги асосида демократик жамият барпо этишга онгли сафарбарлик маданияти шаклланади. Бу, шубҳасиз, жамиятда тинчликни, хавфсизликни, адолат ва ҳамкорликнинг барқарорлигини таъминлайди, шахснинг ўзига ва давлатга ишончини мустаҳкамлайди. Адолатли фуқаролик жамият ана шундай ишонч асосидагина шаклланади, ҳуқуқий давлат эса демократик тартибга эришади, демократик тараққиёт йўлидан изчил боришда мунтазамликни таъминлаб, қонунийликни, айниқса, инсон шахси олий қадрият эканлигини амалда исбот қилади.

Инсон ҳуқуқлари ҳимоясига сафарбар ташкилотларнинг (Инсон ҳуқуқлари Маркази, Омбудсмен институти) республикада самарали фаолиятлари айнан ана шу халқаро ҳужжатларга асосланаётгани, шубҳасиз, инсонийлик мезонлари талаблари қатъий амалда эканлигини кўрсатади.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро андозаларга қатъий риоя этилгани ҳолда, Ўзбекистонда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг Инсонийлик мезонлари бўйича барча ҳужжатлари дастуриламал бўлмоқда.

Инсон шахсига хос қадр-қимматни, одамларнинг тенг ва ажралмас ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги мамлакатда олиб борилаётган устувор сиёсат оқиба-ти ўлароқ, жамиятда адолат тантана қилмоқда. Зотан, инсон омили ва мезони барча ислоҳотларнинг пировад натижаси бўлиб, у ҳамма нарса инсон учун, унинг бахт-саодати учун, деган цивилизацияга асосланади. Бу мақсад Ўзбекистондек кўп миллатли ва кўп конфессия-ли давлатда демографик ва бўлак хусусиятларни инобатга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат олиб бо-риш, дегани. Бозор муносабатларига ўтиш жараёни ва босқичларида ҳар бир фуқаро — инсон ижтимоий куч-ли ҳимоя қилиниши миллий тараққиёт стратегияси — машҳур беш тамойилнинг биттаси қилиб қўйилгани сабаби ана шу инсон омили — мезонида. Мустақил давлатимизнинг бу одил инсонпарвар демократик сиё-сати ўлароқ, ижтимоий инфратузилмани, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини янада ривожлантириш, нафақа тўлаш тизимини такомиллаштириш, экологик, бошқа хавф-хатарлардан халқни муҳофаза қилиш, шахс-ни мунтазам камол топтириш, фуқароларнинг ижти-моий талаб ҳамда эътирозларини қондириш борасида аниқ амалий ишлар бажарилмоқда. Муҳими — кутил-ган самарасини бермоқда: одамларда давлатга, унинг раҳбарига ишонч янада ортиб бормоқда.

Ўзбекистон қатъий стратегик дастур асосида демок-ратик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, фуқаро-лик жамияти асосларини шакллантириш йўлидан ўз-буюк келажаги сари дадил бормоқда.

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши бир қатор объектив сабабларга кўра, ҳозирги замон ижтимоий тараққиётининг давлат ва бозор каби институтлари ўрта-сидаги ўзаро алоқа ҳамда муносабатларга боғлиқ.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти, давлат ва бозор ўртасидаги ўзаро муносабатлар, назаримизда, бир неча босқичлар ва шаклларга эга. Мана шу ўзаро таъсир ва муносабатларга фуқаролик жамияти моҳиятига тўла дахл-дор бўлган учта асосий аспект ишлаб чиқилган. Улар:

биринчидан, бозор ислоҳотларининг қарор топиши даврида давлат асосий ҳаракатлантирувчи куч;

иккинчидан, ҳозирги пайтда шаклланаётган бозор муносабатлари ўзини ўзи ривожлантириш салоҳиятига эга бўлаяпти;

учинчидан, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисо-диёти доирасида ўзини ўзи бошқарадиган турли-туман

бозор механизмларининг давлат таъсири билан ўзаро интеграцияси.

Табиийки, ўзини ўзи бошқаришга қодир бозор имкониятларининг тўла амал қилиши фуқаролик жамиятининг ҳар томонлама шаклланиши учун истиқболлар очиб беради.

Демак, ўзини ўзи бошқариш тамойилларининг давлат бошқаруви билан тўлиқ вобаста этилиши истиқболдаги стратегик мақсадларга эришишимизнинг асосий мезони ҳисобланади.

Маълумки, фирма ва корхоналар ўз фаолиятларида фақат хўжалик соҳаси билангина қаноатланиб қолишмайди. Чет эл иқтисодий ва ижтимоий назариясида фирмалар таркибан жамият ҳаёти билан бевосита боғланиб кетганлиги аллақачонлар тан олинган. Фирмалар, нафақат, иқтисодий бирлик. Улар, нафақат, товар ва хизмат бозорларида ўзларини кўрсата оладилар, айни пайтда, мураккаб ижтимоий тузилмани ташкил этишади: ўз мақсад ва интилишлари, манфаатлари ортидан юрган одамларни бирлаштириб, муайян мақсад сари йўналтириб ҳам туради.

Бизнинг фикримизча, бу хусусият Шарқ мамлакатларига кўпроқ хосдир. Жумладан, Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни халқ ҳаётидан, маҳалла миқёсидаги ишлаб чиқариш анъаналаридан айри ҳолда қараб бўлмайди. Шунинг учун ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий ҳокимият органлари биргаликда бозор иқтисодиётини амалга ошириш билан боғлиқ кўпгина муаммоларни ҳал этиш имкониятига эга. Жумладан, тадбиркорликни рағбатлантириш, хусусий мулкни қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш, бозорларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, одамлар турмуш фаровонлигини ошириш, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва бошқа кўплаб соҳаларда самарали ҳамкорлик қилишмоқда.

Айнан ана шу ишларда фуқаролик жамияти кўпроқ ривожланиш асосларига эга бўлади, унинг моддий асослари қарор топади, яъни ишлаб чиқариш муносабатларининг мураккаб тизими ва тўпланган моддий бойликлар биргаликда фуқаролик жамиятининг иқтисодий асосини янада бақувват қилади.

Фуқаролик жамияти шаклланишининг яна бир ўзига хос шарқона хусусияти — демократлаштириш.

Фуқароларнинг энг муҳим ҳуқуқлари ва эркинликларини, сиёсий танлов ҳуқуқи, виждон эркинлиги, тадбиркорлик ҳуқуқи, сўз ва мулк ҳуқуқларини астойдил ҳимоя қиладиган демократик ҳуқуқий давлат барпо этилмоқда.

Ҳозирги пайтда бу ҳуқуқлар Конституция орқали мустаҳкам ҳимоя қилинмоқда. Бошқа қонун ва кодекслар, шунингдек, Омбудсман — Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили фаолияти юқоридаги мақсадга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси, инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди.

Сиёсий соҳани эркинлаштириш ўлароқ, давлат ваколатларининг муайян қисми нодавлат ташкилотларига, икки мингдан ортиқ бирлашмалар, фондлар, уюшмалар ва маҳаллаларга ўтказилди.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётни демократлаштиришнинг янги омили — сиёсий партиялар («Халқ демократик партияси», «Адолат», «Миллий тикланиш», «Фидокорлар») фаолиятининг фаоллашгани бўлди. Партияларнинг фуқаролик позициялари жамиятда манфаатлар мувозийлигини таъминлаб туришга, давлат тузилмаларига фаол муҳолифатда бўлишларида намоён бўлади.

Қарашлар ва гоялардаги рақобат, хусусан, қонунчилик соҳасида, оммавий ахборот воситалари фаолиятида кўпроқ кўзга ташланмоқда. Қатор газеталар, радиостудияларнинг хусусий шаклда мавжудлиги — фикримиз исботи.

Фуқаролар ўртасида тотувликни мустаҳкамлаш, миллатлараро аҳилликни, динлараро келишувни, ижтимоий қатламлар манфаатлари мувозанатини таъминлашда сиёсий кучларнинг бирлиги жамиятда муҳим ютуқ бўлди. Уларни Президент Ислом Каримов раҳнамолигида давлат олиб бораётган ислохотларни қўллаб-қувватлаш бирлаштирмоқда.

Ушбу ҳолатда фуқаролик жамиятини шакллантириш билан алоқадор давлат моҳияти хусусида гапирганда республикада мавжуд бирдамликка эришиш йўлида устивор келишув-консенсусга келинганлигини қайд этиш лозим. Бу, нафақат, фуқаролик жамияти тавсифи, айти пайтда, ижтимоий келишувчанлик-аҳилликнинг шакли бўлган давлат моҳиятининг янги элементи.

Давлатнинг ушбу алоҳида шакли — фуқаролик жамияти институтлари, давлат ва бозорнинг ўзаро самарали ҳамкорлигининг муҳим омилидир.

Ана шу фонда мустақиллик йиллари халқ руҳиятини ватанпарварлик, миллий ифтихор, бутун дунё узра очиқлик сари кескин ўзгартирди. Ўзбек халқининг маънавий ва тарихий қадриятлари, буюк мутафаккирларимиз мероси дунё миқёсида борган сайин тан олиб борилмоқда. Турли миллатга мансуб одамларда Ўзбекистонга, унинг бой адабий-илмий меросига, халқимизнинг маданий тарихий илдизларига қизиқиши фавқуллодда ошиб бормоқда. Юртимизда машхур, хорижда тан олинган мусиқа, тасвирий ва амалий санъатлар ривожланмоқда.

Бу жаҳон цивилизациясининг интерфаол очиқлиги, яъни фуқаролик жамияти очиқлигининг янги шаклидир. Ушбу очиқликни фуқаролик жамиятимизнинг янги ўзига хос илғор омили сифатида қараш лозим.

Асрлар давомида синовдан ўтган оилавий одоб нормалари, қариндошлар ўртасидаги муносабатлар, катталарга, аёлларга ҳурмат, эътиқод қайта шаклланиб, ҳаётимизда тобора кўпроқ намоён бўлмоқда. Ўзбек оилаларида инсоний ғамхўрлик ва меҳмондўстлик анъаналари янада чуқур илдиз отмоқда. Шунга мувофиқ ҳолда, ўзида, нафақат халқининг анъанавий ўзини-ўзи бошқаришини тажассум этган, айти пайтда, ғам-қайғу ва хурсандчиликда ҳам, оддий кунлару байрам-тантаналарда, фарзандларга умумий ғамхўрликда ҳам одамларни бир-бири билан яқин қилиб, бирлаштирадиган маҳалла тизими ҳам такомиллашиб бормоқда.

Ўзбек халқи руҳи ороланиб бормоқда, унда чуқур миллийлик умуминсоний мақом билан йўғрилмоқда. Ўзбекистонда яшовчи халқлар ўз миллий қиёфаларини сақлагани ҳолда, ягона яхлит менталитет, муштарак хулқ-атвор фалсафасини касб этиб, умум Ўзбекистон маданиятининг ноёб умуммиллий фазилатларини шакллантирмоқда. Масалан, ўзининг моҳияти, гўзаллиги ва юксак ахлоқий-маънавий моҳияти билан Наврўз яшнаш-яшариш баҳор айёми — умумхалқ байрами сифатида нишонланмоқда. Наврўз миллати, динидан қатъи назар, ҳар бир оила, фуқаро учун янгиладиш, умид, эзгу орзу-ҳавас, эзгу амал тимсолига айланди.

Ўзбекистон бунақа янгиладишу ўзгаришларни ҳеч қачон кечинган эмас. Шу билан бирга жамиятнинг маъ-

навий-диний уйғонишига янгича муносабат шаклланмоқда. Ўзбек халқининг менталитети айнан ана шу маърифий ислом фалсафаси негизида шаклланган. Миллатнинг минг йиллик ахлоқий тажрибаларини ўзида мужассамлаштирган ислом маданий қадриятлари қайта тикланмоқда. Ислом ўзбек халқининг ўзлигини англашида, маданий-тарихий бирлигида фавқулудда бирлаштирувчилик ролини ўтаган.

Аждодларимиз динига бўлган эҳтиром сифатида эски мачитларнинг таъмирланиши, янгиларининг қурилишини кўрсатиш мумкин. Куръон ва ҳадислар қайта-қайта нашр этилмоқда. Ҳар йили минглаб фуқаролар ҳаж сафарларига боришмоқда. Мусулмон байрамлари ҳам халққа қайтарилди. ЮНЕСКО иштирокида буюк имом ал-Бухорийнинг таваллуд топган куни кенг нишонланди. Унинг зиёратгоҳида янги мемориал мажмуа қурилди.

Тошкентда Марказий Осиёда илк бор Ислом университети очилди. Университет ислом маърифати тизими учун мутахассислар тайёрлайди, имом ал-Бухорий, Ат-Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳмад Ясавийлар мероси бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боради. Марказий Осиёда чуқур илдиз отган ислом анъаналарига зид бўлган динни сиёсийлаштириш ва сиёсатни динлаштириш билан боғлиқ уринишларга чек қўйилди.

Давлатнинг дунёвий мақоми христианлик, католик, иуда сингари 15та йирик диний конфессиялар вакилларига ўз эътиқодларига эркин сиғиниш имконини берди. Диний ва этник сабр-тоқатлилик, нафақат, диний, айна пайтда, маданий ва ахлоқий асосларда уюшган одамларнинг идеали бўлган идеал шаҳар ҳақидаги орзу-қарашлар ҳамisha устувор бўлган Мовароуннаҳр мусулмон маданиятининг асрий талабидир.

Бизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг яна бир ўзига хос томони кучли демографик омил билан боғланган. Ўзбекистон нафақат ёш давлат, балки ёшлар давлати ҳамдир.

Ўзбекистон аҳолисининг 10 миллионга яқини болалар ва ўқувчи ёшлардир. Булар Ўзбекистоннинг келажаги, умид ва ишончидир.

2000 йил Ўзбекистонда соғлом авлод йили, деб эълон қилинган эди. Баркамол соғлом авлоднинг ахлоқий ва жисмоний етуклиги давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жумладан, мактаб ўқувчиларининг «Умид

ниҳоллари», лицей-коллеж ўқувчиларининг «Баркамол авлод», талабаларнинг «Универсиада» анъанавий спорт мусобақалари мунтазам ташкил этила бошланди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ узлуксиз таълимда оммавий спортни ривожлантиришнинг уч бўғиндан иборат бу яхлит тизими соғлом авлод тарбиясига сафарбарлиги билан эътиборга моликдир.

2002 йил 24 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон болалар спортни ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Фармонда жамғарма фаолияти ва унинг мақоми аниқ белгилаб берилди.

2002 йил 31 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда болалар спортни ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 374-сонли қарори қабул қилиниб, унда жамғармага юкланган асосий вазифаларни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқ чора-тадбирлар тизими белгилаб берилди.

Ҳукумат қарорида жамғарманинг ташкилий-таркибий тузилмаси, жамғарма марказий аппарати ва минтақавий тузилмалари, минтақавий филиалларнинг намунавий тузилмаси белгиланиб, етти бўлимдан иборат жамғарма Низоми тасдиқланди.

Низомнинг умумий қоидаларида жамғарма мақоми ва вазифалари белгилаб берилди.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришнинг, уларга соғлом турмуш тарзига интилиш ҳамда спортга меҳрмуҳаббатни сингдиришнинг гоят муҳим шарти бўлган болалар оммавий спортни ривожлантиришни таъминлаш — жамғарма фаолиятининг бош мақсади ҳисобланади.

Ўн олти моддадан иборат жамғарманинг асосий вазифалари белгиланди. Шунингдек, Низомда жамғарманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жамғарма қатнашчилари, бошқарув органлари тузилмалари ҳамда уларнинг мақоми, жамғарманинг мол-мулки, молиявий маблағлари, жамғарма фаолиятини тўхтатиш тартиби аниқ қайд этиб берилди.

Айни пайтда, жамғарманинг хорижий фирмалар, банклар ва компаниялар вакиллари қаторида 46 та муассислар рўйхати, шунингдек, И.А.Каримов раислигида 23 кишидан иборат Ҳомийлик Кенгаши таркиби тасдиқланди.

Ҳомийлик Кенгашининг Президент И.А.Каримов раислигида 2003 йил 7 февралда ўтган мажлисида болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг минтақавий филиаллари фаолиятини ташкил этиш борасида марказда ҳамда жойларда амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Мажлисида Ҳомийлик Кенгашининг 2003 йилга иш режаси тасдиқланди. Унда болалар спорт иншоотларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш, 2003-2005 йилларда мамлакатимизда ҳамда ҳудудлар миқёсида янги спорт иншоотларини барпо этиш дастури, болалар спортини мураббий кадрлар билан таъминлаш, жисмоний тарбияга оид дарсликлар ва қўлланмалар яратиш билан боғлиқ қатор долзарб масалалар қамраб олинди.

Фарзандлар камолида энг муҳими — бу маърифат соҳасидир. Ҳар бир инсон ўз фарзандининг етук саводхон, юксак хулқ-атворли, соғлом ва бахтли бўлиши учун бир умр елиб-югуриб меҳнат қилади. Янги минг йиллик бошида миллий таълим тизими янги асосга қўйилди. Бунда тарбия ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўқиш, меҳнат, спортда ҳар бир ёш йигит ва қиз ўз қобилиятини тўла намоён этиш имкониятига эга бўлди.

Халқаро таълим стандартларига мос кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури самарали амалга оширилмоқда. 9 йиллик мажбурий таълимни икки юзта ҳозирги замон академик лицейлари ва бир ярим мингта касб-ҳунар коллежларидаги уч йиллик таълим тўлдиради. Бу лицейлар ва коллежларнинг қурилиши, техник жиҳозланиши давлат томонидан мақсадли амалга ошириляётган истиқбол дастурининг асосий самараларидир.

Республиканинг 63 та олий ўқув юртлирида бакалаврият ва магистратура тизимларининг жорий этилиши таълимнинг миллий стандартларини халқаро таълим стандартларига мослаштирди. Миллий олий ўқув юртлирини тамомлаганлар дунёнинг етакчи университетларида ўз малакаларини ошириш имкониятларига эга бўлдилар. Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан ташкил этилган «Умид» жамғармаси орқали минглаб йигит ва қизларимиз чет элларда таълим олди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида инсон ақл-идроки юксалишига устиворлик берилди. Аҳолисининг 99%, асосан, маълумотли бўлган Ўзбекистоннинг умумий таълим мактабларида, ўрта махсус ва олий

ўқув юртларида аҳолининг 26,7% таълим олмоқда. Аҳолининг ҳар 1000 тасидан 142 киши олий ва тугалланмаган олий маълумотга, 199 таси — ўрта махсус, 480 таси — умумий ўрта, 127 — тўлиқсиз ўрта маълумотга эга.

Билим олиш ва касб маҳоратини ошириш тизимида 9,8 минг кундузги умумтаълим мактаблари (ўқувчилар сони 6 млн), 194 та ўрта махсус билим юрти (254,8 минг ўқувчи), 61 олий ўқув юрти (183,6 минг талаба), 46 академик лицей ва 241 касб-ҳунар коллежи мавжуд.

Уларда асосий эътибор янги педагогик ва ахборот технологияларига асосланган таълимнинг узлуксизлигига, таълим сифатини, касб-маҳоратини оширишга қаратилган.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ўзига хослигини унинг муҳим тизимий компоненти бўлган миллий истиқлол мафкураси ҳам белгилаб беради.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида цивилизациялашган конституциявий демократик ҳуқуқий мақомига эга бўлиш учун қисқа давр ичида мустақиллик ғояларини шакллантиришдан уни амалга ошириш ва такомиллаштиришгача бўлган мураккаб тадриж босқичларини кечинди. Уч минг йиллик миллий давлатчилик тарихига эга бўлган ўзбек халқи тоталитар тузум исканжасида ҳам мустақиллик ғоясидан воз кечмаган. Ана шу ижтимоий-руҳий омил XX асрнинг 90-йилларида аниқ реалликка айланди.

Суверен Ўзбекистонда янги жамият қурилишининг ўзига хос йўли асосини айнан умуминсоний демократик тамойиллар ташкил этди. Бу йўл ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятни, одамлараро шакланган реал муносабатларни, уларнинг маънавий-диний эътиқодлари, руҳияти, менталитети ҳамда хулқ-атвор нормаларидан йўғрилган дунёқарашини инобатга олган ҳолда танланди.

Одамларнинг тафаккури, дунёқарashi, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий онги ўзгариши асносида демократик янгиланишларнинг даражаси ва суръати ўсиб бормоқда. Конституция ва қонунлар ҳуқуқий ҳаётнинг бош тамойилига айланди. Давлатнинг бош ислохотчи сифатидаги конституциявий мақоми, функцияси қатъий назорат асосида миллий тараққиёт стратегиясини узлуксиз белгилаб бориш орқали ҳаётда жорий этишдан ибo-

рат, деб белгиланди. Ҳуқуқий ҳимоя механизми шакл-ланди. Қонун бошқарувнинг асосий воситасига айланди. Марказнинг муайян ваколатларини маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимига босқичма-босқич беришнинг нормалари ишлаб чиқилди. Энг муҳими аста-секинлик билан фуқаролик жамияти асосларини, шунингдек, кўп укладли, барқарор ривожланаётган, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш бошланди, Ўзбекистон ижтимоий зиддиятларни зўронликларсиз, ижтимоий консенсус-келишув асосида ҳуқуқий ҳал қилишдек демократик маданиятига эришди.

Янгича тафаккур қонуний равишда Ўзбекистон мустақиллигини таъминлаш ва мустаҳкамлашнинг зарурий шартига айланди, мутлақо янгича моҳият касб этди. Республика раҳбарияти янгича тафаккурга кенг йўл очиб беришга интилди ва интилмоқда. Ислохотлар халқ ҳаётини ўзгартира бошлади. Ҳаётдаги ўзгаришлар эса, ўз наъбатида, одамларни янгича фикрлашга ўргатди, улар онгининг ўсишига олиб келди, келмоқда.

Миллий руҳ, онг ва тафаккурда рўй бераётган ўзгаришлар Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг ҳал қилувчи бош тақдирломон омилига айланаётгани, шубҳасиз, ўз кутилган самараларини бериши муқаррар.

Мамлакатимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг ушбу ўзига хосликлари унинг ижобий ўзгаришларга мойил очиқ жамият тамойиллари билан уйғунлашуви эҳтиёжига йўналган.

VII б о б

БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТ

ИСЛОМ КАРИМОВ ШАХС КОНСТИТУЦИЯСИГА СИЁСИЙ ЧИЗГИЛАР

Ҳар бир Уйғониш эпохаси буюк шахслар даҳолари маҳсули. Цивилизациялар тарихи бунинг бот-бот исботи. Эзгу гоя, эзгу фикр, эзгу амал диалектикаси узвийлигини, якка Худолик маданияти-ю маърифатини бошлаб берган ва кейинчалик буддавийлик, христиан ҳамда ислом цивилизацияларининг юзага келиши, ривожда беназир роль ўйнаган зардуштийлик таълимоти бево-сита Зардушт номи билан боғлиқлиги жумла жаҳонга маълум. Ўрта аср Оврупо Уйғониш босқичи Данте Алигьеридек даҳо ва Никколо Макиавеллидек дониш-манд давлат арбоби номлари билан боғлиқ. Миллий тарихимизда ўрта аср Шарқ Уйғониш тамаддунчилиги Амир Темур Шахси, у асос солган ўрта аср марказлашган давлати — империясига дахлдор ва ҳ.к.

Зотан, муайян миллат, халқ ёхуд бани башар тарихан тақдириломон туб ўзгаришлар палласига кирганда буюк Шахсларга табиий муҳтожлик сезиши — қонуният. Миллий камолотнинг янги сифат босқичи, тарихий қисмат айнан шундай Шахсларни кашф этсагина фавқулодда тақдириломон моҳият-мақсадларга эришади. Тополмаса йўқ.

Аслида бу ҳақиқатда сабаб-оқибат ва сабаб-вақт узвийлиги табиий тажассум бўлади. Янги босқичлар, одатда, янги даҳолар билан уйғун бирликда юзага келади. Бу — қонуният!

Тарихий вазиятнинг ўзи, давр — эпоханинг сиёсий-маънавий зарурати ўз табиий эҳтиёжларини қондиришга қодир буюк арбоблик салоҳияти соҳибларини, тафаккур титанларини кашф этади, муқаррар истиқболни улар тақдири билан боғлайди. Бундай Арбоблар фавқулодда Инсоний қудратлари, юксак

ақлий-шуурий, теран қувваи ҳофизалари, характер ва тафаккур кучи билан ўзларини инкишоф этган цивилизация, эпоха тараққиётга мислсиз буюк таъсир кўрсатишади. Тарихий бу қонуният шу боис ҳам ижтимоий-маънавий тараққиётнинг ҳал қилувчи тақдирломон моҳият чорраҳалари, янгича цивилизация ибтидолари учун алоҳида қиммат касб этади.

Дарвоқе, миллий Тикланишлар тарихи учун хос ва типик бўлган иккита буюк универсал, мутлақ ҳақиқат мавжуд. **Бири** — муқаррар сифат-моҳият, **иккинчиси** — ана шу моҳият юзага келтирадиган қонуният — йирик, жаҳон цивилизациясини мутлақо янги сифат босқичга олиб чиқишга қодир ақл-тафаккур титанларининг, фавқулодда буюк истеъдодларнинг, бани башар ақлий ривож тарихида мутлақо янгича дунёвий камолот инкишофчиларининг юзага келиши — кашф этилишидир. Бизнинг шароитимизда абсолют бу универсал-феноменал ҳақиқат собиқ совет давлати ўрнида мутлақо бошқача ижтимоий-маънавий қадриятларга асосланган дунёларнинг пайдо бўлганлиги, ушбу жараён — миллий Тикланиш, ўз навбатида, одатдагидек, ўзига мос ва хос тафаккур титанларини юзага келтиргани бўлди. Мустақил Ўзбекистон миллий Тикланишнинг ана шу доимий икки абсолют феномени ҳақиқатини яна бир бор исботлади. Ўзбекистон учун тарихнинг ўзи тақозо этган шундай феномен Ислом Каримов бўлди.

ЎЗЛИКНИ КАШФ ЭТИШ

80-йиллар қатағони даврида собиқ марказ десантчилари кадрларнинг пайини қирқиш билан банд паллада бирор бир катта лавозимга сайланишу тайинланиш кўркуву азобга айланган эди. Боз устига, Қашқадарёдек вилоят марказ малайлари — гдлянчиларнинг алоҳида назоратида турарди. Сабаб, вилоятнинг олдинги биринчи раҳбарларидан бири Рўзмат Ғойибов ўз жонига қасд қилган, кейингиси — Туробов қамалган эди. Қама-қама Ўзбекистонда кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйиш сиёсатида фавқулодда салбий таъсир кўрсатган, республика ва вилояту шаҳар ҳамда туманлар миқёсидаги раҳбарликка синашта кадрлар сони кескин камайиб кетган эди.

Етук кадрлар тақчиллиги шароитида кутилмаганда вазир И.А.Каримов Қашқадарё вилояти партия қўми-

тасининг биринчи котиби лавозимига тавсия этилди. Бу 1986 йилнинг 26 декабри эди.

Ислом Каримов ушбу лавозимга хўжалик юрителишнинг йирик билимдони сифатида келган бўлса-да, унда ҳали теран сиёсий тажриба камроқ эди. Боз устига, қарийб ўн минг қашқадарёлик «пахта иши», «ўзбек иши»да айбланиб, қамалган эди. Бир пайтлари пахта етиштириш соҳасида донгдор бўлган миришкор вилоят кейинги ўн йилда 700 минг тонна кам пахта берган, мавжуд 143 хўжалиқдан 136 таси режани бажаролмай, ҳосилдорлик атиги 14,5 центнерга тушиб қолган эди.

Табиийки, асосий сабаб меҳнаткаш халқнинг ўзига, ўша давр сиёсатида, раҳбарларига бўлган ишончсизлик, ҳафсаласизлик, ялпи қўрқув ва ҳадикда эди. Ана шундай қатли ом ва ижтимоий кайфиятсизлик, ишончсизлик муҳитида вилоятнинг янги раҳбари иш бошлади.

Тўғри, ўша биринчи кунлар янги раҳбар ҳам «қама-қама»ни давом эттиради, у ҳам олдинги раҳбардек гдлянчилар қўлида эрмак бўлади, деган умумкайфият кўпчиликда ҳукмрон эди. Не саодатки, ҳаммаси мутлақо акси бўлиб чиқди.

И.А.Каримов эътирофи: «1987 йил бошларида бу ерда ишлай бошлаганимда одамлар билан маслаҳатлашиш, халқ фикри билан ҳисоблашишдек ягона йўлни танладим. Дастлаб қилган ишларимдан бири кексаларни тўплаб беришни сўраш бўлган эди. Мен улардан одамлар билан таништиришни илтимос қилдим: кимнинг ортида ким турибди, томири қандай, қаерда униб ўсган. Ким қайси районда етакчи, одамларни ўз ортидан яхшилик ёки ёмонлик йўлига эргаштира оладими? Буларнинг барини билиш учун улар билан бир эмас, уч марта учрашдим».

Янги раҳбар синови, жумладан, айнан ана шу эътироф — халқона одил иш услуби ва унинг демократик принципал усулидан бошланди. Синов жараёни узоқ куттириб қўймади: жабрдийда халқда аста-секин янги раҳбарга ишонч уйғона бошлади. «Пахта иши» билан қамалганларнинг хотинлари, болачақалари, қариндош уруғлари нажот истаб унга мурожаат қила бошладилар. Жабрдийдаларнинг дарди ариб, кўздан ёши тина бошлади. Арзғўйлар раҳбар тимсолида илк бора оддий, самимий, бағрикенг, жабрдийдаларга, наинки, куюнадиган, айна пайтда,

уларга одиллик билан аниқ ёрдам берадиган Нажоткорни кашф қилдилар. Назаримда, ана шу оғир мураккаб нажоткорлик жараёнларида Ислоҳ Каримов сиёсий сардор сифатида ўзини ҳам янгидан кашф этган бўлса, ажабмас. Энди сафсатабозликка, ваъдабозликка, қуруқ гапга, ёлғонга, «хўп, бажарамизлар»га ўрин қолмаган эди. Бу эса одамларни оҳанрабодек ўзига торга бошлади. Шу тариқа янги раҳбар **Халоскор** сифатида элга танилди.

«Агарда мен мана шу бетакрор заминда бағри кенг, меҳнаткаш ва заҳматкаш, ҳар қандай қийинчиликка бардош берадиган, чидамли, сезгир, керак бўлса, буюк мақсад йўлида меҳнат қилиш у ёқда турсин, жонини ҳам беришга тайёр турган халқни яқиндан билмасам, унинг кенг имкониятларини билмасам, ўзимни қийнаб ўтирмасдим.

Гап бундай имкониятларга эга бўлиш, халқни бошқариш, унинг ичи, юрагидаги ғам-ташвишлардан хабардор бўлиш, уни ҳимоя қилиш, ёруғ мақсадларга чорлаш — бунинг ҳаммасини кимдир ўз зиммасига, елкасига олишдадир».

Шундай ўйда, шундай фикрда бўлган раҳбар Қашқадарёнинг залворли юкини елкасига олди. «Қашқадарё вилояти битмас-туганмас тараққиёт имкониятларига эга. Унумдор чўлимиз, тароватли ва саховатли ерларимиз бор. Энг асосийси, улкан вазифаларни ҳал этишга қодир одамларимиз бор», деган қатъий комилликка — хулосага келди. Ислоҳ Каримов «олга юришни хоҳлайдиган ва юра эладиган, ўйлаб иш тутадиган, ҳаракатчан, амалий самараларга эришиш уддасидан чиқадиган ходимларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш керак», деган тамойилда қаттиқ турди. «Ҳаракатчан ва қатъиятли, эски қолипдан узоқ, давр руҳини яхши тушунадиган кишиларни» қўллаб-қувватлади. Зотан, «фидойи кадрларсиз Қашқадарёни қутқариб бўлмайди». Бунинг вилоят раҳбари яхши биларди. Билгани учун ҳам «фақат ижрочи эмас, ташаббускор раҳбар керак», деган ганни баралла айтди ва ўз кадрлар сиёсатини айнан шу тамойил асосида олиб борди, ҳар бир раҳбар фаолиятини одамларнинг эҳтиёжини қондиришга қаратди. Бунинг асл сабаби шунда эдики, кўп йиллар давомида одамлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ижтимоий муаммоларга ечим топиш деярли насияга айланган эди. Айнан ана шу одамлар, хусусан, катта-кичик раҳбарлар фаоллиги ва ташаббускорлигига тўғаноқ эди. «Биз, —

деб эътироф этганди ўшанда И.А.Каримов, — раҳбар кадрларнинг эътиборини бу масалага эндигина қарата бошладик. Аҳолини газ билан таъминлаш 17 фойизни, қишлоқда эса 4 фойизни ташкил этади. Раҳбарлар кишиларнинг талаб ва эҳтиёжларига бефарқ қарамоқдалар, уларнинг қандай ва нима ҳисобига яшаётганликларини билмайдилар, уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш масалаларини ҳал этмайдилар».

Қалашиб ётган муаммолар ечимига дадил киришган, халқнинг аҳвол-руҳиясини борган сайин яхши била бошлаган янги раҳбар катта ҳаётий тажрибадан ташқари ўз соҳасининг етук билимдонларини танлаб, жой-жойига қўйишга ҳаракат қилди. Улардан талаб, аввало, амалий натижаларни тўлиқ таъминлаш орқали халқ ишончини қозониш лозимлиги бўлди.

Халқ ана шу талабга аста-секинлик билан комиллик-ла, ишона борди. Натижа кутилгандан ҳам зиёда бўлди: одамлар янги раҳбарга ишона бошлади. Ислом Каримов харизми ана шундай умумишонч эътирофи билан сийланди. Харизматик раҳбар ўз амалий аъмолида давом этди. Бунда асосий тамойил бўлиб «одамлардаги шижоатни сўндирмаслик, аксинча, уни янада кучайтириш, ташаббус ва ижодкорликка кенг йўл очиш лозим, янгилик ва яхшилик куртакларини авайлаб парвариш қилмоқлик, мулоҳазали, ҳаракатчан, амалий натижаларга эриша оладиган ходимларни ҳар тарафлама қувватламоқ лозим», деган эътиқод хизмат қилди. Самара узоқ куттирмади: Қашқадарёда орқага кетиш 4 ойда тўхтатилди.

4 ой Қашқадарёдек вилоятни инқироздан тўхтатиш учун жуда оз фурсат. Шунинг ўзиёқ янги раҳбарнинг нақадар катта салоҳиятга эга эканлигини кўрсатувчи далилдир. 1987 йили вилоятда 400 минг тонна пахта тайёрлашга эришилди. Йил сайин пахта тайёрлаш кескин ошди, бошқа соҳаларда ҳам ана шундай ўсиш кузатилди. Энг муҳими, шу йилдан эътиборан Қашқадарёда одамларга ғамхўрлик кучайди. Фёдор Бурлацкий ёзади: «Ислом Каримов Фарғона воқеалари (1989 йил) Москвада тахмин қилинганидек, миллатчилик билан эмас, Ўзбекистон халқи, авваламбор, деҳқоннинг оғир турмуш шароити билан боғлиқ эканини тушунган эди. У пайтда аҳолининг ўсиш суръати 3,5 фоизни ташкил этган бўлсада, қишлоқ тобора қашшоқлик ва умидсизлик ботқоғига ботиб борарди». Ҳа, бу рост эди. Ахир ўша йиллар Қашқадарёдаги 180 та қишлоқда ичимлик суви йўқ, 206 та

қишлоққа табиий газ келмаган эди. Табиий газ заҳирасининг устида ўтирган одамларнинг аҳволи ана шундай эди. Шундай бўлгач, одамларнинг «қашшоқлик ва умидсизлик ботқоғига» ботиши табиий эмасми? Шунинг учун янги раҳбар «ҳаётнинг қайси бир томони-ни, фаолиятнинг қайси бир соҳасини олмайлик, ҳозир ҳамма жойда фаол изланишлар, тоза қарашлар, қолипга кирмаган ёндашувлар ва айрича ечимлар зарур бўлиб турибди. Одамлар аллақачонлар ваъдалардан бўғзига қадар тўйиб бўлдилар, улардан чарчадилар, турмуш шароитини яхшилаш учун энди амалий ишлар қилиш керак», деб шу ишга бош-қош бўлди. «Одамлар билан оддий, улар учун тушунарли бўлган тилда, уларни қизиқтирадиган ва тўлқинлантирадиган масалалар ҳақида гаплашиш даркор», деб уқтирди. Яна таъкидлайдики, «кўпинча кишиларга ишчи кучи сифатида муносабатда бўладилар. Инсонни, унинг фикрлари, эҳтиёж ва муносабатларини ҳисобга олмайдилар. Ҳар бир раҳбар ходим оддий меҳнаткашлар билан мунтазам учрашиб туриши ва уларни қизиқтирган масалаларни ҳал этишни одат тусига киритиши зарур. Ҳар доим кишиларга яқин туриш, уларнинг манфаатларини ҳисобга олиш, улар билан яқиндан алоқада бўлиш керак». Шундай иш тутгани учун ҳам айнан ана шу раҳбар Қашқадарё воҳаси қиёфасини тубдан ўзгартирди. Ўша вақтдаёқ, янги раҳбар тарихий, муқаддас зиёратгоҳларни обод қилишни бошлаган.

Ана шу амалий саъй-ҳаракатлар ва уларнинг аниқ натижалари ўлароқ, одамларда Каримовга нисбатан беқиёс ҳурмат, ишонч пайдо бўлди.

Ўша йиллари Қашқадарёни Бухоро вилоятига қўшиб юбориш «режа»си ишлаб чиқилган эди. Вилоятнинг янги раҳбари Қашқадарё манфаатини ўйлаб, кўкрагини қалқон қилди. Москвага боришдан ҳайиқмади. Вилоятларни қўшиш режаси нотўғри эканлигини исботлади. Таҳлил, таққос, мантиқ ўз кучини кўрсатди. Қашқадарё алоҳида вилоятлигича қолди.

Янги раҳбарнинг одамлар манфаатини кўзлаб, 1989 йилгача 19 минг гектар ерни томорқа учун ажратиб берганлиги ҳақиқий фидойилик эди. Кейинчалик бу тажриба бутун республикага татбиқ этилди. 350 минг гектар ер томорқа учун ажратилди. Бу 1990 йилнинг бошида рўй берди. Ташаббус даставвал Қашқадарёда синовдан ўтган эди. Эҳ-ҳе, бу ташаббус ўша йиллари собиқ марказ томонидан қандай тазйиққа дучор бўлма-

ди, дейсиз... Бироқ Каримов учун халқ манфаатидан азизроқ нарса бўлмаган. У амал, мансаб учун эл манфаатини қурбон қилмаган.

Ҳа, Ислом Каримов Қашқадарёдек ўзига хос мураккаб вилоятда ишлаб, етук сиёсий раҳбар сифатида, эли деб, юрти деб ёниб яшагани бугун ҳаммага маълум.

Дарвоқе, Қашқа воҳаси халқи менталитети мутлақо ўзига хос. Бу у ердаги раҳбару раҳбарлардан ҳалолликни, одилликни ва алоҳида фидойиликни талаб қилади. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов 1989 йилдаёқ «Агар Қашқадарёда раҳбар тубан кетдими, қаердадир, нимададир хатога йўл қўйдими, қандайдир нотўғри хатти-ҳаракат қилдими, такаббурликка йўл қўйиб номини булғадими, халқнинг кўз ўнгида бундай раҳбарни қайта тиклаб бўлмаслигига мен ишонч ҳосил қилганман. Бу Қашқадарёнинг асосий хусусиятидир», деб эътироф этган, огоҳлантирган эди. Ҳаётда бунга бот-бот гувоҳ бўлиб турибмиз.

Ислом Каримовнинг шахсий ибрати, шахсий намунаси, Қашқадарёга раҳбарлик даври барча даражадаги раҳбарлар учун мактаб бўлди.

Яна бир ҳақиқат: миллий тараққиётнинг ўзига хосу ўзига мос машҳур беш тамойили илк бор айнан Қашқадарёда туғилган, ҳаёт синовидан ўтган. Қашқадарё тажрибаси, кейинчалик мамлакат миқёсидаги кенг қўламдаги иқтисодий ислоҳотга пойдевор вазифасини ўтади.

«Мен қаерда бўлмайин, ишонаманки, Қашқадарёнинг келажаги порлоқ», деган сўзларидан қашқадарёликлар ғурур ва ифтихор туйишади. «Ислом Каримов раҳбар бўлиб келган кунданоқ Қашқадарёда об-ҳаво ҳам, нарх-наво ҳам ўзгарган, халқнинг кайфияти кўтарилган эди», дейишади одамлар. Ҳа, Ислом Каримов икки ярим йилнинг нари-берисида Қашқадарёда яхшилик, эзгулик боғини яратди. Энди ана шундай боғ бутун Ўзбекистонда гуллаб-яшнамоқда. Бунинг ҳаммаси раҳбарнинг эл манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйганлиги, халқнинг кўнглига йўл топа олганлиги, шу тариқа ишонч кўпригини барпо эта олганлиги натижасидир.

Қашқадарё тажрибаси Ислом Каримовнинг етук сиёсий сардор, харизматик раҳбар, прагматик арбоб сифатида ўзини ўзи кашф этишида омил, асосий восита бўлиб хизмат қилди.

«ФАХРЛИ ЖОЙ МУНОСИБ ИНСОННИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИБ ЮБОРАДИ»

Ж. Лабрюйер.

Қисмат ўзига ишончи комил одамни алқайди. Айни пайтда, қисмат ўзига ишончи комил миллат, халқни ҳам алқайди. Миллий ишонч — Арбоб ишончи ва аксинча, Арбоб ишончи — миллат ишончи. Агар бир-бирини тақозо этган ана шу ҳақиқат бўлмаса, унда на Шахс — Арбоб ва на миллат, халқ миллий камолотнинг янги сифат босқичига кўтарила олмайди. Арбоб эса Халоскор бўлолмайди.

XX аср сўнгги ўн йиллиги айнан шундай уйғунликдан бошланди. Ва бундан Ўзбекистон ҳам бебаҳра қолмади.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил августининг бутун дунёни титратган, уч кун ичида уч тарихий бурилишни кечинган қисмат чорраҳасининг марказида турган ҳолда, ягона ҳақ йўлни — истиқлол йўлини танлади. Тарихий имконият — халқнинг азалий орзуси бой берилмади. Миллий Тикланишнинг сиёсий рамзи сифатида мустақилликнинг мураккаб тахти равонига чиқишдек неъматни тақдир Ислом Абдуғаниевич Каримовга насиб этган эди.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси маърифий камолотининг истиқболи истиқлолнинг илк тетапоя одимларига, бу одимларнинг сифат даражасига боғлиқ эди. Ўзининг ички қонуниятлари асосида ривожланадиган босқич туб моҳияти билан ўтиш босқичи бўлиб, сиёсий-маънавий аҳамияти жиҳатидан Тикланишга тенг эди. Ўзбек миллати маърифий мустақиллик эпохасига қадам қўйган эди.

Эпоҳал ҳодиса бўлмиш Тикланиш даврининг сиёсий акти Ўзбекистон Республикасининг давлат истиқлоли ва унинг ҳосиласи бўлмиш илмий-назарий, амалий асосли ишлаб чиқиладжак мустақил ички ва ташқи сиёсатнинг яхлит, мукамал концепцияси ҳисобланади. Ёш миллий давлат ўз камолотида маърифий мустақил давлат қуришдек умуминсоний олий қадриятни асос қилиб олиши муқаррар эди.

Каримов Марказий Комитетга биринчи қотиб бўлиб келгани тарихи кўпчиликка маълум. КПСС Марказий Комитети кадрлар сиёсатида чекка бир вилоят партия кўмитасининг биринчи қотибини тўппадан-тўғри рес-

публика Компартияси Марказий Комитетига биринчи котиб қилиб сайлаш (аниқроғи, тайинлаш) фавқулодда ҳодиса эди. Айни пайтда, наинки, Ўзбекистон, балки собиқ СССР сиёсий ҳаёти ҳам турган-битгани фавқулодда ҳодисалар макони эди. Айниқса, Ўзбекистон. Сиёсий ҳаётдан ҳам кўра маънавий-руҳий иқлим ҳаддан ташқари мураккаб ва оғир, ҳатто, даҳшатли эди. «Ўзбеклар иши», «Пахта иши», рашидовчилик кампаниялари кенг «фронт» бўйлаб қулоч ёйган, ўзбеклар онгли равишда марказ томонидан туҳматлар исканжасида фожеий эзилиб ётган эди. Шароф Рашидов вафотидан кейин бошланган олатасир замонда сиёсатда парокандалик, бошқарувда лўттибозлик, мунофиқлик, ғайриинсоний ҳаракатлар авжида эди.

Ислом Каримов сўзлари билан айтганда, «*ҳақиқий раҳбарсиз қолган республика халқи собиқ марказдаги сиёсий қиморбозликнинг қурбони бўлди*». Зеро, «*халққа етказилган маънавий, ахлоқий жароҳат сира унутилмайди... Ўзбекистон тарихда кўрилмаган ёвуз тажриба бўлганига айланган эди. Бу ерда бошқаларга ўрнак бўлсин учун республиканинг «таъзирини бериб қўйишга» ҳаракат қилишди... Халқни айблаш мумкин эмаску, ахир...»*

Республикада сиёсий кўпоровчиликни расман бошлаб берган машъум XVI Пленум миллатни сотиш, халққа хиёнатдек миллий фожиага сиёсий асос бўлди. Ўзбекистон аввалига мутлақо лаёқатсиз, ўз фикрига эга бўлмаган кўғирчоқ, кейин эса мунофиқ «сиёсатчи» кўлига қолганлиги сабабли ижтимоий-сиёсий вазият ҳаддан ташқари чигаллашган, иродаси синдирилган одамлар руҳсиз, кайфиятсиз эди. Республика 37-йиллар воқеаларидан кейин бундай аҳволга тушмаган эди. Бу, назаримда, биз ўзбеклар учун навбатдаги Аллоҳ синови эди. Шу сабабми, Аллоҳнинг ўзи бизга кўплар кутмаган... марҳаматини раво кўрди. Исми-шарифи Ўзи бўлган одамни юрту элга сардор қилди. Ва унинг елкасига бутун халқнинг дарду ҳасратларини Помир тоғидек қалаштириб ташлади...

Каримов ким? Қандай одам у? Мамлакатни бошқаришдек залворли юкка елкаси бардош бера оладими? Ёки у ҳам Марказнинг кўғирчоғига айланиб қоладиган, халқ ишончини «қулупнай» билан «оқлайдиган» лаббайчига айланадими, деган саволлар ҳар бир ўзбеки, ўзбекистонликни қаттиқ ўйлатиб қўйди. Бунинг муайян сабаблари бор эди.

Ислом Каримов катта сиёсатнинг катта, мураккаб саҳнасига реал сиёсий курашлар жунбушга кела бошлаган, Ўзбекистон маънавий, сиёсий ҳақоратлардан таҳқирланган оғир, фожиали бир шароитда етук сиёсий тажрибаларсиз хўжалик ходими сифатида кириб келганди. Сиёсий фаолиятнинг дастлабки босқичидаги иш услубига хос қизиққонлик сиёсий тажрибасизликнинг оқибати сифатида қаралмоғи лозим. Миллий парламентнинг муҳолиф кучлар амбицияси жунбушга келган XII чақириқ навбатдан ташқари еттинчи сессиясида «Президентнинг бағри кенг бўлиши керак», деган икромига («Фахрли жой муносиб инсонни янада юксалтириб юборади», деганида Ж.Лабрюйер ҳақ) ана ўша сиёсий тажрибанинг етуклашаётгани самараси, деб қараш жоиз. Шу жиҳатдан Ислом Каримов совет даври миллий раҳбарлари плеядаси сафида ўз сиёсий шахсиятида янги, демократик сиёсий маданиятнинг маърифий кўринишларини тажассум этишга интилаётган сиймо сифатида намоён бўлганлиги табиий эди. Бугун собиқ иттифоқ республикалари ичида ўша совет давридаёқ, 1990 йилдаёқ, биринчи бўлиб Ўзбекистонда Президентлик бошқарувига ўтилганлиги, миллий тарихимизда Каримовнинг Президент сифатида илк мозий саҳнасига кўтарилганининг объектив сабаби мазкур табиийликда эканлигини тушуниш бугун қийин эмас, албатта. Сиёсий маданиятнинг бу фазилати инъомини ким берган унга? Қаердан буни ўрганган? Ирсий асослар «муҳри» йўқмикан бу феноменда? Худо билади буни...

...Яратганга минг таҳсинлар бўлғайким, Каримов мутлақо бошқа одам, раҳбар бўлиб чиқди. Бунга биринчи бўлиб, Старая площадь — Кремль, аниқроғи, М.С.Горбачев ва унинг сафдошларидан иборат Сиёсий бюро амин бўлди. Собиқ Сиёсий бюро аъзоси, собиқ Марказқўм котиби А.Н.Яковлев ушбу ҳодисани шундай шарҳлайди ва баҳолайди:

«Мен Ислом Каримовни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимига қандай тайинлашганини яхши эслайман. Бу масалани ҳал этиш жуда қийин кечган эди. Дастлаб унга ким тарафдору ким қарши эканини билиб олиш мушкул бўлган эди. Дарҳақиқат, Сиёсий бюрода бу масала бўйича яқдиллик йўқ эди. Бу вазиятни Ислом Каримовнинг ўзи ҳам тўғри баҳолаган ҳолда хотирлайди. Тан олишим керакки, бу лавозимга тайинлашдан олдин бери-

ладиган айрим маълумот ва ҳужжатлар туфайли менда ҳам бу одамга нисбатан қандайдир шубҳа уйғонган эди. Бироқ қанчалик ғайритабiiй туюлмасин, айнан шундай ҳужжатлардан бирининг мазмуни менинг барча шубҳа-гумонларимни тарқатиб юборди. Ҳужжатлар орасида ётган бу қоғознинг — у Ўзбекистондан келган хат эдими, москвалик бирон «хайрихоҳ одам»нинг уйдирмаси ёки Давлат хавфсизлик қўмитасининг маълумотномаси эдими, қаёқдан пайдо бўлгани ҳозир аниқ эсимда йўқ. Хуллас, у чақувга ўхшаган бир нарса эди. Ҳамманинг жонига теккан ва сийқаси чиққан жазолаш органлари мамлакат ҳаётига тиқиштирган партиявий селекция амалиёти давом этмоқда эди.

Мен Ислом Каримовнинг тайинланишини ёқлаб овоз бердим. Менга унинг вазмин ва камгаплиги, ўзини тута билиши маъкул тушди. Айни пайтда, у билан ўртамизда алоҳида бир яқинлик пайдо бўлди, деб айттолмайман. Ўша пайтлари юқори партноменклатура мени партияни социал-демократия томон оғдираётган, иттифоқ давлатини эса парчаланиш томон бошлаётган одам сифатида тинимсиз танқид қилар, бундан асабларим толиққан эди. Мен иттифоқдош республикаларнинг юқори мансабдор шахслари билан муносабатда ўзим учун гўё қандайдир руҳий девор қуриб олгандек эдим. Менда иттифоқдош республикалар компартияларининг намоёндалари Москвага муносабат масаласида ҳали ҳам мутаассибларча садоқат кўрсатиб келмоқда, улар иттифоқнинг бирлиги ҳамда ўзлари такрорлашдан чарчамайдиган «абადий дўстлик» учун охиригача курашади, деган ишонч пайдо бўлган эди.

Албатта, мен бу борада адашган эканман. Аслида буларнинг барчаси республикаларнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиш учун туғилган илк имкониятлардан фойдаланиши борасидаги ўзига хос бир восита эди. Бу ўринда кимнидир иккиюзламачиликда айблаш инсофдан эмас. Ўша пайтларда ҳаммамиз, барча номенклатура ходимлари тилда бир нарсани гапириб, дилда эса бошқа нарса ҳақида ўйлар эдик.

Ўзбекистон ҳали Совет Иттифоқи таркибида бўлган пайтдаёқ, Ислом Каримовнинг ўзини Республика Президенти, деб эълон қилгани Сиёсий бюродагиларнинг кўпчилигини хавотирга солиб қўйган эди.

Эсимда, Горбачев мендан Каримовнинг бундай қадамига нисбатан муносабатимни сўраган ва у янада жиддий оқибатларга олиб келмасмикан, деб ташвиш

билдирган эди. Мен бунинг ҳеч кўрқадиган жойи йўқ, охир-оқибатда бу бир шакл-да, деб жавоб берган эдим. Агар масаланинг мазмунига келсак, тезроқ миллий масала бўйича сиёсатни аниқлаб олиш ва иттифоқ ҳудудида конфедератив тузумни имкон қадар тезроқ шакллантириш керак, деган фикрни билдирдим».

Собиқ Иттифоқ комфирқаси котибининг бу самимий рост иқрорномасини Йўлбошчининг ўзи «Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти» китобининг муаллифи Л.Левитин билан суҳбатида шундай эслайди: «Мен қандай қилиб Ўзбекистон Компартияси МҚнинг биринчи котиби бўлдим? 1989 йилнинг июни эди. Таҳликали кунлар. Фаргона, Кўкон, Кува-сой, Гулистон, Паркент, Бўкада қонли тўқнашувлар пайти.

Худди буг қозоннинг қопқоғи отилиб кетгандек. Хўрлик ва таҳқирли йилларда йиғилиб қолган аламлар бутун республикада тўлқин бўлиб кўтарилган. Ҳокими-ят вазиятни бошқаролмай қолганди.

Бу бошбошдоқликни тўхтата оладиган, республикани жар ёқасидан қайтара оладиган одамни ахтаришарди.

Натижада менга тўхташди. Мен, албатта, қандай масъулиятни бўйнимга олаётганимни билардим. Нафақат, мансабу обрўйимни, балки бутун ҳаётимни гаровга қўяётганимни билардим. Баландпарвоз гап, деб ўйламангу халқ мени тўғри тушунади ва қўллаб-қувватлайди, деган ишонч менга куч багишларди.

Ҳозир аниқ эсимда йўқ. 10 ёки 11 июнь эди. Сиёсий бюро Ўзбекистон Компартияси МҚнинг биринчи котиби масаласини кўрарди. Муҳокама танқидийгина эмас, ҳурматсизлик руҳида борарди. Шивир-шивирлар, майда пичинглар, кесатиқлар билан ўтарди йиғилиш. Шунда мен минбарда туриб, Горбачевга қараб дедим: «Михаил Сергеевич! Менинг номзодимни олиб ташланг. Кўриб турибманки, кимларгадир ёқмаяпман. Яна олти ойга Рафиқ Нишоновични қолдиришни таклиф қиламан. У тартиб ўрнатади. Шундан кейин бу масалага яна қайтиш мумкин. Менга эса кетишга рухсат беринг». Горбачев мени тўхтатиб қолмоқчи бўлди. Мен дедим: «Кўндиришга овора бўлманг. Ҳаммаси тушунарли. Кетишга рухсат беринг». У: «Агар шуни хоҳлаётган бўлсангиз, кетаверинг», — деди. Мен Тошкентга ўқидим ва заводга қайтмоқчи бўлдим. Оилам каттамас. Кўп нарсаси керакми, ахир.

Лекин орадан икки кун ўтиб Нишонов уйимга телефон қилди ва Москва менинг номзодимни маъқуллаганини айтди. 23 июнь куни Ўзбекистон Компартияси МҚнинг пленуми бўлди, мен биринчи котибликка сайландим».

Нима бу? Тақдирнинг эҳсоними? Ёки Ўзбекистон ҳаётининг шафқатсиз реаллиги тақозосими? Назаримда, ҳар иккиси ҳам. Москва ўзи бошлаган сиёсий коллизиянинг, янада аниқроғи, сиёсий ўйиннинг домига тортилган эди. Махсус сценарий асосида уюштирилган ўзбек-қирғиз, ўзбек-месхети турклари жанжали бошқарилолмас даражага етган, минтақада фуқаролар уруши бошланиши хавфи реаллашган эди. Боз устига, «пахта иши» билан боғлиқ кампания Ўзбекистонда раҳбар кетидан раҳбарни ёҳудай ютаётган эди. Назаримда, бирорта ўзбекка ишонч қолмаган эди.

Москва республика биринчи раҳбарини ўз десантчилари орасидан ҳам танлаши мумкин эмас эди. Алмати сабоғи (80-йилларда КПСС МҚ Колбинни Қозоғистон Компартияси МҚ биринчи котиби этиб тайинланганида қозоқ ёшлари норозилик билдириб, намойишлар уюштирган эди) Москвани чўчитарди. Боз устига, Ўзбекистон — Қозоғистон эмас. Демак, марказнинг Ўзбекистон билан боғлиқ ягона геостратегияси, қўпол қилиб айтганда, «сопини ўзидан чиқаришни» талаб этарди. Ўзбек, деса порахўрни тушунган Марказ жиддий муаммо қаршисида қолгани аниқ эди: кимни танлаш керак? Махсус давлат органларининг ҳам боши қотгани аниқ бўлиши керак. Худога шукур, ниҳоят, Москва тоза одамни топди. Аминлик билан ўзи учун мажбуран топди, шекилли. Бу тоза, ҳалол одам Қашқадарё вилоят партия кўмитасининг биринчи котиби Ислом Каримов бўлиб чиқди. Каримов номзодининг бошқа жиҳатлардан ҳам қаттиқ ўрганилганлиги аниқ, албатта. Жумладан, унинг ўта қатъиятлилиги, характер кишиси эканлиги, қаттиққўллиги ва ҳ.к. Издан чиқиб кетган, деярли бошқаришга бўйсунмайдиган оғир вазиятнинг, сиёсий-маънавий муҳитнинг фожеий нозиклиги айнан ана шундай ҳалол, принципиал одамнинг биринчи раҳбарлик лавозимида бўлишини тақозо этишини Москва тан олишга мажбур бўлган эди. Ана шу объектив ва субъектив сабаблар Ислом Каримовни Ўзбекистон раҳбари лавозимида олиб келган асослар бўлди.

Демак, Каримов — Шах конституциясининг дастлабки «модда»ларидан бири — ҳалоллик, принципиал қатъиятлилик ҳисобланади.

Каримов катта сиёсий ҳаёт саҳнасига кўтарилган заҳотиёқ, кучли ҳокимият тамойилини фаолиятининг бош мезони қилиб олди. Давлатни мустақамлаш йўлида турли сиёсий-маънавий восита ва усуллардан, керак бўлса, кескин чора-тадбирлар кўришдек, қатъий йўллардан фойдаланди. Унинг учун энг бош муаммо юрт, фуқаролар тинчлиги, хавфсизлиги ва шаън-шавкати бўлиб қолди.)

Даъвомизга асослар жуда кўп. Мана, улардан биттаси: 1989 йил июль ойида Республика ҳукумати ва комфирқанинг янги раҳбарияти Ўзбекистон халқига «Меҳришталари узилмасин!» дея мурожаат билан чиқишди. Қоя, шубҳасиз, Ислом Каримовга тегишли эди. Мурожаат давлат феодализи бўлмиш «қизил салтанат» истибдодидан эзилган, эртасига ишончи сўнган халқнинг миллий ор-номусини, гурурини қайта уйғотишдек, оғир руҳий таназзулга қарши жанговар мундарижаси билан миллий тарихда «Ўзликка қайтиш», «Ўзликка чорлаш» бўлди. Бунинг учун, шубҳасиз, миллат, барча ўзбекистонликнинг юрагида ўт ёқиш лозим эди. Шундай ўтни халқ қалбига Ислом Каримов ёқди. *«Ифтихор билан айтиш мумкинки, — дейилди Мурожаатда, — жаҳон халқлари олдида бўлганидек, Ватан олдида ҳам ўзбек халқининг юзи ёруғ, кўнгли покиза».*

Элу юрт шаъни, ор-номуси, қадр-қиммати учун кураш, уни қатъий ҳимоя қилиш, миллатни асоссиз хўрлигу ҳақоратлардан қутқаришни ўз шаъни, ор-номуси, қадр-қиммати, деб билган Арбоблар, давлат бошлиқлари, шубҳасиз, тарихда бисёр. Лекин уларнинг муайян қисмигагина тақдир Ислом Каримов қисматини раво кўрган. Миллий тарихимиздан Амир Темурни, ҳозирги тарихимиздан Ислом Каримовни шундай муқаддас неъмат кишилари, деб биламан.

Амир Темур бутун инсоний ва сиёсий фаолиятини она халқи-ю она юртини келгинди муғул босқинчилари зулмидан озод қилишдек миллий озодлик ҳаракатини бошқарган ва ғолиб бўлиб, мустақил давлатчиликка асос солган, уни империяга айлантириб, IX—XI асрларда бошланган миллий Уйғониш эпохасини янги тарихий вазияту шароитда мантиқан давом этишига имкон яратган. Айнан шундай қисмат XX асрга келиб Ислом Каримов чекига тушди.

«ЎЗ ҚҶШНИСИНИ ҲАМ ТУЗАТАДИГАН МИЛЛИЙ ҚАҲРАМОН»

Ислом Каримов сиёсий-ижтимоий фаолиятини факулда жасорат билан элу юртни ҳимоя қилишдан, ўтган асрнинг 80-йилларида рўй берган геноцид асоратларига қарши мурасасиз курашдан бошлади. «Пахта иши» тўхмати ила ноҳақ жазоланган халқимизнинг 4,5 мингдан зиёд вакиллари озода қилди, авф этди, жаҳаннамдан қутқарди ва юртни озодалик, мустақиллик сари бошлади, истиқлолга эриштирди. Моҳият эътибори билан бу жасорат Амир Темур қаҳрамонлигидан қолишмасди. Тоталитар замоннинг ўзидаёқ, унинг миллатни геноцид қилишига қарши Ислом Каримов бошлаган фаолият ҳам айнан миллий-озодалик ҳаракатининг замонавий кўринишдаги шакли эди.

Ислом Каримовнинг Миллий Қаҳрамон сифатидаги феномени ана шу тариқа Халоскорлик ва Асосчилик қонуниятлари билан мўътабарлашди.

Каримов, ўзи айтганидек, республика ва унинг ташқарисидаги вазият, аҳволни жуда яхши биларди. Муаммолар ичидан ҳозир учун энг асосийси — долзарбни танлай билиш, қанчалик оғир, мураккаб ва ҳатто, даҳшатли бўлмасин, уни вазминлигу оқиллик билан зудлик-ла, охиригача узил-кесил ижобий ҳал қилиш — Каримов — Сардорнинг катта сиёсатдаги илк фаолиятининг бош тамойилига айланганди (бу тамойил унинг кейинги мураккаб сиёсий фаолиятида ҳам ҳамиша етакчи моҳиятлардан бирига айланиб қолди). У Марказий Комитетнинг биринчи котиблигига сайланганининг эртаси куниёқ, тонг саҳарда ҳамма ишини ташлаб, тўғри Фарғона водийсига йўл олди. Наманганда диний ақидапарастлар турли ниқоблар остида ўз сиёсий мақсадлари — Ислом республикасини барпо этиш учун ошқора курашга киришган эдилар. Улар билан учрашув жуда оғир кечгани ҳаммага маълум...

Бу орада месхети турклари билан боғлиқ жанжал гоҳ очик, гоҳ пинҳоний ҳамон давом этарди. Дард устига чипқон, деганларидек, Ўш, Ўзган воқеалари бошланиб қолди.

М.С.Ғафарли ва А.Л.Касаевлар «Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик — тараққиёт асоси» (Т.: Ўзбекистон, 2001) китобида тўғри таъкидлаганларидек, «Ислом Каримов собиқ шўро республикалари раҳбарлари орасида биринчи бўлиб, миллатчи куч-

ларга қарши жанг бошлади. Чунки у, асосан, ташқаридан туриб қўзғатилган (марказ томонидан махсус уюштирилган — М.Ш.) Ўшдаги даҳшатли хунрезликка дуч келган эди...

1990 йил июнида Қирғизистоннинг жанубида — 600 мингдан ортиқ ўзбеклар яшайдиган Ўш вилоятида вазият танг эди. Ер участкаларига эгаллик қилиш билан боғлиқ баҳслар икки мамлакат чегарасида яшайдиган ўзбеклар билан қирғизлар ўртасида тўқнашув келтириб чиқарди. Ўшдаги миллатлараро низонинг тўлқини бутун Қирғизистонни қамраб олди. Бишкекда тўхтовсиз митинглар ўтказилиб, уларда миллатпараст нотўғрилар ўзбекларга қарши отланишга даъват қилдилар. Ўз кўзи билан кўрганларнинг гувоҳлик беришича, талабалар имтиҳон сессиясини тўхтатиб қўйиб, пойтахт кўчаларини тўлдирдилар ва қоронғи тушгач, ўзбекларга қарашли нима бўлса ҳаммасини: расталар, дўконлар, ресторанларни ер билан яксон қила бошладилар» (15—16-бетлар).

Ўшда қариндош-уруғлари қирғин-барот қилинаётганидан қаттиқ ғазабга тушган андижонликларнинг катта бир гуруҳи қасос ғазоби отига миниб, Қирғизистонга бориш учун чегарада тўпланган эди. Каримов қўриқчиларсиз тўғри одамлар сафига ёриб кирди. Оломон ғазабдан ёниб турарди. Уни тўхтатадиган куч йўқдек эди.

Каримов буни яхши тушунар эди. Шундай бўлсада, у ўлимга онгли равишда тикка бораётган қасоскорлар олдига чиқиб, улар билан юзма-юз, мардона туриб дангалчасига — ўзбекчасига халқона дипломатия музокарасига (ҳа, музокарага!) киришди. Халқ ғазоби унинг ҳам юрак дардига, армонли ҳасратига айланганига одамларни ишонтира олди. Сардор сифатида у жамоатчилик фикри устидан ғолиб келди. Эҳтиросларни сўндирди, оломонни тинчлантирди, одамларни соғлом ақл билан иш қилишга мажбур этди. Тинчлик ўрнатди.

Ўша кунларни атоқли адиб Чингиз Айтматов шундай эслайди: «Тез орада менинг келганимдан (Тошкентга, аэропортга — М.Ш.) хабар топган Ўзбекистон Компартияси Марказий қўмитасининг биринчи котиби Ислон Каримов аэропортга етиб келди. Ҳар доимгидек муайян бир масалага бутун диққат-эътиборини жамлаган, ҳаракатчан, гайратли эди. Яккама-якка чин дилдан гаплашдик...

Қадимдан қон-қариндош бўлган икки халқ ўртасида пайдо бўлган нифоқни бартараф этиш борасида ўшанда Ислом Каримов улкан давлат арбобига муносиб бўлган ақл-идрок, донолик намунасини кўрсатди».

Ана шу тариқа биринчи марта Каримов сиёсий амалиётда ўз табиатига хос харизмни намойиш этиб, одамларни, айниқса, қасос илинжида ёниб турган серғазаб халқни ўз сўзларига, фикрига, мантиғига ишонтириб, уларни қонли тўқнашувдан, реал хунрезликдан, икки қардош халқни кўз кўриб, қулоқ эшитмайдиган фуқаро уруши — ғирт дўзахдан омон сақлаб қолишдек, одамларни ортидан эргаштира билишдек буюк салоҳиятини синовдан ўтказган эди. Кейинчалик Каримов харизми Кўқон ва Фарғона, Бўка, Паркент фожиаларида, халқаро терроризм, диний экстремистлар хуружларида (Сариосиё, Узун, Боткент, Бўстонлиқ) бот-бот ўзини намойиш этди, бот-бот яна тақдир синовларидан ўтди. Фитна ва «қулупнай» баҳонаси хунрезликда қатъий қарор ва ҳаракат — сиёсий қатъиятлилиқ (қатъиятсизлик — ҳалокат эди) мақсадга — ўша кеча-кундуз нима бўлса ҳам махсус уюштирилган фитна-хунрезликни, биродаркушлиқни тўхтатиш, фуқаролик ва минтақалараро урушнинг олдини олишига сабаб бўлди. Ва бу мақсад кейинчалик Каримов — Сардор сиёсий фаолиятининг бош тамойилларидан бирига, ички ва ташқи сиёсатининг ўзак муаммосига, тамал тошига, бутун ҳаёти давомида қатъий ишонган аъмолига айланди. Бутун сиёсий фаолиятини айнан ана шу тамойил асосида қурган Каримов сиёсий низоларни тинч, музокаралар йўли билан бартараф этиш, ҳар қандай вазиятда ҳам ягона тўғри йўл танлай билиш муқаррарлиги сабоғини олди. Кейинчалик, яъни нафақат, Американи, балки бутун дунёни ларзага солган машғум 11 сентябрь воқеаларидан кейин XXI аср вабоси бўлган халқаро терроризмга қарши курашда ҳам Ислом Каримов мардона қатъиятлилиқ қилгани, «Тинчлик учун курашда дунё билан биргамиз», деб жар солгани ва бу курашда фавқулодда фаоллик кўрсатгани бежиз эмас. АҚШнинг нуфузли сиёсатдонлари бот-бот таъкидлаган ва тан олишган ҳақиқат — Америка Афғонистондаги халқаро терроризмга қарши курашда Ўзбекистонсиз ғалабага эриша олмаслиги Каримов — Сардорга, у тутган принципиал позицияга, сиёсатга берилган дунёвий баҳо бўлди. АҚШ Президенти Жорж Бушнинг И.А.Каримов номига Ироқ муаммосини ҳал қилиш

билан боғлиқ Ўзбекистон позициясига билдирилган расмий миннатдорлик хати (2003 йил 18 март) фикримиз исботи:

«Муҳтарам Президент жаноблари

Ушбу тарихий дамларда террорчиликка қарши дунёвий урушда кўрсатган ёрдамингиз учун Сизга ва ҳукуматингизга Америка халқининг миннатдорлигини изҳор этмоқчиман. АҚШ ва коалиция кучларига қарши — Хонобод ҳарбий-ҳаво базасидан фойдаланиш учун рухсат бериш борасидаги дадил қарорингиз Афғонистонда муваффақият қозонишимизда катта омил бўлди. Биз ўз ҳамкорларимизни ҳеч қачон унутмаймиз.

Бугун биз яна бир таҳдидга дуч келмоқдамиз: бу — Саддам Ҳусайннинг жаҳон ҳамжамияти иродасига қарши чиқаётгани билан боғлиқдир.

Сиз яхши биласизки, лидер бўлиш таҳдидлардан чўчимасликни, жасоратни талаб қилади. Бугунги янги асрда дунё оммавий қирғин қуроллари, террорчилик иллоти ва террорчиликка ҳомийлик қилаётган, қўллаб-қувватлаётган давлатлардан иборат ниҳоятда хавфли таҳдидга дуч келмоқда. Ҳеч бир халқ ва мамлакат бундай душманга қарши ёлғиз ўзи курашолмайди; бу борада зафар қозониш кенг халқаро ҳамкорликни талаб қилади.

Менинг ишончим ва қатъий қарорим шундай.

Бу саъй-ҳаракатларда Ўзбекистоннинг ҳиссаси катта. Бунинг учун мен беҳад миннатдорман.»

Шунингдек, АҚШ котиби Колин Пауэллнинг олдинроқ билдирган фикрлари ҳам диққатга сазовор: «Ўзбекистон ва Қўшма Штатлар ўзаро муҳим манфатларга эга. Утган ўн йил мобайнида биз қатор долзарб халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал этишда бирга ҳаракат қилиб келдик. Оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш, наркотик моддаларнинг ноқонуний оқимини тўхтатиш ва халқаро терроризмга қарши курашдаги ҳамкорлигимиз бунга яққол мисол бўла олади. Мазкур ҳамкорлик, нафақат, давом этмоқда, балки янги муаммолар пайдо бўлгани сари чуқурлашмоқда ва кучаймоқда ҳам.

Қўшма Штатлар Ўзбекистоннинг ЕХХТ, «Тинчлик йўлида ҳамкорлик», НАТОнинг ҳамкорлик бўйича Евроатлантика Кенгаши каби халқаро ташкилотлардаги иштирокини фаол қўллаб-қувватлайди. Ишонамизки, Ўзбекистон ҳудудий барқарорликни таъминлашда шу каби

ташкилотларнинг ишига ўз ҳиссасини қўшишига етарли имкониятларга эгадир.

Ўтган ўн йил даврида Қўшма Штатлар қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқларининг ҳимояси ва матбуот эркинлигига таянган Ўзбекистондаги демократик институтлар, эркин бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамиятининг қаттиқ тарафдори бўлиб келди. Бизнинг назаримизда, бу йўналишдаги сиёсий ва иқтисодий ислохотлар мамлакатимизнинг фаровон ва демократик келажаги ҳамда Америка Қўшма Штатлари билан жонли шериклик учун калитдир».

Ана шу тариқа, турли этник низолар, ижтимоий танглик ўчоқлари бартараф этилди. Каримов стихияли жараёнлардан қўрқмасдан, уларни назокат билан бошқариб, тез, қатъият билан ҳаракат қилиш, вазиятни издан чиқараётган кучлар таъсирини қирқиб ташлаш сабоғини ўзлаштирди.

Ана шу тариқа, ўз прагматизми ва тадбиркорлиги туфайли миллатлараро қарама-қаршиликка барҳам берди, фуқаролар уруши ёнғинини ўчирди, юз минглаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолди, республика ва минтақада тинчлик, осойишталикни, миллатлараро ҳамда динлараро тотувлик, барқарорликни таъминлади.

Ана шу тариқа, Каримов, нафақат, Ўзбекистонни, ўзбекларни, балки Қирғизистонни, қирғизларни, миссия туркларини уруш ва ўлимдан сақлаб қолган, Тожикистон, Афғонистон фожиалари ечимида қатъий турган минтақадаги жумла-жаҳон тан берган раҳбарга айланди. БМТ Бош қотиби Кофи Аннан эътирофига қулоқ тутайлик: «Ўзбекистон 1992 йилнинг мартида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган вақтдан буён мазкур ташкилотга катта мадад кўрсатиб келади. Бу мадад қўшни Тожикистондаги можарони сиёсий томондан ҳал этиш йўлини излаб топишга қўшган катта ҳиссадан ҳамда Афғонистондаги можарога барҳам бериш чораларини топиш мақсадида халқаро ҳамжамиятнинг сабъ-ҳаракатларида фаол етакчилигида, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона вужудга келтиришида жиддий силжишга эришилди.

Мана шундай тадбирлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг олижаноб мақсадларини рўёбга чиқариш борасида кўнчилик бўлиб сарфланаётган куч-ғайратимизга қўшилган муҳим ҳиссадир».

Ўзбекистон Қаҳрамони, қатор хорижий давлатларнинг олий мукофотлари совриндори, хусусан, АҚШ

жамоат ва ноҳукумат ташкилотларининг «Халқаро миқ-ёсдаги буюк давлат арбоби» мукофоти дунёнинг расмий эътирофи бўлди. Қирғизистон Республикаси Президенти А.Акаев бемаъни миллий низолар «Каримовнинг доно сиёсати» туфайли бартараф этилганини тан олиб айтган сўзлари ҳам фикримиз исботи. Орадан қарийб икки йилча ўтгач, Каримов Ўш шаҳрига Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикалари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолашга келганида (1991 йил март оyi) бутун шаҳар, бутун вилоят уни олқишлар билан кутишга чиққанлиги, Ўш театри биносида одамлар 15 дақиқалаб уни оёққа қалққанича Миллий Қаҳрамон, Нажоткор сифатида овалция билан олқишлагани Каримов-Халоскорга билдирилган энг буюк, самимий мукофот бўлган эди. (Тожикистон, тожик биродарларимиз ҳақида ҳам ана шундай, деса бўлади. Бу ҳақиқат Тожикистон Республикаси Президенти И.Раҳмоновнинг «*қардош Ўзбекистон халқининг ёрдами бизни кулфатдан асраб қолган эди. Тожикистон халқи бу ёрдамни ҳеч қачон унутмайди*», деган расмий иқрорида тажассумлашган).

1999 йил декабрида Чингиз Айтматов, космонавт-учувчи Солижон Шариповлар иштирокида қирғизистонлик зиёлилар Ислоҳ Каримовнинг минтақада тинчликни қайта тиклаш ва мустаҳкамлашдаги катта хизматлари ҳаққи-хурмати бутун Ўзбекистон аҳлига мурожаат қилиб, 2000 йил 9 январда ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида барқарорлик ва ҳамжиҳатлик кафолати бўлган Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга чақиришгани қардош биродарларимизнинг ўзбек Йўлбошчисига билдирган яна бир эҳтиромлари бўлди.

Ана шу тариқа, Каримов-Сардор, Каримов-Йўлбошчи, наинки, миллий, балки минтақавий қаҳрамонга, Л.Левитин сўзлари билан айтганда, «*ўз қўшнисини ҳам тузатадиган*», *улуғ ва қудратли ишларга қодир, том маънодаги Йўлбошчига айланган эди. Йўлбошчилик эса ҳеч қачон осон бўлмаганлиги кўҳна мозийдан маълум.*

Каримов-Йўлбошчи ақоидининг бош «қоида»лари — «қонун»ларидан бири унинг ана шу минтақалараро, давлатлараро имиджиди, обрў-нуфузида, умумдунё тан олган халқаро обрўсида, муаммолар ичида энг асосийсини танлаш ва ҳал этиш санъатида, халоскорлигида, миллий ва минтақавий қаҳрамонлигида (зотан, халқ фақат ва фақат қаҳрамон ортидангина эргашади), одам-

ларни фикрига ишонтириш, уларни ўз ортидан эргаштириш — харизм санъатида, ҳар қандай шароитда тўғри йўлни танлай билиш маҳоратида теран намоён бўлди. Бунда, албатта, Каримов-Шахс конституциясининг янги-янги инсоний-маънавий «модда»лари ҳам аниқ.

Каримов ана шу тариқа, катта сиёсатдаги илк қадамлариданоқ, машаққатли синовларга мардона дош бергани, юртида ижтимоий руҳиятни соғлом сақлай олишдек саодатга эришгани ҳолда, ўз халқини, халқи эса уни — даъваткор, мустақкам продали Халоскорини ботинан, руҳан ва ақлан кашф этди. Эҳтимол, Каримов тақдирнинг бу синовлари оқибати ўлароқ, ўз-ўзини ҳам янгидан инкишоф этган бўлса ажаб эмас. Каримов-Шахс конституциясининг яна бир кашфиёти айнан шунда эканлигига мен жуда-жуда ишонаман.

ДЕМОКРАТИК МАДАНИЯТ — СИЁСИЙ КУРАШНИНГ ЯГОНА ҚОИДАСИ

*«Мен ҳар қандай муҳолиф билан
баҳслашмоққа тайёрман».*

Ислом Каримов.

Ислом Каримов воқеликка тўғри ва мардона қараб, ўзининг нозик стратег ва тактик, сабрли ва интизомли эканлигини, на халқ ва на шахсий тақдир билан ҳазиллашиб бўлмаслигини, тақдир ўз йўли билан ҳеч кимни кутмасдан зоҳир бўлавериши табиийлигини сезар эди. Зарурат, эҳтиёж уни шароитни, вазият реаллигини тан олишга мажбур қилади. Каримов-Шахс ва жамият узвий ҳаётларининг муштарак бир томони бу. Иккинчи томони, комил ишончимча, Каримов тақдирнинг, вазият-муҳитнинг муҳибига айланмаслигида, чунки у қисмат инсон устидан муқаррар музаффарлигини тан олмайди. Тақдирнинг маълум маънода инсон ҳаётидаги муҳрини ҳам, айна пайтда, инкор этмайди. Тақдир жиловини ўзига комил ишонч-ла, қўлда маҳкам тутиш, мавжуд муҳитга ижобий таъсир этган ҳолда, уни ўз сиёсий манфаатлари йўлига тўлиқ сафарбар қилиш, ғолиблик — Каримов-Шахс стихияси. Чунки омад ва зафарнинг бир қисми, майли, тақдир эҳсони бўлсин, лекин асосий қисми унинг инсоний энергиясига, салоҳиятли иқтидорига боғлиқ. Энергия, қудратли салоҳияту истеъдод эса Каримовда туғма қобилият эканлигини мен шахсан яхши биламан.

Каримов Инсон концепцияси, Инсон манзаралари ижтимоий ҳодиса эканлигини, ҳамма нарса, жумладан, давлат ҳам, сиёсат ҳам, энг аввало, инсон учун, унинг манфаатлари учун мавжудлигини яхши билади. Худди шу сабаб ҳам у ўзини шу ижтимоий ҳодиса бўлмиш одамларнинг бири сифатида хис қилади («Президент ҳам сизга ўхшаган бир оддий инсон, уни илоҳийлаштириш шарт эмас. Умуман, мен сохта обрўга қаршиман», деган сўзларини эслайлик). Йўлбошчилик, давлатни тўғри бошқариш инсон, халқ табиатини яхши, мукаммал билишни, бу билимдан сиёсий фаолиятда орифона фойдалана олиш санъатини тақозо этишини Каримов-Президент теран англайди. Президентнинг жамоатчилик фикрига ўта қизиқиш билан қараши, одамлар кайфияти, руҳияти ва аҳволи ҳамиша унинг диққат-марказида бўлганлиги сабабли ҳам у доимо жамоатчилик фикри устидан сиёсий ғолиб келади.

СССРнинг парчаланиши, мустақил давлатнинг юзага келганлиги, ошкоралик, сиёсий плюрализм демократияга кенг йўл очгани жамиятни оммавий сиёсийлашувга олиб келганди. *«90-йиллар бошидаги демократия йўқ жойдан пайдо бўлгани учун кўпгина ўзбошимчаликларни келтириб чиқарди, — дея эътироф этади Йўлбошчимиз «Известия» газетаси ходимлари билан 1997 йил 11 сентябрдаги суҳбатида. — Ҳеч ким ҳеч ким билан ҳисоблашмай қўйди. Барча ҳамма нарсадан воз кечди».* Боз устига, ҳали совет давридаёқ, уюштирилган биродаркушлик сабоғи таъсири кучли эди (чеченистонлик гуру ва башоратчи С.Шерипов «Век» газетаси мухбирининг «Собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида вужудга келган давлатларда сизнинг талабларингизга жавоб берадиган раҳбар борми?» деган саволига *«Ҳа, бор, — деб жавоб берди. — Бу Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовдир. СССР парчаланиб кетгандан кейин энг даҳшатли воқеалар Ўзбекистонда содир бўлиши керак эди. Лекин Каримовнинг сабъ-ҳаракатлари тўғрисида бунга йўл қўйилмади. У ерда истиқболни кўзлаб амалга оширилаётган ишлар кўлами ХХI аср Ўзбекистон асри бўлишидан далолат бермоқда. Каримовнинг митингларни ташқиқлаши, унинг қирғизлар ва тожиклар билан муносабатларда чигал муаммоларни ечгани... бирдан-бир йўлдир. Каримов келажакда мусулмон дунёси бошқа маданият билан қарама-қаршилиқларга дуч келишини илоҳий бир заковат билан англаб етди ва бу тўқнашув йўлига тўсиқ қўйди.*

Булар барчаси Ислом Каримовнинг буюк инсон эканидан далолат беради»).

Мухолиф кучлар ўзлари бирорта асосли, истиқболли ғоялар билан чиқиш ўрнига Каримовдан ғарбона демократияга хос қонун-қоидаларни, тартибларни кескин равишда талаб қила бошлади. Улар талаблари амбицияга айланиб, тобора жунбушлашиб боравергани, авж ола бошлагани сари стратегик ва тактик хато-ларга кўпроқ йўл қўя бошлашди. Ўзларини демократ ҳисоблаган айрим халқ депутатлари эса, Президент шахсини ошкора ҳақорат қилишдан ҳам тап тортишмади. 1991 йил 30 сентябрда бўлиб ўтган Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари VII сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Президенти умумхалқ сайлови тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш, умумхалқ сайлови кунини белгилаш, Олий Кенгаш номидан Президентликка номзод кўрсатиш, «СССР Олий Совети палаталари таркибларига Ўзбекистон Республикасидан СССР Халқ депутатлари ва Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатларидан вакиллар номзодини танлаш масалалари кўрилган эди. Қатор депутатлар сессия кун тартибини тасдиқлаш жараёнида инсон ҳуқуқлари, ёш ўзбек жамиятида демократияни жорий этиш билан боғлиқ масалалар ҳам киритилишини жазавабилан қатъий талаб қилиб чиқишган эди. Сабаб-баҳоналар кўп эди. Бир қараганда, уларнинг айримлари гўё асослидек ҳам эди: қонунларнинг бажарилмаётганлиги, инсон ҳуқуқлари поймол этилаётганлиги, демократия, эркинлик йўқлиги, митингларнинг ғайриқонуний таъқиқлангани, диктатура ва ҳ.к. Агар мазкур талаблар олижаноб мақсадлар, жамиятда ҳақиқий маърифий демократик маданият шаклланишига, ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамияти барпо этишдек буюк, эзгу ниятлар манфаатлари йўлида бўлганида эди, улар, шубҳасиз, қонуний аҳамият, жозибали маҳобат касб этган бўлар эди. Надоматлар бўлмайким, мақсад бўлакча эди. Мақсадни депутатлардан бири сирли «либос»га ўралган яширин, яъни ишора, киноя шаклида, бошқаси маданий йўсинда, бўлак бир гуруҳи эса очиқ тазйиқ, моҳиятида ошкора ҳужум мавжуд таклиф, ғоя тарзида дўқпўписа, амбиция ва уларнинг зоҳирий ҳамда ботиний ифодаси — ҳақоратга, қатъий талабга ўтишди. Талаблар мазмунида изчиллик ва мантиқ, яхлитлик етишмасди. Ҳаммаси пала-партиш, қўшиб-қорилиб ташланган эди. Назаримча, ушбу «ташаббускор» гуруҳ ўз асл

мақсадлари йўлида олдиндан махсус келишиб, бирлашганларини бошқа депутатлар, Президент сезиб қолмаслиги учун онгли равишда атайин пала-партишликка йўл қўйишган эди. «Сценарий»нинг сиёсий мақсади ҳокимият учун кураш драмасидан иборат эди.

Не бахтки, мақсад амалга ошмади ва ошмасди ҳам. Аввало, халқ бунга йўл қўймасди. Иккинчидан, гап мазкур «ўйин» — курашнинг сиёсий оқибатларида эмас, балки, Каримов-Арбоб, Каримов-Шахснинг ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам ўз Инсоний ва Арбоблик тамойилларига фавқулодда вазминлик, қатъият, ишонч ва демократларча мардоналик билан содиқ қолиш факти, айни пайтда, ўша «демократлар»нинг шахси, сиёсий савияси, маданияти ва интеллектуал қиёфаси, ошкора сиёсий курашнинг «асл» мақсад-моҳияти хусусида бораяпти. Улар эса, надоматлар бўлғайким, ўзлари ҳам аслида Ислом Каримов демократик сиёсатининг маҳсуллари эканликларига, негадир, фаҳмлари етмасди. Ачинарли жойи шунда эдики, уларнинг ўзлари ҳақиқий тамаддунли демократия нима эканлигини, масъуллиқ маданиятини ҳам билишмас эди. Демократия, бу, аввало, мавжуд ҳуқуқий-меъёрий қонунларга қатъий риоя қилиш, бўйсуниб эканлигини англаш ҳаёлларига ҳам келмас эди. Улар фожиасининг туб илдизи ана шунда бўлди. Боз устига, ўзбек менталитетининг ислом омили ва бошқа миллий-руҳий қадриятлари билан боғлиқ ўзига хосликларини ҳам тан олгилари тугул, улар ҳақида чуқур ўйлаб ҳам кўришмади. Том маънодаги фарбона демократияга миллий анъанавийлик руҳида кучли бўлган, «советлар даврида... коммунистик ақида ва қонунларга тўла мос келмаган», «ҳозир эса демократик қонунларга мос келмаётган» (И. Каримов; бунинг учун вақт керак), демократия демократиядан фарқ қилади ҳақиқати устида эса ўйлаб ҳам кўришмасди. Ҳа, демократиянинг миллий қиёфаси борлигини улар англаб етишмасди. Зотан, дунёвий давлат сари юз тутган ёш Ўзбекистон Овруосиё типига давлат сифатида ўз андозаларини ишлаб чиққан бўлса-да, Оврупоча кўп демократик андозаларга унчалик мос келмаслиги аниқ эди Бу, — дейди Йўлбошчимиз «Известия» газетаси ходимларига, — *«зарур қонуний база йўқлиги учун эмас, албатта. Қонунларнинг энг яхши мажмуаларини барпо этиш — Конституция, инсон ҳуқуқлари, кам сонли миллатлар тўғрисида гапирганимда масалани шу тарзда қўяман: бундай демократик меъёрларга*

интилиш, зўр бериб интилиш лозим, ... демократиянинг умумий қонунлари мавжуд бўлса ҳам, ҳар бир мамлакатда демократиянинг ўз қиёфаси бор. Шу билан бирга давлат ва жамият ҳаётидаги айрим демократик қадриятларни ўзгартириш ўзига хос ҳолда, юзлаб йиллар давомида таркиб топган тафаккур тарзини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Бунга амал қилмаслик мумкин, лекин уни тушуниш ва ҳурмат қилиш зарур».

Мухолифатда айнан ана шу **уч хусусият** — демократик қадриятларнинг миллий ўзига хослигига амал қилмаслик, тушунмаслик ва уни ҳурмат қилмаслик қўпол равишда кўзга ташланди. Уларнинг ўзлари шу демократия учун нималар қилишаётганини ҳеч ким, ҳатто, ўзлари ҳам билмаслиги сабаби айнан ана шунда эди. Оддий инсоний демократик маданият сиёсий курашнинг ягона, қоидаси-ку, ахир. Уларнинг Президент фаолиятидаги, сиёсатидаги камчиликларни рационал танқид эмас, унинг шахсини ҳақорат қилишларини ана шу маърифий қоидани билмасликлари исботи, деб айтса бўлади.

Ҳа, Ўзбекистонда ҳақиқий мухолифатнинг йўқлиги ва ҳокимиятнинг авторитар кўринишидан нолийдиган энгилтак кимсалар амалда бу нимани англатиши тўғрисида ўйлаб кўrsa бўларди. Бу республикада фақат битта — диний фундаментализм ва экстремизм шаклидаги мухолифат бўлиши мумкин. Биз унинг ўрни ва таъсирини қанчалик ҳаспўшламайлик — у ёвуз куч. У жуда хавфли икки таркибий қисм — исломдаги экстремистик оқим ва тажовузкор миллатпарастликка асосланган. Бу куч ислом давлатини даъво қилиш ва мамлакатнинг баъзи ҳудудларидаги террористик ҳаракатларда намоён бўлди. Наҳотки, Россияда кимдир Марказий Осиёнинг энг хавфли минтақасида, уруш оловида ёнаётган Афғонистон билан чегарадош ҳудудда чечен урушининг янгича шакли пайдо бўлишини истайди?

Мухолифат сиёсат — бу шоҳмотлигини, шоҳмотда пиёдалар, уста шоҳмотчи қўлига тушса, сўнгги катакча омон етиб, фарзинга айланишини, фарзин эса, аксинча, тажрибасиз ўйинчи қўлида пиёдалар қуршовида қолиб, қурбон бўлиши мумкинлигидек, парадоксал ҳақиқатни англаб етишмаслигини, аниқроғи, мутлақо тушунмаслигини ошкора намоён этди. Уларнинг сиёсий фожиаси айнан шу сирда эди. Мавриди келганда Каримов бундан фавқулодда закийлик билан нозик фойдаланди...

...Ўша кунлари мухолиф кучлар ўз тарафдорлари — талабаларнинг бир қисмини тамаддун дунёдаги маърифий-сиёсий маданият ва мавжуд норматив ҳужжатлар — қонунлар доирасида эмас, балки қўпол, ошкора бошбошдоқликка, бўйсунмасликка чорловчи онгли қўпурувчиликка бошладилар. Файриқонуний митинглар, кўча намойишлари уларнинг ягона сиёсий тадбирларига айланиб қолди. Талаба-ёшларнинг бир қисми ўртасидаги обрўларидан фойдаланишиб, талабалар шаҳарчасида қон тўкилишига сабабчи бўлишди. Каримов бу ишда анча сиёсий тажриба орттирган эди. У ана шу тажрибадан фойдаланиб, мухолифат мафкурачиларини, раҳбарларини маданий келишувга бот-бот чорлади, муносабатларни файриқонуний хатти-ҳаракатлар билан эмас, балки сиёсий воситалар — консенсус йўли билан қонун асосида маърифий ҳал этишга даъват этди. Надоматлар бўлгайким, мухолифатга теран сиёсий маданият, музокаралар маданияти, муаммоларни келишув асосида ҳамжиҳатликда ҳал этиш санъати етишмади. Демократик маданият ҳақида бундай шароитда, аҳволда гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

Каримов-Президент демократик маданият тарбияланиб, шаклланмаган Ўзбекистонда ғарбона демократия талаблари мутлақо тесқари самара беришини яхши билар эди. Мухолифат эса бу ҳақиқатни ўжарлиғу қайсарлик билан тан олишни истамасди. Нима қилиш керак бундай шароитда? Жим туриш ёки назар-писандсиз бўлиш муқаррар ҳалокат, дегани эди. Бошбошдоқлик борган сари кучаяр, ошкора бўйсунмаслик тенденцияси кун сайин авжга минаётган эди. Каримов-Президент бутун масъулиятни бўйнига олишга мажбур бўлди: янги қонунлар яратилгунга қадар эски қонунларга амал қилиш тамойилига асосланган ҳолда у кескин, қатъий сиёсий-ҳуқуқий чоралар қўра бошлади, вазиятни қўлга олишга ва уни бошқаришга мажбур бўлди.

Талабалар шаҳарчасидаги можаро, мухолифатнинг ҳар хил сиёсий найрангбозликлари, амбициялари Ўш, Фарғона ва Бўка воқеаларидаги каби қатъий хатти-ҳаракатларни тақозо этишини, чунки баъзан муваффақиятсизликнинг ягона сабаби айни хатти-ҳаракатсизлик ҳисобланишини Каримов биларди. Фактлар, кескин вазиятнинг ўзи кескин чора-тадбирларни талаб қилди. Ягона нажот ана шу қатъий чора ҳисобланди. Бу ҳам ўзига хос сиёсат эди. Фожиа олди олинмаса биро-

даркушлик, фуқаролик уруши, сиёсий бошбошдоқлик бошланиб кетиши, натижада вазиятни бошқариш мумкин бўлмай қолиши аниқ эди. Тўғри танланган ягона сиёсий йўл мажбурий, лекин ягона чорасизлик, шоир сўзлари билан айтганда, гарчи жасорат саналмаса-да, лекин аслида жасорат эди. Каримов қатъий чоралар қўллашга мажбур бўлди. Бундай сиёсий қатъият талабалар гуруҳи руҳига, дунёси-ю кайфиятига фавқулодда таъсир этди. Каримов бу психологик омилни ҳисобга олган ҳолда, мақсадга тўла эришган эди: муҳолифат фитнасига барҳам берилганди.

Аслида, айнан ана шу усул — мардона этика ва қатъиятнинг сиёсат билан фавқулодда уйғунлашгани кутилган самарани берган эди.

Каримов-Президент феномени ақоиди ана шу тариха катта сиёсатда муҳаббат эмас, умумхалқ манфаати устуворлиги реализми «қоида»си билан бойиган эди.

Қонуний зарбаларга учрай бошлаган муҳолифат, «демократлар» ҳеч иложи қолмагач, Каримовни авторитаризмда айблай бошлашди, очиқдан-очиқ «диктаторпараст», деб айтишди. Бунинг учун улар ҳар қандай имкониятдан, жумладан, Олий Кенгашдаги маслакдошларининг депутатлик имтиёзидан, дунё, хусусан, Россия оммавий ахборот воситаларидан, ўзларининг матбуот органларидан фойдаланишга ҳаракат қилишди.

Муҳолифат ҳужумининг жуғрофияси борган сари кенгая борди. «Би-Би-Си», «Америка овози», «Озодлик» сингари радиостанциялар улар хизматида бўлди. Натижада тенденциоз, ҳатто, ошқора ёқтирмаслик, душманлик кайфияти юзага келди. Каримовни улар нималарда айблашмади, дейсиз. Бу тенденция то ҳануз давом этиб келмоқда. Олдинига Каримов шулар билан тенглашиб, пачакилашиб турайми қабалида иш тутди. Бунинг у «Комсомольская правда» газетаси ходими билан суҳбатда ҳам ошқора эътироф этди. Лекин катта сиёсатда кичик, арзимаган фактлар, воқеалар бўлмайди. Ҳаммаси муайян сиёсий моҳият, аҳамият касб этади. Каримов аччиқ тажрибадан ана шу соғлом хулосани тўғри чиқара олди ҳамда ҳар қандай фитнага, ёлгон ва бўҳтонларга вақтида кескин, мантиқий асосли зарбалар бера бошлади. Бунинг учун у тарғиботнинг ҳар қандай усуллари билан самарали фойдаланишга уринди. Тез-тез чет эл матбуоти мухбирлари билан матбуот конференциялари, хорижий газеталар саҳифаларида

муаллифлик мақолалари-ю суҳбатлар уюштира бошлади, ўзи бевосита хорижий элларда, турли тоифадаги одамлар билан суҳбатлар, учрашувлар ташкил этиб, уларга Ўзбекистондаги ҳақиқий аҳвол ҳақида тушунтиришлар бера бошлади, уларни юртига таклиф этиб, ундаги ўзгаришларни ўз кўзлари билан кўришга ва ундан сўнгигина хулосалар чиқаришга даъват эта бошлади. Бундай йўл, усул тез орада ўз самарасини бера бошлади.

...Мухолифат жиззакилик йўлига ўтиб олган эди. Улар, ҳатто, АҚШнинг ўша йиллардаги Давлат котиби Д.Ж.Бейкерга мурожаат этишиб, ундан суверен Ўзбекистоннинг ички ишларига аралashiшга, Каримовга тазйиқ қилишгача бориб етишишди. Л.Левитин ёзади: «Бейкер (АҚШнинг собиқ давлат котиби — М.Ш.) «Бирлик» партиясини (ҳаракатини — М.Ш.) рўйхатдан ўтказишга кўмак беришни (Каримовдан — М.Ш.) астойдил илтимос қилган эди... Бейкернинг такрор илтимосига жавобан Каримов: «Жаноб Давлат котиби! Шунга ўхшаган нарса Қўшма Штатларда рўй беришини кўз олдингизга келтиринг. Мен, бошқа давлат Президенти, Сиздан ёхуд Президент Бушдан у ёки бу партияни қонунни четлаб ўтиб, рўйхатдан ўтказишни илтимос қилаётирман, деган фикрга Сиз йўл қўя оласизми?» Бу ҳақда Каримовнинг ўзи 1993 йил 12 февралда «Комсомольская правда» газетаси муҳаррири, 1993 йил 4 мартда МДХдаги хорижий мухбирлар халқаро уюшмаси аъзолари билан суҳбатларида батафсил изоҳ берган.

Ўзбек менталитети, таъкидлаганимиздек, мураккаб ва ўзига хос. Бу билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас. Бошқача кадриятлар талаблари билан ҳамиша ҳам унга ёндашиб бўлмади, айниқса, маърифий демократия ҳали тўлиқ шаклланиб бўлмаган шароитда. Шу жиҳатдан Россия ФА ҳақиқий аъзоси А.Н.Яковлевнинг Леонид Левитин китобига ёзган Сўзбошисидаги қуйидаги фикр-мулоҳазалари ва хулосалари жуда ўринли ҳамда асосли. «Ўзбекистон ҳаётининг бирон-бир жиҳатини соф расмиятчилик нуқтаи назаридан кўздан кечирадиган бўлсак, шахс эркинликлари, мухолифатнинг ўрни, сиёсий партияларнинг аҳволи, уларнинг давлатга ва мамлакат раҳбариятига бўлган муносабати хусусида бирмунча мураккаб ва ҳокимият фойдасига ўтмайдиган хулосалар чиқариш мумкин. Буларнинг барчаси бор гап. Айни пайтда, чиндан ҳам бор гапмикан?

Афтидан, бундай хулосаларга келишда собиқ иттифоқ худудидаги янги давлатлар эндигина шаклланаётгани эътибордан соқит қилинмоқда, қолаверса, эркинлик ва демократияга ўтиш даври баъзан эски, қотиб қолган тушунчалар, феодал тартиблар асорати остида кечмоқда.

Айтайлик, Ўзбекистон тараққиётидаги социалистик давр халқнинг моддий ҳаётига нимадир қўшган бўлса бордир, лекин бу инсоний муносабатларнинг ахлоқий жиҳатдан ривожланишини мутлақо англамайди. Чунки собиқ иттифоқда социалистик тузум амал қилган эмас, балки лагерлар, қатағонлар, сургун ва қамоқхоналардан иборат бўлган давлат феодализи ҳукм сурган эди. Бу ҳолат фақат Ўрта Осиёга тегишли бўлмасдан, бутун Россияга ҳам тааллуқлидир. Шу боис ҳали шаклланиб улгурмаган давлатдаги муайян воқеаларни Европа мезонлари билан баҳолаш — бу бориб турган хато, сиёсий чайқовчиликдан бошқа нарса эмас.

Ўрта Осиёдаги собиқ иттифоқдош республикалар раҳбарлари ҳақида гап кетганда, кўпинча уларга шундай эътироз билдирилганди: яъни, улар халқнинг сиёсий маданияти ва умуман, мамлакат тараққиётида муҳолифатнинг ўрнини тушунмайди, деган фикрларни эшитиш мумкин. Бунда, албатта, ривожланиш омилларидан бири сифатида янги-янги ғояларга эга бўлган, захирада куч тўплаб турадиган ҳақиқий, амалий муҳолифат назарда тутилади. Мен, масалан, шуни яхши тушунаманки, маърифий, демократик муҳолифат бўлмаган жойда демократия аввалига айнийди, кейин эса ҳалок бўлади.

Шундай бўлиши турган гап. Бу гап собиқ иттифоқ худудида демократик ўзгаришлар ташаббускори бўлишга даъвогарлик қилаётган Россияга ҳам тегишлидир. Тўғри, Россия парламенти баъзида кескин қарама-қарши фикрларни ёқлаб чиқадиган партиялардан иборат. Бироқ шуни очиқ тан олиб, айтиш керакки, принципиал масалалар нуқтаи назаридан қараганда, муҳолифат демократик жараёнга етарли даражада ижобий таъсир кўрсатаётгани йўқ, коммунистик фракция эса очиқдан-очиқ салбий роль ўйнамоқда. Вазиятни шу жиҳатдан баҳолайдиган бўлсак, Ўзбекистон етакчиси демократик ҳаёт асосларининг имкониятлари ва ривожланиш йўллари бошқа кўпгина иттифоқдош республикаларнинг раҳбарларидан кўра яхшироқ тушунди. У, айтайлик, Ельциндан фарқли ўлароқ, коммунист-

тик партия фаолияти учун кенг йўл очиб бермади. Чунки Ўзбекистон раҳбари бу партия ўз моҳият-эйтиборига кўра, бирон-бир фойдали ишни амалга оширишга қодир эмаслигини, у тарихий маънода инқирозга юз тутганини, бундан кейинги тараққиёт учун фақат туғаноқ бўлиши муқаррар эканини бошқалардан кўра олдинроқ кўра билди.

Биз бугун Россия мамлақати ривожига умумий тарзда жиддий зарар етказаётган, ҳали-бери охири кўринмайдиган ғавғолар, даҳанаки жанжаллар, сохта сиёсий жангларга гувоҳ бўлмоқдамиз. Бундай низо ва можаролар негизда коммунизм мафкураси, «доимо кечаги кун»да яшайдиганлар амалиёти, большевизм тажрибаси пинҳон ётибди. Такрор айтаман, бу борада ҳам Ислом Каримов айрим собиқ иттифоқ давлатлари раҳбарларига қараганда анча узоқни кўзлаб иш тутди».

Хўш, мухолифат амалий тусда аслида қандай бўлиши керак?

Каримов 1993 йил 26 майда «Труд» газетаси мухбирлари саволларига берган жавобда шундай дейди: «Республикамизда рўйхатга олинган партиялар ва ҳаракатлар ишлаб турибди... (Ҳозир 4 та партия мавжуд — М.Ш.). Мухолифатлик, умуман, ҳокимият устида турган кишига нисбатан эмас, балки у амалга ошираётган, рўёбга чиқариш учун курашаётган ишга, ғояларга нисбатан бўлиши керак. Агар кимда муқобил ғоя бор экан, агар у бирор масаланинг бошқа тўғри ечими борлигини исботлаб беролса мен буни, албатта, қабул қиламан.

Москва матбуоти биздаги мухолифат тўғрисида кўп ёзаётган бўлса ҳам, Ўзбекистонда бундай мухолифат йўқ. Уларнинг ижобий таклифлари йўқ. Улар ҳеч нарсага ишонмайдиган кишилар — асосан, ҳамма нарсани рад этишади. Бундай усул осонроқ, қулайроқ ва ана шу йўл билан арзон обрў орттириш ҳам мумкин... Мухолифатнинг мақсади битта — «ҳокимиятни қўлга олиш...». Хўш, уларнинг дастури борми, улар кўпмиллатли Ўзбекистон халқини қайси йўлдан бошлаб бормоқчилар?... Баъзи... минтақалардаги фожиали воқеаларнинг... оқибати қандай бўлгани маълум-ку?» «Мен ақлли, кучли одамлардан (жумладан, мухолифатдан — М.Ш.) чўчимаيمان», «Биз бирга бўлишимизни истайман», «Мен ҳар қандай мухолиф билан баҳслашмоққа тайёрман» — мана, Президент Каримовнинг Шах

конституциясидаги асосий феъл-атвори, керак бўлса, инсоний аъмоли, инсоний тамойили.

«Комсомольская правда»нинг 1993 йил 12 февраль сонида бош муҳаррир билан Каримовнинг суҳбати эълон қилинган эди. Ана шу суҳбатда Президент муҳолифатга нисбатан ўз муносабатини ошкора шундай баён қилади: «Менинг қоидам — қонунни ҳурмат қилиш, қонунга итоаткорлик. Қаерда ва қайси ўринда қонунларимиз нотўғри ёки демократик халқаро меъёрларга мос келмайди, айта қолсинлар?...»

Каримов-Президент Шахс конституцияси айнан ана шу қоидалигини ҳаёт бот-бот исботлаб, Йўлбошчи шахсиятидаги юқорида таъкидланган туғма демократик ирсий маданиятни такрор асослаб турибди.

Каримов муҳолифат ҳақидаги фикрини, муносабатини охиригача ойдиқлаштириши учун аниқ фактларга ўтади: «Бирлик» «Йўқолсин, руслар!» деган варақалар тарқатганига нима дейсиз. Мен ҳаракат фаоллари билан давра суҳбати ўтказмоқчи бўлганимда, улар, аввал руслар жўнаб кетишсин, дейишди.

Наҳотки, Тожикистон ҳаммамизнинг кўзимизни очмаган бўлса? Қисқа вақт ичида минглаб, ўн минглаб киши ҳалок бўлди... Ваҳшийлик ва ёввойилик... Буларнинг ҳаммаси кимнинг айби билан содир бўлди? Демократик партиялар ниқоби остидаги ақидапараст диндорларнинг қутқуси билан шундай бўлди...

Муҳолифлар мени диктатор қилиб кўрсатишни жуда хоҳлайдилар. Тан оламан: эҳтимол, менинг ҳаракатларимда авторитаризм нишонлари бордир. Аммо мен буни фақат бир нарса билан изоҳлайман: тарихнинг муайян даврларида, ҳақиқий давлатчилик қарор топаётган пайтда, айниқса, бир тизимдан иккинчисига ўтиш даврида ҳар ҳолда, кучли ижтимоий ҳокимият зарур. Қон тўкилишига ва қарама-қаршиликка йўл қўймаслик, ... барқарорликни сақлаш учун шундай бўлиши зарур, бу йўлда мен жонимни фидо қилишга тайёрман (бошқа бир суҳбатида Каримов «мен мавқеимга кўра ҳамма иш учун жавоб берадиган одамман», дейди — М.Ш.) Таъбир жоиз бўлса, демократия сари ҳаракат қилиш учун ҳам шундай бўлиши зарур».

Мана, Сизга Каримов-Президент ақоидининг ўз тилидан эътироф этилган яна бир «қоида»си.

МАҚСАДГА МУВОФИҚЛИК — СИЁСАТ УМУМҚОИДАСИ

Каримов-Йўлбошчининг қатъий позицияси ўзига, танлаган йўли-ю қарорига катта ишончи (булар унинг шахси, феъл-атвори билан бевосита боғлиқ) айнан ана шу нуқталарда теран намоён бўлади. «Бошбошдоқликни тан олмайман ва бунга йўл қўймайман ҳам». Инсоний-шахсий аъмолини Президент ана шундай аниқ белгилаб олган. Шу нуқтаи назардан у сиёсатда манфаат бирламчи устуворлигини, кучли ҳокимиятнинг қонуний қудратини тан олади ва унга қатъий риоя қилади. Бу инсоний ва сиёсий тамойил унинг фаолият, яшаш кодекси бўлиб, Каримов ички ва ташқи сиёсати йўналишларида бош, етакчи аъмолга айланиб қолган. Каримов-Шахс конституциясининг бу «модда»си исботи учун унинг серкўлам, мураккаб фаолиятидан, сиёсий ва инсоний тажрибасидан юзлаб ибратли мисоллар, намуналар топиш мумкин.

Каримов табиатида ўзига комил ишонч, қатъият, ҳатто, кескин қатъият устуворлигига тўла аминман.

Каримов-Президентнинг бош принципи сиёсатининг инсоний моҳиятини белгиловчи сиёсий санъат қоидаларидан ҳисобланган адолатдир. Сиёсий мақсад («Мақсад воситани «оқлайди», деган қоида мавжуд) ва манфаатлардан келиб чиқувчи адолат қатъияти билан мақсадга мувофиқлик, сиёсий вазият тақозосини бир-бирига мувофиқлаштириш сиёсатда энг оғир масала. Одатда, мазкур муаммо устида бош қотиришни, ҳатто, ўйлашни ҳам истамайдилар. Адолатга, ҳақиқатга улар хаёлларининг қайсидир бир чекка қисмигагина сал-пал ўрин ажратилари, агар ажратсалар, мумкин. Амалда, сиёсий фаолиятда эса мақсадга мувофиқлик тасаввуридан келиб чиққан ҳолда, иш тутадилар. Сиёсатда бу — умумқоида. Умумқоидалиги, нафақат, сиёсатчиларнинг ўзига хос алоҳида бир турига мансублигида эмас, балки соф шахсий принципларига асосланишларидир. Раҳбарлар бошқаларни ишлашга мажбур қилишади, демак, уларнинг бўш, нозик томонларини, ҳақиқатни тушунишлари ва унга содиқликларини яхши билишлари керак. Булар барчаси сиёсатчининг у ёки бу тарзда адолат — ҳақиқатни қурбон қилишга ва уни мавжуд шароит — вазиятга мослаштиришга олиб келади. Бундай мослаштириш сиёсий ҳаётда муқаррар бўлса-да, барибир, у хавф-хатар билан боғлиқ: адолатни менсимаслик, ин-

кор этиш тенденцияси кучаяди, фаолиятнинг ягона мезони мақсадга мувофиқлик бўлиб қолади.

Муайян принципларга (жумладан, адолатга) нисбатан қатъий бўлган Каримов ўзгариб турувчи вазият-шароитлардан келиб чиққани ҳолда ўзгалар қарашларига, фикрларига фавқулодда сабр билан, матонат билан мослашишдек мардоналикка эга. Бунда у шу одамларнинг, айниқса, халқ оммасининг кучли ва ожиз томонларини, уларнинг адолат мезони доирасида қилаётган хатти-ҳаракатларини, ҳақиқатни қандай тушуниш имконияти даражаларини ҳам инобатга олади.

Маълумки, ҳар қандай шароитда ҳам адолатга қатъий бўйсуниб, мақсадга мувофиқлик ва ҳаёт, айниқса, сиёсий ҳаёт талабларига оғишмай риоя қилиш ўта сиёсий мардоналикни ва фаолиятда сиёсий изчилликни тақозо этади. Сиёсатда арбоб ўз шахсий тамойиллари билан раҳбарлик қилолмайди ва бу сиёсатдаги умумқоидага кўра мумкин ҳам эмас. Сиёсий сардор бошқаларни ҳаракат қилишга мажбур этиши, керак бўлганда ўз ортидан шахсий намуна ва бошқа инсоний фазилатлар ибратида эргаштира билиши, уларни ишонтира олиш, аниқ мақсад сари йўналтира билиш санъатига эга бўлиши лозим. Шу сабаб бошқаларни, айниқса, ўз командасидагиларнинг, кенг маънода эса ўзи мансуб халқнинг кучли ва ожиз томонларини, яъни жамоатчилик фикрини яхши билиши, олий мақсад ҳақиқатларига тушуниши ва унга садоқатини пухта англаши даркор. Катта сиёсатда шароит тақозосига кўра, муайян мақсад йўлидаги мослашув муқаррар хавф. Хавф — адолатнинг бузилиш хатарининг одатга айланишида, мақсадга мувофиқлик сиёсий фаолиятнинг ягона мезонига айланиб қолишида. Каримов бу хавфни яхши билади. Шу сабаб ҳам у кўпроқ компромисс-консенсусга интилади. Аммо муносабатда, позиция ва мақсадда қарашлар мутлақо бир-бирига зид келса, унда Каримов асл ўзлигига — қатъиятлигига, принципларидан чекинмаслигига охиригача собит туради.

Муҳолифат, юқорида эслатганимиздек, Ислом Каримовни авторитаризмда айблади. Вазият, шароит тақозоси шуни талаб қилганда авторитаризм ўзини оқлаши сабабларини Президентнинг ўзи ҳам тан олишини яхши биламиз. Демократик маданияту анъана тарбияланиб, шаклланмаган жамиятда, одамлар онги, дунёқарашни тоталитар мафкура маҳсули ўлароқ, маъмурий-буйруқбозлик руҳида тарбиялангани, «мен учун

давлат ўйласин», «хўп бўлади»чилик кайфиятига кўниккан руҳиятни ўзгартириш, унга таъсир этишнинг бошқа йўли қолмаган тақдирда қатъият билан сиёсат (аслида, адолатли у!) юрғизиш вазият тақозоси-ла, ўзини оқлаши табиий ва ягона тўғри усул эди (муҳолифат билан муносабатни эсланг).

Ана шу тариқа Каримов кучли соғлом фикр юриши стратегиясига эга сиёсий фаолиятда давлат ишларида кўпроқ амалиётчи-прагматик сифатида ўзини намоён этди. Прагматик-амалиётчи Арбоб партократчиновник (тўра) устидан ғолиб келди. Реал ҳаётда сиёсат кераклиги, бу ҳаёт назарий ғоя ва концепциялардан кўра амалий ишлару амалий фаолиятга мослашгани, ҳаммаси сўнгги якуний натижага боғлиқлиги Каримов-назариётчини хўжалик фаолияти тажрибаси етарли, ҳақиқий маънодаги амалиётчига, прагматикка айлангирди. Камтарлик, иерархия субординациясига, маданиятига қатъий риоя қилиш, ўзига ва атрофдагиларга талабчанлик, муносабатлар мувозанатини меъёрида сақлаш, ўзидан доҳий яшаш каби сохта, ялтоқли хушомадларга, сунъий назария яратилишига кескин қарши туриш, шахсига сифинишларга қатъий чек қўйиш сингари фазилатлар, шубҳасиз, мамлакат ички маънавий-руҳий иқлимида соғлом муҳитнинг юзага келишига бош омил бўлди.

Адолатга эришиш жараёнига уни қабул қилиш, ҳазм этиш жараёнини уйғунлаштиришнинг амалий имкониятлари мавжудми? Ушбу муаммони ҳал этиш имконини доимо муайян мақсаднинг бўлиши муҳимлигини, унга эришишда вазият-шароитга мос келувчи воситаларни санъаткорона қўллаш каби стратегик тамойилларгина кўрсатиб беради. Ҳақиқатга, айниқса, янгича ғоялар шаклидаги, «либоси»даги ҳақиқатга қарши турилиши аниқ. Бироқ эътиборни нафақат мақсадга, балки уни амалга ошириш, унга ёндашиш — муносабат усулига қаратилса қаршилиқ таъсири камаяди. Бу ерда танланган йўлу усулдан қайтмаслик учун жуда нозик тактик бўлиш лозим. На сих куйсин ва на кабоб. Агар танланган йўл ва унга мутаносиб ғоялар реаллиги исботланмаса, одамлар унга ишонмаса, тамом, охири вой ҳаммасининг. Сиёсий ғоялар тарихида бундай ҳолатлар фожиа билан тугагани жуда кўп бўлган. Ғоялар тан олингунича, умуммиллий моҳият касб этмагунича ва амалга ошмагунича қанчалик босқичлардан ўтиб, мураккаб жараёнларни кечинмаган, дейсиз. Тажрибадан

шу нарса маълумки, ғояларни моҳиятан мутлақо янги, деб тасаввур қилишдан кўра, улар қачонлардир маълум бўлган, лекин муайян сабабларга кўра унутилган ўша эски мумтоз ғояларнинг тарих тақозосига кўра қайта тикланиши, деб қараш оқиллик самарасидир.

Авторитаризм Каримов учун мақсад эмас, балки шароит тақозо этувчи мажбурий восита, холос. Шу сабаб Каримов назарий қарашларида ҳам, кундалик амалий фаолиятида ҳам мустақил кучли давлат ҳокимиятини мустақамлаш сиёсатда қатъий, керак бўлса, кескин чоралар зарурлиги тақозоси эканлиги ва унга риоя қилаётганлиги кўпчилик томонидан тўғри қабул қилинмоқда. Албатта, бу фактда Каримов-Шахс ва унинг тафаккур тарзи, ҳаётий тамойиллари ўртасида мавжуд мувозий уйғунлик яққол сезилиб турарди. Гап зиддиятда эмас, гап — мақсадда, мақсад моҳиятида! Моҳият эса улуғ: инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш!

ҲАРАКАТ ВА ФИКР УЙҚУНЛИГИ

Каримов-Президент ақоиди, Каримов-Шахс конституциясига хос феноменлардан бири — бу *иш*, яъни *ҳаракат билан фикр, тафаккурнинг унинг шахсида узвий ва доимий уйғунлигида*. Шу маънода Йўлбошчимиз ўзини фаолият (*иш*) ва фикр (*тафаккур*) кишиси, деб баралла айтса бўлади. Унинг ҳаётий шиорларидан бири «олдин яшаш керак, фалсафа сўқиштириш — кейин», деган ақида. Яъни, у биринчи ўринга *иш* — фаолиятни кўяди.

Дарҳақиқат, Каримов бевосита фаолият, улуғ ташаббуслар кишиси. Мен унинг бу фазилатини шахсан жуда яхши биламан. Худди шу боис Каримов-Шахс конституциясининг бош фазилати сўзи билан ишининг айнанлиги ҳисобланади. Керак бўлса, ўзи кўпчилликни, ҳатто, манаман, деган арбобни ҳам ҳайратга сола олади. Шу сабаб ҳам у танланган сиёсий ва тараққиёт йўли ўз назарий-амалий оҳорилиги, илмий-ҳаётий асослилиги, яъни концептуал яхлитлиги билан жаҳонни ҳайратга солиб турибди. Жумладан, Австрия Республикаси собиқ Федерал Канцлери Франц Враницки Л.Левитиннинг «Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти» китобига ёзган тақдимномасида, «...Мажмуавий янгиланиш жараёнида сиёсий арбоб сифатида

иштирок этаётган ва бунга жавоб берадиган кишилар билан танишув муҳимдир. Президент Каримов давлат раҳбарларининг янги авлодини ўзида бошқалардан кўра тугалроқ мужассам этган... Оврупо ва бутун дунё учун ниҳоятда муҳим бўлган минтақанинг нуфузли сиёсий арбобларидан бирининг шаклланиши ва сиёсий истиқболлари билан жамиятнинг кенг қатламларини таништирган ҳолда (Л.Левитин китоби — М.Ш.) ахборот кемтигини тўлдиради», деган эътирофи моҳиятан бутун жаҳон ҳамжамияти учун муштаракдир. Мана, нима сабабдан, мутараққий давлатларнинг Каримов Шахсига, унинг ўзбекона сиёсий йўлига қизиқишлари кун сайин ортиб бораётганлиги, китобларининг чуқур ўрганилаётгани сирлари.

Якка бир Шахснинг халқ тафаккури ва мафкурасига таъсири қай даражада бўлишини айтиш душвор. Амир Темурга ўхшаш йирик тарихий Шахсларнинг таъсири беқиёс ва беназир бўлгани аниқ. Улар халқ онгида, хотирасида ирсий мавжуд соғлом кодларни англашга, уларни «қўзгатиш»га муваффақ ғояларига аниқ ҳамда равшан амалий ифодалар топишган. XX аср сўнгида ўзбек халқи онгида Каримовнинг таъсири кучлилиги аксиома. Бу таъсири ҳамма, катта-кичик барча Ўзбекистон фуқароси тан олиб турибди. Шу нуқтаи назардан Каримов сиёсатнинг руҳий аспектига алоҳида эътиборини қаратганича, жамиятнинг ахлоқий-маънавий ва айниқса, руҳий ҳолати унинг сиёсий шакли билан ўзаро мутаносиб эканлигини яхши сезгани ҳолда, янгича миллий сиёсий ҳамда ижтимоий руҳиятнинг назарий-амалий кашфиётчисига айланди, деб ишонч билан айтиш мумкин. Ана шу тариқа ёш ўзбек жамиятининг сиёсий хулқ-атвори, сиёсий-маънавий ахлоқи, ижтимоий руҳи, ғоявий-мафкуравий янгича онги, тафаккури, дунёси шакллантирила бошланди.

Айни пайтда, ҳамма ҳам Каримов сиёсий йўлини, яхлит сиёсатини, тараққиёт ва иқтисодий назариясини, ғоялари — яъни яхлит сиёсий таълимотини тан олавермаслиги табиий. Бу сиёсатда, давлат тарихида нормал ҳодиса. Зотан, ҳаммага баб-баравар ёқиш ёки маъқул бўлиш ғайритабиий, мумкин эмас.

«Мендан кўрқишнинг кераги йўқ, — дейди Президент «Известия» газетаси журналистлари билан 1997 йил 11 ноябрдаги суҳбатида. — Қонундан кўрқиш керак. Гоҳида қаттиққўллик билан иш тутаётганимни биламан, лекин шундай ишлар бор-ки, жамиятда уларни

бажаришга фақат мен қодирман». Аслида бу ҳам сиёсат ва ўрнида ўзини оқлайди. Ўз ичидан чиққан, ўзини беҳад яхши кўрадиган халқ бутун жамиятни янги тизим, янги ижтимоий-сиёсий тартиб ўрнатишга, янги ўзбек Дунёсини барпо этишдек олий, муқаддас ниятга ишонтира олган, шу мақсадни сиёсий ҳаётга орифлик билан татбиқ эта бошлаган Йўлбошчисини севиб қолди. Айнан шу боис турли миллатга мансуб халқнинг асосий қатлами унинг Шахсига ҳам, сиёсий йўлига ҳам қаттиқ ишонади. Асосий омма қалбидан Каримов хос ва мос ўрнини аллақачонлар олиб бўлган. Бунга юзлаб-минглаб исботлар мавжуд. Мана, улардан айримлари:

«Келажаги буюк Ўзбекистон Республикасининг азиз ва эъзозли раҳбари Ислоҳ Каримовга!

Юртимиз мустақиллиги байрами билан оиламиз аъзолари, қишлоғимиз халқи номидан Сизни табриклашга ижозат бергайсиз. Табрик баҳонасида оиламизда бўлган воқеани сўзлаб бермоқчиман: отамиз 1992 йилнинг 27 августида туғилган укамизга энди Ўзбекистон мустақил давлат бўлди, деб Мустақил, деб исм қўйгандик. Шунда ҳали ўзини босиб ололмаган айрим одамлар: «Шундай исм ҳам булармишимиз? Шўролар қайта тикланса, буни ўлдириб юборишади. Отини алмаштиринг», дейишди. Отам шунда «Ўзбекистон, худо хоҳласа, абадул-абад мустақил бўлди», деб жавоб бердилар ва «Бу ўғлим катта бўлганида: «Менинг отимни Мустақил қўйганларидан 4 кун ўтгач, 1 сентябрь куни Ўзбекистон Мустақиллиги байрам қилинган, деб фахрланиб юради», деган эзгу ният қилган эдилар.

Ватанимиз мустақиллигини кўз қорачиғидек асраш ҳар биримизнинг муқаддас фарзандлик бурчимиздир. Шунинг учун мен 9-синфни тугаллаб, ҳужжатларимни Самарқанддаги зобитлар тайёрловчи лицейга топширдим. Ниятим — Ўзбекистонимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлсин. Боғлари гуркирасин, буғдойзорлари бошоққа, пахтазорлари мўл ҳосилга тўлсин. Осойишта ва фаровон юрт бағрида ўйнаб юрган миллионлаб тенгдошлари қаторида укажоним Мустақилнинг боши омон бўлсин!

Самимият ила,

***Мустақилжон Бердимуродовнинг акаси
Эргаш Бердимуродов,
Самарқанд вилояти».***

«Қадрли Ислон Абдуғаниевич! Ўз она юртимизни, давлатимизни мустақил кўриш ҳар биримизнинг қалбимизга битмас-туганмас шодлик баҳи этади, — деб ёзадилар бир гуруҳ фахрийлар ўзларининг Йўлбошчимизга йўллаган мактубларида, — Сиз ички ва ташқи фаолият соҳасида юргизаётган оқилона сиёсатни астойдил, чин ихлос, чуқур эътиқод билан қўллаб-қувватлаймиз.

Улуғ ниятларни амалга оширишда биз боболар, бизларнинг болаларимиз ва набираларимиз Сиз билан ёнма-ён, Сиз билан камарбастадирлар. Фахрийлар сиз бошлиқ ҳукумат бизга кўрсатаётган саховат ва нажотдан ғоятда миннатдор бўлмоқдалар.

Биз фахрийлар, энг аввало, Сизга Она юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнашида, меҳнатсевар, камтар, олижаноб халқимизнинг тинчлиги, осойишталигини таъминлашда, халқимизнинг ҳаётини фаровон қилишда, ризқ-рўзимизни бут этишингизда, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги мушкулларни енгишингизда, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишда олиб борилаётган қийин ва мураккаб, улуғвор ва саховатли ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Биз фахрийлар кўп миллатли барча меҳнаткашлар номидан Сизни ишонтириб айтамыз-ки, янги жамият-ни барпо этиш йўлида барча Сиз амалга ошираётган ишларни бажармоқликка ўзимизни сафарбар, деб биламиз.

Бир гуруҳ фахрийлар»

**«Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм!
Ҳурматли Президентимиз
Ислон Абдуғани ўғли Каримовга!**

Яратганга минг шукрлар бўлсинким, Сиз қонсиз, қурбонларсиз халқимизни мустақиллик кунларига эргаштириб келдингиз.

Халқимиз Сизнинг Ўрта Осиё давлатларининг оғиз бирлигини мустаҳкамлаш йўлида қилаётган сабъ-ҳаракатларингизни жуда қадрлайди. «Туркистон — умумий уйимиз», деб жуда тўғри айтаясиз. Чунки ҳаммамиз Одам Ато, Момо Ҳаво фарзандларимиз. Тожикистондаги қонли курашларни тўхтатишдаги қилган хизматларингизга яхшилик Аллоҳдан қайтсин.

Сиз етаклаб келган мустақиллик орқали қадимий Наврӯзимиз, Рамазон ва Қурбон ҳайитимиз халқимизга қайтди. Ҳаж сафарлари йўлида қилаётган ғамхўрликларингиз учун ёлғиз Аллоҳ Сизни асрагай ва қўллагай. Қаерда, қайси қария ёки ногирон билан сўзлашсак, Сизнинг нафақахўрларга, кам даромадли оилаларга қилаётган ишларингизни раҳматлар билан тилга оладилар ва кўп йиллар бошларида Сиздай соябон бўлишини Яратгандан тилайдилар. Узбекдай халққа яраша Сиздай раҳбарнинг бўлишини Аллоҳнинг инояти, деб тан оладилар.

Бундай катта масъулиятли ишни бажаришда Сизга Аллоҳ таолодан узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахт тилаб қоламиз. Омин.

Рӯзмуҳаммад Муҳаммад Юсуф Ўғли»

«Ҳурматли Президентимиз Ислоом ака!

Сизга ушбу мактубни йўллашимизнинг боиси бор. Сиз мамлакатимиз мустақиллигини элон қилган дастлабки кунларда биз ҳам яхши ниятлар билан даштдаги асрий қаровсиз, тошлоқ жойдан 50 гектар ерни ўзлаштириб, бодомзор барпо этган эдик. Биз бу жойни «Хуррият боғи», деб атадик. Қаранг-а, умид билан суқилган таёқ, бир кун тугар мева-ю, япроқ, деб бежиз айтишмайди. Биз Истиқлолимиздай униб-ўссин, улғайиб, гуллаб-яшнасин, деган ният билан ўтқазган бодомларимиз Сиз мустақил Ватанимиз боғларига умид билан ўтқазган истиқлол ғоялари каби тез мевага кирди.

Биламиз, Сиз истиқлол ғояларини ўтказган ижтимоий замин ҳам биз боғбонлар ўзлаштирган майдон каби ночор аҳволда эди. Бироқ ҳар бир ишга меҳр ва покиза орзулар билан астойдил киришилса, Аллоҳнинг ўзи қўллар экан.

Мамлакатимизда Сиз бунёд қилаётган Мустақиллик номли буюк боғнинг ширин-шакар меваларидан яқин йиллар ичида, нафақат, Ўзбекистон халқлари, балки бутун дунё аҳолиси баҳраманд бўлишига ишонамиз.

Бошлаган улуғ ишларингизни рўёбга чиқаришда Сизга мустаҳкам соғлик, битмас-туганмас куч-ғайрат, сабот тилаймиз.

И.Холмуротов, Б.Тошматов, Ж.Тойчақов,

И.Йўлдошев, Х.Отаназаров, И.Кўчқоров,

У.Исмоилов, К.Мансуров, И.Турсунов...

Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги

А.Навоий номли жамоа хўжалиги аъзолари».

«Ассалому алайкум, ҳурматли Ислом Каримов!»

Мен Поволжьеда туғилганман, Саратов вилояти Краснокут туманида кўп болали, ўртаҳол оилада ўсдим. Уттизинчи ва урушдан кейинги йилларда анча азият чекишга тўғри келди. Уруш арафасида Краснокут учувчилари билим юртида кутубхоначи бўлиб ишлар эдим. У ерда собиқ иттифоқнинг ҳамма республикаларидан келган ёш йигитлар учини сирларини ўрганишар эди. У ерда мен илк бор ўзбек курсантларини кўрдим. Улар катталарни ва аёлларни ҳурмат қилишлари билан ажралиб туришарди. Айтишларича, улардан осмонда фашистлар билан қўрқмасдан жанг қилувчи яхши учувчилар етишиб чиқди.

Инсон тақдири қизиқ-да. Урушнинг охирида Саратов вилоятида оғир очлик ҳукм сурди. Иш ва озиқ-овқат қидириб, акам Тошкентга жўнаб кетди. Худди «Тошкент — нон шаҳри» номли машҳур кинодагидек. Ишга жойлашиб, бир йилдан сўнг онам ва бизларни, икки сингисини бу ерга чақирди. Ғалабадан сўнг ҳарбийдан бўшатилганлар билан бирга эшелонда Тошкентга келдик. Ўша даврдаги ҳаёт ҳаммага қийин бўлса-да, бу ерда бизларни яқинларидек қабул қилишди.

Ўзбек халқи билан бирга қийинчиликларни енгиб, омон қолдик. Тошкентда турмуш қурдим, икки ўғилни тарбияладим, невараларим катта бўлмоқда. Бутун умр болалар боғчасида ишладим, ҳозир нафақадаман. Ўзимни бахтиёр, деб ҳисоблайман. Болаларимга ҳам бошқа ерлардан бахтини излашга маслаҳат бермайман. Бизнинг иккинчи Ватанимизда доим қуёш порлаб турсин ва тинчлик бўлсин.

**Анна Семенова,
Тошкент шаҳри, нафақахўр»**

...Ислом Каримов сиёсат ва кундалик ҳаёт муаммоларига рационал ёндашади, аниқ бош мақсадга мос реал тактик йўллари ишончли ва серсамар. Одамлар онги, дунёқарашига руҳига сезиларли ижобий таъсир ўтказди, Йўлбошчи сифатида ўзининг асосий вазифаси ватандошлари тафаккурини, демак, оламини ўзгартириш, деб билди, халқини дунёда дунёдек тирикчилик қилиш санъатига, ахлоқига, ғоясига ўргатди. Ўзига эғалик қилиш — маънавий-ахлоқий-руҳий кураш кўникмаси, демак, деган ишончни тарбиялаб, шакллантирди. Ҳа, сиёсат нафақат мақсадга мувофиқлик масаласиги-

на эмас, балки ҳар қандай фикру фаолиятни ботинан-мантиқан тайёрловчи узлуксиз ахлоқий-маънавий кураш ҳам.

Давлат ва сиёсатга «инсоний нигоҳ» билан қарайдиган Каримов давлат сиёсатига, кундалик турмуш масалаларига маънавий-амалий ёндашувга ружу қилади. Уни, асосан, сўнги натижа-самара, танлаган йўлнинг тўғрилиги қизиқтиради. Натижада унинг сиёсати мақсадга аниқ мувофиқлик принципига айланиб қолди. Айнан шу боисдан ҳам Каримов аксар халқ оммаси учун Ўзбекистон жасорати, қатъияти рамзига айланиб бормоқда. Каримов-Президент ақоиди, Каримов-Шахс конституцияси билан боғлиқ яна бир феномен сиринана шу ҳақиқатда.

Каримов-Шахс феноменининг етакчи фазилатлари юқоридаги каби ҳаётнинг қисмат муаммолари силсиласида теран шаклланиб борди. Бу жараённинг энг бош самаралари Каримовнинг ҳамма учун очиқлигида (у қаерга бормасин, хоҳ расмий ташриф, хоҳ норасмий ташриф бўлсин, ҳамиша оддий одамдан тортиб мухалифатгача, давлат бошлиқларигача очиқ мулоқотга, очиқ баҳс-мунозарага тайёр). Таъкидланган АҚШнинг собиқ Давлат котиби Бейкер билан мунозараларини эслаш кифоя...

АМАЛИЙ РЕАЛИЗМ

Ислом Каримов амалий реализми билан боғлиқ қатъият, эътиқод учун, миллий ор-номус учун шижоат кўрсатиш, бу йўлда ҳеч нарсадан қайтмай, ҳеч кимдан қўрқмай жасур туришига юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Айниқса, собиқ иттифоқ даврида. Атоқли шоир Абдулла Орипов эслайди:

«СССР халқ депутатлари қурултойларида бўлган воқеалар эсимдан ҳеч қачон чиқмайди. Қурултой танаффусларидан бирида Ислом Абдуғаниевич СССР Министрлар Совети Раиси Н.Рижков хузурига борди. Масалани кўндаланг қўйди: «Ўзбекистондан ташиб кетилаётган олтинларнинг ҳисоб-китобини беринг», деди. Ҳукумат бошлиғи назар-писанд қилмай: «Ҳеч қандай ҳисоб-китоб йўқ. Ўзбекистоннинг ҳамма олтинлари СССРники», деди. Шунда Ислом ака «Заводни тўхта-таман», деди. Рижков «Тўхтатганинг билан бу олтиндан манфаатдор бўла олмайсан», деди. Каримов «Заводни кўчиртириб юбораман, ўзбек олтинини кетмон билан

қазиб оламан», деганида Рижков «Сенинг кетмон ишлаб чиқаришгаям қурбинг етмайди, ҳеч нарса қила олмайсан», деб ўшқирди. Каримов эса, «Менга заводнинг ҳам, кетмоннинг ҳам кераги йўқ. Ўзбек олтинини тирноғим билан ҳам ковлаб олиб, халқнинг ўзига бераман», деди. Бундай журъат, бундай шижоатни қаердан топиш мумкин? Мен бунга тирик гувоҳман. Ахир биз ўшанда, шу гаплар айтилаётганда Кремль қалъасининг ичида, қурултой залида ўтирган эдик-ку! Уша залдан чиқиб кетиш, омон қолиш, шундай кескин гаплар учун ҳаётни қайтадан қуриш, эркин ва озод яшаш мумкин эканлигига ҳеч ким кафолат бермас эди. Аниқроқ қилиб айтганда, биз ҳаммамиз, жумладан, Ислоҳ ака ҳам қамалдаги одамлар эдик. Журъат, миллий нафсоният, миллий орият у кишида шахсий ҳаётдан устун эканлигига ўшанда гувоҳ бўлган эдим».

Ҳа, Йўлбошчида ҳар қандай шароитда ҳам вазиятни тўғри англай билиш, уни донолик билан бошқариш, аниқ мақсадлар манфаати сари йўналтиришдек амалий реализм тўла шаклланди. Булар ҳаммаси яхлитликда унда ҳар қандай вазиятда ҳам, ҳар бир саъй-ҳаракатида ҳам ўзига, танлаган йўлига содиқлик, ўқтамлик, жасурлик ва қатъият маданиятини тарбиялади. Назаримда, айнан ана шу руҳий асослар, шахсий табиатдаги мардоналик ва жўмардлик, нозик ҳис-сезги оқибатлари ўлароқ, ҳар қандай офир, мураккаб иш ҳам унинг учун анча енгил туюлади. Одатда, раҳбар ўзига, кучига, сиёсатининг олижаноб ҳамда тўғрилигига, реаллигига комиллик-ла, қаттиқ ишонгандагина офир, баъзан ҳал қилиниши қийин, ҳатто, реал бўлмаган вазияту шароитлардан ҳам енгил ва голиб-музаффар чиқиб кетади. Мақсаддан мақсадга тинимсиз, чарчов ва кайфиятсизлик, умидсизлик нималигини билмай қатъий, собит интилади, хавф-хатардан қўрқмайди, керак бўлса, хавфга бутун масъулиятни бўйнига олган ҳолда мардона тик боради, реал ҳақиқатга тикка боқадди, «йўқ» дейишдан қўрқмайди. Баъзан, ҳатто, энг яқин ва ишонган сафдошлари ҳам унинг нималарни ўйлаб, қандай режаларни белгилаганини билмай қолишади. Режа мақсади аниқ ва комиллигига ботинан ишонч ҳосил қилган бўлса (Каримов реализми ана шунда!), унда ҳеч ким ва ҳеч қандай куч уни тўхтата олмайди. Ижро кўнгилдагидек бўлмагунча, бошлаган иши, ташаббуси, ғоялари аниқ самаралар бермагунча на ўзи, на сафдошлари ва на жамият тиним нималигини би-

лишмайди. Уни бундай шароитларда феъл-атворидаги, табиатидаги Шах ҳолати конституциясига хос комплекслар типологияси — *руҳий-шуурий қудрат, омад ва зафар* қўллайди. Назаримда, худди шу сабаб миллий Тикланишнинг характерли хусусиятларидан бўлмиш воқеликка реалистик муносабат Каримов-Шахс, Каримов-Президент қисматининг бош фазилатига, сиёсатининг ҳам назарий ва ҳам амалий-прагматик томонларидан бирига айланган.

Каримов реализми рационалиги билан биргаликда аниқ, етти ўлчаб бир кесилган, илмий-назарий тўғри хулосаларга олиб келувчи, амалий-сиёсий фаолиятга бошловчи асосга айланди. Янги типдаги давлатнинг янги типдаги раҳбари ана шу тариқа буй кўрсатди. Миллий Тикланиш эпохасининг тафаккур титани, янги давлат Асосчиси, жумладан, ана шу йўсинда ҳам кашф этилди.

Каримов-Президент ақоидининг мўътабар «қонун»ларидан бири ҳақиқати ана шунақа ва унда Каримов-Шахс конституциясининг бош инсоний тамойили муҷассам.

Ҳақиқий Каримов унинг *ботинида* ва бу — Каримов-Шахс конституциясининг яна бир сирли «*модда*»си асрори. Мен Каримов, унинг реализми ҳақида, ботинан унинг Шахс ва Йўлбошчи феноменлари сирлари хусусида ҳар гал ўйлаганимда ички бир қониқиш билан у ҳамиша голиб, музаффар, деган комилликка келаман. «Агар аҳил бўлсак, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким енга олмайди» (И.А.Каримов), деган эътироф ҳам фикримни тасдиқлайди. Давлат манфаатларига душманлик қилганларга ва сотқинларга қарши кескин, қатъий чоралар кўриш сиёсий жиҳатдан ҳамиша ўзини оқлаган. Каримов амалий реализми ана шу тариқа тарих, қисмат сабоқларидан йўғрилган.

Фикримизнинг исботи сифатида 16 февраль воқеаларини ёхуд қуйида махсус таҳлил қилганимиз диний ақидапарастлар ва террорчиларга қарши муносабатни эслаш кифоя.

ИШОНЧ ИНСТИТУТИ

Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Президенти лавозимига сайланиши асос-моҳияти билан ҳам сиёсий ва ҳам инсоний жасоратнинг том маънодаги ифодаси бўлган эди. Л.Левитин ёзади: «...Каримов ўша пайтдаги иттифоқдош республикалар раҳбарлари орасида бирин-

чи бўлиб Президентликка сайланди. Москва буни жуда салбий қабул қилди. Горбачев очиқдан-очиқ газабланди. Бошқа республикалар раҳбарлари эса Каримовнинг Президентликка сайланганини қўллаб-қувватласаларда, унга ҳавас қилсалар-да, телевидение ва минбарларда Горбачевнинг «16 Президенти бор давлат қандай давлат бўлади?» деган сўзларини қайтариш билан банд бўлдилар...

Каримовдан кутулиш учун, унинг ўзининг гапига қараганда, тазйиқнинг барча йўлларидан фойдаланиб кўришди. Горбачев уни ўтакетган амалпараст, деб айблади. Бу вақтда, мен ишонаманки, Каримов ҳақоратланган ва хўрланган Ўзбекистоннинг обрўсини кўтариш ҳақида ўйларди». «Ўзбекистон ҳали Совет Иттифоқи таркибида бўлган пайтдаёқ, Каримовнинг собиқ марказнинг рухсатисиз Ўзбекистонда Президентлик лавозимини таъсис этиши ва сайланиши хусусида хилма-хил фикрлар мавжуд бўлганлигини юқорида махсус эслатдик.

...Михаил Горбачев Ислом Каримовнинг Президент бўлиб сайланишига қарши бўлган ва уни лавозимидан бўшатиш учун қандайдир режалар тузганини ... тасдиқлай олмайман. Тўғри, Лукьянов бу борада ғалва бошлаган, бироқ Горбачев бу масалага хотиржамлик билан ёндашган эди. Балки бу тўғрида у ҳам ўзича нимадир деган бўлиши мумкин, лекин гапиришнинг ўзи амалий ҳаракат дегани эмас».

Каримовнинг ўзи ўша кунларни шундай изоҳлайди: «1990 йилнинг 26 мартада Ўзбекистон Олий Совети Президентликни жорий этди ва мени шу лавозимга сайлади. Шундан сўнг мен Москвага, СССР Давлат Кенгаши йиғилишига келдим. Горбачев мени «Ўзбекистон Президенти», дея пичинг, ҳақоратомуз сўзлар билан Кенгаш аъзоларига таништирди ва тартибга солиб кўйишга ваъда берди. Бу ерда у Президентликни бекор қилишни назарда тутди. Мен унга шундай жавоб бердим: «Агар суҳбат шундай давом этадиган бўлса, мен Кенгашни ташлаб кетаман». Сўнг Москва ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам, мени олиб ташлашга уринди, аммо ҳеч нарсага эриша олмади. Кучлар энди бошқача эди. Мени қўллаб-қувватлаган халқ ҳам бошқача фикрлай бошлаган эди».

«Ва бу курашда Каримов ўзи ва халқ учун ҳамма нарсага тайёр Йўлбошчи сифатида голиб чиқди» (Л.Левитин).

Каримов сенсация учун ёки бошқалардан ажралиб туриш, ўз-ўзини жаҳонга кўз-кўз қилиш учун бошқарувнинг Президентлик институтини атайин таъсис этилишига бош-қош, ташаббускор бўлмаган эди. Совет жамиятининг тараққиёт йўналиши қайси томонга қараб кетаётганлигини ва у қандай муқаррар оқибатларга олиб келишини аниқ кўриб, сезиб турарди. Партиянинг як-қаҳокимлиги қонуний ҳалокатга учрашига ақли етган эди. Ушбу ҳақиқатни орадан қарийб 8 йил ўтгач, Ислом Каримов таваллудининг 60 йиллиги шарафига собиқ СССРнинг собиқ Ташқи ишлар вазири, ҳозирги кунда Грузия Республикаси Президенти Эдуард Шеварднадзе Ўзбекистон телевидениеси мухбири билан суҳбатда очиқ-ошқора тасдиқлади. Шеварднадзенинг эътирофича, Ислом Каримов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимида ишлаётганида Афғонистондан совет кўшинларини олиб чиқиш масаласида Тошкентга М.С.Горбачев ўзининг Ташқи ишлар вазири билан ташриф буюради. Афғонистон раҳбари билан расмий учрашувда Каримов ҳам иштирок этади. Учрашув оқшом соат 1ларда тугайди. Дўрмондаги боғда эрталабгача Шеварднадзе Каримов билан сайр қилиб, СССР тақдири, унинг келажаги хусусида суҳбатлашишади. Ўшандаёқ Каримов вазият реаллиги ва рўй бераётган воқеалар ривожини мантиқидан келиб чиққан ҳолда, Ташқи ишлар вазирига СССР қонуний ҳалокатга маҳкумлигини барча шафқатсиз ростликлари билан кўрқмасдан, дангал башорат қилади. Шеварднадзенинг сўзларига қараганда, у ҳам Каримов мантиқларига ўшанда ишонган эди...

Дарвоқе, Ислом Каримов Иттифоқ парчаланиши муқаррар эканлигини Беловежск воқеаларидан олдинроқ англаб етган эди. Унинг фикрича, бу жараён янгилик бўлмай, Брежнев даврида бошланганди. Москва мамлакат раҳбарларини танлашда ўз нотавонлигини намойиш қилар, хаста ва қария раҳбарлар бирин-кетин алмашмоқда эди. Улар мамлакат ва дунёда юзага келган янги вазиятни, давлатни қайта қуриш заруратини тушунишга ожиз эди. Афғонистондаги бемаъни ва таҳдидларга тўла уруш мавжуд тузумнинг чириб-битганини кўрсатди. *«Бошланган қайта қуриш, — деб ёзади Федор Бурлацкий Ўзбекистонга бағишлаб ёзган «Мустақиллик ва ислохотларнинг ўн йили» мақоласида, — воқеалар оқимини ўзгартира олмади. Ислом Каримовнинг фикрича, замонавий давлатнинг янги моделини излаш*

жараёни маънисиз бўлиб, СССРни тобора парчаланиш домига тортарди. Ўзбекистон Президенти лавозимига сайланишининг ўзи Ислом Каримов учун Ўзбекистон халқи ва унинг раҳбарияти республика тақдирини ўз қўлига олганини англатарди».¹

Ҳа, маърифий-тамаддун дунё бошқарувнинг демократик усулига асосан ривожланаётганини, бу борада бошқа муқобил йўл истиқболда бўлмаслигини Каримов комиллик билан яхши биларди. Шундай шароитда ўз республикасида демократик лавозим бўлмиш Президентлик институтини ташкил этиш эртанги куннинг қонуний талаби эканлигини ботинан ҳис қиларди. Сизги-ҳис уни алдамаслигига тўла амин эди. Айни пайтда, бу демократик лавозим унинг ўзидан ҳам мутлақо янги раҳбарлик тамойилларини талаб қилишини яхши англади. Буларнинг ва яна бўлак сабабларнинг тақозоси ўлароқ, Каримов онгли равишда ҳеч кимдан ва ҳеч нарсадан қўрқмай, дадил ушбу бошқарув усулини танлади. Сиёсий арбобни, жумладан, ўзини бундай лавозимда синаш ўзи учун ҳам, жамияту халқ учун ҳам жиддий қисмат синови эканлигини у билиб турарди. Зотан, бу лавозим ўзидан одамийликнинг юксак фазилатларини, жумладан, ахлоқ ва сиёсат бирлигини (сиёсат ахлоқдан мосуво бўлмайди) давлат фаолияти миқёсида рўёбга чиқара олишдек гоят назокатли масъуллиқни талаб этишини нозик илғарди. Халқ ишончи Каримов учун, унинг ўзи айтганидек, «хайр-эҳсон эмас, авваламбор, улкан маъсулият, офир мажбурият, шарафли ваколат» эди.

Президентлик — ишонч институти. Аллоҳга шукур: бундай ишончга аллақачонлар эришилган. Бу ишонч, йўлбошчимиз таъхидлаганларидек, «барча аччиқ таъна-дашномларнинг ўрнини» аллақачонлар қоплаб бўлган. Шунга қарамай, сиёсатшунослик фанида «Ишонч таназули», деган махсус атама ҳам мавжуд. Беҳуда эмас у. Каримов катта сиёсатдон сифатида бунини яхши биларди. Ана шу ҳар қандай мумтоз сиёсатни ҳам бебурд қилиши муқаррар «Ишонч таназули»га йўлиқмасликнинг қатъий чораларини кўргани сабаблари шунда. Ишонч институти Президентга ўз шахсий сиёсий эҳтиёжлари учун ахборотни, тўғри, аниқ маълумотларни манипуляция қилиш ҳуқуқини бермаслигини эртами, кечми жамият барибир англаб этишини, бу эса ҳало-

¹ Независимая газета. 11 сентября 2001 г.

кат эканлигини Йўлбошчи яхши биларди. «Сиз бутун халқни муайян вақт давомида ёки халқнинг бир қисмини узоқ муддат давомида алдашга муваффақ бўлишингиз мумкин. Лекин барча халқни узоқ вақт мобайнида алдай олмайсиз» (А.Линкольн). Жамиятда давлат миқёсидаги камчиликлар, ноҳақликлар бўлиши табиий. Сиёсатда ҳам худди шундай. Давлат кўп йиллар яшайди. Сиёсат эса ўзгариб туради. Аксар камчиликлар, хатолар, оқибати миллий фожеага олиб келмайдиган ноҳақликлар муайян вақтгача яшаши қонуний.

Донолик лаҳжасидаги «Ўзингдан ўзинг мағлуб бўлма», деган ҳикматни Каримов яхши билади. Зотан, онг фаол сиёсийлашуви, ижтимоийлашуви ва миллий қадр-қимматлашуви жараёнига сафарбар бўлмиш ҳар қандай демократик, ҳуқуқий ҳамда маънавий-ахлоқий шакллар мустақилликнинг тетапоя даврида, айниқса, қисматни белгиловчи тамал тошига айланишини мардона тан олмаслик мумкин эмас эди. Каримов-Президент ақоиди «қоида»си, жумладан, мазкур ҳақиқатни мардона тан олишда тажассум топди.

Ана шу тариқа, изланишлару тажрибалар самаралари ўлароқ, Йўлбошчи новаторлигида (новаторлик қилмай яшашни дунё кўтармай қўйганлигини Каримов теран тушунади) Ўзбекистонда мустақил дунёвий давлат барпо этилди. Одамлар мамлакатимизда амалга оширилаётган тараққиёт андозаси воситасида муносиб турмуш даражасига эришиш хоҳиш-истагида Йўлбошчисига бағрида, раҳнамолигида ўзини ўзи мустақил бунёд этаётган истиқлол юрти осойишталик билан ўз салоҳиятини фавқулодда ижодкорлик-ла чиройли яратяпти. Натижада сиёсий ислоҳотлардан кўзланган мақсадга етилди. Энди сиёсий ислоҳотларнинг тизимларини, жумладан, ташкилий тузилмаларини ислоҳ қилиш, такомиллаштириш жараёни ижодий давом эттирилаворади.

Замонавий, истиқболни аниқ кўриб турувчи реалистик сиёсатчи сифатида Каримов ўз оҳорли, пишиқ, аниқ дастурларини барқарор, қатъий ишончли кучли ҳокимиятга асосланиб тузганлигини таҳлиллар жараёнида бот-бот исбот қиламиз. У сиёсий ҳаётнинг умумий қоидаларини фавқулодда закий, мардона, туғма таҳлилий ақл билан теран ўзлаштирганини амалда узлуксиз намойиш қилиб келмоқда.

Демократик, инсонпарвар жамият қонунларига асосланган Президентлик бошқарувига ўтиш миллий

Тикланиш жараёнининг иккинчи маърифий-сиёсий акти бўлган эди. Раҳбарликнинг бундай демократик иерархияси, шубҳасиз, маърифий замонавий бошқарув принципларига асосланади. Миллий камолотнинг сиёсий маданият шаклланмаган ўтиш босқичида демократик ҳуқуқий давлат қурилишига фақат ва фақат авторитаризм — умумхалқ сайлови танлаган Президент обрўси — нуфузи орқалигина кела олишимиз мумкин эди. (Тўғри, авторитаризм ўз миллий қобилига ўралиб қолишдек, чекланишга ҳам олиб келиши мумкин эди.)

Давр ва жамият тараққиёти ҳозирги сифат босқичининг таҳлили хулосаси ана шундай.

Қисматнинг нодир инъоми — миллий Тикланиш жараёнлари бошига Ислоҳ Каримовдек қатъиятли Йўлбошчининг келишини тарихий-маънавий, ижтимоий зарурат, деб баҳоламоқ лозим.

ИНСОНИЙ СТАТУС

Президент Шахсиятидаги фазилатлар — ўзи мансуб миллатга хос очиқ кўнгиллик, ҳалоллик, халққа меҳр, ўткир заковат, юксак интеллектуал қувваи ҳофиза, улкан ақл-идрок, қамровдор дунёқараш, глобал миқёсларда дунёвий фикрлаш, фаоллик, кучли ирода, ислоҳий табиати, ирсий демократизми, шон-шуҳратга бефарқлик, қатъиятлилиқ, ҳар қандай шароитда ҳам ўзлигига содиқлик, шароиту вазиятни аниқ ҳисобга олган ҳолда, дадил сиёсий масъул қадамлар қўя олиш, инсоний ва сиёсий мардоналик, фикрида собит тура билишдек қобилиятлар даврга мансуб сиёсий кураш жабҳаларининг шафқатсиз реалликлари таъсирида чархланиб, товланиб, такомиллашиб бораётганлигини эътироф этмаслик мумкин эмас. Ҳар бир Йўлбошчига хос суву ҳаводек ҳам фарзу ҳам қарз бўлмиш ўз инсоний статусини, аниқ позициясини, инсон конституцияси тамал тоши — феъл-атвордаги устувор хислатларни (*инсон қисмати — бу унинг хулқи, феъл-атвори, деган машойихлар. Аксар юртбошилар, нафақат, ўзлари бошлаган ташаббуслар, ислоҳотлар қурбони бўлишган. Айни пайтда, ўз табиатлари, феъл-атворлари қурбони ҳам бўлишган*), етук компетентли профессионаликни (янгича сиёсий ва иқтисодий тафаккур теран унда), ишлаш қобилиятини сақлай олиш, энг муҳими, воқеа-ҳодисалар ривожини йўналиши самараларини тўғри, аниқ

илғай олишдек салоҳиятли фазилатлар тажассум бўлмиш, *«сиёсат — бу мурасозлик санъати»* ақидасига риоя қилувчи, буюк ғоялар ва уларга мос улуғ хайрли саъй-ҳаракатлар кишиси ҳисобланмиш Президент Шахси, сиёсий фаолияти билан боғлиқ бир-бирини инкор қилувчи талқинларга кам эътиборли бўлса-да, муаммоларни ҳаминша вазмин, ётиғлик билан етти ўлчаб бир кесган ҳолда дадил, дангалчасига ҳал этишга интилса-да, ўзи, сиёсати учун кўзланган аниқ натижа, аниқ самара зарур эканлигини яхши биларди. Унинг ислохотчилик табиатига хос *интуиция, сезги ҳодисаларнинг олдини олиш, халқнинг дардига малҳам бўлиш, уларнинг ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш, бозор иқтисодиёти даврида, эркин нарх-навога ўтиш жараёнида турмуш даражасини яхшилаш* каби мураккаб серкўлам, халқчил фаолиятининг *ўнлаб эзгу қирралари моҳиятини* белгилаб берган эди.

Каримовда қобилият, донолик, руҳий саховат борлигига шахсан менинг ўзимдан ташқари уни катта Арбоб сифатида яқиндан билган буюк зотлар ҳам амин. Жумладан, Чингиз Айтматов Ислоҳ Каримовни таваллудининг 60 йиллиги билан қизғин муборакбод этар экан, ўз шахсий кузатувларидан келиб чиққан ҳолда, дейди: *«Сизнинг зиммангизга туб янгилинишлар давридаги чинакам ислохотчи ва бунёдкорлик вазифаси юклатилган. Бу вазифани ҳамма уйда қилавермайди. Бунинг учун Худо ярлақан киши бўлиш керак. Сиз шундай инсон экангизга ишончим комил!»*. Зотан, Президент тилидан тез-тез «Аллоҳ» сўзининг такрорланиб туриши бежиз эмас. Энг оғир пайтларда, назаримда, ёлғиз Аллоҳгина уни қўллаб-қувватлайди. «Маккага сафар қилган чоғларимизда, Каъба ичига киришдек шарафга мурасар бўлганимизда, — деб эслайди И.А.Каримов, — мен «халқимнинг бугуни ва келажакини бер», дея Худога илтимос қилдим. Кўнглимда бир ишонч бор эдики, биз бу ерга бежиз келмадик, бежизга бизни бу қадар эҳтиромга лойиқ кўришмади. Бизга кўрсатилган барча ҳурмат ва иззат — Аллоҳнинг буюк инояти. Мен Каъбатуллоҳ зиёратида улуғ бир рамз кўрдим. Ўзбекистоннинг келажак муқаррар тарзда порлоқ бўлишига иймон келтирдим».

Каримов-Шахс конституцияси «модда»ларининг асрори ана шу иймондандир. Жараёнлар ривожи йўналишини олдиндан мантиқан тўғри ҳис қила ва англай билиш ҳамда қатъий қарор — саъй-ҳаракат Каримовни

ҳамиша воқеа-ҳодисаларнинг ботиний кечиши сирларини, уларнинг аниқ самараларини кўра билиш, шу воқеа-ҳодисаларнинг олдида бўлиш, уларни мақсадли манфаат сари мардона йўналтириш, зарур бўлганда, шу жараёнларни ташкил этиш, уюштиришдек хислатлар, комиллик уни дадил, ординар бўлмаган ноанъанавий қарорлар ва қадамларга олиб келишини юқоридаги дайнлар ортиқ даражада исботлаб турибди. 90-йиллар бошлари СССР сиёсий ҳаётида кечаётган жараёнларнинг аниқ, реалистик таҳлили, жамият ҳаётининг йўналишлари, боришининг нозик тадқиқи Каримовга ёвузлик империяси муқаррар ҳалокат сари юз тутганлигидан далолат берганлиги хусусида юқорида гапирдик. Таҳлилу тадқиқ мантиқлари берган хулоса реал, дадил амалий саъй-ҳаракатларни тақозо этиши давр талаби эканлигини Каримов-прагматик ўшанда нозик илғаган эди. Республикада Президентлик институтининг собиқ Иттифоқда биринчи бўлиб ижодий ташкил этилиши айнан ана шу назокатли сезги билан боғлиқ эди. Каримов бу аҳди ва қарори билан барчанинг кўз ўнгида мутлақо янги имиджи — қиёфада намоён бўлган эди. У том маънодаги ижодкор Ислохотчи, Кашшоф Арбоб сифатида танилган эди. Инсоният тарихи ўқдек тўғри ривожланмайди. Ҳаётда вақти-вақти билан туб ўзгаришлар содир бўлади, турмуш тарзлари ўзгариб, қадриятлар эскиради, дунё ўзгаради. Тақдирнинг ана шундай оғир, мураккаб ўтиш босқичида ҳар бир фуқаро ва умуман, бутун жамият олдида ўта оғир масъул вазифа пайдо бўлади: йўқотилган ишончга қайта эришиш, эртанги кунга ишончсизлик, ваҳима ва тушунмовчилигу англашилмовчилик билан боғлиқ туманларни тарқатиб юбориш.

Ўтмиш донишмандларидан бири «Ўтиш босқичида яшаш — буюк бебахтлик», деб айтган. Қисмат сизу бизга шундай босқичда яшашни насиб этди. Лекин мен бу насибага «буюк бебахтлик» эмас, муқаддас саодат, деб қарайман. Кулликдан қутулиб, озод бўлиб, ўз бўлиб, Ўзлик бўлиб, Эга бўлиб яшай бошлаш иқболидан ҳам олийроқ тақдир борми одамга, миллатга, юртга ва халққа! Қисмат — эҳсон эмас. Тақдир ўзига ишончи комил инсоннигина алқайди. Қисматни яратиш, бунёд этиш, шакллантириш, тарбиялаш ва асраб-авайлаб, қадрлаш лозим.

САБОҚ. ТАДБИРКОРЛИК

Ўтиш босқичининг бошланғич «эмбрион» даврини бир ретроспектив кўз олдимизга келтирайлик: юзага келган мутлақо янгича шароит ва ҳақиқатлар — муаммолар ечимида тоталитар замон тажрибасига суяниш мумкин эмас эди. Моҳиятан ўзгарган дунё мутлақо янгича сифат моҳиятларига ва ижросига муҳтож эди.

Тоталитар қарамликдан қутулган, янгича тарихий траектория доирасига кириб қолган халқ янгича ижтимоий долзарб мақсадларни ҳис этиш, англаш, кечинишдек жуда мураккаб маънавий-руҳий, тарихий қисмат синовлари қаршисида юзма-юз қолган эди. Халқ кечаги ўтмиши сабоқларини кечиниши, бугунги тақдир инъоми — истиқлол қадриятлари моҳиятини англаши, ҳис қилиши лозим эди. Ўшанда у икки моҳият орасида эди: кечаги кун аҳволи ва ҳозирги истиқлол кунининг тўлиқ англаб етилмаган моҳияти... Жамият ҳам шу асорат аҳволида эди. Шундай шароитда нима қилиш лозим эди?

Мустақиллик эълон қилингунча ва истиқлол арафаларида мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги мураккаб манзарани бир кўз ўнгимизга келтирайлик: Олий Кенгаш анча баҳс-мунозаралардан сўнг ўзбек тилига Давлат тили мақоми бериш ҳақидаги қонунни қабул қилди. Қонун муҳокамаси ва қабули жараёнидаги мунозаралар, зиддиятлар, амбициялар...

Каримов вазият қалтислигини яхши тушунарди. У халқ, юрт маънавий жиҳатдан уйғонмаса, руҳан янгидан «туғилмаса», дунёқараши, тафаккури тубдан ўзгармаса, ижтимоий ижодкорлиги ошмаса, чуқурлашмаса, ҳаммаси бекорлигини биларди (Инглиз Жон Стюарт Милье ўз таржимаи ҳолида «*Инсоният тақдирида сезиларли енгилик то унинг тафаккур тарзида тубдан ўзгарши руй бермагунча бўлиши мумкин эмас*», деб ёзган эди. Ҳа, одамлар маънан ўзгарса, дунё ҳам ўзгаради. Дунё ўзгарса, айни пайтда, одамни ҳам ўзгартиради. Фалсафанинг бу қонунини Каримов яхши тушунади). Миллатни, юртни уйғотиш учун эса уни яхши билиш лозим эди. Фоят қисқа сиёсий тажриба Каримовга Ўзбекистонни, ўзбек халқини чуқур ўрганишдек сабоқни берди. Тарихчининг нозик фаҳми-ла, у халқининг буюклик ва завол аралаш мураккаб ўтмишини, миллат менталитетига хос руҳий-маънавий, ахлоқий-маърифий

фазилатлару қусурларни яхши ўрганиб олган эди. Халқнинг ҳозирини эса халқнинг ўзидан ҳам ингичка ҳис қиларди, туярди. Кундалик воқеа-ҳодисалардан мукамал хабардор эди, уларни ўта назокат ва эҳтиёткорлик билан кузатиб, назорат қилиб, бошқариб турарди, бутун диққат-эътибори шу куннинг, шу моментнинг муаммоларига тўлиғисича сафарбар бўлсада, айти пайтда, стратегик мақсадни амалга ошириш йўллари концентрал ишлаб чиқиш билан банд эди. У — аҳоли даражадаги жиловбардор, тадбиркор раҳбар сифатида мақсад билан боғлиқ олий моментнинг — ҳозирнинг асосий тактик манфаатлари-ла кўпроқ қизиқарди. Ҳар бир факт, ҳар бир катта-кичик воқеа-ҳодисага синчков сиёсий ва ахлоқий мезонлар доирасида ёндашиб, муаммонинг асл моҳиятини англашга уринар, уларни истиқболда кўришга ҳаракат қиларди. Ана шу тариқа сиёсатнинг руҳий аспектига алоҳида эътиборни қаратганича, «Ёш ўзбек жамияти миллий Тикланишга тайёрми?» деган саволни ўзига беради ва ботиний ишонч билан «Тайёр!» деган қатъий хулосага келади, дадиллик билан ўз сиёсий стратегиясини яратишга киришади.

Каримовнинг танлаган бош стратегик мақсади ҳар жиҳатдан тўғри эди. Ўша кеча-кундузлари эндигина мустақилликка эришадиган айрим ёш суверен давлатларнинг раҳбарлари муайян натижаларга ҳар доим ҳам зарур эътиборни қаратавермаганларини ҳозир яхши англаб турибмиз. Сиёсатда катта-кичик ҳодиса йўқ. Кичик, арзимас, деб ўйлаган факт, ҳодиса омилкорлик-ла бошқарилиб турилмаса, жамият ҳаётида катта кўнгилсизликларга олиб келиши мумкинлигига тарихдан юзлаб-минглаб мисоллар келтирса бўлади. Шу сабаб Каримов жараённинг, ҳатто, кўзга илиниши қийин жабҳаларини ҳам қаттиқ назорат остига олди, моментнинг тактик манфаатини кўзлади. Айти пайтда, реалист-прагматик сифатида у тактикада хатоликлар бўлиши босиб ўтиладиган янги, муқобилсиз йўлда қонуният эканлигини ҳам яхши тушунарди. Шундай бўлсада, у ўз катта-кичик тактикасида хатога йўл қўймасликка уринди.

Каримов — қудратли ирода соҳиби. Фарғона, Андижон, Ўш воқеаларини эслайлик. Президент табиатидаги бу фазилат, айтиқса, 1991 йил сентябрида катта жанжаллар билан ўтган, айрим депутатлар, ҳатто, унинг шахсига қаттиқ теккан навбатдан ташқари еттинчи сес-

сияни эслайлик. Ошкора ҳужум, ҳақоратлар уни эсанкиратиб, жиззакиликка олиб келмади. Аксинча, қатъий собитлик, вазминлик, метин бардош билан «Президентнинг бағри кенг бўлиши керак», дея мураккаб вазиятдан чиқиб кетди, улар билан тенглашиб, айтишишни ўзига раво кўрмади, қатъий мантиқ асосида барча қуруқ «даъво»ларни катта сиёсатчига хос вазминлик билан рад этди. Кейинчалик эса «Президент кечиримли бўлиши керак», дея уларнинг кўпини кечириб ҳам юборди (Кечиримлилиқ, бағрикенглиқ Каримов сиёсий ва инсоний имиджининг доимий устувор қоидасига айланганига ўнлаб-юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, 16 февраль воқеаларидан сўнг диний ақидапарастлик таъсирига билиб-билмай тушиб қолган аксар ёшларнинг тавба-тазарруларининг қабул қилингани, хатосини тушуниб, ўз ихтиёри билан авф сўраб келганларнинг кечирилгани фикримиз исботи). Бу, айтиш пайтда, Каримовнинг фавқуллода қатъиятли, ўзига, сиёсатига комил ишончи туфайли метин асабга эгалигини кўрсатди. Деярли ёлғиз синовлардан иборат ўтиш босқичида Каримов ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бундай ҳодисалар жуда кўп бўлганидан шахсан хабардорман. Президент ички ва ташқи сиёсий ҳаёт билан боғлиқ бу синовларнинг ҳаммасидан бутун чиқиб, воқеа-ҳодисаларни ҳар гал зарур оқимга буриб юборишдек ғолиблиқ кишиси ҳисобланади.

Сиёсатда муҳаббат эмас, манфаат устуворлигидан келиб чиқилса, барча йирик арбобларга хос бу «ўйин» фазилатга айланади. Вазиятга қараб сабрли, вазиятни интуитив ичдан ҳис қилиш ва сезиш, қатъиятли, керак бўлса, қаттиққўлли бўлиш Каримов-Арбобни ҳам четлаб ўтмаган. Ва бу табиий. Олий ҳокимиятга эришган серқирра Шахс компетентлари булар. Ҳокимиятни сақлаб қолишдек, оғир кураш фақатгина қудратли Шахслар неъматидир. Синовлар бундай Шахсларнинг одадий стихияси, ҳаётининг эҳтиёжи ва фаолият, қисмат мазмунидир.

Каримов сермасштаб жаҳоний тафаккур неъматидир, ўткир ақл, феноменал хотира, шахсий харизм салоҳияти билан сийланган. У яхши, ижобий таассурот қолдириш қудратига эга, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини йўқотмайди. Рақибларига, муҳолифларга нисбатан ҳар қандай ҳодиса ечимини бир неча «йўл» олдиндан кўриб, уларни ҳал қилувчи вазиятларни ах-

таради ва топади. Вазият устидан ҳам, рақибларидан ҳам голиб бўлади.

Сиёсий тадбиркорликнинг аччиқ ва ширин сабоқлари ана шу тариқа элу юртни ижтимоий ларзаларсиз миллий Тикланиш босқичи бўсағасига олиб келди.

ФАОЛИЯТ ОБРАЗИ

*Демократиянинг олий мазмуни —
шахслараро, миллатлараро, давлат ва
ижтимоий-сиёсий муносабатларни
уйғунлаштиришдан иборат.*

Ислом Каримов

Демократия Ислом Каримов учун янгича тафаккур, янгича саъй-ҳаракатлар, янгича фаолият образига айланди. Айти пайтда, у демократиянинг умумий қонунлари мавжудлигини, ҳар бир мамлакатда демократиянинг ўз қиёфаси борлигини, миллий давлат ва жамият ҳаётидаги айрим демократик қадриятларни ўзгартириш ўзига хос ҳолда юз бериши муқаррарлигини, демократия тимсолдан, реал ғоядан реал амалиётга айланиши лозимлигини, шундагина янгича онг, тафаккур, янгича руҳ-психология тарбияланиб, шаклланиши мумкинлигини, бу жараёнлар ўта мураккаб ва драматиклигини ҳам яхши билади.

Тўғри, Каримовнинг бошқарув усуллари ҳамиша ҳам демократия талабларига тўла ва мос келмаётганлиги мумкин. Лекин катта сиёсатда бошқа нарса қадрланади: давлат бошлиғи қон тўкмасдан қатъий тартиб ўрната оладими? Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда барқарорликни таъминлай биладими? Мамлакатда унинг тараққиёти учун зарур вазиятни назорат қилишга, соғлом ижтимоий-маънавий иқлимни таъминлашга у, умуман, қодирми? Кейинги ўн тўрт йил ичида бундай мураккаб, тақдириломон масъулик айнан Каримов зиммасига тушди ва буни у қойилмақом қилиб, аъло даражада бажарди, бажармоқда. Қандайдир, «тақдир эҳсони» ёхуд «Аллоҳдан теккан», деган даъволардан кўра, ўз ишчанлик ва шахсий фазилатларигина ўлароқ, Каримов Халоскор, Асосчи, миллат ва давлат Йўлбошчисига айланди.

Ўз давлатида ҳамма нарсани назорат остига олувчи ноёб лидерларнинг типига мансуб Каримов демократиянинг оташин тарафдори, айти пайтда, либерализм-эркинлик, яъни, Амир Темурча «Куч — адолатда!» та-

мойили кишиси. Амир Темур шахсига ва бошқарув усулларига, принципларига содиқлик сабаби ҳам ана шунда. У ёввойи бошбошдоқлик, қуруқ сафсатабозлик душмани. Ўзбекистон мустақиллиги ва озод истиқболи учун нима зарур ва нималар керак эмаслигини у бошқалардан кўра яхши билади.

Тоталитар — тўралик системасини Республика сиёсий ҳаётидан дадил суриб чиқаришдек, оммани, миллатни туб ўзгаришларга тайёрлашдек, бу йўлда тарихий хотирани тиклаш, миллий улуғвор қадриятларни эъозлаш, маънавий-ахлоқий асосларга қайтиш, ижтимоий адолатни тиклаш, демократия институтлари фаолиятини бугун ижтимоий-маънавий ҳаётдагидек, ҳар қандай мафкурадан озод этиш, ҳамма томондан қабул қилинган демократик меъёрларга мослашиш, уларга зўр бериб интилиш, шу йўллар билан умуминсоний қадриятларга асосланган дунёвий демократик ҳуқуқий давлат қуришдек мураккаб қисматни танлаган Сардор сиёсий йўлини ўзига хос тарзда белгилади. У билан бир пайтда сиёсий ҳаёт саҳнасига кўтарилган бошқа республикалардаги маслакдошларининг деярли барчаси ўзлари мансуб компартиялардан дадил воз кечган бўлсалар (Россия, Украина каби давлатлар бундан мустасно), Ўзбекистон янги ташкил этилган Халқ демократик партиясини унинг сиёсий вориси, деб эълон қилди. Ўзбекистон етакчиси ўз сиёсий йўлига содиқ қолди. Сабаб — унинг демократик ҳаёт асосларининг имкониятлари ва ривожланиш тенденцияларини бошқа аксар иттифоқдош республикалар раҳбарларидан кўра яхшироқ тушунганида. У коммунистик партия фаолияти учун кенг йўл очиб бермади. Чунки ушбу партия ўз моҳият-эътибори билан бирор фойдали ишни амалга оширишда қодир эмаслигини, у тарихий маънода қонуний инқирозга юз тутганини, бундан кейинги тараққиёт учун фақат тўғаноқ бўлиши муқаррар эканини кўра билди. Каримов большевизмни экстремистик оқим сифатида тушунди. Ана шу омиллар уни компартия тақдири борасида қатъий хулосага олиб келди: компартия фаолияти Низомига асосан тўхтатилди.

Каримовни муайян гуруҳлар коммунист, деб ҳисоблашди. Ажаблანарли сабаб, Фёдор Бурлацкийнинг эътирофича, ўн бешта янги давлатнинг аксариятига «собик коммунистик раҳбарлар бошчилик қилди: КПСС Сиёсий бюроси аъзолари, республикалар биринчи котиблари, ҳеч бўлмаганда вилоят котиблари. Тарих тотали-

тар тузумдан демократик жамиятга ўтиш масъулиятини айнан шулар зиммасига юклади. Коммунистик анъанага кўра, кўп нарса СССР парчаланганда янги давлат тепасида ким турганига боғлиқ эди. Маълумки, Россияда бундай одам Сиёсий бюро аъзолигига номзод, ўз вақтида жабр тортган ва бу мартабали идоранинг тўлиқ аъзоси этиб сайланмаган шахс эди. Ўзбекистонда эса собиқ республика компартияси биринчи котиби Ислон Каримов раҳбар бўлди.

Ўша пайтларда коммунист раҳбарлар орасидан ҳамма олдида ўзининг либерал табиатини намоён этиш учун пайт пойлаб ётган демократик қарашдаги одамларни излашнинг ўзи кулгули ва соддаларча бир иш бўлур эди. Улар тараққий топган давлатларда қабул қилинган ғоялар сари юз буришди. Ва, албатта, ислохотлар мақсади ҳақидаги тасаввурларига мос келган, қўлларидаги ҳокимиятни сақлаш ва мустақамлашга хизмат қиладиган ғояларнигина қабул қилишди.

Бошқа барча республикалар қатори Ўзбекистонда раҳбарнинг ғоялари ва иродаси ҳал қилувчи роль ўйнади. Афтидан, бошқача бўлиши мумкин эмасди ҳам. Евроосиё ҳудудидаги авторитар анъаналар асрлар қаърига бориб тақалади. Масала шундаки, у ёки бу раҳбарнинг шахси улуг ҳодиса — давлат мустақиллиги талабларига мос келади. Бу мамлакатларнинг ҳар бири тарихида эса мустабид ҳукмдорлар ҳам, маърифатпарвар шоҳлар ҳам бўлган.

Мен шу нарсага қатъий амин бўлдимки, Ислон Каримов республиканинг ўз ислохотлар йўлини излашга кўпгина бошқа раҳбарларга қараганда тайёрроқ эди. Негаки, у жуда ишчан, прагматик, ўзига бино қўйиш ва сохта обрў-этибор орттиришни ёқтирмайдиган раҳбар. Халқаро муносабатларда, шу жумладан, МДХ мажлисларида дабдабали учрашувларни хуш кўрмаслигининг бойси шу эмасми? Шахсан менга бу мажлислар СЭВ (Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши) ва Варшава шартномаси учрашувларини эслатади».¹

Эсимда, 1997 йил 11 ноябрда «Известия» газетасининг уч муҳбири «Ислон Абдуғаниевич, нима учундир Сизни коммунист, деб ҳисоблашади» деган саволларига давлатимиз раҳбари шундай жавоб берган эди: «Кимлар шуни хоҳласа, ҳисоблайверсин. Мен бошқа гапларни — коммунистлардан сўнг пайдо бўлган дик-

¹ Независимая газета, 11 сентября 2001 г.

татор, деган ёки ундан баттар гапларни ҳам эшитганман. Майли, одамлар оғзига келганини гапираверсин. Бундай гапларни эшитганда кулиб қўя қоламан...»

Ана шу тариқа ислоҳчилик табиати характердаги қатъиятлилик билан қўшилиб, бу гал ҳам ўзгалардан фарқли бўлмиш дадил мустақил сиёсий қарорга олиб келди уни. Республика сиёсий ҳаёти ана шу тариқа бир девордан иккинчисига урилишдек сиёсий эҳтирослар қайнаб турган оғир маънавий жароҳатдан фойда этилди.

Каримов ўз йўли — туб ислоҳотлар йўли эканлигини амалда намойиш этган ҳолда, ислоҳотларни, аввало, одамлар онги-ю қалбида рўй беришига, халқ уни кечинишига имкон берди, бермоқда. Дунёга кенг назар билан дунёча қараш, юртини, элини жаҳон цивилизацияси даражасига кўтариш учун ҳозирги замон плюрализмини тушуниш, Ўзбекистонни маърифий дунё билан боғлаш ва ана шу орқали томонларнинг ўзаро бойиши имкониятларини излашдек қутлуғ неъмат соҳиби бўлмиш Президентимиз тинч йўл билан халқини, Ватанини давлат мустақиллигига олиб келди. Миллий давлат учун тарихан хос бўлмиш миллий эгоизм — миллат ҳуқуқининг инсон ҳуқуқидан устунлигини инкор этган, аксинча, инсон ҳуқуқини миллат ҳуқуқидан баланд қўйган ҳолда маъсуллик билан маърифий миллий давлат асоси пойдеворини қўйди.

Ислом Каримов индивидуал фаолият образини, интеллектуал сиёсий фаолиятни ёқтириши шахсан менга яхши маълум. Президент девони ва Вазирлар Маҳкамасидан унинг имзоси билан чиқарилган барча ҳужжатлар (бошқа расмий ҳужжатлар ҳам) ўта синчковлик билан шахсан «чиғириқдан» ўтказилишига аллақачонлар ҳамма кўникиб қолган (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси матни шахсан Президент томонидан такрор-такрор таҳрирдан ўтказилгани кўпчиликка маълум). Ана шу тариқа Йўлбошчи миллий сиёсий тафаккур ва сўзнинг пишиб етилиш, теранлашиш жараёнига ҳам талабчанлик билан раҳбарлик қилмоқда.

Каримов-Сардор феноменининг навбатдаги амалий асос-моҳияти ана шуларда намоён бўлган эди.

Чуқур жароҳатланган миллий ижтимоий онгнинг ўзликни англаш, ўзликка қайтиш сари фаол сиёсийлашуви маърифий маданият даражасига ҳали кўтарилиб улгурмаган мураккаб ўтиш босқичида эълон қилинган давлат мустақиллиги масъулияти Ташаббускор зим-

масига тушди. Сардордан инсоний уйғунликка хос мутлақо янгича фазилатлар, янгича, ординар бўлмаган қарор ва ижролар кутилди. Характер талаб қилинарди. Характер эса Сардорда етарли эди: мустақил, зийрак, ўзига, танлаган йўлига қаттиқ ишонч ва уни сабот-ла ҳимоя қиладиган, нимага эришажаклигини яхши биладиган, нодўстлари таъна-дашномларига эътибор бервермай, кулиб қўядиган («Майли, одамлар оғзига келганини ганираверсин, — дея бот-бот таъкидлайди И.А.Каримов. — Бундай гапларни эшитганда кулиб қўя қоламан») раҳбар сифатида унда шон-шуҳратга бефарқлик, ўзгаларни тинглай билиш, оппонентлар билан ҳамкорлик қила олиш, улар билан рақобатдан қўрқмаслик, душманлари фикри-ю қарашларидан ҳам ўзи учун фойдалиларини ола билишдек мардоналик, умумманфаат йўлида соғлом келишувчанликдек салоҳият мужассам бўлди. Президент шахсий табиатидаги ана шундай қадриятлар маҳсули ўлароқ, биз мустақиллигимизни тўла сақлай олишдек саодатга эришдик Бу ўша пайтлари авторитар-патриархал анъаналарга тортиб кетиш хавфи йўқолмаган миллий сиёсий маданиятимизнинг умуминсоний қадриятлар сари ташлаган улкан, ғолиб маърифий одими бўлган эди.

«ХАЛҚИМ УЧУН ЖОНИМНИ БЕРИШГА ТАЙЁРМАН»

Миллий Тикланиш илк босқичининг энг бош инсоний сиёсий-маънавий ютуғи — йўл танлаш жасоратига эга Йўлбошчининг борлиги ва мустақиллик учун, ислохотлар учун яшайдиган янгича руху тафаккурга эга одамлар тоифасининг пайдо бўлаётганлиги бўлди. Бу халқ билан Йўлбошчи ўртасида руҳий яқинлик, қалбий қондошлик, бирлик — маънавий яқдилликни юзага келтирди. Халқ назарида Каримов — ретроград, яъни, илғор маслакчи-ғояли, ислохотлар, янгиланишлар, ишонч ва нажот-умид кишиси сифатида тўлиқ намоён бўлди. Президент, энг аввало, ўзи мансуб халқнинг аҳвол-руҳияси, кайфияти, интилишлари, орзу-ҳавасларини мукамал ўрганиб олди; халқ ўзи бошчилигида қурилаётган ўзбек давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаига айланди. Бошқача айтганда, у ўз халқини ўзи учун, халқи эса ўзи учун Йўлбошчисини буюк ишончу имон-ла чиройли кашф этишди. Бу инкишоф Каримов руҳиятини янада тоблади, ўзига, хал-

қига ишончини янада кучайтирди. Натижада халқ ёнида Йўлбошчисининг қудратли елкасини туйиб турди.

Дарҳақиқат, Каримов табиатан доимо одамлар, турфа тоифа кишилари орасида бўлишни ёқтиради. Расмий хориж сафарларида, норасмий ички сафарларда у кутилмаганда расмий протокол доирасидан чиқиб кетиш, вилоятларда кутилмаганда тана кўриқчиларисиз маршрутни ўзгартириш, одамлар тўда бўлиб, уни қаршилагани чиққанларида машинани даст тўхтатиб, улар олдига тушиб, ҳол-аҳвол сўраш, ҳаммаси билан кўшқўллаб кўришиш, «Қандай яшайсизлар?», «Қандай муаммоларингиз бор?», «Сиёсатимиздан розимисизлар?», «Ҳокимлар, раҳбарлар қандай ишлашмоқда?» каби саволлар билан улар кўзига тик қараганча мурожаат қиладди. Керак бўлса улар орасидан бақувват бир йигитни белидан маҳкам ушлаб даст кўтаради, чол бўлса бағрига босади, ёш болани боши узра кўтаради. Мисолларни ўнлаб-юзлаб келтириш мумкин. Мустақиллик байрамлари охирида тантана иштирокчилари билан бағирлашиши, катта-кичик артистлар билан қўл олишиб, раҳматлар дейишига-ку ўрганиб қолинди. Битта фактни алоҳида таъкидлашга тўғри келмоқда. Андижон вилоят сафарида Президент маршрути йўлининг ўнг тарафидаги уйда таъзия бўлган экан. Ислом Абдуғаниевич тез кетаётган машина ойнасидан одамларни кўриб қолди. «Ким улар? Нега тўпланишиб туришибди?», дея ҳамроҳларидан сўради. «Ислом ака, таъзия бўлибди», деди улардан бири. Бу орада Президент кортежи анча масофани босиб қўйишга улгурган эди. Шунда Ислом Абдуғаниевич шофёрга қараб «Машинани орқага буринг. Таъзияга борамиз», деб қолди.

Таъзиядагилар Президентни кўриб, ҳанг-манг бўлгунча, йиғи-сиғини ҳам бирдан эсдан чиқариб қўйдилар. Ислом Абдуғаниевич таъзиядошларнинг ҳар бири билан ўзбекона кучоқлашиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида ҳамдардлик изҳор этди, фотиҳа ўқиди, барчага бардамлик, сабр-тоқат тилади.

Ҳар куни республиканинг турли бурчакларидан Президент номига келадиган турфа мазмундаги хатлар ва уларга шахсан муносабат масаласида гапиришнинг ҳам ҳожати йўқлигига ўзим бир неча марта гувоҳ бўлганман.

Келтирилган фактларнинг ўзи ҳам Президентнинг халқ билан ҳамisha биргалигини, яқдилу яктанлигини, одамлар фикрини манипуляция қилиш салоҳияти-

ни исботловчи асослардир. Айни пайтда, халқ ўз Президентини қандай билиши ва севиши, ортидан эргашиши сабаблари равшанлиги ҳам. Булар ҳаммаси яхлитликда аҳоли назарида Президент образи — қиёфасининг яққол намоён бўлиши, имиджининг яратилгани ифодасидир.

Жумладан, ана шу одамийлик ибратлари билан ҳам Президент ортидан халқни аниқ мумтоз, улугвор мақсадлар сари эргаштириш, ўз буюк, олижаноб ғояларига тўла ишонтиришдек неъматга эришди. Каримов хариэми халқни ижтимоий фаол ижодкорликка, янги мустақил давлат барпо этишга комиллик-ла бошлади. Бу Сардордан жуда кўп инсоний ва Йўлбошчилик фазилатлари қаторида теран ақлий-интеллектуал, ахлоқий-маънавий бутунликни ҳам талаб қилишини Каримов чуқур билар эди. Аслида Президент ирсиятида, Шахсида ушбу фазилатлару бутунлик туғма эди. Айнан ана шу туғма салоҳият юрт, халқ ақлсиз бўлишга ҳаққи йўқлигини яхши билишини ботиний ҳис қилишига кўл келди.

Менинг назаримда, Президентлик бу — «шакл», халқ — «материя». Шакл эса, одатда, «материя»дир. Улар орасида кескин тафовут йўқ. Халқ ўзига мос раҳбарни танлайди. Раҳбари халққа, халқи раҳбарига мос. «Раҳбарини айт, халқи қанақалигини айтаман», деган ҳикматлар бежиз эмас. «Халқ, умуман, раҳбарларга нисбатан донороқ ва ақлироқ», деган қадимий ақидани мен ўзгартириб, «Йўлбошчилар ўз халқи донолиги ва ақлининг мужассаами ҳам бўлиши мумкин», деган комил фикрни ўртага ташлайман. Ва бу ишончимга миллий тарихимиздан Амир Темурни, бугунги кунимиздан Ислон Каримовни ифтихор-ла мисол қилиб келтираман...

Каримовнинг ўз халқига фанатикларча меҳри, садоқати, эътиқоди ҳавас қилгулик даражада улуг, самимий. «Халқим учун жонимни беришга ҳам тайёрман», деган гапи қуруқ шиор, сохта обрў орттириш учун айтилмаган. Унинг учун бу — қисмат, ҳаёт ва аъмол. (Ибратли битта мисол: Парижда Йўлбошчимиз китоби тақдимоти бўлишини тайёрагоҳда эшитиб қолган ЮНЕСКОнинг ўша пайтдаги Бош директори Федерико Майор сафарини тўхтатиб, китоб тақдимотида иштирок этади ва мухтасар нутқ ирод этади. «Самарқандда унга Президентимиз Улугбек расадхонасини, ундаги устурлобни кўрсатганини эслайди: «Улуг-

беклар, Али Кушчилар қўли теккан асбобни қўлга олар эканман, гўё ўзимни XV асрга бориб қолгандек, Улуғбек каби буюк олимлар билан ҳамнафасдай ҳис қилдим, — дейди собиқ Бош директор. — Ҳозирга қадар ҳам ўша ҳаяжон бот-бот бутун вужудимни қамраб олади. Ўшанда жаноб Ислон Каримов Улуғбекнинг «Зижи Кўрагоний» асарини кўрсатди. Мен ҳам Шарқ илмидан хабардорлигимни кўрсатиб қўйиш учун «Жуда зўр асар. Ҳозирги компьютерларнинг таҳлилига кўра, Улуғбек юлдузлар ҳаракатини аниқлашда бор-йўғи ярим минутга адашган экан», дедим. Ислон Каримов ялт этиб менга қаради-да, лабларида табассум билан жавоб берди: «Йўқ, жаноб Федерико, Улуғбек адашмайди, компьютерларингиз хато қилган бўлиши керак». Бу жавобни эшитиб, жаноб Каримовнинг ўз халқини нечоғлик севишини, ўзбек олимларининг ютуқларидан нечоғлик фахр қилишини яна бир бор ҳис қилдим»).

Барча ислохотлар, аввало, инсон, халқ учун, унинг буюк келажаги учун, деган тамойил Йўлбошчининг бош сиёсатига айлангани бежиз эмас. Раҳбарларга кўпроқ одамлар орасида бўлинглар, халқнинг турмушидан, ҳол-аҳволидан хабар олиб туринглар, дея бот-бот даъватлари, аввало, бевосита унинг ўзига дахлдорлигини Каримов яхши билади. У ўзининг «буюк ўзбек миллати»га мансублигидан чексиз фахрланади, бутун сиёсий фаолиятини шу миллат манфаатларига сафарбар соф инсоний сиёсатига йўналтирилганидан қониқиш ҳосил қилади. Айнан шу боис элу юрти ташвишини ўз ташвиши, деб билади. Ижтимоий эҳтиёжлар унинг учун шахсий эҳтиёж хисобланади. Элу юрт фаровонлиги, тинчлиги унинг учун энг олий қонунлиги Каримов-Президент ақоидининг бош «қоида»сига, Каримов-Шахс конституцияси типологиясининг моҳият «модда»сига айлангани сири ана шунда.

Эслайлик: Қирғизистон чегараларидаги воқеалардан яна бир бор бевосита ўзи воқиф бўлиш учун Жанубий Корея сафаридан олдин Каримов Сўхга борди. Чегарачилар, маҳаллий аҳоли билан учрашиб, уларни яна бир бор тинчитди, кўнгилларини кўтариб, янада хушёрликка даъват этди (1999 йил октябрь).

Тарихан ғоят қисқа вақт ичида халқ сиёсий маданиятнинг жуда кўп қадриятларини ижодий ўзлаштириб олди, ўзига Сардор, Йўлбошчи танлаётганда хийла омадлироқ ҳаракат қилиш сабоғини олди. Бу 1991 йил декабрида ва 2001 йил январисидаги Президентлик

сайловларида, 2002 йилги Президентлик ваколатлари муддатини узайтириш билан боғлиқ умумхалқ Референдумида қутилгандан ҳам зиёда самараларини берганлигига барчамиз гувоҳ.

«ЎЗИНГДАН БОШҚАГА ИШОНМА»

Сиёсий манфаат фақат ва фақат Арбобни ўзига, ўз кучига, имиджига ишонишинигина тақозо этади. Унинг классик исботини ўз мисолимизда 1991 йил декабрдаги Президентлик сайловида кўрдик.

Эсимда, қизғин сайловолди кураши сиёсий жўшқин бошланган эди.

Муқобил номзод Президентлик сайловига ички ва ташқи сиёсат билан боғлиқ аниқ дастури ва шу даражада аниқ сайловолди платформаси билан келишга ҳаракат қилган эди. Ислом Каримовда сайловолди платформа концептуал яхлит, амалий реал, назарий ўта жозибали бўлса-да, уни махсус тўлиғисича ошқор этмади. Бу сиёсий курашда ўта нозик тактика эди. Тактика моҳиятини тушунмаган айрим «демократ» депутатлар, хусусан, муҳолифат, сиёсий чайқовчилигу шовшувларни авж олдириб юборишди. Улар тўрт томондан Каримовга «сайловга яхлит дастурсиз келди», деган маломату айблар билан ошқора ҳужум бошлашди. Каримов сиёсий донолик қилди, яъни муҳолифат билмаган нозик тактик манёврни қўллади. Аслида Каримовда етти ўлчаб бир қасилган сайловолди яхлит, тугал концепция — мамлакат ривожининг аниқ, мукамал дастури мавжуд эди. Жойларда бўлган расмий сайловолди учрашувларда у ўз дастурининг ҳаммасини тўлиғисича эмас, балки унинг айрим жиҳатларинигина очиб берарди, холос. Асосий дастур тўлиғисича атайин сир сақланди. Ҳатто, ошқора сиёсий кураш очиқ тус олган Олий Кенгашнинг ўша — навбатдан ташқари VII сессиясида (1991 йил сентябрь) ҳам ушбу тактик манёвр қўлланган эди. Ислом Каримов, гарчи сессияда депутатларга Президентлик лавозимида бўлажак сайловда номзод сифатида ўз режаларини айтиб берган бўлса-да, уларни умумий, концептуал тарзда баён этганди, холос.

Катта сиёсатда бу онгли тактик усул жуда асқотди. Каримов яна бир марта сўзи билан иши узвий раҳбар сифатида янгидан кашф этилди. Нега Каримов бу сиёсий нозик тактик усулни бағоят усталик билан қўлла-

ди? Нега ўз дастурини олдиндан тўлиғисича расман эълон қилмади? Бу онгли тактик усулми ёхуд рости билан яхлит дастур унда йўқмиди? Ҳаммаси мавжуд эди Каримовда. Каримов дунё сиёсий кураш тажрибаларини, сирларини яхши ўрганганлиги учун ҳам онгли равишда шундай тактикани қўллади. Майли, муҳолифат уни танқид қилса қилаверсин. Жўжани кузда санашади. Ҳаммаси сайлов натижаларида ойдинлашади. Каримов бу курашда Франклин Рузвельтнинг ғоят сиёсатда нозик тактик усули — ҳаммадан сир сақлашни айнан қўллаган эди. Ўша кеча-кундуз Каримовнинг бу назокатли тактикаси моҳиятини кўплар қатори мен ҳам тўлиқ англаб етмаган эдим. Лекин кези келганда унинг ҳушёрликдан ва ўз манфаатидан келиб чиқувчи рационал ҳисоб-китобларда совуққонлигини, яхши маънодаги қувлигини, қуруқ гапни, думбулликни, ярим-ёртиликни ёқтирмаслигини, ўзига ва сафдошларига ўта талабчан, керак бўлганда, ниҳоят синчков, зийрак интуицияси алдамаслигини, ўзига, фақат ўзига, сезгиларига ишонадиган, унга амал қиладиган инсон ва раҳбар эканлигини яна бир бор билиб олгандим. Унинг ҳаётий ва инсоний тамойили «ўзингдан бошқага ишонма» принципи эканлигини ҳам илғаб олгандим. Катта сиёсатда Арбоб ўз ниятларини, режаларини ҳеч қачон тўла айтмаслиги (*сирлилик сиёсий сардорнинг «хобби»си, қуроли ва услуби. Керак бўлса, сиёсий имиджи, қиёфаси*) тамойили, шубҳасиз, ўзини оқлашини ва у Сардорнинг ижобий фазилатларидан бири эканлигани тушундим.

Франклин Рузвельт ҳам ўз сиёсий фаолиятида, асосан, шу тамойилга риоя қилган. Рузвельт ўзининг энг яқин сафдоши Ҳенри Моргентауга: «*Ҳеч қачон чап қўлингизга ўнг қўлингиз нима билан машғуллигини билишга имкон берманг*», дея маслаҳат берарди. Шунда Моргентауга унга: «*Жаноб Президент, мени қайси қўлингиз, деб биласиз?*» деб сўраганида, «*Сиз ўнг қўлимсиз, бироқ чап қўлимни стол тагида яшириб турибман*», дея жавоб беради. Бу қоидага, айниқса, Амир Темур қаттиқ риоя қилган. Бобур ўғли Ҳумоюнга қолдирган васиятномасида, шунингдек, Никколо Макиавелли «*Ҳукмдор*» асарида бундай позицияни шоҳ учун асосий фазилатлар сирасига киритишган.

Каримов аслида сайловолди сиёсий вазиятнинг ўта нозик ва мураккаблигини ботинан чуқур ҳис қиларди. Рейтингининг халқ ўртасида баландлигини билса ҳам

сиёсий курашлар тажрибаси-ю маданияти тўлиқ шаклланмаган халқда, навқирон жамиятда нималар содир бўлмаслига мумкин, дейсиз.

Муқобил номзодда сиёсий тажриба ва сиёсий маданият етишмасди. Сиёсий тактиканинг босиқ, вазмин мароми кўп ҳолларда бузилди. Эмоционал кўтаринкилик устуворлик қилди. Эмоция баъзан ошқора амбицияга айланиб кетган ўринлар яққол кўзга ташланиб бораверди. Одамлар кўтаринкиликни ҳар доим ҳам тўғри қабул қилишавермади. Халқнинг соғлом қисми ақлан эндигина суверен, мустақил бўлган Ўзбекистон амбициялар, ҳис-ҳаяжонлар билан бошқарилиши кутилган натижани беришига ишонқирамай туришди. Халқ ўтиш босқичида Ўзбекистон ўта ишончли, ўта эътимодли, тажрибали, синашта раҳбарга муҳтожлигини руҳан сезиб турарди.

Каримов халқнинг шу соғлом кайфиятини, вазият назокатини яхши билар эди, яхши ҳис қиларди. Шу сабаб у донолигу вазминлик-ла, курашда пайт пойлаш тактикасини қўлади, аста-секинлик, ғоят нозиклик билан бутун Ўзбекистонни ўзининг янгиликка, янги-ланишга самимий интилишига, юртини том маънодаги истиқлолга эришиши учун жонини ҳам тикишга тайёрлигига, уни келажакда буюк давлатга айлантириш учун зарур барча имкониятларни ва шароитларни яратишга қодирлигига ишонтира билди. Муқобил номзоднинг ўта фаол ташвиқий компаниясига кўпроқ имконлар яратиб беришга, сайловчилар унинг усули ва нореал дастурлари моҳиятини хўброқ англаб олишларига, халқ икки номзоднинг танлаган тактик йўллари-ни ақлан кечинишига имкон берди. Халқ сайловолди кураш жараёнларининг энг фаол иштирокчисига, мафкурачисига айлана бёрди. Миллий онгнинг суверенитетнинг илк босқичи билан боғлиқ тадрижи ижтимоий-руҳий натижаси ўзининг фойдасига ҳал бўлишига Каримов қаттиқ ишонарди. Ўзига Йўлбошчи танлаётган халқ етти ўлчаб бир кесишига имони комил эди. Сезгилари алдамаслигага у амин эди.

Айни пайтда, Каримовнинг ўзи ҳам биринчи марта шундай сиёсий кураш гирдобига тушган эди. Ҳокимият учун кураша билиш санъати сабоқларини жиддий кечинаётган эди? Шу сабаб у вазминлигу ақл, қатъияту ишонч билан, шарқона донолик, аниқроғи, усталик-ла курашга киришди. Бу мураккаб қисмат синови жараёнида Каримов учун Каримовнинг ўзи

бош маслаҳатчи бўлди. Бу шароитда у ўта фаол бўлиш, ташаббусни қўлга олиш лозимлигини ичдан ҳис қилса-да ва амалда шундай йўл тутган бўлса-да, буни ҳаммага ошкор этишни лозим топмади. Жараёни ўта зийраклик-ла кузатиб, унинг жиловини қўлида маҳкам ушлаб турди, вазиятда рўй бераётган ўзгаришларни ўз вақтида қаттиқ назорат қилиб, уларга дарҳол осонлик-ла мослаша борди. Каримов ўз юлдузининг порлашига, прагматизми, интуицияси панд бермаслигига дилдан ишонарди. Пухта ўйланган стратегик-тактик ҳаракатлар, стратегик-тактик тафаккурнинг ўзига хослиги, заргарона манёвр ўзини оқлай бошлаган эди.

Муқобил номзод учрашувларда ўз нутқига маҳобатли тантанаворлик тусини берар эди. Шоирона ҳис-туйғуларга сероб баландпарвоз сўзлар, тантанали ваъдалар, жозибали қуруқ ғоялар, серэхтирос дастурий режаларга қарама-қарши ўлароқ, Каримов Ўзбекистонни ижтимоий ларзаларсиз, инқилобларсиз истиқлол истиқболига бошлаш, тараққиётнинг босқичма-босқич тадрижий йўли орқали амалий аниқ натижаларга эришишининг реал йўриқларини танлади. Нутқи соф таҳлилийлик мантиғи билан безанди. Гапириш оҳанги қатъиятли, ишончли, овози босиқ, вазмин, лексикаси халқона («Она халқим», «Барака топгурлар», «Худо хайрларингни берсин» ва ҳ.к) тус олди. Каримов ўз нутқига сирли, атайин ноизчиллик бахш этди. Айни пайтда, олий режаларини қандай амалга ошириши (гарчи, ўшандаёқ кейин эълон қилган концепциялари аниқравшан бўлса-да) ҳақида деярли ҳеч нарса гапирмади. Қаттиқ сир сақлади. Жиддий сиёсий курашнинг ёзилмаган қонунлари, қоидалари айнан ана шундай сирлилиқни тақозо этарди. Қатъиятлилик, хоксорлик, огир-вазминлик ва улуғворлик, жозибали маҳобат — Каримов учун ўзига хос хулқ-атвор формуласига айланди. Бир сўз билан айтганда, Каримовнинг ҳақиқий Шахс ҳолати, ҳақиқий «Мени», Шахс конституцияси типологиясига мос моҳиятан асл «модда»лари айни ўша сайловолди кураши кунларида яхлит намоён бўлган эди.

Муҳолиф номзод Ўзбекистонни соф Осиёча давлат типига кўришни истагини айтса, Каримов, аксинча, Ўзбекистон соф шарқона давлат эмас, балки Овруосиё типигаги дунёвий давлат бўлиши ўзбекимумтуркистон эроси қонуниятларига мос келишини

таъкидлар эди. Мухолиф номзод деярли барча учрашувларда ўз сайловолди дастури платформаси қобидан чиқиб кетолмай, ҳамма ерда айнан бир хил режаларни айтса, Каримов бир учрашувда бошқа учрашувда айтганларини такрорламасди. Ҳатто, ёзилган, қўлида тайёр матнни ҳам ўқимасди. Матнда бир хил гап бўлса, учрашувларда бошқа нарсаларни айтарди. Бу унинг ишончли вакилларини, маслақдошларини ҳар гал ҳайратга соларди. Натижада, Каримовдан нималар кутиш мумкинлигини яхлит ҳолда қўпчилик, гарчи, фақат ва фақат угина истиқлолни ҳимоя қилиб, давлатни мустақиллик сари дадил бошлаб боришига тўлиқ амин бўлсалар-да, барибир, аниқ билмай туришарди.

Йўқ, бу ўйин эмас эди, гарчи, ўйинга ўхшаса-да. Бу аниқ — пухта ўйланган тактик манёвр эди. Каримов-Шахс конституциясига хос ушбу жиҳатлар — биринчиси, Каримовнинг бир қараганда яхлит, концептуал нотугалдек кўринган сайловолди курашига киришгани (тактик бу усул моҳиятини кейинроқ англадим ва қойил қолдим), шу билан боғлиқ иккинчи хулоса — унинг сиёсий ўйинларни ёқтириши ва унда ўзини яхши ҳис қилиши (стихиясиз, маҳорат билан бажариладиган), учинчиси, ҳамма билан тенг бўлишга, бирга бўлишга очиқчасига интилиши ва тўртинчиси, ўзига беҳад ишониши, сиёсий кампанияни жунбушга айлантирмагани, муқобил номзодга нисбатан зоҳирий совуққонлиги, ҳатто, сиртдан қараганда, бекфарқлиги тактикаси ўшанда, шубҳасиз, нафақат менга, балки жуда кўп бошқа тарафдорларига ҳам қанчалик маъқул бўлмаган бўлиши аниқроқ, шекилли. Аксинча, мухолиф номзод ва унинг фаол тарафдорлари Каримов тактикасини ўзларича тушуниб, уни ошқора танқид қилиш жазавасига берилишди. Танқид қилишанда ҳам фаолиятдан кўра шахсини танқид этишга ружу этишди. Сайловчи халқ икки бир-бирига зид сайловолди кураши усулини-мундарижасини назокат билан зимдан кузатиб туришарди. Натижада мухолиф номзоднинг сиёсий кампания услуби, ташвиқот усули маълум маънода унинг ўзига қарши ишлай бошлади, Каримовнинг миллион-миллион сайловчилар кўз ўнгиде янада жозибалироқ, янада ишончлироқ бўй кўрсатишга, шу орқали хушёр ва соғлом фикрлайдиган аксар кўпчилик омма онги ўзгаришига сабаб бўлди.

Чуқур ўйланган тактик усул ўзини сайловда тўла оқлади: Каримов 86 фоиздан ортиқ овоз олишга муваффақ бўлди. Илк миллий Тикланиш босқичини кечина бошлаган ижтимоий онг ривожининг социал-руҳий натижаси ана шундай бўлди.

Каримов-Шахс конституциясининг пухта режали «модда»си ана шу тариқа Каримов-Президент ақоидининг музаффар «қоида»сига айланди.

Умумхалқ сайловида теппа-тенг, муқобиллик асосида яширин овоз бериш йўли билан демократик сайланган Каримов-Президент энди бор бў-ю баста билан очила бошлади. Унинг сиёсати қатъий қонунларга асосланган туб ислоҳотлар сиёсати эканлигини амалда реал намоён эта бошлади.

Каримов кутиш вақти ўтиб кетганлигини, тезкор, қудратли ва саботли қатъий ҳаракатлар, интилиш, ташаббуслар мавруди бошланганлигини, фақат ва фақат янгиланишлар, Тикланишгина, осойишта салоҳиятгина янги давлат пойдеворини мустаҳкамлашини, эски тартибларни янгисини қурмай, эскисини бузмаслик таъмоили, янги қонунлар яратилгунига қадар эски қонунларга амал қилиш ақидаси асосида босқичма-босқич тугал ўзгартириш, ислоҳ қилиш лозимлигини бутун маъсулияти билан англаган эди.

Каримов ва унинг юрти, халқи тақдирнинг шафқатсиз синовлари билан юзма-юз қолган эди. Худди ана шу тарихий қисмат синови уни дадил, қатъий саъй-ҳаракатга бошлаганди. У «Нима қилиш керак?», «Нимадан бошлаш керак?» деган саволларга жавоб излаб ўтирмади. Жавоблар унда аллақачонлар, сайловгача тайёр эди. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузмаслик ақидасига риоя этиб, яхлит қонунлар тизими асосида миллий давлатчилик пойдеворини мустаҳкам қилиб қуришда, моҳиятан янгича тизимни шакллантиришда изчиллик-ла давом этди. Лекин юқоридаги саволларга бош жавоб иерархияни пастдан юқорисигача, ички сиёсатдан ташқи сиёсатгача қайта қуриш — босқичма-босқич, осойишта туб ислоҳотлар ўтказиш аҳди бўлди. Ана шу тариқа миллий Тикланиш эпохасининг яратувчилик, бунёдкорлик, келажаги буюк давлатчилик билан боғлиқ улуғ ислоҳотлар ибтидоси-эпохаси бошланди. Ва у қонуний равишда Каримов-Президент номи билан тарихда муҳрланди. Президент ақоидида бу, миллий давлат асосчиси ҳақиқатидек, энг мумтоз дайн сифатида мўътабар ва қадрлидир.

ҒОЯЛАР ҚВИНТЭССЕНЦИЯСИ ВА ҚАРИМОВ РАДИКАЛИЗМИ

Қаримов — прагматик радикализи миллий камолотнинг ўзига хос ва ўзига мос йўли — «ўзбек модели»нинг машҳур беш тамойили, ХХІ аср бошлари стратегик тараққиётининг эркинлаштириш сиёсатига асосланган олти устувор йўналиш ва Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг етти тамақсад-вазифалари назарий-амалий концептуал яхлитлик касб этди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига, миллий ва ижтимоий озодлигига эришгандан сўнг илк кунлардан, ўз мардона матонатини ва узоқни кўра билиш қобилиятини намоеън этган Ислом Қаримов ўзбек халқининг кўп асрлик миллий турмуш тарзининг энг характерли томонлари, аждоқларимиз дунёқараши ва тафаккурига хос бўлган илғор ғоялар, анъаналаримиз-у урф-одатларимиз билан боғлиқ миллий қадриятларимизни чуқур таҳлил қилган ҳолда, тараққиётнинг «ўзбек модели»ни яратди.

Ислом Қаримовнинг «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг», даъвати «ўзбек модели»нинг асосини ташкил этди. Моделда ҳеч бир ларзаларсиз, фожиали оқибатларсиз эволюция йўли билан босқичма-босқич бозор иқтисодиётига ўтиш стратегияси ишлаб чиқилди ва амалга оширила бошланди.

Ислом Қаримов ҳеч қачон мавҳум идеалистик ғояларга берилган эмас. Ўзбекистон тараққиётининг стратегик асосларини ишлаб чиқишда сиёсий хаёлпарастликка, қатъий, аммо амалда ўзини оқлаган реалликни қарама-қарши қўя олди, шунинг учун ҳам И.А.Қаримов фаолиятда ғоялар мавҳум қадриятлар бўлмасдан, кундалик ҳаётда ишончли дастуриламал бўлиб хизмат қилиши керак, деган фикрда қатъий турди.

Бир ижтимоий тизимдан иккинчи тизимга ўтилаётган мураккаб давр реал заминга таяниб, аниқ ҳисобкитоб билан иш кўришни талаб қилади. Жиддий сиёсий прагматизм, аниқ сиёсий реализм Ислом Қаримовнинг шахс конституциясинигина белгилаб, аниқлаб бермасдан, энг аввало, унинг Арбоб-Сардорлик ақоидини, яшаш ва кураш фалсафасини кашф қилди. Қаримов жамиятни қайта қуришга қодир Шахс эканлигини

намоён этди. Унинг шахсиятига хос бўлган феноменал хусусиятлар, ишлаш услуби, хусусан, коммунистик идеалларнинг таназзули даврида моҳиятан аниқ кўзга ташланди. Ислом Каримов яқин ўтмишдаги тарихдан келажакка хизмат қиладиган барча ижобий нарсаларни сақлаб қолган ҳолда, Ўзбекистонни ривожлантиришнинг янги ноёб миллий стратегиясини ишлаб чиқди.

Кўп давлатларнинг демократик тараққиёт бобидаги эришган ютуқ ва тажрибаларини республикамизнинг ўзига хос хусусиятлари билан боваста қилиш асосида ишлаб чиқилган «Ўзбек модели»нинг беш тамойили жамиятимиз тараққиётининг, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг назарий квинтэссенцияси бўлди.

Ислом Каримовнинг давлат бошлиғи сифатидаги обрў-имиджининг фавқуллодда ошишига «Ўзбек модели» ҳал қилувчи омил бўлди.

Иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги ва мафкурасизлаштирилгани, ўтиш даврида давлатнинг бош ислохотчилик мақоми, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат, босқичма-босқич бозор иқтисодиётига ўтиш, яъни тадрижий-эволюцион йўл «Ўзбек модели»нинг моҳият мундарижасини тайин этди.

Ислом Каримов сиёсий таълимотининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнларини таъминлаш билан бирга, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосини шакллантиришга назарий-амалий манба бўлди.

Тамойилларнинг сиёсий фалсафаси яхлит тизим сифатида жамиятнинг бошқариш механизмларини белгилаб берди. Уларнинг услубий-методологик аҳамияти шундаки, жамиятни мақсадли бошқариш тўлиқ ҳолда жамиятнинг ўзининг аниқ имкониятларидан келиб чиқувчи ички-ботиний ривожланишининг табиий қонуниятлари билан уйғун келади. Мазкур назариянинг айнан ички ботиний мазмунидан мустақил давлат ижтимоий тараққиётининг якуний муштарак мақсади келиб чиқади.

Каримов ғояларининг прагматиклиги шундаки, миллий модель мазмунини тамойилларнинг муштарак яхлитлиги, уларнинг бир-бири билан мантиқан узвий алоқаси ва ўзаро таъсири ташкил этади. Қоялар кашфиётчиси наздида, аниқ мантиқий узвийлик асосида белгилаб берилган тамойиллар сабаб-оқибат қонуния-

ти талаби ўлароқ, бир-бирини тақозо этиш, бир-бирини мазмунан тўлдириш принципи негизида инкишоф этилган. Тамойиллараро диалектик алоқанинг ирсий-генетик характери, бир томондан, алоҳида олинган ҳар бир тамойилнинг мазмун-моҳиятини янада оширса, иккинчи томондан доимий равишда ҳар бирининг такомиллашиб боришини таъминлайди.

Мамлакат мустақил ривожининг ўн икки йиллик амалий тажрибаси шуни кўрсатдики, тамойилларнинг ўзаро уйғунлиги, ҳаётийлиги, қудратли рационал стратегик моҳияти демократик тараққиёт йўлимизнинг истиқболларини белгилаш имконини берди.

Миллий тараққиёт тамойиллари фалсафий, сиёсий-ижтимоий табиати, моҳият ва мақоми билан ўзаро тадрижан ривожланувчи, такомиллашувчи назария, стратегиядир. Бу ерда жамиятни демократик йўлдан барқарор ривожланишини таъминловчи барча имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳал қилувчи омил бўлиб ҳисобланади.

Тамойилларни амалга ошириш натижалари инсонпарварлик ва демократия мақомига эга, барқарор шаклланиши ҳамда ривожланиши таъминланган конституциявий ҳуқуқий давлат барпо этишда, шунингдек, жамиятдаги устувор конституциявий-ҳуқуқий динамизмда, Конституция ва унинг сиёсий тизимга уйғунлашуви — конституционализмнинг ҳокимиятнинг конституциявий усуллариини белгилаб берганида бўлди.

Энг муҳими — Ўзбекистон ўз Йўлбошчисининг назарий оҳорли ғоялари ва уларни ҳаётга жорий этиш санъати ўлароқ, жумла-жаҳонга ўзининг қатъиятини, иқтисодий, сиёсий ҳамда маънавий ўзгаришлар қилиш, ислоҳотларни собитлик билан амалга оширишга қодирлигини, халқ эса сабр-тоқатлилигини, донолигини, бағрикенглилигини, фавқулодда меҳнатсеварлигини, бунёдкорлигини, ўз кучига ва имкониятларига таянган ҳолда, кўзланган мақсадлар сари собитқадамлик билан олға бора олишдек, салоҳиятини намойиш этишди.

Энг муҳими — беш тамойил ва «Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас», «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузма» тамойилларига қатъий риоя этгани ҳолда, Ислом Каримов замонавий сиёсий технологияларни тегаран эгаллаган Сардор — харизматик сифатида намоён бўлди, сиёсий фалсафаси кашфиётлари амалий тасдиқини топди.

Ана шу тариқа ноёб феномени халқни ишонтириб, уни мумтоз ғоялар силсиласида миллий Тикланишга, озодлик ва фаровонликка бошлаган янги сиёсий Арбоб-прагматикни тамаддун дунё ўзи учун кашф этди.

«Ўзбек модели»нинг тамойиллари жамият стратегик ривожининг кейинги босқичлари учун яхлит квинт-эссенция, муштарак асос-моҳият, интеграцияловчи яхлит база — пойдевор бўлиб хизмат қилди ва хизмат қилажак. Бунинг исботи — мамлакат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ривожини бош тамойилларининг янги шароитдаги мантиқий узвий давоми бўлган жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш, демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг мақсад-вазифаларидир.

Жамиятнинг барча соҳаларини эркинлаштириш концепцияси Ислом Каримов сиёсий назариясида навбатдаги янги кашфиёт бўлди. Тараққиётимизнинг янги устувор вазифаларини аниқлаш зарурияти миллий камолотимизнинг янги сифат босқичи, биринчи навбатда, жамиятдаги демократик ўзгаришларнинг янада чуқурлаштирилиши билан бевосита боғлиқ. Гап шундаки, тараққиётимизнинг илк босқичида белгиланган стратегик вазифалардан айримлари, асосан, амалга оширилди. Энг муҳими — давлат мустақиллиги ва суверенитети тўла таъминланди. Жамият ўз демократик ривожидан, такомиллашувида бешта тамойилга асосланган янги ғояларга эҳтиёж туйди. Ана шундай ғоя бўлиб, жамиятдаги туб ўзгаришларни ўзаро боғловчи эркинлаштириш концепцияси хизмат қилди.

Ислом Каримов янги ғояни илгари суришдан олдин республикамизда амалга оширилган ислохотлар самаралари ва сабоқларини чуқур, ҳар томонлама таҳлил қилиб чиқди, бугунги эркинлаштириш жараёнларига, жамиятимизни демократлаштириш натижаларига бу йўлда эришилган дастлабки босқич сифатида қаралишини уқтириб ўтди.

Тараққиётнинг бу янги стратегик вазифаси моҳияти нимада?

Ислом Каримов жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш орқали ушбу тақдириломон саволга, наинки, жавоб топди, айни пайтда, эркинлаштиришнинг бош устувор йўналишларини, вазифа-

ларини ҳам аниқ белгилаб, таърифлаб берди, бутун куч-имкониятни уларни бажаришга сафарбар қилишга чорлади.

Ислом Каримов, энг аввало, сиёсий ва иқтисодий соҳани, давлат ва жамият қурилиши жараёнларини эркинлаштириш масалаларига эътиборни қаратди.

Сиёсий ҳаётни эркинлаштириш, аввало, аҳолининг сиёсий маданиятини юксалтириш, фаоллигини ошириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантиришни тақозо этиши таъкидланди.

Иқтисодиёт соҳасини эркинлаштиришда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинлигини мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, давлатнинг бошқарув ролини чеклаш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш кўзда тутилди.

Давлат ва жамият қурилиши жараёнларини эркинлаштиришни назарий асослар экан, Ислом Каримов, ҳокимият барча тармоқларининг бир-биридан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази бориш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этишни кучайтириш вазифасини қўйди.

Каримов назарий кашфиётининг навбатдаги ақоиди бўлиб, демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг етгита асосий йўналиши бўлди. Улар ҳақида китобда махсус тўхталинган.

Ана шу тариқа Каримов — назариётчи ўз яхлит сиёсий фалсафаси — таълимоти билан машҳур беш тамойил силсиласида мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажак сари йўлини янги-янги мумтоз ғоялар ва уларнинг муштарак квинтэссенцияси вобасталигида аниқ белгилаб берди.

Давлатнинг бош ислохотчилиги, иқтисоднинг сиёсату мафкурадан холи ҳолда ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиши, қонуннинг устуворлиги, кучли ижтимоий ҳимоя, шунинг-

дек, жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш, адолатли фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, миллий тикланишнинг сифат жиҳатидан ҳозирги янги босқичи Каримов — давлат бошлиғида мавжуд қуйидаги энг асосий аниқ раҳбарлик тамойилларини кашф этди: халқининг олий мақсади йўлида юртнинг истиқболи учун онгли жонфидолик, сиёсатида умумманфаат йўлидаги қатъийлик, яъни муайян манфаатлар устуворлиги, фаолиятда янгисини қурмай туриб, эскисини бузмаслик, яъни ўтмиш билан ҳозир у истиқбол устуворлиги меъёрига риоя этишлик, ҳар қандай шароитда ҳам танланган тўғри йўлдан қайтмаслик, юртини озод ва обод кўриш сари дадил мардона ҳаракат каби ниятлар-ғоялар силсиласидир. Ана шу тамойил, устувор йўналишлару мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, сиёсий стратегиясини ва унга мос тактик тизимини аниқ белгилаш Каримов-Сардор феномени сирларидан бўлди. Ушбу мақсадлар йўлида ўз сиёсати-га, инсоний конституциявий мақомига қатъий ишончи, сезгиси — сиёсий интуицияси ўзини алдамаслигига комиллик билан, дадил, қўрқмасдан, иккиланмасдан, катта даъволардан иборат мавҳум вазифалар эмас, балки аниқ, реал мақсадлар сари мардона фаолият кўрсатмоқда.

Каримов ўз сиёсий мафкураси ғояларидан келиб чиққан ҳолда, асосий эътиборини ички масалаларга қаратди. Ички сиёсатда эса, табиийки, ўз тараққиёт ва унга мос мафкуравий стратегиясини, мутлақо янгича, замонавий жаҳоний тафаккур (сиёсий тафаккур, фалсафий ва маънавий тафаккур) тизимини тақозо этарди. Касби жиҳатдан муҳандис ва иқтисодчи, чуқур техник маълумот соҳибининг тақдир тақозоси билан давлатнинг Асосчисига, Бош Мафкурачисига, янада аниқроғи, унинг Бош Назариётчисига-ю Амалиётчисига айлангани Каримов-Президент ақоидида нодир феномен сифатида қаралмоғи ва баҳоланмоғи лозим.

Каримов-мафкурачи стратегиясида, сиёсатида халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга сафарбар мафкура қудрати ядро полигонлари қудратидан ҳам кучли, деган тамойил устувор. Мана, нима сабабдан, юртдошлари дунёқарашини, ҳиссий-ақлий оламини, руҳий-маънавий қиёфасини тубдан ўзгартириш, янгича тафаккур тарзини тарбиялаш ва шакллантириш, олдин онгни янгилаш, кейин тирикчилик, деган ақида

бош йўналиш ҳисобланади. Бу олижаноб ва муқаддас саъй-ҳаракатда «одамларнинг турмушини, эски тузумни қанчалик кўп ўзгартирсак, одамларнинг тафаккур тарзи ҳам шунча тез ўзгаради», деган мақсад асосий тамал тошига айланди. Юртдошлари тафаккурини ўзгартириш маънавий масаладан кўра кўпроқ давлат миқёсидаги бош сиёсий муаммо бўлди. Зотан, жаҳон тамаддунчилиги қадриятларидан баҳраманд бўлиш, дунё ҳамжамиятига интеграциялашув ҳар қандай ақидапарастликлардан қутулишнинг ягона тўғри омили — янгича онг, янгича тафаккур эканлигини теран билган Йўлбошчи бу мураккаб йўлда собит туришини, ундан ҳеч қачон қайтмаслигини рўй-рост айтиб, унга қатъий амал қиляпти. Ана шу тариқа Каримов — ислоҳотчи ақоидида иқтисодий-сиёсий ислоҳотлар маънавий-мафкуравий ислоҳотлар-ла узвий вобасталашиб кетди. У, энг аввало, давлат ва ҳокимиятчиликнинг конституциявий асосларини, жумладан, тартиб ва танлаш эркинлигини қонуний-ҳуқуқий таъминлашга, оддий меҳнат киши-си — мамлакат фуқароси тафаккурини, дунёқарашини ўзгартиришга, «уни қандай қилиб, «ҳамма томондан эътироф этилган андозалар» даражасига кўтариш»га (И.Каримов), мамлакат моддий ва маънавий имкониятлари — потенциясини, иқтисодни тиклашга, аниқроғи, мустақил давлат иқтисодий сиёсатини қонуний, назарий-амалий концептуал ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга тезроқ ва хўброқ жорий этишга шошилди. Бунинг учун дунёда устувор, вақту замоналар синовидан ўтаётган истиқболли йўллар, йўналишларга, жаҳон тажрибасига иқтисодчи мутахассис сифатида ижодий ёндашди. Аввал иқтисод, кейин сиёсат, (гарчи иқтисоднинг ўзи соф сиёсат бўлса-да) тамойили бош планда бўлди. Каримовнинг катта ҳаётий, сиёсий ва касбий-шуурий тажрибаси, тактик таҳлилий тафаккури уни туб ва қатъий чора-тадбирларни пухта ўйлаб, пухта амалга оширишга — радикаликка даъват этди. Буни мен Президент ақоидида Каримов радикализи, деб аташни маъқул топдим.

Каримов радикализи жамият ҳаётининг, миллий Тикланиш жараёнларининг ҳамма томонларига баббаравар таъсирини ўтказа бошлади. Миллий давлат қурилиши билан боғлиқ сиёсий ислоҳотлар силсиласига туб радикал иқтисодий ислоҳотлар фавқулодда закийлик-ла, вобаста қилиб юборилади.

Бу йўлда Йўлбошчи, аввало, социалистик ишлаб чиқариш муносабатларидан мерос — адолатсизликни тугатишни ўз фаолиятининг бош йўналишларидан бири қилиб қўйди. То ҳануз бизга таъна-дашномлар селдай ёғилиб турибди. Амалда Ўзбекистонда ҳамма нарса хомашёни дастлабки қайта ишлаш даражасида бўлганлиги билан ҳеч кимнинг ҳисоблашгиси келмайди. «Миллий даромадда, — дейди И.А.Каримов, — саноатнинг улуши бор-йўғи 16,5 фоизни ташкил этган. Қолгани қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлар улуши бўлган... Биз нимани хоҳлаймиз?

Авваламбор, саноатнинг кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларини барпо этмоқчимиз!

Енгил саноатни олайлик. Биз илгари пахта толасининг атиги 10 фойизини қайта ишлар эдик. Қолган қисми Россияга, Белоруссияга, Украинага олиб кетиларди. Айни пайтда, технология жараёнининг кейинги циклларида фойданинг 70 фойизини улар олар эди. Мана, ...советларнинг адолатли тузуми! Мен бу адолатсизликни тугатишим керак. Мен янги иш жойлари, ... мамлакат бойлигини яратаётган одамлар тўғрисида ўйлашга бурчлиман. Ўзбекистон ишдан қочмайди».

Элу юртига бу даражада комил ишонч Каримов-Шахс конституцияси типологиясида ўта нодир маънавий неъмат, руҳий рағбат бўлгани бугун ҳеч кимга сир эмас.

...Каримов-Ислоҳотчи ташаббуси миллий мустақиллик эълон қилингунча, ҳали совет тузуми мавжуд даврдаёқ бошланган эди. Истиқлол қўлга киритилгач, сиёсий ислоҳотлар мазмунан ҳам, шаклан ҳам янги сифат, моҳият босқичига қонуний қадам қўйган эди. Ана шу буюк сиёсий ислоҳоти бу — мустақил миллий ўзбек давлатчилигининг пайдо бўлгани бўлди. Сиёсий ислоҳотларнинг ушбу икки буюк ибтидо дайни жараёнга фавқулодда динамизм, узлуклилик ва доимийлик бахш этди. Давлат қурилишида ислом андозаларига мос келмайдиган (совет даврида ҳам биз, Йўлбошчимиз таъкидлаганидек, коммунистик ақида ва қонунларга миллий менталитет хусусиятларимизга, жумладан, руҳимиздаги анъанавийликнинг устунлиги сабаб тўла мос келмасдик) моҳиятан янгича тизиму тузилмалар билан боғлиқ янгиланишлар пайдар-пай давом этаверди. Сиёсий ислоҳотларнинг тарихан ғоят қисқа, лекин асрларга татиғулик миллий Тикланиш кунларидаги учин-

чи катта дайни — 1991 йил декабридаги Президентлик сайлови ва унда Каримовнинг жуда катта рейтинг билан ғолиб келганлиги бўлди. Сиёсий ҳаётдаги ислохотларнинг қизғин жараёнларини тўхтатиш энди мумкин эмас эди. Ички ва ташқи сиёсат жабҳаларининг тубдан ислоҳи, янгиланишлар ўз инерцияси билан уйғун муштаракликда давом этиб, миллий парламент — Олий Мажлиснинг тузилишига, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилишга, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимият институтларини янгидан ташкил этишга, ташқи сиёсат, миллий мудофаа ва хавфсизлик тизимларини тузишга, миллий давлатнинг расмий-рамзий сиёсий атрибутларини яратишга, ижод қилишга, тараққиётнинг ҳуқуқий асосларини таъминлашга ва ҳоказоларга олиб келди. Жараённинг фаол ижодий давомийлиги иқтисодда, маънавиятда ҳам туб ўзгаришлар лозимлигини тақозо этди. Иқтисодий ислохотлар ана шу тариқа сиёсий ислохотларнинг мантикий тақозоси ва ўзига хос ижодий давоми сифатида мамлакат сиёсий ҳаётининг кун тартибига кўтарилди.

Сиёсий ислохотлардек, иқтисодий ислохотларни ҳам янгидан бошлашга тўғри келди. Агар сиёсий ислохотларда дунё давлатчилиги сиёсий-ташқилий тажрибаси асқотган, айрим ташқилий-тузилмавий андозалар ижодий ўзлаштирилган бўлса, иқтисодий ислохотларда биз учун ягона андоза йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас эди.

Фақат шартли андоза бўлиб, бозор муносабатларигина, у ҳам умумий йўналишда, хизмат қилиш мумкин эди. Бироқ бозор иқтисодиёти биз учун мутлақо янги, ўзлаштирилмаган жабҳа эди. Боз устига, ҳозирги кун тажрибамиз самаралари нуқтаи назаридан қараганда, ўшанда, наинки, Ўзбекистон, айни пайтда, МДХдаги ҳамма мамлакатлар ҳам бозор муносабатларига ўтишга тайёр эмас эди. Бозор ҳамма учун жиддий синов эди.

Каримов-Иқтисодчи буни теран тушунар эди. Яна ўша «Нима қилмоқ, қандай қилмоқ керак?» деган қисмат саволи кўндаланг турарди.

Каримов ўзи асос солган давлатнинг ўтиш даври муаммоларининг йиғиндиси ва хусусиятларини, улар билан боғлиқ қатор мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни теран англаб етган эди. Улар сирасига, энг аввало, якка ҳокимлик тизими иллатларидан зудлик билан қутилиш, бошқарувнинг маъмурий-бўйруқбоз-

лик услублари-ю марказлаштирилган директив режаштиришнинг салбий оқибатларини тугатиш, иқтисодий ва молиявий вазиятнинг барқарор бўлишини таъминлаш зарурияти киритилди.

«Энг муҳими, — деб таъкидлаган эди И.Каримов, — ижтимоий ларзаларсиз, қатъият ва изчиллик билан бозор муносабатларига ўтиш, жамики куч-қудрат ва бойликлардан самарали фойдаланишни, халқ хўжалигининг барқарор ривожланишини, республиканинг турмуш даражаси юксак бўлган, иқтисодий тараққий этган мамлакатлар қаторига чиқиб олишини таъминлайдиган қудратли иқтисодий негизни вужудга келтираётган давлатчиликнинг мустақкам пойдеворини барпо этиш»дек ғоя-қарашлар асосида аниқ сиёсий мақсадлар тизими белгилаб чиқилди. Ният қатъий, ўз салоҳиятимизга мос эди. Каримов мамлакатнинг Бош Мафкурачиси сифатида улуг мақсадларгина улуг саъй-ҳаракатларни, буюк руҳий-маънавий Тикланишларни, рағбатларни кашф этишини яхши билар эди. (Каримов-Шахс конституцияси типологиясида бу фазилат алоҳида моҳият касб этади). Ана шундай руҳий-шуурий Тикланишгина собиқ Иттифоқдан мерос қолган батамом барбод бўлган иқтисодий, молиявий ва нарх-наво тизимини, мутлақо издан чиққан бошқарув механизмини ҳамда иқтисодий муносабатларни кескин барга раф этиш, янгича иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маънавий муносабатларни ташкил қилишга қодир эди (аслида бу мерос собиқ барча иттифоқдош республикалар учун муштарак эди). Типологик муштарак Тикланиш муаммоларини мустақил бўлган ҳар бир давлат ўзича, (жумладан, Россия «фалаж терапияси» усулида) ҳал қилишга киришдилар. Ўзбекистон ўтмиш сабоқларини ва келажақ вазифаларини ўта сезгирлик, омилкорлик билан «етти ўлчаб, бир кес» қабилида ижобий ҳал қилишга уринди, бу йўлда у тадрижийлик тамойилини, босқичма-босқич, ижтимоий ларзаларсиз, янгисини қурмай, эскисини бузмаслик принципини танлади. Шу кунги самаралар ва аниқ тажрибалари сабоғи Ўзбекистон йўлининг бирдан-бир тўғри йўллигини тасдиқлади.

Бозор билан боғлиқ изчил йўл демократик ўзгаришлар, ёш давлатнинг маърифий дунё маҳварига кўтарилиши учун пухта моддий асос бўлиши, зотан, эркин иқтисодий сиёсат негизидагина унга мутаносиб

демократик давлат тизимини, кучли сиёсий тузилмани барпо этиш мумкинлиги англаб етилди. Ана шу тариқа мавжуд ижтимоий воқеликка тўғри баҳо берилди, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, янгиланиш йўли ҳамда андозаси, янги Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли, унинг мазмун ва моҳияти назарий-амалий концептуал белгиланиб олинди. Давлат ўз сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш учун етарли салоҳиятга эга эканлигини англаб етди, ислохотларни ўтказишга қодир кучли ҳокимиятни барпо этди.

Каримов ўз мамлакати истиқлол ва тараққиёт йўлининг назарий-амалий реал концепциясини, жумладан, бозор муносабатларига ўтиш дастурини бошланғич давр қийинчиликлари контекстида ишлаб чиқаётганида Адам Смитнинг сиёсий иқтисодига, бозор муносабатларининг чегараланмаган, давлат томонидан бевосита бошқарилиш ва назоратдан озод стихиясини, ҳозирги дунё фалсафаси моҳиятларини иқтисодчи сифатида қиёсий-таҳлилий ўзлаштириб, Ўзбекистоннинг ўз имкониятлари ва шароитларидан келиб чиққан ҳолда, жаҳонга машҳур иқтисодий шиор — «Бизнесни ўз ҳукмига қўйиб беринг, ўшанда у сиз ҳақингизда қайғуради» формуласидан онгли воз кечди. Бунинг фақат объектив сабаблари бор эди (сабабларнинг бир қисми юқорида қайд этилган).

Дунё бозори қонуниятидан фарқли ўлароқ, *биринчи қилинган* ташаббус (ғоя) — давлатнинг ўзи ўтиш босқичида барча ислоҳий жараёнларнинг ташаббускори, яъни давлат бош ислохотчи, деган тамойил бўлди. Натижада, жаҳонда машҳур иқтисодчиларнинг умумий эътирофича, Ўзбекистон Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида давлат бошқаруви дастакларини қўлдан чиқармай, ўз Президенти новаторлигида бош ислохотчи вазифасини бажараётган ягона давлатга айланди.

Иккинчидан, ёш мустақил давлатларнинг оёққа туришига хос табиий муштарак қонуниятлар — «муқобил ривожланиш» назариясининг турли концепцияларига, жумладан, «Асосий эҳтиёжлар», «Мақбул ва тегишли технология», «Ўз кучига жамоа бўлиб таяниш», «Янги халқаро иқтисодий тартиб» сингари концепцияларга таяниб, Ўзбекистон ўз камолот йўлини излади ва топди.

Учинчидан, ижтимоий тараққиётнинг сифат жиҳатидан янги йўллари юзага келтирган ниҳоятда кучли

иқтисодий ислоҳот оқими Ўзбекистон шароитида тартибга солинган, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асқотишини тақозо этди. Бу танловда дунё бозорига хос бир-биридан фарқ қилувчи қуйидаги тўрт хил ёндашув миллий ислоҳотларимизнинг ўзига хос жиҳатларини белгилаб берди:

— бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва ривожлантириш;

— узоқ давомли тадрижий камолот йўлини кечинган ривожланган мамлакатлар иқтисодига хос аралаш иқтисодиётни шакллантириш;

— оддий патриархал-феодал бозор муносабатларига хос анъанавий иқтисодиёт қонунларини маданий бозор муносабатларига айлантириш;

— яккаҳоқимлик, маъмурий-буйруқбозлик ва марказлаштирилган режалаш қонуниятларидан демократик жамиятга хос маърифий бозор муносабатларига ўтиш.

Тўртинчидан, бозорга бозор иқтисодиёти учун ҳалокатли бўлмиш инқилобий йўл билан эмас, жадал усулда моҳиятан нажот ҳисобланмиш тадрижий йўл билан босқичма-босқич ўтиш.

Бозор иқтисодиёти билан боғлиқ ислоҳотларнинг мамлакат ички сиёсат негизи қуйидаги сиёсий қоидаларга олиб келди:

— халқ манфаатларига мутаносиб мустақил иқтисодий сиёсат истиқлол Ўзбекистони камолотининг ажралмас қисмига айланди;

— умумманфаатга қаратилган меҳнатни рағбатлантириш кучли механизмига эга, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини давлат йўли билан ҳимоя қиладиган бозор иқтисодиёти қуриш;

— бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларига тик кўз билан реал қараш;

— объектив реаллик бўлмиш бозор, наинки, мақсад, айна пайтда, янги қадриятларни шакллантириш, фаровонликни тубдан юқори даражага кўтариш усули ҳамда воситаси эканлиги ва ҳ.к.

Ана шу тариқа иқтисодий ислоҳотларнинг бошлангич даврида Ўзбекистон ўзининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўли контурларини, умумий тамойилларини, ички иқтисодий сиёсатнинг туб моҳиятларини тўғри, асосли ижодий белгилаб олди. Бунинг энг афзал, энг ахлоқий-маънавий моҳияти иқтисодни ривож-

лантириш муаммолари ислоҳотнинг ўзини эмас, балки айти инсон манфаатларини биринчи ўринга қўйганлигида бўлди.

Бозор муносабатларига асосланган ривожланган жамият қуриш узоқ, мураккаб ижодий-ташкилий жараёنлигини тажриба кўрсатди. Иқтисодий ислоҳотлар дастлабки босқичларининг якун ҳамда сабоқлари ялпи янгилашниш жараёнларининг янги сифат вазифалари, эркинлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш билан боғлиқ устувор йўналишларга замин ҳозирлади. Якунлар жамиятга ибратли сабоқлар берди.

Энг бош сабоқ — мустақиллик истиқболига комил ишонч бўлди. *Энг бош сабоқ* — танланган йўлимиз тўғрилиги ва истиқболлиги бўлди. *Энг бош сабоқ* — жаҳон меҳваридаги тенглар ичида тенг бўю бастимиз, нуфузимиз, миллий давлатчилигимиз, ўз пулимиз, ўз қадримиз бўлди. *Энг бош сабоқ* — ислоҳотларнинг маънавий-руҳий асоси олий мақсадга айланганлиги, бутун жамият уни ишонч-ла, қабул қилганлиги бўлди. *Энг бош сабоқ* — одамлар онгининг, руҳининг ўзгаргани, тафаккурининг, дунёқарашининг янгилаётгани бўлди. *Энг бош сабоқ* — ислоҳотларнинг эркинлаштириш ҳамда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш билан боғлиқ масъулиятли янги сифат босқичлари ва унинг пухта ўйланган назарий-амалий концепциялари бўлди.

Айнан ана шу масъулият босқичлари ички ва ташқи сиёсатимизнинг мустақам пойдеворига замин бўлди. Ўзбекистон кенг дунёга очиқ юз тутди ва ҳ.к.

Натижада тарихан ғоят қисқа муддатда Ўзбекистон нефть маҳсулотлари, ғалла мустақиллигига эришди. Лекин **бош хулоса**, якун бутун дунё бугун тан олиб турган ҳақиқатда намоён: МДҲ мамлакатлари орасида ҳаммадан олдин айти Ўзбекистонда устувор иқтисодий ўсишга эришилди. Айнан шу сабаб дунёнинг машҳур сиёсатшунослари-ю иқтисодчилари «Ўзбекистонда иқтисодий жараёнларнинг ривожланиши бошқа собиқ совет республикалари учун намуна бўлиши мумкин», деб эътироф этишди.

Қ а р а н г: *Меҳмон Гафарли*. Барқарорлик — жўшқин тараққиёт стратегияси — Независимая газета, 30 января 1998 г. ва б.

ФЕНОМЕН

Ислом Каримов феноменининг ноёблиги, шубҳасиз, унинг Халоскорлик, Асосчилик ва Йўлбошчилик мақомларида. Айни пайтда, шу мақомлар бош ақоиди бўлмиш ҳам Назарийчи ва ҳам Прагматик Рационал Амалиётчилик қисматида. Шу жиҳатдан ушбу параграф олдинги параграфнинг бевосита мантиқий давоми ҳисобланади.

Истиқлол ва миллат истиқболи тақдирини аниқ белгилаб берган «Ўзбек модели»нинг машҳур беш тамойили ва олти устувор стратегик йўналиш ҳамда етти устувор мақсад-вазифа айнан ана шу қисматнинг бош назарий-амалий инкишофи бўлади.

Маълумки, улуғ ва мукаррам зотлар ижодий ва ҳаётий ибратигина буюк ғоялар ва эзгу ишлар уйғотишга қодир. Фикримизнинг амалдаги исботи бугун бутун тамаддун дунё тан олиб турган Ўзбекистон ҳақиқатида, маърифий олам ўзбек давлати бошлигининг ислохотчилик йўллари ютуқларини айнан Йўлбошчимизнинг бир вақтнинг ўзи-да ҳам Назарийчи, ҳам Амалиётчи — Иқтисодчи эканлиги билан боғлашаётгани бежиз эмас. Каримов Шахс сифатида ҳам, новаторлик ғояларини дадил олға сураётган давлат Арбоби сифатида ҳам машҳур бўлди. Каримов мумтоз ғояларининг аксар кўпчилиги ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг ўзидагина фойдаланиш учун маъқул бўлиб қолаётгани йўқ. Ўзбекистонда иқтисодий жараёнларнинг устувор ривожланаётгани бошқа собиқ совет республикалари учун ҳам намуна бўлаётганлиги (Г.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академияси Президенти, академик В.Ведяпиннинг «Сизлардаги ислохот жараёнларига ёндашувдан биз Россияда ҳам фойдаланишимиз мумкин», деган эътирофи — «Халқ сўзи», 1998 йил 30 январь) бежиз эмас. Каримов — Назарийчи кашфиёти бу — ўзи асос солган давлатнинг истиқлол ва тараққиёт йўли, шу йўлнинг бош назарий-илмий, амалий андозасини белгилаб берган беш тамойили, олти устувор йўналиш ва етти устувор мақсад-вазифалар стратегиялари бўлди. Мамлакат ички ва ташқи ҳаёти билан боғлиқ барча катта-кичик мумтоз ғоялар, дастурлар ва назарий режалар моҳияти, мазмун-мундарижаси ҳаммаси бевосита ана шу тамойиллару устувор йўналишларнинг ўзаро ботиний-мантиқий узвийлиги

ҳамда ворисий муштарақлигида яхлит уйғунлашди. Сод-дароқ қилиб айтганда, бўлак барча ғоялар, ташаббуслар, йўл-режалар, дастур, концепциялар, жумладан, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини эркинлаштириш билан боғлиқ олти устувор йўналиш ҳам, фуқаролик жамияти асосларини белгилаб берган етти та мақсад-вазифа ҳам ўша бош миллий-назарий асосдан «униб» чиққан ва ҳар қандай шароитда ҳам давомийлик-туркумийлик қоидасига кўра, янгича мазмун-мундарижа, моҳият, самаралар силсиласида ҳамиша унга — бош асосга қайтади. Бу ҳақда бежиз юқорида махсус тўхталганимиз йўқ.

Айнан худди шу сабаб ҳам Каримов ўз ғояларига маҳлиёлик-ла ўралашиб қолган Назарийчи эмас, балки Рационал — Амалиётчи сифатида намоён бўлди.

Каримов — Назарийчи концепциясида ижтимоий жараёнда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, дайнлар самарасининг мавжуд реалистик таҳлили ўлароқ, назарий ғоялари жонли ва пишиқлиги, йўналишлари тўғри ҳамда ибратлилиги, хулосалар аниқ ва мумтозлиги билан эътиборлидир. Каримов — назарийчи фалсафасида истиқлол ва тараққиёт йўлининг ўзбекча андозалари ботиний моҳиятига эътибор алоҳида ўринни ишғол этиши сабаби айнан ана шунда... Унинг назарияси бевосита амалиётдан, тажрибадан келиб чиққан, аксинча, амалий тажрибаси назарий концепцияси ва хулосаларига замин бўлди. Каримов ўз ғоялари ва дастурларининг назарий-амалий негизига ўтмишдошлари тажрибаси билан дунёдаги замондош арбоблар — касбдошлар тажрибасини уйғун асос қилиб олди. Каримов прагматизми билан боғлиқ феномени сирларидан бири ана шунда. Феноменнинг бошқа сири ижтимоий мавқе берадиган имкону имтиёзларнинг катта ҳаётий ва сиёсий тажрибалар уйғунлигидаги туғма салоҳиятда. Айнан шу боис ўқтам, рационал ва серғайрат, серташаббус сиёсий фаолият назарий концепциялар, хулосалар, умумлашмалар учун манба, айни пайтда, уларни бевосита амалиётга реал татбиқ этишнинг синов майдонига айланмоқда.

Каримовнинг моҳиятан оҳорли, ижодий новаторона назарий ва сиёсий қарашлари ўз концептуал ифодасини топган ўн жилддан иборат Сайланмаси миллий истиқлол тарихимизнинг илмий-амалий хронологияси сифатида моҳиятан яхлит назарий-дастурий трактат

бўлиб, улар жаҳон тажрибасига асосланган, лекин ўзбек давлатчилиги тажрибасидан, реаллигидан келиб чиққан. Ўзбек сиёсатшунослик илмига асос бўлган жаҳоний иқтисодий назариянинг мумтоз таҳлилларидан иборат бу китобларда Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли муаммолари, режалари, усули, ёш давлатимиз ижтимоий ривожининг объектив ва субъектив зиддиятлари, бозор муносабатларига ўтишнинг ўзбекона ўзига хос андозалари, миллий иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишлари, буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолатлари, асосий Қонунимиз ақоиди, ялпи ислоҳотларнинг янги босқичлари, эркинлаштириш сиёсати билан боғлиқ вазифа ва мақсадлари, Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари, устувор йўналишлари буюк келажак сари дадил одимлар самаралари, минтақавий ва жаҳоний иқтисодий, сиёсий, маданий ҳамкорлик, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўллари, ижтимоий, маънавий-мафкуравий, давлатчилик, хавфсизлик масалалари, мустақил ички ва ташқи сиёсатимизнинг долзарб муаммолари сингари ўнлаб назарий-амалий масалалар таҳлилининг теранлиги, назарий умумлашмалар ва ғоялар мумтозлиги, хулосаларнинг концептуаллиги ва реаллиги билан сарафроз бўлиб, улар мундарижасида мураккаб, серзиддият, кўпқиррали, кўпўлчовли тарихий жараённинг реал ҳаётий диалектикаси илмий, назарий ҳамда амалий аксини топган.

Каримов — Ислоҳотчининг миллий камолот концепцияси, умуман, тараққиётнинг Каримовча андозалари, сиёсий ғоялари Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақаси доираларидан умумжаҳон кенгликлари сари ёйилди ва тан олинди. Китобларнинг хорижий элларда катта қизиқиш билан тақдимот қилинаётгани, чуқур ўрганилаётгани, Ўзбекистонга дунёнинг қизиқиши кун сайин ортиб бораётганлиги, ривожланган мамлакатлар сиёсий арбобларининг унинг шахсига, сиёсий йўлига тобора қизиқиб, бу йўлни расман тан олиши, олаётгани фикримиз исботи. Шу нуқтаи назардан Каримов — ўз планетар тафаккури, умумбашарий ғоялари билан аниқ-тарихий ўзбек андозасининг назарий-амалий яхлит концептуаллиги, феноменаллиги ифодаси ҳисобланади. Китоблар ўз ғоявий-концептуал мазмуни билан соф демократик йўналишли, мундарижаси яхлит тадқиқотлардир. Китоблар ғоявий мундарижаси ҳамма-

боп: ҳам арбоблар ва ҳам оддий ўқувчи учун мос. Каримов минтақа, Ҳамдўстлик давлатлари ва ҳатто, ривожланган мамлакатлар сиёсий арбобларига ҳам давлатни бошқаришнинг замонавий усулларида сабоқ бераётгандек. . .

Шундай қилиб, Каримов — Назарийчи, Каримов — Амалиётчи, Тадқиқотчи асарлари миллий Тикланиш илк босқичлари сиёсий тафаккурининг олий намуналари сифатида Ўзбекистон кенг маънода, Туркистон ақлий-интеллектуал ривож тарихида, Ҳамдўстлик давлатларининг мафкуравий ва сиёсий тараққиёти тарихида, шубҳасиз, улкан аҳамият касб этиши муқаррар. Каримов — Назарийчи, Каримов — Ислоҳотчи ва Амалиётчи феномени билан боғлиқ дунёвий факт айнан ана шу муқаррарликда ...

Каримовнинг барча китобларида Ўзбекистон истиқлолининг амалий ва халқаро аҳамият касб этган назарий-стратегик концепциялари, жаҳон цивилизацияси қадриятларини ўзида тажассум этган, умуминсоний ва миллий қадриятларни миллий Тикланиш сиёсати билан узвий боғлаган, янги ижтимоий-сиёсий мавжудлик ва камолот қонуниятларини инкишоф этган, фуқаролик жамияти ҳамда демократик ҳуқуқий давлатни хатую камчиликлардан сақловчи ижтимоий-сиёсий омилларини яратишга қодир бўлган сиёсий фалсафадир.

Демак, Ислом Каримов ўз ноёб феномени билан тарихга мустақил Ўзбекистон Президенти бўлибгина эмас, фуқаролик жамиятимиз, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатимизнинг Назарий Асосчиси бўлиб ҳам киради. Биз ҳам унинг истиқлол истиқболи ҳаракати дастурига сиёсий фалсафа нуқтаи назаридан ёндашишимиз лозим. Ана ўшандагина сиёсий-маънавий қадриятларни жаҳон цивилизацияси ютуқлари билан қиёслаш имкони юзага келади. Бу эса янги-янги истиқболли ижодий мумтоз ғоялар туғилишига, демак, теран миллий сиёсий маданият тарбияси ва шаклланишига имкон беради. Каримов асарлари Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли, яъни янги миллий Тикланиш босқичи бошидаги мураккаб, кескин драматизмга, изланишу янгиланишларга бой эпохасининг босиб ўтилган ўн бир йиллик йўлнинг вазифа ҳамда ютуқлари илмий умумлаштирилган, истиқбол режалари аниқлаштирилган чуқур мазмунли назарий-амалий сиёсатшунослик таҳлиллари йиғиндисиدير.

Тикланиш босқичи учун буюк парвозлару буюк тушкунликлар — таназзуллар қонуний жараён. Буюк парвозимиз истиқлолимиз ва унинг етти ўлчаб бир кесилган ўзимизга хосу ўзимизга мос камолот йўлимиз, жаҳон сиёсатшунослигида, юқорида таъкидлаганимиз, «Каримов йўли», «Каримов андозалари», «Каримов Ўзбекистони», «Ўзбекистон мустақиллиги ва тараққиётининг қомуси», деб умумэтироф этилган ҳақиқат бўлди. Айнан шу ҳақиқат ўлароқ, ўтиш босқичи учун муқаррар таназзуллардан юрту халқни омон сақлашнинг ниҳоятда пухта ўйланган назарий-амалий, ҳуқуқий-меъерий дастурлари яхлит ишлаб чиқилди.

Каримов назарий тафаккурининг, жумладан, китобларининг концептуал қудрати ва аҳамияти — уларнинг сиёсий моҳиятида, назарий умумлашмасида, долзарб вазифалар ҳамда янги ғояларнинг илмий-амалий асослилигида. Китоблар миллий Тикланиш эпохасининг илк босқичи инсоний тафаккурининг ажойиб хотираси ҳисобланади. Китоблар — сифат жиҳатдан янгича ҳодиса, янги замон чорраҳасида яратилган сиёсатшунослик, давлатшунослик, иқтисодиётнинг назарий-концептуал сайланмалари, сиёсий-ижтимоий тафаккурнинг ёрқин ва характерли, жозибали илмий-амалий намунасидир. Китобларни ички ва ташқи сиёсатнинг ботиний моҳиятлари «олами»ни чуқур очиб берган таҳлилий дурдоналар мундарижаси, деса бўлади.

Тарихий концепциянинг яхлитлиги, воқеа-ҳодисалар ҳамда фактларнинг аниқ баҳоси, ички ва ташқи сиёсатнинг қонуний алоқаси диалектикаси, ижтимоий туб ўзгаришлар жараёни манбалари, йўллари ва оқибатлари, — мана, XX аср сўнгги ўн йиллиги ҳамда XXI аср бошларида миллий сиёсатшунослик тафаккурида инкишоф этилган ғоялар хазинасининг янги саҳифалари...

Янги аср арафасида мамлакат ўз тадрижий тараққиётининг учинчи сифат палласига қадам қўйди. Босқичнинг стратегик мақсадлари Йўлбошчимизнинг Олий Мажлиснинг XIV сессиясида сўзлаган «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» маърузасида машҳур беш тамойил билан узвий боғлиқ олти устувор йўналиш мисолида концептуал аниқ белгилаб берилди. Ислоҳ Каримовнинг минг йилликлар арафаси ва XXI асрнинг дастлабки йиллари миллий камолотимиз стратегиясининг

назарий-амалий асосларидан иборат ушбу ғоялари Йўлбошчи яхлит сиёсий таълимотининг янги тарихий шарт-шароитдаги муштарак ифодаси бўлиб, улар 2000 йил 9 январда ўтган Президентлик сайлови олди сиёсий платформасининг мазмун-мундарижасини тайин этди.

Миллий тараққиётимизнинг босқичлараро ворисий-лигига қатъий амал қилинган ҳолда учинчи палла — эркинлаштириш босқичида давлат ва жамият ҳаётини янада демократлаштириш, янгилаш, туб ялпи ислохотларни янада чуқурлаштириш, мамлакатимиз ривож стратегиясининг янгича мазмун-моҳиятини аниқ белгилаш билан боғлиқ тақдириломон вазифалар — сиёсий ҳаётни, иқтисодий жабҳани, шунингдек, давлат ва жамият қурилиши жараёнларини эркинлаштириш, маънавий соҳа ислохотларини янада кенгайтириш, кадрлар сиёсати, халқ турмуш даражасининг барқарор ўсишини таъминлаш, кучли ижтимоий ҳимоя, барқарорлик, тинчлик, тотувлик, сарҳадлар дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлик сингари масалалар устувор йўналишлар сифатида белгилаб берилди.

Жамият ҳаётининг барча жабҳаларини эркинлаштириш, хусусан, сиёсий соҳани эркинлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, давлат ва жамият қурилиши жараёнларини эркинлаштириш билан боғлиқ назарий-амалий туб ислоҳий вазифалар ҳамда тажрибалар юқорида махсус ўрганилгани боис, ушбу ўринда улар ҳақда тўхталишга эҳтиёж йўқ.

Ҳа, Каримовча миллий истиқлол ва тараққиёт йўлимиз ўз қисқа, лекин бой тарихий тажрибалари ҳамда сабоқларига таянган ҳолда, демократик ривожланишнинг ҳозирги моҳият босқичида қонуний *янги ақоид оламини кашф этишда давом этмоқда*. Жонли бу жараён жамият ҳаётининг барча жабҳаларини эркинлаштириш, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, жамият ва давлат қурилишини давр талабларига кўра янада такомиллаштириш орқали миллий Тикланишимизнинг янги сифат палласини сиёсий-ташкилий, ғоявий-мафкуравий тўлиқ таъминлашдек бош масала қилиб қўйди. Миллий тараққиётимизнинг учинчи босқичига хос ушбу вазифалар дастлабки икки босқич, хусусан, биринчи босқич жараёнлари ва хотимасида онгли равишда кун тартибида турганлиги табиий эди. Зотан, ўтиш босқичининг илк ибтидо даврларида бўлак

сиёсий мақсад ва вазифалар туришини ўз истиқлол тарихимиз тажрибасидан яхши англаб олдик. Орттирилган ҳаётий тажриба, тадрижий камолот сабоқлари ва шиддати сиёсий жараёни умумий манфаатлар йўлида қатъий жиловлаб, аниқ мақсад сари тўғри йўналтиришнинг табиий имконини яратди.

Мамлакатда сиёсий жараённинг шиддат билан ривожланиши жамият ҳаётини босқичма-босқич ислоҳ этиш жараёнларини ҳам тезлаштиришни тақозо этади. Вақтида ислоҳий жараёнлар сиёсий жабҳадан ўзиб кетган бўлса, энди улар ўртасида қонуний мутаносиблик юзага келди. Айни пайтда, жамият ҳаёти билан боғлиқ ислоҳий жараёнлардан ўзиб кетди, барча янгиланишлар, миллий Тикланиш босқичларини, демократик ўзгаришларни яхлит изга солувчи омилга айланди.

Давлат бош ислоҳотчи сифатида жамиятни босқичма-босқич ислоҳ қилиб боришда функционал вазифасидан фойдаланиб, ижтимоий манфаатларни пухта ўйлаб табақалаштириш, уйғун рўёбга чиқариш мақсадида демократик институтлар, фуқаролик жамияти унсурлари имконларини кенгайтирди, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий алоқалар мақбул даражада амал қилиши учун шарт-шароитлар яратди, эркин сайловга, уюшмалар, йиғилишлар эркинлигига йўл очиб берди, демократия даражасини белгиловчи мезонлар — халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларига онгли иштирокини, ҳукумат қарорлари халқ томонидан назорат қилинишини, оддий фуқароларнинг бошқарувдаги иштирокини таъминлади. Ушбу ва яна бўлак омиллар ўлароқ, аввало, сиёсий ҳаётни, давлат ва жамият қурилиши жараёнларини янада демократлаштириш масаласи кун тартибидаги асосий масалага айланди. Ана шу тариқа миллий сиёсий таълимот ва амалиётда сиёсий ҳаётни демократлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш билан боғлиқ эркинлаштириш табиий зарурият касб этди.

Йўлбошчи ташаббуси ўлароқ, сиёсий ҳаётни, давлат ва жамият қурилиши жараёнларини эркинлаштириш жамиятни изчиллик билан янгилаш стратегияси ифодаси сифатида мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларига бевосита дахлдор. Ушбу ҳақиқатни таъкидлаган ҳолда, унинг зарурати билан боғлиқ асос-моҳиятларни қайд этмаслик мумкин эмас. Улар:

биринчидан, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти сафида тенглар ичра тенг ҳолда, ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини демократик аниқ белгилаб олган, сиёсий ўзгаришларга уйғун ҳолда ихчам, тадрижий ривожланишга эга ижтимоий ҳамда бошқарув тизими ярата олган барқарор дунёвий давлатга айланмоқда;

иккинчидан, тамаддун дунёга хос маърифий-демократик қадриятларга ўз миллий-тарихий тажриба, анъаналарини оқилона вобаста этгани ҳолда, мутлақо янгиача сиёсий — маънавий қадриятни шакллантирди. Одамлар тафаккури ва ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар даражаси ҳамда суръатлари муносиблашди;

учинчидан, миллий Тикланишнинг ҳозирги босқичи ҳуқуқий ва ғоявий-мафкуравий пухта таъминланган ҳолда демократик камолотнинг янги сифат моҳиятига эришди. Жамият демократик ўзгаришлар ва янги демократик жараёнларни бошқаришни, туб янгиланиш ғояларини ҳаётга татбиқ этишни ҳамда уларни ҳимоя этиш заруратини англаб етди;

тўртинчидан, инсон ва жамият, жамият ва давлат ўртасидаги конституциявий мувозанат таъминланди. Давлат ҳокимияти вазифалари қатъий белгиланди. Ҳуқуқий демократик қадриятлар вужудга келди. Қонун бошқарувнинг асосий кўпқиррали воситасига айланди;

бешинчидан, ислоҳий туб жараёнлар демократик вобасталикда мутлақ ҳақиқат мақомини олди. Уларнинг маънавий-мафкуравий, ғоявий-сиёсий самараси ўлароқ, истиқлолча янги демократик онг, замонавий жаҳоний тафаккур, руҳ, яъни янги озод ва эркин Инсон, янги озод ҳамда обод Ўзбекистон шакллана бошлади. Миллий Тикланишнинг соғлом руҳи янги ўзбек дунёсининг тамаддун манзарасини юзага келтира бошлади;

олтинчидан, демократик барқарорликни таъминлайдиган, муайян ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни қатъий амалга оширишга қодир кучли давлат барпо этилмоқда ва ҳ.к.

Ушбу дайнлар ва омиллар оқибати ўлароқ, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат асослари юзага келди, янги демократик меъёрларга асосланган демократик тизимлар шаклланиб, ваколатлари кенгая борди. Давлат, жамият, шахс муносабатларининг тобора демократлашуви ижтимоий муносабатларни ривожлан-

тирди, нодавлат тизимларининг жамиятни бошқаришдаги ўрни фаоллашди. Жамиятда теран сиёсий ва ҳуқуқий маданият шакллана бошлади.

Ана шу тариқа ноёб феномен соҳиби — Йўлбошчи раҳнамолигида пировард мақсад — ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг барча зарур асослари яратиб бўлинди. Ўзбекистон дунёвий давлат сифатида ҳам сиёсий, ҳам ҳуқуқий, ҳам маънавий-мафкуравий жиҳатдан янги демократик ўзгариш ва янгиланишларга тайёр бўлди.

Кучли давлатгина кучли сиёсатга қодир. Ўтиш босқичида истиқлол манфаатларига тўлиқ сафарбар сиёсий-ҳуқуқий институтлар, янгича шакллар, қонунлар ва муассасалар яратиб бўлинди. «Кучли давлатгина кучли сиёсатга қодир» формуласи ўлароқ, Асосий Қонунимизда жамиятдаги барча ислохотларнинг ташаббускори ва ижрочиси давлат, деб белгиланди. Ўтиш босқичи учун суву ҳаводек бу зарурат давлатни ҳар хил ёвуз кучлар таъсиридан омон сақлаб қолди, сиёсий можаролар, қон тўкишлар, парокандалик, анархия ва бошбошдоқлик олди олинди. Жамиятда қатъий сиёсий барқарорликни, инсоний соғлом муҳитни юзага келтирди.

Давлат Президент бошчилигида ўтиш босқичига хос ўз конституциявий вазифасини самарали бажаришда фаол. Лекин Ўзбекистон, ўз Конституцияси талабига кўра, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш орқали фуқаролик жамияти қуриш ниятида. Ўз Конституциявий мақсади ўлароқ, у кучли фуқаролик жамиятига тадрижан ўтишдек, бош сиёсий ният ижросига киришди ва бунинг учун юқорида махсус таъкидлаганимиз, объектив ва субъектив омиллар юзага келди. Сиёсий қурилишнинг Йўлбошчимиз олға сурган «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» дастури миллий ғоядан амалий сиёсатга айланиш сабаби шунда. Зотан миллий тараққиётимизнинг умуминсоний қонуниятлари, бани башар тарихининг синашта ижобий тажрибалари айнан шу йўлни тақозо этади. Ушбу андоза воситасида биз дунёвий бўй-бастимизни янада кўркамроқ намоён этамиз.

1 «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамият сари» ғояси Ислом Каримов сиёсий таълимотида, жумла-

дан, давлат ва жамият қурилиши билан боғлиқ назариясида тадрижий тарихга эга. Олий Кенгашнинг 1992 йил бошларида ўтказган X сессиясидаёқ, сиёсий қурилишнинг ушбу дастури яхлит ғоя сифатида Йўлбошчи маърузасида илк бор ўз ифодасини топган эди. Бугунги кунда унинг миллий ғоя сифатида сиёсий ҳаётнинг муштарак яхлит дастурига айланиш сабаблари эса махсус таъкидга муҳтож бўлмаса-да, унинг Олий Мажлиснинг 1995 йил феврилидаги 1 сессиясида қайд этилган «Ўзбекистон янги аср бошида» кенг қамровли, узоқ муддатга мўлжалланган тараққиёт *дастурига* асос бўлганлиги, бу асос Президентнинг «Ўзбекистон XXI асрга интиломда» маърузасида ниҳоят аниқ сиёсий ифодасини топган олти устувор йўналишда мужассамлашганини эслаш kifоя. Айни пайтда, айнан шу дастур «Биз қандай давлат қуряпмиз?» саволига бугун берилаётган назарий-амалий жавоб ҳамдир.

¶ Каримовнинг «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» сиёсий таълимоти бевосита Ўзбекистонда кучли ижроия ҳокимияти барпо этилгани билан боғлиқ. Жойлардаги мақоми элтутарликдан иборат маҳаллий ҳокимлик ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув институтларидан ташкил топган яхлит бошқарув тизими самарали фаолият кўрсатмоқда. Бошқарувнинг ҳуқуқий асослари яратиб бўлинди. Эндиги вазифа уларнинг конституциявий ваколатларини янада мустақамлаш, давлат қурилиши жараёнларини чуқурлаштириш ва эркинлаштиришдан, ҳокимият турли тармоқларини бир-биридан ажратиш тамойилининг амалда аниқ ижросини, жумладан, суд ҳокимиятининг амалда тўлиқ мустақиллигини («Судлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири) таъминлашдан иборат.

Хўш, давлат бошқарув тизими, унинг бўғинлари ўз мақомий вазифаларини қандай адо этишмоқда? Мавжуд муаммоларни ечиш билан боғлиқ қандай масалаларга бугун эътиборни қаратмоқ лозим? Каримов сиёсий таълимотида бу саволларга жавоблар мавжуд:

биринчидан, давлат бошқаруви тизимининг ўзини ривожланган ва демократик мамлакатлар намунаси асосида, уларга ўхшатиб такомиллаштириш;

иккинчидан, кадрлар масаласини ҳал этиш;

учинчидан, ижро этувчи ҳокимият устидан жамоатчилик, аввало, сайлаб қўйиладиган ҳамда ваколатли органлар назоратини, бошқача айтганда, зарур вако-

лат берилган халқ депутатлари амалга оширадиган назоратни бутун чоралар билан кучайтириш...

Бунинг учун, аввало, давлат идоралари барча бўғинлари фаолиятининг муштарак ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қиладиган қонунлар тизими даркор. Ушбу тизим, *биринчидан*, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда ўзини ўзи бошқариш органларининг функционал вазифаларини аниқ белгилаб, улар фаолиятини мувофиқлаштириб турмоғи лозим; *иккинчидан*, бошқарув вазифаларининг асосий қисмини марказдан вилоятларга, вилоятлардан шаҳар-туман давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига ўтишини таъминлаш лозим бўлади; *учинчидан*, мазкур қонунлар тизими ушбу жараённинг ҳалқаси — босқичининг секин-аста ўзини ўзи бошқариш жамоатчилик органларига етиб келиши билан яқун топади.

Айни пайтда, ушбу қонунлар тизими давлат бошқарув идоралари барча бўғинларнинг мақомини аниқ белгилайди, бўғинлар фаолиятини юқоридан пастга қадар тафтиш қилиш имконини беради. Натижада самарасиз бошқарув бўғинлари ўз-ўзидан барҳам топади, таркиб ихчамлашади, функционал вазифалар доираси янада аниқлик касб этади, самарадорлик кескин ошади. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир ходим ва ҳар бир бўғин бевосита ўз иши билан шуғулланади, давлат бошқарув тизимида юксак ижро маданияти шаклланади, халқнинг сиёсий ҳамда ижтимоий фаоллиги фавқулодда ошади, барча жараёнларга унинг таъсири кучаяди ва ҳ.к.

Ўзбекистон ўз истиқлол ривожининг тўртинчи сифат босқичига қадам қўйди. Босқичнинг назарий-концептуал методологик манба-асоси бўлиб И.А.Каримовнинг иккинчи чақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» дастурий нутқи хизмат қилмоқда. Асосий йўналишлар етгита устувор мақсад-вазифаларнинг диалектик уйғун силсаласида белгилаб берилди. Улар ҳақда китобда махсус тўхталганмиз.

Шундай қилиб, мустақил ўзбек дунёвий давлати Асосчисининг саъй-ҳаракати ўлароқ, истиқлол юртининг ички сиёсати билан боғлиқ масалалар ижобий ҳал қилинди, яхлит сиёсий таълимот юзага келди,

унинг ижроси таъминланилмоқда. Каримов — Президент ақоидининг, Каримов — Шах конституциясининг мустақил ички сиёсат борасидаги ютуғи Ўзбекистоннинг дунё тан олган истиқбол йўлининг порлоқлигини белгилади. Ҳодиса феноменаллига ана шунда!

ДУНЁ ИЧРА ДУНЁ

Каримов — Президент ақоидининг мумтоз қоидаларидан бўлмиш оқил ташқи сиёсат фаолияти самараси ўлароқ, Каримов моҳият-эътибори билан мутлақо бошқача тарихий ҳодиса сифатида намоён бўлди. У — миллий мустақил ташқи сиёсат Ижодкори, Асосчиси, Режиссёри ва Дирижёри. Бу борада кейинги параграфларда батафсил фикр юритилса-да, лекин И.А.Каримовнинг ташқи сиёсат билан боғлиқ фаолиятига мухтасар бўлса-да, махсус тўхталишга тўғри келади.

Она халқнинг миллий манфаатларига тўла сафарбарлиги билан ардоқли бўлган, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган Каримов ташқи сиёсатида мустақил Ўзбекистоннинг маърифий дунё меҳваридаги хосу мос, тенглар ичида тенг ўрни, қиёфаси, овози ва қадри — бош мақсад. БМТ минбаридан, турли халқаро анжуманлар саҳнасидан Каримов овози Истиқлол Ўзбекистон овози бўлиб янграмоқда. У фавқулодда оз вақтда бутун дунёга ўзини, Ўзбекистонини тўлиқ намоёиш этишдек қутлуғ мақсадга эришмоқда. Қатор халқаро анжуманларда раислик қилиш, уларни бошқарув билан боғлиқ дайнлар даъвом асосидир.

Каримов Шахсининг жозибаси, Ўзбекистондаги сиёсий-маънавий барқарорлик дунёни биз томон юз ўгиртирди. Ички ва ташқи сиёсатимиздаги бош сиёсий ютуқ ана шу бўлди.

Дунё Ўзбекистонни тан олди. Каримов Ватани халқаро конвенцияларга қўшилди, нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлди, йирик банк ва молия органлари, нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлари билан бевосита ҳамкорлик қиляпти. Республикада юзга яқин хорижий ваколатхоналар рўйхатга олинган, қатор ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Каримов — Назариётчи миллий ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий алоқалар шаклланишининг концептуал тамойилларини ишлаб чиқди ва халқаро миқёсда

бани башарга дахлдор глобаль масалалар Назариётчиси, Амалиётчиси, Ғоялар Ижодкори — янгича жаҳоний тафаккур Титани сифатида намоён бўлди. БМТ сессияларидаги дастурий нутқлари, қатор халқаро анжуманларда миллий, минтақавий ва глобаль муаммолар ҳамда улар ечими билан боғлиқ аниқ таклиф-ғоялар силсиласидан иборат теран мазмунли таҳлилий-назарий-амалий мушоҳада, таклиф-ғоялар уни замонавий халқаро сиёсатнинг етук арбоблари сафига қўшди. У, наинки, миллий, кўпроқ минтақавий лидер сифатида намоён бўлди. Маърифий дунё арбоблари Каримовга Марказий Осиё, Ҳамдўстлик давлатларининг тан олинган арбобларидан бири сифатида қарашмоқда.

Каримов — Президент ақоиди моҳияти унинг жаҳон назарида минтақавий, бани-башарий тинчлик учун толмас курашчи сифатида эътироф топганлигида намоён бўлди.

Ниҳоятда пухта ишлаб чиқилган, халқаро андозаларга уйғун ташқи сиёсатимизнинг Каримов тамойиллари қуйидагилардир:

— ўзаро манфаатдорлик асосида давлат миллий манфаатларининг устунлиги;

— тенг ҳуқуқлилиқ, ўзга давлатлар ички ишларига аралашмаслик;

— мафкуравий ақидалардан қатъи назар очиқ ҳамкорлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;

— давлат ички ҳуқуқ нормаларидан халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлиги ва устуворлиги;

— ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш.

Хавфсизлик ва барқарорликнинг кафолати бўлмиш ташқи алоқалар дунё билан кенг кўламли интеграциялашган замонавий демократик давлат қуришнинг стратегик мақсади эди. Ана шу мақсадга Ўзбекистон ўз Президенти Йўлбошчилигида эришмоқда. Ушбу факт — миллий ташқи сиёсатга ва унинг ҳуқуқий кафолатига солинган асос Каримов — Президент ақоидининг яна бир оламаро кашфи бўлди.

Ташқи сиёсатимизга оид тамойилларимизни белгилаб берувчи конституциявий қоидалар тизими ишлаб чиқилди. Уларга асосланган ҳолда «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари

ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги каби Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунлари, бўлак бир қанча қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлар ташқи алоқалар, жумладан, иқтисодий фаолиятни кучайтириш, чет эллик инвесторлар учун қулай шароитлар яратиш ҳамда хорижий мамлакатлар тадбиркорлари билан савдо-иқтисодий алоқаларини кенгайтириш орқали маърифий дунё панжасига маърифий панжа уруш имконини берди. Халқаро муносабатларда келажақда устувор бўлиши муқаррар тенденцияларни ўзбек Йўлбошчиси яхши билади. *«XXI аср, — деб ёзади у, — шубҳасиз, халқаро муносабатларда бутун дунё қамраб олинадиган аср бўлади. Бундай шароитда интеграция жараёнини, халқаро институтлар ва ташкилотларда суверен давлатларнинг иштирок этишини кенгайтириш жараёнини фақат тарих тақозоси, деб эмас, балки айрим минтақалар кўламида ҳам собитқадамлик, барқарорликнинг қудратли омили, деб ҳисобламоқ зарур».*

Каримов — Президент ақоидига хос яна бир «қоида» ушбу сиёсатда теран уч кўрсатади. Гап Каримов ташқи сиёсатига дахлдор икки хусусият устида кетмоқда. Биринчиси, «бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмаслик» тамойили, иккинчиси, минтақавий алоқа орқали бутун дунё кенгликларига чиқиш сиёсати.

Қўшни мустақил давлатлар билан дўстона ҳамкорликдан жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашув жараёнларида, БМТ фаолиятида фаол иштирок этиш — суверен Ўзбекистон ташқи сиёсатининг стратегик йўналишларидир.

Каримов ташқи сиёсати собитқадамлик-ла, барқарор тараққиёт йўлидан бораётган Марказий Осиё давлатлари билан тенглик, ички ишларига аралашмаслик тамойиллари, замон руҳидага интеграция, ўзаро манфаатдорлик асосида йўлга қўйилди. Туркий давлатлар билан «Абадий дўстлик» битимлари имзоланди. Минтақавий иқтисодий ва маданий алоқалар ташаббускори бўлган Каримов «Туркистон — умумий уйимиз» жамоатчилик ҳаракати билан боғлиқ ғояни ўртага ташлаб, 1993 йил 4 январда Тошкентга Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари Президентлари Н.Назарбоевни ва А.Акаевни таклиф этди. Натижада 1994 йил апрелида тузилган шартнома асосида уч мамлакат ўртасида

очик, беғараз, самимият билан йўғрилган муносабатлар янада чуқурлашди, ўзаро манфаатдорлик асосида ягона иқтисодий ҳамда маданий маконни ташкил этишга келишилди, ҳамкорликда амалга ошириш белгиланган тадбирлар, шунингдек, энергетика, сув заҳираларидан фойдаланиш, озиқ-овқат таъминоти, коммуникация ва минерал хомашё заҳираларини ўзлаштириш, қайта ишлаш соҳалари бўйича халқаро консорциумлар тузиш, ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тамойиллари концепцияси маъқулланди. Учлик иттифоқининг «ўхшаш жиҳатлари кўп. Бу ўхшашлик ...маданият, урф-одатлар, анъаналар соҳасида ҳам, энг муҳими, иқтисодий салоҳиятда ҳам мавжуд» (Ислом Каримов) бўлиб, у минтақа халқларининг манфаатлари азалий бирлигидан келиб чиқди. МДХ низомига хилоф бўлмаган минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш дунё харитасига «Марказий Осиё» атамасини (аслида Туркистон) олиб кирди. Минтақа аҳолисининг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш, *«беқайс табиий бойликларини, илм-фан, ишлаб чиқариш кучларини биргаликда ўз манфаатимизга ишлатиш, бир-биримизнинг азалий хусусиятларимизга зиён етказмаган ҳолда, умум бахт-саодати учун куч-ғайратларимизни мувофиқлаштириш, саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш — бундай олижаноб ва улўф ниятлар, мақсадлар шу минтақида яшайётган халқларга мақбул бўлиши, шак-шубҳасиздир»* (Ислом Каримов).

«Туркистон — умумий уйимиз» гоёси нима учун керак? Нега унинг ташаббускори айнан Ислом Каримов бўлди? Мақсад нима?

Саволларга жавоб Каримов — Президент ақоидининг мутлақо янги сифатларининг кашф этилишига, унинг Шахси миллий доирадан минтақавий кенгликларга, ундан умумжаҳон меҳварига қонуний кўтарилаётгани, халқаро миқёсдаги нуфузи тан олинаётгани билан белгиланади. Бу саъй-ҳаракатда Каримов миллий худбинликдан ёки катта оғалик амбицияси ниятидан мутлақо йироқ. Ҳатто, бу хаёлига ҳам келмайди. У етук йўлбошчи сифатида маърифий дунёда ҳозир бош сиёсий йўналиш бўлган бирлашувдек тарихий қонуният устуворлиги, жаҳон ҳамжамияти панжасига муносиб панжа уриш, етакчи давлатлар сафига қўшилиш учун умумжаҳон тараққиётига хос замонавий тенденцияга риоя қилишга онгли интилмоқда. Ўз қобилига ўралиб қолиш охир-оқибат ҳалокат, миллий маҳдудлик экан-

лигини, нажот бирлашув — Иттифоқдалигини яхши билади. Айни пайтда, ҳозирги тарихий тараққиёт реаллигини ҳам ҳисобга олади. Ажралиш орқали иқтисодий-маънавий бирлашув, иттифоқ тамойили вақти, албатта, Туркистон давлатлари учун келишини олдиндан у яхши билади. Мана, Каримовнинг «Туркистон — умумий уйимиз» ғоясини ўртага ташлагани сабабларидан бири. Ёлғиз ушбу даъвонинг ўзи ҳам (бошқаларини қўйиб турайлик) Каримов-башоратчи феномени сирларини яққол кашф этиб беради.

«Туркистон — умумий уйимиз» миллий-минтақавий ғоясининг белгиси — рамзи сифатида бешта қудратли шохи бирлашиб кетган улкан чинор танланганида чўнг маъно бор. Минтақа халқларининг тарихий, маънавий, маданий, диний, бир сўз билан айтганда, инсоний бирлиги туйғуси ота юртимиз Туркистоннинг катта бир уй, буюк бир рўзгор, улуғ бир оила эканлиги билан боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. *«Бундан чиқадиган хулоса, — дейди Ислом Каримов, — Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан ягона муҳит ташкил қилиш — бугунги куннинг энг долзарб масаласи» бўлиб, у «ота-боболаримиздан муқаддас мерос бўлиб қолган тарихий бирлик туйғусини, муқаддас Туркистон туйғусини қайтадан тиклаши, халқларимиз қалбига пайванд этиши» муқаррар.*

Минтақа мамлакатларининг ўзаро бирлигини янада мустаҳкамлашга, қадим Туркистон заминида яшовчи барча халқлар, миллатлар ва элатларни яқинлаштириш мақсадида юрган соғлом кучларни бирлаштирган бу жамоатчилик ҳаракати *«ўз фаолиятини, биринчи навбатда, минтақа давлатлари орасида бугун пайдо бўлган кўпгина сунъий тўсиқларга барҳам беришга, одамлар, бир пайтлари бўлганидек, бепоён Туркистон ҳудудлари бўйлаб ўзаро борди-келдиларини, маданий-маънавий муносабатларини, савдо-иқтисодий алоқаларини эмин-эркин давом эттириши учун замин ҳозирлайди»* (Ислом Каримов).

Каримов ташаббуси минтақада қизгин қувватланди. Ўзбекистон-Қозоғистон-Қирғизистон учлик Иттифоқига ҳозир Тожикистон қўшилди. Учлик Иттифоқи ўртасида абадий дўстлик ҳақида шартнома тузилди (*бундай шартнома учлик Иттифоқи давлатлари билан Туркия Жумҳурияти ўртасида ҳам тузилган*).

Туркистон бирлиги ғояси конструктив ёхуд худбинлик режаси эмас, балки қондош-жондош биродарларимизнинг тарихан бирлигига, ягона сиёсий, иқтисодий ва маданий-маънавий маконларга чорловдир.

Табиий ва объектив жараён минтақадаги ҳарбий вазиятни муътадиллаштириш сиёсатини юзага чиқарди. «Қўшнинг тинч — сен тинч» нақлидан келиб чиқилгани ҳолда, Каримов Тожикистон ва Афғонистон масалаларида бутун дунёга, БМТга тинмай мурожаат қилиб, у ерлардаги урушнинг, нотинчликнинг олдини олишга жаҳон жамоатчилигининг эътиборини қаратиб турган минтақадага ягона арбоб ҳисобланди (*эсингиздами, БМТ Бош Ассамблеяси 48-сессиясидаги нутқининг асосий мазмуни, шунингдек, қатор халқаро учрашувларда, жумладан, 1999 йил Истанбул саммитида чиқишлари минтақавий можароларнинг олдини олиш таклифларига бағишланган эди*). Афғонистондаги террорчилик 11 сентябрь АҚШдаги фожиалар билан якун топди (ушбу халқаро муаммо қўйида махсус ўрганилган). Ҳолбуки, Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» китобида хавфсизликка мавжуд таҳдидларнинг олдини олиш, минтақавий можароларга чек қўйишнинг аниқ рационал йўл-йўриқлар тизимини таклиф қилган эди. Аслида бу таклифлар 1992 йилдан бери МДҲ мамлакатлари раҳбарларининг Москва, Алмати, Ашгабат, Тошкент кенгашларида, БМТ собиқ Бош қотиби Бутрос Бутрос Ғолийга, БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида, тожик муҳолифати раҳбарлари билан учрашувларда, Каримовнинг деярли ҳар бир чет эл расмий сафарларида, жумладан, Истанбул саммитида бот-бот айтилиб келинган ғоялар, ташаббуслар натижасидир. Максимализмдан воз кечиб, муромага келиш, позицияларни яқинлаштириш, келишмовчиликни сиёсий воситалар билан бартараф этиш — Каримов ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари бўлди. Бу тамойиллар унинг тожиклар можаросини тинчитишга бағишланган доимий ишловчи семинари чакорида, «маслаҳатлашув органи сифатида музокаралар жараёнида миллий муроаса бўйича сиёсий қарорларни ишлаб чиқиш учун подиум бўла оладиган Тожикистон халқлари конгрессини чакорида» (Л.Левитин) сингари аниқ самаралар берган ташаббусларида ўз аксини топди. «Тожикистондаги ўлим уруғини сочувчи уруш оқибатлари, — деб ёзади Д. Карлайл, — Ўрта Осиёда бошқа

бутун ташқи, балки ички муаммолар орасида ҳам биринчи ўринга чиққан пайтда Президент Каримов минтақада энг муҳим сиёсий арбобга айланди».

Ана шу тариқа Каримов халқаро масалаларда муаммоларни дадил кўтарибгина қолмай, балки уларнинг олдини олишнинг ёки бартараф этишнинг реал йўллари ҳам аниқ кўрсатиб берувчи ғоялар, ташаббуслар кишиси сифатида намоён бўлди. Жумладан, Афғонистон янги-янги қуроолларни урушда синаб кўришнинг дунё полигонига айланганлигини, айрим давлатлар афғон халқи фожеасидан манфаатдорлигини очиқ эътироф этганимиз ҳолда, Тожикистон ҳам айнан шундай худбин, ёвуз манфаатлар полигонига айланиб қолиш хавфидан ҳаммани огоҳ этиш, унинг олдини олиш — Каримов ташқи сиёсатининг минтақадаги бош стратегик вазифасига айланган эди (1999 йил ёзида Афғонистондаги вазият муҳокамасига бағишланган олтилик ва иккиликнинг (6+2) Тошкент саммити айнан Каримов ташаббуси эди). Чегараларимиз бир бу давлатларда тинчлик ўрнатилмас экан, биз ҳам тинч бўла олмаймиз...

Бутун миллий стратегиямизнинг асосий йўналишларидан бири ана шундай мазмун-моҳиятга эга бўлди.

Ҳамма нарса аслига қайтади. Тарихий адолат бу. Каримов минтақанинг тан олинган лидерига айланди. Бу Каримов ақоидининг, Каримов ташқи сиёсатининг галабаси бўлди. Каримов дунёвий воқеа-ҳодисалар жараёнларининг нозик билимдони, амалиётчиси ва энг муҳими, назарийчиси сифатида мутлақо янги, рационал ақлий-интеллектуал имкониятлари билан тўлиқ намоён бўлди. Ана шу тариқа у Туркистон ақлий ривож тарихига теран Назарийчиси ва Прагматик сифатида ўз хиссасини қўшди, қўшмоқда.

Сиёсатчи — Каримов рационалиزمи Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги билан боғлиқ ташаббуслару фаолиятда ҳам ёрқин намоён бўлмоқда.

МДҲ ҳар томонлама иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган бўлиб, унинг бош тамойили давлатлар ўртасидага икки ва кўптомонлама иқтисодий алоқаларни мустақамлашга қаратилган. Иқтисодий ҳамкорлик эса ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқликка асосланади.

Каримов ташқи сиёсатида иқтисодий алоқалар бош стратегик мақсаддир. Бу йўлдаги саъй-ҳаракат юқорида эслатилган янги-янги ташкилий тузилмалар барпо

этиш, уларнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлашдан бошланди.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларида жануби-шарқий Осиё (АСЕАН), Осиё-Тинч океани минтақаси (АТЭС) мамлакатлари тажрибалари роса асқотди. Ташқи иқтисодий алоқаларда айнан ана шу Иттифоқ, АСЕАН билан ўзаро манфаатдорлик асосидаги интеграция ҳамда ҳамкорлик асосий йўналиш, деб белгилангани айни муддао бўлди. Каримов Оврупа Иттифоқи тажрибасини ҳам амалий мукаммал ўрганди. Оврупа Иттифоқидаги интеграция жараёнларига ёндашувлар интеграциялашаётган давлатнинг батамом суверенлиги, ихтиёрийлик ва уларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, интеграциялашаётган давлатларнинг кўпчилиги тахминан тенг, анча юқори иқтисодий имкониятларга, барқарор, мустаҳкам демократик ижтимоий давлат тузилмаларига эга эканлиги, демократик тартибу қадриятлар мамлакат аҳолиси ижтимоий онгида мустаҳкам ўрнашиб қолганлиги каби яна қатор объектив асослар шундай тамаддунли Иттифоқни тузишни тақозо этганлигини Каримов тушунди.

Каримов ташқи иқтисодий алоқаларни дунёнинг энг ривожланган, янги технологияларга асосланган қудратли ишлаб чиқариш кучларига эга давлатлар билан ўзаро манфаатдорлик негизида ўрнатишчи энг истиқболли, энг тўғри ва маъқул йўл, деб топди. Ва янглишмади. «Ўзбекистон эшиги ҳамма учун очиқ» шиори ўртага ташланди. Натижада Ўзбекистоннинг улкан табиий ва инсоний ресурслари, иқтисодий ва хомашё потенциали чет эл инвестициясининг мамлакат ички ҳамкорлик корхоналари ташкил этилаётганлигига, Ўзбекистон хомашёси эвазига замонавий ишлаб чиқариш технологияларининг турфа шакллардаги турлари жаҳон бозорига рақобатбоп тайёр маҳсулотлар етиштириб бераётганлигига, ташқи иқтисодий алоқалар жуғрофиясининг кун сайин кенгаяётганлигига сабаб бўлди. Ички бозорни ўзимиз ишлаб чиқараётган товарлар билан тўлдиришдек рационал сиёсат Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини ошириб, унинг бой интеллектуал ва ишлаб чиқариш имкониятларини намоиш эта бошлади.

Эътибор бергандирсиз: Каримов қайси мамлакатда бўлмасин, унинг асосий эътибори ўша давлатлар ишбилармонлари, бизнесменлари, банклар раҳбарлари

билан шахсан учрашувга қаратилган. Каримов уларни «Ўзбекистонга келинлар, биргаликда ҳамкорликни йўлга қўйлик. Кафолат — менман. Марҳамат», дея сидқидилдан таклиф қилишлари, суҳбатларда Л.Левитин тўғри эътироф этганидек, «Ўз мамлакатини таништиришдаги улуғвор лаёқатини, халқаро миқёсда ўзини тутишда таянадиган» ҳеч ким рад эта олмас қудратини намойиш этиб, ўз юртининг бой ер ости ва ер усти заҳиралари, миллий андозанинг афзалликлари, танланган камолот йўлининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидага даъватлари бугун қандай реал самаралар бераётганини ҳаммамиз, жумлаи жаҳон кўриб, ишонч ҳосил қилиб турибмиз. Ҳозир ҳамкорлик асосида Ўзбекистонда Мурунгов конининг четида катта ҳажмдаги минераллашган буюмлар Американинг «Ньюмонт Майнинг Корпорейшн» компанияси иштирокида энг янги технологиялар воситасида қайта ишланмоқда, «Зарафшон-Ньюмонт» Ўзбекистон — Америка, «Омонтов — Голдфилдс» Ўзбекистон — Британия қўшма корхоналари маҳсулотлари бугун жаҳон бозорида машҳур. Тошкент зонасининг олтин рудали конларини ўзлаштириш юзасидан «Ньюмонт Майнинг Корпорейшн» ва «Мицуи» (Япония) компаниялар ўртасида шартнома тузилди. Асакада Жанубий Кореянинг «ДЭУ» компанияси билан қурилган автомобил заводи биринчи ўзбек автомобилларини чиқарди. «Самсунг Электроникс» компанияси билан Ўзбекистон корхоналари ўртасидаги ҳамкорлик самара бера бошлади. АҚШнинг «М.Ю.-Келлог» компанияси Кўкдумалоқда компрессор станциясини ишга туширди. Франциянинг «Текнип», Туркиянинг «Гамма» компаниялари, Франциянинг «Келлог» фирмаси, Япониянинг «Марубени» корпорацияси ва «Жей-Жи-Си» компанияси иштирокида атиги етти ой ичида лойиҳа қиймати 500 миллион АҚШ доллар бўлган йилига 5 миллион тонна нефтни ва газ конденсатини қайта ишлайдиган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилди. Чет эллик инвесторлар иштирокида ўнлаб қўшма корхоналар (Жанубий Корея билан «Кабул-Тўйтепа-Текстайлз», Туркия билан «Аснам текстил», «Катекс», «Элтекс», «Самжинтекс», АҚШ билан «Супертекстил», «Мармар», Ҳиндистон билан «Гуфик-ибн Сино», Эрон билан «ЖМ», шунингдек «Литовсервис», «Сурхон-Аджанта» ва бошқа корхоналар) ташкил этилган.

Ташқи иқтисодий алоқада «Буюк Ипак йўли» анъаналарини тиклаш асосий мақсадлардан бири. Ўзбекистон жуғрофий жиҳатдан океан — энг арзон савдо йўли бўлмиш — сув йўлидан четда, ичкарида жойлашган. Бу эса ташқи иқтисодий алоқаларни транспорт билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга бизни мажбур этмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон БМТнинг «Транзит юк ташишда ҳамкорликни ривожлантириш орқали савдо-ни кенгайтириш» дастурини рўёбга чиқаришда фаол иштирок этмоқда. ЭКО — Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига кирувчи давлатлар ўртасида тузилган ҳукуматлараро шартномага асосан Тажан-Сархас-Машҳад темир йўли қурилди. «ТАСИС» дастури доирасида Оврупо Иттифоқининг техникавий ёрдамини амалга ошириш орқали «Трасека» лойиҳасини рўёбга чиқариш Ўзбекистонни коммуникация ва транспорт билан таъминлашда истиқболли аҳамиятга эга. Бу лойиҳа Туркистон давлатлари, Озарбайжон, Грузия ҳудуди орқали Қора денгиз бандаргоҳларига олиб чиқадиган Транскавказ магистралини вужудга келтирди. Хитой ва Покистонга олиб борадиган Андижон—Ўш—Эргаштом—Қашқар, шунингдек, Бухоро—Сархас—Машҳад—Теҳрон ва Термиз—Ҳирот—Қандаҳор—Корочи автомобил йўллари қуриш, қайта таъмирлаш давом эттирилди. Ана шу тариқа Ўзбекистон Тинч океанига чиқади. ЭКО мамлакатларига элтадиган йўл уч баробар қисқаради. Мазкур лойиҳаларнинг ўзи ҳам Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалари кенг жаҳон бўйлаб янада чуқурлашади, дейишга имкон беради. Демак, бу борада ҳам Каримов юрти жаҳонга янада кенгроқ бағир очади, жаҳон ҳам унга янада кенгроқ ва ишончлироқ қучоқ очади, очмоқда. Каримов Ўзбекистони ягона жаҳон иқтисодий интеграциясига янада фаолроқ иштирок қилади, том маънода дунёвий моҳият касб этади. Ташқи сиёсат, жумладан, ташқи иқтисодий алоқалар берадиган самара ана шундай жаҳоний бўлади. Демак, Каримов-Президент ақоидининг оламшумул шуҳрати янада ошади, Ўзбекистон имиджи янада барқарорлашади, дунёвий баркамол бую бастимиз янада мағрур тикланади.

Бунинг амалий исботини АҚШда содир этилган 11 сентябрь фожиасидан кейинги тарихий жараён яна бир бор исботлади (ушбу ҳодиса билан боғлиқ Ўзбекистон ва Америка, Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжами-

яти муносабатларидаги туб бурилишлар махсус ўрганилган).

Ислом Каримов ўз қисмати, мамлакати истиқлоли тақдири «сценарий»сини яратиб, миллий Йўлбошчидан жаҳон миқёсига кўтарилган обрўли, эътиқодли, истиқболли Арбобга айланди. Дунё уни, унинг Шахси орқали Ўзбекини, Ўзбекистонни таниди, ислохотлар ва миллий истиқлолу тараққиёт йўлини тан олди, унга ишонди. Сиёсатда эса Ишонч энг олий имидж ҳисобланади. Каримов-Президент ақоиди бош «қоида»ларидан, Каримов-Шахс конституцияси асосий «модда»ларидан бири ана шундай мумтоз ва ибратли бўлди дунё учун, Ўзбекистон учун!

КАРИМОВНИНГ ТАЪЛИМ ДЕМОКРАТИЯСИ

XXI аср маърифат асри бўлади.

Ислом Каримов

Ислом Каримовнинг концептуал яхлит сиёсий-ғоявий, жумладан, сиёсий ва маърифий таълимотининг юзага келиши, муштарақ шаклланиб, такомиллашиши миллий истиқлол давлатчилигимизнинг янгидан пайдо бўлиши ҳамда ривожланиш босқичлари-ю жараёнларининг, жумладан, адолатли фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш ҳаракатининг ўзига хос қонуниятлари ҳамда ҳақиқатлари билан боғлиқ.

Миллий тараққиётимизнинг ўзбекона андозалари силсиласида И.А.Каримовнинг сиёсий ва маърифий таълимоти тақдириломонлиги билан ажралиб туради. Зотан, мустақил давлат, очиқ фуқаролик жамияти маърифатсиз, демак, юксак ақлий-интеллектуал салоҳиятсиз, янгича онгу янгича дунёқарашсиз цивилизациялашган истиқболли ривожга, камолга эриша олмайди. Дунёни бугун фақат ва фақат маърифат цивилизациясигина қутқара олади. Маърифатсиз миллатда, маърифати паст халқда истиқбол йўқ. Абдулла Авлоний ҳақ: *«Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидур».*

Буюк маърифатпарварнинг ушбу ҳақиқати Ислом Каримов сиёсий ва маърифий таълимотининг, таълим-тарбия сиёсатининг назарий-амалий фалсафасига айланди. Ислом Каримовнинг айтишича, — деб ёзади Л.Левитин ўзининг «Ўзбекистон тарихий бурилиш пал-

ласида» китобида, — бу сўзлар унинг давлат бошлиғи сифатидаги фаолиятида асосий шиорлардан бирига айланиб қолди. Мен бунга қўшимча қилиб, ҳатто, қандайдир муқаддас бир қасамга, инсон ва сиёсатчи сифатида унинг доимий виждоний бурчига айланиб қолган, деган бўлардим. Ўзбекистон Президенти таълимнинг миллий моделини шакллантиришга доир ҳамма масалалар билан бир неча йиллардан бери кун сайин шуғулланиб келди. Бунда у фақат буюртмачигина бўлиб қолгани йўқ. Ислом Каримов чуқур амалий ғояларни ўртага ташлади. Бу — ғоялар, шубҳасиз, мақбул ечимларни топишга ёрдам берди. Бу — мазкур моделни ишлаб чиқишда қатнашган Россия ва Фарб мамлакатлари мутахассисларининг фикри».

И.А.Каримов сиёсий-маърифий фалсафасида таълим-тарбия миллат ва жамиятнинг ягона халоскори, эртанги нажоти сифатида қаралади. *«Чунки — дейди Йўлбошчи, — таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин, айна вақтда, онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизimini ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад — озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди».*

Ўзбекистонда таълимни ислоҳ қилишга, ҳеч муболағасиз, умумдавлат иши сифатида жуда катта аҳамият берилаётганлигига сабаб бу — мамлакат алоҳида меҳнат салоҳиятига эгалигидангина иборат эмас. Шу ўринда давлатнинг ва бутун жамиятнинг ўзига хос фалсафасини, алоҳида халқ анъаналарини, тарихий-маърифий мумтоз цивилизациясини ҳам назарда тутиш керак. Президент Каримовга келсак, унинг бу муаммога ёндашуви кишида ҳурмат ва олқиш уйғотмаслиги мумкин эмас.

«Фақат билимли, маърифатли жамиятгина, — деб ёзади у, — демократик тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олишини ва аксинча, билими кам, оми одамлар авторитаризмни ва тоталитар тузумни маъқул кўришини ҳаётнинг ўзи ишонарли тарзда исботламоқда».

Ислом Каримов сиёсий ва маърифий таълимнинг юзага келиши ҳамда назарий-амалий такомил уч босқични ташкил этади.

Биринчи босқич Ислом Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида собиқ тоталитар тузум давридаёқ, яъни 1990 йилнинг 27 январида ЎзССР Олий Совети Пре-

зидиумининг Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрилигини тугатиш ҳамда Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигини ҳамда Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлигини тузиш тўғрисидаги фармони, хусусан, 1992 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва унинг ижроси жараёнлари, шунингдек, «Ўзбек модели»нинг давлат бош ислохотчи принципи билан боғлиқ. Фармонда таълим тизимини ташкилий-таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, Қонунда эса мустақил Ўзбекистоннинг истиқлолча янги маърифий ақидаси ҳуқуқий-меъёрий белгилаб берилган эди. Шу маънода иккала ҳужжатни таълим-тарбия тизимидаги истиқлолча туб янгиланишларнинг бошланғич ибтидо нуқтаси, деса мантиқли бўлади.

Қонун мундарижаси мазмун-моҳиятидаги энг туб масала бу — истиқлолча янги таълим-тарбия мақомини аниқ белгилаш, тизимни янгिलाш ва такомиллаштириш, муҳими — таълим-тарбияни собиқ коммунистик мафкура исканжасидан қутқариш, унинг мутлақо янгича мафкуравий қадриятларга асосланган ғоявий негизларини ишлаб чиқиб, амалий жараёнга омилонга тадбиқ этиш бўлди. Туб моҳияти билан бу аслида мутлақо янгича таълим-тарбия тизими ва таълим-тарбия мақоми эди.

Бундай вазифа ва тақдириломон эҳтиёжнинг сабабини давлатимиз бошлиғи собиқ тоталитар дунёдан мерос таълим-тарбия тизимининг истиқлол манфаатлари ҳамда истиқбол учун тўлиқ хизмат қила олмаслиги қонуниятда кўради. 2001 йил 4 майда М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетида ўқиган маърузасида Ислом Каримов қатъий комиллик билан совет даврида ташкил топган таълим тизими янги вазифалар-у мақсадларимизни адо этишга қодир эмас эди, деган фикрни яна бир бор таъкидлагани бежиз эмас.

Таълим тизимининг инерциявий эканлигини қайд этган Йўлбошчи, унинг мазмунига янги талаблар ва вазифалар жуда қийинчилик билан сингишини, бу ҳолат истиқлолнинг тақдириломон моҳият-мақсадларига жавоб беролмаслигини, агар таълим-тарбия тизими тубдан ўзгартирилмаса ўсиб келаётган авлодга нисбатан биз хоинлик қилган бўламиз, деган ишончга келди. Лекин уни қандай қилиб, қандай мазмунда ўзгартириш лозим? Саволга амалий жавоб сифатида

Президент Кадрлар тайёрлашнинг янги Миллий дастурини ишлаб чиқишни тавсия этди. Дастурни тайёрлашда **биринчидан**, Ўзбекистон мактаб битирувчиси эмас, балки инсоният томонидан тўпланган бой моддий ва маънавий қадриятларни ўзлаштирган, мустақил фикрлаб, ҳар томонлама мустақил қарорлар қабул қилишга қодир эркин, комил инсонни тарбиялашни бош мақсад қилиб олиш лозимлиги таъкидланди.

Иккинчидан, барча жабҳалардаги сингари таълим-тарбия соҳасида ҳам давлатнинг бош ислоҳотчилик роли аниқ белгилаб олинди. Давлат ўз зиммасига таълим-тарбия жабҳаси билан боғлиқ туб ислоҳий янгиланишлар ташаббускори ва амалиётчисига айланиб, таълим-тарбия масалаларини ўзининг бош сиёсати, деб билди.

Учинчидан, мустақил давлат ўз Асосий Қонунини ихтиро қилиб, унда таълим-тарбиянинг конституциявий асослари ҳамда умуминсоний мақом — моҳиятини ҳуқуқий белгилаб берди.

Тўртинчидан, Конституция ва «Таълим тўғрисида»-ги қонун асосида таълим-тарбия тизими ҳамда мақомини ташкилий жиҳатдан янгидан белгилашга киришилди. Янги ўқув даргоҳлари юзага келди, кўпгина педагогика ва техника институтлари университетларга айлантирилди ва ҳ.к. Таълим-тарбия босқичма-босқич тубдан ислоҳ қилина бошланди.

Бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида рўй бериши муқаррар ижтимоий ларзалар олди олинди: таълим-тарбия муассасалари ходимларининг ижтимоий ҳимояси таъминланди.

Олтинчидан, таълим тизимида ташкилий-таркибий ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги юзага келди. Вазирликларнинг ташкилий таркиби такомиллаштирилди.

Ана шу тариқа ғоявий-мафкуравий соҳадаги каби унинг таркибий узвий қисми бўлмиш таълим тизимида ҳам ўтиш босқичида рўй бериши муқаррар бўшлиқнинг ва у билан алоқадор хавфнинг олди олинди.

Иккинчи босқич мазмун-моҳияти билан тақдириломон туб бурилиш босқичи бўлди. Аввало, таълим-тарбия тизимининг ялпи ислоҳотлари ҳуқуқий жиҳатдан

мукаммал мустаҳкамланди. 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида янги мукаммалашган таҳрирдаги «Таълим тўғрисида»ги ҳамда таълим тизимининг замонавий демократик мақомини белгилаб берган «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қонунлари қабул қилинди.

Айнан шу иккинчи босқичда Ислом Каримовнинг сиёсий ва маърифий қарашлари, ғоялари ҳам яхлит таълимот — квинтэссенция сифатидан тўлиқ шаклланди. Йўлбошчимизнинг ушбу таълимоти биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» нутқида концептуал ифодасини топди. Нутқда Ислом Каримов сиёсий-маърифий таълимотининг комил инсон таълими ва тарбияси билан боғлиқ саккизта йўналиши тугал мундарижа касб этди.

Аввало, баркамол авлод, баркамол насл тарбияси билан боғлиқ миллий ва башарий маърифий кадриятлар силсиласида истиқлол шарофати ўлароқ, юзага келган қулай муҳитдан фавқулодда серсамар фойдаланишга қаратилган давлат зиммасидаги умумвазифа ва масъулият аниқ белгиланди:

«...Буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислохотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдир — ... авваламбор замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлиги» (Ислом Каримов) давлат ва жамият томонидан теран англаб етилди. Концептуал айтганда, кадрлар тайёрлаш муаммоси давлат сиёсати мақомига эга бўлди.

Зотан, Йўлбошчи: «Фақатгина чинакам маърифатли инсон қадрини, миллат кадриятларини, ... ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб обрўли ўрин эгаллаш учун фидоийлик билан курашиши мумкин...»

И.А.Каримов сиёсий-маърифий таълимотида қуйма ифодасини топган бош мақсад миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаш-

тириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқаришдан иборат бўлди.

Ушбу мақсад йўлида иккинчи босқичда «Таълим тўғрисида»ги қонун негизида 1996—1997 ўқув йилидан бошлаб мактабларнинг биринчи синфларида ўқиш янги алифбода ташкил этилди. Янги имло, алифбода ўқитиш учун зарур дастур, қўлланма ва дарсликлар яратилди. 300 га яқин янги турдаги таълим муассасалари очилди. Олий ўқув юртлари қошида 46 та лицей ташкил этилди. 800 га яқин ўқувчи чет элларда таълим олди, аксар ўқитувчилар хорижий давлатларнинг илғор таърибаларини ўрганиш мақсадида чет мамлакатларда бўлишди.

Ўрта махсус таълим соҳасида бизнес мактаб, кичик ва ўрта мактаб учун касб-ҳунар курслари очилди, коллежлар ташкил этилди бозор иқтисодиёти талабаларига мос келувчи янги мутахассисликлар (фермер, солиқ ва боғхона ходими, аудит ва ҳ. к.) киритилди.

Олий мактаб соҳасида тест усули жорий этилди. Вилоятлардаги педагогика институтлари университетларга айлантирилди. Хорижий университетлар билан ўзаро мутахассислар ва талабалар айирбошлаш йўлга қўйилди. Давлат ва жамият қурилиши академияси, Банк-молия академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети иш бошлади. Турли мақомдаги ва номдаги жамғармалар («Умид», «Устоз», «Улуғбек», «Соғлом авлод учун» ва бошқалар)нинг таълим-тарбия соҳасидаги ҳамкорлик фаолияти самара бера бошлади.

Энг муҳими — эски шўролар замонидан мерос таълим-тарбия тизимига хос мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан воз кечиш жараёни тизимли ҳамда мақсадли кеча бошлади. Таълим-тарбия ислохотларининг етти ўлчаб бир кесилган яхлит концепциясини ишлаб чиқиш ва барча таҳсиллий-урфоний жараёнларни миллий истиқлолнинг янги ғоялари билан тўлиқ таъминлаш, унинг услубий-методологик асос — манбаларини яратиш ишлари бошлаб юборилди. Ана шу услубий-методологик асос-манбалардан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг сиёсий-маърифий қарашлари тўлиқ шаклланиб, яхлит таълимот мақомини олди.

Босқичнинг иккинчи йўналиши «Бизга битирувчи-

лар эмас, мактаб таълим ва тарбиясини кўрган шахслар керак» ақидасига асосланди. Ислом Каримов таълимотида ана шу мақсаднинг рўёби билан боғлиқ вазифалар аниқ белгилаб берилди.

Учинчи йўналиш — ўрта махсус таълими тизими ва таркибий-ташкилий ислохотлар билан боғлиқ. Гап янги таркибдаги ва ягона услубдаги замонавий ўрта махсус касб-хунар ҳамда билим ўқув юртларини ташкил этиш вазифаси ҳақида боради. Йўлбошчи таълимотида бу вазифа «ўрта поғонада янги ташкил қилинаётган ўқув муассасаларининг олдинги ўқув босқичи — умумтаълим мактаблари ва кейинги поғонада турган олий ўқув юртлари тизими билан узлуксиз алоқа ва муносабатларни таъминлаш ва замон талабига жавоб бериши» лозимлиги қайд этилди.

Тўртинчи йўналиш — олий таълим ислохотларига дахлдор. Давлатимиз бошлиғи олий ўқув юртлари ислохотида яқин ўтмишдан мерос камчиликларни кескин бартараф этиш, институт ва университетларни битираётганларнинг қандай талабларга жавоб бера олишини аниқлаш, истеъдодли болаларни танлаш, қабул қилишда объектив адолатли тизим ва тартиб ўрнатиш, улар етарли маълумот олиши учун замонавий барча имкониятларни яратиш, олий ўқув юртларида қандай ҳамда неча хил мутахассислик бўйича таълим берилишини белгилаб олиш ва шу орқали давлат маблағини ажратиш, шунингдек, контракт асосида билим ҳамда мутахассисликка эга бўлишни аниқ режалаштириш, ўқув даргоҳларнинг замонавий шакл-қийфаси, таркиби, моддий базасини, ректорлар ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг моддий таъминотини таъминлаш, ўқув дастурларини замонавий талабларга мослаштириш ва таҳсил амалиётига жорий этиш билан боғлиқ муаммоларни тезроқ ҳал этиш вазифаларини кўйди. Бунинг учун, жумладан, олий таълим муассасаларини хорижий давлатлар олий ўқув юртлари билан алоқасини мустақамлаш, ўқув жараёнига чет эл йирик илмий марказлари ҳамда университетларининг профессорларини жалб қилиш, етук савияли профессор-ўқитувчиларни четда тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича махсус жамғарма ташкил этиб («Умид» жамғармаси), Ўзбекистон олимларини дунёнинг донгдор университетларида маърузалар ўқишини таъминлаш лозимлиги таъкидланди.

Бешинчи йўналишда гап олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш дастурининг уч босқичдан иборат яхлит концепцияси ва ҳар босқичнинг ўзига хос мақоми-ю вазифалари белгилаб берилган. Энг муҳими, ана шу йўналишда Ислом Каримов сиёсий-маърифий қарашларининг қаймоғи — квинтэссенцияси тугал таълимот мақомида намоён бўлди. Президент таълимотида илк бор умумлашма ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимининг шаклланиши ва фаолият кўрсатишининг қуйидаги умумлашган ўнта асосий тамойиллар белгилаб берилди:

— барча хил ва турдаги таълим муассасаларида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш;

— давлат таълим стандартларини жорий этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш механизмини ишлаб чиқиш;

— ихтисосликлар, малака даражасига кўра мутахассисларга бўлган умумдавлат ва минтақавий талабларнинг истиқболини аниқлаш;

— таълим тизимини тузилиш ва мазмун жиҳатидан ислоҳ қилиш учун ўқитувчиларни ва мураббийларни қайта тайёрлаш;

— давлат ва ижтимоий муассасаларнинг касбга йўналтириш бўйича фаолиятини такомиллаштириш. Бунда касб танлашнинг бозор эҳтиёжлари ва имкониятларини эътиборга олиш зарур, токи ҳар бир шахс ўзига мос касбни эгаллай олсин;

— ўқувчи ёшларни Ватанга садоқат, юксак ахлоқ, маънавият ва маърифат, меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;

— таълим муассасаларини, биринчи навбатда, умумтаълим мактабларини давлат томонидан молиявий ва моддий-техникавий тўлиқ таъминлаш меъёрларини ошириш ва унинг механизмини такомиллаштириш;

— кадрлар тайёрлаш тизими истеъмолчилари — корхоналар, муассасалар, фирмалар, ҳиссадорлик жамиятлари, банклар ва бошқа тузилмаларнинг имкониятларидан, биринчи навбатда, ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртлари ҳамда олий ўқув юртларининг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш учун мумкин қадар кенгроқ фойдаланиш;

— кадрлар тайёрлаш ва таълим соҳасига чет эл

сармоялари, халқаро донорлик ташкилотлари ҳамда жамғармаларининг маблағларини жалб этиш;

— қонун доирасида ўқув режалари, дастурлари ҳамда ўқитиш йўриқлари, таълимий хизматларини белгилашда таълим муассасаларига, биринчи навбатда, олий ўқув юртлигига мустақиллик бериш ва ўзини ўзи бошқариш усулларини жорий этиш.

«Табиийки, — деб таъкидлайди Йўлбошчи, — бундай мураккаб вазифаларни амалга оширишда давлат ва жамиятнинг масъулияти алоҳида аҳамият касб этади».

Дарҳақиқат, бундай мураккаб вазифалар ижроси давлат ҳамда жамиятнинг масъулиятини фавқулодда ошириб юборади. Ўзбекистон ўз Йўлбошчиси таълимоти самараси бўлган давлатнинг бош ислохотчилик принциpidан келиб чиққани ҳолда, кадрлар тайёрлаш тизимини узлуксиз ривожлантириш ва такомиллаштиришда давлатни, жамиятни конституциявий кафил қилди. Айнан давлат, жамият юқори малакали, рақобатга қодир мутахассислар тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштирди, уйғунлаштирмоқда.

Узлуксиз таълим тизими, уни жаҳон талаблари даражасидаги давлат таълим стандартлари ва тегишли таълим дастурлари, дарслик ҳамда қўлланмалар билан таъминлашга қаратилган вазифалар белгилаб берилди. Ислом Каримов умумтаълим дастурларини мактабгача тарбия, бошланғич, умумий таълим ва мактабдан ташқари таълим тарзида тузилишини мақсадга мувофиқ, деб топди. Айни найтда, ўрта махсус билим (лицей) ва касб-ҳунар таълими (коллеж), олий мутахассислик таълими (бакалаврлик ва магистратура), аспирантура, докторантура ҳамда қўшимча касбий таълим (қайта тайёрлаш ва малака ошириш) тизимлари белгиланди.

Олтинчи йўналиш болаларимизнинг жисмоний ва ақлий етуклигини ҳисобга олган ҳолда, уларни 6-7 ёшдан биринчи синфга ўқишга қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланади.

Еттинчи йўналиш энг оғир, мураккаб ва ўта нозик масала — уч йиллик таълим муассасаларини ташкил этиш, унинг мазмун-моҳиятини аниқлаб олишга қаратилган. Ислом Каримов таълимотига кўра, ўрта махсус билим юртлиги (академик лицейлар) биринчи

турдаги, ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртлари (коллежлар) иккинчи турдаги билим муассасалари бўлиши мақсадга мувофиқ келади. Ана шу тариқа ўқувчиларга 12 йиллик умумий ҳамда ўрта махсус таълим бериш тизими юзага келди ва у давлат томонидан кафолатланди.

Сўнги саккизинчи йўналиш Миллий дастурни амалга ошириш учун керакли маблағ ва харажатлар ҳажми ҳамда манбалари билан боғлиқ.

Маълум бўлганки, Ислом Каримовнинг сиёсий-маърифий таълимотида таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлашнинг барча жиҳатлари муштарак ифодасини топган. Бу Йўлбошчи таълимотининг аниқ концептуал назарий-амалий яхлитликда тўла шаклланиши исботи бўлди.

И.А.Каримов сиёсий-маърифий таълимоти ғоялари Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қонуни мундарижасида теран ҳуқуқий ифодасини топди. Шу маънода давлат бошлиғининг таълимоти ва қонун Ислом Каримов сиёсий-маърифий фалсафасининг кашфиёти бўлди.

Даъвомизга асос бўлиб, Йўлбошчининг Миллий дастур тўғрисидаги қонуннинг ташаббускори, ташкилотчиси ва ижросиси сифатидаги факт хизмат қилади. Дарҳақиқат, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва унга асосланган Миллий таълим модели бевосита Ислом Каримов ташаббусидир. Бу ҳақда у бот-бот гапиргани, жамиятда таълим-тарбия тизими тубдан ислоҳга муҳтожлиги, бусиз Ўзбекистон ўз миллий тараққиётининг янги жаҳоний сифат босқичига кўтарила олмаслиги ҳақидаги куюнчаклиги бежиз бўлмаган эди.

Таълим ислоҳи ғояси — фикрининг юзага келганидан тортиб, то унинг якуний ижросигача бўлган барча жараён давлат бошлиғининг бевосита назоратида бўлди. Қонун устида бутун жамият қарийб бир йил ишлади. Президентнинг шахсан эътирофига қўра, саккиз ой давомида унинг ўзи қонуннинг ҳар бир моддаси устида қайта-қайта ишлади, қўшимчалар қилди, ўзгартиришлар киритди. Айнан шу сабаб Миллий дастурни Каримов «НОУ-ХАУ»си, деб аташ мутлақо объектив одилликдир. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қонунлари ижроси билан боғлиқ масалалар

Ислол Каримов сиёсий-маърифий таълимоти силсила-сида ўрганилади.

Президент қатор асарларида, хусусан, «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига «Жамияти-миз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин», деган жавобида Миллий дастурни ишлаб чиқиш жараёнилари ҳақида тўхталаркан, бу бо-радаги оғир, масъулиятли, аммо ҳал қилишни асло пайсалга солиб бўлмайдиган ишни қадам-бақадам, изчиллик билан бошқаришга бел боғланганлигини эъти-роф этади. «Ишончим комил, — дейди Йўлбошчи-миз, — агар бу ислохотни муваффақиятли равишда амал-га ошира олсак, тез орада биз ҳаётимизда ижобий маънодаги «портлаш эффекти»га, яъни унинг самара-сига эришамиз».

И.А.Каримов сиёсий-маърифий таълимотида олға сурилган бу гоё-мақсад моҳияти нимада?

Жавоб давлат бошлиғи таълимотида мавжуд.

Унга кўра:

Биринчидан, Миллий дастур ҳамда у билан боғлиқ расмий ҳужжатларда (жумладан, «Ўзбекистон Респуб-ликасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғри-сида»ги, «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва бошқа фармонлар, қарорлар) назарда тутилган вазифалар тўлиқ амалга ошган тақдирда улар ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради.

Иккинчидан, таълимнинг янги модели ишга туш-гач, инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади. Ҳар қандай одам ҳам ўсмирлик чоғида, эндигина вояга етиб келаётган даврида жамиятда му-носиб ўрнини топиши керак. Акс ҳолда, бу нарса нохуш оқибатларга, баъзан эса оғир фожиаларга, ҳатто, ижтимоий ларзаларга ҳам сабаб бўлади. Ёш йигит-қизларимизнинг ишда, турмушда, оила ва жа-моа орасида ўз ўрнини тополмаслик ҳолатлари улар-нинг жамиятда ўз қадрини йўқотишга олиб келади. Ўз қадрига, ўз шаънига эга бўлмаган инсон ҳаётда кўп тўсиқларга дучор бўлади, беқарор ва салбий таъсир-ларга тез берилади, унинг шахс сифатидаги емири-лиши ҳам тез кечади.

Биз жорий этилаётган мазкур таълим модели орқа-

ли, аввало, ана шу вазиятнинг олдини оламиз. Қолаверса, ёшларни муайян бир ихтисосга эга қилиб, ҳаётга йўлланма берамиз. Дунёга умид билан қадам қўйиб келаётган навниҳол инсон ҳаётдан муносиб ўрнини топса, турмушидан, тақдиридан, Ватанидан рози бўлиб яшайди, умр бўйи бунёдкорлик фаолияти билан машғул бўлади.

Бу ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган масаладир.

Учинчидан, таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин Шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг кадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Шунда одам оломон бўлиб, ҳар лаҳзада серкага эҳтиёж эмас, аксинча — ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан онгли тарзда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди. Бундай одамлар уюшган жамиятни, улар барпо этган маънавий-руҳий муҳитни сохта ақидалар, бақриқ-чақриқлар, ҳавойи ишоралар билан асло бузиб бўлмайди. Уларни ўзлари ақл-идрок ва қалб амри билан танлаб олган ҳаётий мақсадлардан чалғитиб ҳам бўлмайди.

Тўртинчидан, таълимнинг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади. Ҳар қайси инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунча, ақидалардан халос бўлади. Ва ҳар қайси инсон Аллоҳ таоло ато этган ноёб қобилият ва истеъдодини аввало ўзи учун, оиласининг, миллати ҳамда халқининг, давлатининг фаровонлиги, бахт-саодати манфаати учун тўлиқ бахшида этса, бундай жамият шу қадар кучли тараққиётга эришадики, унинг суръат ва самарасини, ҳатто, тасаввур қилиш ҳам осон эмас. Олдимизда турган буюк мақсадларга эришишда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси қўшадиган ҳисса шу ҳисобдан беқиёс бўлиши муқаррар. И.А.Каримов «портлаш эффекти», деганда айнан шундай ҳолатни назарда тутди.

Бешинчидан, биз фуқаролик жамияти қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу соҳада дастлаб-

ки, ammo муҳим қадамлар қўйилади. Вақти-соати келиб, бугунги ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлат функциялари ва аломатлари аста-секинлик билан тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтади. Мана шу йўл, мана шу назарий масаланинг моҳиятини аторофлича ёритиш, уни ҳаётимизда, амалиётимизда ҳал қилувчи сиёсатга айлантириш, нафақат, бугунги, балки эртанги кунимизнинг ҳам энг муҳим ва долзарб вазифасидир. Тараққиётнинг умубашарий қонуниятлари, инсониятнинг кўп йиллик ҳаётида синовлардан ўтиб, ижобий натижалар берган тажрибалар худди шу йўлни тақозо этади.

«Биз, — дейди Йўлбошчи, — бир нарсани яхши англаб олишимиз керакки, умумий ва махсус билимларга эга, онгли, тафаккури ҳар хил «измлар»дан озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни янада такомиллаштиришга қодир бўлади.

Бу моделдан кўзланган яна бир мақсад бор. Унинг воситасида биз дунёдан муносиб ўрин олишга, ўзбек номини янада кенг ёйиб, тараннум этишга эришамиз.

Бугун халқаро ҳаёт, кишилик тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Амир Темур бобомизнинг «Куч-адолатда» деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтадиган бўлсак, мен унга қўшимча қилиб «Куч — билим ва тафаккурда», деган бўлардим. Келгуси асрда бу тамойил янада кучаяди ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Бинобарин, халқаро майдонда биз бошқа мамлакатлар билан соғлом фикр мусобақасига, ижодий рақобатга киришмоғимиз лозим бўлади. Бизнинг келажагимиз мана шу мусобақа ва рақобатга қай даражада бардош бера олишимизга боғлиқ. Уйлайманки, бунинг учун миллатимизнинг салоҳияти ҳам, ақл-заковати ҳам етарли.

Мана, яқинда «Умид» жамғармаси орқали Европа, Осиё ва АҚШнинг энг нуфузли университетларида ўқиётган талабаларимиздан ўн беш нафари магистрлик ва бакалаврлик илмий даражаларига муддатидан олдин сазовор бўлгани ҳақида хабар олдик. Мен бу хушхабарни

эшитиб, худди ўзимнинг ўғил-қизларим шундай ютуққа эришгандек бениҳоя хурсанд бўлдим. Бу — ҳаётимдаги энг қувончли воқеалардан бири бўлди, десам, муболага бўлмайди. Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ. Фақат мавжуд интеллектуал имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз, улардан мукамал тарзда фойдалана билишимиз зарур. Ота-боболаримиз шухратининг соясига маҳлиё бўлиб юрадиган даврлар энди ўтди. Бутун жаҳон биздан ўз сўзимизни айтишимизни, ўз тафаккуримизни намоён этишимизни талаб қилмоқда. Бошқа халқлар, бошқа миллатлар бизга ётсираб — беписанд қарамаслиги, балки бизни эътироф этиши, бизни эҳтиром этиши керак. Биз ана шу юксак муносабат ва ҳурматга лойиқ бўлишимиз даркор».

Ислом Каримов сиёсий-маърифий таълимоти туб моҳияти билан таълим ва унинг тизимини демократлаштириш ғоялари йиғиндисидан иборат. Таълимнинг узлуксизлиги, мажбурийлиги ва унинг конституциявий-ҳуқуқий асос-негизлари айнан демократик мазмунмундарижаси билан эътиборли. Ҳар бир ёш ўзи истаган касбни танлаш, ўз тақдирини муайян соҳа билан боғлаш ҳуқуқига эга. Бу борада давлатнинг ўз ижтимоий мажбуриятини бажариши қонун йўли билан белгиланган. Давлатнинг ижтимоий мажбурияти эса фарзанд тарбияси, фарзанд маърифати, яъни ёшларга энг зарур билимларни бериш, уларни замонавий илғор таълим билан қуроллантиришдан иборатдир. Ягона истиқбол нажоти бўлмиш бу шарафли йўл фақатгина таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишгина эмас, уни ижтимоий-моддий қўллаб-қувватлашни ҳам тақозо этади. Ўзбекистонда жорий этилган ўн икки йиллик узлуксиз таълим мажбурий таълимдир. Олий ўқув юрти талабаларининг бир қисми давлат ҳисобидан таҳсил олиши кафолатланган. Бу — бир томони. Иккинчи жиҳати — таълим соҳасида сарфланадиган сармоянинг ҳаммаси давлат зиммасида эканлиги. Рақамларга мурожаат қилайлик: таълимга ички ялпи маҳсулотдан 1997 йилда — 7,6%, 1999 йилда — 10,2%, 2000 йилда — 11,2%, 2001 йилда — унданда ортиқ маблағ ажратилди. Давлат бюджетидан таълимга ажратилган сармоя 36%га яқин. Биргина хорижий олий ўқув юртларида бакалавр ва магистр дипломларини олиш учун таҳсил олаётган

ёшларга ҳар йили давлат бюджетидан 17-18 миллион доллар сарфланяпти.

Маблағнинг ҳаммаси таълим тизимини ташкилий-таркибий жиҳатдан янгидан ташкил этишга, ислохотларни чуқурлаштириш ва серсамара бўлишга, кадрлар тайёрлаш дастурини, таълимнинг миллий моделини янада мукаммаллаштиришга, мақсадга собитқадамлик билан эришишга йўналтирилган.

Маълумки, қадим замонларда буюк аждодларимиз жаҳон маънавият осмонида чарақлаган юлдуз янглиғ оламга маърифат нури таратиб, ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган бўлсалар, XXI асрда ҳам ёшларимиз орасидан юксак маърифатли бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, улуғбеклар, навоийлар етишиб чиқишига умидвормиз.

Бунинг учун фақат янги жамият ва мустақилликни мустаҳкамлаб, ёшларимизнинг онгига миллий мафкура ғояларини сингдириб, таълим-тарбия тизимимизни тубдан ислоҳ қилишимиз шарт. Зеро, XXI аср маърифат асри бўлиши табиий.

«Тўққизинчи-ўн бешинчи асрларда, — дейди Ислом Каримов, — маърифатли дунё бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, улуғбекларни қанчалик иззат-икром қилган бўлса, йигирма биринчи асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан қўлга киритишимиз керак. Ҳақиқатда улуғ аждодларимиз асос солган ва оламга донг таратган илмий мактабларни замонавий шаклда қайтадан тиклашимиз лозим.

Такрор айтаманки, бунга таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш билангина эришиш мумкин. Аслида таълим-тарбия соҳасидаги ислохотнинг чегараси ва поёни йўқ. Токи ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўяётган янги-янги талабларга кўра муттасил равишда ўзгариб-янгиланиб бораверади. Фақат биз бу соҳадаги дастлабки қадамларни тўғри қўя олсак, пойдеворни мустаҳкам қилиб барпо этсак, мен шунга ишонманки, бугунги авлод унинг самарасидан баҳраманд бўлажак, келгуси авлод эса бизнинг қилган шу ишларимизни эҳтиром ва миннатдорлик туйғуси билан эслайди».

Ислом Каримов сиёсий ва маърифий фалсафасининг ўзига хослиги шундаки, у таълим масаласига

тор, ёлғиз маърифий-таҳсилый нуқтаи назардангина ёндашмайди. Таълим-тарбия тўғрисидаги қарашлар ва ғоялар жамият ҳаётининг барча соҳалари билан бевосита боғлиқ ҳолда талқин этилади. Зотан, инсон, давлат ва жамият фаолиятининг бирор жиҳати йўқки, у бевосита таълим билан, маърифат, тарбия билан алоқадор бўлмаса. Масалага ана шундай мажмуий ва концептуал типологик яхлит ёндашув таълим-тарбиянинг яна бир бор фавқулодда тақдириломон мақом касб этиш қонуниятини билан боғлиқ. Шу боис муҳокама этилаётган масаланинг мавзуси ва характеридан қатъи назар, деярли ҳар бир йиғилишда, Олий Мажлис сессияларида, турли учрашув ва суҳбатларда Ислом Каримов эътиборни, жумладан, баркамол авлод тарбиясига, таълим ислоҳотлари жараёнларига, натижа ҳамда самараларига, олдинда турган ҳал қилиниши муқаррар вазифаларга қаратади, бу борадаги истиқболли янги ғояларни ўртага ташлайди (жумладан, 2002 йил 18 июлда Вазирлар Маҳкамасида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг 2002 йилнинг биринчи ярми якунлари ва иккинчи ярми вазифаларига бағишланган мажлисда).

Ислом Каримов таълимотида таълим-тарбия мафкуравий жараён сифатида талқин этилади.

Миллий истиқлол мафкурасининг асл мазмунини янгича, эркин фикрлайдиган, мутелик ва журъатсизлик туйғусидан мутлақо холи мустақил инсонни тарбиялаш, деб белгилаган Ўзбекистон Президенти унинг вазифалари сирасига, жумладан, онгимизга маърифат туйғуларини сингдиришдек олижаноб мақсад мавжудлигини таъкидлайди.

Ушбу мақсад йўлида эътибор таълим-тарбия ислоҳотлари босқич ҳамда жараёнларини миллий истиқлол ғоялари билан теран таъминлашга қаратилади.

Зотан, Йўлбошчининг комил ишончи-ла, таълим-тарбия соҳасидаги туб ижобий ўзгаришлар истиқлолча соғлом ғоялар билан йўғрилган тақдирдагина кутилган самарасини, яъни «портлаш эффекти»ни беради. Инсон, авваламбор, ёшлар онгига, унинг дунёқарашига соғлом таъсиргина, маърифатгина фикр қарамлигига, тафаккур қўллигига, манқуртликка, демак, жаҳолатга чек қўя олади. Бугунги кунда эски ва янги мафкураларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан кўра шиддатли тус олган, рангба-ранг, баъзан бир-бирига мутлақо

зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги ғоя ҳамда фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб, қонли тўқнашувларга, оммавий қирғинларга, беҳисоб қайғу-кулфатларга солаётган долғали даврда дунёни фақат ва фақат соғлом ғоялар маърифатигина кутқаради, холос.

Айнан маърифат ягона умумнажот, ягона цивилизация, демак, аниқ истиқболдир!

Дарҳақиқат, мафкуравий бўшлиқ, ғоявий ночорлик, энг аввало, маърифий бўшлиқ ва ночорлик аломатидир. Маърифатли миллат, маърифатли давлат ва жамиятда ҳеч қачон шундай бўшлиққа йўл қўйилмайди.

Ислом Каримов сиёсий-маърифий таълимоти, авваламбор, ана шу мумтоз ва ибратли ҳақиқати билан мўътабар.

Йўлбошчи сиёсий қарашлари, мафкуравий-маърифий таълимотида собиқ ҳукмрон сохта ғоялар аросатидан, онгдаги кулик, мутелик, фикрсизликдан тезроқ халос бўлиш миллатни миллий камолотнинг маърифий жаҳоний кенгликларига олиб чиқувчи ишончли омили эканлиги яна бир бор исботланган. Зотан, Президентнинг комил ишончига кўра, ғояга қарши ғоя билан, фикрга қарши фикр билан, жаҳолатга қарши фақат маърифат билангина баҳсга киришиш, олишиш ва ғолиб чиқиш мумкин, холос.

Давлат бошлиғи таълимотидаги янги қарашлар, ғоялардан жамият қандай фойдаланмоқда? Жумладан, Президентнинг сўзлари билан айтганда, *«ёт ғояга қарши курашда биз ўз олижаноб ғоямиздан қандай фойдаланяпмиз?»*

Хусусан, мактабларда, академик лицейлар ва касбунарс коллежларида, олий ўқув юртлирида, жамиятимизнинг барча қатламларида бизга мутлақо бегона бўлган заҳарли интилишларга, хуруж ва ҳаракатларга биз қандай қарши чақмоқдамиз? Ва бунда нима ни, қандай ғояларни ўзимизга қурол қилиб олмоқдамиз?

Олдимизда турган энг муҳим масалалардан бири — бу одамлар ўз фикрини айтишга, эркин фикрлашга ўрганиши зарур. Яъни фикрга қарши фикр бўлиши керак. Мени кўпроқ безовта қилаётган нарсас ҳам шу. Бу борада қайси мактабда, қайси олий ўқув юртида қандай тажрибалар бор? Ёшларимизни эркин фикрлашга, баҳслашишга ўргатяпмизми?

Учинчи масала — жаҳолатга қарши маърифат. Бу ўринда асримиз бошида халқни маърифат ва миллий уйғонишга чорлаган жадиличлик ҳаракати намояндлари ҳаётини, ижодини, интилишларини ўрганиш, уларнинг бугунги кундаги моҳияти ва аҳамияти ҳақида ҳам гапиришимиз зарур, деб ўйлайман. Уларнинг мероси бугун қайси дарсликка қай даражада киритилган, қандай ўқитилмоқда? Умуман айтганда, маърифий озуқа қандай бўлиши керак? Болаларимиз ўқиётган китобларда маърифат зиёси борми, биз истаётган миллий гурур, миллий мафкура, миллий ғоя уларда етарли даражада акс этганми?

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 550 минг ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда, яъни зиё таратмоқда. Беш миллиондан ортиқ фарзандларимиз мактабларда, турли билим юртларида таълим олмоқда. Уларнинг тарбияси ҳақида ўйлашимиз, ёшларимизнинг бахтли келажаги учун қайғуришимиз, ёш наслимизни миллий ғоя ва миллий мафкура билан қуроллантиришимиз керакми-йўқми?»

Ғояга қарши ғояни, фикрга қарши фикрни, жаҳолатга қарши маърифатни қўйиш учун жамиятда истиқлолча янги онг, тафаккур, маърифат маданияти тарбияланиб, тўла шаклангани ҳолдагина, шахс «Мен» ҳолатига, яъни ўзлигига қайтганидагина, ўзида мафкуравий иммунитетни ҳис қилади, вайронкорлик ғояларини қатъий рад этгани баробарида бунёдкорлик ғоялари эгаси сифатида ядро полигонларидан-да қудратли куч ҳисобланган мафкура полигонларида маърифий соғлом фаолият кўрсатиш неъматига эга бўлади. Президент фармойиши билан «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани айнан ана шундай сиёсий-маърифий мақсадда ўқув режаларига маҳсус киритилди.

Ислом Каримов сиёсий-ғоявий таълимоти билан сиёсий-маърифий таълимоти узвийлигини таъминловчи яна бир омил — бу жамиятда теран сиёсий, юксак ғоявий-мафкуравий ва ҳуқуқий маърифат тарбиясидир. Таълим-тарбия бу тизимда ҳал қилувчи бош омил, умуман, ҳамма жабҳа ва соҳалар учун муштарак бўлган умуммажмуий яхлит қадрият, ягона моҳият мақомини касб этади. Ислом Каримов таълимоти ана шу тариқа табиий универсал феномени билан мўътабарлашади.

Таълим-тарбияга Ислом Каримов узлуксиз жонли

ижодий жараён, мураккаб ҳодиса сифатида ёндашади. Шу боис таълимнинг чеки-чегараси йўқ. «Бешиқдан қабргача илм изла» ҳақиқати моҳияти ҳам шунда. Демак, тарбия каби таълим соҳаси ислохотларининг ҳам чегараси, поёни йўқ. Таълим-тарбия ҳаётнинг мангу абадий ҳамроҳи, мураббий ва бунёдкоридир. Йўлбошчи ўз таълимотида айнан ана шу қонуниятга асосланади: «Токи — деб ёзади Юртбоши, — ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўяётган янги-янги талабларга кўра муттасил равишда ўзгариб-янгилашиб бораверади. Фақат биз бу соҳадаги дастлабки қадамларни тўғри қўя олсак, пойдеворни мустаҳкам қилиб барпо этсак, мен шунга ишонаманки, бугунги авлод унинг самарасидан баҳраманд бўлажак, келгуси авлод эса бизнинг қилган ишларимизни эҳтиром ва миннатдорлик туйғуси билан эслайди».

Демак, ҳар бир халқ миллат сифатида шаклланиб, тарзида ташкил топиб, тарих ва замон воқеаларининг фаол иштирокчисига айланар экан, унинг жаҳон цивилизацияси олдигаги ёки ўз мамлакатигаги мавқеи ҳамда обрў-эътибори доимо шу миллатнинг салоҳияти — ақлий, маънавий потенциалига боғлиқ бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Чунки миллатни миллат қиладиган, унинг номини тарих соҳаларига муҳрлайдиган асосий куч — халқ ва унинг маънавий-маърифий салоҳият потенциалидир. Бу маънавий-маърифий салоҳият потенциалини рўёбга чиқариш ва ривожлантириш мамлакатимиз олдигаги муҳим масала ҳисобланади. Шу сабаб ҳам маърифий-маънавий юксалишнинг асоси бўлган илм-фанга давлат ўз сиёсатининг ўзаги, деб қаради. Ислом Каримов таълимотида ҳам илм — фанга нисбатан шундай қараш устувор. Президентнинг сиёсий-маърифий, илмий-назарий қарашларида оила — мактаб — олий таълим — фан — ишлаб чиқариш тизими таълим — фан — давлат ва жамият иерархияси уйғунлигида табиий муштараклашган. Таълимнинг илм-фан билан яхлитлиги Ислом Каримов сиёсий-маърифий қарашларининг бош фалсафасига айлангани сабабини айнан ана шу муштарак уйғунлик диалектикасидан ва амалиётдан излаш мантиқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси ва раҳнамолигида, бевосита унинг шаклланиб бўлган сиёсий-маърифий таълимоти асосида ишлаб чиқилган янгича таълим модели, «Кадрлар тайёрлаш

Миллий дастури»нинг қабул қилингани негизида бошланган ислоҳот замонавий жаҳоний урфоний тажрибалар билан, миллий таҳсилнинг тарихий ва замонавий сабоқлари уйғунлиги концепцияси билан мумтозлигини ҳаёт бот-бот исботламоқда.

Ўзбекистон таълим модели давр, истиқбол кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ давлат сиёсати унинг амалиёт олдига қўйган талабларга, даъватларга тўлиқ жавоб бераётганини жумлаи жаҳон кўриб, ибрат олиб турибди.

Ислом Каримов таълимотининг миллий-умумжаҳоний қадрияти, аввало, ана шу дунёвий ҳақиқатда бўлди. Бу аксиома, айти пайтда, Миллий дастурнинг дастлабки босқичи яқунлари, тўлиқ ижроси самаралари маҳсули ҳамдир.

Таълим-тарбия тизимининг биринчи сифат босқичи натижалари ана шундай бўлди. Босқич ҳулосаси яхлит ҳолда **икки бош яқун-кашфиёт** билан мўътабарлашади. **Биринчиси** — Ислом Каримов сиёсий ва маърифий ғоя, қарашлари яхлит таълимот сифатида тўлиқ шакллангани, **иккинчиси**, шу таълимот асосида юзага келган таълим тизими ислоҳотларининг янги ҳуқуқий базаси яратилгани, **учинчиси** — кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг бошлангани-ю дастлабки ибратомуз аниқ ютуқларида, **тўртинчиси** — таълим-тарбия туб ислоҳотлари давлат сиёсатининг тақдириломон, ортга қайтмас, истиқболли сиёсатида, миллий тараққиётни таъминловчи устувор йўналишга айланганлигида бўлди. Маърифий-тарбиявий ислоҳотлар ўзининг иккинчи янги сифат босқичига қадам қўйиб, унда белгиланган вазифаларнинг изчил ижроси таъминланила бошланди.

Таълим соҳаси ислоҳотларининг иккинчи ҳал қилувчи босқичи бошланди. Унга ибтидо бўлиб, Миллий дастурнинг 2001—2005 йилларга белгиланган иккинчи босқичи хизмат қилмоқда.

Иккинчи ва учинчи босқичнинг методологик-услубий асоси бўлиб Ислом Каримов сиёсий таълимотининг инкишофи ҳисобланмиш жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш фалсафаси хизмат қилади.

Президент «Ўзбекистон XXI асрга интиломоқда», деган дастурий асарида Ўзбекистоннинг XX аср охири, XXI аср бошлари стратегик тараққиётини белгилаб берди, унинг олти устувор йўналишдан иборат концепциясини тақдим этди. Эркин фикрлаш имконини бериши

муқаррар демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, уларнинг самарадорлигини янада ошириш, Ўзбекистон жамиятини миллий камолотнинг янги цивилизациялашган босқичига олиб чиқиш орқали дунёвий бў-ю бастимизни, қаддимизни баланд кўтаришга сафарбар эркинлаштириш ғояси бевосита маърифий маданиятни фавқулодда юксалтириш вазифасини кўндаланг қилиб қўйди. Олти устувор стратегик йўналишдан биттаси қилиб бевосита кадрлар масаласи қўйилди. Дарҳақиқат, «биз, — деб таъкидлади Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интиломда» асарида, — олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўз ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ.

Олий Мажлис IX сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш, ҳаётга тадбиқ этиш, ҳеч бир муболағасиз, стратегик мақсадларимиз — фаровон, қудратли, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишимизнинг асоси бўлмоғи зарур».

Ана шу устувор йўналиш туб моҳияти билан аслида Миллий дастурни амалга оширишнинг иккинчи ва учинчи босқичларига бевосита дахлдор. Яъни дастурни кенг миқёсда тўлиқ амалга ошириш, тизим фаолиятининг самарадорлигини, меҳнат бозорини инобатга олиб, ижтимоий-иқтисодий шароитдан келиб чиқиб, дастур ғоялари ва қоидаларига зарур ўзгартиришлар киритилишига, босқичларда тўпланган мавжуд тажрибаларни таҳлилий умумлаштириш асосида ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ҳисобига кадрлар тайёрлаш тизимини мукамал такомиллаштириш, ижодий-ташкилий изчил ривожлантириш бош вазифа қилиб белгиланди.

Вазифа ижролари билан боғлиқ йўл-йўриқлар, аниқ чора-тадбирлар Ислом Каримов сиёсий ва маърифий таълимотининг янги назарий-амалий кашфиёти бўлди.

Кашфиётларнинг сиёсий-маърифий фалсафаси Ислом Каримов таълимотининг ўзаги, яъни Йўлбошчининг маърифатга миллий тараққиёт асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч, ягона

нажот, деб қарашида. Юксак маънавиятли, теран ақл-заковатли кишилар тарбиясигина буюк мақсадлар, фаровонлик ва истиқбол омилидир. Ёшлар таълим-тарбиясига давлат сиёсати даражасида қаратилгани, уларда миллий ватанпарварлик руҳини тарбиялаш бош мақсадга айлангани сабаби ана шунда. Ушбу ҳақиқатда Ислом Каримов сиёсий-маърифий таълимотининг инсонпарвар моҳияти тажассум. Йўлбошчининг комил эътиқодига кўра, ўқув жараёнини инсонпарварлаштириш баркамол фозил инсон, демократик фозил жамият, маърифий фозил давлат кафолатидир.

Вазифалар режадагидек амалга оширилмоқда. «Буюк тарих ва маданият юртининг фарзандлари» (И.А.Каримов) юксак маърифат ва улкан салоҳият сари бел боғлашган. Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаш миллий хусусияти бўлган ўзбек, Ўзбекистон улкан ақлий интеллектуал қудрати билан ўз қадрини, қадриятларини, ўзлигини англашдек саодатга эришмоқда, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида мос ва хос ўрнини қонуний эгаллаш учун фавқулодда фидолик, жасорат ибратини кўрсатмоқда, янги цивилизацияга эришмоқда.

Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасида 2002 йил 18 июлда «2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодийетини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва тоншириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилиши тўғрисида»ги «Одамларнинг ташвиш ва орзу-интилишлари билан яшаш фаолиятимиз мезонига айлансин» маърузасида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи босқичини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишларга танқидий баҳо бериб, куйидагиларни таъкидлади:

«Ҳақиқатан ҳам, бу масалада кўп иш қилинмоқда. Шулар қаторида энг асосийси — қисқа вақт ичида мамлакатимизда замонавий ўқув ва ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланган, 216 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган 44 та академик лицей ва 291 та касб-ҳунар коллежи барпо этилди.

Республикамизда 20 та туман ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда 9-синфни битириб чиққан ўқувчиларни янги турдаги таълим муассасаларига тўла жалб этишга эришилгани, айниқса, эътиборга сазовор.

Умумтаълим мактаблари, шунингдек, ўрта-махсус, касб-ҳунар ва олий таълим тизими учун янги давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва ўқув жараёнига жорий этилди. Шунингдек, янги авлод дарсликлари тайёрланмоқда ва нашр этилмоқда. Мамлакатимизнинг 56 та олий ўқув юртида педагог ва муҳандис-педагог кадрлар тайёрлаш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда.

Аммо мавжуд аҳволнинг танқидий таҳлили шуни кўрсатадики, барча бўғиндаги раҳбарларнинг ҳисоботларида, жумладан, кўплаб оммавий ахборот воситаларида ёзилаётганидек, бу соҳада ҳамма иш ҳам кўнгилдагидек эмас.

Мен биринчи галда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ва фойдаланишга топшириш борасидаги ишларнинг аҳволини мутлақо қониқарсиз, деб баҳолаган бўлур эдим.

Хусусан, 2001 йили фойдаланишга топширилиши режалаштирилган объектларнинг бир қисми ишга туширилмади. Бу борада ажратилган капитал маблағлар лимитини ўзлаштириш Бухоро вилоятида 51, Навоий вилоятида 53, Самарқанд вилоятида 60, Тошкент вилоятида 50,6 ва Тошкент шаҳрида эса атиги 35 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткичларни изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Лицей ва коллежларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича тайёрланаётган лойиҳа-смета ҳужжатларининг сифати ҳам жуда кўп эътирозларга сабаб бўлмоқда. Айниқса, қурилиш учун тендер савдолари ўтказиш тартибларининг бузилишига мутлақо тоқат қилиб бўлмайди. Бундай номақбул ҳолатлар Навоий, Фарғона ва Хоразм вилоятларида учрамоқда ва қурилаётган иншоотлар қийматининг қимматлашиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Ҳозиргача кўплаб уюшма ва концернларда коллежларни лойиҳалаш ва қуриш ишлари амалда бошланган эмас. Ҳолбуки, «Ўзбекингилсаноат» компанияси 5 та, «Ўзвотсаноат» ва «Ўзозиқовқатсаноат» уюшмалари иккитадан ана шундай иншоотларни барпо этиши керак. Бу камчиликлар «Ўзёғмойтамакисаноат» уюшмаси, «Ўздон-маҳсулот» корпорацияси, «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» ва «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компаниялари, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига ҳам тааллуқлидир.

Айниқса, янгитдан барпо этилаётган коллежларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратиш даркор. Ҳукуматимиз бу мақсадлар учун зарур маблағларни излаб топмоқда, хорижий кредитларни жалб этмоқда. Айни пайтда, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини бажариш, жумладан, ўқув-лаборатория ускуналарини ўзимиздаги корхоналаримизда тайёрлашни йўлга қўйиш ишлари мутлақо қониқарсиз олиб борилмоқда.

Масалан, «Ўзэлтехсаноат» «Ўзавтосаноат», «Ўзагро-ромашсервис» уюшмалари, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акциядорлик жамияти, Мотор заводи ва Агрегат заводи каби корхоналарда ҳали ҳам ўқув-лаборатория ускуналарини ишлаб чиқариш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилмаган.

Педагог кадрларни тайёрлаш, айниқса, уларни қайта тайёрлаш тизими ҳам талабга жавоб бермайди. Умумий ўрта ва олий таълим тизимидаги курслар, факультетлар, марказлар ва малака ошириш институтлари профессор-ўқитувчиларининг сифат таркиби, моддий-техникавий ва ўқув-услубий базаси Миллий дастур талаблари даражасига мувофиқ эмас.

Бу борадаги яна бир муҳим масала, яъни касб-ҳунар коллежлари мутахассисликлари бўйича давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ишларини жадаллаштириш лозим. Ўзингиз ўйланг, шу пайтга қадар коллежлар учун мўлжалланган 291 та мутахассисликдан фақат 145 таси бўйича мана шундай стандартлар ишлаб чиқилгани ва синовдан ўтказилаётганини қониқарли, деб баҳолаш мумкинми?

Ўрта таълим ўқув юртлири, касб-ҳунар коллежларини янги ўқув адабиётлари, айниқса, умумий касб-ҳунар ва махсус фанлар бўйича дарсликлар билан таъминлаш ишлари ҳам орқада қолмоқда. Ўқув дастурларига мувофиқ умумтаълим мактабларининг 1-9-синф ўқувчилари учун зарур бўлган 672 номдаги дарсликдан бугунги кунда 492 таси нашр этилгани бунга яққол кўрсатиб турибди.

Маълумки, бу борада махсус «Ўзлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси» ишлаб чиқилган. Масалани тўғри ҳал этиш учун барча турдаги ўқув адабиётлари ана шу концепцияда баён этилган талаб ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда тайёрланиши керак.

Ўйлайманки, бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш Миллий

дастурида кўзда тутилган вазифаларни сўзсиз бажаришнинг нақадар муҳимлигини, унинг давлат аҳамиятига эга бўлган стратегик масала эканини тушунтириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Буни барчамиз, биринчи галда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари, буюртмачи ва пудратчилар, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари яна бир марта чуқур англаб олишлари зарур.

Бу вазифаларни адо этиш ҳар биримизнинг эл-юрт олдига, келажак авлодлар олдигаги муқаддас бурчимиздир.

Ватанимиз тақдири, унинг ёруғ келажаги учун ёниб яшашни ўз ҳаётининг маъно-мазмуни, деб англайдиган ҳар бир раҳбар, ҳар бир мутахассис буни доимо ёдда тутиши ва ана шу эзгу ишда фаол иштирок этишни ўзи учун шараф ва ифтихор, деб билиши лозим».

Ислом Каримов сиёсий ва маърифий фалсафасининг квинтэссенцияси бўлмиш «Куч — билим ва тафаккурда» шоири-даъвати яхлит концептуал мундарижаси ҳамда умуминсоний тамаддун моҳияти билан дунёни ҳайратга солди. Умумэтирофга кўра, Ўзбекистон таълим тизими Фарбдаги энг илғор моделлардан қолишмайди.

Бир қанча халқаро ташкилотлар, хусусан, ЮНЕСКО экспертлари Ўзбекистоннинг таълим тизимини Ўрта Осиёдаги энг яхши тизим, деб эътироф этдилар. Баъзилар бундан ҳам ошириб, у МДХдаги энг яхши тизим демоқда. Дунё амалиётида бу моделнинг ўхшаши йўқлиги ва ноёблиги, амалга оширилаётган ўзгаришларнинг кўламдорлиги ва теранлиги таъкидланмоқда (бу — Керолайн Бишоп, Бен Элрод, Уильям Р.О Брайн, Маклин Ньютон, Ф.Фанфанелли каби мутахассислар фикри).

Менинг назаримда, Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларга Ислом Каримовнинг 1999 йил ноябрида Хитойга қилган давлат ташрифи чоғида энг юқори баҳо берилди. Ўшанда Хитой томонининг ташаббуси билан Ўзбекистондаги тегишли ўрта ва олий таълим усулларида Хитойда фойдаланиш хусусида битимлар имзоланди. Хитойликларнинг ҳар қандай ҳодисани реал ва аниқ баҳолаши ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди.

Айни пайтда, жуда кўплаб ривожланаётган давлатлар, жумладан, Россияга ўхшаш МДХ мамлакатлари

учун ҳам ўзига хос ибрат дастури бўлиб хизмат қилаётгани Ўзбекистон таълим-тарбия сиёсатининг намуналигини, истиқболлигини намойиш этмоқда. Давлатимиз бошлигининг таълим назарияси ва амалиётига қўшган шахсан беназир ҳиссаси учун Ўзбекистон Фанлар академияси уни академикликка, шунингдек, АҚШдаги Индустрия, таълим ва саноат Халқаро Фанлар академиясининг фахрий аъзолигига, Сеул, Қоҳира, Боку, Деҳли университетларининг фахрий фан докторлигига, Россия Федерацияси Авиация ва ҳавода сузиш академиясининг академиклигига, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети фахрий профессорлигига, Олий мактаб Халқаро Академиясининг фахрий академиклигига, Г.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академиясининг фахрий докторлигига сайланиши, Япониядаги Васеда университетининг фахрий Олтин медали ва фахрий доктори унвони билан тақдирлангани, мамлакатимиз олий ўқув юртлари билан илмий-ижодий алоқалар ўрнатишиб, молиявий ва бошқа ёрдамларини аяшмаётгани, ўз филиалларини очишаётгани фикримиз исботидир. Жуда кўплаб йирик мутахассисларнинг, жаҳоннинг етакчи университетлари, халқаро академиялар раҳбарларининг Ўзбекистон таълими тажрибаларини ижодий ўрганишиб, унинг ибратли жиҳатларини ўзлаштиришаётганига ўнлаб мисоллар келтирса бўлади. Мана, шулардан бири — Олий мактаб Халқаро фанлар академияси президенти академик Валентин Шукшуновнинг 2002 йил 5 январда «Труд» газетасида «Президент Ислом Каримовнинг «НОУ-ХАУ»си» мақоласи — расмий эътирофи:

«Бир неча муддат аввал Олий мактаб Халқаро Академияси президиумининг иродасига кўра, фахрли вазифа топширилди — мен Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Фахрий академик диломини ва тегишли атрибутларини топширдим.

Президентга бу унвон таълим тизимининг назарияси ва амалиётига қўшган фундаментал шахсий ҳиссаси, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалий ислоҳотидаги хизматлари учун берилди. Дунёнинг бирор мамлакатда кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, мазкур муаммони ҳал қилишга янгича илмий жиҳатдан ёндашиш, бундай кенг кўламли дастурга давлат бошлиғи раҳбарлик қилиши учрамайди.

Кейинги пайтларда биз Ўзбекистонда маънавият, ахлоқ-одоб масалаларига кенг эътибор берилаётганлиги ва ҳаётга жадал татбиқ этилаётганлиги ҳақида кўп эшитамиз, ўқиймиз. Эндиликда эса буни амалда кўриш имконига эга бўлдик. Уларнинг шаклланиши ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий фанларни чуқурроқ ўзлаштириш, жамият олдида турган муҳим муаммоларни ҳал қилиш, нафақат мутахассисни, балки Шахсни тарбиялаш имконини беради. Биз ҳозир Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишларнинг моҳиятини тушунаёпмиз.

«Ислохотлар сиёсати» тушунчаси дунёнинг турли мамлакатларида, айниқса, МДХ мамлакатларида кенг қўлланмоқда. Бироқ унинг дастлабки маъноси ўзгариб кетди. Ҳозирги кунгача ислохотларнинг моҳияти фуқаролар ҳаётини яхшилаш эканлигини ҳамма ҳам тушунавермайди. Шу сабабдан Ўзбекистондаги «Ислохотлар инсон учун» шиори, бизнингча, объектив реалликдир.

Президент Ислон Каримов демократик, адолатли фуқаролик жамиятини қуришнинг асосий тамойилларини белгилаб берар экан, таълим тизимининг ривожланиши ва ёш авлодни тарбиялаш энг муҳим устувор йўналиш эканлигини таъкидлади. Иқтисодиёт, сиёсат ва ижтимоий соҳадаги барча ислохотларнинг асосий мақсади инсон, унинг фаровонлигидир. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг асосида мана шу тамойил ётади.

Буюк келажак сари интилишда ва Президент Ислон Каримовнинг ислохот соҳасидаги фаолияти туфайли инсон шахсини тан олишга, қонунлар, аҳолининг ижтимоий ҳимояси, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига йўналтирилган тадбирлар тарихан ўз-ўзини оқлайди.

Қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ўзининг кенг қўламлилиги ва моҳиятига кўра, муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, иқтисодиётнинг, давлатнинг ва жамиятнинг ижодий тараққиётини таъминлайди.

Дастур, нафақат, таълим соҳасини яхшилаш ва юқори малакали мутахассисларни тарбиялашга, балки мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий муҳитни ўзгартиришга доир йирик ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишга, жамият имкониятларини рўёбга чиқаришга йўналтирилган.

Яқинда сиёсий мустақилликка эришганига қарамасдан, Ўзбекистонда таълим тизими қадимий анъаналарга эга. Дунё маданияти маърифатпарварларининг «Олтин фонди»да, буюк олимлар қаторида Шарқ мутафаккирларининг ўз ўрни бор. Булар Улуғбек, Ибн Сино, Ал-Форобий, Ал-Фарғоний, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Бериуний ва бошқалардир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг узлуксиз таълим тизимига янги давлат таълим андозалари жорий этилмоқда. Уларда мутахассисларга қўйиладиган интеллектуал, маънавий-ахлоқий, фундаментал илмий ва касбий малакалар белгиланган, шахс ва жамиятнинг бирлиги қайд этилган.

Икки йил ичида Ўзбекистоннинг турли вилоятларида замонавий жиҳозланган 250 га яқин академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ташкил этилди. Мен қатор янги таълим муассасаларида бўлиб, уларда энг илғор технологиялар, энг янги педагогик усуллар қўлланилаётганлигининг гувоҳи бўлдим. Ёш ўқитувчилар ва раҳбарлар яхши таассурот қолдирди. Масалан, Тошкент қурилиш коллежи директори, техника фанлари доктори экан.

Айнан академик лицейлар ва техник коллежлар анъанавий ўқув муассасалари билан биргаликда таълим тизимининг узлуксизлигини таъминлайди.

Тошкент ва Бухорода кўрганларим ўзининг динамизми, мутахассислар тайёрлаш сифати билан мени ҳайрон қолдирди. Ҳа, Ўзбекистон, ҳақиқатдан ҳам, ўзига хос таълим «Маккаси» бўлиб қолди. Бу ерда кўп нарса ни урганиш, кўриш, бошқа мамлакатлар миллий таълим тизимларида муваффақиятли қўллаш мумкин.

Республикада иқтидорли болалар ва ёшларни чет элда тайёрлаш бўйича фаолият амалга оширилмоқда. Бунинг учун махсус «Умид» жамғармаси ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда кўплаб ўзбекистонлик талабалар чет элнинг нуфузли олий ўқув юртларида таълим олмоқда. Махсус ташкил этилган «Устоз» жамғармаси ёш ўқитувчиларнинг чет элларда таълим олишига ёрдам беради.

Олий ўқув юртлари, ўрта махсус ўқув юртларида АҚШ, Германия, Англия, Франция, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатларнинг етакчи профессорлари дарс бермоқда.

Ўзбекистонда 1998 йилда таълимга сарфланган ха-

ражатлар ялпи ички маҳсулотнинг 7,6 фоизини, 1999 йилда эса 8,1 фоизини ташкил этди. Дунёнинг айрим мамлакатларигина бундай кўрсаткичларга эга. Менимча, келтирилган рақамларнинг ўзи кифоя. Чунки бу объектив ҳақиқатдир.

Президент ўз китоблари, мақолалари, нутқларида таълимнинг устуворлигини, уни демократлаштириш лозимлигини таъкидлайди. Ўзбекистон таълимнинг ижтимоийлаштирилиши тарафдоридир. Бу эса дунёнинг яхлит манзарасини, юқори маънавиятини ва дунё миқёсида фикрлашнинг шакллантирилишини тақозо этади, бошқа мамлакатлар таълим тизимини ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Тараққиёт омиллари тобора тезроқ ўз моҳиятини ва тарихий жараёнга таъсирини ўзгартирмоқда. Яқин ўн йилликларда, умум сайёра кризиси натижасида илгари маълум бўлмаган ва ниҳоятда муҳим муаммолар юзага келгач, таълим тизимини, илм-фан ва технологияларни ривожлантиришга аҳамият бериб, маблағ ажратаётган мамлакатлар ютади. Маълумки, СССРнинг коинотдаги ютуқларига жавобан АҚШ НАСАга кўпроқ маблағ ажратиш ўрнига, таълим тизимига ажратиладиган инвестицияларни бир неча маротаба кўпайтирди. Ишончимиз комилки, тараққиёт йўлидан олға бораётган давлатлар сафидан кадрлар тайёрлаш бўйича ноёб, яхлит дастур ишлаб чиқиб, ҳаётга жорий этаётган Ўзбекистон Республикаси ҳам жой олади.

Олий мактабнинг Халқаро фанлар академияси жаҳон амалиёти томонидан тўпланган миллий таълим тизимлари тажрибасини ҳар томонлама ўрганиб, фойдаланар экан, шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ўз аҳамиятига кўра, ниҳоятда ноёб бўлиб, энг юқори халқаро талабларга жавоб беради.

Шу билан бирга, қуйидагиларни қайд этмоқчиман. Ўзбекистоннинг таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича давлат сиёсатининг юритилиши, кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўзига хос «ноу-хау»сидир. Бундай тажрибадан ижтимоий-иқтисодий, демографик шароити, маданий-тарихий урф-одатлари ўхшаш бўлган мамлакатлар фойдаланиши мумкин».

Мустақил Ўзбекистон таълим-тарбия тизими шаклланиши ва ривожининг ҳозирги уч bosқичи ўзининг

услубий-методологик, илмий-назарий асос-манбаларидан бири бўлган Ислоом Каримовнинг сиёсий ва маърифий таълимоти (конституциявий-ҳуқуқий, тарихий-замонавий методологик асос-манбалар қаторига) негизида қутилган амалий самараларини бермоқда. Йўлбошчи ва унинг давлати, халқи орзу қилган ижобий маънодаги «портлаш эффекти» юз бера бошлади. Жараён ташкилий-ижодий жиҳатдан қизғин устуворликда кечмоқда. Жамият ўз Йўлбошчиси раҳнамолиги ва ташаббускорлиги ўлароқ, Миллий дастурни қандай қилиб янада мукаммаллаштириш, қандай қилиб собитқадамлик-ла қўзланган мақсад — «портлаш эффекти»га тўлиқ эришиш имкониятларини, имтиёзларини изламоқда. Гарчи таълим ислоҳи узоқ давом этадиган табиий ижодий жараён бўлса-да, имкониятлар топилмоқда, имтиёзларга эришилмоқда. Ислоом Каримов сиёсий-маърифий таълимотининг амалий ижроси ана шу тариқа истиқболлик касб этмоқда.

Таълим ислоҳоти миллатни, халқни демократик ўзгаришлар, янги жамият барпо этиш йўлидан дадил етакловчи, барчамизни ҳаракатлантирувчи ички кучга, ботиний қудратга, табиий эҳтиёжга айланди. Ислоом Каримов таълимоти берган, бераётган ва беражак буюк неъмат ана шундай бўлди, бўлмоқда.

Ислоом Каримов сиёсий-маърифий фалсафаси унинг **«XXI аср маърифат асри бўлади»**, деган қатъий комиллигидан келиб чиқди. Бу комиллик «фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт» ҳақиқатига, **«биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз»** эътиқодига асослангани билан мўътабар.

Ислоҳотлар инсон учун тамойилига асосланган ижтимоийлашган Ўзбекистон таълим демократияси, кадрлар тайёрлашнинг тубдан янги, жаҳонда мавжуд бўлмаган муқобилсиз ноёб тизими Ислоом Каримовнинг сиёсий, илмий тафаккури натижаси, илмий мардлиги ва сиёсий-маърифий жасоратидир. Уни Ислоом Каримов таълим демократияси, деб аташ адолатлидир.

Зотан, буюк давлат истиқболи, аввало, «Куч-билим ва тафаккурда!», деган ҳақиқатда.

ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ БУЮК ДАВЛАТ АРБОБИ

*Бугун биз Ўзбекистонни
Марказий Осиёдаги стратегик
ҳамкоримиз сифатида биламиз.*

Жорж Буш,
АҚШ Президенти

Тошкент. 1999 йил 16 февраль...

Нью-Йорк. 2001 йил 11 сентябрь...

Макон-да, вақт-замон-да ҳар хил. Замину қитъа-да ҳар хил. Лекин қисмат битта. Фожиа бир. Кўз ёш айнан. Бегуноҳларнинг ўхшаш заволи-тақдири муштарак...

Ҳа, вақт ва жуғрофий масофадаги фарққа қарамай, 16 февраль Тошкенти билан 11 сентябрь Нью-Йорки, Вашингтони фожиалар бир-биридан фарқсиз эмас эди. Ўнлаб, юзлаб одамлар умрига заволи бўлган ички ва ташқи террорчилик моҳиятан айнан муштарак қабоҳат сифатида замону маконларни ана шу тариқа ўзаро бирлаштириб турар эди. Терроризм нималигини тақдирида жисму жони, руҳи-равони билан кечинган Ўзбекистон Америка кечинмаларини бошқалардан кўра яхшироқ ҳис қилар, англар эди. Айнан ана шу ҳақиқат икки давлатни, икки халқни бир-бирига ҳамдарду ҳамроз қилган бош омил бўлгани аниқ. Лекин асосий аниқлик аҳлининг, жаҳон ҳамжамиятининг ниҳоят тушунганида, англаганида бўлди. Аммо бу англашув, Ўзбекистонни тушуниш анча кечиккан эди: дунёнинг Америкадек улуғ давлатига, америкаликка жуда қимматга тушди. Ўзбекистоннинг жаҳон аҳлига ўз йўлбошчиси тилидан узлуксиз мурожаату даъватлари тилда хайрихоҳлик, амалда беписандлик билан хотима топаверди. То бошга тушганни кўз кўрмагунча бенаволик давом этаверди...

Санокли дақиқалар иди минглаб кишилар ҳаётига зомин бўлган 11 сентябрь фожиаси ер юзидаги барча миллату халқларнинг кўзини даҳшатли ҳақиқатга очиб юборди. Лекин ушбу халқаро тажовузлик «сценарийси» муайян минтақалар, асосан, Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон «сахна»ларида бот-бот «ўйналиб» турган эди. Бу «сахналар» аслида халқаро «сахна»ларолди «машқ», «репетицияси» эди...

«Машқ» нималигини Ўзбекистон билар, яхши би-

лар эди. Терроризмга қарши курашда бирдам бўлиш чорлови минтақада ва дунёда Каримов Ўзбекистонига тегишли бўлганлиги сабаби, сабаблари бисёр эди.

На миллати, на кенти — макони бўлмаган, Курраи-заминнинг турфа минтақаларида тинимсиз бош кўтараётган, даҳшатли бу «вабо» умумбашар цивилизациясига аниқ хатар эканлиги, унга қарши курашда жаҳон ҳамжамияти яқдилу яктан бўлиши муқаррар эканлиги, бир минтақадаги террорчилик бошқа қитъа-ю минтақаларга ҳам заволлиги, афсус, кеч тушунилди. Агар Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг 1993 йил БМТ Бош Ассамблеяси 48-сессиясидаги нутқида, 1997 йил нашр этилиб, дунёнинг кўп мамлакатларида чоп этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг 1999 йили бўлиб ўтган Истанбул саммитида, БМТ Бош Ассамблеясининг «Минг йиллик саммити» ҳамда бўлак ўнлаб нуфузли халқаро анжуманларда жаҳон жамоатчилигини Афғонистон ҳудуди миллий ва халқаро террорчиликнинг хавfli ўчоғига айланиб қолаётгани ҳақида бот-бот огоҳ этиб, бу машғум хатарга биргаликда курашиш борасидаги амалий таклифлари, ташаббусларига, шунингдек, 2000 йил августида Олий Мажлиснинг Жаҳон парламентлари ва халқларига Мурожаатнома қабул қилиб, барча давлатларни бутун маърифий дунёни халқаро террорчиликка қарши курашда бирлашишга чақирганига вақтида кулоқ солинганида 11 сентябрь фожиалари рўй бермаслиги аниқ эди. Афсуски, дунё ҳамжамияти халқаро террорчиликнинг реал хавфи тўғрисидаги бундай даъватларга етарлича эътибор бермади.

Террорчилик авж олган айрим давлатлар сингари Ўзбекистон ҳам бу ёвуз «вабо» билан, асосан, ёлғиз ўзи юзма-юз қолган, «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра», деган шафқатсиз хулосага келган эди.

Бундай хулосага келишнинг ўзи бўлмаган эди. Фактлару омилларга, тарихий сабоқларга мурожаат этиб, таҳлилий умумлашмалар қилишга тўғри келади.

Глобаллашиш сиёсати парадоксал қонуниятларни кашф этмоқда, Дунёвий урушлар хавфи аниқлиги ўрнини минтақавий можаролар, халқаро терроризм, жумладан, сиёсий ва диний экстремистик ниқобдаги тер-

рорлар, халқаро уюшган жиноятчилик эгаллапти. Ва улар борган сари турли шаклу шамоийл касб этиб, муайян давлатлару минтақалар доирасидан чиққанича, бутун дунёдаги барқарорликка таҳдид солаяпти. Вайронкорлик манбаи сифатида XXI аср ибтидоси тараққиётини мураккаблаштириб, инсоният бошига даҳшатли кулфатлар солаяпти, умумбашар цивилизациясининг дунёнинг яқинлашуви, маънавий муштарак юксалишидек янги сифат босқичига тўсқинлик қиляпти. Ички ва халқаро террорчилик, уюшган жиноятчилик, турфа кўринишдаги экстремизм сиёсий ва шахсий ёвуз мақсад-моҳиятлари билан аниқ глобал вайронкорлик кучига айланиб бораётганлиги, афсуски, XXI аср ибтидосининг шафқатсиз реаллиги бўлиб қолмоқда. Нью-Йорк ва Вашингтонда рўй берган 11 сентябрь кўпоровчилиги, Индонезия, Москвада, Ўзбекистон ва Қирғизистон тоғларида содир этилган воқеалар бунинг реал исботидир. Айнан шу сабаб халқаро терроризмга қарши курашда доимо сафарбар, доимо огоҳ бўлишимиз, шубҳасиз, дунё миқёсидаги энг муҳим, энг долзарб тақдириломон муаммолигича қолаётганлиги табиийдир.

Жаҳоннинг турли худудларида рўй берган, бераётган террорчиликнинг ёвуз кўринишлари тобора кучайиб бораётганлиги, гуноҳсиз одамларни ўлдириш, гаровга олиш, бинолар ва турар жойларни портлатиш, босқинчилик, кўпоровчилик каби мисли кўрилмаган жиноятлар орқали тинч ҳаётни издан чиқариш, зўравонлик, кўрқитиш билан ўз қабиҳ мақсадларига эришишга қаратилган тажовузлар шафқатсиз тус олмоқда.

Хўш, терроризм илдишлари билан боғлиқ муайян омиллар сабаблари нима? Саволга жавоблар Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Эгали юрт эркини бермас», «Биз учун халқимиз, Ватанимиз манфаатидан улуғ мақсад йўқ» асарларида концептуал яхлит таълимот сифатида мавжуд. Жумладан, Йўлбошчининг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясидаги «Биз учун халқимиз, ватанимиз манфаатидан улуғ мақсад йўқ» нутқида ушбу омиллару сабаблар кўйидагича бирма-бир таҳлилий умумлаштирилган:

Биринчидан, бундай зўравонлик намоишлари илгари ўзаро боғлиқ бўлмаган ҳолда, дунёнинг турли мин-

тақаларида ўзининг манфур башарасини кўрсатиб келган бўлса-да, эндиликда ана шу қабиҳ ҳаракатларнинг бир-бири билан тобора чамбарчас боғланиб кетаётганини англаш қийин эмас.

Бошқача айтганда, гарчи террорчилик ҳаракатлари бошқа минтақа ва давлатларда амалга оширилаётган бўлса-да, бугунги кунда уларнинг барчаси бир занжирга боғлангани, бу тажовузлар ортида катта маблағ, катта кучга эга бўлган, маълум марказлардан бошқариладиган экстремистик кучлар ва ташкилотлар борлиги очиқ-ойдин кўриниб турибди.

Бундай марказларнинг террорчи тўдаларни уюштирадиган, уларни маблағ билан таъминлайдиган, қуроллантирадиган, ваҳшиёна жиноятларга сафарбар этадиган, нафақат, айрим минтақа ва қитъаларга қарши, балки бутун дунё, бутун инсониятга қарши ёвуз режалар тузаётган мудҳиш кучга айланиб кетаётганини инкор этиб бўлмайди.

Иккинчидан, кўпгина давлатлар ва уларнинг раҳбарлари дунёдаги соғлом сиёсий кучларнинг бош кўтариб келаётган мана шундай хавфли одатга охирги пайтда эътибор бермагани ва қатъият билан кураш олиб бормагани.

Айрим сиёсатдонлар, давлат арбоблари ва раҳбарларининг бу хавф-хатарнинг жирканч башарасини сезган бўлсалар-да, унинг эртанги аниқ зарар-зулмини англашган бўлишсалар-да, бу даҳшатли ёввойилик бизлардан узоқларда содир бўлаяпти, бизни четлаб ўтаяпти, деган хаёлларда юришгани аччиқ ҳақиқат эди.

Бундай калтабинлик, ўйинларнинг яна бир кўриниши — мана шу террорчи жоҳиллар ва уларнинг орқасида турган кучлар билан тил топишга уриниш, сен менга тегма, мен сенга тегмайман, деган сиёсатни олиб бориш ҳолатлари кишини ҳайратда қолдиради.

11 сентябрь воқеаларидан сўнг вазиятнинг ўзгаргани туфайли бундай арбоблар ўзларининг терроризмга қарши доимо ашаддий курашчи бўлганини ҳар қадамда кўрсатишга ҳаракат қилишлари ҳам бугун ақли расо кузатувчиларнинг назаридан четда қолмаяпти.

«Учинчидан, — деб таҳлилий умумлашмасида давом этади давлатимиз бошлиғи, — тобора кучайиб, XXI аср вабоси бўлиб бораётган терроризм офатининг ҳар қайси мамлакат, ҳар қандай халқ ҳаётига таҳдид солиши мумкинлиги, энг кучли, энг қудратли, энг

ривожланган давлатлар ҳам унинг зарбасидан четда қололмаслиги бугунги кунда халқаро жамоатчиликка аён бўлмоқда».

Тўртинчидан, бу даҳшатга қарши халқаро ҳамжамият, биринчи гада, қудратли маърифий давлатларнинг кучларини бирлаштириб, бир ёқадан бош чиқариб курашиш зарурлигига, бу балодан, нафақат унинг кўри-нишларини, балки, бу балонинг орқасида турувчи марказларни ҳам тағ-томири билан қўприб, супуриб ташлаш билангина қутулиш мумкинлигига жаҳон жамоатчилиги бот-бот иқрор бўлмоқда.

Мана шундай қарорга келган давлатлар, ниҳоят, терроризмга қарши кураш йўлида коалиция тузиб, баҳамжиҳат бўлиб, ўзининг барча куч ва имкониятларини бирлаштирдилар.

Энг муҳими, И.А.Каримов таъкидлаганидек, қайси миллат ёки қайси динга мансублигидан қатъи назар, жаҳоннинг барча халқлари ва элатлари бугун терроризмга нисбатан ўз муносабати, ўз нафратини билдирмоқда.

АҚШда содир этилган фожиали воқеалар жаҳон харитасидаги кўпчилик давлатлар учун кутилмаган, даҳшатли ҳодиса бўлган бўлса, биз бу бало-қазо билан анча илгаридан буён тўқнашиб келамиз.

Ўзбекистон террорчиликнинг жирканч қиёфасини ўз остонаси, ҳудудида аввалроқ кўриб, бутун дунё аҳлини огоҳлантиргани, бу офатнинг олдини олиш энг долзарб муаммога айланиб кетаётганига даъват этиб, кўп-кўп мурожаатлар қилганини жамоатчилигимиз яхши билади.

Агар терроризм бугун бизнинг юртимизга таҳдид солиб турган бўлса, эртага у вабо бошқа ҳудудларга ҳам тарқалиб кетиши, бошқаларнинг ҳам уйини ёндириши, агарки, худо кўрсатмасин, уларнинг қўли кимё ва бактериологик ёки ядро қуролига етиб борса, жаҳон миқёсида ўлчаб бўлмайдиган талофатлар етказиши мумкинлиги ҳақида қайта-қайта бонг урганимизни бугун яна бир бор эслатиб ўтиш ўринлидир.

Ўзбекистон ўз Президенти номидан қаерда бўлмасин — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ёки Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти бўладими, бошқа халқаро анжуман ва учрашувлар, сиёсий чиқишлар бўладими — ҳамма жойда, эй одамзот, бу балои азимга бепарво бўлиш мумкин эмас, унинг мил-

лати, дини, чеки-чегараси йўқ, деб бу масалага халқаро жамоатчилик эътиборини қаратишга доимо ҳаракат қилиб келганини юқорида таъкидладик.

Ҳа, Ўзбекистон 11 сентябрь фожиаларигача терроризм ва диний ақидапарастлик ёвузлиги билан ёлғиз ўзи юзма-юз қолган эди. Бунинг сабаблари анчагина эди. Улардан, назаримизча, асосийси Марказий Осиёни халқаро террорнинг нишонига айлантириш орқали ёш мустақил давлатлар ва минтақалар — геосиёсий майдонни ўз таъсир доирасида сақлаб қолиш, яъни ўз ҳукмронлигини бўйсундириш, дунёни сиёсий-ғоявий, мавкуравий жиҳатдан янгидан бўлиб олиш. Бу ёвуз мақсад турли мазмундаги ниқоблар остида ташкилий-моддий, ғоявий-мавкуравий таъминланмоқда. Энг хавфлиси — жараён борган сари мураккаблашиб, жуғрофияси кенгайиб, аниқ сиёсий мақом касб этмоқда, ташкилий жиҳатдан уюшиб бормоқда. Фикримизнинг ислом дунёси ва минтақамиз билан бевосита боғлиқ «Бутунжаҳон жиҳод fronti» ҳамда «Ал-Қоид» ташкилотларининг кирдикорлари, жумладан, АҚШдаги ва бошқа минтақалардаги террорчилик ҳаракатлари ҳам тасдиқлайди.

Ушбу ҳаракатлар асримиз сўнггида рўй берган «Ислом уйғониши», «Қайта исломлашиш», «Ислом феномени» сингари атамалар-ла аталаётган, янги маънавий юксалиш билан ниқобланаётган ички ва ташқи террорчилик, диний экстремизм ҳамда фундаментализм, халқаро уюшган жиноятчилик каби кескин ҳодисалар мазмунан носоғлом, ақлга сиғмайдиган ёвуз эътиқод хавфини кучайтирди, ислом динига алоқасиз сиёсий ва бошқа тажовуз мақсадларни (жумладан, бизнинг танлаган йўлимиздан ортга қайтариш) юзага келтирди.

И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлар ва тараққиёт кафолатлари» асарида халқаро террорчилик, уюшган жиноятчилик ва диний экстремизм хавфидан, ёвуз кучларнинг бу хатарларни минтақамизга ёйишга уринаётганидан жамиятни анча олдинроқ огоҳ этган эди. Афсуски, Йўлбошчимиз «Эгали юрт эркини бермас» асарида таъкидлаганидек, юртимиз минтақамиз каби бу ёвузликлардан четда қолмади. Сариосиё ва Бўстонлиқ туманларидаги воқеалар рўй берди...

Ушбу ёвузликлар 16 февраль Тошкент воқеаси, қўшни Қирғизистондаги Боткен ҳодисалари, Индоне-

зия, Москвадаги қўпуровчилик силсиласида халқаро террорчилик, уюшган жиноятчилик ва диний экстремизм биз учун ҳам, қўшниларимиз учун ҳам, бутун дунё учун ҳам реал хавф эканлигини яни бир бор тасдиқлади. Уларнинг олди тўлиқ олинмаса, душман охиригача яксон этилмаса, оқибати ёмон бўлишини жамият, минтақа, бутун дунё яна бир бор кечинди.

Бунинг исботини Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон Республикалари давлат бошлиқлари ва РФ Президенти махсус вакили иштирокида ўтган учрашув, террорчилик, сиёсий ва диний экстремизм, халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳамда минтақа давлатларига таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларнинг олдини олишга қаратилган ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, учрашув иштирокчиларининг баёноти, шунингдек, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессиясидаги Ислом Каримовнинг «Эгали юрт эркини бермас» маърузаси мазмунларида ҳам яққол кўриш мумкин.

Мудҳиш воқеалар таҳлили ва талқини уларнинг асл моҳиятига, мақсад-мазмунига назар ташлашни тақозо этади. Хўш, улар қанақа?

Маълумки, террорчилик шаклан ички ва халқаро террорчиликка, мазмунан бирор мамлакат сиёсатига зўравонлик билан таъсир кўрсатиш, давлат раҳбарлари, дипломатик ваколатхона аъзоларига қарши уюштириладиган қотиллик, жиноят орқали халқаро муносабатларни чигаллаштириш, уруш чиқариш учун ифво қилиш, вазиятни беқарорлаштириш, давлат органлари томонидан қарор қабул қилишга таъсир кўрсатиш, сиёсий ёхуд бошқа ижтимоий фаолиятга тўсқинлик қилиш каби кўринишларга эга бўлишса-да, моҳияти битта — сиёсий мақсад ва унга етиш! Боткен, Сариосиё, Узун ва Бўстонлиқ туманларидаги террорчилик ҳаракатлари ҳам ушбу сиёсий мақсаддан бебаҳра эмас эди. Шу нуқтаи назардан халқаро террорчиларнинг мазкур маконлардаги ёвузликларидан кўзланган бош мақсад — наркотик моддалар ва қурол-яроқ транзитини йўлга қўйиш, улар йўналишларини излаш орқали Марказий Осиё ҳудудини халқаро наркотик контрабанданинг узвий ҳалқасига айлантириш, Афғонистон — Марказий Осиё — Россия (МДХ) — Оврупо халқаро наркочанал йўлини очишдан иборат, деган қараш моҳиятан юзаки хулоса ҳисобланади. Террорчиликнинг ҳар қандай кўриниши

моҳиятида, асосан, сиёсий мақсад устувор эканлигини эсдан чиқармаслик лозим. Наркоканал йўлларини излаш ва топишдан муддао — бойлик. Бойлик эса, асосан, қурол-яроққа, ёлланма кучларга, ўз таъсир доираларини кенгайтиришга, қўпоровчилик, зўравонликка сарфланади. Шу йўллар орқали террорчилар ўзларининг асл мақсадлари — қўпоровчилик ва куч-қурол орқали муайян минтақаларда мавжуд сиёсий тизимни, давлатнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини ўзгартиришга, ҳокимиятни зўравонлик билан қўлга олишга, минтақани сурункали хуруж маконига айлантиришга интиладилар. Боткен, Сариосиё, Узун ва Бўстонлик туманларидаги воқеалар ҳам ана шу ёвуз сиёсий мақсад оқибати эди. Террорчилар мансуб кучларни «Ўзбекистон ислом ҳаракати», «Ўзбек исломчилари», «Фарғона ислом халифати», деб расман аталаётгани ҳам бежиз эмас. Муқаддас Ислом, муқаддас дин демократия, Йўлбошчимиз «Эгали юрт эркини бермас» китобида уқтирганидек, террорчиларнинг қабиҳ сиёсий нияти учун бу бир ниқоб, холос.

Террорчилик билан боғлиқ ёвузликни бирор йўл билан, жумладан, сиёсий жиҳатдан мутлақо оқлаб бўлмаслигига кўҳна мозий бот-бот гувоҳ. Шу нуқтаи назардан тоғлардаги халқаро террорчиликни сиёсий жиҳатдан оқлаб кўрсатишга уринган хорижий оммавий ахборот воситалари, муайян арбоблар — демократларнинг хатти-ҳаракатлари, шунингдек, Афғонистондаги толибонларга нисбатан Халқаро ташкилотлар — БМТ Хавфсизлик Кенгаши, ЕХХТ, Ислом конференцияси Ташкилоти, НАТОнинг лоқайдлиги, қуруқ баёнотлар билан чекланиб қолганлиги кишини таажжубга солар эди. Би-Би-Си, «Озодлик» радиостанциялари, Россиянинг айрим оммавий ахборот воситалари жиноий террорчилик гуруҳларини қўллаб-қувватлаётганлигини, АҚШ Давлат Департаменти вакили Ричард Баучернинг «босиқ бўлиш лозим», деган даъвати ўшанда ақлга сифмасди... Ҳолбуки, мустақил давлатнинг конституциявий тузумига, уни куч билан ағдариб ташлашга аниқ хавф юзага келган, давлатнинг расмий чегаралари бузилган, ундан қурол билан ўтганларга, тинч аҳолига уруш очган душманларга ҳамма замонларда, мамлакатлар, айниқса, демократик давлатлар Конституциялари ва қонунларида ҳарбий — уруш қонунлари кучга кириши кўзда тутилган. «Темур тузуклари»да душ-

манларга шафқат қилмаслик, уларни илдизи билан қуритиш давлат тинчлиги ва барқарорлиги кафолати эканлиги бот-бот таъкидланади. Н.Макиавелли сиёсий фалсафасида «*давлат ҳокимияти душманларини ҳукмдор йўқ қилиб ташлаши лозим. Ҳукмдор бундан қўрқмаслиги керак*», деган даъватлар бор.

Хусайн Байқарога қарши Ёдгор Мирзо кўзғолон кўтаради. Мирзони инсофга келтириш, йўлдан қайтаришнинг ҳеч иложи қолмайди. Шунда Алишер Навоий тадбир ишлатишга мажбур бўлади: кечаси махфий ҳолда Ёдгор Мирзони асир олади. Қўл-оёғини боғлаб, одамлари олдига олиб чиқади. Ана шу тариқа урушнинг олди олинади. Демак, ёвуз террорчилик, урушларда на сиёсий йўллару музокаралар, на келишувлар бўлиши мумкин эмас. «Ранжиган муҳолифат» ҳам, уларнинг ҳомийлари-ю шотирлари ҳам бот-бот инсофга чақирилди. Шотирларининг аксар қисми кечирилди. Келишув ҳам, музокаралар ҳам, кечиримлик ҳам энди тугади. Энди уларни шафқатсиз йўқотиш қолди, холос. Энди суд йўқ. Уруш қонуни шундай! Адолат талаби шунақа! Урушда муҳаббат, шафқат бўлмайди. Душман йўқотилмас экан, у ҳамиша душманлигича, ўч олиш ташналигича қолади, қолаверади. Жиноят ҳуқуқи террористик актни давлатга қарши алоҳида хавfli жиноятлардан бири сифатида қараб, оғир одил жазолар белгилагани бежиз эмас.

АҚШда 2000 йил август куни собиқ Президент Билл Клинтон мамлакатнинг Кения ва Танзаниядаги элчихоналари портлатилганига икки йил тўлиши муносабати билан қилган баёнотида «АҚШ ўз манфатларини бутун ер юзида кенг, энг кескин чоралар воситасида ҳимоя қилишга қодир», дегани, шу мақсадда, жумладан, ўшанда Бин Ладен Афғонистонда яшаб турган тахминий жойни ҳеч иккиланмасдан портлатганини тушунса бўлади...

Сариосиё, Узун ва Бўстонлиқ туманлари воқеалари фашистик террор бўлиб, у бизни гафлатда қолдирмади. Давлатимиз бошлиғи бундай хавфлардан, тузумимиз ва идеалларимиз душманлари хуружларидан ҳаммани ҳамиша огоҳ этиб келаётгани сабабли душманларга шафқатсиз зарба берилди. Айни пайтда, воқеалар таҳлили муайян сабоқлар ҳам берди. Мана, улардан айримлари:

1. Мустақил дунёвий давлатимизга қарши ташқи кучлар томонидан бошқарилаётган ва йўналтириб ту-

рилган, чуқур ўйланган аниқ мақсадли кураш ҳамон тўхтагани йўқ. Гап бу ерда қандайдир ички сиёсий кучларнинг ўзаро ғоявий қарама-қаршилиги устида эмас, балки қамрови ва миқёси минтақамиз доиралари билан чекланмаган даҳшатли глобал мақсаднинг ошкора намоёни хусусида кетар эди. Мақсад йўлида на молиявий-моддий воситалар, на инсоний захиралар, на эътиқоди тўлиқ шаклланмаган бир қисм ёшларимизни ўз тарафларига оғдириб олишнинг мавжуд яхлит тизими — ҳеч нарса аялмаяпти ҳам. Айни пайтда, «диндорлар», «дўстлар» ниқоби остидаги халқаро экстремистик ва жинойт террорчилик гуруҳлари, ёлланма жангарилар тўдаларини бундан кейин ҳам ишга солиш хавфи ҳамон мавжудлигича қоляпти. Уларнинг мамлакатимиз жанубий чегараларига бостириб киришлари ўзига хос сиёсий-ҳарбий манёвр — кучлар синови, ўзбекистонлик аскарлар ва фуқароларнинг тайёргарчилигини, оғир тоғ шароитларида уруш олиб боришга қодирлигини синаб кўриш, айни пайтда, юртимизнинг бошқа минтақаларига бостириб кириш учун доимий ҳарбий плацдармни яратишга уриниш, одамларимизга руҳий тазйиқ ўтказиш, жамиятда бошбодоқликни, беқарорликни юзага келтириб, кўрқув-ваҳимани ошириш, ўзига, эртасига ишончни йўқотиш эди. Бундай хавф ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам мавжуд бўлмаслигига, афсуски, кафолат кам.

2. Террорчиларга қарши шафқатсиз зарба шуни кўрсатадики, табиий тоғ шароитининг мураккаблиги, террорист жангариларнинг ўзига хос оператив» қувлиги «Ўзбекистон қуроли кучларини гафлатда қолдирмади:

3. Тўрт қардош мамлакат — Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистон раҳбариятининг ўзаро аҳил ҳамкорлиги, Бишкек учрашувида Россия Федерацияси Президенти махсус вакилининг иштирок этиши, баёнотга имзо чеккани, Россия Федерацияси террорчилик, сиёсий ва диний экстремизм, халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳамда минтақа давлатларига таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларнинг олдини олишга қаратилган ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага қўшилиши таклифи кишини қувонтиради. Афғонистондаги вазиятнинг барқарорлашяётгани минтақадаги алоқалар-у ҳамкорликка ишонч уйғотмоқда. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг диний

ва сиёсий экстремистлар томонидан ҳамон мавжуд умумминтақавий хавфни тўлиғисича яхлитликда қатъий ҳамда ўта масъулик билан ҳал этиш борасидаги узлуксиз даъватлари аниқ самаралар бераётгани ибратлидир.

4. Тарихнинг шафқатсиз ҳақиқати сабоқ беради: ора йўлда ярим-ёрти қолдирилган, илдири билан яксон этилиб, таг-туғи билан қўпориб ташланмаган террор хавфлилигича қолаверади. Ўзини «тинчлик тарафдорлари», «сулҳпарвар», деювчилар қутқусига учиб, вайронагарчилик, ўлим олиб келувчи жиноятчилару душманларнинг муваққат чекланганлигига ишонкиш мумкин эмас. Аксинча, уларни, юқорида таъкидлаганимиз, ҳарбий уруш қонунлари билан адолатли шафқатсиз жазолаш лозим. Зотан, қуроли тўқнашувларнинг ҳам, тинч бунёдкорлик ҳаётининг ҳам қиммати бебаҳо.

Душманни ўз қуроли билан уриш — қонуният. Қиличга қилич бас келади. Амир Темур бобомиз сабоғи бу!

5. Халқаро, миллатлараро, фуқаролараро тотувлигимиз, яқдилу яктан жипслигимиз орқали жамиятимизда соғлом муҳитни, барқарорлик ва тинчликни, ишончни янада мустаҳкамлаш лозим. Ҳамма даври давронларда «ҳаёт-мамот» бобида, табиий офатлар пайтида халқ фавқулодда қудрат билан аҳиллашган. Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий қудрат касб этиб бормоқда. Боз устига, сиёсий вазиятни, умумий манфаатларни тўғри баҳоловчи кўшниларимиз ишончли иттифоққа айланмоқда. Тарихий ҳақиқат ҳам биз тарафда.

Террорчилик ҳаминиша уюшган жиноятчилик ва диний экстремизм билан узвийликда мавжуд бўлади. Ислом дунёсида диний экстремизм ёвуз сиёсат мақомини олаётганлиги жумла жаҳонни безовта қилиб турибди. Бунинг сабаби — диний экстремизмнинг аллақачонлар реал куч — хавфга айланганлиги! Диний фанатизм дунёдаги энг хавфли халқаро террорчилик ақидасининг ғоявий ёвуз кўринишидир.

6. Глобал таҳдидни таг-томири билан суғуриб ташлашга йўналтирилган мувофиқлаштирилган амалий ҳаракатларни ишлаб чиқиш ташаббуси, ҳукуматлараро ҳамкорликнинг юзага келгани минтақа барқарорлигини таъминлашга умид уйғотмоқда.

Ислом цивилизацияси, шубҳасиз, инсоният тақдирда буюк маънавий юксалиш бўлди. Бу цивилизациядан биз ўзбекларнинг баҳрамандлиги, аниқроғи, унга қўшган буюк беназир ҳиссамиз жумла жаҳонга маълум ва машҳур. Бошқача айтганда, Куръони Каримни, муқаддас ислом таълимотини Парвардигор арабларга насиб этган бўлса-да, лекин унинг тафсири ва талқинини, ташвиқ ва тарғибини, асосан, туркистонликларга раво кўрганлиги сир эмас. Ёлғиз имом ал-Бухорийни эслаш қифоя... Ҳа, Аллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда. Йўлбошчимиз эътироф этганидек, «диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизда шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз». «Мен, — дейди Президентимиз, — Ўзбекистон раҳбари сифатида қандайдир ёвуз кучлар муқаддас ислом динимизни, ота-боболаримиз эътиқодини, мусулмон фуқароларимизни таҳқирлашга, жамиятимиз ҳаётига хавф туғдиришига ҳеч қачон йўл қўймайман». Эътиқод эркинлиги Конституциявий ифодасини топган қонун мавжуд. Диний ташкилотлар билан муносабатлар қонун асосида ташкил этилган. Улар ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояда ва ҳурмат қилинади. Айни пайтда, улардан қонун олдидаги бурч ҳамда мажбуриятларини бажариш давлатга, дунёвий ишларга диннинг аралашмаслиги талаб қилинади. Бу демократия ва сиёсий — ҳуқуқий фалсафанинг тақозоси. Афсуски, ушбу талабларга ўзини «ҳақиқий мусулмон», деювчиларнинг муайян бир қисми — диний мутаассиблар ҳамиша ҳам риоя қилишмади. Бунинг асл сабабларидан бири истиқлолнинг илк даврида юзага келган табиий мафкурасизлик бўлди. Ўша кеча-кундуз диндорларнинг муайян қисми ёш жамият ғоявий тизимига ислом мафкурасини олиб киришга ҳаракат қилишгани сир эмас. Таассуф билан эътироф этиш керакки, улар ўз ниятларига оз бўлса-да, қисман эришишди ҳам. Айниқса, онги тўлиқ шаклланмаган солда, ғўр ёшларимизнинг бир қисми руҳига, дунёсига ўз таъсирини ўтказишди, улар қалбида бунёдкорлик эмас, вайронкорлик устун келишига муваффақ бўлишди. Жума Намангоний, Тоҳир Йўлдош каби халқаро террорчилар ва уларнинг сўқир маддоҳлари ана шу таъсир самарасидир. (Улардан бир гуруҳи, жумладан, Т.Йўлдошев, Ж.Ҳожиев каби жиноий уюшма раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Олий Суди томонидан адолатли жазога тортилди. Бутун Марказий Осиёда диний

экстремизм, ислом фундаментализми, террорчилик шарпаси кезиб, ваҳҳобийлик, «Ҳизбу таҳрир», «Нурчилар» каби турли ниқоблар остида аниқ сиёсий тажовузкор хатарга айланганлиги сабабларини ана шу омиллардан излашга тўғри келмоқда. Бу хусусда Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...», хусусан, «Эғали юрт эркини бермас» асарларида батафсил мулоҳаза юритган). Ҳолбуки, диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслиги илоҳий қонунлару дунёвий қонунлар билан ҳам аниқ белгилаб берилган. Жумладан, Куръонда кимки, гуноҳсиз бир бандани ўлдирса у бутун одамзодни ўлдирган бўлади, деб айтилган. Ҳадисда эса кимки, қасд юзасидан бир мўмин-мусулмонни ўлдирса, ҳозирдан ўз жойини дўзахдан белгилаб қўйсин, дейилган. Ўзларини «асл мусулмон», деб ҳисобловчи, ислом тозалиги учун «курашувчи» бадбахт, дўзахи жангарилар ва уларнинг ғоявий ҳомийлари — ватангадолар ушбу илоҳий қонунлар — талабларни ҳам оёқ ости қилишди.

Хўш, диний экстремизм ва ақидапарастликнинг таҳдидлари нималарда аниқ намоён бўлади? Улар мақсади нима?

Биринчидан, халқнинг ислоҳотчи давлатга, демократик тараққиётга ишончини йўқотиш, беқарорлик, миллатлараро, фуқаролараро тотувликни бузиш, жамиятни ғоявий кучсизлантириш орқали ўз сиёсий қабиҳ ниятлари — конституциявий тузумни барбод этиш, ислом давлатини тузиш;

иккинчидан, мафкуравий кураш ташаббусини қўлга олиш, одамлар ақлига, тақдирига ҳукмронлик қилиш;

учинчидан, мамлакат ва минтақада «ҳақиқий» ҳамда «сохта» диндорлик белгилари асосида ғоявий-сиёсий қарама-қаршиликни келтириб чиқариш;

тўртинчидан, ислом дини негизида ўз ёвуз тасаввурларини зўрлаб сингдириш орқали террорчилар, жангариларнинг янги-янги авлодларини тарбиялаш;

бешинчидан, маърифий, хусусан, мусулмон дунёсига Ўзбекистонни демократик ҳуқуқий дунёвий давлат эканлигига шубҳа уйғотиш, обрўсизлантириш;

олтинчидан, ислом билан бошқа диний цивилизациялар ўртасига раҳна солиш, Йўлбошчимиз таъбири билан айтганда, «цивилизациялар тўқнашуви»ни келтириб чиқариш орқали Ўзбекистоннинг жаҳон ҳам-

жамиятига интеграциялашуви жараёнига тўсқинлик қилиш;

еттинчидан, одамлар онгида мавжуд барча қийинчилик, муаммо ва зиддиятларнинг ягона тўғри универсал ечими фақат ва фақат дин, деган эътиқодни шакллантириш;

саккизинчидан, экстремизм, хусусан, ислом фундаментализми муайян мусулмон давлатларигагина қаратилган ҳаракат, деб Қарбни ишонтириш.

Афсуски, Қарб 11 сентябрь воқеаларига қадар ўз сиёсий манфаатларидан келиб чиқани ҳолда, бунга маълум даражада ишонмоқда ҳам эди. Қоявий-мафкуравий кураш баравж паллада янги мустамлакачилик, буюк давлатчилик шовинизми, дунёни бошқатдан бўлиб олиш, яъни «парчалаб ташла ва ҳукмрон бўл!» мақсадлари йўқолмаган ҳозирги даврда бу ишонч аниқ хавфга айланиши муқаррар эди. Боз устига, исломни ва исломий маданият давлатларини янги «ёвузлик салтанати» ва ялпи хавф-хатар, деб тасаввур қилиш баҳонасида хориж муҳолиф кучларининг, айниқса, оммавий ахборот айрим воситаларининг «босиқ бўлиш»га даъватлари моҳиятида муайян геополитик мақсадлар ҳам борлиги сабаби, жумладан, ана шуларда намоён бўлар эди.

Лекин маърифий дунёнинг соғлом кучлари турфа цивилизациялар ўзаро фойдали манфаатлар йўлида ёнма-ён яшаши муқаррар, деб ҳисобламоқдалар. Уларнинг халқаро террорчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кескин муносабатлари фикримиз исботи.

Халқаро террорчилик ва қўпоровчилар марказлари ҳомийлари ва шотирларининг мақсадларини Ислом Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясидаги маърузасида қуйидагича белгилади: *биринчидан*, «Ҳақиқий исломни тиклаш» ғояси остида Ўзбекистонни, бутун минтақани танлаган йўлидан ортга қайтариш;

иккинчидан, ўзбек халқини буюк бой меросидан айириш, ота-боболаримиз буюрган истиқбол йўлидан қайтишга мажбур этиш;

учинчидан, асрий асл мусулмончилик қадриятларини топташ, азалдан Ислом ривож топиб келган маконни вайрон этиш;

тўртинчидан, гиёҳванд моддаларни ўтказиш учун

йўллар — коридорлар очиш, бу коридорларни ҳимоя қилиш ва ҳоказо.

Муайян марказлар томонидан пухта ишланиб, мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилаётган таҳдидлар олдини олиш, террорчи экстремистларнинг ўз мақсадларига етмасликларини таъминлаш чора-тадбирлари Президентнинг юқорида таъкидланган маърузасида, шунингдек, унинг ҳуқуқий асослари иккинчи чақириқ Олий Кенгашнинг тўртинчи сессиясида қабул қилинган «**Терроризмга қарши кураш тўғрисида**»ги қонунда аниқ белгилаб берилган. Энг муҳими, халқ бундай хавфнинг ўта хатарли эканлигини тушуниб етганлигини, уларга кескин зарбалар беришга, керак бўлса, азиз жонини тикишга тайёрлигини қатъий айтди, айтажак. 2000 йил ноябр ойида террорчилар гуруҳи устидан ўтказилган суд жараёни ва натижаларига муносабат орқали Ўзбекистон халқи ўз аҳдини яна бир бор амалда исбот қилди.

Олти боб, ўттиз икки моддани ўз ичига олган «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунда унинг мақсад ва асосий вазифалари, терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, бу курашнинг асосий принциплари, террорчилик фаолиятининг олдини олиш ва терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашиш масалалари белгилаб қўйилган.

Қонуннинг асосий қисмида давлат органларининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари, террорчиликка қарши операцияларнинг ўтказилиши, террорчилик ҳаракати оқибатида етказилган зарарни қоплаш ва жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси, терроризмга қарши курашда иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси масалалари юзасидан вужудга келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмини аниқлаб беради. Пировардида террорчилик фаолиятида иштирок этганлик ҳамда терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка сабаб бўлувчи асослар белгилаб қўйилган.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш жараёнида Америка Қўшма Штатлари, Италия, Германия, Франция, Россия Федерацияси, Қозғоғистонда қабул қилинган қонунлардаги қоидалар ҳам кўриб чиқилди. Натижада қонунда террорчилик

фаолиятининг олдини олишга қаратилган профилактик, ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва тарғибот йўналишидаги чораларга алоҳида эътибор берилди.

Биз юқорида Ўзбекистон «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра», деган шафқатсиз ҳақиқат билан юзма-юз келганлигини афсус-ла, эътироф этган эдик. 11 сентябрь воқеаларидан кейин бутун дунё ушбу ҳақиқат билан рўбарў келди. Тинчлик учун кураш, ниҳоят, глобал мақом касб этди, дунё онгли равишда бирдамлашди. Бу жараёнда Ўзбекистон четда қолиши мумкин эмас эди. Халқаро терроризмни туғдираётган, унинг ҳақиқий раҳнамоси бўлган, халқаро майдонда жойлашиб олган экстремистик марказларни таг-томири билан яксон қилиб ташлашдан бошқа иложи йўқлиги дунё миқёсида англаб етилди. Ниҳоят аксар давлатлар раҳбарлари бу масала бўйича Ўзбекистон билдирган ташаббус ва даъватларни ўринли ҳамда ўз вақтида огоҳлантириш эканлигига амин бўлишда. Маърифий дунё XXI аср бошида бу ёвузликка қарши курашда бирлашди. Исботи АҚШ ва Буюк Британиянинг ҳамкорликдаги Ироқ режимини барбод этганлиги бўлди.

Ўзбекистон халқаро терроризмга қарши уюшган коалицияга фаол қўшилди. Республикамиз ҳукумати АҚШ ҳукумати билан қўшма Баёнот қабул қилди. Терроризмга қарши кураш соҳасида икки мамлакат ҳамкорлиги принциплари белгилаб берилган. Баёнотда ҳамкорлик афғон халқига ёки ислом динига эмас, балки террорчиликка, унинг марказлари-ю ҳомийларига, барча инфратузилмаларига қарши, бу инфратузилмаларни таг-томир билан йўқотишга қаратилгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Афғонистонда ин куриб олган халқаро террорчиларга қарши курашда ўз ҳаво йўлларини АҚШнинг гуманитар мақсадларда юк ташувчи ҳарбий-ҳаво кучларига очиб бериш, аэродромлардан бирини шу мақсадда фойдаланиш учун вақтинча бериш мажбуриятини олди.

Бироқ баъзи сиёсий кучлар, давлат, жамоат арбоблари ва оммавий ахборот воситаларини, авваламбор, узоқ-яқинимиздаги айрим давлатларни, Ўзбекистон ажратиб берган аэродромда Америка Қўшма Штатлари ҳарбийларининг жойлашгани ва шу аэродромнинг кейинги тақдири кўпроқ безовта қилмоқда.

Улар, Америка ҳарбийлари бу ерда доимий қоладими ёки вақтинчаликми, умуман, бу ҳарбий кучларнинг эртанги режалари нимадан иборат, деган мазмундаги ўз «ташвишлари»ни ҳам баён этишиб, бу борада кўплаб миш-миш ва уйдирмалар ҳам тарқатишга эришди.

Бироқ, Америка Қўшма Штатлари бу аэродромни қандай мақсадлар учун ишлатиш ва қандай чегаралардан чиқмаслиги ҳақидаги барча саволларга Ўзбекистон билан ушбу мамлакат ўртасида тузилган ҳуқуқий ҳужжатда аниқ жавоб берилди.

Ўзбекистон позициясининг тағ-замирида, халқаро терроризмга бундан буён мутлақо тоқат қилиб бўлмаслиги, иллатни тағ-томири, бошпанаси, сув ва нафас йўллари билан бирга бутунлай қўпориб ташлаш қатъияти ётибди.

Бугун жафокаш афғон заминиде тинчлик, осойишталик ўрнатилмоқда. Аммо Президент таъкидлаганидек, «ҳозирги вақтда Афғонистон ҳудудида бир қарашда ҳарбий ҳаракатлар якунланаётгандек туюлса-да, аҳвол ҳали-ҳануз кескин эканини, аниқроқ айтганда, мураккаб вазият сақланиб қолаётганини англашимиз мумкин. Ва бугунги кўпгина минтақаларда мавжуд вазият, қолаверса, бутун курраи заминдаги аҳвол кескин ва нотинч бўлиб турганини ҳеч қачон эътиборимиздан соқит қилмаслигимиз даркор».

Шунинг учун нафақат яқин-атрофимизда, балки узоқ-яқин ҳудудларда содир бўлаётган воқеаларни ҳам синчиклаб ўрганиб, улардан тўғри хулоса чиқариш, улар кимнинг манфаатига жавоб беришини, бу ҳаракатлар замирида бир қарашда кўзга ташланмайдиган қандай пинҳона мақсадлар ётганини чуқур таҳлил қилишимиз зарур. Чунки бу воқеалар Ўзбекистонга, унинг келажагига, юртимиз хавфсизлигига, бир сўз билан айтганда, бизнинг миллий манфаатларимизга қандай таъсир қилишини англаб, сезгир бўлиб яшашимизни бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда».

Иккинчи чақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессиясида парламентнинг Ўзбекистон халқига «Терроризмга қарши курашда бирга бўлайлик» Мурожаати яна бир бор элу юртни огоҳликка чорлади, чорламоқда. Сабаб, жумладан, терроризмнинг такомиллашаётганида, усулу воситалари, йўлларининг хавфлилиги фавқуллотда ортиб бораётганлигида. Тер-

рорчиликнинг ҳар бири олдингиларидан ўта шафқатсизлиги билан ажралиб турмоқда. Жаҳон ҳамжамияти халқаро террорчиликнинг такомиллашиб бораётган янги-янги усулларига қақшатқич зарбалар беришга ҳамиша тайёр бўлиб, огоҳ бўлиб туриши лозим. Жумладан, кибертеррорчилик, оммавий ялпи қирғин олиб келувчи биологик ва кимёвий қурооллардан, ядровий технологиялардан фойдаланишлар олдини олиш заруратдир.

«Биз яхши тушунамиз, — деди И.А.Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган *«Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари»* дастурий нутқида, — бугун янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш йўлида қўлга киритаётган ютуқларимизни, амалга ошираётган ишларимизни кўра олмайдиган, юртимизга кўз олайтираётган маълум кучлар ўз қабиҳ ва нопок ниятларидан ҳали ҳам қайтган эмас. Шунинг учун ҳам халқимизнинг орзу-интилишларини ўзида мужассам этган, бугун юртимизда шиор бўлиб қолган *«Ўз уйингни ўзинг асра!»* ва *«Тинчлик учун курашмоқ керак»*, деган ҳаракатларимизни янада кучайтиришимиз, доимо огоҳ бўлишимиз керак.

Шуни катта мамнуният билан таъкидлашимиз зарурки, жаҳон ҳамжамияти халқаро терроризмга қарши эълон қилган курашда давлатимиз ва жамиятимиз ҳам қатъий бел боғлаганини дунё майдонида бугун кўпчилик тан олмоқда ва Ўзбекистонимизга ҳурмат-эътибор билан қарамоқда».

XXI аср ибтидосидаги террорчиликнинг ёвуз қиёфаси эволюционлашиб бораётган бу балога қарши курашишнинг ягона умумжаҳоний тизими зарурлигини, цивилизациялашган инсониятнинг бирдам курашишини тақозо этмоқда. *Бошқа муқобил йўл йўқ. «Минтақавий хавфсизликдан глобал хавфсизлик сари»* миллий ғояси айнан ана шундай умумдунёвий ҳамжиҳатлик, бирдамликка мўътабар сафарбарлиги билан Ўзбекистонни, унинг *«Халқаро миқёсдаги буюк давлат арбоби»* мукофоти совриндори Йўлбошчисини тинчлик учун, халқаро терроризмга ва диний ақидапарастликка қарши курашда жаҳонро тан олинган яловбардор қилди, дунёвий имиджини сарафроз этди.

«Давлатни бошқариш санъати — санъатларнинг энг улуғи» (Демокрит). Бутун бир халқнинг, бутун бир мамлакатнинг тақдири ақл-идрок бошқарувида. Буни теран англаган Каримов — тарихий, ижтимоий ҳодиса. Янги дунёнинг Янги Одами, Раҳбари ва Йўлбошчиси, воқеа-ҳодисаларни мақсадга мувофиқлик асосида мутлақо янги йўналишга, умумманфаат йўлига сола олишдек қудрат кишисига — беҳад улкан Шахс — Арбобга айланди. Янгиланиш, Тикланиш, Эркинлаштириш сиёсати бош ақоиди бўлмиш Ислоҳ Каримов ўз сиёсий истеъдодини тўла намоён қилди ва қилаётир. У Халоскор ва Асосчи мақомида тарихга кириб бўлди. Давлатни ҳақоратлару таҳқирлар, қону жон, талафотлар пайтида олиб, уни тинч, барқарор порлоқлик сари ишонч билан бошламоқда. Бўлажак тарихчи ва сиёсатшунослар унинг фаолиятини мукамал ўрганиб, тегишли адолатли баҳолар чиқариши муқаррар. Лекин, шукроналар бўлсинки, ўн икки йиллик истиқлол тарихи ҳозирнинг ўзида ўз ҳукмини чиқариб бўлди. Бу Ҳукм — буюк келажак сари шахдам олға бораётган мустақил Ўзбекистондир. Бу Ҳукм — жаҳон меҳвариди тенглар ичра тенг, озод ва обод мамлакатнинг, Марказий Осиё минтақасидаги етакчи йирик демократик давлатнинг мавжудлиги ҳамда истиқболлилигидир.

ХОТИМА

Инсоният тараққиётининг ҳар бир тамаддун босқичи янги-янги муаммолару уларни омилкорлик билан бартараф этиш қонуниятларидан иборат. Муаммолар ечими эса стратегик вазифаларни аниқ белгилаб олиш, улар ижроси механизмларини пухта ишлаб чиқишга боғлиқ.

Мустақил Ўзбекистон истиқлол ва тараққиёт йўлини «Ўзбек модели»нинг ўзига хосу ўзига мос машҳур беш тамойили асосида стратегик аниқ белгилаб, буюк келажаги сари дадил юз тутди. Беш тамойил миллий камолотнинг яхлит квинтэссенцияси сифатида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, унинг негизида очиқ фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг назарий-амалий пойдеворига айланди.

Ўзбекистон жамияти ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш, демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг олти устувор йўналиши ҳамда етти мақсад-вазифалари «Ўзбек модели»нинг беш тамойили силсиласида муштарак стратегик моҳиятлар касб этишди. Беш тамойил ва унга асосланган олти устувор йўналиш ҳамда етти мақсад-вазифа яхлит назарий-амалий тизим, Йўлбошчимиз И.А.Каримовнинг тугал сиёсий фалсафаси кашфиёти сифатида мустақил Ўзбекистонни демократик цивилизация уфқлари сари бошламоқда. Бу уфқнинг номи адолатли очиқ фуқаролик жамиятидир.

Фуқаролик жамияти муаммоси — асрий муаммо, инсониятнинг азалий орзу-идеаллари олами. Қадим Бобулнинг «Хаммурапи қонунлари»дан қадим Ҳиндистоннинг ведаларигача, миллий халқ оғзаки ижоди намуналари ғояларидан «Авесто», яъни зардуштийлик таълимотигача, қадим Рим, қадим Эллада, қадим Хитой сиёсий-ҳуқуқий таълимотларидаги «идеал шоҳ», «иде-

ал шаҳар (давлат)», «идеал жамият» ҳақидаги қарашлардан буюк мутафаккур бобокалонларимизнинг, ўрта аср Оврүпоси ва XIX—XX асрлар сиёсий фалсафаси ғояларигача фуқаролик жамияти ҳақидаги орзулар ҳамда уларнинг рўёби муаммолари ҳамиша ҳам назарий, ҳам амалий долзарблик касб этган. Булар тарихий-ретроспектив йўналишда китобда таҳлилий умумлаштирилиб берилган.

Айни пайтда, жаҳоний назарий ва амалий тажрибаларга асосланган ҳолда, мустақил Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш билан боғлиқ ўзига хос муаммолар ечими мазкур тадқиқотнинг бош мавзусига айланди. Албатта, ўн икки йиллик мустақиллик даврида мамлакатимизда рўй берган, бераётган ижтимоий янгиланишлар кўлами ва моҳиятига, инсониятнинг демократик цивилизацияси меҳварига фуқаролик жамияти шаклида қандай кўтарилаётганимизга одил ҳукми тарих беради.

Ўзбекистон ўз Йўлбошчиси раҳнамолигида адолатли шундай жамиятни шакллантириш йўлига қатъий қадам қўйди.

Миллий тараққиёт моделининг барча принциплари бозор цивилизациясининг демократик афзалликларини фуқаролик жамияти афзалликлари билан уйғун вобаста қилишга қаратилган. Бу жуда юксак тарихий масъулият бўлиб, турли жабҳаларнинг туб ислоҳий жараёнларида уни қатъий инобатга олишга тўғри келади. Гап ёлғиз фуқаролик жамиятини шакллантириш устидагина эмас, айни пайтда, цивилизациянинг аниқ ривожи хусусида ҳам кетяпти.

Бундай тақдириломон буюк ўзгаришлар тажрибасини бирор бир давлат осонликча бошдан кечиргани йўқ. Шу боис, назаримизда, мустақиллик йиллари табиий ҳолда биз учун осон кечмади, кечмаяпти. Ўзбекистон собиқ иттифоқдош республикалар сингари ўтиш босқичидек мураккаб жараённи қийинчиликлар билан кечинди, кечинмоқда. Бу табиий қийинчиликлар миллий тараққиётимизнинг ўзимизга хос ялпи туб ислоҳотлар йўли ва уларнинг амалий самаралари орқалигина омилкорлик билан босқичма-босқич бартараф қилинди. Жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонда рўй бераётган ялпи демократик ўзгаришларни қаттиқ кузатиб турибди. Биз

табий равишда уларга кўп эътибор бериб турмадик, чунки шундай йўл ва стратегик мақсадни етти ўлчаб, бир кесган ҳолда ўзимиз танладик. Ҳар бир миллат танлаган тараққиёт йўлига эса ҳамиша хайрихоҳлик билан қараш, баҳо бериш лозим.

Мамлакатимиздаги ислоҳий жараёнлар ҳақида ўзимизда ҳам, хорижда ҳам етакчи олимлар, сиёсатчилар, иқтисодчилар, жамоат арбоблари турлича фикр-мулоҳазалар билдиришди, билдиришмоқда. Улар, шубҳасиз, ҳар хил бўлади, бўлмоқда. Лекин аксар кўпчилик Ўзбекистон танлаган истиқлол йўли ва стратегиясини тан олди. Нафақат, тан олди, айти пайтда, ўз мамлакатлари ривож стратегиясида, кеч бўлса-да, Ўзбекистон йўлини ҳам танлашди. Жумладан, Россия Федерациясида. «Фалаж терапия»си оқибатларидан сўнг Россия давлати тараққиётини босқичма-босқич тадрижий йўл билан таъминлаш усулига ўтди. Биргина шу фактнинг ўзи ҳам «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» тамойилига асосланган «ўзбек модели»нинг ягона тўғри, истиқболли йўл эканлигини яна бир бор исботлади.

XX аср инсоният тарихида кўплаб зиддиятли муаммолар қолдирди. Ўта оғир, қонли инқилобий даҳшатлар, сиёсий, ижтимоий ва ҳарбий катаклизмлар шулар жумласига киради. Шу билан бир қаторда муайян омиллар ўтган асрни озодлик ва мустақиллик асри ҳам, деб аташга имкон беради. Жумладан, Ўзбекистон ҳам ана шу саодатдан бебаҳра қолмади. Биз буюк келажакимиз сари ишончу ифтихор билан юз тутдик.

Ўзбекистон халқи танлаган инқилобий ларзаларсиз йўл туб ислоҳотлару ялпи янгиланишларнинг тадрижий йўлидир. Эҳтимол, шу сабабдир, аҳён-аҳёнда мамлакатда ўзгаришлар секин кетаяпти, деган гаплар ҳам учрайди. Ўзбекистон халқи яшаётган давр, вақт, мустақилликнинг ўн икки йилги тараққиёти ҳақида, шубҳасиз, ёлғиз тарихгина одил ҳукм чиқаради. Назарийчилар ва мутахассислар ҳали анча вақт истиқлол даври ютуқ, самараларини ўрганиши муқаррар. Шунга қарамасдан истиқлол йўли сабоқлари муайян хулосалар қилишга имкон беради.

Ўзбекистон тамаддун демократик ҳуқуқий давлат мақомига эга бўлишга интилиб, мустақиллик ғояси-

нинг пайдо бўлишидан уни амалга ошириш ва такомиллаштиришдек мураккаб тадрижий тараққиёт йўлини кечинди. Бой давлатчилик тарихига эга ўзбек халқи тоталитар замонда ҳам миллий мустақиллик ғоясидан воз кечмаган эди.

Истиқлол қўлга киритилгач, 1991 йил декабрида собиқ иттифоқдош республикалари орасида яна биринчи бўлиб И.А.Каримов кўппартиявийлик, муқобиллик, бутун халқ томонидан бевосита ва тўғридан-тўғри сайлов асосида Президент қилиб сайланди. 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Давлат ва жамият қурилишининг янги демократик принциплари шаклланди, миллий тараққиётнинг «ўзбек модели» ишлаб чиқилди.

Замонавий бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш, очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш туб ислохотларнинг стратегик мақсади қилиб белгиланди. Булар ҳаммаси халқ томонидан қизғин қўллаб-қувватланилган ялпи янгиликларнинг ижобий натижалар беришига асос бўлади.

Миллий иқтисодиёт мустақил ривожининг бош ютуқларидан бири — бу мамлакатнинг дон ва ёқилғи мустақиллигига эришгани, хўжалик фаоллиги пасайишининг олди олинганлиги, минг йилликлар арафасида иқтисодиёт барқарор ўсишининг таъминланганлиги бўлди. Ушбу омиллар жамият ҳаётининг барча соҳаларини ялпи ислох қилишда бош асос бўлиб хизмат қилди.

Бироқ иқтисодиётни маънавиятдан айри, бирининг иккинчиси устидан устун ҳолда қарамаслик лозим.

Истиқлолнинг илк кунлариданоқ, иқтисодиётимиз мафкурасизлаштирилди. Асосий мақсад иқтисодиётни ёвузлик империясидан мерос тоталитар мафкурадан тезроқ холи бўлиши эди. Мақсад ўзини тўла оқлади.

Жамият олдида нисбатан мураккаб вазифа турарди. У ижтимоий цивилизациянинг янги инсоний қадриятлари асосида иқтисодиёт билан мафкура ўртасидаги ўзаро узвийликнинг уйғун тизимини яратиш эди. Иқтисодий ислохотларни ғоявий жиҳатдан, миллий тикланиш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш

жараёнларини мафкуравий соғлом таъминлаш масалаларига тобора кўпроқ эътибор қаратилгани, қаратилаётгани сабаблари айнан ана шунда.

Жамиятда мафкуравий бўшлиққа йўл қўймаслик давлатнинг бош стратегик мақсадига айланди. Жамият жиддий ва ўта масъулият билан мафкуранинг нисбий мустақил ҳодиса эканлиги омилини ҳисобга олган ҳолда, миллий истиқлол мафкурасининг яхлит концепциясини яратишга киришди. Ушбу сиёсатнинг тизимий асоси бўлиб конституциявий мафкуравий плюрализм, фикрлар ва ғоялар хилма-хиллиги демократизми, Ислом Каримовнинг «Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин», деган ғоявий плюрализм фалсафаси хизмат қилди.

«Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» мажмуий миллий ғояси ва унинг негизида «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» сиёсий қурилиш дастури ишлаб чиқилди. Айни пайтда, мустақил давлат ўз ички сиёсати стратегиясини босқичма-босқич тадрижий ривожланиш, «Озод бўлсанг — озод бўл, эркин бўлсанг — эркин бўл, мустақил бўлсанг — мустақил бўл!», «Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби» шиорлари негизида белгилади, ташқи сиёсатда бош тамойиллар қилиб «Минтақавийликдан глобаллашув сари» ва «Минтақавий хавфсизликдан — глобаль хавфсизлик сари», деган ғоялар асос қилиб олинди.

Ўзбекистон БМТ аъзоси сифатида ўзаро тенглик асосида дунё билан демократик алоқалар ўрнатди. Жамият эркин танлаш, тенглик, хавфсизлик ва умуминсоний қадриятларга асосланган ташқи сиёсатда янгича халқаро алоқалар манфаати йўлидаги ҳамкорлик учун ҳамиша очиқ эканлигини бот-бот исботламоқда. Ўзбекистоннинг халқаро террорчиликка қарши умумдунё коалициясига қўшилгани фикримиз исботидир.

Жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ қилиш, демократик янгиланишларни янада чуқурлаштиришнинг ҳозирги сифат босқичи бу — Ўзбекистон демократик ривожланиши тарихининг янги босқичидир. Босқичнинг ижтимоий-сиёсий сифат фалсафаси эркинлашти-

риш ва очик фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш стратегияларида теран намоён бўлди.

Ушбу йўналишларда амалга оширган ишларимизни қатъият билан давом эттириш, уларни халқимиз орзу қилган марраларга етказиш бош стратегик вазифа бўлиб турибди. Вазифа ижроси ушбу мақсадларни ўзида мужассам этган дастурда аниқ белгилаб берилди. Бу дастурнинг негизини ташкил этувчи устувор вазифалар Ислом Каримов сиёсий фалсафасининг навбатдаги кашфиёти бўлган фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг аниқ белгилаб берилган етти стратегик мақсад тимсолида теран англаб олинди.

Давлат жамияти бўлмиш фуқаролик жамиятини Ўзбекистонда шакллантиришнинг энг асосий, энг муҳим устувор мақсади, аввало, мустақилликни янада асраб — авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш, деб белгиланди. Айнан шу мақсад «мамалакатимизни сиёсий жиҳатдан ривожлантириш, иқтисодиётни модернизация қилиш, жамиятни маънавий янгилаш борасида олиб бораётган барча ислохотларимизнинг мезони»¹, деб баҳоланди.

Иккинчи устувор йўналиш мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларимизнинг тинчлиги ҳамда осойишталигини таъминлаш, деб белгиланди.

Бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш — учинчи устувор йўналиш сифатида белгиланди.

Фуқаролик жамияти — эркин, очик, адолатли жамият. Унда инсон ва фуқаро ҳуқуқлари, эркинликлари, оммавий ахборот воситалари эркинлиги, ошкоралик, демократик плюрализм энг бош қадриятлардир. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг тўртинчи асоси қилиб айнан ана шу тақдириломон моҳиятларнинг танланганлиги айни муддао.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. -Т.: Ўзбекистон, 2002. — 17-бет.

Нодавлат ва жамоат ташкилотларининг жамият ҳаётидаги ўрни, мавқеи ҳамда демократик мақоми фуқаролик жамиятининг асосидир. Бешинчи устувор мақсад ана шу умумқоидага, яъни «Адолат-қонун устуворлигида» тамойили қатъий амал қилиши қонуниятда зуҳур топган. Ушбу қонуниятда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили моҳиятан мавжуддир.

Суд-ҳуқуқ идоралари мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини, қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг ҳақиқий устуворлигини амалда сўзсиз тўлиқ таъминлаш — олтинчи муҳим йўналиш, деб топилди.

Инсон омили, инсон мезони еттинчи устувор мақсад-вазифа сифатида қайд этилди. Чунки барча ислохотлар, демократик янгиланишлар, фуқаролик жамияти қуришдек олий мақсаднинг серсамар пировард натижаси, аввало, инсон омили, инсон мезонлари билангина белгиланади. Ҳамма нарса, барча ислохотлару янгиланишлар, энг аввало, инсон ва фуқаро манфаатлари, уларнинг бахт-саодати, баркамоллиги учун амалга оширилади. Бу аслида адолатли фуқаролик жамиятининг моҳият-мундарижасидир. Зотан, фуқаролик жамияти ўз асл мақоми билан энг инсоний, энг демократик, энг очиқ, одил, демак, бахт — саодат, фаровонлик жамиятидир.

Ислом Каримов сиёсатининг, сиёсий ва ҳуқуқий фалсафасининг том мазмун — моҳияти ҳам айнан ана шу буюк ният — олижаноб мақсадга сафарбарлиги билан мўътабар.

Ўзбекистон Йўлбошчиси даҳоси ўлароқ, ўзининг навбатдаги цивилизациялашган ақлий ривож босқичига қадам қўйди.

Президент шахс конституциясининг нодир «модда»лари, харизм қудрати, етти ўлчаб, бир кесилган рационал сиёсати, Халоскорлик, Асосчилик, Йўлбошчилик неъмат мустақил миллий давлатчилигимизнинг буюк келажак сари йўлини белгилаб, таъминлаб берди.

Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш асосида адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришдек муқаддас цивилизация айнан ана шу Аллоҳ сийлаган ноёб Инсон — Арбобнинг тарихан буюк

муъжизаси бўлди. Ислом Каримов ўзи асос солган мустақил Ўзбекистоннинг рамзига айланди.

Озод ва обод Ўзбекистон, эркин ва фаровон Юрт ўз Асосчи — Йўлбошчиси тимсоли-ю доно раҳбарлигида одил фуқаролик жамияти барпо этиш, унинг конституциявий-ҳуқуқий асос-заминларини мустаҳкамлаш негизда муқаррар буюк истиқбол — келажак сари мағрур бормоқда.

МАЪЛУМ ҲАҚ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 12 июльдаги қарори билан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 12 июльдаги қарори билан тасдиқланган.

- 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 12 июльдаги қарори билан тасдиқланган.
- 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 12 июльдаги қарори билан тасдиқланган.
- 3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 12 июльдаги қарори билан тасдиқланган.
- 4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 12 июльдаги қарори билан тасдиқланган.
- 5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 12 июльдаги қарори билан тасдиқланган.
- 6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 12 июльдаги қарори билан тасдиқланган.
- 7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 12 июльдаги қарори билан тасдиқланган.
- 8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 12 июльдаги қарори билан тасдиқланган.
- 9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 12 июльдаги қарори билан тасдиқланган.
- 10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 12 июльдаги қарори билан тасдиқланган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 12 июльдаги қарори билан тасдиқланган.

- 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 12 июльдаги қарори билан тасдиқланган.
- 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 12 июльдаги қарори билан тасдиқланган.
- 3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 12 июльдаги қарори билан тасдиқланган.
- 4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 12 июльдаги қарори билан тасдиқланган.
- 5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 12 июльдаги қарори билан тасдиқланган.
- 6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 12 июльдаги қарори билан тасдиқланган.
- 7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 12 июльдаги қарори билан тасдиқланган.
- 8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 12 июльдаги қарори билан тасдиқланган.
- 9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 12 июльдаги қарори билан тасдиқланган.
- 10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 12 июльдаги қарори билан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 12 июльдаги қарори билан тасдиқланган.

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА	3
------------------------	---

БИРИНЧИ БЎЛИМ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ (НАЗАРИЙ-ТАРИХИЙ ТАЛҚИН)

<i>I боб:</i> Фуқаролик жамияти — инсон социумининг мустақил тизими	7
<i>II боб:</i> Фуқаролик жамиятининг иқтисодий асослари	45
<i>III боб:</i> Фуқаролик жамиятида ҳокимият ва давлат қурилиши ..	72
<i>IV боб:</i> Ҳуқуқий давлат моҳияти	93
<i>V боб:</i> Ижтимоий тараққиёт устуворлиги	104
<i>VI боб:</i> Фуқаролик жамияти — очиқ жамият	125
<i>VII боб:</i> Сиёсий тизим ва сиёсий етакчи	132

ИККИНЧИ БЎЛИМ ЎЗБЕКИСТОН: ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ ОЛИС ЙЎЛ

<i>I боб:</i> Мутафаккир тарих	148
<i>II боб:</i> Социализмнинг боши берк кўчаси	189
<i>III боб:</i> Мустақилликнинг дастлабки ўн икки йили ислоҳотлари ..	210
<i>IV боб:</i> Конституциявий давлатчилик — фуқаролик жамияти асоси	232
<i>V боб:</i> Ислоҳотларнинг «ўзбек модели» ва эркинлаштириш имкониятлари	263
<i>VI боб:</i> Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари: назария ва амалиёт	289
<i>VII боб:</i> Биринчи Президент	352
ХОТИМА	502

МУРОД ШАРИФХУЖАЕВ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ОЧИҚ ФУҚАРОЛИК
ЖАМИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Брош таҳририяти
Тошкент — 2003

Муҳаррир *А. Аҳмедов*
Бадий муҳаррир *А. Мусахўжаев*
Техник муҳаррир *Р. Бобохонова*
Саҳифаловчи *Т. Огай*
Мусахҳидлар *Ю. Бизаатова, Ш. Хуррамова, Ё. Баҳодирова*

Теришга берилди 14.05.2003. Босишга рухсат этилди 30.07.2003.
Бичими 84x108^{1/32}. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма
табоғи 26,9. Нашриёт-ҳисоб табоғи 27,0. Адади 5000 нусха. Буюртма
№ 4957. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.

Ш—26

Шарифхўжаев Мурод

Узбекистон очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. — Т.: «Шарқ», 2003. — 512 б.

ББК 66.3(5У)+67.4000(5У)



Мурод Шарифхўжаев Тошкент шаҳрида таваллуд топган.
1953 йил Тошкент Молия-иқтисод институтини имтиёзли диплом билан тамомлади.

1959 йил номзодлик, 1974 йил докторлик диссертацияларини ёқлади.

Ўзбекистон Давлат Режа қўмитаси ҳузуридаги илмий-тадқиқот институтида директор, Тошкент халқ хўжалиги институти ректори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Бош илмий котиби лавозимларида фаолият кўрсатди. 1994-1995 йилларда М.Ш.Шарифхўжаев Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Бош Вазирнинг муовини — Мақроиқтисодиёт Давлат Қўмитасининг расиси, 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиш Академиясининг биринчи ректори лавозимларида хизмат қилди. Ҳозирда Тошкент Молия институти ректори. Ун бешдан ортиқ дарслик ва монографиялар муаллифи бўлган аллома раҳбарлигида 70 дан ортиқ мутахассислар докторлик ҳамда номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, Хизмат кўрсатган фан арбоби, Хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси М.Ш.Шарифхўжаев иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатидир.

